

МУМИН ХОШИМХОНОВ

МАШРАБИ МУЪТАБАР ЎЗУМ

Биринчи китоб

(Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари)

(Тўлдирилган иккинчи наشري)

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент
2008

Такризчилар:

**филология фанлари номзоди, доцент Усмонжон Қосимов,
фалсафа фанлари номзоди, доцент Сирожхон Ғозиев.**

Фалсафа фанлари номзоди Мўмин Ҳошимхонов мазкур монографиясида ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодиётига муурожаат этиб, шу пайтгача бўлган баъзи мавҳум фикрларни холисона таҳлил этиб, унинг ғазалларининг фалсафий моҳияти, ундаги мажозий маъно-Ишқи Илоҳий ҳақидаги ғояларни тадқиқ қилади.

Муаллиф мутафаккир дунёқарашини ижтимоий-иқтисодий ва маънавий шарт-шароитлар, ғоявий-назарий манбалар асосида ўрганиб, унинг ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий ғояларини тадқиқ қилиб, шу ғояларнинг умуминсоний ва инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиб беради.

Машрабнинг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб бериш монографиянинг мазмунини белгилайди.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, аспирантларга ва Машраб ижодиёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Мўмин Ҳошимхонов

© Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008

Наманган диёрининг маънавий қиёфасини Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Усмон Носир каби буюк зотлар белгилайди.

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон
Республикаси Президенти*

Шухрат Машраб ҳақида роман ёзган, уни давом эттириш нияти бор эди, ғанимлар унга йўл беришмади.

Ушбу китобимни Бобораҳим Машрабни ботиний севган ёзувчи Шухратнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

БУ ОЛАМ АҲЛИ ИЧРА, ДИЛ ПАРИШОН ЎЛМАСУН ҲЕЧ КИМ!

“Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Термизий, Беруний, ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий, Машраб ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир”¹.

Ўзбекистон Президентининг бу сўзларида ўзбек халқи етказиб берган улуғ алломалар ва улар қолдирган маданий меросга бўлган халқ эҳтироми қисқа ва равшан баён қилинган. Зеро, биз учун ўтмиш маданиятининг энг яхши ва илғор томонлари қадрли ва қимматлидир. Бинобарин, И. А. Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда маънавий кадриятларимиз тикланмоғи ва у халқимизга яна қайтарилиб, унинг ўз мулкига айланмоғи лозим. Чунки биз, кейинги 70-80 йил мобайнида бизга қолдирилган маданий меросимизга фақат бир ёқлама, кўр-кўрона ёндашдик ва таъбир жоиз бўлса, бир томонлама ўргандик.

Ўзбек мумтоз шеърятининг ёрқин ва ўчмас юлдузларидан бири, ғазалчиликка улкан ҳисса қўшган, Шарқ файласуф ва мутасаввиф намояндаларидан бўлган, бу шубҳасиз Бобораҳим Машрабдир. Машраб шеъряти, унинг ғоявий мазмунга бой

¹ И. А. Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993, 8-бет.

маънавий-ижодий меросига баҳо бериш шунчалик мураккаб ва мушкул кечдики, XX асрнинг биринчи ярми унинг мероси ўрганилмаган бўлса, асрнинг иккинчи ярмидан унинг дилбар ва оташин ғазалиёти собиқ мафкура тазйиқлари боис «юлиб олиб ташланиб» улар атеизм (худосизлик-динсизлик)га мослаб таҳлил ва талқин этилди, худосизлар учун байроқ бўлиб, замонга мослаштириб ўрганилди.

Ушбу илмий рисола муаллифи ўз олдида жиддий ва мураккаб вазифани кўйгани ҳолда шу пайтгача Машраб ҳақида айтилган ва ёзилган деярли барча манбаларни, тадқиқотларни холисона, илмий нуқтаи назардан ўрганиб чиққан. Машраб ижодий меросига баҳо беришга халақит қиладиган асосий сабаблардан бири унинг ҳаётлик вақтида мукамал девони тузилмаганлиги ва пароканда бўлиб кетганлиги шоир ижодини ўрганишдаги қийинчиликлардан эканлигини инкор этмаган. Шунингдек, муаллиф XX асрда унинг ҳаёти, фаолияти, ижодини замонга мослаб, “замонасозлик” қилиб ўрганган тадқиқотчилар фикрини давр нуқтаи назаридан, нигоҳидан келиб чиқиб таҳлил этган, Машраб ҳақида у ёки бу тарзда ўз фикрини билдирган барча олимлар фикрига холисона, беғараз ёндошган.

Кейинги шундай хилма-хил фикрлар, файласуф олимнинг Машраб ижодий фаолиятини тўлароқ ва ҳаққонийроқ ёритишда кўл келган, зарур ўринларда бу фикрлар билан ўзгалар мулоҳаза ва мушоҳадаларини инкор этмаган, балки асосий нарса-моҳиятни очиб бериш эканлигини амалда исботлаган.

Мўмин Ҳошимхонов узоқ йиллардан бери мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти, ижоди бўйича **фундаментал (заминий)** тадқиқотлар олиб бориб 5 (беш) та монография ва 2 (икки) та ўқув-услубий кўлланма яратган:

1.Машраби мўътабар ўзум. (“Машрабнинг ижтимоий фалсафий қарашлари”). Монография. “Шарқ”, Тошкент. 2001.

2.Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2007.

3.Машраби мўътабар ўзум. (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназулнинг социологик таҳлили. XVII-XVIII

асрлар). Монография. Иккинчи жилд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Тошкент.2007.

4.“Машраби мўътабар ўзум”. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини. XVII-XVIII асрлар). Монография. III- жилд, Тошкент, 2008).

Мутахассис олимлар нуқтаи назари билан кўриб чиқилганда ушбу китобларда бирор жойда бирор фикр такрорланган эмас.

Мўмин Ҳошимхонов олдиға улуғ мақсад кўйиб Бобораҳим Машраб ижодий фаолияти ҳақида яна 2 (икки) жилд, жами 5 (беш) жилд китоб тайёрлашни мақсад қилган. IV жилд-Машраб ва у билан замондош бўлган XVII-XVIII асрларда яшаган мутафаккир шоирлар дунёқараши ва уларнинг бир-бирига таъсири хусусида. V жилд Машраб ҳақидаги Зиёвуддин Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” ва Пирмат Сеторийнинг “Қиссаи Машраб”ларини таҳлил этишни режалаштирган.

**Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.**

КИРИШ

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим².

Республикамиз мустақилликка эришганлиги шарофати туфайли маънавиятимиз янгиланиш босқичига кирди. Шунинг ифтихор билан айта оламизки, ўтмишда яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз, улуғ аждодларимизнинг ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, фалсафий-бадий, сиёсий-ахлоқий мероси, умуминсоний ғояларга йўғрилган қарашлари халқимизга қайтарилди. Республикамизда уларнинг юбилейлари, таваллуд саналари дунё олимлари ва жамоатчилиги, халқимиз томонидан кенг доирада, оммавий нишонланиб келинмоқда.

Мутафаккирнинг илғор ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий, ғояларидан халқимиз баҳраманд бўлди.

Машраб ижоди, унинг халқчил фалсафий мероси, унинг ғазалларида илгари сурилган чуқур ғоявий қарашлар ўтмиш маънавий меросининг миллий ва умуминсоний кадриятлари бугунги кун талаби билан ўрганилишга лойиқдир ва у қандай

¹ Ислом Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. “Маънавият”, Тошкент, 2008, 30-бет.

² Ўша манба, 41-бет.

бўлса, холисона тарихийлик қоидасига асосланиб, шундайлигича халққа етказилиши зарурий ҳолдир.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган Бобораҳим Машраб ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий ва сиёсий, фалсафий ва диний масалаларни ўзида акс эттирган чуқур, илғор ғояли ғазаллар, мустазодлар, хикоятлар муаллифи сифатида ўзига хос муносиб ўринга эга.

Ўрта аср Шарқ фалсафий шеърлятида Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саид Имомиддин Насимий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби улуғ сўз ва ғазал усталари сермазмун ижод қилдилар. Улар қолдирган бой маънавий мерос бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмай, ахлоқий-таълимий руҳининг теранлиги туфайли ҳар тарафлама ўқиб ўрганиб келинмоқда.

Бобораҳим Машраб ҳам салафлар изидан бориб, улар олға сурган ғоялардан изчил фойдаланган ҳолда, кейинчалик шогирдлари томонидан тасниф этилган «Девони Машраб» ва шу пайтгача ўрганилмай келинган панд-насиҳат (дидактик) тарзидаги «Мабдаи-нур» («Нурнинг ибтидоси»), «Кимё» асарларини яратди. Бу асарларда Машраб ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, маърифий-дидактик ва умуминсоний фикрларни ифода этиб, ўз дунёқараши билан Шарқ ижтимоий-фалсафий фикри ривожига катта ҳисса қўшди.

Мутафаккир ижоди гарчи асримиз бошида айтарли даражада ўрганилмаган бўлса-да, асримизнинг 50-йиллари охиридан бошлаб унинг ижоди ўзбек тадқиқотчилари томонидан кўпроқ ўрганила бошланди.

Бобораҳим Машраб тадқиқотчилари И.М. Мўминов, М. Хайруллаев, А. Абдуғафуров, И. Абдуллаев, Ҳ. Алиқулов, Ж. Юсупов, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, А. Шарипов, И. Гафуров, А. Ҳайитметов, М. Нуритдинов ва бошқа кўплаб олимлар унинг ижоди, ижтимоий қараши ўз даврида ва кейинги даврларда муҳим роль ўйнаганлигини исботлаб бердилар.

Биз ушбу рисолада Шарқнинг ҳурфикр мутафаккири, фалсафий шеърляри билан халқ руҳига кириб борган, ижтимоий-ахлоқий қарашлари билан уч ярим асрдан бери нафақат Шарқ халқлари, балки Ғарб халқлари фалсафасида ҳам катта нуфузга

эга бўлган Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-ғоявий қарашларини талқин қилишга ва унинг ҳали тадқиқ қилинмаган томонларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Зеро, шу вақтгача фалсафа тарихида XVII-XVIII асрларни ўз ичига олган, Мовароуннаҳр халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётида муҳим ўрин тутган даврни ўрганишга жуда кам эътибор берилган.

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий, диний-тасаввуфий ғояларини тадқиқ қилиш, даврнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини ўрганиш тарихий ҳақиқатни тиклашга, ўзбек халқининг маданий-маънавий-фалсафий тараққиётини холисона очиб беришга хизмат қилади. Мутафаккирнинг бой адабий, ижтимоий-фалсафий мероси, унинг ватанпарварлик, миллий ифтихор, адолат ва ҳақиқат, инсоф ва диёнат, меҳр-шафқат, одамийлик тўғрисидаги ғоялари ҳозир ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини сақлаб қолган бўлиб, мустақил Ўзбекистон халқи маънавиятининг янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига шак-шубҳа йўқ.

Машрабнинг кўп қиррали ва сермахсул ижодий мероси шу пайтгача кўнгилдагидек тадқиқ этилмаган бўлса-да, мутафаккирнинг маънавий мероси олимларимиз ўртасида анчадан бери қизиқиш уйғотиб келмоқда. Мутафаккир яратган асарлар матнини ўрганиш жараёнида бугунги кунда унинг ғазаллари ва мухаммасларини ўз ичига олган алоҳида девони вужудга келди¹. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари айнан шу шоирга тааллуқли эканлиги аниқланди. Шарқшунос ва тарихчилардан В. Л. Вяткин, Н. И. Веселовский, Н. С. Ликошин

¹ 1. Машраб. Танланган асарлар. Тошкент, 1963. 2. Машраб. Избранное. Перевод с узбекского на рус. язык. Т., 1959; 3. Машраб. Танланган асарлар. Т., 1963; 4. Машраб. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1971; 5. Машраб шеърятидан. Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, Т., 1979; 6. Машраб. Девон. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; 7. Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним қайдасан». Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990; 7. Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. Шарқ юлдузи. 1990, 8-сон; 9. Пирмат Сеторий. Шоҳ Машраб қиссаси. «Шарқ», Т., 1991; 10. Қиссаси Машраб. «Ёзувчи», Т., 1992; 11. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Т., «Фан», 1994; 12. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур (сайланма). Т., «Фан», 1994; 13. Машраб. Девон. Янги аср авлоди. Т., 2006.

ва бошқалар Машраб ижодининг баъзи томонларинигина тадқиқ қилганлар¹.

Биз ўрганаётган мавзунинг манбашунослик, тарихий-бадий, бадий-адабий жиҳатларини ёритиш борасида амалга оширилган тадқиқотлар жумласига Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий, Муҳаммад Бадеъ Малехо, Саид Ҳакимхонтўра, А. Абдуғафуров, В. Абдуллаев, Ғ. Ғулом, А. Ҳайитметов, И. Султон, И. Абдуллаев, Фитрат, М. Зокирий, Ж. Юсупов, Н. Комилов, Ғ. Саломов, И. Ҳаққулов, В. Раҳмонов, Б. Содиков, С. Ҳасанов, Х. Турсунов, М. Аҳмадбоева ва бошқаларнинг илмий ишлари киради².

Машрабнинг бой адабий мероси ва дунёқарашини ўрганишда И.М. Мўминов, М. Хайруллаев, Ҳ. Аликулов, Й. Жумабоев, А. Шарипов, М. Нуритдинов³ ва бошқа олимлар талай иш қилдилар. Улар ўз тадқиқотларида Машраб дунёқарашининг мураккаб ва зиддиятли томонларини, мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусиятларини, XVII-XVIII асрларда илм-фан ривожига кўшган ҳиссасини очиқ бердилар. Лекин, иккинчи томондан, шўролар даврида яратилган адабий ва фалсафий тадқиқотларда Машраб ижодига кўпинча синфий

¹ В. Л. Вяткин. Ферганский мистик Дивана-и Машраб. Ташкент. 1923; Н. И. Веселовский. Восточные заметки. Петербург, 1895; Н. С. Ликошин. Дивана-и Машраб. Ташкент, 1910.

² Муҳаммад Бадеъ Малехо. Музокир ул-асҳоб, Самарқанд, 1688-91. Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий. (қаерда босилгани номаълум) 1763. Мунтахаб ут-таворих, Қўқон, 1872; Ғ. Ғулом. XI-том, Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1989; В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. П-т. Тошкент, 1980; А. Абдуғафуров. 1. Ўзбек адабиёти тарихи. П-т. Тошкент, 1984. 2. Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1991, 4-сон, 3. Машраб. Сўзбоши ўрнида, Тошкент, 1971. 4. Эрк ва эзгулик куйчилари. Тошкент, 1979; 5. Бобораҳим Машраб, Тошкент, 1979. 6. Машраб, Тошкент, 1963. А. Ҳайитметов, 1. Ҳаётбахш чашма. Тошкент, 1974. 2. Машраб лирикаси. Шарқ юлдузи. 1980, 3-сон. 3. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т., 1970, И. Султон, В. Аҳмедов. Асл Машраб, Т., 1936, Фитрат. Ёш лелинчи, Машраб, 1991, 29, 31. VI. 2.VII. М. Зокирий. Адабий танқидий очерк. Т., 1966. Ж. Юсупов. Ҳақиқий Машрабни излаб. Т., 1990. И. Абдуллаев. Мабда-и-нурга сўз боши. Шарқ юлдузи. Т., 1992, 12-сон. И. Ҳаққулов. 1. Адабиёт ва санъат. Т., 1990, В. Раҳмонов. Буюк исёнкор. Т., 1980, Б. Содиков. Хотира. Т., 1989, Х. Турсунов, Н. Бекназаров. Ўзбекистон ССР тарихи. Т., 1982. М. Аҳмадбоева, С. Иброҳимова. Ўзбек адабиёти, Т., 1985. ва бошқ. С. Ҳасанов. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. Тошкент, 1993.

³ И.М. Мўминов. Танланган асарлар. 1-том, Тошкент, 1969. М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971. Ҳ. Аликулов. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан, IV-боб, 2, Т., 1990. М. Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Т., 1991. А. Шарипов. Мироззрение Машраба. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Тошкент, 1977 ва бошқалар.

нуқтаи назардан бир томонлама ёнлашилди, унинг ижтимоий ғоялари ислом динига қарама-қарши қўйилди, дунёқарашининг умуминсоний томонларига кам эътибор берилди.

Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан оммавий матбуот саҳифаларида илмий мақолалар чоп қилинди, шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тўпламлар нашр этилди. Уларда Машраб дунёқарашининг муҳим томонлари, ижодининг ўрганилмаган қирралари ҳолисона очиб берилди.

Лекин шунга қарамасдан шу вақтгача ҳануз бизнинг тарихий-фалсафий тадқиқотларимизда Машраб дунёқарашига бағишланган яхлит рисолалар, махсус илмий асарлар яратилганича йўқ.

Машрабнинг ижтимоий қарашларига тарихий-фалсафий нуқтаи назардан ёндашиб, таҳлил қилиб бериш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади мутафаккир дунёқарашини ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шарт-шароитлар, ғоявий-назарий манбалар асосида ўрганиб, унинг ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий ғояларини тадқиқ қилиш ҳамда шу ғояларнинг умуминсоний ва инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиб беришдир.

Шулардан келиб келиб рисолада куйидаги вазифаларни бажариш мўлжал қилиб қўйилди:

-Машраб яшаган даврда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий шароит ва маданий-маънавий ҳаёт;

-Машраб ижтимоий қарашларининг ғоявий ва фалсафий илдизлари;

-Мутафаккирнинг шу вақтгача кам ўрганилган рисолаларининг таҳлили;

-Машрабнинг диний, тасаввуфий ва ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

Жамият маданий-маънавий ҳаётида Машраб ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий қарашларининг ўрни ва аҳамияти, уларнинг ўша давр ижтимоий фикри тараққиётига таъсири, тарихий фалсафий жараёнларга, бой маънавий меросга тарихий-диалектик нуқтаи назардан ҳолисона ёндашиши тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Ушбу

муаммони ёритишда мумтоз файласуфларнинг тадқиқот услуби ҳам тарихий-илмий асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, ишнинг баъзи назарий-илмий услубларини аниқлаш, тарихий-фалсафий жиҳатларини чуқурлаштириш мутафаккир ижодининг мураккаб томонларига ойдинлик киритишда таниқли файласуф ва адабиётшунос олимлар ишларига мурожаат қилинди. Шу жиҳатдан мутафаккирнинг ўзбек ва рус тилларида чоп этилган асарларига ҳам мурожаат қилдик. Илмий тадқиқотдаги асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат: биринчидан, Машрабнинг ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий ғояларини ёритувчи махсус илмий-монографик асарнинг фалсафа тарихи бўйича йўқлиги; иккинчидан, унинг фанларда тўплаган материалларни (манбаларни) фалсафий умумлаштириш ва назарий таҳлил қилиш; учинчидан, Машраб ижтимоий қарашларининг илк бор холисона янгича тафаккур асосида тадқиқ қилиниши; тўртинчидан, мутафаккир ижтимоий-ахлоқий, диний-тасаввуфий қарашларини Мовароуннахр халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришдир. Рисоланинг илмий ва амалий қиммати шундаки у XVII-XVIII асрлардаги ижтимоий фикрни, хусусан, Машраб дунёқарашини тадқиқ қилиш, бизнинг фикримизча, ўша даврдаги ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти қай даражада эканлигини аниқлашга ҳамда унинг муҳим хусусиятлари ва қонуниятларини билишга ёрдам беради. Дин ва тасаввуфнинг тутган ўрни, Машраб дунёқарашидаги ҳурфикрлилик, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараб чиқилди, унинг ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, ахлоқий қарашларидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар томонлама тадқиқ қилинди. Ушбу илмий рисоладаги деярли барча мавзуот Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат педогогика институтида, Жиззах Давлат политехника, Жиззах ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ва бошқа илмий даргоҳларда фалсафа, миллий ғоя, сиёсатшунослик фанларидан маърузалар ўқишда қўлланилди. Келгусида ундан “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Адабиётшунослик ва эстетика асослари”, “Маданият тарихи назарияси”, “Адабиёт ўқитиш методикаси” ва бошқа фанлардан олий ўқув юртларида фойдаланиш ҳам кўзда тутилди.

XVII-XVIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ

Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этди. Бу Мовароуннаҳрда аштархонийлар давлати ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Машраб яшаб, ижод этган даврда Мовароуннаҳрда иккита-Бухоро ва Хоразм хонликлари қарор топган эди. Ўзбекларнинг Мовароуннаҳрда бир аср давом этган ҳукмронлигига хотима берилган (1598), шайбонийлар давлатининг амирлари Бухорода истиқомат қилаётган астраханлик (талаффузда аштархонийлар дейилади) шахзода Жонибек султонни хон қилиб кўтардилар. Шу билан Мовароуннаҳрда янги ўзбек сулоласи-аштархонийлар ҳукмронлиги бошланиб, у бир ярим аср (1753) яъни XVIII асрнинг ўртасигача давом этди.

Шайбоний Абдулмўминхон ҳалокатидан сўнг тахтга чиққан Пирмуҳаммадхон (1598-1601) ҳукмронлиги узокқа бормади. Зеро, Абдулмўминхонга нисбатан суиқасд уюштирилиши ҳодисасининг ўзи мамлакатда марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бораётганидан, йирик амирлар ва маҳаллий кучлар мавқеи ошиб бораётганидан далолат эди. Бундай пайтларда одатда кўп нарса олий ҳукмдорнинг шахсига, унинг нечоғлик марказий ҳокимият обрўсини тута билишига боғлиқлиги ҳам табиий. Аммо Пирмуҳаммадхонда шундай хусусиятлар йўқ эди. Натижада 1601 йили у тахтни кўлдан бой беради. Аниқроғи, Самарқанд ҳокими Боқимуҳаммадхонни пойтахт ихтиёрида тутиш ниятида тахминан 50 минг кўшин билан унга қарши чиққан Пирмуҳаммадхон Боғишамол атрофида мағлубиятга учрайди. Бухоро тахти эса Боқимуҳаммад кўлига ўтиб, у хон қилиб кўтарилади. Шу тариқа шайбонийларнинг бир асрлик

ҳукмронлигига нуқта қўйилади. Мамлакат ва давлат тизгинини энди янги сулола-аштархонийлар ўз қўлларига оладилар¹.

Зодагон гуруҳлар Жонимуҳаммад султон (Жонибек)ни тахтга таклиф қилдилар. Жонибек султон чингизийлар авлодидан бўлиб унинг аجدодлари Олтин Ўрда инқирозидан кейин Астраханга ҳукмронлик қилишган. 1556 йили Астраханни рус князлари босиб олганидан кейин Ёрмуҳаммадхон болалари ва қариндошлари билан Искандархон ҳукмронлиги йилларида (1557-1583) Бухорога келади. Тарихий маълумотларга қараганда, Искандархон Ёрмуҳаммад ва унинг ҳамроҳларини иззат-хурмат билан кутиб олиб, қизи Зухрагонни унинг ўғли Жонибек султонга берган. Жонибек султон Зухра хонимдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) кўрган. Динмуҳаммад Абдуллахон II замонида Нисо ва Обивард ҳокими бўлган. Абдулмўмин ўлдирилганидан кейин амирлар ва руҳонийлар наслидан тожу-тахтга муносиб бирон киши топилмагач, Бухородаги зодагон гуруҳлар Жонибек султонни хонлик тахтига ўтказмоқчи бўладилар. Лекин Жонибек катта ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди ва унинг номига хутба ўқиди. Аммо Динмуҳаммад Ҳирот яқинида сафовийлар билан бўлган урушда ҳалок бўлди. Шундан сўнг тахтга Жонибек султоннинг ўртанча ўғли Боқимуҳаммад ўтқазилиб у давлатда тартиб ўрнатишга ҳаракат қилди. Шу тариқа 1601 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрда аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Боқимуҳаммадхоннинг муваффақиятларидан бири Балхни эронийлардан қайтари олди ва укаси Валимуҳаммадни у ерга ҳоким этиб тайинлади. Унинг ички жанжалларни тугатиш ва кўчманчиларга қарши олиб борган курашлари самарали натижалар бермади².

Аштархонийлар сулоласи 1753 йилгача ҳукмронлик даврини ўтади. Сулола саккизта хондан иборат бўлган. 1. Боқимуҳаммадхон (1601-1605). 2. Унинг укаси Валимуҳаммадхон (1605-1611). 3. Имомқулихон (1611-1642). 4. Унинг укаси Назрмуҳаммадхон (1642-1645). 5. Унинг ўғли Абдулазизхон

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. “Шарқ”, Тошкент, 2000, 256-бет.

² Масъул муҳаррирлар А. С Сагдуллаев, Б. Ж. Эшов. Ўзбекистон тарихи. “Университет”, Тошкент, 1999, 280-бет.

(1645-1680). 6. Унинг укаси Субхонқулихон (1680-1702). 7. Унинг ўғли Убайдуллахон (1702-1711). 8. Унинг укаси Абулфайзхон (1711-1747). Улардан фақат учтаси умрини тахтда тугатди, холос. Учтаси (Валимуҳаммадхон, Убайдуллахон, Абулфайзхон) сарой тўнтаришлари оқибатида фожеали ўлдирилган. Иккитаси эса тахтдан ағдариб ташлангандан сўнг ўз ҳаётини қувғинликда ўтказган. Буларнинг ҳаммасига асосий сабаб шуки, ҳокимият, тожу-тахт учун кураш, ҳатто ота бола ва ак укалар, қариндош-уруғлар ўртасида мисли кўрилмаган даражада кучайган эди.

Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмайди. Амирлар ва беклар ўзбошимчалиги авжига минади, марказий ҳокимиятдаги мансабдорлар ўртасида ўзаро фитна низолар, ур-йиқитлар мамлакат тинка-мадорини қуритади¹.

Боқимуҳаммад 1602 йилда Балхни эгаллади. 1603 йилда Эронийларнинг Балхга ҳужумини қайтарди. 1604 йилда қозоқ хони Келдимухаммад кўшинларига зарба бериб, давлат ҳокимиятини мустақамлашга ҳаракат қилди. Ундан кейин тахтга кўтарилган Валимуҳаммад ўзи мустақил ҳаракат қилолмас, давлат аҳамиятига молик масалаларни бекларнинг розилиги билангина ҳал этар эди. Мустақил бошқарувга интилган беклар хонга бўйсунмай қўйишган. Ўзаро ички кураш, тарафкашлик Валимуҳаммадга қарши фитна уюштиришга олиб келган ва бунинг натижасида Имомқулихон (1611-1642) тахтни эгаллаган эди².

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Боқимуҳаммад қозоқ султони Эшим билан сулҳ тузиб, Андижон ва Самарқандни қайтариб олди. Туркистон ва Тошкент Эшим султон қўлида қолди.

Боқимуҳаммад вафот (1599-1605) этгандан сўнг унинг укаси Балх ноиб Валимуҳаммад (1605-1611) тахтга ўтказилди. Бухорода Валимуҳаммадга қарши тил бириктирган зодагонлар тезликда уни тахтдан четлатиш чораларини кўрдилар. Унинг ўрнига Динмуҳаммаднинг ўғли Имомқулихон тахтга келди.

¹ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. “Шарқ”, Тошкент, 2003, 24-бет.

² Муаллифлар жамоаси раҳбари. Р. Ҳ. Муртазава. Ўзбекистон тарихи. “Янги аср авлоди”. Тошкент, 2003, 308-бет..

Аштархоний ўзбек сулоалари орасида нуфузли ва обрўлиси ўттиз йил тахт ворислиги гаштини сурган Имомқулихон бўлди. Унинг даврида Бухоро хонлиги кучли давлатга айланади. 1613 йилда Имомқулихон Тошкентни қозоқ хонлигидан қайтариб олади ва бу ерга ўзининг ўғли Искандарни ноиб этиб тайинлайди. Лекин Исканар тошкентликларга жабр-зулм ўтқзади, солиқларни кўпайтиради, зулмни кучайтиради. Ғазабланган Тошкент аҳолиси қўзғолон кўтаради, шаҳзода Искандарни ўлдиради. Имомқулихон бу воқеадан хабар топиб Тошкент шахрини бир ой қамал қлади. Тошкентликлар шаҳарни қаҳрамонларча ҳимоя қилсалар-да, Имомқулихон катта куч билан қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлади¹.

Имомқулихон ўз давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида кўчманчи қорақалпоқлар, қалмоқлар ва ойротларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борган. Албатта, бундай муваффақиятли урушлар Имомқулихоннинг обрў-эътиборини оширади. Бироқ мамлакатдаги сиёсий тарқоқликни ва хонликнинг ич-ичидан емирилиб боришни у тўхтатиб қололмайди. Унинг даврида йирик зодагонлар вилоятларда ўзларини хондан мустақил ҳисоблар ва кўшни вилоятларга уруш ҳам эълон қилар эдилар. Ана шундай баҳодир ҳукмдорлардан бири бўлган Ялангтўш бир неча йиллар давомида Самарқандни бошқаради. Унинг мингдан ортиқ қароли, хизматкори, жуда катта бойликлари бўлган. Ялангтўш баҳодир даврида икки маҳобатли бино Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёд этилган. Регистон майдони ҳам ҳозирги кифасига унинг даврида келган эди. Бадахшон ҳукмдори Маҳмудбий катағон ҳам кучли таъсирга эга бўлган зодагонлардан ҳисобланган. Бу жараён, хусусан, Имомқулихон вафотидан сўнг кучли тус олади. Имомқулихон ҳажга кетаётиб йўлда вафот қилган эди².

Имомқулихон замонидаги бундай осойишталик ва фаровонлик афсуски кейинги олий ҳукмдор Назрмуҳаммадхон (1642-1645) ҳукмронлиги вақтида ички низолар қарама-қаршилиги билан алмашмаганди. Сўнгги йилларда кўзи ожиз

¹ Ҳ. Бобобеков, Ш. Каримов, М. Содиқов, Қ. Усмонов, С. Холбоев, Р. Шамсутдинов. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. “Шарқ”, Тошкент, 2000, 124-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 26-бет.

бўлиб қолган Имомқулихон укаси Назрмуҳаммад султонни Балхдан чақиртириб тахтни унга топширади. Бошда бухоролик бир қатор амирлар, амалдорлар Имомқулихоннинг ушбу қароридан норози ҳам бўлганлар. Манба тили билан айтганда, “(Имомқулихон замонида) давлатнинг олий мақом ишлари ва муҳим мулкӣ ҳамда молиявий тадбирларини ижро қилиб келган” табақа Назрмуҳаммад султоннинг хонлик курсисига ўтиришидан манфаатдор эмасди. Зеро, шундай қилинганда мазкур гуруҳ илгариги мавқеини йўқотиши турган гап эди. Шу сабабдан ҳам ожиз Имомқулихоннинг тахтда тургани, чамаси, уларга кўпроқ маъқул бўлган деб гумон қилиш мумкин. Аммо Имомқулихон ўз сўзини ўтказди. Бунда у ҳам ўша амиру амалдорларга, ҳам укасига насиҳат, тушунтириш йўли билан иш тутди¹.

Назрмуҳаммад ҳаддан ташқари димоғдор ва таъмагир хон бўлган. Назрмуҳаммад Балх ҳудудларини ўзининг 12 ўғли ўртасида тақсимлаб беради. Назрмуҳаммадхоннинг фарзандлари сероб бўлган, дедик. Одатга кўра, мулк тақсимотида энг олий ҳукмдорнинг фарзандлари-шаҳзодалар катта имтиёзга эга бўлганлар. Чунки улар меросхўр сифатида ўз улушларига эга бўлишлари керак эди, ҳатто балоғатга етмаган бўлсалар ҳам. Бошқа томонда олий ҳукмдор мамлакат бошқарувида ўз фарзандларига суянишга ҳаракат қилган.шундай қилиб Назрмуҳаммадхон олти ўғли, бир набираси, икки жиянига мамлакатнинг асосий вилоятларини тақсимлаб беради. Чунончи, Абдулазиз султонга Самарқанд, Хисрав султонга-Бадахшон билан Қундуз, Баҳром султонга-Тошкент, Субхонқули султонга-Балх, Қутлуқ Муҳаммад султонга-Ҳисор, Абдурахмон султонга-Шибирғон ва Андхуд, набираси Қосим султонга-Ҳузор, жиянлари Муҳаммадёр султонга-Шаҳрисабз, Сўфи султонга-Толиқон тегади². Агар мазкур шаҳарларнинг Имомқулихон олий ҳукмдорлиги йилларида оталари Назрмуҳаммадхон мулки-Балх вилояти доирасидагина фаолият кўрсатганликлари ҳисобга олинса, Назрмуҳаммадхоннинг Бухорога ўтиши, мамлакат мулклар (вилоятлар) бошқарувидаги ўзгаришлар нечоғлик кескин

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 261-бет.

² Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. 204-бет.

бўлганини кўрсатади. Буни Назрмуҳаммадхоннинг тахтга чиқишидан норози бўлган гуруҳлар олдиндан билганлар¹, албатта. Бу билан у мамлакатда сиёсий тарқоқликнинг янада ҳалокатли тус олишига сабабчи бўлади. Назрмуҳаммад даврида халққа нисбатан жабр-зулм мислсиз даражада кучаяди. Бу ҳол халқ оммасининг норозилигига сабаб бўлади. Бундан фойдаланган қозоқлар Назрмуҳаммад хонлигининг учинчи йилида Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб Хўжандгача етиб келадилар. Назр Муҳаммад Хўжанддан қозоқларни ҳайдаб чиқариш мақсадида у ерга укаси Абдулазиз бошчилигида катта кўшин юборади. Хўжандга кўшин тортиб кетаётганда Абдулазиз ўз акасига қарши фитна уюштиради. Абдулазиз Бухоро хони деб эълон қилинади. Бу мудҳиш воқеадан хабар топган Назрмуҳаммад шошинч равишда Балхга жўнаб кетади. Абдулазиз ҳеч қандай тўсиқларсиз ва қаршиликларсиз Бухорога кириб келади. Зодагонлар Абдулазизнинг хонлигини батамом қонунлиштирганлар². (у 1645-1680 йилларда хонлик қилган).

Абдулазизхон гарчи олий тахтни эгаллагани билан ҳали мамлакат бутунлай унинг ҳукми остида бирлашмаган эди. Балхда ўрнашиб олган Назрмуҳаммадхон Бухорога бўйсунитишни ўйламасди ҳам. Лекин Абдулазизхоннинг ҳам унга кучи етмасди. Шу сабабдан ҳам мамлакатнинг кўзга кўринган хожаларидан Абдулғаффорхожа (Махдуми Азам Косонийнинг авлодларидан), Муҳаммад Содикхожа Жуйборий, Сангинхожа ва бошқа мўътабар шахслар, уламолар ўртага тушиб Абдулазизхоннинг Бухоро, Назрмуҳаммадхоннинг Балх билан кифояланишларини айтиб, масалани ҳал қилганлар³. Гарчи дин пешволарининг мазкур аралашуви мамлакат осойишталигидан келиб чиқиб амалга оширилган бўлса-да, аммо мазкур ҳол, унга бир қатор амирларнинг маҳаллий ҳокимларнинг Назрмуҳаммадхон-олий ҳукмдорга қарши фитна уюштириб ўз мақсадларига эришганларини кўшсак, марказий ҳокимият ва расмий сулола мавқеи анча тушиб кетган.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 262-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, У. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 26-бет.

³ Силсилат ас-салотин. 215-бет.

Тарихчи Азамат Зиёнинг фикрича, Назрмухаммадхон шайбонийлар, айниқса Абдуллахон II замонидан таомилга кириб келган валиаҳдлик вилоятини йўқ қилиш ниятида бўлган бўлиши мумкин. Иккинчидан, Балх мамлакатининг чекка, яъни доимий рақиблар Эрон Ҳиндистон билан чегарадош қисми сифатида у ёки бу томонга оғиши, ё бўлмаса алоҳидаликка интилиши билан ўлка яхлитлигига завоқ бўлиши мумкин эди деган хулосага келган. У ички муносабатларни ўрнига қўя олмади, йирик амирлар, маҳаллий ҳокимлар тилини топа олмаган.

1645 йилдан бошлаб, мамлакатда қўш ҳокимиятчилик ҳукмфармо бўлган. Балхни бошқарган Назрмухаммадхон олийтаҳтни қайтариб олиш илинжида кўзига ҳеч нарса кўринмай, ёрдам сўраб бобурийларга мурожаат қилади. бобурийлар эса пайтдан фойдаланиб қўшин тортиб келиб икки йил давомида (1646-1647) Балх ва Бадахшонда ҳукмронлик қиладилар. Алданган Назрмухаммадхон Эронга юзланади. Абдулазизхон 1646 йил бошида у Туркистон (Йасси) ва Сайрамга ҳужум қилган қалмоқларни бартараф этиш билан машғул бўлиб, фақат шу йил кузидагина Бухоро қўшини ҳамда қозоқ ва қорақалпоқлар қавмлари лашкари билан Бадахшон ва Балхга йўл олган. Манбаларда мазкур ҳарбий юриш Абдулазизхоннинг шимолдан, Назрмухаммадхоннинг ғарбдан Балх учун бобурийларга қарши курашлари тафсилотлари кенг берилган. 1647 йил октябрида бобурийларнинг лашкари Балхни тарқ этишга мажбур бўлади. Балх яна Назрмухаммадхонга насиб этади. Абдулазизхон эса Балхга олдинроқ кирган Назрмухаммадхонга қарши бирон чора кўролмади орқага қайтиб кетади¹. Ҳиндистон шахзодалари Балхни босиб олиб, ундаги хазиналарни талон-тарож қиладилар. Улар ўзларини истилочилардек тутардилар, икки йил мобайнида халқни талаб Балхда хўжайинлик қиладилар. Балх аҳолиси бутун оилалари билан зулм-кулфат, таловлардан қочиб Мовароуннаҳрга кета бошлайди. Абдулазиз ҳиндларга қарши курашга чиқади. Шоҳ Жаҳон ўз қўшинларини чақириб олишга мажбур бўлади. Харобазорга айлантирилган Балхни Эрондан қайтиб келган Назрмухаммад ўз қўлига олади².

¹ Силсилат ас-салотин. 267-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 27-бет.

Ҳокимиятни қўлга киритган Абдулазизхоннинг мавқеи дастлабки йилларда айтарли мустаҳкам бўлмаган. Манбаларда ҳатто унга қарши икки марта фитна уюштирилгани ҳақида гувоҳликлар ҳам бор. Чунончи, Абдулазизхондан норози бўлган гуруҳлар Бухоро тахтига аввал аштархонийлардан бўлмиш Сўфи султонни, кейинги сафар эса хоннинг укаси Субхонқули султонни ўтказмоқчи бўладилар. Икки сафар ҳам фитна очилиб, Сўфи султон қатл қилинади, Субхонқули султон эса Балхга, отаси олдига қочади. Шу баҳона у Балх вилоятида ўрнашиб олиб, 1651 йилда Балх тахтини отасидан тортиб ҳам олади. Давлат ишларидан қўлини ювиб ҳажга отланган Назрмуҳаммадхон шу йил ёзнинг ўрталарида Симнон (Эрон) шаҳрида вафот этади¹.

Абдулазизхон Балхни пойтахт ихтиёрига киргизишга бир неча марта (1655-1657) ҳаракат қилса-да, аммо Субхонқули султон ҳам бўш келмай, деярли Бухородан мустақил тарзда даврон сурган. 1658 йили Абдулазизхоннинг пири Абдулғаффорхожа воситачилигида Бухоро ва Балх ўртасида тинчликка эришилиб, Субхонқули султон акаси ҳокимиятни тан олса-да, (Балхда Абдулазизхон номидан хутба ўқилган), лекин 1681 йилга қадар ҳам Балх амалдаги мустақиллигини сақлаб қолган².

Балх тахтига яна Назрмуҳаммаднинг чиқиши унинг ўғилларини ташвишга солиб қўяди ва уларни бирлашишга мажбур қилади. Абдулазизхон олдин у билан душманлик қилиб юрган укаси Субхонқулини Балхга ноиб қилиб тайинлади. Шаҳар ноиблари ва посбонлик қилиб юрган аскарлар у билан битим тузиб, уни шаҳарга киргизадилар. Назрмуҳаммаднинг Маккани зиёрат қилиш учун кетганда йўлда вафот этиши, ака-укалар ўртасида яна адоват пайдо бўлишига сабаб бўлган. Абдулазиз Балхни Субхонқулихондан тортиб олиш ниятида унга қарши Муҳаммад султон бошлиқ жуда катта қўшин юборади. Шаҳарни қирқ кун камал қилиш вақтида шаҳар атрофлари шу қадар вайрон бўлдики, Муҳаммад Юсуф Муншининг сўзларига қараганда, “уй-жойлардан асар ҳам қолмаган. Лекин Абдулазиз узил-кесил

¹ Силсилат ас-салотин. 267-бет.

² Азамат Зиё, Ўзбек адабиётчилиги тарихи. 266-бет.

ғалаба”га эришолмай укаси билан сулҳ тузиб, уни ўз меросхўри ва Балх ноиби деб тан олишга мажбур бўлади¹.

Абулғозихон ҳукмронлиги йилларида Хива хонлари Абулғозихон (1643-1663) ва унинг ўғли Анушахон (1663-1687) Бухоро худудларига бир неча марта талончилик юришларини амалга оширадилар. Хоразмликлар 1655 йилда Қоракўл, Бухоро атрофларига ҳужум қилиб, у ерларни талон-тарож қиладилар. Душман кўшинларига зарба бериш, ўзаро урушларни тўхтатиш имконини топа олмаган Абдулазизхон тахтдан воз кечди. Унинг ўрнига тахтга ўтирган укаси Субхонқулихон(1680-1702) даврида ҳам Бухоро Хива муносабатлари мураккаблигича давом этди. Айниқса, Самарқанд амирларининг Хива хони Анушахон ҳукмронлигини тан олиб, унинг номига хутба ўқишлари баъзи амирларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шундай вазиятда Субхонқулихонни Маҳмудбий қатағон қўллаб-қувватлади, самарқандликлар жазоланди. Шунга қарамай Бухоро ва Хива муносабатлари кескин бўлиб қолаверди. XVII аср охири XVIII аср бошларида тинимсиз бўлиб турган ўзаро курашлар, сиёсий тартибсизликлар халқ оммасининг аҳволини оғирлаштирди, солиқлар кўпайиб, порахўрликнинг авж олиши, бошбошдоқлик мамлакат хўжалигининг вайрона ҳолга келиб, издан чиқишига олиб келди².

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида Хива хони Абулғози Баҳодирхон ва ундан кейин унинг ўғли Анушахон Бухоро ва Самарқанд атрофига тез-тез ҳужум қилиб турган.

1655 йилда Мовароуннаҳрга хиваликлар ҳужум уюштирадилар ва мамлакатни хароб қиладилар. Улар Қоракўлни эгаллаб Карманагача борадилар. Жуда кўп асирлар ва қўлга тушган бойликларни олиб ўз юртларига қайтадилар. Бу ҳужумларни Хива хони Абулғози Баҳодирхон Хива хонлигини доимий таҳликада ушлаб турган ва муттасил унинг тинчлигини бузиб келган хонлардан ўч олиш мақсадида уюштирган эди. 1657 йилда ана шундай ҳужумларнинг бирида Абулғозихоннинг ўзи катта хавф остида қолади. Карманадан катта ўлжа билан

¹ М. М. Мўминов бош муҳаррирлигида. Ўзбекистон ССР тарихи. Биринчи том. Тошкент, 1970, 564-565-бетлар.

² Р. Ҳ. Муртазоева масъул муҳаррирлигида. Ўзбекистон тарихи. 309-310-бетлар.

келаётганда Бухоро хони Абдулазизхон Абулғозихонга кутилмаганда зарба беради. Фақат Абулғозихоннинг ўғли Анушахоннинг ўз вақтида етиб келганлиги отасини асирликдан сақлаб қолади. Лекин бу мағлубиятга қарамасдан хиваликлар тиним бермасдан Бухорога қарши ҳужумни давом эттиравердилар. 1658 йилда Варданзе хароб қилинади. 1662 йилда Абулғозихон кўшинлари Бухорога етиб келдилар. Хиваликлар Бухоронинг Номозгоҳ дарвозаси олдига етганларида Абдулазизхон билан Абулғозихон ўртасида сулҳ битими имзоланади¹.

Шу ўринда Абулғозихоннинг Хоразм тахтини эгаллагунга қадар чеккан азоб-уқубатлари ҳақида мухтасар тўхталиш зарур.

Абулғози Эронда қарийиб 10 йил (1630-1639) махсус назоратчилар кўл остида Исфаҳонга яқин жойлашган Таборак қалъасида тирикчилик ўтказди. 1639 йили ёз кунларининг бирида у тутқунликдан қочиб кутилишга муваффақ бўлади. Кўп тараддуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йил деганда, 1642 йили Абулғозини хон қилиб кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Абулғози ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўлтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш-талашларда ўтди: 1646-1653 йиллари у Тажан, Боми баурма (Қизил арвотнинг жанубий-шарқий тарафида жойлашган манзил), Атрок ва Журжон туркманлари билан уруш олиб борди, 1655-1662 йиллари ўлкага вақти-вақти билан босқин қилиб турган (урал)лик ўрис қозоқлари, қалмоқлар ва қозоқ кўчманчилари билан кураш олиб борди, 1663-1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилди.

1664 йили Абулғозихон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу-тахтни эса ўғли Анушахон (1664-1674)га топширди².

Мамлакат ғарбида ҳам нотинчлик бўлиб турган. Анушахон (1664-1687) мамлакат ичкарисига ҳамлалар уюштириб, талон-тарожлик билан шуғулланан. Масалан, 1684 йил ёзида у хатто

¹ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, У. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 28-бет.

² Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1994, 213-214-бетлар.

Самарқандни эгаллашга эришиб, бу ерда ўз номидан хутба ҳам ўқитган ва фақат келаси йил кеч кузидагина Субхонқулихон уни бартараф эта олган. Шунга қарамай Анушахоннинг вориси Арнак (ўзбек Эренг) 1687 йили яна мамлакат ичкарасига юриш қилади. Эндиги сафар Субхонқулихон уни бартараф қилиш билан бирга хоразмлик амирлар хоҳишига кўра бу вилоятга ўз ноибини тайинлайди. Шу тариқа Хоразмда яна Бухоро ҳокимияти қарор топади¹.

Абулғози Баҳодирхон (1563) дан сўнг унинг ўғли Анушахон ҳам Бухоро ҳудудларига қарши юришни давом эттиради. Ана шундай хужумлардан бирида Анушахон Бухородаги Жуйборгача (Жуйбор хожалари яшайдиган жой) етиб борган ва у ерни талаган, бу пайтда Абдулазиз Карманда бўлган ва тезда Бухорога ёрдам бериш учун бу ерга етиб келган. У Бухоро халқини шаҳар ҳимоясига сафарбар эта олади ва хиваликлар чекинишга мажбур бўладилар. Хиваликлар билан олиб борилган узоқ муддатли урушлар Мовароуннаҳрнинг умумий иқтисодий инқирозига сабаб бўлади ва аштархонийлар давлати ичидаи зиддиятларни янада кучайтиради. Саломатлиги оғирлашган ва кексайиб қолган Абдулазиз мамлакат мудрофаасини таъминлай олмайди. У ҳокимиятдан укаси Субхонқулихон фойдасига воз кечиб Маккаи Мадинага кетишни ихтиёр қилади ва ўша ерда бу дунёни тарк этади². Хива билан олиб борилган узоқ урушлар мамлакат ҳаётига қаттиқ таъсир кўрсатди. Қариб қолган Абдулазизхон ҳокимиятни бошқара олмай қолди. Тахт учун зимдан кураш олиб бораётган унинг укаси Субхонқулихон 1680 йилда тахтга ўтиришга муваффақ бўлди. (1680-1702)³.

Субхонқулихон давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Балхда ҳокимият талашиб тинимсиз кураш олиб бораётган ўз ўғилларига ҳам қарши кескин чоралар кўришга мажбур бўлди. Балх ноибни Субхонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад ўз отасига қарши кўзғолон кўтармоқчи эмиш, деган гап тарқалади. Буна жавобан 1681 йилда Субхонқулихон Балхга кўшин тортади. Нобакор ўғил Сиддиқ Муҳаммад отаси юборган кўшинни милтиқ

¹ Силсилат ас-салотин. 305-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 28-бет.

³ Масъул муҳаррирлар А. С. Сагдуллаев, Б. Ж. Эшов. Ўзбекистон тарихи. 282-бет.

ва камонлардан ўқ узиб қарши олади. Лекин гуноҳини кечириш тўғрисида отасидан хат олгач, шаҳардан чиқиб отасининг ҳузурига боради. Ота-бола кўришгач, бирлашиб Балхга борадилар. Шаҳар ичига кирганларидан сўнг Субхонқулихон ўғли Сиддиқ Муҳаммадни занжирбанд қилиб қамаб қўйишга буйруқ беради. Исён кўтаришда унга ёрдам берган шахслар сўроқ қилиниб қийнаб ўлдирилади. Сиддиқ Муҳаммад ҳам қамоқда ҳалок бўлади¹.

Субхонқулихон ҳукмронлиининг сўнги йиллари ўзаро урушлар кучайиб кетганлиги ва хон ҳокимиятининг бўшашиб қолганлиги билан ажралиб туради. Қабилаларнинг марказий ҳокимиятга қарши бош кўтаришлари ва ўзаро урушлари Бухоро хонини бир неча бор уларга қарши кўшин тортишга мажбур қилди, лекин бу ҳамлалар кўпинча хон лашкарларининг мағлубияти билан тамом бўларди. Урушлар кенг халқ оммасига зиён етказар, улардан фақат зодагонларгина наф кўришарди. Бундай урушлар Мовароуннаҳрнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ҳам путур етказди².

Ана шундай оғир вазиятда вафот этган Субхонқулихон ўрнига Убайдуллахон (1702-1711) тахтга ўтирди. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мустақилликка интилган бебош амирларни бўйсундириш, кўтарилган қўзғолонни бостириш учун тинимсиз урушлар олиб борди. Убайдуллахон йирик зодагонлар қабила бошлиқларининг мавқеини пасайтириш, сиёсий тарқоқликни бартараф этиш мақсадида уларни марказий ҳокимиятдан четлаштирди, ҳатто диний-сиёсий ҳокимиятга катта таъсири бўлган Жуйбор шайхларини солиқ тўламаслик имтиёздан маҳрум этди. Яна давлатни бошқаришга ҳунармандлар ва савдогарларнинг болаларини жалб қилиб, ўзига ишончли, яъни амалдорларни шакллантиришга ҳаракат қилган Убайдуллахон фаолияти юқори табақа вакилларининг норозилигига сабаб бўлган бўлса, 1708 йилда марказий

¹ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 29-бет.

² Масъул муҳаррир. И. М. Мўминов. Самарқанд тарихи. Икки томлик. Биринчи том. “Фан”, Тошкент, 1971, 263-264-бетлар.

ҳокимиятни кучайтириш учун ўтказган пул ислоҳоти аҳолининг ўрта табақаси орасида ҳам хоннинг таъсирини анча пасайтирди¹.

Мамлакатдаги ички зиддиятлар кейинги аштархоний ҳукмдор Убайдуллахон даврида янада кучайган. Йирик амирлар ва маҳаллий ҳокимлар мавқеи эса тобора ошиб борган. Мамлакатдаи энг асосий вилоятлар ва шаҳарларда сулола намояндалари эмас, тобора қудратга тўлиб келаётган амирлар ҳукмронлик қилганлар. Масалан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Ўратепа, Ҳисор, Балх ва бошқалар. Бу ҳол ўз-ўзидан расмий сулола учун жойларни назоратда тутиш имконини кескин камайтирган. Хуллас, 1711 йили Убайдуллахон ҳам суиқасд қурбони бўлади. Убайдуллахон тарихини ёзган ўша замон тарихчисининг гувоҳлик беришича, олий ҳукмдорнинг ўзибилармонлик сиёсати туфайли саройдаги бир гуруҳ кишилар давлат ишларини қўлга олиб зулм йўлига ўтадилар. Убайдуллахон билиб турса ҳам индамаган. Шунда амирлар ва лашкарларнинг унга нисбатан эътибори сусайиб, мамлакатда сиёсий суиқасд учун вазият етилиб қолган².

Ўзаро бетўхтов урушлар, ҳарбий юришлардан кейин хазина бошаб иқтисодий аҳвол оғирлашади. 1708-1709 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида пул қиймати тўрт марта тушиб кетади. Ислоҳотдан зарар кўрган аҳоли ғалаён кўтаради, бироқ ғалаён шафқатсизларча бостирилади. Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви ички зиддиятларни кучайтириб юборади. 1711 йил 16 мартда уюштирилган сарой фитнаси оқибатида Убайдуллахон ҳам ўлдирилади. Бу фитнани 40 кишидан иборат сарой гуруҳи амалга оширади. Убайдуллахон бор-йўғи 30 йил яшаб, 9 йил ҳукмронлик қилади. У ўз ҳукмронлигини туғишган оғаси Абдулланинг бошини жудо қилишдан бошлаган эди. Негаки Убайдуллахон оғасининг тахтга даъвогар бўлиб чиқишидан кўрқарди³.

Аштархонийлар орасидан нисбатан қатъиятли, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун бир неча тадбирларни амалга

¹ Масъул муҳаррир. Р. Ҳ. Муртазаева. Ўзбекистон тарихи. 310-бет.

² Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдулланаме. Перевод А. Семенова. Ташкент, 1957, 233-бет.

³ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватана тарихи. 30-бет.

оширган Убайдуллахон даврида ижтимоий-сиёсий парокандалик кучайди ва унинг ўзи фитна қурбони бўлди. Фитна иштирокчиси бўлган укаси Абулфайзхон (1711-1747) тахтга чиқарилди. Иродаси кучсиз Абулфайзхон кучли амирлар таъсиридагина қўғирчоқ хон сифатида тарихда қолди. У номигагина хон бўлиб, ҳақиқий ҳокимият кучли амирлар қўлида бўлан. Айниқса, Абдуллабий, Иброҳимбий, Муҳаммад Ҳакимбийлар давлат бошқарувида катта таъсирга эга бўлганлар. Абулфайзхон даврида сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ҳар бир вилоят амалда мустақил бошқарувга эга бўлган ҳокимиятга айланиб қолган эди. Тошкент, Хўжанд, Балх, Бадахшон, Шаҳрисабз, Ҳисор ва унинг атрофидаги ерлар Бухорога бўйсунмаганди. Бу парокандалик марказий ҳокимиятда юқори мавқега эа бўлишга интилан бийлар ўртасидаги кураш сабабли рўй берган эди. У курашда Шаҳрисабз ҳокими кенас Иброҳимбий билан барча шахзодалар оталиқларининг бошлиғи бўлган манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбийлар катта рол ўйнадилар¹.

Убайдуллахон фожеасини нафақат у йўл қўйган хатолар, шу билан бирга кейинги ўн йилликларда кучайиб келаётган маҳаллий кучлар ҳамда йирик амирлар фаолияти билан ҳам тушунтирмоқ керак. Абулфайзхон замонида бошбошдоқлик, маҳаллий кучлар ва нуфузли амирларнинг ўз манфаати йўлида интилишлари, уларни бартараф этишда Абулфайзхоннинг ожизлиги сезилади.

1740 йили эронлик афшорийлар сардори Нодиршоҳ (1736-1747) яна бир бор бостириб келиб, аштархонийлар қудратига сўнгги қулатувчи зарбани беради. Гарчи Нодиршоҳ Абулфайзни ўз ўрнида хонлик курсисида қолдирган бўлса-да, аммо амалда ҳокимият бошқа бир маҳаллий сулола-манғитлар намояндалари Муҳаммад Ҳакимбий ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрига ўтади. Худди шу Муҳаммад Раҳимбий буйруғи билан 1747 йили Абулфайзхон қатл қилиниб, марҳумнинг ўғли Абдулмўмин султон хон деб эълон қилинади. Аммо амалдаги ҳокимият Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрида қолаверади. Бир йил ўтиб Муҳаммад Раҳимбий бу қўғирчоқ хонни ҳам ўлдиртириб,

¹ Масъул муҳаррир Р. Ҳ. Муртазаева. Ўзбекистон тарихи. 311-бет.

ўрнига марҳумнинг укаси Убайдулла султонни ўтқазиб тез орада уни ҳам йўқ қилади. Шу тарика аштархонийлар сулоласи фаолияти ҳам узил-кесил барҳам топади¹.

Аштархонийлар даври сиёсий воқеалари ҳақида тўхталганда Балх ва Қундуз ҳокими бўлган ва мутафаккир шоир Боборахим Машраб қатлига фармон берган Маҳмуд қатағонбий ҳукмронлигига тўхталиб ўтиш зарурати туғилади.

Ўз даврида Субҳонқули дастлаб Бадахшон ҳокими қатағон қабиласидан бўлган оталиқ Маҳмудбий ёрдами билангина хиваликларни Самарқанддан қувиб чиқара олди. Лекин улар кетгандан кейин ҳам қирғин бўлавериб вайронага айланган вилоятлардаги аҳолининг аҳволи бундан ҳам хароб бўлди.

Субҳонқулининг Балхдалигидан фойдаланиб, Хива хони Ануша яна Бухоро чегарасидан ўтиб, катта ўлжалар олиб Хивага қайтиб келади. Субҳонқули ҳамма қўшинларини Хуросонга юборган эди, шу сабабли оталиқ Маҳмудбийдан мадад сўрайди, у қўшинлари билан келиб хиваликларни орқага қайтишга мажбур қилади. Аранг Хивага қайтиб келгач ўлдирилади. Хиваликларни илтимосига кўра, Субҳонқули Хоразмни идора қилиш учун ўз ноибини юборади. Шундай қилиб, Хоразм яна Бухоро хонлигига вақтинча қўшиб олинган эди.

Хонга кўрсатган хизматлари учун оталиқ Маҳмудбий Балх ва Бадахшонга ҳоким қилиб тайинланади. Маҳмудбий Балхда маълум даражада тинчлик ўрнатгандан кейин, Бадахшоннинг каттагина қисмини ўз қўлида сақлаб турган Ёрбекка қарши кураш бошлайди. Бу курашга машҳур Бадахшон қизил ёқут-лаъл конларини Бухоро хазинаси фойдасига ишлатиш учун Бухоро амалдорларининг юборилиши баҳона бўлди; Ёрбек амалдорларнинг йўлини тўсади. Маҳмудбий 1692 йилда юриш қилиб, Ёрбекнинг пойтахти Ғузғон (Файзабод) шаҳрини қамал қилади, бироқ уни забт этолмайди, шундан кейин ёқут конларининг икки йиллик даромадини олдиндан олиб, шу билан қаноатланади ва Ёрбек билан сулҳ тузиб, Балхга қайтиб кетади.

Балхда Маҳмудбий Бухородан бутунлай мустақил ҳолда ҳокимлик қилади. Унинг шафқатсизлиги туфайли теварак-

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 268-бет.

атрофдаги ўзбек қабилалари орасида бир неча марта кўзғолон кўтарилди. Исёнларни бошловчи асосий кучлар кўп сонли курама қабиласининг амирлари эди. Маҳмудбий ўз обрўсини мустақамлаш ниятида, Субхонқулига мурожаат қилиб, ёш набираси Муҳаммадмуқим султонни Балхга ноиб қилиб юборишни илтимос қилишга мажбур бўлади. Лекин Балх зодагонлари аҳолининг мадаккорлигига суяниб, Балхга Солиххўжани ҳоким қилиб кўтардилар; Солиххўжа қадимий дарвешлар хонадони Муҳаммад Порсо авлодларидан эди. Балхдаги курамаларнинг вакиллари оталиқнинг бир томонлама-сепаратчилик ҳаракатлари ҳақида Субхонқулини огоҳлантирдилар. Субхонқули кудратли вассалини бир ўзи уддалашга ожизлик қилганидан, Бадахшон ҳокими Ёрбекни унга қарши кўзғатади. Маҳмудбийнинг юрти Қундузда Бадахшон жанговор тоғлик аскарлари пайдо бўлади. Маҳмудбий ҳам душманга қарши кўшин тортди. Унинг йўқлигидан фойдаланиб, Субхонқули жуда катта қозоқ ҳамда қорақолпоқ кўшинлари билан Балх деворлари остига келиб, уни қамал қила бошлади ҳамда теварак-атрофдаги жойларни вайрон қилиб, мол-мулкини талади. Солиххўжа Маҳмудбийни юришдан чақириб олади, у Балх атрофидаги районларда яшовчи белужлар ва арабларни ёрдамга даъват қилади. Субхонқули сулҳ тузишга мажбур бўлади. Шундан кейин мулкдорлар ўртасида бўлган ўзаро жанглар, туркманлар исёни, Термиздаги қўнғиротлар кўзғолони, Бадахшоннинг душманлиги, катта йўлларда очикдан-очик босқинчилик қилишлар бир замонлар гуллаб-яшнаган, бой, Балх вилоятининг тинч ҳаётини издан чиқариб юборди¹.

Аштархонийлар давлатининг тобора таназзулга юз тутиб пароканда бўлаётганлиги XVIII аср бошларда чўққисига етади. Убайдуллахон ҳокимликда мутлоқликка интилди-ю, давлатни тўққиз йил идора қилиб, уни батамом вайронага айлантди. У мулкдорлар тарқоқлигига барҳам беришга интилиб, Балхда ҳукм суриб турган сепаратистик ҳаракат тарафдорларига дуч келади, чунки Балхда Муҳаммадмуқим ўзини Бухородан мустақил хон деб эълон қилган эди. Муҳаммадмуқимнинг орқасида Қундуз

¹ Ўзбекистон тарихи. Биринчи том. Бош муҳаррир И. И. Мўминов. Тошкент. 1970, 567-568-бетлар.

юртидаги ўз қатағон қабиласига суянган қаттиқ кўл оталиқ Маҳмудбий мададкорлик қилиб турарди. Кейинроқ, 1706 йилда Маҳмудбий Муҳаммадмуқимни ўлдириб, ўзини Балх хони деб эълон қилди. Шунда Убайдулла Маҳмудбийга қарши кўшин тортиб боради, лекин исёнкор Балхни ўзига бўйсундира оломайди¹.

Убайдуллахонни Ҳисорга қарши юриш қилишга тортган оталиқ Муҳаммадраҳимбий эди.

Термизга қарши юришни ҳам Убайдуллахон Муҳаммадраҳимбий маслаҳати билан қилади ва Термиз ноибини вазифасидан озод этади. Юрти Термиз вилояти бўлган кўнғирот қабиласи дарғазаб бўлади. Лекин янги ҳокимнинг ўзи найманлардан бўлиб, Термиз вилоятида яшаётган найманлардан тарафдорлари кўп эди. Улар Амударёнинг нариги соҳилидан Маҳмудбийни чақиртириб келиб, жуда яхши мустаҳкамланган Термизни унга топширишади. Маҳмудбий билан бирга келган кўчманчилар қишлоқларни талаб, хонавайрон қила бошлайди, 1705 йилда уларга қарши юбораилган Бухоро кўшинини Муҳмудбий ер билан яксон қилиб ташлайди².

Шаҳрисабзлик кенегас манғит жўғи ва бошқа қабилалар ғалаён кўтардилар. Хон исёнкор Маҳмудбийга қарши биргаликда ҳаракат қилиши учун уларни ўз томонига ағдариб олишга ҳаракат қилади.

Убайдуллахон Шаҳрисабзга юриш бошлайди. У исён кўтарган қабилла бошлиқларини тўплаб, уларнинг бир қисмини ўзи билан Балхга юриш қилишга кўндиради. Убайдуллахон кўшинлари билан Амударёдан ўтиб, Балхга етиб боради ва уни қамал қилади (1707). Қатағон қабиласини Маҳмудбийга ёрдам беришдан чалғитиш учун хон Шаҳрисабз ўзбекларидан тузилган лашкарларини Қундузга хужум қилдиради. Убайдуллахон Балхни узоқ вақт қамал қилиб тургандан кейингина забт қила олади. Маҳмудбий қочади. Балх аҳолисининг бошига эса қаттиқ босқинчилик ва ҳар хил жабр-жафо тошлари ёғилади³.

¹ Ўша манба. 568-бет.

² Ўша манба. 569-бет.

³ Ўша манба, 570-бет.

Убайдуллахон Бухорога қайтиб келиб қараса “хонга ҳарбийларнинг душманлиги ҳеч ким учун сир бўлмай қолган экан”. Балхда яна Маҳмудбий очик исён кўтаради. Уни бостириш учун юборилган кўшин Қарши қадар етиб борди, холос. Амирларнинг бир-бирлари билан рақобати, уларнинг хонга душманлиги манфаатларининг бирлиги ҳамда Маҳмуд билан уруш қилишга раъйлари йўқлиги ҳаммаси бири бўлиб Убайдуллахонни Маҳмудбий билан ярашишга ва шу билан бирга ақалли зоҳиран Балхга нисбатан ўз суверен ҳуқуқларини сақлаб туришга мажбур этади¹.

1711 йил атрофида Бухородан алоҳида ажралиб, мустақил хон бўлган Маҳмудбий қатағон Балхни бошқариши ва мутафаккир шоирни ўлимга маҳкум этиши худди шу даврга тўғри келган.

XVI асрда Абдуллахон замонида Мовароуннаҳрни сиёсий бир бутун қилиб боғлаб турган заиф алоқалар ҳам XVIII аср бошларида узилиб кетди. Энди давлатнинг тушкунликка учрагани тамомила аниқ-равшан кўриниб турарди. Фарғона XVIII аср бошидаёқ алоҳида ҳокимият бўлиб олган эди. Бу ерда ҳокимиятни Чодак қишлоғида (Чустдан 40 километр шарқда жойлашган) истиқомат қилиб турувчи хўжалардан иборат дарвешлар жамоасининг вакиллари ўз қўлларига олган эдилар, айниқса, бу ерда дарвешлар кўп ва бирлашган эдилар. Ўзбекларнинг минг қабиласидан бўлган, ўзини Чингизхон авлоди деб ҳисобловчи Шохруҳбий 1710 йилда шайхлар ҳокимиятини ағдариб ташлади. Шохруҳбий асос солган маҳаллий Минг сулоласи XIX асрнинг биринчи ярмида деярлик бутун Сирдарё ҳавзасини ва Еттисувнинг бир қисмини ўз қўлига олади. XVIII аср бошларида Шохруҳбий Хўқанд қишлоғи ўрнида бино қилган Қўқанд шаҳри янги тузилган давлат пойтахти бўлади.

Балх ҳам Бухородан ажралиб кетди; кейинчалик бу ерда гоҳ аштархонийлардан Назруҳаммад авлодлари, гоҳ ерли турли ўзбек шахзодалари ҳокимлик қилиб турди. Бадахшонда Ёрбек сулоласи қарор топади. Хоразм яна Бухородан тамомила мустақил бўлиб олди.

¹ Ўша манба, 571-бет.

XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида сиёсий парокандалик унга расман қарам бўлган Фарғона водийсига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шоҳруҳбий (1710-1721) ҳокимиятни қўлга олди. Шоҳруҳбий ўз ҳукмронлиги даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара атрофларини бўйсундириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Унинг вориси Муҳаммад Абдураҳимбий (1721-1733) Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд, Жиззах ҳатто Шаҳрисабзни ўзига бўйсундириб мамлакат ҳудудларини анча кенгайтirdи¹.

Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 йилда Балх, 1723 йилда Самарқанд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиқади. 1720 йилда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олади. Бу аҳволни кузатиб борган Хива хони Шерғозихон ҳам Бухоро хонлигига даъвогар бўлади, аммо унинг ҳаракатлари самарасиз яқунланади. 1723 йилда қалмоқлар қозоқ даштларига бостириб кириб қозоқларни Мовароуннаҳрга қочишга мажбур қилган. Қозоқлар чорва моллари билан Зарафшон водийсига кириб боғ ва экинзорларни пайхон қилганар. Бухоро хонлигида иқтисодий ва сиёсий тинчлик кучайгандан кучаяди, охир-оқибатда хонлик таназулга юз тутди. Мовароуннаҳр парчаланиб учта хонликка-Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларига бўлиниб кетади.

Хуллас, 1599-1747 йиллар давомида аштархонийлар сулоласи даврида ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий тарқоқлик, хонлар, султонлар, шаҳзодалар ўртасида авжига чиққан ўзаро тожу тахт учун курашлар, талончилик урушлари ўша давр аждодларимизнинг дунё тараққиёти цивилизациясидан бирмунча орқада қолиб кетишига сабаб бўлди².

XVII-XVIII асрлар ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Мараб яшаган давр сиёсий воқеалари биз таҳлил этган даражада кўринишда зухур этган эди. XVII-XVIII асрлар аштархоний ҳукмдорлар сиёсат юритган даврда Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий аҳвол қай даражада эканлигини таҳлил этамиз.

Бу даврда давлат тизими, унинг маъмурий тузилиши, ижтимоий тузум, ҳарбий соҳа, иқтисод, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, солиқлар тизими каби масалалар

¹ Масъул муҳаррирлар Р. Ҳ. Муртазаева. Ўзбекистон тарихи. 329-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 31-бет.

давлат миқёсида юритилса-да, нисбатан бу даврда ривожланиш темурийлар ва шайбонийлар даврига муқояса қилинганда паст даражада эканлиги кузатилади.

1601 йилдан бевосита ҳокимият тепасига келган аштархонийларга шайбонийлардан оғир мерос насиб этади. Амир Темур вафотидан кейин 200 йил ўтиб, Мовароуннаҳр ҳудуди сиёсий тарқоқлик, ўзаро қирғинбарот урушлар натижасида халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқиб инқироз сари йўл тутган эди. Аштархонийлар сиёсий тарқоқликни ва ўзаро қирғинбарот урушларни тўхтата олмайдилар. XVII аср бошларига келиб ўзбек уруғ ва қабилалари сони 92 та эди. Уларнинг ҳар бири ўзига хон, ўзига бек-давлат ичида давлат эди, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Манғитлар-Бухорода, қўнғиротлар Хоразмда, минглар Фарғонада, кенегаслар-Шаҳрисабзда, Афғонистоннинг шимоли, Амударёнинг иккала соҳилида ҳукмронлик мавқеини эгаллайдилар. Хонларга қайси қабила, уруғнинг таъсири кучли бўлса, юқори мансаб ва лавозимларни ўша қабилага улашар эди. Манғитлар вакиллари энг юқори амалдор лавозим бўлган оталиқ лавозимини, дўрмонлар парвоначи Қарши ҳокими лавозимини, қатағонлар Бухоро олий ясовули лавозимини эгаллаганлар. Ана шу тариқа халқ ва давлат бойлигини талон-тарож қилувчи, мамлакатни хароб қилувчи улкан бошқарув аппарати ва амалдорларнинг катта бир гуруҳи таркиб топади. Буларни фақат бойлик ва шахсий манфаат қизиқтирган. Мамлакат миллат ва халқ тақдири, истиқболи улар учун бегона эди¹.

Аштархонийлар давлат тизими ўз тузилиши, моҳиятига кўра шайбонийлар давлат тизимидан деярли фарқ қилмас эди. Хон расман олий ҳокимият бошлиғи бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал қилинарди. Барча олий фармонлар хон тамонидан жорий қилинар, унинг номидан тангалар зарб қилинар, хоннинг номи хутбада кўшиб ўқиларди. Лекин амалда кўпгина аштархоний ҳукмдорлар йирик сарой амалдорлари кўлида ўйинчоқ бўлиб, марказий давлат бошқаруви сарой амалдорлари кўлида тўпланган

¹ Ўша манба. 39-бет.

бўлса, жойларда маҳаллий ҳокимият тамомила вилоят ҳокимлари ихтиёрида эди. Бу марказий бошқарувнинг заифлиги оқибати бўлиб, давлат тизимини беқарорлигига, ижтимоий-сиёсий инқирозга олиб келар эди¹.

Давлатдаги энг мартабали лавозим оталиқ эди. Оталиқлар хонлар хузуридаги энг муҳим ишларни назорат қилардилар. Давлатдаги энг олий қароргоҳ девон деб аталарди. Уни бошқариш девонбеги зиммасига юклатилган. Шунингдек, давлат ишларида кўкалдош вазифаси ҳам юқори аҳамиятга эга эди. Кўкалдош давлат ҳақида, хон атрофидаги одамлар ва душманлар ҳақида тўпланган маълумотларни назорат қиларди. Бундан ташқари аштархонийлар давлати маъмурий бошқарувида миршаббоши (тунги қоравуллар бошлиғи), додхоҳ (аҳолидан шикоят ва аризалар қабул қилувчи шахс), иноқ (хонга амирлар чиқарган буйруқларни етказувчи шахс), мирахўр (отхона бошлиғи), дастурхончи (ошхона бошлиғи), мунший (хон мирзаси), тўқсабо (овқат ва ичимликлар тарқатувчи) каби лавозим ва мансаблар ҳам бор эди. Мансабга қўйилганлик ҳақидаги ҳукм парвоначи орқали бериларди².

Аштархонийлар даврида Бухородан кейинги энг нуфузли шаҳар Балх бўлиб, уни тахт вориси бошқарар эди. Давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб-марказий ва маҳаллий бошқарув тизимига эга эди.

Вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга бўйсунishi белиланган йиллик солиқларни тўплаб хон хазинасига юбориб туриш, хон фармойишига кўра ҳарбий юришларда ўз қўшинлари билан қатнашишдан иборат эди, холос. Вилоят ҳокимлари ҳам ўз бошқарув тизимига, ҳарбий кучларига эга эди.

Аштархонийлар даврида ҳарбий ва маъмурий амалдорлар катта ҳуқуқларга эга эди. Улар билан бир қаторда йирик дин пешволари-хожалар ва диний мансаб эгалари-шайхулислон, қозикалон, садр ва бошқаларнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Давлат бошқарувида Жуйбор хожаларининг мавқеи бу даврда

¹ А. Садгуллаев, Б. Аминов, Ў. Мавлонов, Н. Норқулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. “Академия”, Тошкент, 2000, 179-бет.

² Масъул муҳаррирлар А. С. Сагдуллаев, Б. Ж. Эшов. Ўзбекистон тарихи. 287-бет.

ҳам юқори бўлиб, асосий диний мансабдорлар улар ичидан тайинланар эди¹.

Аштархоний ҳукмдорлар давлатда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун хизматкор ноибларига ерлар инъом қилишни давом эттирадилар. Бу даврга келиб ер инъом қилишнинг илгариги шакли-суюрғолдан ташқари танҳо шакли ҳам вужудга келади. Танҳо фақат ҳарбий саркардаларга бериларди. Танҳо соҳиби ернинг эгаси бўлмай, балки ерда ишлаб берувчи деҳқонлардан ўлпон тўлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий зодагонлар эдилар.

Аштархонийлар даврида солиқларнинг қирқтага яқин тури жорий қилинган. Бу ҳол омманинг қашшоқлашишига олиб келади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида пул тизими инқирозга учрайди ва халқни талаш авжига чиқади. Битта кумуш тангадан тўртта танга зарб этирила бошланган, бундай тангаларнинг қудрати тўрт баробар пасайиб кетган. Солиқлар амалда тўрт баробар оширилган. Буларнинг оқибатида мамлакат халқ хўжалиги батамом инқирозга юз тутади, очлик-яланғочлик оддий бир нарса бўлиб қолади. “Оддий халқ ва камбағаллар,- дейилади «Убайдуллонома»да мушкул аҳволда қолдилар, кундалик ейиш-ичишдан маҳрум бўлдилар, ҳатто кафан учун мато тополмай, жонларини худога топширдилар”². Чорасиз қолган халқ оммаси Убайдуллахон зулмига қарши Бухорода, Кеш, Ургут ва Термизда кўзғолонлар кўтардилар. Бу кўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилган. Аштархонийлар халқ оммаси устидан ўз ҳукмронликларини ўтказишда рухонийларнинг қўллаб-қуватлаши ва мададига таянганлар. Ҳукмдор зодагонлар билан диний маҳкамалар ўртасида тўла ҳукмронлик вужудга келган. Ҳар бир ҳукмдор тахтга ўтиришдан олдин муқаддас жойларга, авлиё-анбиёлар қабрларига бориб қурбонликлар, назр-ниёзлар қилиб, кечалари билан ухламасдан Қуръон оятларидан ўқиб чиққанлар ва уларнинг арвоҳларидан ҳукмронликка фатволар сўраганлар³.

¹ А. Сагдуллаев, Б. Алимов, Ў. Мавлонов, Н. Норқулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 180-бет.

² Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. “Фан”, Тошкент, 1957, 158-бет.

³ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 40-бет.

Айрим аштархоний ҳукмдорлари Имомқулихон, Абдулазизхон, Убайдуллахон ҳукмронликлари даврида марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳарчанд ҳаракат қилинмасин, бу ҳаракатлар айтарли ижобий натижалар бермади. Маҳаллий амирлар ва султонлар ўз жойлашган шаҳар ва ҳудудларида ҳокимлик қилиб, бу ҳудудларда йирик ер эгалари бўлибгина қолмай, бутунлай хўжайин эдилар. Улардан кўпчилиги ўз гуруҳлари кучига таяниб марказий ҳокимиятга деярли бўйсунмас эдилар.

Хонларнинг алмашилиши халқ учун катта зарар келтирар эди. XVII аср охирига келиб, Хива хонлигида кўнғиротларнинг мавқеи оша борди ва 1804 йилда улар Хива хонлиги тахтини эгаллиб, 1920 йилгача бу хонликда ҳукмронлик қилишди. Кўқон хонлигида ҳукмронлик қилишган минглар сулоласи ўзларининг ташқи истилочилик урушлари ва ўзаро сулолавий курашлари билан хонлик аҳолисининг ижтимоий иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирди¹.

Аштархонийлар даврида доимий бўлиб турадиган ўзаро урушлар мамлакатни вайрон қилди. Халқ оммаси тобора қашшоқлашиб борди.

Мовароуннаҳрда ер эгалиги бундан олдинги асрларда бўлгани сингари, давлат ер эгалиги (амлок), хусусий (мулк) ва вақф ер эгалиги шаклларида мавжуд эди. XVII асрда ер инъом қилиш расми янада кучайди. XVI асрда бўлгани каби суюрғол ва янги хил танҳо инъоми кенг расм олиб, бу ҳол Ўрта Осиёда XIX асргача давом қилиб келди. Давлат ҳокимияти заифлашган сари ер эгалиги кенайиб, ўзбек қабилаларининг ҳукмронлиги кучайиб борди².

XVII асрда ҳунармандчилик, тўқимачилик ривожланди. Айниқса шойи, ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш, терини ишлаш кенгайди. Шаҳар ҳаётида ташқи савдо катта рол ўйнади. Қарвонлар Москва, Эрон ва Узоқ Хитой ҳамда Ҳиндистонга кўплаб бориб турдилар. У ёқлардан матолар, чинни идишлар,

¹ Р. Ҳ. Муртазаева, Б. Ж. Эшов, Б. Жолдасов, М. У. Тожиева, М.М. Ҳайдаров, Н. Полвонов, Қ. Ражабов, А. Одилов. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. Тошкент, 2000, 64-68-бетлар.

² Х. Бобобеков, Ш. Каримов, М. Содиқов, Қ. Усмонов, С. Холбоев, Р. Шамсутдинов. Ўзбекистон тарихи. 126-бет.

чой, тикиш учун ҳар хил иплар, аёллар учун безаклар, зебзийнатлар, ранглар олиб келинарди. Ўз навбатида Бухоро хонлари кўшни давлатларга ўз элчиларини юбориб, ташқи алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилишган.

XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда табиий бойликлар қазиб чиқарилган. Қимматбаҳо тошлардан феруза, ёқут қазиб олинган.

Самарқанд ва Бухорода аъло нав қоғозлар ишланган, бу қоғозларни ишлаб чиқариш усули Абдулазизхон даврида кашф этилган эди. Бухоро хонлигида темурийлар ва шайбонийлардан мерос қолган, лекин баъзи бир ўзгаришлар киритилган давлат бошқарув тизими мавжуд эди. Амалдорлар поғонасида биринчи ўринни оталиқ эгаллади. Оталиқ биринчи вазир вазифасини бажарган. XVIII асрда эса у яна мамлакатда суғориш ишларига раҳбарлик ҳам қилган¹.

Аштархоний ҳукмдорлар даврида давлат хазинасини бойитишнинг ягона усули халқдан солиқларни кўпроқ йиғиб олиш деб ҳисоблаганлиги сабабли ҳам солиқлар сони ва миқдори ҳаддан ошириб юбориларди. Масалан, Субхонқулихон даврида 7 йиллик солиқларни бир йилда йиғиш ҳақида фармон эълон қилинган эди. Бу аҳолининг янада камбағаллашувига, ерларнинг қаровсиз бўлиб қолишига, деҳқончиликнинг инқирозига, нархларнинг ошиб кетишига олиб келди².

Бу даврда хонликдаги анъанавий бўлган хирож, закот, ихрожат, бож каби солиқлардан ташқари жуда кўплаб каттакичик солиқлар жорий этилди. Улар асосан ўзаро низолар туфайли тез хувиллаб қоладиган хазинани тўлдиришга, кўшинлар таъминотига, хон ва сарой аъёнлари харажатларини қоплашга сарфланарди. Асосий солиқ тўловчи аҳоли раият-деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, чорвадорлар эди. Турли солиқлардан ташқари қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турли ишлар (каналлар қозиш, ариқларни тозалаш, қурилиш ишлари ва бошқалар)га мажбуран жалб этиларди. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар учун сарфланадиган харажатлар аҳолидан турли йўллар билан

¹ Ўша манба, 126-127-бетлар.

² А. Сағдуллаев, Б. Аминов, Ў. Мавлонов, Н. Норқулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 184-бет.

ундириб олинарди. Мамлакат фуқаролари бўлмаган савдогарлардан олинадиган солиқлар (бож) деярли ўзгаришсиз бўлиб, кўпинча уларнинг миқдори сиёсий муносабатларга ҳам боғлиқ эди.¹

Хонлар, амалдорлар ва бошқаларнинг турли диний муассасалар (масжид, мадраса, қабристон, ҳонақо) фойдасига берилган ва бизгача етиб келган васиятномалари, бутун-бутун районлар ва улардаги ўнларча қишлоқлар, экин экиладиган ерлар, тегирмонлар, уй-жойлар, карвонсаройлар, дўконлар мусулмон руҳонийларининг айрим табақалари қўлига ўтаб кетган. Вақфга инъом қилинган ва хон инъом қилган ерлардан ташқари, дарвеш эшонларнинг ер бойликлари ўша замонларда кенг расм бўлган ер сотиб олиш ҳисобидан ҳам кўпайиб борган.

XVII ва XVIII асрларда Мовароуннаҳрда табиий бойликларни қазиб чиқариш энг паст даражада бўлган. Олотовда руҳ қазиб чиқарилганлиги тўғрисида маълумотлар бор; селитра қазиб чиқариш ва ундан порох ишлаш анча кенг йўлга қўйилган. Қимматбаҳо тошлар, асл шпинель, феруза ва бошқалар ўлпон тариқасида хон хазинасига келтириб топшириларди. Бадахшондаи машҳур қизил ёқут конини қазиб ишлаш давлат монополияси эди. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланмаганлиги, иқтисодий алоқаларнинг бўшашига XVIII асрнинг биринчи ярмидаги рус мушоҳадачиларининг сўзларига ишонилса, зодагон тузумга хос хонларнинг тақиқлаш тадбирлари кон саноати ишларининг ривожланишига тўсқинлик қилган².

Самарқанд ва Бухорода аъло нав қоғозлари ишланарди, бундай қоғозларни ишлаб чиқариш усулига Абдулазизхон даврида эришилган эди. Ҳунармандчилик ҳам савдо ишлари ҳам асосан аллақачон шаҳарларга келиб ўтрокликка кўчган туб жой халқ қўлида тўпланган эди.

Шаҳарнинг ҳунармандчилик саноати, жумладан, жамият ҳукмронлари истеъмол қиладиган турли қимматбаҳо буюмлар тайёрлаш нисбатан анча юқори даражада туради. Бироқ, ишлаб чиқариш техникаси ва бадий қиймати жиҳатидан бу буюмлар

¹ Ўша манба, 185-бет.

² Бош муҳаррир И. М. Мўминов. Ўзбекистон тарихи. 583-бет.

камдан-кам, истиснолар билан Мовароуннаҳр усталарининг аввалги асрларда ҳозирланган буюмларидан анча паст даражада эди¹.

Мовароуннаҳрда чўл урф-одатлари юқори давлатчилик формалари билан дуч келиб, собиқ кўчманчилар орасида мулкый муносабатлар мустаҳкамланган сари улар бу формаларни ўзлаштира борадилар.

Мулкый ер эгалигининг ривожланиши ва ўзбек мулкдор аслзодалари қўлида катта-катта ер бойликларининг тўпланиши аслзодалар аҳамиятини шу қадар кучайтириб юбордики, XVII асрдан бошлаб хон илгариги мавқеининг катта ҳиссасидан маҳрум бўлди. Ўзбек мулкдорлари учун аштархонийлар қулай эди, чунки улар ўзбек қабилалари билан боғлиқ бўлмаганларидан, Мовароуннаҳр аҳолиси орасида етарли даражада таянчлари йўқ эди. Аштархонийлар сулоласидан бўлган баъзи бир хонларнинг (масалан, Имомқулихоннинг) ҳокимиятни марказлаштириш ва баъзи бир мулкдорларни бўйсундириш учун қилган ҳаракатлари қулай фурсатлардагина қисман муваффақият қозонди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида зодагонлар тарқоқлиги чўққисига етди, хон-амирлар қўлида-ўзбек қабилла бошлиқлари қўлида кўғирчоқ бўлиб қолди. Амирлар ҳақиқатда ўз юртларининг мустақил ҳокимлари бўлиб олдилар. Улар кўшинларга қарши уруш олиб борадилар, хужум қиладилар, улар билан ўзлари мустақил сулҳ тузадилар. Бу амир ҳокимлардан баъзи бирлари, бир неча ўн йиллар давомида Самарқандни идора қилиб турган. Ялангтўшбий, Маҳмудбий қатағон, оталиқ Раҳимбий ва бошқалар ўзлари бошлиқ бўлиб турган қабилаларнинг ҳарбий кучларига таяниб, бутун давлатда, шунингдек, унинг айрим вилояти ҳаётида ҳам катта рол ўйнадилар. Хон уруғи аъзолари ўртасида амлокларга бўлиниш ўрнини энди айрим қабилалар ўртасидаги амлокларга бўлиниш олди².

¹ Ўша манба. 583-бет.

² Ўша манба. 585-бет.

Бухоро хонлиги аштархонийлар даврининг охирларида марказий ҳокимиятдан бутунлай мустақил бир қанча қабила мулкларидан ташкил топганди.

Қишлоқ ҳунармандлари ўз маҳсулотларини шаҳарларга олиб борадилар. Ҳунармандчиликка оид асосий маҳсулотлар шаҳарларнинг ўзларида тайёрланарди. Бозорларда эҳтиёж учун сотиб олувчилардан ташқари, маҳсулотларнинг маълум турларини сотиб олувчи савдогарлар ҳам бор эди.

Уларнинг баъзилари йирик савдогарлар бўлиб, йирик-йирик бозорларни эгаллаб олган ва кўплаб дўконлари мавжуд эди.

Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда ипак матолар ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолди. Уни чиқариш ҳам тақиқлаб қўйилган эди. Россияга чиқиладиган маҳсулотлар асосан тери, жун, гилам кабилар эди. Рус давлатида бу маҳсулотларга талаб катта эди. Мовароуннаҳрлик савдогарлар Россияга нафақат ўз маҳсулотлари балки, чет эл маҳсулотларини (айниқса ҳинд, эрон, афғон маҳсулотларини) ҳам олиб борардилар. XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияга олиб чиқиладиган маҳсулотларнинг тури кўпайибгина қолмасдан, балки бу муносабатда кўплаб рус элчи-савдогарлари ҳам иштирок эта бошладилар. Рус савдогарлари ёки уларнинг вакиллари Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида 2-3 йил яшашар, рус, маҳсулотлари келтириб, маҳаллий маҳсулотларни олиб кетардилар, улар савдогарчилик ниқоби остида ҳарбий аҳамиятга молик маълумотлар ҳам тўплаб, Россия давлатига етказиб турганлар¹.

Бу даврда Мовароуннаҳр бошқа алоқаларини анча ривожлантирди. Чунончи Самарқанд ва Бухородан Россия ва Ҳиндистонга шойи ва ип газламалар олиб борилар эди. Ўз навбатида савдогарлар Ҳиндистон, Эрон, Хитойдан турли газламаларни олиб келишар эди. Мовароуннаҳрнинг Москва давлати билан савдо алоқалари ривожланган эди. Савдогарлар Москва давлатига ҳам тери, ошланган қўй териси, жун газлама, ёғоч идиш-товоқлар ва бошқа нарсалардан олиб боришарди.

¹ Масъул муҳаррирлар А. С. Сагдуллаев, Б. Ж. Эшов. Ўзбекистон тарихи. 289-290-бетлар.

Самарқанд савдогарлари ташқи савдода ҳам фаол қатнашадилар. Масалан, 1577 йилда Бухородан Москвага борган савдо элчихонаси составида Самарқанд вакили Хўпса Тўра ва бошқалар бор эди¹.

XVII аср Мовароуннахр билан Москва давлати ўртасида дипломатик ташқи муносабатлари ҳақидаги кўпгина расмий ҳужжатларда Самарқанд тилга олиб ўтилади. Масалан, Назрмуҳаммадхон подшо Михаил Фёдоровичга йўллаган мактубида ўзининг тахтга ўтирганини ва Москва давлати билан аввалгидек дўстона муносабатларни, савдо алоқаларни давом эттиришини ва асирлар айрибошлашни истаётганлигини маълум қилади. Назрмуҳаммадхон каттакон бу давлат таркибига Самарқанднинг ҳам кирганлигини мактубида уқтириб ўтади.

XVIII асрнинг охирида Самарқанд бозорларига Россия, Хитой, Ҳиндистондан турли буюмлар келтиришар эди. Ўз навбатида Самарқанд вилояти ҳам шу мамлакатларга қоғоз, олачадан тайёрланган чопонлар, сопол буюмлар, қуруқ мева, қорақўл тери, от-уловлар етказиб берарди².

Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам шайбонийлар давридагидек Бухоро Мовароуннахрда ислом динининг таянч марказларидан бири сифатида мавқеини сақлаб қолган. Бу ерга ислом динининг билимдонлари, муллалар, шайхлар, мударрислар ҳар тарафдан келар эдилар. “Убайдуллонома”да бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: “Гўзал Бухоро шаҳрида ва унинг атрофларида илоҳиётчилар, олимлар, тақводор ва авлиё кишилар шу қадар кўп эдики, уларнинг саноғига етиб бўлмасди”³.

Улар сўфийлик таълимотини билишда ва кароматда гўё ўз илоҳий қудратларини намойиш қилар эдилар. Бу даврда Хожа Ахрор нақшбандийлар ғоясининг тарафдори Сўфи деҳқонга тенг келадиган ва у билан баҳслаша оладиган уламо йўқ эди. Манбаларда кўрсатилишича, унинг ер-мулклари ва бойликлари жуда кўп ва чексиз бўлган.

¹ Масъул муҳаррир. И. М. Мўминов. Самарқанд тарихи. Биринчи том. 285-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. “Фан”, Тошкент, 1957, 158-бет.

Шайбонийлар ва аштархонийлар давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида Жуйбор шайхларининг ўрни ва нуфузи жуда катта бўлган¹. Аслзодалик ва тариқатдаги юқори мавқеларига кўра, Жуйбор хожалари ўзларини ота томонидан Муҳаммад пайғамбар с.а.в. авлодлари, она томонидан эса Чингизхон ва Жўжи авлодлари деб билганлар. Аслзодалик ва тариқатдаги юқори мавқеларига кўра, Жуйбор хожалари сомонийлар давридан бошлаб давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаганлар. Хожа Муҳаммад Ислоом ва Хожа Саъд XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода шайхулислом лавозимини эгаллаб турганлар. Абдулазизхон, Субхонқулихон ва Убайдуллахон даврларида бу лавозимни Хожа Абдурахимнинг набираси Муҳаммад Боқирхожа ва Ҳошимхожа жуйборийлар эгаллаганлар. Шу хонадоннинг бошқа бир намояндаси Ҳабибуллохожа муфтий мансабида фаолият кўрсатган.

Бухоро хонлари Жуйбор хожаларини ер-сув, нақд пул ва қимматбаҳо ҳадялар билан тақдирлаш билан чегараланмасдан, улар билан қавм-қариндошликка интиланлар. Жуйбор хожалари бирон одамни юқори мансабга тайинлаш, мансабидан четлатиш ва бошқа вазифага тайин этишда ҳам маълум таъсир кўрсатганлар².

Ривож топган кончилик ишлари тушкунликка учраганлиги муносабати билан асосий валюта маъдани ҳисобланган кумушнинг камлиги сезилиб турарди. Бир томондан кумуш тангалар камлигини тўлдириш учун қисман қалбакичилик билан қўшимча даромад ҳосил қилиш мақсадида XVII асрда тангаларни “бузиш” жуда кенг қўлланиларди. Тангага мис ёки қалай қўшилиб, бозордаги муомала нарҳида мажбурий қиймат билан янги тангалар чиқариларди. Шундай қилиб, танга зарб қилиш хонликдаги меҳнат аҳлини, оммавий эксплуатация қилиш, аҳолидан қўшимча даромад чиқариб олиш йўллари билан бири эди. Хон хазинасининг тобора камайиб бориши яна шунга ҳам таъсир қилдики, XVII асрда шаҳарда хон хазинаси ҳисобидан бинокорлик ишлари камайиб кетди, гарчи XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода Мовароуннахр мулкдор меъморчилигини, яъни

¹ Бўрибой Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1994, 24-25-бетлар.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 41-бет.

Абдулазиз қурдирган катта-катта ҳашаматли биноларнинг намуналарини кўрамиз. XVII асрда мулкдорларнинг баъзи бирлари шу қадар бой-бадавлат эдиларки, улар, масалан Самарқанддаги Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирган Ялангтўшбий қабилар хонларга нисбатан катта масштабда ҳашаматли бинолар қурдиришга қурби етар эди¹.

Аштархонийлар давлатининг энг ожиз ва кучсиз томони шунда эдики, уларда мунтазам армия бўлмаган. Хон армияси асосан қабилалар лашкарларидан ташкил топган. Улар оддий қурооллар: қилич, камон ҳамда найзалар билан қуроолланган эди. Ўт очувчи қурооллар камдан-кам бўлган. Қўшинда хизмат қилувчи сипоҳларга маош берилмасди, уларга босиб олинган юртлар аҳолисини талаш ҳуқуқи бериларди. Албатта, оддий ва қадимий қуроолларга таянувчи, тартиб интизоми бўлмаган қўшин билан узоққа бориб бўлмас эди².

Шундай қилиб, аштархонийлар ҳукмронлиги давридаги давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини кўриб чиқдик. Бир сўз билан айтганда, қанчалик катта иқтисодий, маданий, маънавий шарт-шароит ва имкониятларга эга бўлинмасин, марказий ҳокимиятнинг заифлашиши, маҳаллийчилик, сиёсий бошбошдоқлик, мамлакат ва давлатнинг бошқа барча қудратларини кесиб юборади. Назрмуҳаммадхон замонида бошланган сиёсий беқарорлик тахминан юз йил ўтиб сулола инқирози ва давлатнинг учга бўлиниши билан тугади. Шунингдек давлат бошқаруви тизимида шайбонийлар даврида бошланган «орқага қайтиш» жараёни кучайиб бориб, аштархонийлар замонида девонлар тизими деярли барбод бўлди. Бутун ҳокимият даргоҳда мужассамлашиб қолди. Агар даргоҳ ва девонлар тизими мавжудлиги шароитида марказ вилоятларни даргоҳ маҳаллий ҳокимликлар тизимидан ташқари девонларнинг маҳаллий бўлимлари орқали ҳам бошқариш имконига эга бўлиб, бу ҳол марказ эътиборини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этган бўлса, энди эса жойлардаги бутун ҳокимият маҳаллий кучлар қўлида мужассамлашди. Шунинг учун ҳам вилоятларнинг бошбошдоқлик кайфияти бу вақтда ниҳоятда кучайган. Бундан

¹ Бош муҳаррир. И. М. Мўминов. Ўзбекистон тарихи. 589-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи, 41-бет.

давлатчилик асослари заифлашиши ҳам турган гап эди. Шундай бўлиб борди ҳам¹.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йиллари кўзга ташланадиган яна бир муҳим жиҳат хусусида тўхталиш лозим. У ҳам бўлса, давлатимизнинг ҳалқаро ҳаётдаги мавқеининг сусайиб бориши масаласи. Эътибор берилса, ташқи алоқалар асосан Хуросон доирасида, шимолдаги кўчманчи халқлар билан муносабатларда чекланиб қолган. Бу вақтда илм-фан, техника тараққиётида, ҳарбий санъатда илгарилаб бораётган Европа давлатлари билан алоқалар ўрнатиш, жаҳон сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий даврасига кириш, бунинг орқасида дунё миқёсида фикрлаш, сиёсат юритиш анъанаси бизнинг сиёсатчилар, давлат арбобларида бўлмаган. Шунинг учун аجدодларимиз гидравлика, машина, механизмлар, энг замонавий ҳарбий қуроолардан беҳабар қолаверганлар. Замонанинг энг илғор ютуқларидан миллий манфаат йўлида фойдаланишга масъул ҳукмрон кучлар, сулолалар тобора ўз қобикларига ўралашиб, маҳаллийчилик, сулолавий манфаатлар қарама-қаршилиги асоратидан чиқа олмаганлар².

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 277-бет.

² Ўша манба. 278-бет.

МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб XVII-XVIII асрларда Мавароуннаҳр халқларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида ғоят мураккаб тарихий вазият вужудга келган бир шароитда яшаб, ижод этди. Бу даврларда Мавароуннаҳр зодагон тузумнинг ички қарама-қаршилиги кескинлашиб, жамиятда ижтимоий ва табақавий кураш шиддатли тус олди. XVII асрнинг ўрталарига келганда Мавароуннаҳрнинг ички сиёсий аҳволи жуда ҳам чигаллашиб кетди. Аштархонийлар хонадонидан бўлган хонларнинг тахт учун тўхтовсиз бўлиб турган ички ва ташқи қонли урушлари ўлканинг иқтисодий қудратига катта путур етказди. Мамлакатда хонавайронлик ва бошбошдоқлик қаттиқ авж олди¹.

1601 йилдан эътиборан Бухоро хонлигида ҳокимият шайбонийлардан аштархонийлар (жонийлар) сулоласи қўлига ўтди. 150 йилча (1601-1756) ҳукмронлик қилган аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчалиги, марказий ҳокимиятдаги амалдорлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, ур-йиқитлар мамлакат тинқасини қуритиб борди. Буни аштархонийлар сулоласидан Бухоро тахтига кўтарилган ўн нафар хондан иккитасининг тахтдан ағдарилганлиги, тўрттасининг тахт устида ўлдирилганлиги ҳам яққол кўрсатади².

XVII-XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқарувида: ҳокимият марказда ҳам, вилоятларда ҳам асосан бир идора-даргоҳда мужассамлашиб борган. Аниқ равишдаги даргоҳ ва ижроия (девонлар) тақсимотини бу замонда кўрмаймиз.

¹ Мухсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1984, 54-бет.

² Қ. Усмонов, М. Содиқов, Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2002, 198-бет.

Аштархонийлар ҳукмронлик йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, додқоҳ, девонбеги, қушбеги, чухрабоши, мироҳур, ясовул, иноқ, қурчи, ҳарбий қози, бош қози, шайхулислом, аълам, раис, бош муфтий, ҳарбий муфтий, эшикоғабоши, мирзабоши, мунший, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлган. Аштархонийлардан Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучайиб боради. Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач пойтахтдаги оталиқ вазифасини Йалангтўшбийга, яъни ўша пайтдаги энг забардаст амирларга таклиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субхонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар оталиққа юклатилган. Бундай ҳолат Убайдуллахоннинг дастлабки ҳукмронлик йиллари ҳам сақланиб қолган. “Убайдулланома”да XVIII аср бошларидаги оталиқ вазифасининг моҳиятини кўрсатиб берувчи таъриф бор-умдат ал умаро, яъни тамом амирлар табақасининг таянчи¹. 1707 йили Убайдуллахон Одилбий мингни Балх вилояти мулкларининг бош оталиғи этиб тайинлайди².

Аштархонийлар, хусусан Убайдуллахон ва Абдулазизхон замонларида қушбегининг мавқеи ўсган. Шу мансабдаги шахснинг мавқеи кўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозим аҳамияти ҳам юксалган. Чунончи, Тўрақули қушбегибоши мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз хоҳишига кўра иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Манба тили билан айтганда, бу пайтда қушбегибоши амирларнинг энг улуғи эди³.

Хуллас, шароит ва вазиятга қараб у ёки бу давлат лавозимининг эътибори ўзгариб бораверган, бу ҳолат олий ҳукмдорнинг у ёки бу шахсга, унинг ҳокимият учун тегадиган нафига, жамиятда тутган ўрнига қараб муносабатда бўлиши билан боғлиқ эди⁴. Чунончи, аввал бошда Убайдуллахон саройида Муҳаммад Раҳим оталиқ мавқеи баланд бўлса, 1707 йили хон уни Қарши вилояти бошқарувига тайинлади. 1710 йили эса Тўрақули қушбегибошига катта имтиёзлар беради. Натижада

¹ Мир Муҳаммад Амин Бухорий. Убайдулланома. Тошкент, 1957. 42-бет.

² Ўша манба. 142-бет.

³ Ўша манба. 214-бет.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 270-бет.

қушбеги унвони мавқеи ўз-ўзидан юксалади. Хуллас, унвон эгаларининг ижтимоий мавқеи ҳал қилувчи рол ўйнаган. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлигига парвоначи, оталиқ каби лавозимдагиларнинг тайинланиши табиийликка айланиб борган. Аштархонийлар давридаги даргоҳ хизматларидан яна биригасарой қутволига давлат хазинаси ҳисобига амалга оширилган қурилиш, ободончилик ишларига жавобгар бўлган. Масалан, 1709 йили Убайдуллахон сарой қутволи Хожа Болтуга пойтахт атрофида чорбоғ барпо этишни буюради. Хожа Болту ишга киришиб, муҳандислар, меъморлар, усталар, мардикорлар, ҳашарчиларни жалб қилиб, катта чорбоғ ва унинг ўртасида ажойиб ва ҳашаматли сарой ҳам қурилишига бошчилик қилади. Маблағни эса олий ҳукмдор беради¹.

XVII-XVIII асрларда меъморчилик соҳасида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Улар аввалгиларидан ўлчамлари ва безаклари билан фарқланади. Самарқанд шаҳрининг бош майдони-Регистоннинг шаклланиши шу даврга мансубдир. Бу ерда Ялангтўшбийнинг маблағи ҳисобига мадраса қурилиб, пештоқини шерларнинг кошинли тасвири безаб туради. Шу сабабли мадраса Шердор номини олган. Ушбу мадраса қаршисида майдоннинг нариги бетида Улуғбек мадрасаси жойлашган бўлиб, Шердор мадрасаси Улуғбек мадрасасининг асосий шакллари тасвирлайди: баланд пештоқ, қиррадор гумбазлар, баланд тик миноралар.

Майдоннинг учинчи тамонида Ялангтўшбий томонидан барпо этилган Тиллақори (олтин қадалган) номидаги икки қаватли мадраса жойлашган.

Бухорода Имомқулихоннинг нуфузли катта амалдорларидан Нодир девонбеги масжид ва ҳовуз, мадрасадан иборат меъморий ансамбль қурдирди. Нодир девонбеги бундан ташқари, Самарқанддан 4 чақирим жанубда Хўжа Аҳрор қабри олдига мадраса ва намозгоҳ ҳам бино қилди².

Абдулазизхоннинг Бухорода бунёд этган иншоотлари ғоят муҳташам. Аввало Бухородаги Улуғбек мадрасаси қаршисида қурилган мадрасани тилга олиш жоиздир. Мазкур муҳташам бино

¹ Убайдулланома. 142-бет.

² А. Асқаров таҳрири остида. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-том. 38-39-бетлар.

яхши безатилган, ундаги мрамр тахтачалар қимматбаҳо кошин безаклар, сирланган гулдор сопол тахтачалар, мураккаб ганчли гумбазлар, шарафалар, ички деворлар ғоят нафис ва нақшларга бой ҳал югуртирилган қасрлар, оқ сатҳга кўк бўёқда туширилган нақшлар кўзни қамаштиради. Бу Ўрта осиелик меъморларнинг улуғвор иншоотидир. Абдулазизхон мадрасаси ва Нодир девонбеги томонидан қурилган Лаби Ҳовуз меъморий мажмуаси, Қаршидаги Ёрмуҳаммадбий ва Хўжа Қурбонбий мадрасалари, Шаҳрисабз воҳасидаги Хўжа Илимкон меъморий мажмуалари аштархонийлар даври меъморчилигининг юксак намуналаридир. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, ўзаро урушлар, сиёсий парокандалик билан изоҳланувчи аштархонийлар даврида тарихнавислик, адабиёт, меъморчилик соҳасида қўлга киритилган бу ютуқлар ижобий силжишлар, меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик хислатларининг буюк кўринишидир¹.

1630-1631 йилдан 1635-1636 йилгача Нодир девонбеги топшириғига биноан, Хўжа Аҳрор мазори ёнида мадраса қурилди. Мадраса меъмор Дўстмуҳаммад раҳбарлигида бунёд этилди; Хўжа Ҳошим номли киши қурилиш учун жавобгар бўлган. Бу ёдгорликнинг мозаикадан ишланган паннога битилган шеърларда “улуғвор бино” баландлиги “нур сочиб турган ойгача” етади деб айтилса ҳам, мадрасанинг ҳажми унча катта эмас ва тузилиши жиҳатидан ўша даврдаги биноларга ўхшарди. Бинога асосий кириш йўли қуббали айвонлари бўлган чорқирра ҳовлига олиб боради. Ҳовлининг атрофи бир қаватли хужралар билан ўралган. Ҳовлининг юқори қисмида масжид ва дарсхоналар жойлашган. Буларнинг усти қубба шаклдаги томлар билан ёпилган².

Мовароуннаҳрда вилоят ҳокимларининг сепаратизми авж олган ва марказий хон ҳокимияти заифлашган бир пайтда кучли ўзбек уруғларининг роли анча ошди. Имомқулихон томонидан Самарқанд ҳокими қилиб тайинланган Ялангтўш баҳодир урушларда эришган ғалабалари билангина эмас, балки енгилганларни қаттиқ жазолаши билан ҳам танилган ҳарбий саркарда эди.

¹ Бош муҳаррир. Ўзбекистон тарихи. “Фан”, Тошкент, 1970, 598-бет.

² Масъул муҳаррир. И. М. Мўминов. Самарқанд тарихи. 300-301-бетлар.

Ялангтўш Баходир Тиллақори мадрасасини “1646-1659” умрининг сўнгги йилларида барпо этган. Мадраса ҳовлиси диний йиғинлар учун мўлжалланган. Қишки масжид тўғри бурчакли устунлари ўрнатилган кўп гумбазли галерия шаклида; унинг марказида меҳробни бўлган асосий монументал бино жойлашган. Унинг тик пештоқи ҳовлига қараган бўлиб, мураккаб сталактик гумбазлар билан ёпилган. Деворлари, дарчалари ва интерьер куббалари пастдан то шифтгача кундал услубида туширилган гули расмлардан иборат: Бу ёзувларга тилла суви юритилганлиги учун ҳам мадраса “Тиллақори” деб аталган. Ташқи гумбазнинг улкан цилиндрик қисми қуриб битказилган бўлса ҳам, поёни етказилмаган, Тиллақори мадрасасининг безаклари Шердор мадрасасиникидан бирмунча фарқ қилади.

Тиллақори-қадимий Самарқанд классик архитектурасининг ажойиб босқичини яқунлайди. Бу ёдгорликнинг бадиий қиймати унинг ўзи туфайли эмас, балки бу бинони барпо этиш билан Самарқанднинг Регистон майдонидаги ажойиб монументал ансамбль ўзининг ниҳоясига етганлигидадир. Бу ансамбль кўрки ўшандайлигича бизнинг кунларимизгача етиб келди¹.

Биз кўздан кечираётган бу давр Хива хонлигида хўжалик ва маданий ҳаётнинг бошқа кўринишлари каби санъат ҳам таназзулда эди. Ўша даврга оид бўлган ва Хивада сақланиб қолган архитектура ёдгорликлари орасида 1616 йилда қурилган Арабмуҳаммад мадрасаси бор; мадраса биносининг жануб тамонига туташган масжид бизнинг давримизгача сақланиб қолмаган. Анушахон масжид ва ҳаммомлар, Шерғозихон эса икки қаватли катта мадраса қурдирадилар. Бу ғиштдан қилинган мадрасанинг ташқи кўриниши Бухородаги мадрасаларга ўхшайди.

Бу биноларнинг ҳаммасини Бухоро ва Самарқандда аштархонийлар даврида қурилган ҳашаматли биноларга сира таққослаб бўлмайди, бу бинолар Бухоро хонлигидаги архитектура ёдгорлигига хос ажойиб нақшларга ҳам эга эмас².

Аштархонийлар даврида савдо-сотик билан боғлиқ иншоотлар қурилиши ҳам анча ривожланди. Маҳаллий бойлар,

¹ Самарқанд тарихи. 303-бет.

² И. М. Мўминов таҳрири остида. Ўзбекистон тарихи. 618-бет.

амалдорларнинг хусусий маблағлари ҳисобига барпо этилган кўплаб карвонсаройлар, работлар, карвон йўллари бўйидаги сардобалар буни кўрсатиб турибди. Масалан, саройда дастурхончи лавозимини эгаллаб турган Зокирбий ўз маблағидан Бухоро-Қарши савдо йўлида катта работ курдирган бўлса, хонликдаги энг йирик бойлардан бўлган Нодир Девонбеги томонидан Бухоро-Самарқанд савдо йўли бўйида ҳашаматли работ барпо этилган. Бу бинолардан ташқари хонликнинг бошқа шаҳарларида, қишлоқларида кўплаб масжидлар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, ёпиқ бозорлар ва бошқа ижтимоий фойдали бинолар қурилдики, бу ўзаро низоларга, мураккаб сиёсий вазиятга қарамасдан Мовароуннаҳр меъморчилигида етакчи анъаналар давом эттирилганлигини кўрсатиб турибди¹.

XVII-XVIII асрларда Тошкентда бунёд этилган Шайхантоҳур мазорати, Бароқхон қабри, Самарқандда “Ҳожа Аҳроп мазорати”, Хивада Арабмуҳаммад мадрасаси, Ануша “Оқ масжиди”, “Мадрасаи Шерғозихон”, “Мадрасаи Муҳаммадамин иноқ”, Қўқонда “Мадрасаи Мир”, “Мадрасаи Хонхўжа” каби тарихий ёдгорликлар қурилди².

Ўрта Осиёнинг XVI-XVII асрлардаги маданий ҳаёти ниҳоятда оз ўрганилган. Вамбери бу даврда маданият таназзулга юз тутган эди, деб ёзган эди. Бунга қўшилиб бўлмайди. Бу хусусда Ўрта Осиё тарихининг йирик тадқиқотчиси П. П. Иванов фикрини келтириш ўринлидир: “Дарҳақиқат, Ўрта Осиёда эски маданий анъаналар XVI асрда ҳам, XVII асрда ҳам сақланиб қолди. Ўзбекларнинг ҳукмрон қатлами ўтмиш маданий анъаналарига адоват кўзи билан қарамади, аксинча уларни давом эттириш ва ривожлантиришга интилди³.”

XVII-XVIII асрларда илм-фан, санъат ва маърифатдан, асосан зодагон юқори табақалари баҳраманд бўладилар. Шунга қарамай, муҳим маданият дурдоналари халқнинг номаълум санъаткорлари томонидан яратилган эди. Мулкдорларнинг нифок ва урушлари туфайли меҳнат аҳли ижод жараёнига дахлсиз эди.

¹ А. Сагдуллаев, Б. Аминов, Ў. Мавлонов, Н. Норкулов. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. 189-бет.

² Ўзбек адабиёти тарихи. III том. 134-бет.

³ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. Москва. Восточная литература, 1958. стр. 85

Заҳматкашлар ўзига хос маданият намуналарини, чунончи дostonлар, кўшиқлар, эртақлар, мақоллар тўқир, турли хил матолар, рўзғор буюмлари ва бошқа нарсалар яратар эдилар. Халқнинг маънавий ҳаёти мусулмон динининг ақидалари остида кечар, руҳонийлар баъзи диний догмаларга сўзсиз итоат қилишни талаб қилар, халқни турли бидъатлар қаршисида ожиз, кўрқувда тутишдан манфаатдор эдилар¹.

Шуларга қарамай халқ орасидан машҳур алломалар, файласуф ва тарихчилар, шоир ва адиблар етишиб чиқди. Улар ўз ижодида илғор анъаналарни ривожлантиришга, халқ армон ва орзуларини ҳаққоний ифодалашга ҳаракат қилдилар.

Маданият мусулмон руҳонийлари таъсирида эди. Зероки, диний мафқуранинг намояндалари-дарвешлар, шайхлар тобора куч йиғиб борардилар. Бу айниқса илм-фан ривожидида ўз аксини топар эди. Ҳақиқий илм ўрнини мусулмон динидаги сунний мазҳаб мустаҳкам эгаллаб, аниқ ва табиий фанлар қувғинга учраган эди. Айниқса, риёзиёт ва фалакиёт орқада қолган эди. Маълумки, XVII-XVIII асрларда илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетган эди. Лекин фактик маълумотларни таҳлил қилиб, бу ҳолга объектив баҳо бериш керак бўлади. Айтиш керакки, бу даврдаги Ўрта Осиё давлатларида риёзий таълим ҳақида баҳс юритувчи ўқув адабиёти кам ўрганилган. Фалакиётчилар ўрнига муваққитлар келган эдилар. Улар тақвимни кузатиш, байрамлар келиши, сарой ҳаётидаги турли ҳодисаларни шарҳловчи жадваллар тузиш билан овора эдилар².

Аштархонийлар даврида Мовароуннаҳрда илм-фан, маданий-маънавий ҳаёт қандай бўлди деган савол берилганда, бу даврда мамлакатда диндорлар мавқеининг ошиб бориши ва уларнинг давлат ишларига аралашувининг кучайиши, аниқ фанлар (хандаса, риёзат, тиббиёт, астрономия) соҳасида ўрта асрларда эришилган ютуқларнинг аста-секин унутилишига, дунёни, жамият тараққиётини тушунтиришда фақат илоҳий дунёқарашнинг ҳукмронлиги ўрнатилишига олиб келди. Бу ўз

¹ М. Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. “Фан”, Тошкент, 1991, 17-18-бетлар.

² Матвиевская Г. П. Тиллашев Х. Математические и астраномические рукописи ученых Средней Азии X-XVIII вв. Ташкент, “Фан”, 1981, стр. 3-4

навбатда диний ақидапарастликка, миллий биқиқликка, ижтимоий фикрнинг ва дунёвий тараққиётнинг бўғилишига сабаб бўлди. Натижада илм-фан, маданият бешиги бўлган Мовароуннахр аштархонийлар даврида сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ бир ўлкага айланди.

Аниқ ва табиий фанлар тараққиёти руҳонийлар ва дин пешволари томонидан маълум даражада чеклаб қўйилган эди ва бу фанлар бўйича қилинган илмий кашфиётлар Аллоҳ иродасига шак келтиради деб ҳисобланган.

Мадрасаларда ақидачилик ҳукмронлик қилди. Гарчи Бухоро хонлигида XVII аср ўрталарига қадар камида бир юз элликдан ортиқ мадраса бўлса-да, улар маорифга тегишли муносабатларнинг шаклланишига таъсир кўрсата олмаган. Фалакиёт тили илми нужум билан аралаштириб юбориларди, ҳатто энг ўқимишли кишилар ҳам харита ва жўғрофияни яхши билишмасди. Бухороликларнинг билим беришнинг анъанавий усуллари инкор этиш хонликда илм-фаннинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда математика, астрономия, кимё фанларида ном чиқарган Мулло Турсун Фаранзий, мусиқа бастакори Кавкабийлар ижод қилган¹.

Фалсафа ва адабиёт бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳар иккаласининг тадқиқот манбаи инсон руҳияти, унинг тафаккур ва қарашларидир. Шу боис адабий тил адабий услубдаги халқчиллик ҳурфикрли мутафаккирлар ижодида кўпроқ зухур этар эди. Вафой, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мулла масти охунд, Нодир (XVII аср), Андалиб, Роқим, Нишотий, Ҳувайдо, Умар, Боқий (XVIII аср) асарларининг тили, ғоялар ҳамоҳанглигига кўра, бир-бирига яқин турар эди.

XVII-XVIII асрларда бошқа фанларга нисбатан адабиёт, тарих, фалсафа, тасвирий санъат, рассомлик ривож топди. Шу билан бирга табиий фанлар ҳам турғунликка учрагани йўқ.

Баъзи тадқиқотларда XVII-XVIII асрларда кўзга кўринган файласуфлар яшаб ижод этмаган, деган фикр мавжуд эди. Лекин охириги йилларда олиб борилган илмий изланишлар юқоридаги фикрнинг нотўғри эканлигини исботлади. Бу даврда фалсафа

¹ А. Асқаров таҳрири остида. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-Том. “Фан”, Тошкент, 1994, 37-38-бетлар.

фанига катта ҳисса қўшган Юсуф Қорабоғий, Мирзажон Шерозий, Муҳаммад Шариф Бухорий каби йирик мутафаккирлар етишиб чиқди.

Наср ва назмдаги тарихий асарлар жуда баланпарвоз ҳамда жимжимадор ёзилган, подшоҳ ва хонлар, улар атрофидаги аъёнларга ҳамду сано ўқилган.

Аштархонийларнинг инқирозга юз тутган даврида бир қанча асарлар яратилган бўлиб, уларда беш хоннинг ва улар ворисларининг шу сулоладаги сўнгги олий ҳукмдорларнинг зўрлаб ўлдирилганлиги баён этилган. Муаллифлар “Муқимхон тарихи”, “Убайдуллахон тарихи” каби асарларида Бухоро ҳукмронлари ва ворислари ўша давр мушкулларини бартараф этиш имконига эга эмасликларини таъкидлаган эдилар.

Тиббиётга муайян қизиқиш кўзга ташланади. Субхонқулихон Бухорода махсус мадраса-шифоҳона бунёд эттирган бўлиб, унда беморлар шифо топган, махсус тиббиёт кутубхонаси бўлган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида Субхонқулихон кутубхонасидаги тиббиётга оид хон танлаган ёки ўғли ёзган бир қанча ноёб китоблар сақланмоқда. Хоннинг ўзи Нишоний тахаллусида шеърлар ёзган, ўз атрофига шоир ва олимларни йиққан, оммабоп тиббий асарлар яратган¹.

Математика, астрономия, айниқса, тиббиёт, тарихнавислик ва адабиёт соҳасида бир қанча янги асарлар яратилдики, булар XVII аср биринчи ярмидаги ўзбек халқи маънавий меросининг буюк намуналари сифатида қайд этилади. Бобоҳўжа ибн Хожа Ориф Самарқандий, Мулло Турсун Фаройизий Самарқандийлар фалакиёт соҳасида Субхонқулихоннинг “Лубб ул-лавойиҳ ул-қамар фил-ихтиёрот”, “Иҳё ат-табиби Субхоний”, Саъид Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг “Ажойиб ул-табоқот” асарлари шу даврдаги кўзга кўринган асарлар сирасига киради.

Аштархонийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи мирзо Содик Муншийнинг «Даҳмаи шоҳон» мажмуаси, Муҳаммад Балхийнинг “Субхонқулинома” маснавийси, Муҳаммад Амин Бухорийнинг

¹ Ўша манба, 38-бет.

“Муҳит ут-таворих”, Абдурахмон Толеънинг “Абулфайзхон тарихи” Муҳаммад Юсуф муншининг “Муқимхон тарихи” ва бошқа асарлар шу давр маданий ҳаётининг ажойиб намуналаридир¹.

Бу даврда Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Аллоҳёр, мирзо Абдулқодир Бедил каби ижодкорларимиз ўз асарлари билан ўзбек адабиёти равнақиға салмоқли ҳисса қўшдилар. Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари Субхонқулихон даври давлатчилиги тарихи ва тузуми ҳақида маълумот берса, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Малехо Самарқандийнинг “Музаккир ул-асҳоб” каби тазкиралари давр илмий муҳити ва ижодкорлари ҳақидаги асарлардир. уларда 200 га яқин ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритилди².

XVII асрда Самарқанд ва Бухорода миниатюра, наққошлик санъати равнақ топди, бу даврдаги кўп миниатюралар нафис ишланганлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Темур “Зафарнома”сининг 1621 йили Самарқандда битилган ажойиб нусхаси бунинг намунасидир. Ўрта Осиё миниатюрасида Ҳирот мактаби анъаналаридан анча четлатиш натижасида XVII аср миниатюрасиға яқинлашиш сезилади, яъни агар бўёқлар гаммаси жиҳатидан эмас, балки чехра, костюм ва театр жиҳозларини нозик деталлаштириш жиҳатидан қадимги Палех ва Мстера усталарининг асарларига кўпроқ яқинлашдилар.

Умуман, бу даврда Бухоро хонлиги олдинги даврдаги маданиятға қараганда анча инқирозға юз тутган эди³.

Ҳаттотлик ва нафис тасвирчилик юқори даражада эди. Абдулазизхон даврида кўчириб безатилган битиклар ғоят юқори даражада тайёрланиб, унинг сифати юқори бўлган. Машҳур ҳаттот Ҳожи Ёдгор XV аср Ҳирот хаттотлари билан беллаша оларди, Самарқанд ва Бухоронинг нафис тасвирий асарлари фавқулудда нозиклиги ва бажарилиш санъати билан ажралиб туради. Амир Темур тарихиға доир 1624 йилда Самарқандда

¹ Масъул муҳаррир Р. Ҳ. Муртазаева. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2003, 313-бет.

² Ўша манба, 314-бет.

³ ўша манба. 600-бет.

тайёрланган “Зафарнома” китобининг безатилиши фикримизга далил бўла олади¹.

Мовароуннаҳр миниатюра мактаби XVI аср анъаналари XVII асрга келиб давом эттирилди, ривожлантирилди. Бу жиҳатдан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидаги миниатюралар айниқса диққатга сазовордир. Бу қўлёзма 1624 йилда Самарқандда тайёрланган ва унда ўн иккита миниатюра мавжуд. Булар орасида Темурнинг Ҳиротни қамал қилиши, Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриши, Темур саройидаги зиёфат тасвирлари бор².

Мовароуннаҳрнинг йирик маданий шаҳарларидан бўлган Самарқанд XVII-XVIII асрларда ҳам санъат, қоғоз ишлаб чиқариш, заргарлик бўйича дунёни ҳайратда қолдирарли даражада маълум ишларни амалга оширган шаҳарлардан бири бўлиб қолди.

Самарқанд ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ва савдо сотиқнинг йирик маркази бўлиб қолди. Ҳунармандчилик тобора ихтисослашди. Тўқимачилик ишлаб чиқариши-турли нав ва турдаги ип газлама ва шойи газламалар, дастурхонлар, дарпардалар, белбоғлар ва бошқа шу каби буюмлар ишлаб чиқариш ривож топди.

Самарқанд ўзининг заргарлари билан шуҳрат қозонган эди. Улар кумуш ва мисдан, баъзан олтиндан ҳам аёллар учун безаклар, тақинчоқлар тайёрлашар, уларни қимматбаҳо тошлар билан қоплашарди; баъзан узангиларни, шу жумладан, эгаржабдуқларни ҳам кумуш билан безатишарди. Бу даврда бўёқчилик, совун пишириш янада ривожланади. Аввалгидек, бу даврда ҳам Самарқандда сифатли қоғоз ишлаб чиқариларди. Ҳерман Вамберининг ёзишича, Бухоро ва Самарқанд қоғози Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур эди³.

Бир хил маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандлар цехларга бирлашарди. цех аъзолари, одатда шаҳарнинг бир маҳалласида яшар эди. Баъзи маҳаллаларнинг номи буни тасдиқлайди.

¹ А. Аскарлов таҳрири остида. Ўзбекистон халқлари тарихи.2-том. 40-бет.

² Масъул муҳаррир А. С.Сагдуллаев. Ўзбекистон тарихи. 291-бет.

³ Самарқанд тарихи. 284-бет.

Самарқандда заргарон (заргарлик билан шуғулланувчи усталар), сўзангарон (игна таёрловчи усталар), чармгарон (кўнчилар), харратон (ёғоч йўнувчи усталар), кулолонон (кулоллар), зингарон (эгар жабдуқлар тайёрлайдиган усталар), шарбатдарон (ширин ичимликлар тайёрловчилар) ва бошқа маҳаллалар сақланиб қолган¹.

Бозорлар ҳам Мовароуннаҳрнинг маданий-маънавий ўчоқларидан бўлиб, у жойда, ундаги чойхоналарда адабий суҳбатлар бўлиб турган. Бозорлар фақатгина хўжалик ҳаётининг марказигина бўлиб қолмасдан, бу ерда хонларнинг буйруқ ва эълонлари ўқиб эшиттирилар, айбдорларга жазо бериларди. Ундан ташқари бозорлар ўзига хос маданий ўчоқлар ҳисобланарди, ҳунармандлар уруғларидан етишиб чиққан шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар дўконларда адабий суҳбатлар ўтказиб турардилар.

Ички савдонинг кенг кўламда олиб борилиши ва баъзи турдаги маҳсулотларни кўшни давлатларга чиқарилиши натура хўжалигининг йўқолиши ва товар-пул муносабатларининг ривожланишига олиб келди. Аммо товар-пул муносабатлари фақат шаҳарларда ва уларга яқин бўлган ҳудудлардагина мавжуд эди².

Аштархонийларнинг Россия билан муносабатлари ҳақида фикр юритилганда, Россия томонидан босиб олинган Волга, Урал бўйлари, Ғарбий Сибирь ерлари табиий равишда ва тарихан Туркистон минтақаси ҳамда туркий тилли халқлар яшаш жойларига алоқадорлиги шубҳасиз. Шу маънода бухоролик, самарқандлик, хоразмлик, балхлик савдогарларнинг мазкур юртларда савдо қилишга интилишлари ҳам табиий эди. Савдонинг ривожидан манфаатдор аштархоний ҳукмдорлар Россия давлати билан элчилик алоқалари олиб бориб, ўз савдогарларига қулай шароит яратишга интиланлар. Россия ҳукумати эса савдо муносабатларини ўз савдогарлари манфаатида ташкил қилишга ҳаракат қилиб, туркистонлик савдогарларга Россияда эркин савдо фаолияти юритишларини тақиқлаган эди. Шунингдек Россиядан Туркистонга металл ва

¹ Ўша манба. 285-бет.

² Масъул муҳаррирлар А. С. Сагдуллаев, Б. Ж. Эшов. Ўзбекистон тарихи. 289-бет.

ундан ишланган маҳсулотларни олиб кетишга ҳам йўл берилмади. Бундай хатти-ҳаракатлардан мақсад аниқ: бир томондан, янги босиб олинган ерлардаги маҳаллий туркий тилли аҳоли билан туркистонликларнинг иложи борица камроқ мулоқотда бўлишини, маҳаллий аҳолининг Москвага қарши кайфиятини кучайтирмасликни таъминлаш, иккинчи томондан, ҳарбий соҳада катта аҳамият касб этган металл ва ундан тайёрланган қуролларнинг хонликка етиб боришини олдини олиш эди¹.

Аштархонийлар даврида адабиёт, санъат ва сиёсий тизим ҳақида Фитрат қуйидагиларни ёзган: Сўфи Оллоёр, Машраб Намангоний, Турди ва Ҳувайдо каби услубан бир-бирига яқин шоирлар бу даврнинг ҳосилоти эди. Ўзбек ўлкасининг кундан-кун иқтисодий тушиши, идора бирлигининг сақлашига монёв бўлди. Хоразм ўлкаси Шайбонийхоннинг ўлиmidан кейин ажралиб, бир оз вақт Эронга тобеъ бўлди ва тезликда ундан қутилиб, мустақил бир ўзбек ҳукумати қурғон эди. Бухорода ҳукумат шайбонийлардан аштархонийларга ўтгач, яна бир оз кучсизлангани учун Хоразм ҳукуматининг анча тажовузга учради.

Аштархонийларнинг охириги ҳукмдори бўлган Абулфайзхон замонида Фарғона ҳам айрила бошлади. Ҳукумат Абулфайзхондан манғит сулоласига ўтгандан кейин Фарғона ўзбек ҳукумати кучая бошлади. Мана шундай бўлиб, ўзбек ўлкаси уч мустақил ва рақиб марказга айланди. Биз бу даврда ўзбек адабиёти ва, умуман, ўзбек санъатининг шул уч марказга бўлинганини кўрамиз².

Хонликлар ҳудудидаги халқ норозилик ҳаракатлари шафқатсизлик билан бостирилди, ҳар қандай илғор фикр, янгилик диний мутаассибларнинг таъқибига учрар эди. Бу пайтда нафақат бошқа ҳудудлар билан, ҳатто Қўқон, Хива, Бухородаги маданий марказларнинг ўзаро алоқаси йўқ эди. Бу ўз навбатида Ўрта Осиё илм-фанининг турғунликка, ҳатто таназулга эътибор умуман йўқолди. Ўрта Осиё халқлари Европа фан техника

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 276-277-бетлар.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. 58-бет.

тараққиётдан беҳабар бўлиб, орқада қолиб кетди¹. Шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аштархонийлар замонининг дастлабки ўн йилликлари давомида Бухоро хонлиги томонидан хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар бирмунча тузук йўлга қўйилган бўлса-да, кейинчалик ўзаро ички низолар туфайли бу соҳа оқсай борди. Уч хонлик замонига келиб эса давлатчилигимиз илгаригидай куч-қудратга эга бўлмагани сабабли элчилигимиздан ҳам шуқуқ кетган эди².

Шунга қарамай, Мовароуннаҳрда, аввалги даврлардаги каби адабиёт ва тарихий фанлар, меъморчилик ва тасвирий санъат ривожланди. Шеърят равнақ топди. шу ўринда Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” Мутрибийнинг “Тазкирати шуаро” асарларидаги таълимотлар фикримизнинг далили бўла олади. Уларда Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида яшаб ижод этган адабиёт ва илм-фан аҳлларининг номларини учратамиз. Бундай тазкираларнинг майдонга келишининг ўзи халқнинг маданий савияси қанчалик юқори бўлганлигини билдиради³.

XVII-XVIII асрларда илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетди. Шунга қарамай тараққиётнинг тарихий одимини тўхтатиб бўлмаганидек, маънавий бойликларнинг тарқалиши ва йиғилиши жараёни давом этди. Бу даврнинг илғор кишиларини Улуғбекнинг илмий ғаялари, Жомий ва Навоийнинг ҳайратомуз асарлари руҳлантирар эди. Улар илм-фан равнақи, инсон билими уфқларини кенгайтириш учун ислом ва тасаввуф оқимининг баъзи ақидаларига, ғояларига қарши кураш олиб бордилар, ўз асарларида ердаги ҳаёт гўзалликларини тараннум этдилар⁴.

Аштархонийлар давлати туркий ва форс-тожик халқларининг уйғун иттифоқидан ташкил топган эди. Шу боисдан турмушда ҳам, адабиётда ҳам ўзбек ва тожик тиллари кенг қўлланиб келинган. Бу хонликларда яшовчи халқлар икки тилда бемалол

¹ Р. Ҳ. Муртазоева, Б. Ж. Эшов, Б. Жолдосов, М. У. Тожиева, М. М. Ҳайдаров, Н. Полвонов, Қ. Ражабов, А. Одилов. Ўзбекистон тарихи. 66-бет.

² Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар. “Фан” Тошкент, 2001, 81-бет.

³ Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. “Ўзбекистон”, Тошкент., 1995, 181-бет.

⁴ Ўша манба. 181-бет.

ўзаро мулоқотда бўлганлар, куда-андачилик қилганлар. Анъанага кўра эса фанда, адабиётда ва мактабда тожик ва араб тилларининг нуфузи сақланар, идора ишларида тожик тилини қўллаш давом этган. Аштархонийлардан бўлган Субхонқулихон саройида 1692 йилда Муҳаммад Бодей ас-Самарқандий томонидан Бухоро поэзиясининг анталогияси тузилган. Бу тазкирада ўша давр адабий арбоблардан 150 нафари тўғрисида таржимаи ҳол маълумотлари берилган. Субхонқулихоннинг ўзи ҳам илм-маърифатли ҳукмдор эди. У кўпроқ тиббиётга қизиқарди. Субхонқулихон Бухорода махсус шифохона (дори-ш-шифо) қурдиради. Унда беморлар даволанар ва тиббиёт фани ўрганилар эди. Субхонқулихон яхшигина шоир ҳам бўлган. Субхонқулихон каттагина шахсий кутубхонага эга бўлган ва унда кўплаб ноёб китоблар сақланган. Маърифатпарвар хонлар саройида тўпланган олимлар, шоир ва адиблар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ижод қилдилар ва ёзган асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар¹.

Аммо энг муҳим томони шундаки, бунёдкор меъморлар, тарҳандозлар, муҳандислар, ўймакорлар, мусаввиру наққошлар ҳукмрон зодагонлар манфаатини кўзлаб эмас, балки ўз ҳунар, санъатларини авлодларга мерос қолдириш учунгина уринар эдилар, имконият топганларида деворлар, пештоқларга ўз муборак номларини ёзиб қўядилар. Биз буни “Шердор” мадрасасининг дарвозаси ўртасидаги пештоқ деворларида “амали Абдураззоқ”, “амали Авазмухаммад” номларидан ҳам ўқиб оламиз².

Хурфикрлар мадрасалардаги таълим тарбия системаси, тарихнавислик, халқ китоботи ва адабиётда ҳам мавжуд эди. Чунончи, масжид ҳузуридаги мактаблар, мадрасаларда, асосий машғулотлар ислом таълимоти асосида ҳафтياج, Қуръон, чор китоб ўқитиш, ҳадислардан баҳс этиш, “Шамойил-ан-Наби”, “Меърожун-нубувват”, “Шарҳи виқоя” сингари китобларни мутолаа эттириш йўсинида давом эттирилар, лекин дунёвий, ҳаётий масалаларга қизиқувчи айрим шоирлар Навоий, Фузулий, Бедил асарларини кўпроқ ўқир эдилар. Мана шу улуғ-муборак

¹ Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў.Убайдуллаев. Ватан тарихи. 44-45-бетлар.

² Ўзбек адабиёти тарихи. III жилд. 134-бет.

зотларнинг дунёвий фикрларидан улар муҳим ғояларни ўрганиб, келажакка умид билан боқар эдилар.

Дарвешали Чангий “Шердор” ва “Тиллакори” мадрасалари бунёд этилаётган йилларда ўзининг 12 мақом (боб) дан ташкил топган “Рисолаи мусиқий” (Тухфатус-сурур) трактатини яратди¹.

Бу китобда муаллиф устод Рудакий, Абдулқодир Нойи, Хисрав Дехлавий, мавлоно Мирак Чангий Бухорий, мавлоно Қосим Раббоний, Паҳлавон Котиби Нишопурий, мавлоно Соҳиб Балхий, Мирхожа Айюб, Абдулбаракат Шаҳрисабзий кабилар ҳақида илиқ гаплар айтди. Абдурахмон Жомий, Хожа Абдулло бин Муҳаммад Марворид, Алишер Навоий, Шоҳқули Ғижжак, Ҳасанхожа Нисорийларнинг мусиқага доир таълимотлари тилга олинди. Замондошлари устод Абдулла Нойи, устод Дарвеш Ҳиравий, султон Муҳаммад Танбур, Ҳофиз Собир Кўк, Ҳусайни Удийларнинг хизматларини таъриф этди².

Тарихий асарлар далил ашёларга бой бўлиш билан бирга айримларда тарихий ҳодисаларни умумлаштириш, улардан хулосалар чиқариш кўзга ташланади. Бундай интилишлар сўнгги асрларда вужудга келган “Тарихи Муқимхоний”, (“Муқимхон тарихи”), Маҳмуд ибн Валининг “Баҳрул-асрор” (“Сирлар денгизи”), Мирмуҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замони Бухорийнинг “Муҳит ут-таворих”, Абдурахмон Тольенинг “Тарихи Абулфайзхон” каби асарларида ҳам учрайди³.

XIV асрдан бошлаб шаклланиб келган Бухородаги ҳуснихат ва миниатюра XVII-XVIII асрларга қадар Шарқда ўз етакчи мавқеини сақлаб келди ва бошқа мусулмон Шарқидаги бу санъат ривожига ката таъсир кўрсатди. XVI-XVII асрларда ижод этган машҳур ҳуснихат ва миниатюра ижодкорларидан султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳеравий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш Шихобий, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Дўст Муҳаммад Бухорий кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳуснихат назарияси бўйича Дўст Муҳаммад Бухорий махсус рисола ҳам ёзган.

XVII-XVIII аср Мовароуннаҳр маданий-маънавий ҳаёти ҳақида фикр юритилганда тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг

¹ А. Семенов. Среднеазиатский трактат о музыке Дарвиш Али, Ташкент, 1946, стр.135

² Ўзбек адабиёти тарихи. III том. 135-бет.

³ Буюк сиймолар, алломалар. 8-бет.

“Тарихдан сабоқлар” асаридаги баъзи ўринларни келтириш жоиздир. Олим ўша асарга доир кўлёзма, тарихий манбаларни ўрганиб уларни Мовароуннаҳр ва Туркистон тарихчиларига маълум эмаслигини таъкидлаб ёзади:

1. “Мусаххир ул-билод” (“Мамлакатлар фатҳи”). У 1605 йили Муҳаммадёр ибн Араб қатағон томонидан таъриф этилган ва аштархонийлар ҳукмдори Боқимуҳаммадхонга бағишланган. Унда шайбонийлар сулоласига доир қимматли маълумотлар мавжуд;

2. “Мажмаъ ул-ғаройиб”. Султон Муҳаммад Балхий қаламига мансуб. Унда элат ва қавмлар, йиллар ва воқеалар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор;

3. “Тарих-и оламоройи Аббосий”. Искандарбек мунший қаламига мансуб; уч жилдлик; 1616-1329 йилларда ёзилган. В. В. Вельяминов-Зернов асари учун асосий манба бўлган;

4. “Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр” (“Хайрли кишилар жасорати борасида сирлар денгизи”). Маҳмуд ибн Валинин 1634-1641 йилларда ёзилган қомусий асари;

5. “Матлаб ут-толибин” (“Толиблар матлаби”). У XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган Жуйбор шайхлари: хожа Муҳаммад Ислон, хожа Саъд, хожа Тожиддин Ҳасан, хожа Абдурахим, Абдулхожа, Муҳаммад¹ Юсуфхожа сингари машҳур хожаларнинг таржимаи ҳолидан иборат. Муаллифи мазкур хожа Тожиддин Ҳасаннинг ўғли Абулаббос Муҳаммад Толиб Сиддиқий; асар 1663 йилда ёзилган бўлиб, XVI-XVII асрларда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеаларга доир маълумотларга бой;

6. “Тарихи Муқимхоний”. У Муҳаммад Юсуф мунши тарафидан 1697-1704 йилларда ёзилган. 1598-1702 йилларда Бухоро хонлиги, кўпроқ ярим мустақил Балх хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар баёнидан иборат;

7. “Тарихи Қипчоқхоний”-мусулмон дунёсининг умумий тарихи. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва унга қўшни Шарқ мамлакатлари тарихига доир қимматли маълумотларга эга. У Хожамқулибек Балхий томонидан 1724 йилда ёзиб тугатилган;

8. “Силсилат ус-салотин”. Ўрта Осиёнинг XVI-XVIII асрнинг биринчи чораги тарихига доир асар. 1730 йилда аштархоний шахзода хожа Мир Муҳаммад Салим томонидан ёзилган;

9. “Тарихи Сайид Роқим”. Мулла Шарафуддин аълам ибн Нуриддин охунд қаламига мансуб бўлиб, тарих ва сулолаларга доир бой маълумотларга эга¹.

Шеърый тахаллуси билан асарлар ёзган Абулқосим бин Шоҳмирзо ибн Саъдулла ал-Ҳусайний “Натойижул-фикр” асарида Субхонқулихон ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеаларни баён этган.

Суҳайло “Имомқулинома”, деб аталган шеърый тарихида Имомқулихонни мадҳ этган.

Бу даврда яратилган тарихий асарлардан яна бири мулло Шарафиддин Аълам охунд Самарқандийнинг “Таворихи касира” асаридир. Унинг қисқартирилган варианты, профессор А. А. Семёнов кўрсатганидек, илм аҳли орасида машҳурдир. “Таворихи касира” асарининг қисқартирилган вариантынинг муаллифи XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган ва Роқимий тахаллуси билан шуҳрат қозонган Мир Сайид Шариф Роқим Самарқандийдир².

Мутрибийнинг “Тазкиратуш-шуаро” асари XVI аср охири ва XVII аср авваллар ўтган қалам аҳли ҳақида баҳс этса, мулло Содик Самарқандийнинг “Риёзуш-шуаро”си XVII аср ўрталарида ҳаёт кечирган адабиёт шайдолари ва ижодкорлар ҳақида маълумот берган. Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандий ўзининг “Музақкири асҳоб” тазкирасида қуйидаги фикрларни уқтирган:

“Кейинги даврда Болту тахаллусли Мулло Содик Самарқандий “Риёзуш-шуаро” номли тазкира ёзиб, ундан Абдуллахон ўлимидан (1598) Надрмуҳаммадхоннинг ҳокимиятга келганига қадар бўлган даврдаги ҳар бири ўз тахаллусига соҳиб подшоҳлар ва фозил кишилар, машойихлар ва амирлар, толиби илмлар ва олимлар, вазирлар ва шоирлар, хаттот ва китоб аҳли, санъаткорлар ва ҳунармандлар ҳақида сўз юритиб, уларни кўрганини, улардан эшитганини ёки улар билан мулоқотларини ёзган.”

¹ Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1994, 187-188-бетлар.

² Воҳид Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1980, 27-бет.

“Музакири асҳоб” 1692 йилда ёзилган. 1641 йили Мулло Муҳаммад Шариф Самарқандий оиласида дунёга келган Муҳаммад Бадеъ ўз замонининг илм-маърифатига пурэътибор отасининг ғамхўрликларида парвариш топиб, камолот касб этади, “Илму аруз”, “Илми бадое ва саное” каби шеърият санъатлари билан қизиқади. Шарқнинг машҳур классиклари Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий ҳамда ўз даврига яқин Нисорий, Мушфиқий, Мутрибий асарларини синчиклаб ўрганади. Малехо тахаллуси билан шеърлар ёзган ва Саид Роқимий сингари тарихшунослар эътиборини ҳам қозонган. Муҳаммад Бадеъ (бадеъ-нафис), Малехо (гўзаллик) тахаллуси билан танилган¹.

Муҳаммад Бадеъ Самарқандда орттирган билими билан чегараланмай, уч йил Бухорода, кўшни Эрон шаҳарларида бўлиб, ўнлаб, юзлаб адабиётсевар кишилар билан мулоқотда бўлган, Самарқандга қайтгач, Шайбонийхон мадрасасида мударрислик қилиб юрган йилларда “Музакири асҳоб” (“Дўстлар ёдномаси”)ни ёзган.

Ўрта Осиё шаҳарлари ва Эронда XVII асрда ҳаёт кечирган 160 дан зиёд шеърият мухлислари ва ижодкорларидан баҳс этувчи ушбу китобда шоирлар араб алфавити тартибида зикр қилиниб, ўша давр маданияти, тартиб тарзи, мерос намуналари бўйича Малехонинг ғоятда муҳим мулоҳазалари келтирилган.

Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандийнинг “Музакири асҳоб” тазкираси устод Алишер Навоий, Нисорий, Мутрибий анъаналарини давом эттириш билан бирга, XVII аср шоирлари, уларнинг илғор ва ғоявий бир-бирига зид эстетик қарашларини баён қилиш жиҳатидан ҳам, замонасидаги ижтимоий тузумдан рўй бериб турган тартиб тарзининг танқиди эътибори билан ҳам, муҳим аҳамиятга молик хазинадир.

XVIII аср бошида ёзилиши давом эттирилган “Тарихи Роқимий”да, ўша давр шоирларининг айримлари тилга олинган.

Шунга қарамай адабиётдаги эстетик принципларни аниқлаб олишда мазкур китоблардаи фикрларнинг аҳамияти йўқ эмас. Чунончи қатор шоирларни, жумладан, Ҳофиз Шерозий, Камол

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. III том, 145-бет.

Хўжандий, Алишер Навоий, Биноий, Осафий, Фигоний, Хотифий, Мушфикий кабиларни тилга олган Мир Саид Роқим Самарқандий Алишер Навоийнинг машҳур асарларини бирма-бир синаб ўтиб, уни “Ҳисрави иқлими суханварон” (Сўз иқлимнинг подшоси) деб атади¹.

Тарихий асарлар наср ва назмда, аксар ҳолларда саройдаги маддоҳлар томонидан яратилиб, ҳукмрон табақа мафкураси ва қарашларини ифода этар эди.

Ўша давр адабиётида расмий сарой гуруҳи қаторида шаҳар илғор қатламларининг ҳам ўз диди, савияси ва талаблари ҳам ўз аксини топган эди. Шоирлар орасида Саидо Насафий, Қосимхўжа, Турдилар бор бўлиб, улар саройга интилмас ва ўз истеъдодларини омма билан баҳам кўрардилар.

XVII аср адабиётида Бобораҳим Машраб алоҳида ўрин эгаллайди. У ўз шеърлятида ҳукмрон табақанинг зулмкорлиги ва риёкорлигини, жаҳолатни фош қилиб ташлайди. Халқ орасида Мирзо Абдулқодир Бедил шеърлари машҳур эди. Унинг илғор қарашлари Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган эди².

XVII аср адабий ҳаётида Бобораҳим Машраб, Мушфикий катта ўрин тутди. Машраб ижоди нафақат Ўрта Осиёда, балки қўшни Шарқ мамлакатларининг шеърлятига ҳам катта таъсир кўрсатди.

XVII асрда яшаб ижод этган Турди (1699 йилда вафот этган) халқ кўзғолонларида қатнашган. Шу боис унинг шеърлярида ҳукмрон табақалар, хонларнинг халққа қарши қилган жабр-зулми акс этади³.

“Тарихи Муқимхоний” XVIII асрда Муҳаммад Юсуф мунши томонидан ёзилган асар аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонга (1702-1707) бағишланиб, унда Бухоро хонлигининг XVII-XVIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир маълумотлар келтирилади.

¹ Ўша манба. 148-бет.

² М. Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. 18-19-бетлар.

³ Ҳ. Бобобеков, Ш. Қаримов, М. Содиков, Қ. Усмонов, С. Холбоев, Р. Шамсутдинов. Ўзбекистон тарихи. 129-бет.

Муаллиф аштархонийларнинг мўғуллар билан муносабатини кўрсатиш мақсадида асарда Ўрта Осиёнинг Чингиз қўшинлари томонидан босиб олиншидан бошлаб, XIII-XVI асргача бўлган тарихига қисқача очерк ҳам бағишлайди. Унда аштархонийлар сулоласига хайрихоҳлик билан қараш, бошқа сулола ҳокимларининг қилмишлари эса “ёқинқирамаслик” ҳолати сезилиб туради. Шу билан бирга, асарда ўзбек қабилаларининг этногенезиси ва этнографиясига, уларнинг XVIII асрдаги жойлашишига доир муҳим маълумотлар келтирилган. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф муншининг бу асари ўзбек халқининг XVII асрдаги тарихини ўрганишда, унинг тарихий-этнография манзарасини чизишда муҳим манбадир.

“Тарихи Муқимхоний”да XVII асрда бино қилинган архитектура ёдгорликлари-мадраса, боғ, ҳовуз каби қурилишлар тўғрисида, ўша даврнинг мавлоно Саймий, мавлоно Туробий, Боқихўжа Аҳрорий, Мулло Бадеъ, мавлоно Юсуф Қорабоғий, Мулла Муфид каби шоирлари, Мир Али Соний деб аталган мавлоно Хожа Ёдгор, мавлоно Муҳаммад Амин каби қатор хаттотлар ҳақида ҳам маълумот берилган¹.

XVIII асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Амин Бухорий томонидан ёзилган “Убайдуллонома”, профессор А. А. Семёнов таъкидлаганидек, гўё “Тарихи Муқимхоний”нинг давоми сифатида кўзга ташланади. Чунки бу асар Бухоро хонлигининг 1702-1711 йилларидаги тарихини ўрганишда муҳим манбалардандир. Муҳаммад Амин Бухорий ўзининг “Убайдуллонома” номли тарихий асарида марказий Бухоро хонлигининг янада заифлашиб боришини баён этади. Шу нарса диққатга сазоворки, “Убайдуллонома” воқеаларни изчил ва кенг баён қилиши билангина эмас, балки амирликка, хусусан, Убайдуллахон ва Муқимхонларнинг ички сиёсатига танқидий ёндошиш билан ҳам бошқа тарихий хроникаларидан юқори туради. Масалан, Муҳаммад Амин Бухорий ўз асарида Балх ҳокими Муҳаммад Муқимнинг ахлоқий жиҳатдан бузилган киши эканлигини, айш-ишратга берилиб давлат ишларидан четлашганини баён этади. “Убайдуллонома”нинг аҳамияти яна

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. 32-бет.

шундан иборатки, асарда XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган машхур тожик шоири Саидо Насафий, шоир Қосимхожа, мулла Сарафроз, Фитрати Зардўзи Самарқандий ва Мулҳам тўғрисида муҳим, қизик, маълумотлар берилади, уларнинг ҳаёти ва ижодига доир анча кенг ва турли мулоҳазалар юритилади¹.

“Убайдуллонома” тарихий асарининг муаллифи шоир Саидо “амирлар хонадони ва хон саройига боришига муштоқ эмасди, топган бир бурда нони билан қаноатланиб юарди”; мулла Фитрат эса “подшо саройига ва амирлар хонадонига оёқ босишни ҳаммадан камроқ ният қиларди”, деб таъкидлаб ўтади. Тарихчи, бинокор уста шоир Мулҳам тўғрисида гапирар экан, “Мулҳам подшо ва амирлар хизматида бўлишни орзу қилмасди, унинг ҳаёт кечириши ҳам шоирларники сингари эмас, шеърларини ҳам пулга сотмади” деб айтиб ўтади².

“Убайдуллонома” XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ва текширишда тарихчига қанчалик муҳим маълумот берса, хусусан, шоирлар ҳақидаги хотима қисми билан ўша давр адабий муҳитини ўрганишда адабиёт тарихчисига ҳам шунчалик кўмаклашади.

Умуман, тожик тилида ёзилган бу икки асар Бухоро хонлигининг XVII-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манбадир.

Сарой аҳллари томонидан наср ва назм билан тузилган тарихий асарлар ҳукмрон табақа, хон ва унинг аёнларининг қараш ва мафкурасини акс эттиради. Олий ҳокимият эгасига хушомадгўйлик қилиш туйғуси билан тўлиб-тошган муаллифлар ўз замоналарида янги воқеаларни ҳар турли эпитетлар, тамтароқ, маддоҳлик, ҳаддан зиёда дабдабали, ясама тил билан баён этар эдилар.

Шоир ва файласуф Юсуф Қорабоғий, йирик ҳуқуқшунос олим Насриддин Бухорий, мусаввир-хаттот Муҳаммадамин, “Олтин Кашмир қалам соҳиби”, мавлоно хожа Ёдгор каби машхур олимларнинг номлари тарихда сақланиб қолган.

Субхонқули Муҳаммад Бодёе Самарқандийнинг даврида 1692 йилда поэзия анталогияси тузилган бўлиб, унда ўша

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. 33-бет.

² Бош муҳаррир И. Мўминов. Ўзбекистон тарихи. 595-бет.

даврдаги адабиётчилардан 200 тасининг таржимаи ҳолига оид маълумотлар тўпланган. Сарой шоири Муҳаммад Балхийнинг 50000 байтдан иборат “Субхонқулинома” номли шеърӣ достони ва Муҳаммадамин Бухорийнинг “Субхонқулихон тарихи” номли асарлари шу вақтларда ёзилган¹.

“Тарихи Роқимий” асарининг асл нусхаси 1680 йилда мулло Шарафиддин Аълум бин Нуриддин охунд мулло Фарҳод Самарқандий томонидан яратилган бўлиб, 1701-1702 йилларда унинг қисқартирилган вариантыни Роқимий таҳаллуси билан ижод қилган Амир Сайид Шариф Роқим Самарқандий майдонга келтирди.

“Тарихи Роқимий”да XIVасрдан бошлаб XVII асргача бўлган турли ҳодиса-воқеалар баён этилади, унда Темурнинг туғилиши, сиёсий майдонга кириб келиши, Дашти Қипчоқ, Исфохон, Озарбайжон ва бошқа ўлкаларга юришлари; Улуғбек ва унинг илмий хизматлари, Шоҳруҳ ва унинг ҳукмронлиги, султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Бобур Мирзо, Абдуллахон, Ҳумоюн тўғрисида маълумотлар бор. Шу билан бирга кўпгина шоирлар Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Биноий, Осафий, Фигоний, Хотифий, Мушфикийларнинг вафотига ёзилган таърифлар, Самарқанд, Бухоро, Маҳшад, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда бино қилинган мадраса, масжид, хонақоҳ, мақбара каби иморатларнинг қурилган йилларига доир шеърӣ таърих-қитъалар ва ҳоказолар мавжуддир. Чунончи, муаллиф улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг вафотини баён этар экан, шоир вафоти муносабати билан Амийн, Мирхонд ва бошқа муаллифлар ёзган таърих-қитъаларни келтиради. Муаллиф ана шу таърихлардан бирида “Буд Кайхусрав дар иқлими сухан” каби мисраларни келтириб, Алишер Навоийни ҳақли равишда сўз оламининг подшоси деб баҳолайди. Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар тўғрисида келтирилган маълумот ва таърих-қитъалар ҳам уларнинг ҳайти ва ижодини ўрганишда фойдалидир.

¹ Ўша манба. 594-бет.

“Тарихи Роқимий” ўша даврдаги тарихий воқеаларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, маданият, санъат ва адабиётни ўрганишга кўмаклашадиган китоб сифатида машҳурдир¹.

Ўзбек халқининг оғзаки ва ёзма эпик ижоди кўп асрлик бой тарихга эгадир. Бу тарих ибтидоий жамият одамларининг табиат стихиялари билан бўлган тўқнашувлари натижасида вужудга келган мифлар, сеҳрли-фантастик эртақлар, тарихий ривоят ва хроникалар, қаҳрамонлик ва хайратомуз романтик эпослар, халқ китобларигача бўлган жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Ўзбек халқининг ана шундай қадимий, бой оғзаки ва ёзма эпик мероси унинг қисмати ниҳоятда оғир бўлган XVI-XIX асрларда ҳам мавжуд эди. Бу асарларда “Гўрўғли” туркумидаги ва бошқа ўнлаб жангномалар, тарихий мазмундаги романтик ҳамда қаҳрамонлик дostonлари, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Саёд ва Ҳамро”, “Асли ва Карам”, “Санобар”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Алибек ва Болибек”, “Хуршид ва Маликаи Дилором” каби дostonлар, уларнинг фольклор ва халқ китоби вариантлари тарқалди. Айниқса, XVII асрдан бошлаб қатор ўзбек шоирлари бой фольклор материаллари, айрим ҳолларда эса ёзма адабий манбалар асосида ўзига хос специфик хусусиятларга эга бўлган, ўша давр адабиёт илмида “ривоят” “қисса” номлари билан юритилган бадиий асар намуналарини яратдилар².

Бу асарлар эпик ижоднинг алоҳида бир тури бўлиб, фольклор билан ёзма адабиётимиз тарихида муҳим ўринни эгаллаб келади: Ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёни айланиб чиққан шарқшунос Ҳ. Вамбери халқ ўртасида кенг тарқалган халқ романлари ҳақида шундай деб ёзган эди: “Ўзбекларда бундай романлар сон-саноксиз бўлиб, уларда ўзбекларнинг миллий ҳис ва ифтихорини, мардлик ва қаҳрамонлигини акс эттирувчи кўпгина манзараларни топиш мумкин³.”

Халқ китобларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Баҳром, Гуландом, Санобар, Гулпаризод, Тоҳир, Зухра, Варқа, Гулшоҳ, Ошиқ Ғариб, Шоҳсанам, Хуршид, Дилором, Асли, Карам, Бўзйигит, Ҳафиза, Юсуф, Зийрак, Зиёд, Моҳим каби

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. 34-35-бетлар.

² В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд. 151-бет.

³ Г. Вамбери. Очерки Средней Азии. Москва. 1868, стр. 336.

ижобий образлар, Қорамалъун, Ёсуман, Хисрав, ибн Салом, Шох Аббос, Шохвалад, Қорабаходир, Бобохон, Зайтун каби салбий образларга қарши кўйилади. Ҳар бир асардаги ижобий ва салбий образларнинг тўқнашуви, кураши асосида асар ғояси ривожлантирилади.

Ўзбек адабиёти бойликларига, унинг Навоий, Бобур, Машраб каби машҳур нонояндалари ижодига катта ҳурмат билан қараган шоир қаҳрамонлар тилидан айтиладиган кўшиқлар ўрнида улуғ Навоий ғазалларидан ҳам фойдаланади.

Мулланафас асарида ўрни-ўрни билан:

*Эй сабо, зорим менинг арз ила жононимга айт,
Қайда кўрсанг ёлвориб жисмим ёқин жонимга айт...
Гул билан булбул келиб, гул ичра сайрон қилди гул,
Гул тамошасин кўриб, ўз бағрини қон қилди гул...
Дўстлараро, рўзи азал кўнглум аро жо қилди ишқ,-
Кунда юз меҳнат билан бошимни гавго қилди ишқ,*

- матлали ғазаллар келтириладигани, улар асосан Навоий ғазалларига қилинган назиралардир. Бу жиҳатдан Мулланафаснинг Навоий ва Саъдий асарларидан кучли таъсирланиб, мавжуд сюжет билан боғлиқ ғоя ва образларни XVIII аср шароити талабларига кўра янада чуқурлаштирганини, оғзаки ижод билан классик адабиёт анъаналарини бир-бирига уйғунлаштириб, улар ўртасидаги кўприк ҳолатини олган халқ китоби намунасини яратишда катта мувффақиятларга эриша олганлигини кўрсатади¹.

XVIII асрда яшаган Собир Сайқалий Ҳисорий ўзбек адабиёти тарихида алоҳида из қолдира олган истеъдодли шоирлардан биридир. Унинг қаламига мансуб бўлган “Қиссаи шахзода Баҳром ва Гуландом”, “Равзатуш-шуҳадо”, “Аҳтамнома”, “Вайсулқаран”, “Зайнулараб” каби асарлари шоирнинг сермахсул ижодкор бўлганлигидан дарак беради. Сайқалийнинг “Қиссаи шахзода Баҳром ва Гуландом” достони айниқса машҳур бўлиб, кенг тарқалган, севиб ўқилган².

¹ В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд. 174-бет.

² Ўша манба. 178-бет.

Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Аллоҳёр, шайх Ҳасанқули Аҳсаний, Муҳаммад Тоҳир Эшон Хорзмий, Ишратий Бухорий, мавлоно Вафой, Нодир, Мулло Масти охунд, Ҳувайдо, Муҳаммад Хоксор, Умар Боқий, Акмал, Низомий Хўқандийлар ҳаёт оинаси, ҳақиқатгўйлик мактабининг у ёки бу кўринишдаги намояндалари сифатида адабиётда илғор рол ўйнаганлар.

Халқ оғзаки ижодиёти ҳамма вақт ижодкорларга маънавий манба бўлди. “Тоҳир ва Зухра”, “Санобар”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби дostonлар эса халқ севган китобларга айланди.

Шеърятда ғазалнавислик XVII-XVIII асрларда ҳам етакчи ўринда эди. Ғазалнависликда бир томондан улуғ Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг энг яхши анъаналари давом эттирилди. Шунинг билан бирга замон руҳи балқиб кўринадиган оригинал ғазаллар ҳам ёзилди, уларда замонага характеристика бериш, ҳукмдорлар адолатсизлигига шама қилиб ўтиш йўсинида зоҳир бўлар эди.

XVII-XVIII аср қаламкашлари ижодида ғазал том маъносидаги ҳаётий ишқ-муҳаббатни куйлаш рамкасида чикиб, кўп ўринларда (Вафой, Турди, Машраб) сатирик либосга бурканди. Сиёсат оламининг адолатсизликларига қарши ғазабкор руҳни ифодалади¹.

Ана шу тариқа сатира ўзига хос бир маромда бунёдга келиб, ўз ривожиятида Навоий ва Фузулий сатираларидан ҳам озиқланади. XVII-XVIII асрлардаги мавжуд ҳолатни инъикос эттириш жиҳатидан оригинал хусусиятларга эга бўлди. XVII асрда Турди, Вафой, Машраб, тожик адабиётида Саидолар сатирик асарлар бунёд этишда етакчи эдилар. XVIII аср шоирлари Равнақ, Андалиб, Нишотий, Роқим, Ҳувайдолар қаламкашлар ичида ҳам сатира ривожда эди.

XVIII аср ўзбек адабиётининг XVII асрдаги шеърят жанрларидан яна бир тафовути шундаки, бу асрда: “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Зайнулараб”, “Саъд Ваққос”, “Ҳусни Дил”, “Гул ва Булбул” сингари дostonлар, “Роҳати дил” сингари маснавий манзумалар ҳам яратилди.

¹ Ўша манба. 194-бет.

“Зайнулараб”, “Қиссаи Юсуфу Зулайҳо” афсоналари диний руҳда бўлса, Андалибнинг “Зайнулараб”ида Али, Муҳаммад Ҳанифа, Ҳасан, Ҳусайн, Биби Фотима, Биби Ҳанифа, Малика Туғро, Жамхур сингари ижобий образлар ҳаётини маъно-мазмун касб этиб, “Гўрўғли” туркумидаги дostonларнинг қаҳрамонларига ўхшаб Амлок, Қатроншоҳ, Шоҳ Анқо, Кибр, Таҳроқ, Бабри бепарво, кўрқоқ баҳодир сингариларга қарши курашдилар.

Машраб мансабдорлик, наслу насаб пеш қилиб, талтайиш, мағрурликни қоралаб:

Саидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма,-

деб хитоб қилса, Турди халқнинг “Эл работ, тўра-қўноқ” мақолини қўллади-да, мансабдор тўралар келиб кета берадилар, халқ эса қолаберади, бас, шундай экан, беҳуда гердаишга на ҳожат, дейди. Ҳувайдо “Фалон ибни фалон” ман деб ўзига ортиқча бино қўйган, оддий халқни менсимайдиган амалдорларни ғазаб билан қоралайди.

Амир Хисрав Деҳлавий ва Абул Файз Файзийдан кейин йирик олим, шоир, шубҳасиз Абдулқодир Мирзо Бедилдир. Файзийнинг “Ваҳдати вужуд” билан боғлиқ илғор фалсафий ғоялари XVI-XVII асрлар мобайнида Мирзо Бедил томонидан ривожлантирилиб, фалсафий тизим даражасига кўтарилди. Бедилнинг Ҳиндистон фалсафий тафаккури соҳасидаги издоши Абдул Ҳаким Сиёлкутий, Муҳиббулло ал-Ҳинди ва Қози муборакни кўрсатиш мумкин.

Абу Абдулло Абдул Ҳаким бин Шамсуддин ал-Ҳинди ал-Лаҳури ас-Сиёлкутий (вафоти 1682) ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг йирик намояндаси эди. Манбаларнинг хабар беришича, у масъул лавозимларни эгаллаган, шоҳ саройига яқин аъёнлардан Шоҳ Жаҳоннинг (1628-1648) маслаҳатчиси бўлган экан. Унинг асарлари фақат Ҳиндистонда эмас, балки узоқ ўлкаларда ҳам машҳур бўлган, баъзилари жаҳон каталогларида ҳам учрайди. У Ўрта Осиё, Эроннинг Қазвиний, Тафтазоний, Давоний каби олимларининг асрларини мукамал билган¹.

¹ Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1995, 185-бет.

Муҳибулло бин Абдушукур ал-Баҳорий ал Ҳиндий (вафоти 1707) Бедил ғояларининг яна бир давомчисидир. Бизгача олимнинг биргина рисоласи етиб келган. Лекин шунинг ўзи ҳам олимнинг билим доираси кенглини, хусусан, мантиқ соҳасида ғоят юксак бўлганини намоён этади. Рисола “Сулламул улум” (“Билим поғоналари”) деб аталади ва мантикий билим пиллипояларининг изчил баёнига бағишланади. Асар мазмуни мантиқ, фалсафага оид асарларини ҳамда қадимги юнонистон файласуфларининг асарларини ҳам пухта билганлигидан далолат беради. Муаллиф рисола саҳифаларида Арасту, Афлотун, Сукрот, Форобий, ибн Сино, Баҳманёр каби мантиқшунослар билан фалсафа ва мантиқ юзасидан баҳслар олиб боради. Бу рисола таҳлили кишини билиш назарияси соҳасидаги аристотелизм ғоялари Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда ўз илдизлари билан ўрта асрлар қаърия кириб борганини ва бу даврлардаги фалсафа тарихи тасаввуфнинг диний шаклларидагина иборат бўлиб, ҳеч қандай рационал моҳиятга эга эмас деган баъзи сохталаштиришларнинг асоссиз эканига яна бир бор ишонтиради.

Ўрганилаётган даврда Ҳиндистонда XVIII асрга қадар тафаккурли олимларнинг катта гуруҳи яшаб, ижод этганлар. Уларнинг ҳар бирининг ижоди Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганишда муайян аҳамиятга эгадир¹.

Машрабга замондош ва бугунги бугунги кунда қадрияти тикланган Сўфи Аллоҳёр ўзининг “Тухфатут толибин”, “Муродул-орифийн”, “Маслакул-муттақийн”, “Саботул-ожизин”² каби асарлари билан мусулмон олами фалсафасига катта ҳисса қўшди.

Сўфи Аллоҳёр Самарқанднинг ҳозирги Оқдарё туманига қарашли Минглар қишлоғида Оллоҳқули хонадонида дунёга келиб, 15 йил Бухорода таҳсил олади ва сўнгра шу ерда божхонада ишлайди. У асарларини форсча-тожикча ва ўзбекча услубларда яратди. Аллома етук мутафаккир, файласуф ва катта диний арбоб сифатида фаолият кўрсатди.

¹ Ўша манба, 186-бет.

² Сўфи Аллоҳёр. Сабот ул-ожизин. “Меҳнат”, Тошкент, 1991, 6-бет.

У инсонни сабр-бардошли бўлишга, Ҳақ (Аллоҳ) муҳаббати билан, ўлимни бўйинга олиб, фонийлик (ўткинчи дунё)да ҳалол яшашга чорлайди:

*Кел, эй банда, ўзининг сол худога,
Қазога рози бўл, сабр эт балога.*

Юқорида номлари зикр этилган мовароуннаҳрлик мутафаккирлар ўзларининг илғор фикрлари билан замон, макон, ҳаёт шароити тақозосига кўра қанчалик қарама-қаршиликларга дучор бўлмасинлар, келажакка умидворлик билан қараб, авлодларга муҳим маънавий-фалсафий ғояларни қолдирдилар¹.

Машраб билан асрдош бўлган Хожаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо XVIII аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири бўлиб, унинг асарлари шоир яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам шуҳрат ёйди. Ҳувайдонинг қатор замондошлари, ўз шажарасидан етишиб чиққан шоир ва шоиралар, шунингдек, сўнгги асрларда етишиб чиққан қаламкашлар унинг ижодидан баҳраманд бўлдилар.

Хожаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо Ўшда туғилиб, Фарғонанинг Чимён деган жойида ўсган, умрининг охиригача шу ерда яшаб, ижод этган. Ҳувайдонинг замондоши мавлоно Носех ва шогирди Мир Ҳасан Садойиларнинг марсия-таърихларида шоирнинг вафот санаси 1780-1781 йиллар деб кўрсатилади².

Тадқиқотчилар Ҳувайдонинг туғилган йили номаълум деб кўрсатмоқдалар. Ҳолбуки, Ҳувайдо икки ғазалида неча йил умр кўрганлигига ишора қилиб ёзган эди:

*Эллик яшаб, олтмишга етиб, зарра амал йўқ,
Ўлмак хуш эрук мангоки, дунёга тўйибман.
Сочим оқариб, ман на иш эттим, эй Ҳувайдо,
Илгимни жаҳон рахтидин эмди ювибман.*

Ёки:

¹ Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўтабар ўзум. “Шарқ”, Тошкент, 2001, 32-бет.

² З. В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи жилд. 368-бет.

*Эллик, олтмиш яшадим, бир яхши тоқат қилмадим,
Қилгоним бўлди гуноҳ, бирдам ибодат қилмадим.*

Бизнингча, “Хувайдонинг туғилган йили ноъмалум” дейишдан кўра илмий тадқиқотлар натижаларига таяниб ҳамда Хувайдодан кейин ўтган олти авлоднинг ҳар бири ўртача 71-72 йил умр кўрганлигини инобатга олиб, шоир тахминан 1704 йили Чимён қишлоғида туғилган, дейиш ҳақиқатга яқинроқдир¹.

Хувайдонинг вафот этган йили ҳижрий 1200-милодий 1785 йилда вафот этган.

Хувайдонинг шеърларидан маълум бўлишича, у араб ва форс тилларини, ўзбек мумтоз адабиётини, диний адабиётни, айниқса, Қуръон ва ҳадисларни мукамал ўрганган. Замонасининг етук олими, мутасаввиф шоири сифатида шухрат қозонган, халқ ҳурматиغا сазовор бўлган, эшон Хувайдо номи билан нафақат Фарғона водийси, балки туркийзабон халқлар орасида машҳур бўлган.

Хувайдо ўзининг маънавий-интеллектуал салоҳияти, бадий маҳорати ва илғор фалсафий қарашлари билан XVIII аср ўзбек адабиёти ва тасаввуф фалсафасига янгича мазмун ва ғоя олиб кирган, унинг равнақиға ғоят баракали таъсир кўрсатган².

XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган Абулғози Баҳодирхон ижодининг айрим жиҳатларига тўхталамиз. XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хони Арабмуҳаммад (1602-1623)нинг етти ўғлидан бири бўлган Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) ўз оғанилари Асфандиёр, Шарифмуҳаммад, Хоразмшоҳ султон, Афғон султон, Ҳабибий, Элбарслардан ўзининг «...бағоят ашъорфаҳм ва тарихдан» (мунис)лиги, тож-тахт, ўзаро тарафкашлик тортишувлари тақозосига кўра Хоразмдан бош олиб кетиб, анча вақт қалмоқлар орасида Туркистон, Самарқанд, Бухоро ва ниҳоят, 10 йил давомида Эронда-Исфахонда бўлганлиги оқибатида, турли-туман қабила-уруғларга мансуб кишилар билан муомала-муносабат ва мустақил машғулотлар билан форс-тожик, араб ва қисман мўғул тилини ҳам, расм-одатларини ҳам

¹ Хожаназар Хувайдо. Дован. “Янги аср авлоди”, 2005, 4-бет. Сўзбоши. Сўзбоши Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Қодиркул Рўзматзода.

² Ўша манба. 5-бет.

билганлиги жиҳатларидан ажралиб турар эди. Хусусан, катта-кичик ҳажмдаги “Шажараи тарокима”, “Шажараи турк” ва “Манофеул-инсон” номли уч асари билан у, XVII аср илм-фан, маданият ва адабиётининг йирик намояндаси сифатида ном қозонди¹.

Ана шу учала асар туфайли, хусусан “Шажараи турк”ка кўра, уни В. Г. Короленко ва А. М. Горький ҳам, В. И. Даль, В. Н. Татишевлар ҳам билар эдилар. Лозим топилганда Абулғози китобларидан И. Н. Берёзин, Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, Г. С. Саблуков, С. В. Жуковский, . Вамбери, Д. Н. Логофет, А. Н. Самолович, П. Н. Мелиоранский, Ф. И. Страленбург, А. Г. Тумеанский, Г. И. Карпов, Х. Д. Френ, П. И. Домезон, П. И. Иванов каби рус ва ғарбий Европа шарқшунослари ҳам, хоразм тарихнавислари-Мунис, Огахий, Баёнийлар ҳам ўз асарларида фойдаландилар².

Бизнинг замонамизда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон халқлари тарихи китобларини яратишда ҳам “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима”дан манба сифатида фойдаланилди.

Абулғозининг “Шажараи тарокима”си ўғуз қабилалари, хусусан, қардош туркман халқи уруғ-аймоқларининг саргузаштларига доир бўлиб, 1661 йилда яратилган. Асар, ўз ота-боболари тарихига иштиёқманд бўлган туркманларнинг илтимосига кўра бунёд этилган.

Ўз хонадони ҳукмронлиги давоматини кўзда тутан Абулғозихон “Шажараи турк” асари 1663 йилда ёзила бошланиб ўзбек уруғ-аймоқлари тарихига доир 9 бобдан иборатдир. Муаллиф 9 бобгача анъанага кўра Одам атодан бошлаб зикр этгани ҳамма воқеалар, ҳукмдорлар, эл-элатлар тавсифига доир материалларни, унинг ўз эътирофидан кўринишича, Шарқ тарихнависларининг “ўн саккиз мужаллад”идан олади.

В. В. Бартольд, “Туркистоннинг суғорилиш тарихи” (Тошкент, 1926) китобининг бир ўрнида, “...Умуман суғориш ишларидан маълумот берган муаллифларга қараганда XVII асрдаги Абулғози... Амударё ва ундан чиқарилган наҳрлар

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк.

² В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. III-жилд. 138-бет.

тўғрисида кўпгина маълумотлар беради”, деб таъкидлайди ва мазкур асарнинг 41, 42, 62, 74, 139, 154, 159, 261 саҳифаларида “Шажараи турк”дан мисоллар келтиради¹.

Г. Вамбери эса: “... жаҳон онинг “Шажараи турк” номидаги тарихий асари учун анго миннатдордир” деб уқтиради ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр” (М. 1924, саҳ. 197) китобининг биринчи жилдида ва худди шу ўринда: “... Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади...” деб, таъкидлайди.

Албатта В. В. Бартольд ҳам, Г. Вамбери ва Г. С. Саблуков ҳам, ўзбек археологи ва тарихшуноси Яҳё Ғуломов ҳам, Абулғозининг «Шажараи турк»ига биринчи навбатда тарихшунослик бўйича мурожаат этганлар. Г. Вамбери эътирофларидан шуни уқтириш мумкинки, Абулғозининг “Шажараи турк”и бадий мемуар характеридаги хусусиятлари, маълум жиҳатлари билан “Бобурнома”га яқинроқ асар бўлиб кўзга ташланади².

Абулғози жанглар ва савашларда орттирган жароҳатларини ибн Сино, табиби Юсуф, Абдурахмон табибларнинг тиббиётга доир асарлари, маслаҳатларига кўра ўзи муолажа қилиб, 124 иллатга доир “Манофёул-инсон” трактатини ҳам бунёд этган.

Фитрат Хоразм хонлигида ўзбек хони Абулғозихон ибни Арабмуҳаммадхон томонидан 1660инчи йилда машҳур “Шажараи турк”, ондин кейин “Шажараи тарокима” китоблари ёзилди,-деб маълумот берган³.

Шаҳар шоирларининг ижоди ўзига хос хусусиятга эга. Саидо Насафий (1687-1710 йиллар) кўпгина лирик шеърлар ёзган. Нақшбанд Баҳоуддин Муҳаммадга бағишланган жуда кўп шеърлар, қасидалар ва маснавийлар ёзган. Аштархонийлар хонадонидан бўлган хонларнинг юришларига бағишланган шеърӣ, тарихий солнома, шаҳар ва хунармандлар ҳаётидан бир неча шеърлар, маталлар, мухаммаслар ёзган. Унинг асарлари халқ руҳи билан суғорилган бўлиб, тилининг равонлиги ва образлилиги билан фарқ қилади. Унинг каттагина қисми

¹ Ўша манба. 141-бет.

² Ўша манба, 142-бет.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. 59-бет.

меҳнаткаш халққа, деҳқонлар билан ҳунарманд-косибларга бағишланган. Замонасидаги турли табақаларнинг ҳол-аҳволини Саидо Насафий “Ҳайвоннома” асарида баён қилган, унда ҳайвонлар номи орқали ҳар турли табақа ва ижтимоий гуруҳ намояндалари тасвирланиб кўрсатилган. Оддий меҳнаткаш халқ-меҳнаткаш чумолилар муаллифнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади. Саидо асарларида хонлар, беклар ва амалдорлар томонидан таланган ва хонавайрон қилинган халқ оммасининг оғир ва машаққатли ҳаёти акс эттирилган¹.

Ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий Мовароуннахрнинг XVII асрдаги ижтимоий ва илмий тафаккурининг йирик намояндасидир. У асли озарбойжонлик бўлиб, ижтимоий-сиёсий шароитнинг нечоғли мураккаблигига қарамай, ўзининг буюк салафлари-асарларида баъзи илғор анъаналарни давом эттира олган ижодкордир.

Файласуф 1563 йилда Кавказ орти Аракс дарёсининг ўртасидан шимол томонда жойлашган Қорабоғ деган тоғлиқ қишлоқда туғилган.

1579 йилда 16 ёшли Қорабоғий Ширвонга келади. Ширвондаги сиёсий воқеалар, ғалаёнлар туфайли Қорабоғий ўша йилнинг ўзида Шерозга жўнайди ва Ҳабибулло Мирзажон Шерозийдан таҳсил ола бошлайди. Қорабоғий устозининг вафотидан сўнг Самарқанднинг таниқли сиймолардан, кубровия оқимининг фаол тарғиботчилардан бўлган Халилулло Бадахший билан танишади ва унинг содиқ шогирдига айланади. У умрининг сўнгги йилларини шу ерда ўтказади ва 1647 йилда вафот этади².

Қорабоғий, Форобий, ибн Сино, Тусий каби шарқ файласуфлари таълимотини давом эттирди. Унинг таълимотида перипатетизм тасаввуф билан чатишган эди. Бу нарса, умуман шарқ мусулмон фалсафаси намояндаларига хос эди: Улар турли фалсафий ва соф диний қарашларни ягона, умумий назария бирлаштирар эдилар: улар учун нубувват ва ҳиссиёт ила

¹ И. М. Мўминов таҳрири остида. Ўзбекистон тарихи. 295-296-бетлар.

² Академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. 187-бет.

эришилган билимлар бир-бирини инкор этмай, аксинча тўлдиради¹.

Қорабоғий оламни тушуниш назариясига сабабият қоидасини асос қилиб олади. Унинг бу қарашлари эса мутакаллимлар фикрига қарама-қаршидир. Каломга кўра, олам-нарсаларнинг тартибсиз йиғини, уларнинг пайдо бўлиши ва йўқолиши мутлақо ўз хатти-ҳаракатида эркин бўлган худо иродасига боғлиқдир.

Қорабоғийга кўра, объектив оламдаги барча нарсалар ўзаро сабаб оқибат муносабатидадирлар. Шундай қилиб, ҳар қандай оқибат сабабга эга. «Бинобарин,-дейди файласуф-агар сабаб йўқлиги таъкидланса, у вақтда, албатта, натижа ҳам йўқ бўлади».

У ёки бу ҳодисанинг сабаби маълум ёхуд ноъмалум бўлиши мумкин, лекин у муқаррар мавжуд. Оқибат идрок этиш сабабини билиш орқали содир бўлади. Бу ёркин диалектик фикр Қорабоғийнинг қуйидаги сўзларида ўз аксини топади: “билимга унинг сабаби орқали эришилади”².

Мутафаккирнинг ижоди Озарбайжон, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий фикр ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилгандир.

Мовароуннаҳрда фалсафий ва ижтимоий сиёсий қарашлар тараққиётида беқиёс катта ўрин тутган мутафаккирлардан бири Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) дир. Ўз даврининг атоқли файласуфи ва шоири ҳисобланган Бедил Марказий Осиё халқлари маданияти ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган зот сифатида юксак эҳтиромга сазовор бўлди³.

Мирзо Бедил мадрасада бир мунча таҳсил кўргандан сўнг Мирзо Аврангзеб ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ ҳарбий кучларига хизматга киради. Кейинчалик у ердан кетиб, шайх Камош, Шохфозиллардан сабоқ олади ва ўз умрини тамомила фалсафага бағишлайди. Бедил 1721 йили Деҳлида вафот этди. Бедил 16 китобдан иборат “Куллиёт”, “Чор унсур”, “Ирфон” (Билим), “Нуқот”(Ҳикматли сўзлар) фалсафий асарлар, “Рубоийёт”, “Ғазалиёт” каби шеърий тўпламлар яратди. Бедил ижоди-

¹ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар тараққиёти тарихидан. “Ўқитувчи”, 1997, 138-139-бетлар.

² Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. 188-189-бетлар.

³ Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1998, 161-бет.

мураккаб, у ўз таълимотида сўфийлар, мутафаккирлар истилоҳларидан фойдаланади. Ўша даврда ва ундан кейинги асрларда ҳам Бедил асарларини ўқишнинг ўзи бир санъат ҳисобланган¹.

Бедилнинг ғазаллари, рубоийлари, қасидалари, қитъа ва тарихий қитъалари ҳамда таркиббанд ва таржибандларини қўшиб ҳисоблаганда 75 минг лирик ва чуқур фалсафий мисолларни ташкил этади.

Бедил “Чор унсур” (“Тўрт унсур”) китобини 1703 йилда ёзган. Бу китоб насрда ёзилган. Унда шоир ўзининг болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик чоғлари ҳақида биографик маълумот беради. Асарнинг сўнгги икки бобида тўрт унсур-ҳаво, сув, ер ва олов тўғрисида сўз боради. “Ирфон” (“Билим”, 1711) асари дoston ва ҳикоялардан таркиб топган. 10 минг сатрдан таркиб топган бу китобда адабиёт, табиат, фалсафа, социология масалалари ҳақида фикр юритилади².

Мирзо Бедил ўзбек, тожик, афғон халқлари маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Унинг ижоди Мовароуннаҳр мактабларида Ҳофиз, Навоий, Фузулий девонлари қаторида ўрганилди. Мирзо Бедил ҳинд адабиёти тарихида салмоқли ўрин эгаллаб, ўз ижодида юксак инсоний туйғулар, ахлоқ гўзаллигини тараннум этди. Ўз тузумининг иллатларини аёвсизларча фош қилди. Қўли гул деҳқонни жамиятнинг текинхўр табақасига қарши қўйди ва ҳаммадан муҳими, Ҳиндистонни ажнабийлар исканжасига тушишидан ташвишланди. Бу ҳол эса Ҳиндистонда форс-тожик адабиётининг, айниқса, унинг XVII-XIX асрлардаги тарихини тадқиқ этишни муҳим масалалардан бири қилиб қўйди³.

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий-фалсафий фикр тарихида муҳим давр эканлигини таъкидлаб, бу даврда адабиёт, санъат, меъморчилик, шеърят, тарих, география, ахлоқшунослик, мантиқ, тилшунослик, таълим-тарбия билан бир қаторда фалсафа ҳам ривож топди. бу соҳада илмий трактат, рисолалар яратган мутафаккирлар етишиб чиқди.

¹ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан. 140-бет.

² Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов, Ў. Убайдуллаев. Ватан тарихи. 54-бет.

³ Ш. Шукуров. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. “Фан”, 1979, 4-бет.

Бу асрда Сўфи Аллоҳёр, Хўжаназар Хувайдо, Абулғози Баҳодирхон, Саидо Насафий, Юсуф Қорабоғий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқа мутафаккирлар инсон ва унинг қарашлари, олам ва жамият ҳақидаги фикрларини ўз асарларида тараннум этдилар.

Мутафаккирлар ўз даврининг муҳим фалсафий муаммоларини кўтариб чиқдилар. Уларнинг дунёқарашида ўша замоннинг бутун қарама-қаршиликлари, мураккаб томонлари, инсон ва унинг фазилатлари ўз аксини топгандир.

Хулоса қилиб айтганда, аштархонийлар даври (1601-1756) Мовароуннаҳрда сиёсий келишмовчиликлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бориши билан характерланса-да, иқтисодий ҳаётда маданиятнинг баъзи соҳалари (меъморчилик, тарихнавислик, адабиёт) да ижобий силжишлар ҳам кўзга ташланади. Бу ҳар қандай оғир вазиятда меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик хислатларини намоён қила олганлигидан далолатдир.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МАНБАЛАР ВА УНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Замонасининг етук донишманди, йирик мутафаккир, кучли мантиқ соҳиби, халқпарвар, ҳақиқатгўй, ростгўй, журъаткор, кўнгли пок, ҳар томонлама комил инсон, халқнинг юрак дардларини, орзу-умидларини, истак ва интилишларини куйловчи чинакам халқчил шоир, оташнафас сўз санъаткори, юксак истеъдод эгаси Бобораҳим Машраб номи бутун Туркистон, Қашқар ва Хуросонда, барча туркий халқлар орасида машҳур. У шеърият мулкининг буюк Навоийдан кейинги олий мақомига эришган, халқ қалбига нур бўлиб кирган ижодкордир.

Машраб поклик, ҳалоллик тимсоли сифатида дунёга келди. “Бир куни оналари икки тўпа ип олиб нафақа учун бозорга бордилар,-дейилади “Қиссаи Машраб”да,-кўрдиларки, икки дона узум ерга тушибдир, Ани ердан олиб оғизларига солдилар. Ул ерда бир баққол узум сотуб туриб эрди. Машрабни оналари ҳануз икки қадам қўйганлари йўқ эдики, қоринларидин овоз келди: “Эй ано, Худодин кўркмай, махлуқдин уёлмай кишини ҳақини нима деб едингиз? Агар шул узум эгасини рози қилмасангиз, қорнингиздан ғойиб бўлиб кетарман”,-дедилар. Демак, ҳали туғилмаган Машраб ўзганинг ҳақидан ҳазар қилади. Бу ривоятни дили пок, виждони соф, халқуми ҳалол, иймони бутун улуғ инсон ҳаётига дебоча деб аташ мумкин. Шоирнинг бутун ҳаёт йўли мана шу қутлуғ дебочанинг давоми ва такомилдан иборатдир”¹.

Қисса аввалида биби Салиманинг ерда тушиб ётган икки дона узумни олиб еганлари, ҳали етти ойлик ҳомила бўлмиш Машрабнинг оналарини бировнинг ҳақини ейишда айблаганлиги, узум сотувчи-онанинг тазаррусидан таъсирланиб, узум таъминини кўриш учун доимо ҳақ олмаслигини баён этгани ҳикоя қилинади. Бу воқеа, аввало Машрабнинг модаризод яъни онадан туғма

¹ Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. “Наманган” нашриёти, 2007. 57-58-бетлар.

авлиё эканлигига ишора бўлса, иккинчидан ўқувчини ўзгалар ҳақини емасликка даъват этади.

Машраб мулло Бозор охунднинг илк сабоғидаёқ устозни ҳайратга солади, домла боланинг зехнини синаб кўриш учун “Алиф” дейишини айтади. Машраб “Алиф” дегач, “Бе” дейишга кўнмайди, “Алиф”нинг маъносини айтиб беришни сўрайди ва ўзи тушунтиради: “Алиф”нинг маъноси бирдур. Ул сабабдан “бе” демасман. Мундин ўтмак хатодур. “Алиф” ҳарфи худонинг бирлигига ишора, бу ҳикматни англамай, бошқа юмушни қилмаслик керак. “Алиф”дан сўнг “бе” дейиш эса унинг битталигини инкор қилишдир. Фикримизча, мулло Бозор охунднинг ҳайрати бола-Машраб даъвосидаги ана шу мантиқнинг кучидан бўлса керак¹.

Машрабнинг ҳозиржавоблигини эшитган устоз шогирднинг қувваи ҳофизасидан ҳайратда қолдилар. Чунки шундай ёшда олам ва одамнинг моҳиятини бунчалик теран англаш ғайриодатий ҳол эди. Бу ривоят бизни Машраб дунёқарашининг энг муҳим асрори билан ошно этади. У бутун борлиқни Аллоҳнинг зуҳури деб билишини, Аллоҳ битта, бошқа барча мавжудот униг тажаллийси деб тушунишини англатади.

Унинг бундай ўткир зехнини кўрган ота-онаси замонасининг энг улуғ уламоларидан бўлган мулло Бозор охунд кўлига таҳсил учун топширадилар. Машраб у ерда диний ва тасаввуфий фалсафани ўргангани Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Саид Имомиддин Насимий, Иброҳим Адҳам дунёқарашини билан танишади. Ҳофиз, Лutfий, Навоий шеърятининг файзли наволаридан баҳраманд бўлади. Уларнинг кўплаб асарларини ёд олади. Улардан илҳомланиб, ўз туйғуларини, руҳиятининг ранг-манзараларини ифодалаб, ўзига хос асарлар ярата бошлайди².

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб таваллуди санаси ҳамон мунозарали экан, тадқиқотчилар ўз илмий қарашларидан келиб чиқиб унинг туғилиш санасини илмий адабиётларда 1640 йил деб қайд этаётганликлари нотўғри эканлигини таъкидламоқчимиз. Зеро, шоир ижодий мероси бугунги кунда тикланиб, у қолдирган ғазаллар ва турли жанрдаги шеър

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, шох Машраб? Наманган, 2007, 17-18-бетлар.

² Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. 99-100-бетлар.

манзумалар халқимизга қайтарилаётган экан, унинг ҳаёти ва фаолиятига илмий нуқтаи назардан холисона ёндашиш вақти келганлигини қайд этамиз. Машраб 1653 йил 22 майда Наманган шаҳар маддоҳлик (Маддохон ҳам деб аталган) маҳалласида туғилган.

Машрабнинг отаси мулла Вали етти хазинасининг бири бўлган хезмқаш (ўтинқаш)лик билан шуғулланган. Оналари Зубайда (Салима биби ҳам деб аталган) бегим уй бекаси бўлган. Ягона синглиси Моҳибадр (тўлин ой) шеъроятга иштиёқманд, маҳалла йигитларидан бирига узатилган. Манбаларда ёзилишича, Бобораҳим дастлаб етти ёшлигида Вали бобо ва маҳалла мулласидан таҳсил олган. 1665 йил 12 яшарлигида Наманганда доврўқ қозонган уламо мулла Бозор охунд таҳсилига киришган. У ерда Қуръон илмидан баҳраманд бўлиб, қориликка етишган. Мулло Бозор охунд томонидан берилган илм-одоб қоидаларини ўрганиб олгач, охунд унинг илмини янада мукаммаллашувини хоҳлаб Қашқарга ўз пири Офоқхожа хонадонига кузатган. Машраб бу пайти тахминан 20-21 ёшларда бўлган. Чунки унинг ўша даврдаёқ давр улуғларига айтган шеърларининг оғир ботиши ва уларнинг шоирга нисбатан норозилик кайфиятлари унинг шоирлиги, бурротиллиги, айтган сўзидан қайтмаслиги ҳаммага аён бўлиб, унга тазйиқлар бўлганлиги, у Наманганга сиғмай юрганлиги ҳақиқатга яқин.

*Намангандек табаррук юрт менга тор бўлди,
Муллолар қутқусидан азиз бошим хор ўлди,
Онам, синглим муштипар парча нонга зор ўлди,
Бўйним эгиб, тиз чўкмоқ, найлай менга ор ўлди,
Кўринг эмди ёронлар, кўксим лолазор ўлди.*

Шоир баъзи бадхулқ, ришвахўр муллалар ва шаҳар ҳокими амалдорлари қутқусидан бешиб туғилган юрти Наманганни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бобораҳим Офоқхожанинг доврўғи кетган улуғ пирлигини, қувваи ҳофизаси ва нафаси ўткир шайхул аъзамлигини, унинг етишган авлиёлигини, исломий ва дунёвий илмларда пешқадамлигини, тасаввуф таълимотининг пирларидан эканлигини эътироф этиб, унинг даргоҳида илм

олишни орзу этган ва улуғ авлиё рухсорини кўриш умидида унга мурид тушишни “пир остонасидаги жамики риёзатларни бошқа сўфийлар катори ихтиёрий тарзда ўзи хоҳлаган”, ёр-Яратган васлини пирдан илм ўргангачгина кўришни орзу этган:

*Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.*

Шундан сўнг Бобораҳим-Қашқарга Офоқхожа ҳузурига мулло Бозор охунд тавсияси билан отланган, у бу даргоҳ пайғамбар авлоди даргоҳи эканлигини, у ердан ноумид кетмаслигини, ўзи ҳам шу авлодга мансуб саййид бўлганлиги боис шунинг учун бу даргоҳни азизу мукаррам билишлигини, Махдуми Аъзамнинг чевараси бўлган Офоқхожани ўзи учун пушти паноҳ эканлигини, ҳидоят йўлига бошлашини умид қилиб келган:

*Ки сен авлоди пайғамбар, отингдур Ҳазрати Офоқ,
Ки навмид қўймагайларким улуғ даргоҳ деб келдим.
Ҳидоят кўргузунг Офоқхожам, пушти паноҳимсиз,
Адашган, йўлда қолганман, ман гарибга роҳ деб келдим,
Кел, Эй Машраб, умид этгилки, афв этгай гуноҳингни,
Ҳасан бирла, Ҳусайним ҳурмати ул шоҳ деб келдим.*

“Қиссаи Машраб”да қайд қилинишича, Машраб тахаллусини ҳам Офоқхожа қўйган:

*Қўлум олинг ё пирим, манда тоқат қолмади,
Йўлга солинг ё пирим, менда ҳолат қолмади.
Ҳазратимдин ман бугун дуо тилаб келибман,
Бўйни синиқ етим ман, манда роҳат қолмади.
Офоқхожамким суюб, отинг Машраб дедилар,
Бўсогонгда ўларман, манда ҳасрат қолмади¹.*

¹ Қиссаи Машраб “Ёзувчи”, Тошкент, 1992, 31-33-бетлар.

“Қиссаи Машраб”да ёзилишича, Бобораҳим зийрак, зеҳнли бўлиб ўсган. Топқирлиги, зукколиги билан устози мулло Бозор охундни ва мактабдош, ҳамсабоқ дўстларини лол қолдирган. У диний ва тасаввуфий билимларни, араб ва форс тилларини, Қуръон қироатини яхши ўзлаштирган. У тасаввуфий билимларни янада чуқурроқ ўрганишни кўзлаб машҳур эшон Офоқхожа даргоҳига, Қашқарга борган. Машраб дастлаб бу даргоҳда етти йил хожанинг хизматларини қилгани ҳолда, у ердаги ўзи каби илмга ташна муридлар билан бирга илми ҳол ва илми қол (диний ва дунёвий) илмларни кунт билан ўрганди. Наманганлик адабиётшунос Алихон Халилбеков таъбири билан айтганда “бу йиллар унинг учун синов ва чиниқиш жараёни сифатида кечади”.

Машраб пир хонадонида жамики илмлардан бохабар бўлганидан сўнг пирнинг руҳоний эътиборига тушиш учун атайин “гуноҳ қилиш”га, унинг даргоҳидаги қизга муҳаббат изҳор қилганлиги боис бу хонадонни тарк этган ва ундан сўнг у жуда кўп шаҳарларга қаландар либосида чиқиб кетган. Фитрат берган маълумот бўйича Машраб мулло Бозор охунд руҳсати билан Хитой Туркистонига сафар қилиб, “Қашқардаги Офоқхожага мурид бўладир. “Машраб” тахаллусини ҳам шундан оладир. Манқабаси Машрабнинг Офоқхожа эшикида уч йил ўтун, уч йил сув ташиб, яна бир йил бошқа хизматлар қилганини хабар берадир. Офоқхожа Қашқар халқи... ва ўзи учун жуда катта давлат таъмин қилган эди”¹.

Самарқандлик олим Комилхон Каттаев “Шоҳ Машраб Офоқхожанинг даргоҳидан қувилди” деган фикр бир томонлама эканлигини қайд этиб, “Машрабдаги илоҳий севгини кўриб, уни ўзининг руҳонияти тарбиясига олган Офоқхожа Машраб бир чўри қизга дунёвий севгини изҳор этганини Машрабдан кўнгли совуган бўлиши мумкин” деган фикрни айтган.

Аслида етти йиллик хизмат ва етти йиллик илм олиш ҳам пирнинг дийдорига, илтифотига муяссар бўлиш дегани эмас эди. Лекин Машраб пир олдида етукликка эришиб бўлган тайёр солиқ эди. Унга бир баҳона керак эди, холос. Машраб ва пир-Офоқхожа бу сирри ниҳондан огоҳ-гуноҳ қилиши ва гуноҳга жазо-илтифот

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. 2000, 90-бет.

зурур эди. Машраб бунинг учун ҳар қандай жазога НАФСИ АММОРАни қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Офоқхожа илтифоти учун канизак бир баҳона эди, холос. Шунинг учун у уч кун шом қоронғусида Офоқхожа ички ҳовлисига нарвон қўйиб нигоҳ ташлаган. Пир Машрабни намоз вақти ҳузурига чорлаганда ҳуфялар уни ҳовлидаги канизакка “кўз олайтириш-да айблаб, Офоқхожа оёғи пойига йикитганлар. Шунда пир Машрабга деганки: “Эй Машраб, бундоғ беадабликни ҳеч ким қилғон эмас”. “Эй сўфийлар, Машрабни тутингларки, андин Мансури Ҳалложнинг бўйи келадур”. Шунда Машраб ҳеч чўчимай:

*Билдимки отинг ҳазрати ҳодийи музиллин,
Мақбули ҳидоят бўлойин деб гуноҳ эттим,- деган.*

Ҳазрати Офоқхожа қиздирилган муҳрни олиб, Машрабнинг гарданига (шаҳват нуқтасига) босган. Машраб буни жаҳолат эмас, ҳидоят деб билган. Нафси амморани енгиш-руҳ билан қолишлиқдир. Пир уни нафси амморадан халос этган. Пир ва Машраб бунга онгли равишда қараган. “Ўзини худога бағишлаганда нафсоний хоҳиш қолмайди” деган ҳадисга амал қилинган. Шунинг англай олмаганлар пир ва мурид ўртасига раҳна солиб, Офоқхожани айблаб келадилар. Машраб ҳушига келгач, пир уни дуо қилган ва йўлинг очиқ деб оқ фотиҳа берган. Машрабга шу керак эди. Аллоҳни Лавҳи маҳфузда нурли жамолини кўриш иштиёқида отланганлар нафсни енгиб, шундай йўл тутишлигини у онгли англаган ва Машраб пир илтифотидан баҳраманд бўлиб, қаландар либосида дунёга юз бурган. Шу пайти Машраб тахминан 27-28 ёшларда эди.

Машраб Офоқхожа даргоҳидан қувилмаган, балки авлиёликка етишган. Тариқат илмини бу даргоҳда мукаммал ўрганиб, унинг тариқатини тарғиб этиш учун кўп мамлакатларга борган. Ёркентга, у ердан Хўтанга, сўнг Ғулжага ўтган. Машраб Ғулжадан Қашқарга қайтади. Сўнг пир топшириғи билан Тошкентга ва яна Офоқхожа ҳузурига, ундан кейин ўз она юрти Наманганга келади. Хуллас, 18 йил давомида бир қанча мамлакатларни кезган Бобораҳим Машраб Яман, Ҳиндистон, Дакан (шаҳар), Исфаҳон, Ҳирот, Машҳад, Балх, Макка, Мадина,

Жидда, Халаб, Шероз. Шом, Рум, Бағдод Шибирғон, Андхуй, Мозори Шариф, Бухоро, Насаф, Тошкент, Туркистон, Шохимардон каби жойларда бўлган. Қабодиён, Хўжанд, Бадахшон, шунингдек Яқин Шарқнинг қатор ўлкаларига борган.

Машраб маърифатни қаландарликдан излаган. Фитрат бу ҳақда фикр юритиб Машраб ўша саёҳатида наманганлик Мажзуб Намангоний “Тазкират ул-авлиё”сида ёзишича, Қаршида Офокхожа муридларидан бўлган нақшбандия маслаги вакили Хожам подшоҳни (асли исми Хусайнхўжа бўлган) учратиб, ундан 4 йил тасаввуф таълимотини ўрганган, деб маълумот берган.

Машраб Самарқандда, сўнгра “Мен Бухоро шахрига келдимки, илм савдо қилайин деб” Бухоро шахрида мавлоно Шарифдан (таниқли олим Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Хусайний ал-Алавия ал-Бухорий) илм олиб, ораларида шиддатли мунозаралар бўлиб, диллари озор ҳам чекади ва Офокхожа ҳазратлари 1694 йил вафот этган бўлсалар, унгача Машраб 18 йиллик саёҳат сафаридан қайтиб келган ва пиридан жуда кўп илтифотлар кўрган.

Машраб тадқиқотчиси Дилоромхон Ҳамроева ҳам Машрабни Самарқанд, Бухоро ва Қарши мадрасаларида таҳсил олганлигини, аммо Машраб билими юқори бўлиб. кўп мударрислар уни қаноатлантормаганлигини қайд этган.

Манбалар билан айтилганда, Малехо Самарқандийнинг “Музаккари асҳоб” (“Сухбатдошлар зикри” 1689-1692 йилларда ёзилган)да ёзилган. Унда айтилишича, у Машраб билан Самарқандда икки дафъа учрашганлиги, биринчи марта соқол ва мўйлови чиқа бошлаганда ва иккинчисида Самарқандга қаландар либосида соч-соқоли барқ уриб ўсган бир даврда кириб келганини сўзлаган. Малехо Машраб билан 1672 йилда, иккинчи топқир учрашуви эса 1690 йилларда содир бўлганлигини ёзган. У Машраб Фарғона ва Мовароуннаҳрда шухрат топган қаландар шоир эканлигини сўзлаб, унинг таржимаи ҳолига доир қуйидаги маълумотларни берган: “У ўз зеҳнидаги ўткирлик туфайли бошқаларнинг диққатини жалб этди. Зўр ҳавас билан ўқиши соҳасида камолот касб этди. Балоғатга эришгач, Самарқандга келди ва бир мунча муддат туриб қолди. Сўнг яна Наманганга қайтди ва у ердан Қашқар ва Бадахшон сафарига жўнаб кетди. У

Балхдан Самарқандга қаландарлик даражасида келди. Машраб ўз саёхатлари давомида кўп камолот касб топди, унинг ашъори ҳам етуклик касб этдики, буни мактаб ўтиришнинг ҳожати йўқ”¹.

Машрабнинг бирор-шаҳар-қишлоққа келиши изсиз кетмас, маълум шов-шувларга сабаб бўлар, оддий халқ уни самимият ва хурсандчилик билан кутиб олган, ҳоким, амалдор, риёкор руҳонийлар эса ҳадик, душманлик кўзи билан қарши олганлар.

Офоқхожа Машраб ўлимини, уни Балхда шаҳид бўлишини олдиндан башорат қилган. “Қиссаи Машраб”ларнинг турли вариантларида унинг мансурвор дорига тортилиши, кушандаси Маҳмуд катағонбий эканлиги айтилган:

*Қонимни тўкар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.*

Машраб замондоши Исҳоқ Боғистоний ўзининг “Тазкираи қаландарон” асарида “Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёмида умрларидан 58 сана кечуб эрди”, дейдилар. Ғолибо, бу фикр тўғри кўринади... деб ҳисоблайди Машраб тадқиқотчиси Ж. Юсупов.

Бобораҳим Машраб Балх ва Қундуз ҳукмдори Маҳмудбий катағон амрига кўра, Балхда 1711 йил дорга осиб ўлдирилди. Машраб 58 ёшида қатл қилинди.

Машрабнинг ҳамсафар ва мухлиси Пирмат Сеторийнинг ривоят қилишича, Шоҳ Машраб Бухорои шарифда бир қиш фасли умргузаронлик қилган. Баҳор келиши билан Машраб етти қаландар билан Насаф томон йўлга тушган. Насафдан Байтуллоҳ сари йўлга отланганида Балх қаландарлари уларга пешвоз чиқиб кутиб олишган. Балхда Машрабнинг назмий мажлисида унинг суҳбатини тинглаган омма вакиллари Маҳмудбий катағон жабр-зулми, аркони давлат сиёсатидан норози бўлиб унга шикоят қилганлар. Шоҳ Машрабнинг Балхга келганлиги овозаси Маҳмудбийга етиб, у Фарғона заминидан келган авлиё-қаландарни саройга чорлаган. Маҳмудбий Машрабни Байтуллоҳга отланганини муборакбод этиб, аркони давлат ҳақида

¹ Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандий. “Музақкири асҳоб”, Тошкент, 217-бет.

ношоён шеърлар ёзганлигини билдириб, мажлис аҳли олдида тавба қилиб, узр сўрашни ундан талаб қилган.

Шоҳ Машраб дедиларки: “Оре ростдурким, мўмин-мусулмон бандаларни эрмас, ришвахўр қозиларни, оқни қора қилгувчи муфтиларни, икки тиллик уламоларни, шайдойи муллаларни, ҳажв тиғи бирла тавсиф этмушдим. Неки битдим, ҳақ тавсиф турур. Узр айтмоқлик фақрга одат эрмас. Иззат-икром учун бағоят бурчдормен, шаксиз ҳазратларига бўлғон бурчимни узурмен”, деб рухсат олиб саройдан чиқдилар.

Шоҳ Машраб Маҳмудбий қатағон ва унинг вазири Бузрукхўжа Бухорий ҳақида шеър битиб, бозор ва гузарларда, қаландарлар мажлисида ўқийди.

Маҳмудбий хуфялари, вазир Бузрукхўжа Маҳмудхонга арз қилиб, авом халқни подшоликка қарши кўзғатаётганлигини, подшо чора кўришлигини айтадилар. Ғазабланган Маҳмудбий Шоҳ Машраб, Пирмат Сеторий, Оғахон сардор ва бошқа қаландарларни ҳузурига олиб келишни буюрган ва хитоб бирла дедик: “Ё қаландари мажзуб, мен сени дарвешу замона тариқида иззату икром қилдим, сен эса ушбу иззату икромга ўлтурдинг”. Шоҳ Машраб унга жавобан дедиларки: “Ё Маҳмудхон, жабринг андоқ даражасига етушмушки, халойиқ ушоқлари хархаша қилса, уни маҳмудбий келур деб кўрқитурлар, оре, рост. Мен дунёдан кечган бир дарвешман, иззату икромингни менинг қатимда сариқ чақалик кадри йўқ турур, илло, сен аркони давлатинг бирла юртга ўтурмушсен. На битибмен, ҳақ сўзни битибмен. Жавобингда ўзга айтар сўзим йўқ. На ҳукм этурсен, бисмиллоҳ деб қабул қилурмен”¹.

Маҳмудхоннинг амри билан уларни Балхнинг “Қароқчиён” зиндонига ташлайдилар. Маҳмудхон уламолари билан мажлис ўтказиб, уларнинг фикрини сўраганда, шайхулислом Машраб ва унинг шерикларини халқни гумроҳликка ундашда, шариат ва тариқатдан четга чиқишда, шеърларидан куфр иси келаётганликда, Қуръони каримни ҳақорат қилишда, улус орасига ғулу солишда айбдор деб топиб, уларнинг жазоси дорга тортилишдир деб, фатво беришга кўндиришади.

¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. “Шарк юлдузи”, 1990, 8-сон, 157-бет.

Машраб кишрий (юзаки) уламолар фатвоси билан Маҳмудхон фармони билан Балх шаҳрида дорга осилиб ўлдирилди ва жасади ўша ерда дафн этилди,-деб ёзади Абдулҳаким Шаръий Жузжоний.

“Қиссаи Машраб”да ёзилишича подшоҳ Маҳмудхон пушаймони афсус билан Машраб ўлимига фармон берганига чидай олмай тавқи лаънатга қолишлигини тушуниб етган. Шоҳ Машраб оламдан ўтганига уч кун ўтмай, зилзила бўлиб, уни уй босиб қолган ва Маҳмудхон ҳам оламдан ўтган.

Балх шаҳрининг “Жавонмарди кассоб” деган машҳур зиёратгоҳ яқинида Машрабнинг биринчи қабри туради. Аммо кейинчалик Таҳор вилоятининг Ишкамиш қишлоғига унинг ҳоқини олиб келиб қўйишган, у Хонабод шаҳрига 30 километр масофада жойлашган.

Бобораҳим Машраб ҳаётининг интиҳоси Балх шаҳрида хотима топди. Ҳоким тоифа, мутаассиб рухонийлар унга ўзларининг ашаддий ғаними деб қарадилар. Уни йўқотиш пайига тушдилар. Балх ва Қундуз ҳокими бўлган Маҳмуд қатағонбийнинг ҳукми билан у шаҳида аъло мақомига етишди. Оташин шоир, довюрак инсон, катта қалб соҳиби бўлган Машраб осиб ўлдирилди. У Мансур Ҳаллож ва Имомиддин Насимий каби ҳурфикр ғоялари йўлида, ўз замонидаги ҳукмрон табақа истагига биноан расмий сиёсат қурбони бўлди.

Маҳмуд қатағонбийнинг вазири Масъуд туш кўриб, тушида Машраб ҳоқини Ишкамишни кўчиришни айтгандан сўнг, ҳок иккинчи қабрга кўчирилган.

2008 йил Машраб таваллудининг 355 йиллиги нишонланиб, вафотига эса 2011 йил 300 йил тўлиши хотирланиши керак.

Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асарида: “Шоҳ Машрабни мансурвор сиёсат дорига тортмушлар. Андоқ маълум бўлурки, қатли ом муддатида таваллудларидан эллик етти сана кечуб эрди”,-дейилган.

Ж. Юсупов бу фикрни тасдиқлаган. Аммо Машраб юрти Наманганда аввало марҳум машрабшунос олим Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Алихон Халилбековлар ҳамон илмий адабиётларда унинг ёшини (1640-1711) тарзида қайд этиб келмоқдалар.

Бизнингча, “Қиссаи Машраб”, “Тазкираи қаландарон” ва бошқа манбаларда 58 ёшда қатл қилинганлиги айтилгандан сўнг, тадқиқотчилар омма фикрини чалғитмагани ҳолда унинг туғилиш санасини 1653, вафоти санасини 1711 йил деб кўрсатишлари тўғри бўлади. Таъкидлаш жоиз 71 ёшга кирган мункиллаб қолган чолни эмас, айти куч-қувватга тўлиб, подшоҳ ва унинг аркони давлат эгаларини танқид қила олган Машрабни 58 ёшида қатл этишгани мантиққа яқинроқ эканлигини эътироф этмоқ керак.

Машраб тадқиқотчиси Ж. Юсупов фикрича, Машраб ҳазрат Алининг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн-Ҳусайндан тарқалган-сайид (Машраб шеърлятида унга жуда кўп ишоралар бор. (Таъкид: М. Ҳ.) “Саидсан, хожасан, мағрури насаб бўлма”), шунингдек, “Ҳасан бирла Ҳусайним хурмати ул шоҳ деб келдим” ва Шоҳ Машраб, Эшони Машраб атоқли атама исмлар ҳамма жойда ишлатилган) авлодига бориб тақалади. Шунинг учун у Офокхожа хонадонига-Қашқарга борган, уни маънавий пир деб эътироф этган, ҳаётининг интиҳосигача, бу даргоҳдан қадамини узмаган, Офокхожанинг фарзандлари ҳам унга чуқур хурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлганлар. Машраб жами бўлиб 18 пирнинг хизматини адо этган. Бу айти ҳақиқат.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, файласуф Бобораҳим Машраб ижодий мероси ҳақида фикр юритилганда, шунинг мамнуният билан изҳор қилиш жоизки, кейинги йилларда унинг ижтимоий-маънавий меросига бўлган қизиқиш, шоир асарларининг чоп этилиши ва у ҳақда тадқиқотлар кўламнинг кенгайиши билан фарқланади.

Биз аввало унинг ижодий мероси ҳақида фикр юритганда, у ҳақда тадқиқот олиб борган олимлар ва тадқиқотчилар ишларига муурожаат қилганимизни, уларнинг тадқиқий ишлари ўзига хослигини, шоир ижодий мероси турли миллат ва элат адибу ва олимлари эътиборига тушганлигини, кўплаб халқ оммаси унинг ижодидан баҳраманд бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

XVII-XVIII асрда яшаб ўтган мутафаккирнинг XIX асрга келиб ижодий мероси тадқиқ қилиниб ёки шарҳланганлигига гувоҳ бўлмадик. Фақатгина XIX асрнинг иккинчи ярмидан Европа олимлари ва хориждаги адиблар томонидан унинг асарлари тилга олиниб, шеърларининг шиддати, девона-

дарвешнинг кўркмас, бирро тиллик билан ҳажв қилиш услуби Аллоҳнинг ягоналиги ҳақидаги қарашларни шеърлари мазмунига сингдириш қобилияти, диндорлиги, баъзида диндан чекиниши, ҳукмдорларни жасорат билан танқид қилиш фаросати ҳақида турли фикр мулоҳазалар, бир-бирини инкор этувчи, мунозарали, баҳсли маълумотлар берилган. Кўпинча бу ҳол оммани Машраб ҳақидаги фикрларини ўзгартирса, “Қиссаи Машраб” унга бўлган ҳурмат-эҳтиромни, унинг улкан шоир ва дойурак дарвеш-қаландар эканлигини билдириб, унга бўлган қизиқиш ва ҳурматни оширган.

Машраб ижоди билан дастлаб Европа адиблари Ҳерман Вамбери, Дитрель де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа олимлари А. П. Хорошхин, В. П. Наливкин, Н. И. Веселовский, Н. Н. Пантусов, Н. С. Ликошин, В. Л. Вяткин, А. Карцев, Л. В. Дмитриева, Г. П. Снесарев, Н. П. Остроумов, Н. Э. Петровский, В. И. Беляев, А. Н. Кононов, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. А. Молчанов, М. А. Салье, А. А. Семенов, О. И. Смирнова, А. Э. Шмидт Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижоди билан шуғулланиб машрабшунослик фанига ҳисса қўшиб, қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Шоир замондошлари Пирмат Сеторий томонидан “Қиссаи Машраб”, Исҳоқ Боғистоний томонидан “Тазкираи қаландарон” асарлари ёзилган.

Машраб ҳаёти, ижоди, у қолдирган маънавий мерос ҳақида ўзбек олимлари, йирик адабиётшунос ва файласуфлар, академиклар Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Музаффар Хайруллаев, Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов, Ботирхон Валихўжаев, Мубин Баратов, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султонов, Ғафур Ғулом, фан доктори, профессорлар ва турли илмий даражадаги атоқли олимлар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Абдуқодир Ҳайитметов, Исомиддин Салоҳий, Дилором Салоҳий, Ҳайдар Алиқулов, Жондор Туленов, Иноятулла Сувонқулов, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Нусратулла Жумахўжа, Раҳмонқул Орзибеков, Пўлатхон Қайюмов, Ваҳоб Раҳмонов, Комилжон Исроилов, Қобилжон Тоҳиров, Иброҳим Ғафуров, Абдурашид

Абдуғафуров, Эргашали Шодиев, Ёкубжон Исҳоқов, Абдумалик Ёкубов, Зайнал Ризаев, Солий Ҳасанов, Ҳамиджон Ҳомидий, Бойбўта Дўстқораев, Ринат Воҳидов. Боқижон Тўхлиев, Ҳамидулла Болтабоев, Илёсхон Ғозий, Мусахон Тожихўжаев, Поён Равшанов, Ҳ. Муҳаммадхўжаев, Иқболой Адизова, О. Боқиев, Р. Холиқов, Тошмурод Бўриев, Йўлдош Жумабоев, Гуломхон Ғафуров, Маматкул Жўраев, Сайфиддин Рафиддин, Маҳмуд Ҳасаний, Кибриё Қаҳқорова, Қаҳрамон Тўқсонов, Рабоҳат Норматова, Омонбек Жалилов, Саъдулла Аҳмад, Мўминжон Сиддиқов, Одилжон Носиров, Аҳмад Убайдулло, Жўрахон Раҳимов, Маҳмуджон Маъмуров, Алихон Халилбеков, Р. Каримова, Каромат Муллахўжаева, Аҳмад Жаббор, Абдулла Жаббор, Аҳмаджон Мелибоев, Гуландом Саломоваларнинг илмий-тадқиқий ишларига мурожаат қилинди.

Филология фанлари доктори, профессор шарқшунос олим Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг “Мабдаи нур” асарига сўз боши ёзиб, уни нашр этди. Наманганда Машраб ғазалларидан саралаб, унинг шеърий тўпламини чоп этди. Хатирчилик Машраб фидойиси унинг “Девон”ларини нашр эттирди. XX аср 70-80-йилларида Муҳсин Зокиров иккита тадқиқот эълон қилди. Дилором Ҳамроева докторлик тадқиқоти устида иш олиб бормоқда. Мусахон Тожихўжаев ва мўминжон Сиддиқов номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдалар. Эркин Мусурмонов “Қиссаи Машраб”ни таҳлил этиб, илмий даража олди.

XX аср ва бугунги кунда Машраб сиймосини яратишга уринган шоир ва ёзувчилар, драматурглар, хусусан Ойбек “Машраб”, Омон Матжон “Бу Машраб, Машраб” шеърларини яратдилар. Муҳаммад Али “Машраб” шеърий дoston яратди. Ҳамид Гулом “Машраб” (“Шарқ юлдузи” 1981 йил 1, 2, 3 сонлар) романини, Миркарим Осим “Синган сетор” қиссасини, Иброҳим Ғафуров “Озод нафас” хикоясини яратди.

Ҳамид Гуломнинг “Машраб” романи китоб бўлиб чиқмади, шоир ва ёзувчи Шухратнинг “Машраб” (Тошкент, “Шарқ”, 1998) романи, нарпайлик ўқитувчи Хайриддин Бегматовнинг “Девона Машраб”, (Тошкент, “Шарқ”, 2005) романи босилиб чиқди. Бобораҳим Машраб ижоди, фаолияти билан XIX аср охири XX

аср бошларида рус шарқшунос олимлари қизиқиб, шуғуллана бошладилар.

1889 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да бир қатор мақолалар эълон қилинди.

1895 йилда Н. И. Веселовскийнинг “Восточные заметки” асарида ҳам Машраб ҳурфикрлилик намунаси сифатида жиддий ўрганишга лойиқ ижодкор эканлиги эътироф этилган.

1910 йилда Н. С. Ликошин шоир ҳақидаги қиссани рус тилига таржима қилади. Шарҳ, изоҳлар билан нашр эттирган. “Дивана-и-Машраб” туркчадан таржимон ва изоҳлар муаллифи Н. С. Ликошинники бўлиб, асар 1992 йил (Ташкент. Издательско-полиграфическое объединение имени Гафура Гуляма) қайта рус тилида нашр этилди.

1923 йил В. Л. Вяткин шоир ҳақида мақола эълон қилади. Унда Машрабнинг халқ орасида машҳурлиги, асарлари кенг тарқалгани таъкидланади. Шу мақолада илк бор икки Машраб масаласи кўртарилади.

Адабиётшунос олима Иқболой Адизова шундай фикрни ёзади: Машрабшунослигимизни кузатиб, узоқ йиллар сиёсий мустамлака таъсирида ижоди сохта талқинларга дучор этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Машраб ижодидаги илоҳий муҳаббат дунёвий муҳаббат сифатида талқин этилади. У динни рад этувчи-атеист, дея баҳоланади. Шоир шеърлятидаги адолатсизликка жўшқин исён ҳам синфлар манфаати билан боғлаб изоҳланади¹.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида тадқиқотчи олимлар унинг асарларига сўз боши ва изоҳлар ёзиб, коммунистик мафкура сиёсий ғояларига путур етказадиган жойларини юлқиб олиб ташлагани ҳолда нашр эттирдилар. Шундай нуқсонлар Ж. Юсупов тасниф берган мажмуа ва девонларда бартараф этилди.

1958 йил илк бор Порсоҳон Шамсиев ва Абдуқодир Ҳайитметовлар томонидан Машрабнинг “Танланган асарлар”и нашр этилди. Шу мажмуа 1960 йилда қайта нашр бўлди. 1963 ва 1971 йилларда Абдурашид Абдуғафуров томонидан “Машраб”

¹ Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. 98-бет.

шеърлари икки марта нашр қилинди. 1979 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлғезмалар институти Шарқ классиклари меросидан туркумида “Машраб шеъриятидан” аввал ўзбек тилида, шу мажмуа Сергей Иванов таржимаси, А. Абдуғафуров сўз бошиси билан 1980 йил “Машраб. Избранное” рус тилида босилиб чиқди. 1980 йил Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроиловлар томонидан сўз боши билан нашрга тайёрланиб “Машраб. Девон” салмоқли шеърлар мажмуаси чоп этилди.

1990 йил хатирчилик ўрта мактаб ўқитувчиси, машрабшунос олим Жалолиддин Юсупов саъй-ҳаракати ва сўнг сўзи, Н. Комилов, Ғайбулла ас-Салом кириш сўзи билан Машрабнинг “Меҳрибоним қайдасан” 22 босма табоқда 80 (саксон) минг тиражда ғазал ва беш жанрдаги шеърӣ асарлари салмоқли ҳажмда нашр этилиб, деярли қисқа (6 ой) фурсатда оммага тарқалиб кетди.

Фидокор инсон, заҳматкаш олим Ж. Юсупов Машраб ҳақидаги ижодий ишни ривожлантириб, “Машраб” “Девон” (“Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006, 62 босма табоқ 4 минг тиражда)ни нашр эттирди. Бунга Ж. Юсупов салмоқли кириш, сўз боши ёзиб, унга шоирнинг турли жанрдаги ғазаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббалар, мусамманлар, маснавий, фардлар, тўртликлар ва охирига 150 бет луғат ва изоҳлар ёзиб нашр қилди. Ж. Юсупов бу борадаги ишни давом эттириб, шоирнинг ҳали нашрга эълон қилинмаган шеърларини тайёрламоқда.

1994 йил Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” асари Хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан ва сўз бошиси билан (“Фан”. Тошкент, 23 босма табоқ) нашр этилди. Бу иш чала бажарилди. “Мабдаи нур” яна қайтадан (2008 йил) чоп этилса-да, у бартараф этилмаган. “Мабдаи нур” Ж. Юсупов томонидан иккинчи марта катта ҳажмда нашрга тайёрланмоқда.

Нашрга тайёрловчилар: Г. Ниёзов, Қ. Аҳмедовлар сўзбоши Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли томонидан Машрабнинг “Мабдаи нур” (“Фан”, Тошкент, 1994) сайланма ғазаллари ва мустазодлар нашр этилди.

Тузувчилар Ж. Раҳимов, А. Аҳмедов томонидан Бобораҳим Машраб (“Ўқитувчи” Тошкент, 1991) илмий тўплам нашр этилди.

Адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий ташаббуси билан “Олими нуктадон ўзум” (Тошкент, 2006) Машраб ҳақида илмий тўплам босилиб чиқди. 2006 йил “Наманган” нарийети томонидан Машраб ҳақидаги шеърлар, мақолалар ва ривоятлар “Меҳрибоним сен ўзинг” тўплами чиқди.

Наманганлик адабиётшунос ва шоир Абдулла Жаббор “Исмингиз нима, шоҳ Машраб?” мақолалар (Наманган 2007) эълон қилди.

1993 йил Париж шаҳрида “Машраб”, Шеърлар. (Сўфийларнинг латифалари), “Эдишенс галлимард” нашриётида ўзбек тилидан Ҳамид Исмоилов таржимасида “Девон” нашр этилди.

Машраб ҳаёти ва ижоди хусусида анча тадқиқий ишлари амалга оширилган. Шулардан адабиётшунос олимлардан Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Н. Комилов, И. Ҳаққул, А. Абдурашидов, В. Абдуллаев, Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Болтабоев, И. Ғафуров, Муҳсин Зокиров, А. Халилбеков, Нусратулла Жумахўжа, Д. Ҳамроева ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Мазкур сатрлар муаллифи (Таъкид: М. Ҳ) Машраб ҳақида ижодий изланиш олиб бориб: 1. “Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти” (XVII-XVIII асрлар) Тошкент, 1994, (12 босма табоқ) методик қўлланма яратилди.

2. “Машраби мўътабар ўзум” (Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари), “Шарқ”, Тошкент, 2001, 7,5 босма табоқ, монография нашр қилинди.

3. “Мактаб ва академик лицейларда Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш” (Тошкент, 2002, 4 босма табоқ) рисола яратилди.

4. “Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти”, (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2007, 7 босма табоқ), монография яратилди.

5. “Машраби мўътабар ўзум”, (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназзулнинг социологик таҳлили. XVII-XVIII асрлар). Иккинчи китоб. (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2007, 12 босма табоқ), монография яратилди.

6. “Машраби мўътабар ўзум”, (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини), (XVII-XVIII асрлар). Учинчи китоб. (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2008, 25 босма табоқ), монография яратилди.

Муаллиф томонидан (Таъкид: М. Ҳ) жами 55 (эллик беш) босма табоқ, яъни мутафаккирнинг шоир Машраб ҳақида 5 (беш) монография 2 (икки) ўқув қўлланмаси яратилди. Яратилган тадқиқотлар фундаментал (заминий) тадқиқотлар деб эътироф этилди. Яна у ҳақда 2 (икки) та монография ёзиш режалаштирилди.

Ҳозирда Ж. Юсуповнинг шахсий кутубхонаси ва хужжат асров (архив) жилдларида Машраб ғазалларидан 550-600 га яқин турли жанрдаи шеърлари сақланмоқда ва олим уларнинг устида ишлаб, нашрга тайёрламоқда. Ж. Юсупов Машраб “Девон”ининг 2006 йилги нашри сўз бошисида «Машрабнинг бадий мерослари» мавзусида шоирнинг ижодий мероси ҳақида фикр юритиб, ундан жуда катта поэтик мерос қолганлигини таъкидлаган, ҳамон унинг янги шеърлари, ғазаллари топилаётганлигини билдирган ва у томонидан бизга етиб келган асарларни таҳлил этиб, қуйидаги маълумотни берган.

1. Лирик шеърлар: ғазаллар, мустазодлар, мусаббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббалар, бир мусамман, бир маснавий ҳамда рубоийлар ва фардлар.

2. “Мабдаи нур” (“Нурларнинг бошланиши” ёхуд “Нурлар манбаси”).

3. “Кимё” (Қимматбаҳо маъдан, иксир).

4. “Қиссаи Вайсул-Қараний”.

5. “Қиссаи Меърожи расули Акрам (с.а.в)”.

Бобораҳим Машрабнинг лирик шеърлари, турли жанрдаги ижодий мероси таҳлилидан олдин унинг Машраб ихлосмандларига эндигина тақдим этилган ва юқорида номлари зикр қилинган асарлари мазмун-моҳияти ҳақида мухтасар фикр юритишни ўринли биламиз.

1. “Мабдаи нур” Машрабнинг асаридир. (Чунки бу асарни Машрабдан 100 йил кейин яшаб ўтган қаршилик Машраби

Рўзибойи Соний асари деб даъво ва мунозара қилувчиларга эътирозимиз шуки, асар Бобораҳим Машрабники эканлиги исботини топди. Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Ж. Юсупов, Ҳ. Ҳомидий ва бошқа олимлар шундай хулосага келдилар). Асар Машрабнинг пири Офоқхожанинг топшириғи билан ёзилган. Пир маслаҳатидан рағбат олган ва масъулиятни ҳис этган шоир китобни ёзишдан аввал Жалолиддин Румий ва Аҳмад Яссавий ҳазратларининг ғойибона руҳоний руҳсатларини, розилиklarини олган. Сабаби туркий тилда Румий асарига жавоб тариқасида тазмин қилинган илоҳиёт ва унинг зарраси бўлган одам ҳақидаги асар ёзилмаган эди. “Мабдаи нур” Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”ларидан тазмин қилинган байтларнинг туркий ўзбек тилидаги шарҳларидир. Эътироф этмоқ керак, Жалолиддин Юсупов хонадонида “Мабдаи нур”нинг 19 хил қўлёзма вариантлари сақланмоқда ва олим уларни қиёсий ўрганиб, асар Рўзибойи Сонийники эмас, балки Бобораҳим Машраб асари эканлигини қатъий таъкидлаган.

2.Машрабнинг “Кимё” асари “Мабдаи нур” нинг тадрижий, мантиқий давомидир. Бу асар таркибида 22 та кимё бўлиб, ҳар бир кимё алоҳида бўлимлардан иборат. “Мабдаи нур” ва “Кимё”да Машрабнинг кўп ўринда бир хил ғазаллари ҳикоятлар орасида бериб борилган.

3.“Мутафаккирнинг «Қиссаи Вайсул-Қараний” шеърый асари 180 байт,360 мисрали маснавий бўлиб, у яхлит алоҳида ҳикоятдир”.

4.“Қиссаи Меърожи Расули Акрам с.а.в.” ҳақида бўлиб, «Қиссаи Машраб” қўлёзмаларининг ҳаммасида бўлиб, у мустазод жанрида ёзилган.

2006 йилги Машраб “Девон”ига шоирнинг аввал эълон қилинган, лекин шўро тузуми даврида мафкурага терс бўлган баъзи байт ва мисралари олиб ташланган, эндиликда тўлдирилган, ҳали эълон қилинмаган жами 380 та ғазал, 21 та мустазод, 4 та мураббаъ, 78 та мухаммас, 7 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, фардлар, тўртликлар жой олган.

Ж. Юсупов Машраб шеърларининг тушунилиши қийин изоҳ талаб ўринларига катта ва масъулиятли иқтидор билан ёндашиб, 50 бет луғат ва изоҳ тузган.

Ж. Юсупов томонидан 1990 йил нашрга тайёрланган “Меҳрибоним, қайдасан” девонида ҳам олим тушунилиши қийин сўзларга алоҳида шарҳ ёзган, бу эса ўқувчиларга қулайлик туғдирган эди.

Мутафаккир шоир Машрабнинг ижодий мероси ва унинг девонлари, кўлёзма ноъмалум котиблар томонидан кўчирилган турли нусхалари ҳақида узоқ йиллар изланиш олиб борган. Машрабунос олим Ж. Юсупов қуйидаги фикрларни берган: Машрабнинг лирик мерослари асос манбаси бўлиб турган “Қиссаи Машраб” матн нуқтаи назаридан ҳам кўчирган котибларнинг саводхонлик даражалари билан ва ҳатто ҳажман ҳам бир-бирларидан кескин фарқланадилар. Бу ва бунга ўхшаш сабаблар шуни кўрсатадики, Машрабнинг дилбар шеърляти аслий матнидан анча йироқлашган, сочилиб кетган ва пароканда бир ҳолатда бизгача етиб келган. Ўзбек адабиёти, балким жаҳон адабиёти тарихида ҳам лирик мероси бениҳоят даражада харобу ғариб ҳолатга юз тутган Машраб мисоллик шоир топилмаса керак¹.

Машраб асарларини нашрга таёрлаш жараёнига қанча кўп ёзма манба жалб этилса ҳам камлик қилади. Нашр жараёнига тадбиқ этилган ҳар бир кўлёзмага меҳр кўзи билан қараш, аммо унга илмий-танқидий муносабатда бўлиш, вужудга келаётган янги нашр матннинг аслийлигига, яқинлигига, аниқ ва равшанлигига, вазн равонлигига эриша бориш узоқ йиллар давом этган ва этадиган машаққатли меҳнатдир².

Жалолиддин Юсупов томонидан Машраб асарлари кўлёмалари синчиклаб ўрганилди ва унинг ижодий мероси жамланган мероси тўпланди.

1. “Девони Машраб”, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 225-рақамли кўлёзма микрофильми,

¹ Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчи Жалолиддин Юсупов. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006, 28-бет.

² Ўша манба. 34-бет.

насталиқ хатида, 118-варақ, котиби ва кўчирилган йили номаълум.

2.“Девони Машраб”, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 5722-рақамли кўлёзма микрофильми, 245 варақ, настаълиқ хатида, 1305 ҳижрий, мелодий 1888 мелодий йилида кўчирилган, котиби ноъмалум.

3.“Девони Машраб”, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 5940-рақамли кўлёзма, настаълиқ хатида, 470 варақ, 1285 ҳижрий, 1868 мелодий йилда кўчирилган. Котиби Сайдали бинни Сайдахмат.

4“Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-1, настаълиқ хатида, 151 варақ, котиби ва кўчирилган йили ноъмалум.

5.“Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-2, настаълиқ хатида, 226 варақ, 1250 ҳижрий, 1834 мелодий йилда кўчирилган, котиби ноъмалум.

6.“Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-3, настаълиқ хатида, 151 варақ, 1294 ҳижрий, 1876 мелодий йилида кўчирилган, котиби ноъмалум.

7.“Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-4, настаълиқ хатида, 198 варақ, 1300 ҳижрий, 1883 мелодий йилида кўчирилган, котиби-Мирзо Баҳодирқули.

8.Баёз, шахсий кутубхона, шартли рақами-5, настаълиқ ва шикаста хатлари аралаш, форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод этган 52 шоирнинг шеърларидан намуналар берилган, 166 варақ, 1243 ҳижрий, 1827 мелодий йилида Муҳаммадшариф Махдум Хоразмий томонидан кўчирилган.

9.Мажмуа, шахсий кутубхона, шартли рақами-6, настаълиқ хатида, 400 варақ, 1294 ҳижрий, 1876 мелодий йилида кўчирилган, котиби ноъмалум.

10.“Китоби Садоий”-шоир Садоий томонларидан кўчирилган мажмуа, шахсий кутубхона, шартли рақами-7, настаълиқ хатида, 160 варақ, 33 варағи (66 бет) Машраб шеърларидан иборат.

11.“Девони Машраб”, литография босмаси, шахсий кутубхона, шартли рақами-8.

12. Машраб “Девон”, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980 йил, нашрга тайёрловчилар: В. Раҳмонов, К. Исроилов.

13. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-9, настаълиқ хатида, 1215 ҳижрий, мелодий 1800 йилда кўчирилган, 244 varaқ, (Бу китобни бизга Муҳаммаджон домла Омонилло ўғиллари ҳада этганлар.) Котиби Абдулмуъмин ибни Хайрибек.

14. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-10, настаълиқ хатида, 156 varaқ котиби ва кўчирилган йили ноъмалум.

15. Мажмуа, шахсий кутубхона, шартли рақами-11, настаълиқ хатида, 1280 ҳижрий, 1864 мелодий йилда кўчирилган. 117 varaқ, котиби ноъмалум.

16. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-12, тошбосма. Тошкент, 1896 йил.

17. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-13, тошбосма, Бухоро.

18. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами-14, настаълиқ хатида, 90 varaқ, котиби ва кўчирилган йили ноъмалум. (Зармитанлик Мулло Насриддин Сирожиддин ўғилларининг китоблари. Бу қўлёмани бизга шоир Саъдулла Аҳмад ҳада этдилар.)

19. “Тухфатул-Обидин ва анисул-ошиқин”, шахсий кутубхона, шартли рақами-15, тошбосма, Тошкент, 1329 ҳижрий, 1911 мелодий йилида чоп этилган, 192 бет. Бу китоб икки қисмдан: 1) “Тухфатул-обидин” 108 бет ва 2) “Анисул ошиқин” 84 бетдан иборат. “Тухфатул-обидин” асосан Ёрмуҳаммад Мухлис Намангонийнинг ғазал, мустазод ва мусамматларидан ва “шуарои муқаддимин” (Мухлисан илгари ўтан шоир)ларнинг, жумладан, Раҳимбобо Машрабнинг ҳам мустазод ва мухаммасларидан ташкил топган. Шунингдек, бу китобда Мухлиснинг Машрабни «Мабадаи нур» китобларидан олинган икки ғазалларига боғланганлари тахмис-мухаммас ҳам берилган.

20. “Мабадаи нур”, шахсий кутубхона шартли рақами-16 настаълиқ хатида 1276 ҳижрий, 1860 мелодий йилида кўчирилган, котиби номаълум. Бу қўлёмна таркибида

Машрабнинг ғазалларидан ташқари мухаммаслари ҳам берилган.
Қўлёзма 286 варақдан иборат

21. “Қиссаи Машраб”, Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1992 йил.

22. “Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим”, “Наманган” нашриёти, 1999 йил.

23. “Мабдаи нур” ва “Кимё”, шахсий кутубхона, шартли рақами-17 настаълик хатида, “Мабдаи нур”-253 варақ “Кимё”-53 варақ, котиби ва кўчирилган йили номаълум.

24. Машраб “Меҳрибоним қайдасан”, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил.

25. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона шартли рақами-18, настаълик хатида, 58 варақ, котиби ва кўчирган йили номаълум.

26. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами 19, настаълик хатида, 97-варақ, котиби ва кўчирилган йили номаълум.

27. “Девони Машраб”, шахсий кутубхона, шартли рақами 20, настаълик хатида, 156 варақ, котиби ва кўчирилган йили номаълум¹.

Машраб ижодий меросига назар ташланганда шоир форс, араб ва ўзбек тилларида латиф ғазал ва мухаммаслар ёзганлигига гувоҳ бўламиз. Шоир ўз меросини тириклигида девон ёки баёз, мажмуа тарзида тартиб, тасниф бериб оммага тухфа қилишга раъй ва рағбат қилмаган: “Агар мандан китоб қолса, аҳли муҳаббат хароб бўлур” деб ёзувларини ўтга ташлаган. Уч ярим асрки оташин шоир ҳақидаги қисса ва ривоятлар унинг ўтли, жўшқин шеърляти, оташнок ва ифорли ғазаллари ўзбек халқи томонидан эъзозли ва қадрли бўлиб, у севган ва уни севган омма, одамлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

¹ Ўша манба, 35-бет.

МАШРАБ ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЛДИЗЛАРИ

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий хусусият ва илдизларининг ўқ томири қаерда ва уни файласуф шоир қаерлардан излаб, қидирди дейилганда, аввало Яратган Тангридан, сониян Муҳаммад (с.а.в.) пок сиймоларидан, Жалолиддин Румий ва Баҳоуддин Накшбанд зиёсидан Иброҳим Адҳам ва Боязид Тайфур Бистомий фақрлигидан, Жунайд Бағдодий ва шайх Шиблий тасаввуфидан, Мансур Халлож ва Саид Имомиддин Насимий фалсафасидан, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий шеъриятидан ўрганди, Машраб уларни улуғ салафлар қаторида шеърларида фахр ва ифтихор, катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олган.

Шунингдек, у Махдуми Аъзам Саййид Аҳмад Хожаги Косоний ва пири бўлган Ҳидоятулла Офокхожа муборак номларини, уларнинг хонадонига бўлган меҳр ва садоқатини, бу хонадон унга дунё мазмун-моҳиятини англаганлигини, у ердан кўп илм олганлигини, Худони танитганлигини ва улар дуоси унинг мақомини кўтарганлигини қайд этган.

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг Саъдий, Ҳофиз, Амир Хисрав Деҳлавий, Жомий томонидан жуда кўп илм олганлигини, уларнинг руҳи мададкор бўлганлигини, чунки Навоий уларни “Садди Искандарий” достонининг кириш қисмида салаф деб билгани ҳолда, у улкан адиблар асарларини мутолаа қилгани, улардан таъсирланиб, “Хамса” ва бошқа асарларини ёзганлигини айтган:

*Бурундин чу кўргуздингиз ёрлик,
Басе етди сиздин мададкорлик.
Кичик эрканимдин бўлиб қошима,
Улуғ мурдао солдингиз бошима.*

*Чу олимга келган бийик тоғ эди,
Тоши иттиқу йўли бўрдоғ эди.
Бу бўрдоғлик била юз печ анга,
Чиқа олмағудек киши ҳеч анга.
Анга чиқмоқ ўлмай кишининг иши,
Магарким чиқиб бир, икки, уч киши.
Манга чунки сиздин мадад бор эди,
Не сиздинки, Тангри мададкор эди.
Чиқарга чу қилдим азимат дуруст,
Қадам урдум ул ақби йўлига чуст¹.*

Навоий ўз салафлари ижодини ёшлиқдан ўқиб, ўрганганлиги айниқса лирик асрлар яратишда Хисрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Жомий ва Лутфий ижодидан баҳра олганлигини, улар меросидан озиқланганлигини, маълум даражада уларга эргашганлигини очиқ-ойдин эътироф этади.

Машраб подшоликларнинг ўзгариб туришини, давлат эса тарихий ва ижтимоий ҳодиса эканлигини тўғри тушунади. У ўз даври мутафаккири ва файласуфи сифатида дунёни, борлиқни онгли ҳолда идрок этади.

Маълумки, Шарқ узоқ вақтлар қадимги юнон маданиятининг меросхўри ва тадрижий давомчиси бўлиб келди ва асосан XV асрдан кейингина бу меросхўрлик Ғарбга ўтади. Машҳур юнон олимлари, файласуфлари Платон, Аристотел, Гиппократ, Эпикур асарлари турли тилларга таржима қилинди. Ўрта асрда яшаган Шарқнинг машҳур файласуф олимлари Форобий, ибн Сино, Ибн Рушд юнон олимлари асарларига шарҳлар ёздилар, бу шарҳларда улар ўзларининг илғор фикрларини олға сурдилар.

Шарқ заминига кўчирилган юнон маданияти намуналари асосида илм-фан, фалсафа ривожланди. Машҳур олимлар, файласуфлар майдонга келди. Улар юнонликлар савиясида қолиб кетмасдан илм-фан ва фалсафани янада ривожлантирдилар, янги таълимотлар яратдилар. Булар ал-Хоразмий, Форобий, ибн Сино, ал-Беруний, ал-Розий, Улуғбек ва бошқалардир.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Ўз. ФА нашриёти. Тошкент, 1960, 630-бет.

Демак, юнон фалсафаси Шарқ олимлари, мутафаккирлари томонидан ривожлантирилди. Ибн Рушд Аристотел ҳақида шундай дейди: “бу одам, айтиш мумкин, шундай намуна бўлган эдики, табиат унда олий комилликни ифодалашни истаган. Аристотелнинг ақидаси олий ҳақиқатдир”¹.

Форобий “Муаллими соний” бўлса, ибн Сино “Шайхур раис”-олимлар раҳнамоси, “Табиблар шоҳи” деб ном қозонди.

“Форобий илмни меҳнатсиз эгаллаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди ва ўзини фалсафага бағишлаган кишидан у ахлоқий покликни, тўғрилиқни, адолатли бўлишни талаб этади. “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола”сида у: Назарий билимларни (фалсафани,-М. Ҳ.) эгалламоқчи бўлган киши, нарсаларнинг ҳақиқат ва моҳиятини тушуниб етиши, уни тасаввур қила олиши учун ўтқир зеҳн ва заковат эгаси бўлиши шартдир. Бундан ташқари, назарий билимларни ўрганмоқчи бўлган киши назарий билимлардан завқ ва лаззат оладиган киши бўлиши, шу билимни ўрганиш йўлида учрайдиган турли ранж-машаққатларга бардош бериши, табиатан тўғри ва тўғрилиқни севадиганлардан бўлиши... истаган нарсасида ортиқча ҳудбин... бўлмаслиги шарт”²,-деб ёзади.

“Форобий Аристотелнинг илғор ғояларини ривожлантириб, ўз даврининг табиий-илмий, фалсафий ютуқларини умумлаштириб, оригинал фалсафий система яратди”³.

Ибн Сино фалсафани назарий ва амалийга бўлгани ҳолда, назарий фанлар табиат ҳақидаги, математика ва олий илм ёки табиатдан ташқарида мавжуд бўлган илмдан иборат деб ҳисоблайди.

Ибн Сино амалий илмнинг вазифаси ҳақида гапириб, “У бизларнинг бу дунёдаги ишларимизни амалга оширишимиз учун нима қилишимиз кераклигини ўргатади ҳамда у дунёда азоблардан қутилишимиз мумкинлигига умид туғдиради”,- дейди. “Ушбу илмга,-деб таъкидлайди Ҳ. Алиқулов,-ибн Сино халқни идора қилиш илми, уйни идора қилиш илми ва ниҳоят одамнинг ўзи

¹ М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1971, 160-бет.

² Форобий. Рисолалар. Тошкент, 1975, 85-бет.

³ М. Хайруллаев. Форобий. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1991, 42-43-бетлар.

тўғрисида, кишилар ўзига-ўзи қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақидаги илмни киритади.¹»

XV аср Шарқнинг етук алломаси Жалолиддин Давоний “Ахлоқи Жалолий” рисоласида фалсафа илмини учга бўлади. “Биринчиси ахлоқ ҳақидаги фан бўлиб, у ҳаммага тегишлидир. Иккинчиси, оила ва унинг қонунлари билан шуғулланади ва оила ҳақидаги фан ёки оилашунослик, деб аталади. Учинчиси, давлат ва шаҳарларни бошқариш ёки сиёсат тўғрисидаги фандир”², -деб ўргатади.

Ижтимоий-фалсафий фикрларни ривожлантириш соҳасида бошлаб берилган анъаналар кейинги асрларда ҳам давом эттирилди ва такомиллаштирилди.

XVII-XVIII асрларда ва ундан кейинги даврларда бу жараён гарчи ўта қийинчилик ва зиддиятлар асосида бўлса-да, ривожланишда давом этди. Бу даврларда ўлкамизда шоир ва ёзувчиларнинг, тарихчи ва файласуфларнинг буюк намояндалари етишиб чиқди, мутафаккирлар давр нуқтаи назаридан янги, илғор ғояларни илгари сурдилар.

Буюк файласуф олимлар Форобий, Низомий, Жомий, Навоий асарларида мукаммал ахлоқ, маърифатга, маънавий эркинликка эришув бахт-саодат деб талқин этилди ва бу бахт-саодат адолатли, зулмдан холи, етук жамоа ва фозил раҳбар, ҳоким билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилди.

Салафлари изидан борган Саидо Насафий, Мажлисий, Турди, Бедил, Машраб каби мутафаккирлар томонидан яратилган, ҳозирга қадар ҳам ўзининг қимматини йўқотмаган манбаларнинг бойлиги, ахлоқий таълим-тарбиявий аҳамиятининг кучлилиги, фалсафийлиги билан кишини ҳайратга солувчи ва ундан катта завқ уйғотувчи ғазаллар, рубоийлар, ҳикоялар, тарихий асарлар шу даврнинг маҳсулидир.

Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрининг энг йирик машҳур вакиллари билан бири, шеърини тафаккури жуда чуқур, мушоҳадаси улкан сўз санъаткоридир.

¹ Ҳ. Алиқулов. Жалолиддин Давоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1992, 23-бет.

² Ўша манба. 23-24-бетлар.

Тасаввуфда инсонни такомиллаштириш, унинг ақлига-ақл қўшиш, шу йўл билан уни улуғлаш ва эъзозлаш, яъни илоҳийлаштириш, инсонда ҳам Худо ҳавасларини ва сифатларини пайдо қилиш, шу йўл билан инсонни Худога яқинлаштириш, охир-оқибатда Аллоҳ билан васл эттириш асосий масала ҳисобланади. Бу борада Шарқ халқлари фольклорида бир ривоят бор. Бу ривоят амалдор ва дарвеш ҳақида бўлиб, дарвеш қиёфасидаги инсон ғоят юксак эъзозланади, ҳатто дарвеш қиёфасидаги инсон ўзини Худодан ҳам улуғ ва авло, деб баён этади:

“Бир амалдор йўлакда узала тушиб ётган дарвешни кўриб дарғазаб ҳолда унга шундай дебди:”

-Сен кимсан? Мени кўриб нега ўрнингдан турмайсан?

-Сен ўзинг ким бўласан?- сўрабди дарвеш. Амалдор виқор билан ўз амалини узундун-узок қилиб айтибди. Дарвеш парво қилмай яна сўрабди:

-Сендан баланд турадиган яна бирор одам борми?

-Албатта бор! Ул зот- Подшоҳи олийлари, дебди амалдор.

-Подшоҳингдан юқори тағин ким бор?- яна сўрабди дарвеш.

-Подшоҳимиздан юқори-фақат Аллоҳ таоло,-дебди амалдор.

-Худодан ҳам юқори борми?-сўрабди яна дарвеш бир оз ўрнидан кўзғалиб.

-Ҳеч ким- дебди амалдор ғазаб ила.

Шул аснода дарвеш ўрнидан туриб ўзини амалдорга таништирибди:

-“Ўшал “Ҳеч ким” деганинг-мен бўламан, бор, йўлингдан қолма, бетавфиқ!”

Бу ривоятда илоҳийлашган инсон, тасаввуфий дарвеш, Худо билан ўзини тенглаштирган, ҳатто ўзини ундан ҳам юқори қўядиган, жасур дарвеш, яъни мутасаввиф ориф тимсоли тасвирланган. Бу-халқ ақидаси, халқ тафаккури, халқ орзуси, ўйи! Бу ривоятда ифодаланган ҳақиқатдан кўра моҳият муҳимдир, албатта!

Бир кўринишдан шаккоклик, Худо даъвосини қилган қайсар дарвеш, мутаассиб жоҳил муллолар томонидан тошбўрон этилишига мустаҳақ инсон тимсоли намоён бўлса-да, ваҳдати вужуд, яъни Худо, борлиқ ва инсон ваҳдати, уларнинг бирлиги,

ягоналиги, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, пурқудрат тасаввуф таълимоти ақидаларига қарасак, бу ҳол-оддий ва маълумий, тасаввуфий тушунчалар савкотига (доирасига) бемалол жойлашадиган бир тушунчадир. Ҳасайн Мансур Ҳаллож, Шаҳобуддин Сухровардий, Имомиддин Насимий, Бобораҳим Машраб каби Шарқ тасаввуфи тарихидаги ўнлаб жасур, дадил, кўркмас ва пурқудрат мутаассиф донишмандлар ҳаётлари ва фаолиятлари бунга яққол мисол бўла олади.

Тасаввуфнинг ахлоқий аҳамиятида пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.)нинг ўз мусоҳибларидан бири Абу Дардога айтган ибратли сўзлари бор: “Ақлингга ақл кўш. Шунда Аллоҳга яқинроқ бўласан”.

Демак, Муҳаммад (с. а. в.) нинг мана шу фикрлари мутасаввиф донишмандларнинг ҳаммасига асосий кўрсатма бўлган. Бунда инсон камолоти, рушди, такомил ва тараққиёти ҳақида гап боради. Фақат ўзининг ақлу-заковатини ошириб, камолот чўққисига етган, яъни илоҳийлашган баъзи бир нодир инсонларгина Аллоҳга яқинроқ боришлари мумкин экан. Демак, инсон камолоти ҳам ислом динида, ҳам тасаввуфда асосий масала экан¹.

Машраб ижодий меросида тасаввуфий фалсафаси, яъни бутун борлиқ ва барча мавжудотда, жумладан, инсонда тангрининг зуҳури, яратувчининг зарраси-жилваси ифодаланиши ҳақидаги таълимот юзага чиққан. Ўз тарихий илдизлари билан бу таълимот Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккурининг Мансур Ҳаллож, Абу Наср Форобий, шайх Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий каби буюк намояндаларининг ижодий-ижтимоий фаолиятларига бориб тақалади. Бу ҳақиқатни инкор этмай Машрабнинг бу масалада бевосита Навоий ижодий тажрибаларидан ҳам кучли баҳраманд бўлганлигини таъкидлаш лозимки, буни қатор далилларда кўриш мумкин².

Машраб ҳам бошқа сўфийлар сингари, ўзининг худога-яратганга бўлган муҳаббатини, ишқини шеърларида баён этади. Буни у кўпинча мажозий шаклда-парвонани шамга интилиши

¹ Ориф Усмон. «Ўзб. адаб. ва санъ.» 1991, 22. 05.

² Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1995, 156-бет.

мисолида изҳор қилади. У Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Имомиддин Насимий каби сўфийларнинг ўз асарларида тилга олади, мадҳ этади:

*Ёши етмишга етиб сотгурди ўзини Боязид,
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ?
Шайх Шиблий, шайх Аттору аналҳақ суҳбатин,
Кирди ичти бодани Мансурни дордо қилди ишқ.
Куфр айтди, деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўштуру пўстин сўйлатиб оламга гўё қилди ишқ¹.*

Машраб ҳамиша шу илоҳий ишқ билан яшади (...Анодин қай куни туғдим, сенинг ишқингда оҳ урдим...).

Шунинг учун ҳам тасодифий эмаски, айрим мутаассиб ислом пешволари мутасаввифларнинг бариларини Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомийни ўлдирадилар, ҳуруфий Имомиддин Насимийнинг терисини шиладилар ва у ўша разилларнинг кўлида жон беради.

Унинг ҳақида бир шоир ёзган эдики:

*Насимийни добониндан сўйдилар,
Самон тикуб дарвозага қўйдилар.*

Ваҳдатга эътиқод Ибнул-Арабий, Аттор, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий каби Бобораҳим Машрабда ҳам кучли даражада мавжуд эди².

Тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Туркистон, Хуросон ва Эрон, умуман Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари диний-фалсафий тафаккурининг энг муҳим ва ўзига хос қисмини ташкил қилади.

Буёқ тасаввуфчилар Иброҳим ибн Адҳам, Абу Язид Бистомий, Мансур ал-Ҳаллож, Абу Бакр ибн Муса ал-Воситий ал-Фарғоний, ас-Сулабий, Абу Саид ибн Абул-хайр ал-Михоний, Бобо Кўҳий, Бобо Тоҳир, ал-Кушайрий, Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар Ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва Эронда етишиб

¹ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1997, 144-бет.

² В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1970, 320-бет.

чиққанлар. Бундан ташқари, бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Муҳосибий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб ибн ал-Фарид, ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифчилик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси бадиият, дарвешлик амалиёти анъаналари, кадриятларини шакллантирганлар¹.

Жунайд ал-Бағдодий, Абу Язид Бистомий, Иброҳим ибн Адҳам, Айнул-Қуззот Ҳамадоний, Яссавий, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Машраб, Бедилларнинг “ваҳдат ул-вужуд” таълимотларида эса тасаввуфда “ғулу” бошланишига сабаб бўлган Аллоҳ таолонинг Ҳақ вужуди билан ўткинчи, яратилган нарсалар дунёси вужудида айнан жисмоний бирлик эмас, моҳиятий бирлик тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Демак, инсон маърифат ва риёзатлар чекиб, ўзининг вужудидаги ана шу илоҳий моҳиятни кашф этсаю, уни ярқиллатиб (ишрақат) бошқаларга зиё бера бошласа, ана шундай сўфийларга Оллоҳ таолога “етишиш”, унинг “васлига муяссар бўлиш” шарафи иноят қилиниши тўғрисидаги муҳим диний-фалсафий ва амалий аҳамиятли хулоса чиқариш имкониятлари вужудга келади. Бу “ғулу” (ғалва) туғдирувчи ғоя тасаввуфда Оллоҳ таоло олдидаги обиднинг аҳволи “Холи”, орифларнинг Оллоҳ таоло билан гўёки “қўшилиб кетиши” (жаъм), “бирлашиб кетиши” (Иттиҳод), ҳатто Оллоҳ таолонинг бирон авлиё-ориф вужудига дўниши (наزل), унинг “қиёфасида кўриниши” (хулул) хаёллари-соддароқ қилиб айтилганда, худолик даъволарининг юзага чиқиши, тасаввуф билан ислом, мусулмон жамоаси, шариат ўртасидаги муносабатларнинг зидлашувига Ҳаллож, Айн-ул-Қуззот, Насимий, Бадриддин Симавий, Машраб ва бошқаларнинг қатл этилишига, Бистомий, ибн ал-Арабий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол каби тасаввуф мутафаккирларни куфр, бидъат ва “худосиз”ликда “айбланишларига” олиб келди.

Нажмиддин Комилов тасаввуф ҳақидаги асарида Мовароуннаҳрнинг ўзбеклар билан бирга яшайдиган тожиклари

¹ Ориф Усмон Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993 йил, 14-бет.

ҳам “Қиссаи Машраб”, сингари ўзбекча асарларни кўпроқ мутоалаа қилганликларини таъкидлаган. Сўфиёна адабиётнинг мураккаблиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, шоирлар бунга мажбур эдилар. Зеро, тасаввуфни шеър билан баён этиш фалсафани, илоҳиётшуносликни шеърга солиш, шу боис биз тасаввуфий адабиётни том маънодаги фалсафий адабиёт деймиз. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибнал Арабий, Жомий, Бедил, Машраблар Шарқнинг буюк файласуфлари, лекин уларнинг барча ирфоний асарлари шеър билан ёзилган¹.

Насимий машхур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, ўзини унинг ҳароратли шогирди ҳисоблаганидан илк шеърларини Ҳусайний таҳаллуси билан ёзади. Чунки Мансурнинг исми Ҳусайн бўлиб, унинг тариқати ҳам ҳусайния ёки ҳалложия номи билан машхурдир. XIV асрда Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан ҳуруфийлик оқими кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутди: инсон, унинг эрки улуғланади; инсонга илоҳий қувватнинг зухури ва тажассуми сифатида қаралади. Ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси, машхур шоир ва мутафаккир Фазлуллоҳ Наимий 1394 йили Ширвонга келади ва Имомиддин билан учрашади. Унинг ҳуруфийлик қарашлари ёш шоирга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий таҳаллусини олади.

Илғор фикрли кишилар таъқиб остига олиниб, Наимий Мироншоҳ томонидан қатл, Қосим Анвар Шохруҳ тарафидан сургун қилинган, ҳам ўзини қутқариш, ҳам ҳуруфийлик ғояларини кенг ёйиш мақсадида Насимий Озарбайжондан чиқиб кетади. У Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшайди, ниҳоят Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Насимийни даҳрийликда айблаб, унинг тириклайин терисини шилдиради².

Насимийни дунёнинг кўпгина мамлакатларида билишади ва асарларини севиб ўқишади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг у ўз шоири ҳисобланади. Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқа ўзбек шоирлари

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. “Ёзувчи”, Тошкент, 1996, 161-бет.

² Муҳаббат тароналари. Эргаш Очиллов таржимаси. “Шарк”, Тошкент, 2005, 281-бет.

унинг шахси ва ижодига юксак эҳтиром билан қараганлар. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” да уни туркий машойихлар қаторида зикр этиб, “Румий ва туркмоний тил билан назм этибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур. Мазкур бўлгон аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамонаки шеър йўқдур”¹, -деб лутф этса, “Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад” асарида “Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушибдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур”², -деб ёзади. Дарҳақиқат, у кўпроқ диний-тасаввуфий мавзуларни қаламга олиб, ўзи мансуб ҳуруфийлик ғояларини улуғлайди³.

Машраб ўз даврининг шоир ва мутафаккиригина эмас, балки, шу билан бирга, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига танилган ҳурфикрли, маърифатпарвар, мутасаввиф шоир ва халқ номидан илғор мафкуравий ғояларни дадил тарғиб эта оладиган забардаст файласуф ҳам эди.

Машрабнинг тасаввуфий қарашларини ифодаловчи шеъриятнинг ёрқин фалсафий намунаси:

Бу тани ҳокийнию руҳи равонни на қилай?!⁴

Бўлмаса қошимда жонон бу жаҳонни на қилай?!⁴

матлаи билан бошланувчи машҳур ғазалдаги сўфий истилоҳлар, рамзий образ ва кинояларнинг асл мазмунини кенг шарҳлаш имконияти йўқлигидан уларда мавзу-мазмун яқинлигини, етакчи ғоя, ҳукмрон руҳ ва оҳанг умумийлигини, муаллиф “мен”ининг деярли бир хил намоён бўлишини қайд этиш билангина чекланамиз.

Машраб зодагон мафкурасини, баъзи ислом ақидапарастлигини рад этувчи шоир сифатида танила бошлади. Лекин у ўзининг бу “шаккоклигини” ўша даврларда кенг ёйилган тасаввуф тушунчалари билан асослашга, пардалашга ҳаракат қилди. Бунда унга худонинг ягоналигини тан олувчи, унинг баъзи муассасаларини кескин рад этувчи, тасаввуфнинг сўл оқимларига

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. 478-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15-жилд. Тошкент, 1999, 116-бет.

³ Муҳаббат тароналари. Эргаш Очилов таржимаси. 282-бет.

⁴ Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 4-сон, 9-бет.

мансуб тасаввуфий қарашлар кўл келди. Машраб кўпгина ўринларда ўз лирик қаҳрамони билан қўшилиб, мен ичган май бу оддий май эмас, бу ваҳдат майи бўлиб, бу майдан ичганлар машҳур мутасаввиф Мансур ибн Ҳаллож каби дорга осилса ҳам дунёда армоним йўқ, у бахтли, чунки ваҳдат майини ичиш билан унинг вужуди илоҳиёт ила бирлашди:

*Ваҳдат майини пири мугон илгидин ичтим,
Мансур каби бошимни дорга тута қолдим.
Девоналигим шуҳрати оламга тўлубдур,
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим,¹-дейди.*

Машраб ўз даврининг турли масалаларини кўтариш ва уларни ҳал этиш соҳасида улкан қобилиятга эга бўлиб, ўз дунёқарашининг мушоҳадалилиги ва чуқурлиги билан тасаввуфнинг мусулмон Шарқидаги вакиллари билан бири эди.

“Тасаввуф Ўрта Осиё, Ҳиндистон. Эрон фалсафасида кўпроқ тарқалган оқимлардан бири бўлиб, унинг ҳар хил шакллари бор. Тасаввуфни асосан икки оқимга бўлиш мумкин (бу мутлақ маънода эмас, албатта): биринчиси-вахдати вужуд (жисмоний birlik) бўлиб, унинг қоидаси; “Дунё-худо демак”дир; иккинчиси араб фалсафасида «Ваҳдати мавжуд” (олам birlik) деб аталган оқим бўлиб, унинг қоидаси: “Худо-дунё демак”дир деб ифодаланади”².

Биринчи гуруҳ мутасаввифларига худони ўргимчак билан қиёслаш хосдир. Улар ўргимчак ўзидан нур чиқарганидек, худо ҳам барча мавжудотни ўзидан яратади, барча унда зухур этади ва у ҳам барчада зоҳир. Худо ягона ҳодиса саналади, бошқаларнинг ҳаммаси унинг нури, жилвасидир.

Мутасаввифларнинг “вахдати мавжуд” гуруҳи учун табиатнинг абадийлиги ва яратилмагани, модда ва руҳнинг birlikига ишонч худони мавжуд оламда кўриш, билиш ва меҳнатга чорлаш хосдир.

“Ваҳдати мавжуд” Шарқ мутафаккирлари дунёқарашида ижобий роль ўйнаган оқимдир.

¹ Қиссаи Машраб, 41-бет.

² И. М. Мўминов. Танланган асарлар. 1-том., Тошкент, 1969, 64-бет.

М. Хайруллаевнинг таъкидлашича, “тасаввуфда худо ва олам-табиат бир бутун бўлиб қўшилиб кетди. Реал дунё; табиат, материя катта аҳамият касб этди, худо табиий нарсалар билан зарур алоқага киритилди. Илгари худога нисбатан бериладиган фазилатларнинг ҳаммаси энди табиатнинг атрибути”¹, деб эълон қилинди.

Форобий оламнинг тасаввуфий қарашдан келиб чиққанлигини, олам-худонинг эманацияси (жилваси) эканлигини айтиб, у худони олам яратилишининг бош сабаби, дея тан олади, шу билан бирга табиатнинг мустақиллигини, у ўз характериға кўра табиийлигини таъкидлайди.

Машраб ғазалиёти ва ижодиётидаги қарашлар ҳам тасаввуфий рухдадир. У “Ваҳдат майини пири муғон илгидан ичтим” деганида Аллоҳ васлиға восил (етишиш) бўлиш учун салафларим (пирларим) қўлидан ваҳдат майини олиб ичдим, бу май мени вужуди илоҳий билан бирлаштиради, бу йўлда мен Мансур Ҳаллож каби бошимни дорға тутишға тайёрман, дейди.

Машраб ўз вужуди, тафаккури билан ҳаққа интилса-да, у билан бирлашиб кетса-да, унинг қарашлари бу дунёға муносабати мутасаввифларға хос эди. У сўфий бўлса-да, вужудан худо билан бирлашиб кетган эди. “Плотин ўз “этикаси” да инсоннинг худо даражасиға юксалиш йўлини тасвирлайди, яъни инсон ўзини ва атрофдагиларни унутиб, ақлини йўқотиб, завқланиш жазава-сиға тушади, жазава ҳолатида худо билан тўла бирлашишға интилади. Бундай “муқаддас” ҳолатларда инсон худо билан бирлашади.”

Машраб Форобий, ибн Рушд, Давоний каби мутафаккирларнинг илғор фикрларини ўз дунёқарашида ривожлантириш ва у реал дунё, борлиқ, дунёнинг ўзгарувчанлиги, зиддиятлигини, дунё адолат асосиға қурилмоғини, фақат адолатли жамиятдагина одамлар бахтли яшашлари мумкинлигини ғазалларида тарғиб этди.

Машраб бу дунёнинг фонийлигини, ўткинчи эканлигини, шу боис одам бу дунёнинг ноз-неъматларидан фойдаланишни, ҳар бир фурсатни кўнгилхушлиқ билан ўтказишни, дўстлар билан шоду-хуррам бўлиб яшашни тарғиб қилади.

¹ М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири, 118-бет.

*Вақти баҳор май ичкил, билсанг ишрат ганимат,
Соқий тутгил қадаҳни, фурсат, суҳбат ганимат.
Зоҳид айтур ёронлар тасбеҳ тоат ганимат,
Машраб қаландарингга ҳар кун офат ганимат,
Кўрмас маъшуқ юзини афсона бўлмагунча¹.*

Машраб айтадики, тириклик-борлик дунёда, табиатда мавжуд у маконли ва замонли. Биргина чин ҳаёт бордир ва у заминда барқарордир. Мутафаккир ҳақиқий жаннатни шу дунёда, табиатда кўради. Бу дунёдан бошқа ерда дунё ахтариш беҳуда ишдир. У ҳақиқий ва бахтли ҳаёт шу табиатда деб билади. Мутафаккир дунёга қанча бегу султонлар келиб-кетишини, хону хоқонлар даври даврон суришини, аммо ажал дастидан одамлар қутила олмаслигини, шунинг учун бу дунёга ўта кўнгил бермасликни, керагидан зиёд мол-давлатга ҳирс қўймасликни айтади. Холиқи Жаббор (Ҳақ) нинг буйруғи билан “Агар минг йил тирик юрсанг, ўларсан оқибат эй ёр”, деб мусулмон олами аҳлига мурожаат қилиб, бу дунёнинг ғаниматлигини, фонийликда фаровон ва яхши умр кечириш лозимлигини таъкидлайди:

*Дариго дунёдин ўтти, жамиъи беку султонлар,
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,
На мардонлар фано бўлди, бу дунёдин, мусулмонлар,
Қаро ер остига кирди ҳама хон бирла хоқонлар.
Ғаниматдур биродарлар, ки бизга ушбу давронлар.*

*Қаён қилсам назаро барчаси ер бирла яксондур,
Қаён боқсам ўлумни дастидан фарёду афғондур,
Бу боисдин, биродарлар, мани табъим паришондур,
Парилар суман бўлар тамоми дийда гирёнлар,
Ўлумни дардига нетмак керак, эй ёру ёронлар.*

*Бу дунёдин сафар қилди ўшандоқ Аҳмади Мухтор,
Ўлумга чора йўқтур, чунки деди Холиқи Жаббор.
Агар минг йил тирик юрсанг, ўларсан оқибат эй ёр,*

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Тошкент, 1990, 275-бет.

*Кўнгил берма бу дунёга, биродар, барчаси бекор,
Бу дунё ҳасратидин ерга кирди кўб мусулмонлар¹.*

Маълум бўладики, сўфийлик мартабаси ва таърифида ҳар икки шоирнинг қарашлари ўхшаш. Сўфи Амир Хусравда ҳам, Навоийда ҳам вали, кароматли инсон, фавқулодда хислатларга эга эзгу қалбли киши. Сўфийлар таърифида келтирилган сифат ва таърифлар Хусрав Дехлавий асаридаги Низомиддин Авлиё ва Алишер Навоий асаридаги Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган боблардаги тавсиф-таърифлар, фикру мулоҳазалардан деярли фарқ қилмайди. Бу тушунарли, зеро Шайх Низомиддин Авлиё билан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд улуғ мартабага эришган комил инсон эдилар, сўфий эдилар. Сўфийликнинг олий камолоти ҳам ана шу раҳнамо шайхлар мартабасига эришиш ҳисобланган. Демак, сўфийлик-софлик, зоҳирий ва ботиний билимлар соҳиби бўлган орифлик, ғайб сиридан бохабарлик ҳамда илоҳий муҳаббат ишқида ёниш экан².

“Ҳайратул аброр”нинг иккинчи ҳикоятида Иброҳим Адҳамнинг Каъбага сафари ва Маккада Каъбанинг ўз жойида йўқлиги нақл қилинади. Иброҳим Балҳда тожу тахтни ташлаб, мулку ҳашамдан кечиб дарвеш бўлгач, саҳроларни пиёда кезиб, кеча-кундуз намозни канда қилмай Каъба зиёрати учун Маккага йўл олади, аммо Маккага борса, Каъба ўз жойида кўринмайди. Шунда у ҳайрон бўлиб турганда Ҳақдан нидо келадики, “Эй пири воҳ, Робиа қатъиға дурур бир ажуз (кампир), шавқу муҳаббат юкидин қадди кўз (букриғ)”, ул кампир заифу нотовон бўлгандан Каъба унинг тавофиға борди.(57-б)

Иброҳим қараса, Робиа келарди, Каъба билан бирга. Иброҳимнинг ҳайрон бўлиб берган саволига Робиа Адавия дейди:

*Бўлди ишин арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.
Санга самар берди намозу риё,
Бизга бу бар берди ниёзу фано.*

¹ Қиссаи Машраб. 92-93-бетлар.

² М. Муҳиддинов. “Хамса”ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. “Самарқанд”, 2001, 80-бет.

Шоир бу ҳикоятда намоз ва ниёз тушунчаларини қиёслайди. Иброҳим Адҳам намоз, яъни ибодатга берилади, буни худога хизматнинг йўли деб билади. Робиа Адавия эса ниёзманд, яъни ошиқ, у ёниб-ўртаниб худони севади, Парвардигор ишқида на ўзини билади, на оламни, на намозни, на ибодатни, Навоий ана шундай ошиқона садоқатни зоҳирий тоат-ибодатдан устун қўйган¹.

Дарвеш Машраб исломнинг расмий қоидаларини бажармасида, Парвардигор ишқини Робия Адавиядек қабул қилиб, Унинг висоли умидида ёнади.

XVII-XVIII асрларда халқнинг турмуши кескин ёмонлашди, очлик ва муҳтожлик, жабр-зулм кучайди. Жамиятда зўравонлик, ўзбошимчалик, лаганбардорлик, фирибгарлик, адолатсизлик, порахўрлик, иккиюзламачилик ва бошқа салбий ҳодисалар кенг томир ёя дошлади. Бунинг натижалари табақавий қарама-қаршиликлар, оммани эзувчиларга нисбатан норозилиги кучайди. Табиийки, буларнинг ҳаммаси маънавий ҳаётга, халқнинг онгига таъсир этмасдан қолмади. Халқ орасида тушкунлик, келажакка умидсизлик кайфиятлари пайдо бўлди. Бобораҳим Машраб ижоди ва дунёқарашида мавжуд тузумнинг ана шу мураккаб ва зиддиятли томонлари ўз аксини топди².

Адабиётшунос Султонмурод Олим “Ишқ, ошиқ ва маъшук” рисоласида тўтию булбулдан ҳам зўр қуш бўлган “Қақнус” ҳақида маълумот бериб, ота-боболаримиз таърифу тасвир қилиб кетган қушлардан қай бири ҳақида билишимизни, Симурғ ёки Хумо, Анқо ёки Қақнус қандай қушлиги тўғрисида тушунча беради. У тўтию, булбулни ҳам доғда қолдиради, деб “...агар қақнус юз нола чекиб, жонни куйдирса, Дехлавий минг нола ўқи билан дилларни тикади, аммо сен уларни ўқ эмас, ҳар бирини чакмоқдек чакнаган оҳ деб билки, улар бир сакраганда ер остидаги балиқдан то осмондаги ойгача етади, бу чакмоқдан чиққан ўқ ҳар дамда фақат ўзининг эмас, ҳатто оламнинг хирмонини ҳам куйдириб юборади³”.

¹ Ўша манба, 98-99-бетлар.

² Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан, 153-бет.

³ С. Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. “Фан”, Тошкент, 1992. 63-бет.

“Фарҳанш забони тоҷики”да бу хушовоз қуш тумшуғида уч юзу олтмиш бешта тешиқ борлиги айтилади.

Навоий “Хамса”си «Сабъаи сайёр”нинг 14-бобида қўшиқчи қизнинг қақнусга ўхшатилганига дуч келамиз:

*Йўқки қақнусдурур намудори,
Кососидан ажуба минқори.
... Чун қақнуслиқ айлабон изҳор,
Ўт солиб олам ичра қақнусвор¹.*

Бу ерда ҳам қақнус билан оламга ўт қўйиш тушунчаси боғлаб талқин этилади.

Навоий умрининг охирида бутун ижодини тушуниш учун ажиб дастур илму амал бўлгудек, “Лисон ут-тайр” охирида ўз дардини куйлашга ўтишига бадий халқа васифасини ўтаган бир боб бор. У: “Ўзининг шайх (Аттор) руҳи мададин анга татаббу (ўхшатма) қилғонга қақнус тимсоли” деб атаган. Унда ҳикоя қилинишича, Ҳиндистонда қақнус деган бир ажойиб қуш бўлар эмиш. У кўп жиҳатдан бошқа қушларга ўхшамас экан. Биринчидан, келишган бу қушнинг ҳар бир пари бир бошқа рангда товланар экан. Иккинчидан, тумшуғида ҳаддан ташқари кўп тешиқлар бўлар, уларнинг ҳар биридан эса бир бўлак наво янграр, агар у куйлагудек бўлса, эшитганлар ҳушдан кетар экан. Учинчидан, турмушда унинг жуфти ҳалоли ҳам, тириклигида фарзанди ҳам бўлмас, бирон-бир қуш унга ўхшамас ҳам, бу дунёдан яккаю ёлғиз яшаб ўтар экан². (Қақнус ҳазрат Навоийнинг ўзларига қанчалик ўхшайди).

Қақнус бир дарахт тепасида сайраб ўтирганида Фисоғурс ўтиб кетаётиб тасодифан эшитиб қолибди. Қақнус навосидаги хилма-хил оҳангу садолардан у мусиқа фанини яратган экан. Фисоғурс – эрамиздан олдинги 571-497 йилларда яшаган машҳур юнон алломаси Пифагорнинг шарқона номи. Ғарб адабиётида “феникс” ёхуд “фойник” деб аталадиган бу қуш ҳақида бир-бирига ўхшамаган бир олам ривоят бор. Уларнинг кўпида бу

¹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1960, 494-бет.

² С. Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. 65-бет.

кушнинг ватани Шарқ билан, аниқроғи, Арабистону Миср билан боғлаб кўрсатилади¹.

Навоийнинг қақнусга ўхшаб ёлғиз ва у каби (наво-куй, куйчи) куйлаб ўтганлигини инобатга олсак, Машраб ҳам Навоий каби куйлаб, салафи каби ёлғиз яшаганлигини, қақнусдек ёниб-куйиб куйлаганининг гувоҳи бўламиз.

“Қақнусга ўхшаб ёндим тириклай”,-деб нидо қилган шоир чиндан ҳам халқни дардида, ишқида ёнган, ёнгану, бироқ кулга айланмаган. У афсонавий қақнус кушдек қанчалик азоб ва уқубатларини бошдан кечирмасин, ҳамиша эркин, шиддаткор ва юксак парвозли бўлган.

Шарқда машҳур бўлган Афлотун фалсафаси инсоннинг вазифаси борликда, мавжудликда ўйлаш ва идрок этиш орқали худони билиш ва тан олишдан иборат деб ҳисоблайди. Машҳур Аристотел таълимотида ҳам инсон ўз ақли, идроки ва тафаккури орқали худо номини дилга жо этиб яшаш ғояси ташвиқ этилади.

Машраб тафаккурини ишғол этган нарса халқ дарди эди. Шу боис ҳам у “Дард кўб, ҳамдард йўқ, душмани кўб, толеъ забун”², деб комил инсон сифатида даврнинг жароҳат ва ситамига, азоб ва қайғусига кўксини қалқон этди.

Машрабда юксак туғма истеъдоддан ташқари, ғайри табиий самовий куч, руҳ мавжуд эди. Шу вужудига, жисмига сиғмаган бу куч уни доим безовта қилар ва улуғ мақсад сари чорлар эди. Пирмат Сеторий томонидан яратилган “Шоҳ Машраб қиссаси”да айтилишича, у Наманганда Бозор охунддан дастлабки таҳсилни олганда ҳам, Қашқарда пири Офокхожа хизматини қилганда ҳам, пир хонадонини тарк этишга мажбур бўлганда ҳам ўша вужудидаги илоҳий куч уни мудом безовта этган ва ниҳоят, дарвеш ҳирқасига ўранган. У ўзи каби мазлумлар даврига шерик бўлиш учун дарвеш ва қаландар сифатида дунё кезди, юрт кезди.

Ватанига сиғмаган, юртидан қувғин бўлган шоир худо ва руҳга сиғинди, макон ва замон тазйиқи ила бу дунёдан йиғлаб ўтди, уясидан адашган кушдек бир жойда кўним топмай, саҳро ва дашт кезди. У бу ҳақда шундай дейди:

¹ Мифологический словарь. Москва, 1990, стр. 556.

² Адабиёт ва санъат, 108-бет.

Тафаккурнинг борлиққа бўлган ўзаро муносабатини ҳис қилмасдан туриб, фалсафий тасаввурга эга бўлиши мумкин эмас.

Зеро, Машраб тасаввуфидаги ижтимоий ғоя, маслак уни қаландар қиёфасида одамлар билан бирга бўлишга ундади.

Бундай кишилар моддий оламнинг борлигига имон келтирганлар ва ундаги инсон турлича дунёқарашининг моҳиятини тушуниб етган ҳолда инсоният тафаккурининг яловбардорлари сифатида фикр юритганлар.

Машраб нафақат нола қилувчи, балки ҳиссиётли, туғёнли шоир сифатида зулм ва разолат илдизини қирқиш учун ёмонларга ва ёмонликка қарши шеърлари билан қалқон бўлди, амалдорларнинг кирдикорларига қарши ўз нафратини билдиради.

*Найлайин, қилдинг мани охир гарибу бенаво,
Мубталойи гам қилиб кўксимда жонимдин жудо.
Қумри янглиг бандалик тавқини бўйнумга солиб,
Термулуб ҳайрон эдим сарви равонимдин жудо¹.*

Машраб ўзи яшаган муҳитни ғурбатхона деб ҳисоблайди, ҳатто озод ўзи обод бўлмаганлигидан куйиб, нолаю фарёд чекиб таъсирланади.

Машраб халқ бошига тушаётган жабру ситамлар, ижтимоий адолатсизликлардан дод-фарёд чекди. Ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизлик, тенгсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни танқид қилди, ёрқин келажакка умид билан бокди:

*Менингдек гамда қолган, дилпаршон ўлмасун ҳеч ким,
Кўзи чун термулуб йўлларда ҳайрон ўлмасун ҳеч ким,
Баҳори гулшани умри зимистон ўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасига торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.*

*Умидим бор, еткургаймусан хуришиди матлабни,
Саодат буржидин ул шамъи иқболимга кавкабни,*

¹ Машраб. Девон. “Янги аср авлоди”. Тошкент, 2006, 236-бет.

*Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлига хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин¹.*

Ўз замонида машҳур шоир, атоқли олим сифатида кенг миқёсда танилган ва шуҳрат қозонган Алишер Навоий, бу шарафли даражага бирданига эришмаган. Бунга етишиш учун у кўп йиллар давомида ўқиди, қунт ва чидам билан ўз салафлари асарларини мутолаа қилди, халқ оғзаки ижодиётини ўрганди. У фақат ўзбек адабиёти ёдгорликларинигина эмас, балки туркий ва форс-тожик халқлари адабиётини ҳам ўрганди, улардан маънавий озиқ олди.

Алишер Навоий ўз салафларига, жумладан Фирдавсий меросига пассив тақлидчи сифатида ёндашмади².

Машраб салафлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар ижодидан илоҳиёт билан қўшилиш шодлиги, васл базмининг нашида ва сурури, шу қўшилиш-тавҳиднинг нима эканини таҳлил ва тадқиқ этган.

Машраб шеърларида шайхлар Боязид Бистомий, шайх Шиблий, Фаридиддин Аттор, Мансур Ҳаллож, Имомиддин Насимий қисматини тилга олар экан, уларнинг маърифат бозорида ишқнинг баҳоси ҳамма нарсадан устувор эканини таъкидлайди. Машраб Имомиддин Насимий анъаналарини давом эттирди.

Бобораҳим Машраб кўп асрлик адабиётимиз ва фалсафа тарихида жўшқин, жарангдор, таъсирчан бадий асарлар муаллифи, тасаввуф илми ривожига ҳисса қўшган шахс сифатида машҳурдир. Машраб ҳаётий-дунёвий лириканинг мазмунан ва шаклан бойишига, адабий тилнинг халқ жонли тили билан пайвандланишига, шеърини санъатларнинг мукаммаллашувига жиддий ҳисса қўшган бўлса, файласуф сифатида фоний дунёнинг бебақолиги, илоҳий кудрат олдида нафсий қадриятлар бир пулга қиммат экани-Яратганга ботиний муҳаббат ҳамма зоҳирий

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1990, 326-бет.

² Эргашали Шодиев. Алишер Навоий ва унинг салафлари. Ленинобод. 1967, 5-21-бетлар.

нарсалардан устун туриши ҳақидаги ҳақиқатни ўзига хос кашф этиш йўлида бир умр изланди¹.

Пайғамбарлар гуноҳдан маъсум зотлардир. Инчунин: “Ё Раббим, уларнинг даражаларини баланд қил, бизларни ҳам уларнинг юз-хотири учун афв эт”, дейиш керак. Чунки даража юксалишининг ниҳояти йўқ. Авлиёуллоҳлар гуноҳдан маъсум эмас, бироқ маҳфуздирлар, яъни химоялангандир. Тўғри, инсон сифатида бирор гуноҳ қилишлари, хатога йўл қўйишлари мумкин. Аммо дарҳол қаттиқ пушаймон қилиб, астойдил тавба этадилар. Биз кўпинча тавбамизда содиқ турмаймиз. Авлиёуллоҳлар эса бу жиҳатдан бизлардек эмас. Ҳатто шу даражада афсус-надомат чекиб, самимий тавба қиладиларки, Аллоҳ таоло ўша гуноҳлари ўрнига бир яхшилик-сабаб ёзади. Ҳа, бутун дунё уларнинг кўлида бўлиб, кутилмаганда уни кўлдан бой берган тақдирда ҳам улар шу зайлда изтиробга тушмайдилар, бу янглишлик улар ҳаётида давомий эмас, улар гуноҳ ишлардан маҳфуздирлар².

Офокхожа ва Машраб шундай аҳлуллоҳ эдилар. Покдомон инсон, сўфий шоир ҳазрат Навоий: “Қилибман онча исёнким, агар дўзах аро кирсам” деб бошланувчи шеърда шу қадар кўп гуноҳларим борки, агар дўзахга кирсам менинг оҳу-фигонимга жаҳаннам остин-устун бўлиб кетади. Эй худо, мени афв этгин. Чунки мен учун алоҳида дўзах яратгандан кўра афв этмоқ осонроқдур, дейдилар. Шох Машраб ҳам исён деганда Аллоҳ айтган амалларни тўлиқ бажара олмасликни, демакки итоатдан чиқишни тушунади:

Ҳеч киши дунёдин аммо зарқи исён кетмасун,-

деганида шоир ана шуларни назарда тутган эди.

Қуръонда сўфийларнинг сифатлари қуйидагича берилган: “Ли-ил фуқаро илмуҳожирни ал-лазина ухририжу мин дияриҳим ва амвалиҳим”. Яъни “Улар худо йўлида мол-мулки ва диёридан ихтиёрий Мосуво бўлган муҳожирлардир”. Яна бир иқтибос Боязид Бистомийдан: “Менинг муридим улдурким, дўзах лабида ўлтурғай. Кимники дўзахга олиб келсалар анинг илкидин тутуб

¹ Ғуломхон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. “Маънавият”, Тошкент, 2000, 168-бет.

² Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. “Мовароуннаҳр”, Тошкент, 2004, 126-бет.

беҳиштга элтгай ва ўзи унинг ўрнида дўзахга киргай. Машрабни шаккокликда айбловчи айрим уламолар билан сўфий шоир ўртасидаги ихтилоф икки иқтибос мазмунига бориб тақалади. Чунки “илмига мағрур” кимсаларнинг айримлари сўфийлик таълимоти ва унинг ҳамма нарсадан “ихтиёрий мосуво” тарафдорлари фикрига қўшилмайдилар. Чунки бу дунё ноз-неъматлари, хузур-ҳаловатларидан кечмоқ учун, жавонмардлик қилиш учун уларнинг руҳий тайёргарликлари йўқ. Демакки улар: “Менга дўзахни танҳо бер, халойиқ куймасин ҳаргиз” деган Машрабни англашлари мушкул. Негаки, бу мақомга етиш учун шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат (фано) мақомлари аро юксалиш талаб этилади. Улар учун бундан кўра шоирни исёнда, даҳрийликда, ношукрликда айбламоқ осонроқ.”

Машрабнинг энг катта мухолифлари “абдоли вақтман” дея кўксига урган сохта манфаатпараст шахслар эди. Чунки улар нафақат оддий халқни балки, шариат номидан берилган хато фатволари билан ҳукмдорларни ҳам йўлдан оздирар эди. Алал-оқибат, ана шундай янглиш ёки атайлаб адаштириш учун берилган фатво Шоҳ Машрабни мансурвор дорга тортилишига олиб келган эди¹.

Мансур Ҳаллож будда ва моний тарафдорлари билан учрашиш баҳонаси билан Мовароуннаҳр, Ҳиндистон томонларга жўнайди. Дастлаб у Синд ва Мултон орқали Кашмирга боради. Бу ерда Аҳвоз ва Тустарнинг зарбоф либосларини қоғозга алмаштириш учун кетаётган карвонга ҳамроҳ бўлиб Чинга боради. Чинда монийчилик тарафдорларининг ўчоғи бўлмиш Турфонда бўлади. Баъзи сарчашмаларда Мансур Ҳаллож Туронзаминда ҳам бўлиб, Бухорода бир неча ой яшаб мадрасаларда маъруза ўқиганлиги ҳам қайд қилинган. Мансур бир неча ойдан кейин Бағдодга қайтади ва учинчи-охирги марта ҳаж тавофига отланади. Арофатда Худодан: “Эй Худо! Мени расвои жаҳон эт, токим халқ лаънатласинлар”, - деб илтижо қилади. Ҳаждан қайтгач, унинг нутқ ва ваъзларидан бир гуруҳ одамлар “Худолик даъво қияпти” деб юз ўгирадилар, таҳдид қила бошлайдилар. Натижада Мансур Ҳаллож Аҳвозга қочиб

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб?, 10-11-бетлар.

бориб, уч йил яшириниб яшайди. Ниҳоят айғоқчиларнинг чақуви билан уни тутиб, Бағдодга элиб, зиндонга ташлайдилар. Мансурни ҳибсга олиб, уйини тинтув қилганларида турли шаҳар, вилоятларга жўнатилган, тарафдорларидан келган кўплаб мактублар топилади. Уларнинг бирида “халқ сени буюк имом деб атамоқда”, деб ёзилган бўлса, бошқа бир номада “ҳамма сени пайғамбар демоқда” деб қайд этилганди. Бир неча мактубда халқ сени унинг (Оллоҳнинг) ўзисан демоқда қабилидаги сўзлар битилганди. У тўққиз йил зиндонбанд бўлади. Оқибатда қози калон Абу Умар уни қатл этиш ҳақида фатво тайёрлаб, халифа Муқтадирга қўл қўйдиради. Натижада Мансур Ҳалложни 922 йил зул-қаъда ойининг 23-куни, яъни Наврўздан етти кун олдин дора осиб ўлдириб, бошини кесиб, бутун аъзосини куйдириб, кулини Дажла дарёсига ташлайдилар. Бу инсоният тарихидаги энг фожиали ўлимлардан бири эди¹.

“Аммо унинг шуҳрати ватандошлари орасида қандай бўлса, ўзга юртларда ҳам ўшандай овоза бўлган. Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий ва бошқалар уни мамнуният билан таърифлайдилар. Мансур Ҳалложни Бағдод ва унинг атрофида бидъатнома таълимоти учун тутиб, қатл этдилар. Унга қўйилган айб-гуноҳ шундан иборат эдики, у жазба ҳолатида (аналҳақ деб) фарёд қилди. Сўфизмда буни ҳол ҳамда важд пайтида Ҳақ жамолини кўргандек бўлиб, ўзини унитиш дейдилар. Унинг гуноҳи шундаки, ана шу ҳолатдаги сирни фош этиб, намоён қилди”².

Тасаввуф аҳлининг пирлари катта нуфузга эга бўлсалар-да, жуда ҳам дарвешона ҳаёт кечирганлар ва камбағалпарвар бўлганлар. Келган нарзу-ниёз ва подшолар ҳадясини ўзларига олмай одамларга, мадраса-масжидларга сарфлаб, ўзлари томорқаларида етиштирилган мева-сабзавотлардан тановул қилишган.

Бошқа тариқатларга нисбатан нақшбандия таълимоти бошқалар меҳнати ҳисобидан яшашни инкор этади. Бу таълимот бўйича инсон фақатгина ўз кучи билан ишлаб топиб, лукмасини пок-ҳалол тутиши керакдир. Чунки, сулуки нақшбандиянинг бир

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. “Шарқ”, 2004, 67-68-бетлар.

² Ўша манба. 68-бет.

рукни шундан иборатки, четдан келган нарсани емай, луқмани ҳалол-пок тутиб, Ҳаққа етишишдир.

Тавбаю-тазарру, тоқату-қаноат, тақводорлик, зоҳидлик, фақирлик, Оллоҳга муҳаббат, Худодан қўрқиш, мушоҳада қилиш ушбу алломаларнинг сифатлари ва мақоматлари (фазилатлари) бўлган.

Тасаввуф аҳли асосан етти табақага бўлинган бўлиб, улар қуйидагилардир: Халифа, Шайх, Муршид, Нақиб, Вали ва Қутбдир. Тасаввуфда энг олий табақа – “Қутб” бўлиб, Ғавсул-Аъзам, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали ва Махдуми Аъзам кабилар ўз замонларида Қутб ҳисобланганлар. Ҳеч бир камолотга етган мутасаввиф олим ўз пирининг изни ва рухсатисиз иршод бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Тасаввуф ҳақида машҳур китоблардан бири “Иршодул-толибин” да ушбу келтирилган¹: “... Ва яна Имом Ҳасани Басрийдан нақл келтирибдурларким, ҳар ким пири комилни изнисиз (рухсатисиз) халқ иршодини қилса (яъни, халққа тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилса), - бу йўлдан адашганликнинг белгисидир”.

“... Билгил эй фарзанд, шайхзода шайхлик қила олмас, сайидзода пирлик қила олмас. Ва “Шарҳи машорик” китобида келтирибдурларким ҳар ким шайхзодалик ва сайидзодалик вақтида (яъни, иршод ҳуқуқи берилмаган ёш вақтида) пирлик даъво қилса, у золу музил бўлур (яъни, йўлдан адашган банда ҳисобланур”.

Шунинг учун Машраб хатти иршод ҳам олмаган, пирлик ҳам даъво қилмаган.

Махдуми Аъзамнинг машҳур авлодларидан яна бири унинг набираси Офоқхожа эшондир. У асли даҳбедлик бўлиб, ўз авлоди Хожа Исҳоқнинг Қашқардаги муридларига раҳнамолик қилиш учун у диёрга бориб қолган.

Бу зот ўша давр тасаввуфи андалиби Бобораҳим Машрабнинг пири бўлиб, Қашқар ва унга ҳамҳудуд бўлган мавзеларга таъсири жуда катта бўлган. У диёрнинг сиёсий ҳаёти Офоқхожанинг қўлида бўлиб, гўё ўз замонининг Хожа Аҳрори ҳисобланарди.

¹ Жалол Махдум Таҳонири. “Иршодул-толибин”. 1855-йил. Лакҳнав. Нашри. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан.

Махрабнинг унга нисбатан катта эътиқодда эканлигини унинг ушбу адабиётлари тасдиқлаши мумкин:

Махдуми Аъзамнинг яна бир авлодларидан, ўзбекларнинг “Колумби” ҳисобланмиш машҳур саёҳатчи, тарихчи, “Мунтахаб ат-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳақимхон Тўра Ҳўқандийдир, У ўз вақтида Наманган ва Тўрақўрғон ниҳояларида ҳокимлик қилган. Отаси эса Маъсумхон Тўра Қўқон хонлигида шайх ул-ислом вазифасини адо этган. Муҳаммад Ҳақимхонга қариндош бўлган Жаҳонгирхон Қашқарга ҳокимлик қилган.

Махдуми Аъзам авлодларидан бўлган Абдулшаҳидхожа ибн Абдулмажидхожа ҳам Абулфайзхон даврида Самарқанд ҳокими бўлган экан.

Ёки Махдуми Аъзамнинг авлодларидан бўлмиш Мусохон Хожанинг ўғли Султонхон Эшон Самарқанд ҳокимиялигида судурлик вазифасини адо этган ва ҳоказо¹...

Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзамнинг баъзи кўзга кўринган авлодлари Бухоро, Самарқанд ва Қўқон ҳукмдорлари олдида катта нуфузга эга эдилар. Ҳукмдорлар уларга кўп имтиёз бериб, ҳатто оилавий никоҳ масаласида олди-берди қилганлар. Масалан, Маъсум Хожа Амир Умархоннинг синглиси Офтобойимга уйланган ва улардан юқорида номи айтиб ўтилган Муҳаммад Ҳақимхон Тўра туғилган. Амир Умархоннинг ўзи эса ота томондан беклар наслидан бўлиб, Норбўтабийнинг ўғли эди, онаси эса Чодак хожаларнинг авлодидан эди. Ёки саййидлардан бўлмиш Ортиқхожа эшон (Махдуми Аъзам авлоди) Иброҳим оталиқнинг қизи Кенагас ойимга уйланган (ундан Ҳақимтўра туғилади). Булардан ташқари ўратепалик Саййид Ғозихожанинг қизини Қўқон хони Умархон ўз никоҳига олади. Тўра Хожа нақиб эса (бу ҳам Махдуми Аъзам авлодидан) манғитлардан бўлган Бухоро хони Амир Ҳайдарнинг қизига уйланади ва ҳоказо. Бу ўзаро никоҳларни мисол қилиб келтиришдан мақсад шуки, то XVIII аср охиригача Махдуми Аъзам авлодлари (умуман ҳамма хожалар) номларида ишлатилиб келинган “саййид”, “хожа” каби қўшимчалар ўрнини “хон”, “тўра” деган ҳукмдорлар номига қўшиладиган унвонлар олганлиги сабабини

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 43-44-бетлар.

изоҳлаш эди. Аслида бу “хон”, “тўра” каби унвонлар чингизийлар давлатдорлигидан келиб чиққан ибора бўлиб, “бошлиқ” маъносини беради. Демак, XVIII аср охирларидан бошлаб (бу Махдуми Аъзам авлод- аждодлари шажарасидан ҳам кўриниб турибди) “хон”, “тўра” унвонлари одат тусига кирди ва уларни кўпгина саййидлар, хожалар фахр билан қўллаб келди, чунки бу иборалар уларни ҳукмдорлар синфига яқин қилиб кўрсатарди¹.

Машраб фалсафасининг бош ўзаги комил инсонни мадҳ этиш. Инсон ва худо тимсоли унда бирлашиб, уйғунлашиб кетган. Чунки ҳар бир нарсада, ҳар бир заррада, айниқса ҳар бир одамда худонинг вужуди, иродаси бор. Бу ҳақда Навоий инсонга мурожаат қилиб дейди:

.....

*Ҳар ишники қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод,
Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар на истарсан ўзингдин истагил².*

Машраб жунунсифат шоир. Лекин шундай бўлса-да, унинг тафаккури жуда кенг. Унинг сарсон-саргардон юрт кезиши, (“бу санамнинг васлини излаши” маъшуқаси эмас, балки мажозий маънодаги ошиқликдир) унинг ҳамма нарсада Ҳақнинг тажаллийсини, зуҳурини излашидир. Шу боис у чуқур тафаккур қилиб инсонга, агарки ҳақ учун, ҳақиқат учун яшамоқчи экансан, нафсга берилма, ғофил бўлма, Аллоҳ номини ёдингда тут, шунда сен балоларга гирифтор бўлмайсан, жабру жафо чекмайсан, тўғри юрсанг, эл ва ҳақ олдида комил инсон деган номга лойиқ бўласан, дейди:

*Ҳайратда юрурман санамо, васлингни излаб,
Дойим бу тафаккур кўзи бирла сани кўзлаб.
Ҳайрону саросима юруб телбали сўзлаб,*

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. 44-45-бетлар.

² В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т., “Ўзбекистон”, 1970, 355-бет.

*Уқбо ғамидин хавф этаман сан сари бўзлаб,
Охир бу ажалнинг қўлидан барча адамдур.
Чин ошиқ эсанг берма кўнгил нафси ҳавога,
Кўп ётма саҳар, уйғона кўр зикри Худога,
Ғофил юрума, бўлма гирифтору балога,
Машраб ўзингни солма неча жабру жафога,
Тўғри юрусанг эл сўзидин санга на ғамдур¹.*

Тасаввуф фалсафий таълимот бўлиб, бу таълимотга кўра, худо шахссиз ибтидодир, у табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан айнан бирдайдир. Тасаввуф ғайри табиий ибтидони рад қилади. Тасаввуф, хусусан ўрта аср фалсафасида ижобий роль ўйнаб, диний мистик таълимотлардан фарқли ўлароқ оламнинг борлиги, табиатнинг турли-туманлиги ва ривожи ҳақидаги илғор фикрларни асослаш учун хизмат қилади.

Машрабнинг дунёқараши ва унинг тафаккурини ишғол этган рух, руҳият тоза эди: “Ўзбек адабиёти тарихи”да айтилганидек, “Машраб мусофирчилик ва моддий муҳтожликда оғир машаққат чекишининг асл сабаби ҳам унинг Офокхожа даргоҳининг қулига айланиши эмас, балки ўша хонадон хожаси Илоҳий қудратини ўз жисмига ҳам қабул қилиб олиш иштиёқи лозимлиги учунгина Хожа уйида илоҳий ва дунёвий илмларни ўрганиш учун етти йил сабр-бардош билан яшашга ўзида куч топа олгани эди”².

Машраб ўзидаги туғма илоҳий кучни авайлаши, асраши лозим эди, шу боис у Офокхожани ўзи учун пири комил деб билди. “Ҳазратим айдиларки, Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлунгларки, бу девонани отини Машраб қўйдум”. “Аллоҳу акбар” дедилар. Андин сўнг девонанинг оти Машраб демакликга шуҳрат топди. Бошларини кўтариб, кўзларини очиб, ғазал дедилар:

*Қўлум олинг, ё пирим, менда тоқат қолмади,
Йўлга солинг, ё пирим, манда ҳолат қолмади.
Ҳазратингдин мен бугун дуо тилаб келибман,
Бўйни синуқ етимман, менда роҳат қолмади,*

¹ Қиссаи Машраб, 22-бет.

² Қиссаи машраб, 22-бет.

*Офоқхожамким суюб, отинг Машраб дедилар,
Бўсогонгда ўлурман, менда ҳасрат қолмади...¹.*

Ўзида Ҳақнинг тажаллийсини, зуҳурини, дийдорини кўриш учун Машраб етти йил риёзат чекиб, Офоқхожанинг ҳар томонлама берган етук илмидан баҳраманд бўлди ва ўзини холик (худо)нинг дийдорини кўрган, унинг васлига етишган деб билди.

Машраб учун ҳаёт ва севги жондош, аниқроғи, бир онанинг фарзандлари эди. Машрабни кўп ижодкорлардан ажратиб турадиган хусусиятлардан бири шундаки, у севги тушунчаси, ишқ фалсафасини чегараламасдан инсон умрининг ўткинчилиги, ўлим ва боқийлик масалалари билан уйғун, бир-бирига чуқур алоқадор поэтик оҳангларда тадқиқ ва таҳлил қилиб берди.

Машраб йирик мутафаккир файласуф эди. Унинг ғазалларини тафаккур дурдоналари, одам ва олам ҳақидаги мушоҳадаларини шеърятнинг нодир жавоҳирларига тенгламоқ жоиздир.

“Мўминнинг қалби-худонинг уйи” деган ақидани Машраб ўз тасавурида ривожлантириб, инсоннинг қалби муқаддас бир олам, бинобарин, инсонни энг муқаддас зот деб билишга-тавоф қилишга чақиради. Инсон дилини оғритмаслик, уни асрашликка чақирди. У инсон дилини юзлаб муқаддас Каъбадан улуғроқ деб таърифлади:

*Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузилмасму?².*

Машрабнинг фалсафий қарашлари унинг ижодий фаолиятида ҳам-айниқса шоҳларга, мутаассиб уламоларга қарата айтган аччиқ ва ҳаққоний сўзларида баён этилади. Юқори табақа кишилари, мутаассиблар унга бойлик ёки пири комиллик имтиёзини таклиф қилганда ҳам у қаландар бўлиб, халқ аҳволидан хабардор бўлиб юришни бурчи деб билди:

*Олурга дину дунёнинг матоин орзу қилмай,
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.
Шаҳи рўйи замину тахти тожсин орзу қилмай,*

¹ Қиссаи Машраб, 33-бет.

² Машраб. Девон. Тошкент, 1980,24-бет.

Гадойи фақр бўлдум, сайр этарман баҳри бар танҳо¹.

У озод қаландарликни, талон-тарожлар натижасида бутун-бутун халқлар гадо, оч-яланғоч ҳолга тушган бир даврда ҳоким табақа аҳлидан нафратланиб, “гадои фақр”лик йўлини тутганлигини ҳамиша биздек «дили ғамгин халойиқ” билан бирга бўлганлигини, сув ўрнига инсон қонини сипқорувчи шаҳаншоҳларга яқинлашмай, ҳатто улардан “ор” қилганлигини барала баён этди.

Жаннат роҳатларидан кечиб, ҳақиқат ва халқ омонлиги йўлида ўзининг сазойи этилишига ҳам, ёлғиз дўзах ўтида куйдирилишига ҳам у рози.

Булар Машраб замон ва маконга ҳам, аршу курси, лавҳу қаламга ҳам сиғмаган буюк шоир гуманизмидан мисол, холос.

И. Мўминов Машраб тадқиқотчиси Н. Ликошиннинг қуйидаи фикрини келтиради: «Машраб оддий халқ орасида катта ҳурматга эга, аммо Туркистон аҳолисининг юқори табақалари Машрабга қаттиқ нафрат билан қарайдилар. Бирор саводсиз, ҳатто соддагина одам билан Машраб тўғрисида суҳбатлашганингизда, у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбориб, Машрабнинг энг беодоб, лекин ўткир маъноли ғазалларидан бир неча бандини оғзаки ўқиб беради. У бу ғазални саводхон кишиларнинг бирор йиғилишида эшитган бўлиши мумкин. Унинг тили равон ва воқеа бирор “телба-тентакнинг ҳаётидан” олингани учун реал бўлиб, тезда эсда қолади. Агар бирор маҳаллий руҳоний билан Машраб ҳақида гаплашиб қолсангиз борми, ундан Машраб ҳақида энг ёмон сўзлар эшитасиз, уни паст одам, ислом динига мансублиги номаълум одам деб қоралаб беради”².

XIX асрда яшаб ўтган Машраб тадқиқотчиси Н. Ликошин мутафаккир Машрабнинг ғайриодатий ҳаракатлар қилиб, баъзи шайх ва муллаларни беҳаёларча фош қилганлигини ва ислом динини тарғиб қилувчиларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларини қоралаганлигини айтади: “Қулай келган ҳар бир вақтда муллаларнинг расмий-эстетик муносабатда бўлишларини фош қилиб тургандан кейин муллаларнинг фирибгарликлари устидан

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 165-бет.

² Н. Ликошин. Девона-и Машраб. Средняя Азия. Ташкент, 1910.

уялтирадиган гаплар айтиб кулгандан кейин, ислом динини тарғиб қилувчиларнинг беҳаёлигини фош қилгандан кейин муллалар Машрабни, албатта, севмайдилар-да”. “...халққа зулм қилма, уни эзма,-нега сен Маккага борасан? Минг марта Маккага боргандан кўра, ҳеч бўлмаса бир кишига ёрдам кўрсатсанг, яхши иш қилган бўласан”¹.

Машраб илми қолдан хабардор эди. Илми қол-ислом фалсафасидаги чуқур ва мушоҳада талаб тушунча мажмуаси. Илми қолдан хабардор киши дунёнинг асосида нима ётади, ҳар бир нарсанинг сабаб ва оқибатини мулоҳаза билан идрок этади. Дунё доим ўзгаришда, ривожланишда-бу Машраб дунёқарашидаги энг мазмунли файласуфона тушунча. У ислом динининг, шариатнинг барча қонун-қоидаларини яхши билади. Машраб адолатсизликлардан юзага келган ғазаб ва нафратини, дард ва аламини ичига ютиб, бир чеккада оху нола қиладиган ожиз шахс эмас эди. У жуда доно ва зўр ҳажвиячилик қобилиятини ўзида мужассамлаштирган оловқалб, довюрак киши эди.

Машраб Офокхожанинг 18 йил хизматини қилган. У доим пиридан умид қилган, чунки шу хонадонда олган билимларини сайқаллаган. У илоҳий ишқ анқонинг уруғидек эканлигини, уни топиш, Яратган васлиги етиш мушкуллигини, пирнинг назари тушиши учун, шунга муносиб бўлиш кераклигини, саргардон Машраб бир лаҳза пирсиз бўлаолмаслигини, инсон ўзини сирот кўприги устида юргандек ҳис қилмоғи лозимлигини, шунинг учун у тавба-тазарруда юришлигини таъкидлайди.

Зулматнинг, қоронғиликнинг чўзилиши, қуёш нурининг кўринмаслиги, жаҳондан нур, ёруғлик кетиши деб билган шоир, мис билан тилланинг фарқига боришликни айтиб, “Машрабо, пир излагил, андин муроди дил тила” деган фикрни келтириб, устози Офокхожани эъзозлайди, бу унинг “Амри пир” ғазали мазмунини белгилайди:

*Раҳравонлар кеттилар мен қолдим ҳамроҳдин жудо,
Чун хароба шахр ўлурким одил ул шоҳдин жудо.*

¹ И. М. Мўминов. Танланган асарлар. 1-жилд. 211-212-бетлар.

*Мен тасаддуқи ўшандоғ оли ҳимматлар бўлай,
Лаҳзаи кўнглини қилса меҳр дунёдин жудо.*

*Ноумид бўлса муриде пиридин муртад кетар,
Бесамар бўлғай дарахтким бўлса дарёдин жудо.*

*Кимёдур ишқ, анқодур топиб бўлмас ани,
Кимга тушди, қилди ул дунёи уқбодин жудо.*

*Мен ўшал тифлики минг карра саргардониман,
Ҳеч шогирд бўлмасун бир лаҳза устодин жудо.*

*Ҳар қадам қўйсанг ўзунгни сен сирот устида бил,
Қилма дилни соати астағфуриллодин жудо.*

*Зулмат афзун бўлса гар шамси жаҳондин пур кетар,
Дийда қайда, қилса чун бул мисни тиллодин жудо.*

*Маширабо, пир излагил, андин муроди дил тила,
Бўлмагил сен бир даме охирги савдодин жудо¹.*

Тариқатнинг зикр этилган мақомларига сўфий катъий интилишлару муайян машқлар билан эришади. Ана шу йўлларни босиб ўтиш жараёнида яна бир ҳодиса юз беради: бу – инсоннинг бир лаҳзадагина содир бўладиган муайян руҳий ҳолати. Буни Ҳол дейдилар. Ҳолга солиқ махсус интилиш билангина ета олмайди – у Аллоҳнинг ўша сўфийга тақдим этган хос шарофати, меҳрибонлиги натижасида ато этиладиган бир зумлик кайфият. Е. Э. Бертельснинг “Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва тасаввуф адабиётининг пайдо бўлиши” асарида ҳолнинг қурб (яқинлик), муҳабба (ишқ), хавф (ваҳима), рижо (умид), шавқ (завқ), унс (дўстлик), итмонина (хотиржамлик), мушоҳада (Аллоҳни кўргандек бўлиш), яқин (ишонч), фано ва охири бақо (абадийлик)-фано тариқатнинг охири, ҳақиқатнинг эса

¹ Машраб. Девон. 2006, 247-бет.

бошланиши. Сўфийнинг бутун орзу-ўйи ана шу фано поғонасига кўтарилиш, фоний бўлиш, чунки фоний бўлмай туриб, боқий бўлишнинг мутлақо иложи йўқ. Машраб тасаввуфнинг шу амалий қоидаларидан ўтиб, ҳол мақомига етишган сўфий девона шоир¹.

Шунинг учун у ёр (аллоҳ) васлини излаб, фано мақомидан боқийликка интилади ва бу йўлда пири Офокхожа тарбиясини олгани ҳолда, унинг бир сўфийдан нима талаб қилинса шу талабларни пиридан кунт, сабр, бардош билан ўрганди ва ижодида, шеърларида эҳтиром билан тилга олади:

*Ёринг кўйида ўлган бормукин?
Бир ўлуб, қайта тирилган бормукин?*

*Ёринг васлини излаб, чарх уруб,
Термулуб йўлларда қолган бормукин?*

*Қатл қилмоққа ҳукм этганида,
Ёлбориб бўйинини сунган бормукин?*

*Шоҳбози ломакон-султони ишқ,
Табл уруб долбойга қўнган бормукин?*

*Неча йил Офокхожам хизматида,
Шул Хўтан даштида юрган бормукин?*

*Ман каби тарсову расволар бўлуб,
Бўйнига зуннор солган бормукин?*

*Тонгла Маҳшарда йигилса жумла халқ,
Оҳ уруб Маҳшарни бузган бормукин?*

*Кеча-кундуз зор бирлан йиглабон,
Кўз ёши Жайхунча оқган бормукин?*

¹ С. Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. 20-21-бетлар.

*Дод этар Машраб Хўтан сахросида,
Бир замон додига етган бормукин?¹*

Машрабнинг айрим ғазаллари эса бизнинг давримизда муҳаббат мадҳиясига айланганини, никоҳ тўйларимизни обод қилаётганини алоҳида қайд этган бўлур эдик:

*Ишқинг ўтига куйголи келдим,
Ойдек юзингни кўрголи келдим.
Савдойи зулфунг тушти бошимга,
Сендин давосин сўрголи келдим.*

Ишқни яна ким шундай ёниб-куйиб, равон ва гўзал ифодалай олган? Бу сўз санъати аҳлига камдан-кам насиб бўладиган бахтдир. Машрабнинг “Ўртар”, “Малаксан ё башарсан”, “Жон қиз” каби оташин ғазал-қўшиқлари юзлаб отабекларнинг ички дардини ифодалаган, кўнглига дармон бўлган.

Тўғри, Машрабнинг ҳамма шеърларини ҳам бир маънода тушуниш керак эмас. Унинг бир қанча шеърлари тасаввуфий мазмундадир. Лекин шоирнинг дунёвий шеърлари билан рамзий шеърлари орасидаги чегарани аниқлаш қийин. Униси ҳам, буниси ҳам энг юксак ва муқаддас туйғулар билан битилган. Машраб шеърляти ўзбек адабиёти тарихида Хувайдо, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўртар, Ҳамза Ҳакимзода каби ўнлаб қаламкашларимиз ижодига чуқур таъсир кўрсатди.

Машраб ижодининг асосий мавзуси ишқ-муҳаббат масаласидир. Унинг фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳам шу муаммога бўйсундирилиб ифода этилади.

Машраб халқ ичида истеъдодли шоиргина эмас, ўткир сўзли, ҳозиржавоб ҳажвчи сифатида ҳам машҳур эди. Машраб халқ хотирасида Насриддин Афанди тимсолини эслатар эди, бу эса аслида у авлиё киши бўлиб, бу унинг ҳар бир нарсдан тез хулоса чиқариб, ҳажв қила олганлигида кўринади: Уни халқ энг адолатпарвар, ҳақиқатгўй, барчага ғамхўр, олийжаноб ахлоқий фазилатларга эга шахс сифатида тан олган.

¹ Машраб. Девон. 2006, 216-бет.

Тарихдан аёнки, Машраб ижод этган даврда ижтимоий ҳаётда адолатсизлик авжига минган эди. Шоир ҳаёти ва ижоди бўйича қилинган ишларда қайд этилганидек, унинг дунёқарашида сўфиёна майлларнинг жой топиши, шеърларидаги баъзи шеърӣ рамзларнинг тасаввуфӣ бўёқларда ифода этилишида у яшаган замон ва салбий ҳодисаларга бой шароитнинг ҳам бевосита таъсири бўлган. Машраб ўз замонасининг машъум жазоларига маҳкум этилган шахс. Шунга қарамай у ўлимни эмас, тирикликни севган:

Халойиқ дунӣ ҳам бўлсам жаҳон ичра ганиматман...

Бизнингча, у инсонни тушунишга, умр ганиматлигини ҳис этишга, ким бўлмоғидан қатъӣ назар одам фарзандига ўлимни раво кўрмасликка даъватдир:

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулгаманг...

Машраб бу маънода, “шаҳиди ишқ” (бу илоҳӣ ишққа ишора) бахтига, албатта ноил бўлмоғини олий мақсад қилиб белгилагани сабабли ҳам ўлимни эслаб, эслатиб боради. Иккинчидан, Машраб идрок дунёқараш ва олам сирларини билишда ўзича пешқадам, ўзича юксак хаёлотли санъаткордир. Унинг изланувчан беором руҳи ўтмиш воқеликни бир-бирига қиёслаш, ўзи яшаёган замонни мозӣ сабоқлари билан баҳолаш йўлидан бориб, уни маърифат билан бойитган. Унинг ёлғизланишининг мавжуд воқелик ва муҳит одамларидан йироқлашиш ҳисларининг кун сайин кучая боришининг битта сабаби ҳам шунда.

*Англа бу сўзни, эӣ санам, ошиқи муддао ўзум,
Асли дилида дарди кўп, дунёда бедаво ўзум.*

*Элни сазойи қилмагил, ёлғиз ўзумни айлагил,
Юрдуму кўрдум ҳамани, дунёда пургуноҳ ўзум.*

*Дунёга барча махлуқинг бир келибон бир кетадур,
Кунда мени минг ўлдурур, пуришурў пуржафо ўзум.*

*Зоҳид элига фосиқу, гумроҳу, осий, пургуноҳ,
Ҳақнинг қошида мартабам-уммати Мустафо ўзум.*

*Ошиқ эрусан эй рафиқ, қўрқмаки жонни ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи вале, дардима ҳам шифо ўзум.*

*Қатрайи май тотурмасанг ол бу жонимни, эй санам,
Сенсиз бу дунё ичида ўлмакима ризо ўзум.*

*Парда кўтаргил, эй санам, рози дилимни айтайин,
Барча ошиқлар олдида аввали додҳоҳ ўзум.*

*Ёстаниб эшикин тирим, солди бозори кўйига,
Сўрмадинг нечук фақир, Машраби хокино ўзум¹.*

Машрабнинг фалсафасида нурсизлик, файзсизлик йўқ.

Унинг “Мен”идан гўё оламга унинг эътиборидаи барча нарса тушунчаларга руҳ, эътироз, ишқий донолик зиёси оқади².

Бобораҳим Машраб қарашлари даврга мўътадил қарашлар эмас эди. Шунинг учун у фоний дунёдан этак силкиб қаландарлик хирқасига ўранди. Чунки унга бошқа йўл қолмаган эди. Машраб адолатсизликка, жабр зулмга, зўравонликка, мулкдорлар ўзбошимчалигига, фирибгарлик ва мунофиқликка, хуллас барча салбий ҳолатларга қарши курашда қаландарликни восита қилиб олди ва ҳақиқатга эришиш йўлида ундан фойдаланмоқчи бўлди. Шу маънода биз А. Шариповнинг Машрабни қаландарлик қабул қилишининг туб сабаблари тўғрисидаи фикрларига тамоман қўшиламиз³. Шунинг учун бўлса керак, Машраб ўз шеърларида фақат худони, илоҳий ишқни, худо билан бирлашишнинг мистик йўллари тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, кўпроқ борлиқ дунё, инсон, маҳбуб тўғрисида, моддий дунёнинг ноз неъматларидан баҳраманд бўлиш тўғрисида сўз юритади.

Ўрта асрларда фалсафий фикр тез ривож топди. Бунда айниқса фалсафанинг бадий адабиёт соҳасидан ўзига қулай бошпана топа олганлиги, унинг таркибида ривожлана

¹ Машраб. Девон. 2006. 175-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Адабиёт ва санъат. 115-116-бетлар.

³ А. Шарипов. Мировоззрение Машраба. Қаранг: Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане, 264-стр.

бошлаганлиги ўзи учун ҳам, бадиий адабиёт учун ҳам ижобий ҳодиса бўлди. Ўрта асрларда фалсафий фикрламаган бирорта ҳам йирик шоирни топиш қийин.

Машрабни ўз даври ҳукмдорлари билан доимий ихтилофда бўлган, улардан жабру жафо кўрган, дейиш ноўрин. Чунки Амир Темур ва кўпгина темурийлар, Шайбоний ва қатор шайбонийлар ўтмишдаги азиз-авлиёлар руҳи покидан мадад олганлар, ўз даврларидаги мўътабар зотларни пир тутганлар. Ялангтўш Баҳодирдан беш нафари Дахбедда (Самарқанд)-буюк юртдошимиз Маҳдуми Аъзам қабрлари пойига ўз васиятлари бўйича дафн этилгани фикримиз исботидир. Худди шунингдек, Шох Машрабнинг жаҳонгашталиқда кечган умри давомида тақдир йўлиқтирган барча ҳукмдорлар бу авлиёи замонга чексиз ҳурмат-эътибор кўрганлар. Ҳатто Машрабни дорга остирган Маҳмуд катағон ҳам бундан мустасно эмас:

Харобат айлагай ҳар юртни золим бўлса султони

Ёки:

Ҳазар этмак керакдур беадолат подшоҳлардин

Ёхуд:

*Қаноат шаҳрига киргин, муаттарликни хў қилгин,
Ки беминнат эмасдур бойни берган оши ила нони,-*

дея айрим ҳукмдорларга танқидий муносабатини аён қилган. Шох Машраб айна чоғда : “Гоҳ амиру гоҳ фақирлар бирла бўлдим ошно” дея ҳукмрон доиралар билан ҳам яхши муносабатда бўлганлигини айтади¹.

Машраб тахминан 1710-11 йилларда ўзининг узоқ 20 йиллик сафари мобайнида ҳамроҳи бўлган Пирмат Сеторий билан биргалиқда Балх шаҳрига келади. Бу даврда катағон уруғидан чиққан Маҳмудбий (Маҳмудбек) катағон, Балх ва Қундуз вилоятларининг хони эди. У 1702 йилда Бухоро хони Субхонқулихоннинг Балх вилоятига ҳоким этиб тайинланган ўғлини ўлдириб, ўзини хон деб эълон қилган эди. Маҳмудбий ўзининг ниҳоятда раҳмсиз ва қонхўрлиги билан ном чиқарган шахс бўлган. У, шубҳасиз ҳоким табақа вакиллари масхаралаб, кирдикорларини фош этиб, доимо халққа уларнинг асл

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шох Машраб?, 9-бет.

башараларини рўй-рост кўрсатувчи жасоратли шоир Машрабни жисман ва маънан йўқ қилишдан манфаатдор ҳукмдорлардан бири эди. Шунниг учун ҳам у Машрабни қўлга тушириш тадбирини олдиндан тайёрлаб қўйган. Бу ҳол Машрабга ҳам маълум бўлган бўлса керакки, у ўзининг Маҳмудбий қатағон томонидан ўлдирилажаклиги тўғрисида шеърлар ёзган.

Хон саройига келтирилган Машраб билан Маҳмудбий ўртасида кучли мунозара бўлиб ўтади. Шоир уни қонхўрликда айблайди. Унинг еб турган таомини, зебу зийнатларини халқнинг қони эвази-меҳнати маҳсули эканлигини айтади. Сарой аҳли олдида айтилган рўй рост сўзлардан ғазабланган хон Машраб ва Пирмат Сеторийни зиндонбанд этади. Аммо шоир зиндонда туриб ҳам ижод этишдан тўхтамайди. Мана унинг зиндонда ёзган шеърларидан олинган бир лавҳа:

*Қайта бошдин сийнамни афгор қилди оқибат,
Юз балову дард-гам озор қилди оқибат.
Бир азиз бошимни йўлда хор қилди оқибат,
Охиримни Мансури бардор қилди оқибат,
Бир замон холис бу чархи зулмпарвар бўлмадим...*

Пирмат Сеторий зиндондан қочиб қутилади. Машрабни эса бир неча муддатдан сўнг Маҳмудбий уламоларининг фатвоси билан дорга осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқаради. 1711 йилда халқ севган шоир Бобораҳим Машраб дорга осиб ўлдирилади. Машрабнинг ўлдирилиши ҳақида “Мажмуаи Абутолибхожа Фаҳмий” китобида “Машраб дар сони 1123 дар Қундуз ва фатвои уламо ва ҳукми Маҳмудбек қотоғон шаҳид карда шуда”, яъни: “Машраб 1123 йилда Қундузда уламо фатвоси ва Маҳмудбек қатағон ҳукми билан шаҳид қилинди”, деб ёзилган.

Маҳмудбий қатағонлар Машрабни жисман нобуд этдилар, аммо уни маънан йўқ қила олмадилар. Буюк гуманист шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг дилрабо шеърляти асрлар тўғони оша, пароканда ҳолда бўлса ҳам, бизгача етиб келди. У ўзининг чин ҳаётини – бизнинг даврда топди¹.

¹ Ж. Юсупов. «Кўзум ёшин сепиб ўтгум». Дўстлик байроғи. 1984, 30 июнь.

У халққа жабр-ситама ўтказаётган, уни алдаётган, кўрқитаётган, азоб-укубатга маҳкум этаётган золим ҳукмдорларни шу халқ кўзи ўнгида ҳеч аямай шарманда қилар эди. Машраб бу шахсларнинг халқдан яширин тутган иллатларини, разилликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ҳажв тиғи остига олар эди. У мухолифлари устидан ҳамиша маънан ғалаба қозонган, унинг ички руҳий дарди заррасига ҳатто фалак ҳам чидай олмайди:

*Шарҳ айласам ишқ дафтарини жон чидаёлмас,
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.*

*Авроди муҳаббат ўқубон масжидда кирсам,
Масжид куяру тоқи фарозон чидаёлмас.*

*Майхона кириб васли санамдин хабар олса,
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.*

*Маҳшар куни гар барқ урубон чиқса нигорим,
Дўзах куяру Жаннату ризвон чидаёлмас.*

*Ишқ дафтаридин гар ўқусам сура баякбор,
Бешубҳа, билинг, ояти Қуръон чидаёлмас.*

*Гар наъра уруб тавсани ҳиммат мина қолсам,
Оламга тушуб шўришу афгон чидаёлмас.*

*Машраб, сен агар даъвие ишқи санам этсанг,
Биллоҳқи, анга жисминг ила жон чидаёлмас¹.*

Илми қол даражасига етган қаландар Машраб аъзойи баданини очиб юрган. Аммо бундай ҳолни кўрган халойиқ ҳайрон. Машраб буни идрок қуввати билан халққа асосли исбот қилиб беради, унинг очик жисмига хайратда қараб турганлар ғуборини тарқатиб юборади.

¹ Машраб. Девон. 2006. 301-бет.

Машраб айни мана шундай дардли шеърларида заминий дард-ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳиёт дарди, яъни руҳнинг асл манбаига қайтиш учун чекаётган изтироблар, «аршдан ерга инган» инсон кўнглининг моддиюндан покланиш дарди қийноқлари билан қўшиб тасвирлайди. Бошқача айтсак, Машраб куйлаган дард нон топиш, мансаб-манфаат учун юз елиб-югураётган одамлар «дарди» эмас, балки илоҳий «муҳаббат дарди» да ёниб, тунларни бедор ўтказаётган, кўз ёши шашқатор ҳақпараст ва ҳақсевар порсалар дардидир. Машраб шуларга ихлос қўйган, ўзини ҳам шулар жумласидан деб билади ва уларни чин юракдан севади:

Азалдан мен дили замгин халойиқ хайлини севдим.

Покдил кишиларнинг шоир қалбидан жой олишга яна боис шуки, улар қалбида илоҳсеварлик туйғуси билан инсонпарварлик туйғуси бирга узвийликда яшайди, илоҳиёт дардидан беҳабар одамда меҳр-шафқат, ўзгалар дардини англаш туйғуси ҳам ривожланмаган бўлади. Зулм деганда ҳам шоир «дарди бўлмаган» кишиларнинг дард аҳлига, жисмнинг руҳга, жаҳолатнинг маънавиятга, нафснинг инсонни ўз асли ва ўз-ўзини танишга тўсқинлиги зулмини назарда тутлади.

Халқнинг тарбиячиси сифатида шуҳрат топган Машрабнинг қаландарлиги бутунлай ўзгача аъмол, саховатпеша инсон матлаби бўлиб, тиламчи, таъмагир қаландарларнинг қаландарлигига сира-сира ўхшамайди.

Шоҳ Машрабнинг қаландарлиги фақат Машрабгагина хос бўлиб, умуман, сўфийлик, маломатия ва қаландария йўналишлари ҳақидаги тушунчаларга мосдир. Яъни тасаввуф йўлида турганлар инсонларни ғафлатдан уйғотиш учун халқ орасида юрганлар. Қаландар Машраб бетакрор ва таъсирчан шеърлари билан халқ орасида абадий қолди. Аслида, ҳақиқий ижодкорнинг элга хизмати ҳам шу.

МАШРАБНИНГ ИСЛОМГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

Машраб ижодида Каъбатуллоҳ шаънига битилган ушбу сатр собиқ шўролар даври адабиётшунослигида шоирнинг динни танқид қилишда мислсиз жасорати тарзида тарғиб этиб келинди:

ИБРОҲИМДИН ҚОЛҒОН УЛ ЭСКИ ДЎКОННИ НА ҚИЛАЙ...

Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб ўзбек классик адабиётининг фалсафий-сўфиёна йўналишига муносиб йирик намояндаси. Яқин ўтмишдаги илмий тадқиқотларда, тарихий-бадий асарларда унинг ҳаёти бирёқлама, баъзи ёлғон ақидаларга ўраб ёритилди, ижоди комунистик мафкура тазйиқи ва синфийлик назарияси таъсирида бузиб талқин этилди. Шоир ғазалларидан юлиб олинган:

*... Илоҳо, йўл юрарда Машрабингни аҳли имон қил,
Саййиду хожаву дарвешу вақт қилма, мусулмон қил-*

каби мисралар дин пешволарига қарши даъвати сифатида изоҳлаб келинди. Хўш, аслида Машраб нима демоқчи бўлган эди? Самарқандлик марҳум адабиётшунос олим Исомиддин Салоҳий юқоридаги шоир сатрларини шундай изоҳлайди:

“Биринчи мисолда шоир мисрани битаётганда “Фотиҳа” сурасидаги “Иййака наъбуду ва иййака настаъин” (“Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина мадад сўраймиз”) илоҳий оятига амал қилган, динни танқид қилишни хаёлига ҳам келтирмаган. Иккинчи мисолда эса: Тангри таолонинг назарида яхши халқ, ёмон халқ ёхуд оқсуяк шахслар, қорача шахслар йўқдур, у инсонларни бундай тоифаларга, гуруҳларга ажратишдан покдир, деган маъно бор. Илло, дин пешволарининг танқиди эмас¹!”

¹ Исомиддин Салоҳий. Ижтимоий муносабатлар қурбони. “Ўзб. адаб. ва сан.” 1997, 14-февраль.

Муаллиф ана шундай хулосаларни Машраб ҳаёти билан боғлиқ ҳодисалар, илмий далиллар орқали асослашга уринади.

Адабиётимиз тарихида Машраб зоти ва каломининг салмоғи ғоят баланд мақомга эга. Машраб ижоди XIX аср сўнггида оддий авомга ҳам, орифга ҳам бирдек тушунарли ва яқин эди. Табақаланиш, мафкураланиш бошланган кейинги ўн йилликлар давомида Машраб шахси ва мероси мафкуравий ур-йиқитлар сахнасига айланди.

Аммо Машраб халқники эди...

Чекка Хатирчи туманидаги қишлоқларнинг бирида на ному на унвонга даъвогор бўлмаган бир хоксор инсон йиллар чанг ютиб, заҳмат чекиб шоирнинг меросини жамлади, халққа етказиш чораларини ахтарди.

Ўтган аср 70-80 йилларида Жалолиддин Юсуф кароматгўй шоирнинг ғазал ва мухаммасларини эълон қилди.

Ниҳоят, 1990 йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мутафаккирнинг “Меҳрибоним қайдасан?” номли девони нашр этилди.

2006 йил “Янги аср авлоди” нашриётидан Ж. Юсуповнинг улкан меҳнати эвазига Машраб «Девон»и нашр этилди.

Яхшиликнинг рўёбга чиқиши оғир савдо. Авлиёуллоҳ бугун ғазалларини бутун ўзбек эли куйлаб, Жалолиддин Юсуф уни ташвиқ қилаётганлигини Аллоҳ билади.

Мусулмон яхшиликни холис адо этади... шунинг учун ҳам мусулмон¹.

Мазкур бобда (Таъкид: М. Ҳ.) мутафаккир шоир Машрабнинг ислом динига бўлган муносабатини ва диннинг, диний таълимотнинг унинг шеърлятида ва шоир тафаккурига таъсир этган жиҳатларини таҳлил этишни мақсад қилиб олдик.

Сўнгги йилларда дин, хусусан, ислом дини ва унинг инсоният тарихий тараққиётидаги ўрни масаласига қизиқишнинг кескин даражада ортгани унинг ана шундай кенг қамровли мазмун-моҳияти билан бевосита боғлиқдир бу қизиқиш айни пайтда жаҳон динлари ичида энг ёши бўлишига қарамай исломнинг унга эътиқод қилувчи халқлар, ушбу дин тарқалган мамлакатлар

¹ Гулистон. Машраб. 1997, 4-сон. 26-бет.

ҳаётининг турли соҳаларига кўрсатаётган серқирра таъсири билан ҳам белгиланади.

Ислом динининг юзага келиши бу динга эътиқод қўйиб ижод этган ва улкан мерос қодирган алломалар ҳам бу диннинг умуминсоний, инсонпарвар дин эканлигини эътироф этганлар. Ислом, унинг юзага келиши, ривожланишининг асосий босқичлари, ислом дини билан боғлиқ қадриятлар, ислом фалсафаси ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва уламо, жумладан ватандошларимиз бўлган буюк муҳаддис, фақиҳ, мутасаввиф, муфассир, мутафаккир алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида яхлит ҳамда тизимли тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш-бугунги сиёсатимизнинг узвий қисми, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолати эканлигини ҳамиша таъкидлаб келган¹.

Араб-ислом маданияти ва илм-фан ривожининг энг юқори чўққиси аббосийлар даврига тўғри келади. Давлат тузуми ва идораси урф-одатлар, ҳаёт тарзи, маданият, меъморчилик каби соҳаларда халифаликнинг шарқий вилоятлари Эрон ва Мовароуннаҳрдан кўпроқ ибрат олди, бу минтақалардан чиққан арбобларга суюнилди.

Хорун ар-рашид ўғли Маъмун аввал Хоразм, кейинчалик Хуросон ноибни этиб тайинланган эди. У ёшлигидан яхши маълумот олган, отаси сингари илм-фанга ҳомийлик қилувчи шахс бўлган. Марвда ўз атрофига Хоразм, Суғдиёна, Шош, Фороб ўлкаларидан бўлган олимларни тўплаган. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад Фарғоний, Ҳабаш ал-Ҳосиб номи остида машҳур бўлган Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Марвазий каби олимларнинг илмий-ижодий фаолиятлари учун зарур шарт-шароит яратиб берган.

¹ Ислом. Энциклопедия. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004, 3-4-бетлар.

Халифа ал-Маъмун Марвдаги олимлар гуруҳини Бағдодга таклиф қилади. “Байтул ҳикма” (“Маъмун академияси”) деб ном таратган уюшмани ташкил этади. Маъмун тўплаган олимларнинг деярли ҳаммаси хуросонлик, мовароуннаҳрлик, хоразмлик, бактриялик ва фарғоналик бўлганлар.

Яқин вақтларгача “араб фани” деб аталиб келинган, аслида бошқа миллат вакиллари томонидан араб тилида яратилган илм-фаннинг бунёд этилишида Мовароуннаҳр ва Хуросондан чиққан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Машъал ал-Балхий, Абу Наср Форобий, Касир Фарғоний, Яҳё ибн Мансур, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Турк ал-Хутталий, Марварудий, Баттоний, Маъсудий, Холид ибн Абдул Малик, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, ибн Аббос, ас-Заҳравий, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий каби олимларнинг хизмати беқиёс бўлган. Зардуштийлик ватани бўлган минтақа инсоният маданият бешикларидан бири ҳисобланган¹.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ҳамда Яқин Шарқ халқларининг кўп асрлик ижодий маҳсули бўлиб, бу китоб бир қанча элатларнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларининг вужудга келиши ҳамда ривожланишини ўрганишда қимматбаҳо манбадир. Зардуштийлик динининг асосчиси ва “Авесто” китобининг муаллифи Спитама Заратуштра инсон камолотига катта аҳамият берган².

Минг йиллар давомида жаҳон савдо йўллари ҳисобланган Марказий Осиё минтақасида азалдан ўзига хос бой маданият мавжуд бўлган. Тарихий ҳолатга биноан ўрта асрларда ҳам илғор маданият, илм-фан, айнан шу ҳудудда ривож топгани, кейинчалик Бағдод академиясининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этгани табиий ҳолдир. Санкт-петербурглик олим Б. И. Маршак бу ҳақда шундай ёзади: “Бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон маданияти, фани, адабиёти ва санъатининг араблар томонидан ўзлаштирилган давр эди. Сиёсий ҳокимият араблар

¹ Фозила Сулаймонова. Ислом ва илм. “Ўзб. адаб. ва сан”. 1997, 13 июн.

² Бўри Зиёмухаммадов. Комилликка элтувчи китоб. “Турон-Иқбол” нашриёти, 2006, 187-188-бетлар.

кўлида бўлгани билан маданий ҳукмронлик улар томонида эди. Ҳамма дипломантлар, араб тилида ёзган ҳамма олимлар, шоирлар бекорга Ўрта Осиёдан ва Хуросондан чиқмаган эди”¹.

АҚШ олими Ж. Бернал «Жамият тарихида фаннинг ўрни» асарида ислом дунёсидаги илм-фан ривожига ҳақида шундай дейди: “Оврупонинг кўпчилиги қисми Рим империясининг ҳалокатидан келиб чиққан фалокатга ботиб ётган даврда... мусулмон дунёси ажойиб тараққиётни бошидан кечириётган эди”. “Мусулмон олимлари... тараққий этувчи, жонли фан яратдилар... Бу олимлар Эрон, Ҳиндистон ва Хитой тажрибаларини ўзлаштириб, грек, математика, астрономия ва медицина фанларининг тоғ асосини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар, алгебра ва тригонометрия, оптика асосини яратдилар. Кимё ёки ал-кимёда ҳам мусулмон фани ҳал этувчи ғалабага эришди”².

“Байтул ҳикма” олимлари астрономия, география, математика, фалсафа билан шуғулланганлар. Гиппократ, Арасту, Порфирий, Евклид, Гален, Архимед, Птоломей каби олимларнинг асарларини грекчадан таржима этганлар, уларга шарҳлар ёзганлар.

830 йилда Муҳаммад Мусо Хоразмий раҳбарлигида Ғарбий Ҳиндистонга, кейинроқ Византия, Хазарияга илмий экспедициялар юборилган.

Илм-фан, адабиёт фақат халифалик пойтахти бўлмиш Бағдоддагина эмас, аввалдан маданий анъаналарга бой Хоразм, Марв, Бухоро, Самарқанд, Балх ва бошқа жойларда ҳам ривожланди. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Мансур Ироқ, Абу Али ибн Сино каби кўплаб олимлар фикримизнинг далили бўла олади.

Араблар Сурия, Эрон ва Мовароуннаҳрда ерли маданият билан уйғунлашган грек фалсафаси, адабиёти, илм-фани, санъати ва умуман маданиятининг турли соҳалари билан тўқнашдилар.

Америкалик шарқшунос олим Ф. Роузентал “Билим тантанаси” рисолида шундай ёзади: “Бу давр илм-фан даври

¹ Фозила Сулаймонова. Ислом ва илм. “Ўз. адаб. ва сан.”, 1997, 13 июн.

² Ўша манба, ўша бет.

эди... Қуръондан бошлаб то шеърятгача ҳаммаси махсус илмий фанлар методикаси билан суғорилган эди”¹.

Шоҳлар халқ устидан ҳукмронлик қилсалар, олимлар шоҳлар устидан ҳукмронлик қиладилар, олимлар, шоирлар шоҳлар маслаҳатчиси бўлишининг боиси ҳам ана шундан эди.

Бу даврда илм ва илмдон одамларга нисбатан иззат-ҳурмат, эҳтиром юқори даражага кўтарилган эди. Исломга хос бўлган рационал таълимот илм-фаннинг кўтарилишига имкон туғдирган.

Ислом дини, Приеней ярим оролидан то-Ғарбий Хитойгача бўлган ерларни ўз ичига олган халифаликнинг илм-фанга бўлган муносабати натижасида унинг турли соҳалари ривож топганки, унинг умуминсоний тарих учун аҳамияти беқиёс. Ҳозирги фанларнинг деярли ҳаммаси асос-пойдевори ўша вақтларда яратилган. Унинг амалга оширилишида иштирок этганларнинг аксарияти юртимиз вакиллари бўлганлар. Ислом динига мансуб бўлган турли миллат, халқ вакилларининг ақл-заковати, идроки, билими, маънавий бойликлари бир мақсадга қаратилган ва бу жараёни амалга оширишда ислом динининг бирлаштирувчи кучи туфайли умуминсоний ғалабаларга эришилди².

Ҳадис ёзувчилар сони кўп бўлишига қарамай, муҳаддислар ичида энг кучлиси Имом ал-Бухорий бўлдилар. Имом ал-Бухорий милоднинг 809 йили 13 майда Бухорода дунёга келган. У зотнинг 20 дан ортиқ катта ва кичик китоблари мавжуд. Булар орасида “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” алоҳида ўринда туради. Бу шоҳ асарда ахлоқ ва одобга оид ҳадислар махсус бир бобда мужассамланган ва аҳамияти жиҳатидан Қуръондан кейинги иккинчи диний манба деб эълон қилинган. “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) китобида ҳам ахлоқий қадриятлар ўз ифодасини топган³.

Термизий тўплаган ҳадислар орасида одамларни аҳил бўлишга, жамиятга фойда келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этувчи ҳадислар кўплаб учрайди. “Барча мусулмонлар ўзаро биродардирлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак. Кимда ким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қилса, охиратда Аллоҳ унга ёрдам қилади.

¹ Ўша манба, ўша бет.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. 192-193-бетлар.

Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, Аллоҳ ҳам унинг охиратини енгил қилади”¹.

Араб халифалигида юз берган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, ягона ислом динининг таркиб топиши маънавий ва маданий ҳаётга ҳам таъсир этди. Ислом динининг маърифатга бўлган ижобий муносабати ислом дунёсида, шу жумладан Ўрта Осиёда ҳам катта кўраринкилик руҳини пайдо қилди.

Дин ва диний дунёқараш ҳақида сўз борганда шуни айтиш керакки, мамлакатимизда кейинги 70-80 йил ичида атеистик тарғиботни кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари барбод этилди, асрлар мобайнида амал қилиб келинган маросим ва урф-одатлар таъқиқланди. Қанчадан-қанча масжид ва мадрасалар асоссиз равишда бузиб ташланди. Неча-неча минглаб жилдларни ташкил этган нодир китоблар шахсга сиғиниш ва қатағон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Бугун фан Форобий, ибн Сино. Беруний, Улуғбек, Хўжа Аҳрор ва бошқа буюк шахсларнинг ҳеч қандай диний мафкура қурбони бўлмаганликларини, аксинча, улар ўз даврининг фарзанди эканликларини, ибн Синонинг “Шайх Ур-раис”, Форобийнинг “Устоди соний” унвонлари ислом фалсафаси бўйича берилганлигини яхши билади.

Ибн Сино машҳур ислом файласуфи бўлган, Аллоҳнинг мавжудлигини, Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигини ва бошқа ислом ақидаларини фалсафий йўл билан баён қилган ўнлаб муҳим китобларнинг муаллифи бўлган.

Ўрта Осиё ва Эронда IX-XII асрларда ислом динининг тарқатилиши давом этган бўлса, XIV-XV асрда у ҳукмрон мафкура сифатида мусулмонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини идора қила бошлаган. Қуръон ва унга асосланган ислом қонунчилиги, шариат аҳкомлари барча учун қонуний ҳисобланган, ислом дини маданият, илм-фан ва санъатнинг раванқ топишида катта роль ўйнаган. “Демак, ислом фақатгина диний қоида бўлибгина қолмасдан, айни пайтда у кишилар ўртасидаги фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, эстетик ва маданий муносабатларни акс эттиради”².

¹ Ўша манба, 194-бет.

² Ҳ. Аликулов. Жалолиддин Давоний. Т. «Ўзбекистон», 1992, 11-бет.

Ўрта Осиёда кейинги илмий-маънавий тараққиёт соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида юз берди.

Буюк соҳибқирон ҳар вақт: “Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди деган ҳикматли сўзни такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда ўзи бунга амал қилишга интиланган”.

Амир Темур ўзининг “Тузуқлари”да бундай дейди: «Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағаллардан устун қўймасдим»¹.

Бу Амир Темурнинг энг асосий, биринчи сифати бўлса, унинг иккинчи сифати: “Мен ҳар доим исломга қаттиқ риоя қилдим ва Аллоҳ таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим”. “Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кўндаланг ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим»..

“Мен доим саййидларга эҳтиром билан қарадим, уламо ва шайхларни эъзозладим”.

Темур ва темурийлар даврида илм-фан ҳамда маърифат тез тараққий этиб, жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб олди. Айниқса, Муҳаммад Тарағай Улуғбек даврида адабиёт ва санъат, илм ва маърифат тез тараққий этди².

XV асрда ислом кучли марказлашган давлат вужудга келишига ёрдам берган. Тарихий манбаларда айтилишича, Темур ислом дини, пайғамбар авлодларини, шайхлар, илоҳиётчиларни ҳимоя этган, улардан ёрдамини аямаган. “Темур тузуқлари”да айтилишича, у ҳокимиятни бошқаришда ислом ва шариат қонунларини маҳкам ушлаган, мамлакатни дин ёрдамида бошқарган. Темур ҳукмронлиги даврида илоҳий ва дунёвий фанлар, айниқса фалсафа ривожланган. Улуғбек даврида қурилишлар салмоқли равишда кўпайиб, ҳатто расадхоналар қурилиб, атрономия фани ривожланган. Самарқанд илм-фан марказига айланган. Ўрта Осиё ва Хуросонга ҳукмронлик қилган Темур, Улуғбек, Шохруҳ, Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар ислом динига таяниб, давлатни идора қилдилар, мамлакат қудратини

¹ Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. 200-201-бетлар.

² Ўша манба, ўша бет.

ошириш учун унинг обрўсидан фойдаландилар. Темур ислом дини ва унинг софлигини сақлаш учун жонбозлик кўрсатган, унинг халқ орасига ёйилиши, ривожланишига ғамхўрлик қилган, руҳонийлар ҳурматини жойига қўйган.

XVI асрга келиб ислом дини давлат сиёсий ҳаётида катта рол ўйнади. Шайбонийхон сулоласидан Муҳаммад Шоҳбахт-Шайбоний, Кучкунжихон, Убайдуллахон, Рустам султон, Абдулазизхон, Жавонмардали султон, айниқса Абдуллахон Иккинчи даврида улар шариатга асосланган исломий давлат қурдирдилар. Мушфиқийнинг Абдуллахонга бағишланган қасидасида: Абдуллахон ислом ҳомийси бўлганлиги-чун, Бухоро қуббатул ислом номини олди, дейилган.

XVI-XVII асрларга келиб, яъни Машраб яшаган даврда ислом динининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётга бўлган таъсири янада кучайди. Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандлар ўз ижтимоий-маънавий, фалсафий-ахлоқий қарашларини, ислом дини кенг ёйилган муҳитда тарғиб этганлар. “Яссавий ислом динига содиқ яшаган, худога сиғинган. Муҳаммад пайғамбардан эҳтиромини дариф тутмаган”¹. Яссавий ҳикматларидаги марказий образ-Аллоҳ. У худо ишқи, яъни ишқи илоҳийни тан олади. Навоий эса “Маҳбубул-қулуб”да ишқни уч қисмга ажратиб, учинчисини “ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар ҳақнинг жамолини очик кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар”, -дейди.

Машҳур шарқшунос олим Франц Роузентал ислом ва илм муносабатларига бағишланган “Илм тантанаси” асарида ислом дини мағиз-мағизигача илм олишга даъватдан иборат, деб таъкидлайди². Ислом илм динидир. Шу динда етишиб чиққан ал-Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Термизий, Бухорий, Замахшарий, Насафий, Шоший, ал-Фарғоний, Улуғбек, Жомий, Навоий ва бошқа алломалар ҳам диний, ҳам дунёвий илмларнинг тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Исломда дин, дунё деган алоҳида-алоҳида тушунчалар йўқ. У инсон ҳаётига бирдек қарайди ва бу ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган. Ислом инсонни модда ва руҳдан иборат бўлган,

¹ Ҳ. Алиқулов. Жалолиддин Давоний. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 11-бет.

² Ф. Роузентал. Торжество знания. М., 1978, 84-107-бетлар.

Аллоҳнинг ер юзидаги ўринбосари деб билади. У инсоннинг руҳий тарбиясига қанчалик эътибор қилса, жисмоний тарбиясига ҳам шунчалик аҳамият беради. Ислом бошқа динларга ўхшаб фақат руҳий ҳаётгагина диққатни жалб этмайди, балки ҳам руҳ, ҳам жисмга бирдек маънода тушунади, англайди.

Ислом-яхшиликлар дини. У одамларни фақат эзгуликка даъват қилиб, ёмонликлардан қайтаради. Инсонийликка чақириб, разилликни рад қилади. Одоб-ахлоқли бўлишга, маънан пок яшашга ва равнаққа ундайди. Шу билан бирга меҳнатга, ер юзини обод қилишга, ҳаётни гўзал ўтказишга ҳам илҳомлантиради.

Турли хил тарихий ва фалсафий асарларда Бобораҳим Машраб яшаган муҳитда ислом дини кишилар онгини маънавий жиҳатдан жаҳолат оғуси билан захарлар, уларни эксплуататор синфларга итоат қилишга даъват этар эди, деган фикрлар учрайди. Бизнинг фикримизча, бу динга бир томонлама фақат синфий нуқтаи назардан қарашнинг натижасидир. Ахир дин мусулмон оламининг 1,5 миллиарддан зиёд аҳолисини 14 аср-бир минг тўрт юз йилдан бери имон ва эътиқодга чорлаб келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди-ку.

Ҳозир ер юзида 200га яқин расман давлатдан 39 тасида ислом дини расмий дин ҳисобланиб, ислом республикалари ҳам 10 дан ортиқроқдир.

Машраб дини исломдан чекинмаган ҳолда аввало Яратган-Аллоҳни, унинг пайғамбарларини, уламою киромларини шеърларида мадҳ этди. Шунингдек, у адолатсизликни, тенгсизликни, қон тўкилишини қаттиқ қоралади.

Бобораҳим Машраб одамзотнинг дардини жуда эрта англаб етди. Жуда эрта ёшидан атрофида доим бегуноҳ қурбонларни-ҳосили етилган далалари, пайҳон қилинган деҳқонларни, боғлари кесилган ва топталган боғ-роғларни, дастгоҳлари бузилган ва ёндирилган уста, ҳунармандларни, чорвалари таланган ва бўғизланган чорвадорларни, халққа ҳақиқий маърифат беришдан ожиз қотиб қолган ақидаларни, тўтидек такрорлаган, халққа чин ҳаёт мактабини яратиб беролмаган шарият пешволарини кўрди.

Машраб яна ўз умр йўлларида хонадони тўзиган, хонумони барбод бўлган, у хон зулмидан қочиб доим бу хон зулмига тутилган, қаерга борса ўша ерда қирғинга дуч келган,

бошбошдоқликдан чиқмаган, бесаранжом, кўчманчиликка гирифтор халқни кўрди. Ўзаро ички ва ташқи урушларда халқнинг асл ўғлонлари ўз қонига ғарқ бўлиб, хонлар ўз халқлари томирига тўхтовсиз болта ураётганликларини кўрди. Хонлар ўзларини ҳақ деб билар эдилар. Амирлар ўзларини ҳақ деб билар эдилар. Уларнинг бари ўз ҳақларига шафқатсиз зўравонликлар билан эришмоқчи бўлар эдилар. Тўхтовсиз зўравонликка дучор бўлган халқнинг ўнгланиши, ўзини таниши, халқ сифатида намоён этиш ғоятда қийин кечади¹.

Машраб чамаси ҳеч ерда шу маънода исён ёки ғалаён сўзини қўлламайди. У ҳур фикр, эркин фикр деганда “куфр ўти”, ҳур фикрли одамлар деганда “куфр эли” деган тушунчаларни ишлатади. “Куфр” деганда исёнкорликни ва барча зулмпешалик ва мутлақо бефойда зухд-тақвога қарши исёнкорликни назарда тутди. “Этагимни елпишидан юз худо пайдо бўлур. Бу дилимни кавламанг, оташкадо пайдо бўлур”, дейди Машраб.

XVII-XVIII асрларда Марказий Осиё халқларининг фан ва маданияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланди. Инсон даҳоси ва заковати не-не машаққатлар билан бўлса-да, ривожланишда давом этди, санъат, адабиёт соҳасида истеъдодли кишилар етишиб чиқди.

Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мужрим Обид, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Шариф, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар ўша мураккаб тарихий даврнинг эл-юрт назарига тушган фан арбоблари, атоқли шоир ва ёзувчи-олимларидир².

“Дин билан фан бирлашиб кетади, бирлашиб кетадигина эмас, дин фанга нисбатан устунлик ҳам қилади”,-дейди инглиз адибаларидан бири. Чунки диннинг асоси фандир. Алҳол, ислом динида ҳам фан диний-дунёвий илмларга нисбий ҳолдагина бўлинади, аслан бари илмдир.

Машраб имонсизлик ва эътиқодсизлик қилиб халқларни ёппасига қириб ва бадном қилиб, зулм ва зўрлик билан салтанат юргизаётган баъзи халқларни маҳшар куни Аллоҳ дўзах ўтига ташлаб куйдирилишини айтади:

¹ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-ҳалоскор. “Шарқ”, Тошкент, 2006, 278-бет.

² Ж. Тўланов, З. Ғофуров. Фалсафа. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1997, 81-бет.

*Баъзи халқларни Худо дўзахга солиб куйдурур,
Найласун маъшар кунига ҳеч макони бўлмаса¹.*

Зотан озар халқининг фарзанди, хурфикрлилиги учун қурбон бўлган, эътиқодидан қайтмагани учун тириклай териси илинган Насимий ҳам худди Машрабдек инсонни коинот тожи, бебаҳо гавҳар, сажда қилишга сазовор зот, деб эълон қилди. Насимий инсонни илоҳийлаштирди, инсон худонинг ўзидир, деб уни бутун мавжудотнинг бош ва марказий вужудига, маъносига айлантди. У устози Наимий томонидан яратилган хуруфийчилик пантеизмини ривожлантди:

*Ҳақ таоло одам ўгли ўзидир...
Жумла олам билки Аллоҳ ўзидир².*

Машраб ҳам хурфикрлилик руҳида шеърлар ёзиб, уларни халқ орасида тарғиб қилди.

Машраб дунёқарашида ислом динига муносабат муҳим ўринни эгаллайди. У баъзида динни танқид қилса, баъзида уни қаттиқ ҳимоя этади. Ана шундай эсхатологик қараш ёки охират ва нариги дунё тўғрисидаги диний тушунча ва у билан боғлиқ бўлган жаннат ва дўзах тасаввурларидир. Ислом дини дунёни иккига: бу дунё ва нариги дунёга бўлади. Диний таълимот бўйича ердаги ҳаёт ўткинчи, вақтинчилик, фоний, нариги дунё эса абадий ва мангу деб талқин этилади³.

Нариги “боқий” дунёда инсон жаннатда яшаши, бу дунё ноз-неъматларидан воз кечиши керак.

Машраб ҳам бошқа мутафаккирлар сингари бу ақидаларни инкор этмаса-да, аммо у уларнинг устидан ҳажв тиғи остида кулади.

Баъзи машрабшунос олимлар шоир шеъриятини ўрганишда бир томонлиликка йўл қўйиб таҳлил этадилар. Умар Хайём майни куйлагани билан у зинҳор майхўрликни тарғиб қилган

¹ Машраб. Ғазаллар. “Ўзб. адаб. сан.”, 1991 йил 22-май.

² Насимий. Асарлар. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1977, 11-бет.

³ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлилиги тарихидан, 156-бет.

эмас, шеърий мажозда ифодалаган холос. Машраб намоз ўқиш, рўза тутишни ҳам ярамас нарса деб билади ва очикдан-очик; “Намозу рўзадан фориғ Машрабман”, дейди. У фақат худони тан олади. Машрабнинг сўфизмга ҳаддан ортиқ берилиши унинг ижодининг қолоқ томонидир¹.

Кўпгина олимларимиз Машрабни худосиз, у худони тан олмаган, намоз ўқимаган, рўза тутмаган деб талқин этадилар. Бундай фикрларга қўшилиб бўлмайди. Аслида Машраб намоз ҳам ўқиган, рўза ҳам тутган. Бизнингча, Машрабнинг сўфийликка берилиши унинг ижодининг қолоқ томони эмас, у намозу рўзада ҳам Ҳақнинг зухурини ўзида мужассам этиб, вужудини Ҳаққа беради.

Хайём рубоийларидан завқ олган баъзилар: “Хайём майпараст бўлганми?” деган саволни ўртага ташлайдилар. Умар Хайём рубоийларидаги май-бадий образ бўлиб, уни жўнгина ва айнан тушуниш тўғри бўлмайди.

Хайём рубоийларидаги май образига турли ва мураккаб вазифалар юкланганлигини қуйидаги мисол ҳам кўрсатиб турибди:

*Ҳаётга ўзга тус бергувчи шароб,
Келтир қадаҳга қуй, бўлса ҳам азоб.
Қўлга бер, оламнинг ишлари хуноб,
Ҳар нафас умр ўтар, айлагил шитоб².*

Бу рубоийда шоир май образи орқали ўз замонидаги қийин-қистовли ҳаётга “ўзга тус бериш”, яъни уни ўзгартириш масаласини қўймоқда.

Инсонларни дўстлик ва иттифоқликка чақирган мутафаккир Хайём:

*Дўстлар, иноқликни қилсангиз бунёд,
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод,
Соқий тоза майни сузганда, айланг,
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд,¹ - дейди.*

¹ А. Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. Т, 1974, 158-бет.

² Умар Хайём. Рубоийлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1981, 7-бет.

Академик В. Абдуллаев давр нуқтаи назариданми, Машраб ҳақида: «Рўза, намоз, ҳаж, закот, масжид... каби йўл-йўриқларни рад этган» лиги учун мутафаккирни мақтайди.

Бизнинг фикримизча, Машраб шеърояти фақат юзаки, ташқи томондан таҳлил этилса, уни буст-бутун ўзлиги-ишқи илоҳийси, “ёр”идан ажратилса, унинг диний қараши сохталаштирилган бўлади.

“Қиссаи Машраб”да айтилишича, Машраб Ийла шаҳрига келади. Ийланинг ҳокими Кунтожи тарсо динида эди. Унинг Офоқ исмли бир қизи ҳам бор эди. Кунтожи Машрабни авлиёга хос ишқий ғазаллар ўқишига тан берди ва ҳазиначига бир тобоқ олтин олиб келиб Машрабга беришни буюрди: “Эй девона, Худойинг барҳақ ва дининг рост экан, тамом умримни худодин беҳабарлик бирла ўтқарибдурман. Бу олтуни олиб мани ҳақимга дуо қилинг. Шоядки, мусулмон бўлгайман”². Машраб Кунтожидан олтинни олмайди. “Шоҳ Машраб айтдиларки: Менга дунё бериб, дуо қил деган кишига дуо қилмасман, аввал мусулмон бўл, андин сўнг ман дуо қилай, дунё ва охиратинг маъмур бўлсин”.

Кунтожи тарсо динида бўлганлиги учун юрт муҳолифлари динимдан кечсам фисқ фасод қиладилар. Пинҳона бўлса-да, мусулмон бўлиб, намоз ўқиб, рўза тутай дейди. Машраб унга калимани ўргатиб, мусулмон қилдиради ҳамда пири комили Офоқхожани Кунтожига пир туттиради. Айдики: “Гувоҳ бўлингки, ҳазрати Офоқхожамни пир туттум шаҳримни ниёз қилдим”. Шоҳ Машраб Кунтожи бирла хотунига намоз таълим бердилар, нияти ғусул ўргатдилар³. Машрабни кўргандаёқ унга ошиқ бўлган Кунтожининг қизи Офоққа ҳам калима ўргатиб мусулмон қилади. Шоҳ Машраб айдилар: айгилки: “Лоилаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”.

Юқорида келтирилган фикрдан Машрабнинг ислом динига бўлган эътиқоди нақадар кучли эканлиги, у мусулмонликнинг барча қоидаларига тўлиқ амал қилганлиги равшан бўлади.

¹ Ўша китоб, 8-бет.

² Қиссаи Машраб 54-бет.

³ Ўа саар, 55-бет.

Навоий “Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас” деганидек, Машраб ҳам чин “ошиқ” сифатида ўз қарашларининг зуҳурини ваҳдат ташкил қилиб, уни Ҳақдагина кўради.

Машраб ҳар бир ишни бошлашдан олдин бисмиллони ва аллоҳ (Кулҳу-оллоҳу-аҳад-Аллоҳ бирдир,) яъни ягонадир (Қуръон, Ихлос сураси, 1-оят) нинг номини тилга олади, Аллоҳнинг номи унинг ҳар бир бандалари қалбига муҳрланганлигини, унинг минг бир сифоти борлигини, у одам зоти пайдо бўлмасдан олдин вужуди мутлақ эканлигини айтади.

Мутафаккир илоҳни ер юзи одамларининг подшоси, ҳамма фонийликда яшайди, сенгина боқийсан, сен билан фақат ваҳдатга киришганларгина учраша олади, деб ҳисоблайди. У сен яратгувчисан, еру осмонни яратган ҳам ўзингсан, сен кимларнидир ғаний (бой), кимларнидир мискин этиб яратдинг, шу туфайли ҳам номинг яратгувчи, алалхусус, кофиру-мусулмонга неъмат бергувчи сен деб, унга мурожаат қилади:

*Ибтидо қилдимки, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
“Кулҳуваллоҳу аҳад” зотинг эрур ислом азим.
“Кунту канзан махфиян” ҳар банда кўнглида муқим,
Минг бир исмингни сифотини бир эрмиш карам,
Оламу одамни қилмасдин бор эрдинг қадим¹.*

Машраб худонинг сиймосида ҳақиқат зуҳрини кўради.

Мутафаккир Муҳаммад пайғамбарга Жаброил воситасида раббул оламин томонидан ваҳий (ғойибдан овоз) тушганлигини, халлоқи оламнинг буйруғи билан ер юзидаги одамлар унга уммат бўлганлигини, Ҳақ таолога икки дунёда-фоний ва боқий дунёда Муҳаммаддан яқин киши йўқлигини айтади.

Машраб Маккадаги кудуқдан оби замзам (сув) олиб ичади, тўрт пайғамбаримиз Абу Бакр, Али, Умар, Усмон қабрларини зиёрат қилади ва мусулмончилик фарзи пайғамбаримиз юрган жойларни тавоф этиб келади.

Машраб Қуръон чорёрлардан, Усмон бошлиқ пайғамбаримиз халифалари томонидан жамланганлигини, чорёрлар ҳам Аллоҳнинг яқин кишилари эканлигини таъкидлайди.

¹ Қиссаи Машраб. 10-бет.

Машраб дарбадарлик йўли- қаландарликни танлаганини, дашту саҳроларни кезиб юришини, аммо вужуди, тани ҳеч ором топмаслигини Илоҳга айтиб, ундан ўзига бир назар солишни, унинг (илоҳнинг) назари қаландарга бир тушсагина жони роҳат топажаклигини ундан ўтинади:

*Жаброил келтурди ваҳий, айдики роббил оламин,
Халқи оламга сани қилди расули мурсалин.,
Бўдилар уммат Муҳаммадга ҳама рўйи замин,
Ҳақ таъолога анингдек ўзгаси йўқтур яқин,
Чу Муҳаммад икки дунёга эрур дурри ятим.
Эмди келдим ёри саввум мадҳини айлай баён,
Жомиъул Куръон, ки Усмон эрди ул оли нишон,
Ёри чорум ҳазрати шери Худо соҳибқирон,
Қотили куффор ул, дулдул сувори ломакон,
Худойи роҳи ҳақиқатда сиротил мустақим.
Ё илоҳи, эмди қилгайсан бу бандангга назар,
Жандами, бар дўш этиб кирдим бу йўлга дарбадар,
Дашту саҳраву биёбонларни излаб сарбасар,
Топмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,
Бир назар қилсанг, ки роҳат тобқуси жону таним¹.*

Машраб худодан кўрққан, шунинг учун у Каъбатуллоҳга бориб, бошини меҳробга кўяди:

*Каъбаи асрорни топқаймуман деб Машрабо,
Ман худодан кўрққанымдан Каъбатуллоҳ бораман².*

Машраб дунёқарашига мос ҳолда ижодига ҳос бўлган ҳолат фақат яратувчи худони, унигина тан олиш ва айни замонда шариатнинг зоҳирий талабларини инкор этиш, баъзи диний ақидаларга шубҳа билан қараш-унинг шеърларида кўриниб туради.

Бир худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,

¹ Қиссаи Машраб. 11-бет.

² Машраб. Ғазаллар. “Ўзб. Адаб. сан.” 1991-йил, 22-май.

Гул агар бўлса илкимда тиконни на қилай¹?

Бу ерда Машраб на шариатни, на диний ақидаларни инкор этипти ёки шубҳа остига оляпти. Аксинча, ғазалнинг давомига эътиборига қаратайлик:

*Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкора бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай.*

Бу ғазалдан парча мазмунини сўфийлар таълимоти ёрдамисиз очиш мушкул. Қуёш мавжудлигини намоён қиладиган нарса-унинг бизга етиб келадиган зарралари. Худо-улуғ сирри ниҳон. Бу сирри ниҳон ошкор бўлмаса, яъни унинг васлига етолмасам, ошиқ бўлиб нима қилдим, гул эса (юқоридаги мисрада мажозий маънода ошиқлар васлига етиш учун интилган ёр) Машраб наздида ёр-ҳаққа етишиш, унга восил бўлиш. Демак, Машраб гулга (ёрга) кўли етгунча интилади, шунинг учун у якка худонигина тан олади, унга эътиқод қилади.

Машраб Офоқхожа маконида шариат илмларини эгаллаб бўлгандан сўнг, узоқ сафарга, аввало Маккага-Каъбага, Мино тоғига борганлигини, пайғамбарни зиёрат қилганлигини тез-тез эслатиб туради. Парвонанинг мақсади ёруғликка интилиб, ўзини унинг тафтида ҳалок этишдир. Машраб шунинг учун дунёнинг вафосиз эканлигини, унда маккор ва айёрлар борлигини, унинг майи аччиқ эканлигини, ўша аччиқ майни бир ялаб ўтганлигини, нафсни тийганлигини, нафсга қарши туну-кун уруш очганлигини, уни қиймалаб турганлигини, девона бўлиб Ҳақ ошиқлари кўнглига бир чўқ ташлаб, ўт қалаб ўтганлигини ва охир-оқибат унинг рухсорини кўрганлигини шеърида изҳор этади:

*Ишиқ водисидан бир кеча ман ҳай-ҳалаб ўттум,
Монанди найистон гулуға ўт қалаб ўттум.*

*Офоқни бир лаҳзада кездим на ажабдур,
Мино тоғидин акка сифат ҳаккалаб ўттум.*

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан, 62-бет.

*Оттим фаши досторини девоналиг айлаб,
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.*

*Билдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,
Мардона бўлуб, балки, этак силталаб ўттум.*

*Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,
“Борғил нари!” деб кетиға бир шатталаб ўттум.*

*Билдимки они душмани маккорайи айёр,
Ло тирноғи бирлан юзини тирмалаб ўттум.*

*Мардона Худо дедики: “Дунё майи аччиғ”,
Аччиғлигини билмак учун бир ялаб ўттум.*

*Нафс кофири бирлан туну кун қилдим урушни,
Танҳо қиличи бирлан уруб, қиймалаб ўттум.*

*Хомуш пичоғин ҳар дам онинг бўғзиға қўйдум,
Чўғ найзаси бирлан кўзини найзалаб ўттум.*

*Девонайи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,
Ошиқ элининг кўнглиға бир ўт қалаб ўттум¹.*

Қуръони каримда бир неча оятларда уммулкитоб, китоб макнун, китоб мубин, суҳуфи мукаррама, китоби хафиз, имом мубин тарзида тилга олинган Ал-Лавҳ Ал- Маҳфузга, яъни ер юзида нимаики бўлган ва бўлади-ҳаммаси бирма-бир ёзилган Азал китобига бориб уланади. Яссавий, Боқирғон, Машраб каби буюк шоирлар “дафтар ” деганда, доим унинг қудсий маъносини назарда тутадилар.

Сўзларнинг қудсий маъно касб этиши кунда неча-неча маротаба қўлланиладиган жуда оддий, жуда одми сўзлар устида ҳам юз беради:

¹ Машраб. Девон. 2006, 177-бет.

*Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано қилди,
Худога бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас-*

байтида, қарангки, “ўшандоғ” сўзи қудсий сифат касб этади. Мустафо-жаноб пайғамбаримизнинг сифатларидан бири. Бунда “ўшандоғ” сифатга сифат бўлиб келяпти. “Ўшандоғ” деган сўз ул олий зотнинг айтилган ва айтилмаган барча фазилатларини, умумжаҳон моҳиятини қамраб олади.

*Худди шунингдек, шу газалнинг охирги байтида:
“Узоғ эрмиш ўшал зебо санамнинг қасри, эй Машраб,
Агар минг йил жадал қилсанг, у манзилга этиб бўлмас”*

сатрларидаги “узоқ” сўзи ҳам қудсий даражададир. “Узоқ” деганда, одатда бизнинг кўз ўнгимизга, айтайлик, Тошкентдан Ҳиротга ёки Маккага ёки Филадельфиягача бўлган масофалар келиши мумкин. Бунда “узоқ” бизга реал тасаввур беради. Яссавийдан бизгача узоқ масофа бор деганда ҳам аниқ бир вақт улушини назарда тутамиз. Лекин Машраб сингари санамнинг, яъни Яратганнинг қасрини “узоқ” дейиш бунда энди сўз бутунлай бошқача тасаввур дунёси яратади. Бу “узоқ” ҳеч ҳам анави “узоқлар”га ўхшамайди. Бу “узоқ”-чексизлик. Унинг чегараси йўқ. Чунки у адам мулки йўлидир. Шу йўлнинг туганмас сифатидир ва шу боис у улвий мақомдадир¹.

Машраб гарчи исломнинг асосий негизини қабул қилса-да, айнаи замонда унинг баъзи шартларини қабул қилмайди. Бундай ҳолат, айниқса, унинг дин арбобларини, шайх, зоҳидларни танқид қилганида янада равшан кўринади. Машраб худони дилига жо қилиб Маккага боришни, ёрсиз (Машраб бу ерда худо ёди билан демокчи) ва бодасиз (худо ишқи билан) ҳеч жойга боролмаслигини эслатиб, сўнгги пайғамбарларимиздан Маккани қурган Иброҳим пайғамбаримиздан қолган худонинг уйини эски дўконга ўхшатмаяпти, аксинча худо ва унинг ёди билангина Маккага боришни, агарда у ерда унинг васлини кўрмасам, сўнгра мен учун дўзах ва жаннат бир пул дейди. Шунинг учун у дўзах

¹ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-ҳалоскор. “Шарқ”, Тошкент, 2006, 292-бет.

азобидан кўркмайди, жаннат ҳузур-ҳаловатига эътиборсиз қарайди:

*Ёрсиз, ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдан қолган у эски дўконни не қилай?
Урайнми бошима саккиз беҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?
Аршинг кунгурасин устига қўйдим оёғим,
Ломаконидин хабар олдим, маконни на қилай?¹*

Ломакон-у дунёсидан ҳам хабардор бўлган Машраб терс ғояларни тарғиб қилгандек туюлади. Аммо мутафаккир Машраб ломаконга восил бўлган мутлоқ руҳ нафақат макондан, балки замондан ҳам хориж-у азалий ва абадий: унинг олдида мавжуд дунё бир лаҳзалик қўнимгоҳ (“бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кеттим”).

Аслида-чи? Аслида баъзи рухонийлар Машрабни даҳрий ҳисоблаб, у аршинг кунгурасига оёғини қўйган, аршинг кунгураси Худонинг оёғи тагига етиб туради, Маккадаги масжиднинг кунгураси энг баланд, угина булутлардан юқори, Ҳақ турган жойгача чўзилган деб ҳисоблайдилар. Машраб ҳам ўз дунёкарашида туриб, буни тан олади. Негаки, Ҳаққа етишган кишигина (худо ёнида туриб) ломаконда ва ҳақиқий маконда (ерда) нима бўлаётганлигини кўриб туради.

Бизнингча, Машраб Ҳақ ёнида туриб, дўзахда куяётган гуноҳкор осийларни ҳам, жаннатда фароғат нашъу намосини сураётган художўйларни ҳам арш кунгурасига оёғини қўйиб кузатаётганлигини яширмайди. Тасаввуф истилоҳидан хабардор киши буни осонгина тушуна олади.

Мутафаккир “Ахтариб” радифли мухаммасида ўз кураш ва интилишлари учун нажот йўлини кўп излаганлигини, аммо бу изланишлардан бирон-бир ижобий натижага эриша олмай, “юррак дардига дармон топа олмаганлигини” очик эътироф этади.

Машраб Нуҳ пайғамбардек тўфонда юрганда ҳам, Халил пайғамбардек оташин нутқ ирод қилганида ҳам дардига дармон

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 62-бет.

ва малҳам топа олмаганлигини, макон ва замон унга тескари боққанлигини, аксинча:

*Муҳаббат даштида оввора бўлган халқни кўрдум,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум.
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,
Дили тизги ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,
Зулм тугён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо*

-дея нолийди. Шунинг учун Машраб камбағаллар, оч-яланғоч халқ тақдирига, етим-есирларнинг ночор аҳволига ачиниб қолмай, умуман, бутун инсон зотининг аҳволига ачинади. Чунки халқ “муҳаббат даштида оввора”, яъни Ҳаққа етишиш, Ҳақиқатни кўриш иштиёқида Мажнун каби сарсон-саргардон, умид кўзлари кўкка тикилган. Шоир демокчики, дунёнинг зулми беҳад кучайиб, вужудимизни кўринмас тўр билан танҳо ўраб олган. Биз бундан беҳабармиз, ҳар биримиз изтироб чекамиз ва яна ўзимизни унинг комига отамиз. Бироқ руҳимиз бу зулмдан қутилиб, эркин бўлишга интилади. Шу зайлда, инсон руҳ ва жисм талаблари орасида азобда. Бу инсон табиати ва тақдирига хос улуғ бир фожиани англаш ва уни шу фожиа домидан қутқариш йўлини қидириш эди. Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румий, Фаридуддин Аттор, Машрабларнинг ниятлари шу қадар юксак. Уларнинг фикрича, қутилишнинг йўли-илоҳий муҳаббат: “Фисқу фуҷур гуноҳларини” шу улуғ муҳаббат ўтида куйдириш керак. Машраб инсонда илоҳий фазилатни кўриш ва севиш, айна вақтда илоҳда ҳам инсон хислатини кўриш ва севишни тарғиб этади. Бу маслакнинг мантиқи шуки барча яхшилик, эзгуликлар Илоҳдан, шунинг учун Илоҳни севган киши ердаги яхши одамларни, ёру биродарлари, ота-онаси, эл-юртини ҳам севади, карамли-саховатли бўлади. Энди Машраб икки дунё нақди, ҳуру ғилмон, аршу курси ҳам ўзимман дейишга ҳақли.

Ана шундай олий тафаккурий ва тахайюлий оламни кашф этолган шоир:

Барчага молу жонини, неъмату мулки жойини,

Менга берубдур оҳини-ушбудурур салобатим¹.

деб яшаш моҳиятини, умрининг мазмуни ва мақсадини комил инсонларга тушунтириб беради ва ҳамма нарса илоҳий кучга-Аллоҳга боғлиқ эканлигини айтади:

*Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,
Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим...
Ҳама айтурки, Машраб, мунча илмни кимдин ўргандинг?
Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин ўргандим².*

Аллоҳнинг тўқсон тўққиз номи бор. “Мавло” сўзи ҳам Аллоҳнинг бир номи. Демак, Машраб онадан туғилгандан бошлаб Аллоҳни дилига жо этиб, унинг лутфи-карами ва хидояти билан излаган нарсани Ҳақдан олаётганлигини айтади. Машраб худони бир сония ҳам ёдидан чиқарган эмас. Аммо етмиш-саксон йиллик кейинги даврда совет мактабларида, баъзи манбаларда у даҳрий, шаккок, уни ўрганиш зарур эмас дейилган бўлса, баъзи манбаларда у илоҳий шеърлар битувчи, исёнкор, мутаассиб, реакцион шоир деб дарсликларга киритилмади.

Машраб жамиятдаги барча бебошликларнинг, халқ бошига тушаётган чексиз жабр-ситамлارнинг негизини адолатсизликдан, зўравонликдан деб билади. Шунга кўра у ўзининг ўткир қалам кучини ҳукмдор табақалари, сохтакор дин “пешво”ларини, шайхлар ва муллаларни танқид остига олади. Шоир назарида ана шу унсурлар жоҳил, маънавий бузук, беҳаё, ёлғончи тубан одамлардир.

Бобораҳим Машраб ўзининг жамиятга терс ва эркин фикрлари учун ҳукмрон мусулмон мутаассиб дин ҳомийларининг қаттиқ тазйиқига учраган эди. Унинг бутун умри дарбадарликда ўтди ва оқибатда аштархонийлар сулоласининг охирги хони Абулхайр замонида уламоларнинг фатвоси, Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмудбий қатағонбийнинг ҳукми билан қатл этилди.

Файласуф олим Иброҳим Мўминов Мовароуннаҳрдаги темурийлар ҳокимияти Шайбонийхон томонидан йиқитилганлигини, сўнгра Шайбонийхон, Убайдуллохон,

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 9-бет.

² Шоҳ Машраб қиссаси, 5-бет.

Абдуллахон Иккинчи даврида мамлакатда ислом динининг юксалиши вужудга келганлигини, XVII аср ва XVIII аср биринчи чорагида ҳокимиятда бўлган аштархонийлар даврида Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги ўзаро уруш ва тўқнашувлар натижасида Қўқон хонлиги ажралиб чиқиб, мамлакат инқироз ва таназзулни бошидан кечирганлигини, деҳқон ва ҳунармандлар ҳукмрон табақаларнинг борган сари кучайиб бораётган зулми остида инграши, мистицизм кучайиб, ислом динининг таъсири ўсганлигини, мусулмон мутаассиб руҳонийларининг руҳий диктатураси ўзининг энг юқори нуқтасига етганлигини таъкидлайди:

Шу даврнинг мадрасаларида геометрия, математика, араб тили, мантиқ ва форс-тожик ҳамда ўзбек адабиёти классиклари асарларининг элементар асосларигина ўқитилса-да, бироқ калом схоластикаси асосий ўринда турар эди. Саводхон кишилар кўчаларда, чойхоналарда ўз атрофларига халойиқни тўплаб Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа шоирларнинг шеърларини ўқиб берар эдилар. Бироқ бу саводли кишиларнинг кўпчилиги юқори табақалардан, хусусан руҳонийлар орасидан чиққан бўлиб, шоирларнинг ғояларини ўзларича талқин қилар эдилар, улардан ислом динини тарғиб қилиш мақсадида фойдаланар эдилар. Деҳқонлар ва ҳунармандлар орасида саводлилар деярли йўқ эди. Бироқ халқ ўртасида ўткир ақл-идрокли бахшилар, ажойиб қизиқчи-аскиябозлар анчагина бўлиб, улар меҳнаткаш халққа зулм жафо қилаётганларини фош қилардилар, улардан кулар эдилар¹.

В. В. Бартольд Бухоронинг XVII асрдаги маданий ва илмий ҳаётидаги баъзи ютуқларни кўрсатиб, бундай деб ёзган эди: “Ўша вақтдаги адабий асарлар ҳам маданий ишларни давом эттирилганидан далолат беради, тарих ва мусулмон ҳуқуқи тўғрисида катта-катта асарлар ёзилган, бу асарлар илмий тафаккур соҳасида қилинган ижоддан гувоҳлик бермаса-да, лекин илгари яшаган олимларнинг асарлари билан тубдан таниш бўлганликни исботлайди, XVII асрдаги Бухоро олимининг

¹ Иброҳим Мўминов. Танланган асарлар. “Фан”, Тошкент, 1969, 43-44-бетлар.

перипатетиклар ва стоикалар ҳақида асар ёза олиши фактининг ўзи ҳам характерлидир”¹.

Машҳур шоир ва мистик сўфи Машраб, Сўфи Оллоҳёр ва уларга эргашувчилар ана шу тарихий шароитда яшадилар ва ижод қилдилар.

Машраб-айрим тазкираларга кўра, шоир Раҳимбобонинг (XVII аср охири-XVIII аср бошлари) тахаллусидир. Унинг асли Намангандан. У ўз дунёқарашларининг асосларини “Мабдаи нур” номли шеърый асарида ифода қилган.

Машраб шайх ва муллаларнинг фирибгарликларини фош қилади; золим ва деспотларни қоралайди. Унинг ажойиб лирик шеърлари китобхонда олий эмоционал туйғу, чуқур рухий кечирмалар пайдо қилади. Бироқ, Машраб асарлари мистикадан холи бўлмай, улар меҳнаткашларни реал турмушдан узоқлаштириб, табақавий курашдан четлатган. Мана шунинг учун умуман Машраб ижоди Ўрта Осиёда ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида объектив равишда ижобий роль ўйнаган деб ҳисоблаш керак².

Ўрта асрчилик ва диний фанатизмнинг ана шу зимистонида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ажойиб ғояси “Ваҳдати мавжуд” худди чакмоқ каби шуълаланди. Унинг асарларида, ҳинд пантеизми билан бир қаторда, ибн Сино, Умар Хайём, Саъдий, Улуғбек, Алишер Навоий, Машрабларнинг прогрессив қарашлари ҳам ўзининг равшан ифодасини топди.

Шу пайтгача ёзилган фалсафий адабиётларда Машраб шахси, унинг дунёқарашлари бир томонлама талқин этиб келинди. У гўёки фақат динни, исломни оёқ ости қилмоқда, у шаккок ва даҳрий шоир дейилди. Дунёвий фанларда унинг хиссаси йўқ деган асоссиз даъволар қилинди. Ҳақиқатда эса, Машраб, тўғрироғи динни эмас, ундан ғоявий қурол сифатида фойдаланиб келган нопок кимсаларни қаттиқ ҳажв тифига олди. Бу эса аслида Машраб ислом динининг муҳолифи эмас деган сўздир.

“Кимки,-дейилади Қуръонда-келажак ҳаёт экинини экса, биз унинг ҳосилини кўпайтирамиз, кимки яқин ҳаёт экинини афзал

¹ В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана, СССР ФА нашриёти, 1927, 99-бет.

² Иброҳим Мўминов. Танланган асарлар. 44-бет.

кўрса, биз унга хоҳлаганини берамиз, аммо унга келажакда ҳеч қандай ҳисса йўқ” (Қуръон, 19-сура, 42-оят).

Ўтмишнинг аксарият мутафаккирлари сингари Машраб ҳам диний ақидаларни инкор этмаган бўлса-да, тасаввуф пардаси остида, ҳажвий йўл билан улар устидан кулади. У охират, жаннат, дўзах, қиёмат каби ислом ақидаларининг мавжудлигини танқид қилиб, ердаги ҳаётнинг афзаллиги ҳақида гапирди:

*Гофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,
Дунё дедиму охиратимни сота кеттим¹.*

Машраб қарама-қарши ғояларининг ижобий томонларидан бири шуки, у кишиларни дўзах, охират ваҳимасидан кўрқмасликка чақиради:

*Ул қиёмат шиддатидан зарра ҳам сен кўрқмагил,
Номаи мақсадни илкинга жо қилгучиман,
Ул сифат остида дўзах деб паришон ўлмагил,
Пистани пучогига дўзахни жо қилгучиман².*

Машраб шеърларидаги тафаккур дурдоналари, одам ва олам ҳақидаги мушоҳадалари, ҳаётий хулосалари яхлитдир. Шоир гуманизми унинг одам аҳлини доимий тоат-ибодатга берилиб, Маккани тавоф қилиш ташвишларини бўйнига олишдан кўра, эҳтиёжманд кишиларнинг кўнглини олиш, мухтожлар дардига малҳам бўлишга чақирганида янада яққолроқ намоён бўлади:

*Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?
Ки банд эттинг оёқларни, яна бандлар узилмазму?
Ноумидлик куфр эрур, дўстлар, умид қилмоқ керак³.*

Машраб дунёқарашининг зиддиятли томони шундаки, у бир томондан ислом динига эътиқод қилса, баъзан иккинчи томондан Қуръон ўрнига Ҳофиз шеърларини афзал кўради.

¹ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент, “Фан”, 156-бет.

² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 25-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 25-бет.

Машраб шайх ва муллаларнинг диннинг қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган кирдикорларини очиб ташлайди. Унинг зид ғоялари, қатор ноизчилликларга қарамасдан ўткирлиги, заҳархандалиги, социал йўналиши билан кескин ажралиб туради. Машраб ўзининг шаккоклиги учун бутун умр қувғинликда яшади, сарсонлик ва муҳтожликда кун кечирди. Бу ҳақда Машрабнинг ўзи шундай дейди:

*Беҳишт айвонида бўлмоқ иложин орзу қилмай,
Сотарга дину дунёни ривожин орзу қилмай,
Яна Риму Хито божу хирожин орзу қилмай,
Шаҳи рўйи заминни тахту тожсин орзу қилмай,
Гадои фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо¹.*

Ҳалложнинг антологик (борлиқ ҳақидаги) таълимоти унинг юнон фалсафаси билан таниш бўлганлигини яққол кўрсатиб туради ва бу таълимот, умуман олганда, куйидагиларга бориб тақалади. Худо, унга кўра, билиб бўлмайдиган (трансцендент) зотдир. Борлиқни яратгунга қадар у ўз зотининг буюклигини кузатиб, ўзи билан ўзи гаплашган. Муҳаббат шу тарзда пайдо бўлган. Муҳаббатнинг худога биринчи марта намоён бўлиши (тажаллиси) унинг сифат ва илмларининг кўп бўлишини белгилаб беради. Худо ўз муҳаббатини кузатишни истайди. У ўз нигоҳини Азалиятга қаратади ва ундан ўзининг барча сифат ва белгиларини акс эттирган суратини ясайди. Бу суръат илк инсониятнинг отаси Одам Атодир².

Машраб ҳам Ҳаллож ғоясининг тўғри эканлигини англайди ва азалий бўлган худонинг барҳақлигини, ўз тажаллисини, зарраси инсонда эканлигини мушоҳада этиб, унга интилади. Раҳравонлар-йўл юрувчилар кетдилар, улар Уни-Яратувчини олдига боришни истамадилар “ман мунда танҳо бораман” деб унинг маърифатига интилади, аввало Аллоҳнинг уйи Каъбани зиёрат этишни хоҳлайди. Каъба зиёрати-Уни-Аллоҳ жамолини кўрсатишига, шу боис унинг ишқи билан яшаётганлигини, фақат

¹ Бобораҳим Машраб, 214-бет.

² Е. Э. Бертельс. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Тошкент, 2005, 57-58-бетлар.

бу фоний жаҳон эмас, “ду жаҳон яхши амалдур, Машрабо” дея боқий дунё-охират амалини ҳам бажараётганлигини изҳор этади:

*Раҳравонлар кеттилар, ман мунда танҳо бораман,
Руҳи жумла анбиёга мағфиратхоҳ бораман.*

*Кўп гуноҳ қилдим, юрубман пайрави нафси ҳаво,
Бир Худодин қўрқушумдан Каъбатуллоҳ бораман.*

*Яхшилар бирлан юруб, ман нега тоат қилмадим,
Найлайин фоний жаҳондин дасти кутоҳ бораман,*

*Офтоби ду жаҳондин баҳра олмай заррае,
Бу Лаҳабдек хушк лаб аз пеши дарё бораман.*

*Ташналик одат қилиб ол ул Набий авлодидин,
Ман умед бирлан шаробан антаҳуро бораман.*

*Тийғи узлат бирла Фиръавн фарқини барбод этиб,
“Раббиарни” деб Мусодек Тури Сино бораман.*

*Обрўйи ду жаҳон яхши амалдур, Машрабо,
Ман ҳамон дасти тухий охири дунё бораман¹.*

Машраб тасаввуфий ва исломий илмлардан бохабар бўлган пири Офокхожани кўплаб ғазалларида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Офокхожанинг отаси Муҳаммад Юсуфхожа Қашқарнинг-Артуш деган жойида дафн этилган бўлиб, унинг уч ўғли ва икки қизи бор эди. Катта ўғил Хожа Ҳидоятulloҳ (Офокхожа), иккинчиси Хожа Иноятulloҳ, учинчиси Хожа Киноятulloҳ (тахаллуси Хожа Кароматulloҳ).

Офокхожа Самарқанд уездининг Даҳбед кишлоғида туғилган. Беш ёшлигида отаси билан Қашқарга жўнади. Одамларни исломий маданиятга даъват этиб юрган ота билан Ёрқанд,

¹ Машраб. Девон.2006, 227-бет.

Қашқар, Олтишаҳар бўйлаб узоқ вақт саёҳатлар қилди. Ниҳоят, Ёрқанддан Янги Ҳисор вилоятига етиб келган ота хасталаниб қолди ва шу ерда оламдан ўтди. Ҳижрий 1003, милодий ҳисоб билан 1632 йилда унинг жасадини Қашқарга олиб келиб Ёғду деган манзилга дафн этишди¹.

Муҳаммад Юсуфхожа 1000 йилда (милодий 1591) таваллуд топган эди. У ўз фарзандига чуқур исломий билим берган, дин равнақи йўлида сидқидил хизмат қилиши учун тайёрлаган эди. Ўлими олдидан ўғлини ўзини ўрнида фаолият кўрсатишига изн берди. Офоқхожа узоқ вақт узлатга чекинган ҳолда Аллоҳ зикри билан машғул бўлди. Шу билан бирга ўз билими ва тафаккури моҳиятини, ўз салоҳиятини ўзгалардан сир тутишга одатланди. Офоқхожа деярли барча диний ва дунёвий билимлардан чуқур хабардор бўлишга интилди. Шу билан бирга валийлик хислатларининг ҳосиласи ўлароқ кашфу кароматлар, мўъжизалар кўрсата оладиган даражага етди².

Машраб пири комили Офоқхожа хизматида бўлишни чин дилдан истаган. Ёр дейилганда бу ерда Аллоҳнинг васлини, унинг нури жамолини излаб, ахтариб юриш тушунилади. Мутафаккир улуғ пири туфайлигина унинг васлига восил бўлишни, бу йўлда у кеча-кундуз зор йиғлаб, кўздан оққан ёшлари Жайхун дарёси сувича бўлганлигини, Хўтан саҳросида Офоқхожа моли-ҳолини боққанда ҳам, мақсади илоҳий ишқ муҳаббатни кўзлаб юрганлигини ғазаллари мазмунига сингдиради.

Машрабнинг пири Офоқхожа бир кеча-кундузда икки-уч лукма таом емоқ билан кифояланар, йил ўн икки ой рўзадор эди. Дарвишлар даврасидаги зикрлардан сўнг хоҳловчиларга “Мавлуди Шариф” китобидан маърузалар қилар, нутқларини ўзининг пурмаъно панд-насиҳатлари ила музайян этарди. Зикр тушаётганлар жазби жунбушга келган дамларда хайвонлар ва қушлар ҳам даврага қўшилиб кетар эдилар. Бундай тадбирларда қатнашган моховлар, сўқирлар, фалажлар бошқа дардманд кишилар пир нафаси ила соғайиб кетардилар. Ҳар куни одати бўйича ўқиладиган чошгоҳ намозидан сўнг Офоқхожа ҳузурида

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб? 46-47-бетлар.

² Ўша манба, 47-бет.

тўпланган минглаб кишилар Аллоҳга шукрона келтириб ўтириб пир дастурхонидан баҳраманд бўлардилар.

Офокхожа қашшоқлар, бахти қаролар, эс-хушидан айрилганлар-барча-барчага меҳрибон эди. Уларнинг ҳаммасини тинчлантириш, юпатишга уринар, ҳеч кимга озор етказмасди¹.

Тарихдан аёнки, қашқарлик бузруквор пир Офокхожа эшон билан тошкентлик машҳур вали шайх Хўжа Нуриддин замондош бўлганлар. Иккалалари қалин дўст эдилар. Хўжа Нуриддин етти бор ҳажга сафар қилганлар. Етти марта мол-мулкини Аллоҳ йўлида торож қилган бузрукворлардан. Аммо ўтар вақтида қайсидур хатти-ҳаракати Аллоҳ таолога хуш келмай шайтон уни вос-восга олиб, иймонига чанг солади. Бу фоже ҳолат Офокхожага аён бўлади. Ва дўсти, ҳаммаслаги вали замон Хўжа Нуриддинни шайтон восвосидан халос қилишни ўз муриди Машрабга топширади. У зудлик билан Тошкентга жўнайди.

Офокхожа эшон Бобораҳим Машраб билан биринчи бор учрашгандаёқ уни синаш учун форс сўфий шоири Ҳофиз Шерозийдан бирор нарса ўқишни буюради. Машраб Ҳофизнинг сўфиёна шеърларини шундай ёниб айта бошлайдики, Офокхожа чидаёлмай қўлларини кўтариб:

“-Ҳой, бас... Агар мундин зиёда ўқусанг куюб кетурман”,-деб нидо қилади. Эшон Машрабнинг ўз шеърларини ҳам завқ билан тинглайди, дуо қилиб, елкаларига қоқади.

Офокхожа эшон назарида Машраб Ҳақ висолига етиш бўсағасида турган комил толиб эди. Лекин пир унда руҳоний дунёдан пастга тортиб турувчи кўз илғамас ипларни ҳам кўради. Шу тариқа уни етти йил парваришлаб, камолга етказди².

Машраб ундан етти йил таълим олади ва пири қўлидан ҳирқа кияди. Шундан сўнг Машраб мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиб, бу даргоҳни тарк этади. Шоирнинг пири ҳузуридан кетишига Офокхожа канизакларидан бирига меҳр қўйганлиги сабаб бўлган, деган фикр ҳам бор.

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шох Машраб? 49-бет.

² Исомиддин Салоҳий. Ижтимоий муносабатлар қурбони. “Ўзб. адаб. ва сан.” 1997, 14-февраль.

Шундан сўнг Машраб бутун Ўрта Осиё шаҳарларини кезиб чиқади. Ҳиндистон, Бадахшонда бўлади. Уч марта ҳаж сафарига боради¹.

Наманганлик тадқиқотчи олим Мусахон Тожихўжаев мўъжаз илмий мақоласида Машрабнинг ижоди Германиянинг Лейпцих шаҳрида нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» да эълон қилинганлигини, унинг ғазалиёти Европанинг бир қатор мамлакатларида босилганлиги ҳақидаги фикрларни келтирган.

Можор шарқшуноси Ҳерман Вамберининг 1867 йили Лейпцихда нашр қилинган “Чиғатой тили дарслиги” да Машраб ғазалларининг дастлабки таржималари келтирилган. Кейинчалик бу таржималар турли тўпламларда нашр қилинди. Жумладан, 1909 йили Лейпцихдаги (“Юлиус Цайтлер”) нашриётида жаҳондаги турли миллат шоирларининг олмон тилига ўгирган ишқий шеърлари чиройли муқовада нашр этилган. Бу шеърларда жаҳон халқларининг ишқ, вафо, садоқат, гўзаллик ва ҳаётдан завқланиш каби ҳис-туйғулари ифодаланган.

500 саҳифадан иборат бу тўплам “Халқларнинг ишқ бўстони” деб номланган. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Паул Зелигер ҳар бир шеърни алоҳида саҳифага жойлаб, турли нақш ва атиргул фотосуратлари билан безатган. Тўпламда 67 миллат ва элат шоирларининг 81 шеъри олмонча таржималарда жой олган. Ҳар бир шеър рақамланган. Тўпламга туркистонлик 2 шоир-Машраб ва Шайдойй ғазаллари ҳам киритилган.

“Халқларнинг ишқ бўстони”даги Машраб қаламига мансуб “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз...” мисраси билан бошланувчи ғазалини Ҳерман Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги”да ҳам кўриш мумкин.

“Ишқ бўстони”даги шеърнинг остига “Туркистон ишқий шеъри”, муаллифнинг номи “Мешреф” деб ёзилган.

Аслида ғазал жанрида битилган беш байтдан иборат бу шеър олмончага тўрт қаторли ямб шаклида ўгирилган. Тўртликларнинг иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро тўлиқ қофияланган. Бироқ Европа шеърлятига хос бўлмаган “келмайдур ҳануз” радифи таржимада тушириб қолдирилган.

¹ Ҳомиджон Ҳомидий, Махмуджон Маъмуров. Наманган адиблари. “Фан”, Тошкент, 2007, 18-бет.

“Ишқ бўстони”да Машраб шеъри йигирманчи рақам билан тартибланган. Шеърнинг чап тамонига Кристине Майле хоним ним очилган қизил атиргулнинг тонги шабнамдаги кўринишини туширган. Бу ҳам шеърда берилган мазмунни-ёрини интизор бўлиб кутаётган, ёри ҳануз келмаётгани учун муродига етолмай турган ошиқнинг рамзидир.

Афсуски, Машрабнинг ва Шайдоийнинг ғазаллари таржимонлари биз учун номаълум бўлиб қолмоқда. Мен Машрабнинг бу шеърини Ўзбекистонда чиққан нашрларда учратмадим¹.

Мусохон Тожихўжаев Машрабнинг ўтган асрда Европада ўрганилиши ҳақида Мартин Хартман томонидан “Адабиёт кўзгуси” журналида “Қадамжой” номли илмий мақоласини эълон қилди.

Европалик шарқшунос олим унда Машраб юрган йўллар, муқаддас қадамжойлар ҳақида фикр юритган. Машрабнинг Шарқий Туркистондаги обрўси, халқ шоир вафотига икки юз йилдан кўпроқ вақт ўтса-да, у юрган йўллар, дам олиб ухлаган манзилларни зиёратгоҳга айлантирганлигини, шу зиёратгоҳларда унинг ҳақиқага дуо ўқиб ибодатлар қилаётганини, ҳатто авлиё шоир ҳақидаги қиссаларда бу хусусда ҳеч нарса ёзилмаганлиги ва бошқа тафсилотлар ҳақида ёзиб, шоирни 1693 йил вафот этган деб янглиш фикр беради:

Жаноб Гольдциернинг “Форсларда ислом дини” докладининг 142-бетидаги можорларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид сўзларни ўқирканман, қадамжой-муқаддас сиғиниш жойлари яна бир бор хаёлимдан ўтди.

1903 йил 26 февраль куни кундалигимга қуйидаги фикрларни туширган эканман: (Иркештам қишлоғи яқинида кечки пайт ёзилган) олдинда ҳали оғир йўл турганига қарамай, Уксалурдан фақат соат 8 ларда йўлга чиқдик. Чорак соатдан кейин Машраб ҳузурига чиқиб борамиз. Бизни савдогарлар карвони олиб боради.

Соат 8. 45 да бир-биридан тахминан бир минутлик узоқликда бўлган учта тош уюмининг сўнггиси устида турардик. Бизлардан

¹ Мусохон Тожихўжаев. Машраб ғазали халқлар ишқ бўстонида. “Ўзб. адаб. ва сан.” 2007, 13-июл.

аввал етиб келган йўлбошчи отдан тушиб, ерга тиз сўкди ва ибодат қила бошлади, сўнгра фотиҳага қўл очди ҳамда Шоҳ Машраб ҳақиға дуо билан юзига фотиҳа тортди. Кейин ўрнидан туриб узундан-узоқ маъруза қилди. Сўзларидан тушундимки, унга садақа бериш лозим. Олган 5 тийинни ерга қўйиб яна дуо қилди ва пулни ёнига солди. Йўлбошчи Шоҳ Машрабни “Ҳазрати Офокнинг уфқаси” деб атарди. Андижонга 10 та от ва 7 нафар хизматчиси, қирғиз гиламлари билан келаётган қашқарлик савдогарлар ҳам шу таклид ибодат қилди. Бироқ, у кенгроқ маълумотга эга экан. “Шоҳ Машраб Нуриддинни шайтонлар чангалидан қутқариш учун Самарқандга келаётган пайтида шу ердан ўтган. Бу ер ўшандаям табаррук жойлар эди. Машраб шу ерда тўхтаб манзил қурган ва рўмолни тошга қадаб уйкуга кетган”.

Муҳими шундаки, халқнинг наздида бу мазор Шоҳ Машраб ухлагани учунгина муқаддас бўлмасдан, балки, бу зиёратгоҳда Машраб ухлаган. Умуман, кишилар қадимдан бу ерда худога сиғинганларини қадамжой сўзининг ўзи ҳам яққол кўрсатиб турибди¹.

Қадамжой жойлашган жой карвон учун торлик қилади. Хаёлимга келган фикр шуки, Машраб ҳақидаги халқ китобида мазор ҳақида гап йўқ.

Халқ китобида Қашқарда содир бўлди, деб берилган воқеалар Уксалурнинг ғарбида юз берган бўлиши мумкин. Воқеа жойини кўз олдимишга яққолроқ келтириш ва у ернинг халқини таништириш учун кундаликка 1902 йил 6 октябрь куни ёзилган ёзувни келтираман: Уксалурдан йўлга чиққач, 7 соат 7 минут отда йўл босдик. Бир оздан сўнг бош қўмондонимиз Садриддинбой Машраб девони ҳақида ҳикоя бошлади. Садриддин ушбу девоннинг номини Девонаи Машраб ҳақидаги китоб билан боғляпти. Унинг айтишича, Фарғонада Машраб ҳақида ҳеч нарса билишмайди. Қашқарда эса Машрабнинг доврўғи зўр.

Илгаридан маълумки, шарқда қадимий номлар ва саналар билан боғлиқ зиёратгоҳ ва мазорлар бўлган. Айримлари

¹ Адабиёт кўзгуси. №5. Саидбек Ҳасанов (бош муҳаррир), ва бошқ. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2000, 177-178-бетлар.

замонавий азиз-авлиёларнинг номлари билан боғлиқ. Бу мазорларнинг айримлари исломдан аввал ҳам мавжуд бўлган ва маҳаллий худо ва санамларга аталган. Жаноб Гольдциер ўзининг “Муҳаммад сабоқлари” номли асарида шундай ёзади:

...Авлодлар алмашган сари муқаддас зиёратгоҳларнинг номи ҳам ўзгаради. Лекин муқаддаслик даражаси, маросимлар шу тариқа ҳозиргача халқ оғзида сақланиб қолган. Оллоҳнинг суюкли бандаси девонаи барҳақ Машраб шу ўлкалар аҳолисининг меҳри ва ҳурматига сазовор бўлгани аниқ. Машраб қадимий шахс эмас, у ҳижрий 1005 йил (мелодий 1693) атрофида вафот этган...

Шарлоттингберг. 1903 йил август¹.

Ҳақ субхонаҳу таолони бу дунёда мукаммал кўриш, ҳатто тушда бўлса ҳам мукаммал кўриш мумкин эмаслигини диний адабиётлар тўлиқ тасдиқлайди. Баъзи Аллоҳга яқинлашган авлиёлар У зотни тушимда кўрдим, деганлар. Бунга ҳам ишониш керак. Аллоҳ таолонинг 1001 исми ва сифоти бор. Шу исмлардан 99 таси одамзотга маълум қилинган. Бир вақтнинг ўзида шу 99 исм Аллоҳнинг сифотлари ҳамдир. Худони тушимда кўрдим деган авлиёи Ҳақ аслида Аллоҳнинг сифотларидан айримларини кўрган, холос. Аллоҳни кўриш фақат Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га насиб этган. Булар ҳақида “Мерож ун-нубувват”, “Меърожнома” китобларида кенг маълумот берилган².

Машраб Аллоҳнинг акбар-улуғлигини, бандаларга меҳрибонлигини, одамзодни паноҳида асровчи эканлигини, уни олам султони-подшоҳлигини, унинг ягоналигини, унинг беҳожат ва ҳожатбарорлигини, “Унинг туғмаган ва туғилмаганлигини, шунингдек, Унга бирор тенгқур ҳам йўқтур” (Ихлос сураси) лигини эътироф этиб, Уни-шам, ўзини парвона деб ҳисоблаб, Унинг доғида дам-бадам ҳасрат қилаётганлигини ғазалида таъкидлаган:

*Айюҳас-султони олам, подшоҳим, марҳабо,
Ҳазратим, Оллоҳу акбар, каж кулоҳим, марҳабо.*

¹ Ўша манба, 179-180-бетлар.

² Ж. Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. Ёзувчи. 1998, 26-август.

*Бўлмагай бечоранинг ҳам сендин ўзга чораси,
Меҳрибон, Тангрим, Эгам, пушти паноҳим, марҳабо.*

*Қулҳу валлоҳу Аҳад отингни руҳим тинглагай,
Дуввум Оллоҳус-самад Сансан Илоҳим, марҳабо.*

*Доғи ҳасрат ўртади Машрабни ҳар дам-соати,
Шамъи-Сан, парвона-ман, эй меҳрибоним, марҳабо¹.*

Машраб ижодида диний-тасаввуфий истилоҳларнинг ўзига хос мавқеи, салмоғи бор. Чунки диний атамалар шеъриятда ўз маъносидан ташқари, кўчма маъноларни ҳам англатади. Улар баъзан поэтик образ, айрим ҳолларда рамз бўлиб келади. Машраб шеъриятида учрайдиган бундай истилоҳларни шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан, шеъриятда “Асмоиъ Ҳусна”-Оллоҳнинг гўзал исмларини зикр этиш, унинг шу номдан англашилган сифатларига ишора қилади. “Қуръони Карим”да: “Асмоиъ Ҳусна фақат Оллоҳга хосдир. Сиз улар билан дуо этинг” ояти (Аъроф/180) ёки расулуллоҳнинг: “Оллоҳнинг тўқсон тўққиз оти бордир. Ҳар ким уларни зикр этса, жаннатга кирар”,-ҳадислари мавжуд орифлар Оллоҳнинг номларини зикр этиш орқали ўз ҳолларини баён этганлар. Бадиий ижодда эътибор қилсак, ҳар бир исмнинг ўз ўрни бор. Шоир “Жаббор” ўрнида “Ҳаким”, “Раззоқ” ўрнида “Ҳай” демайди.

Офокхожа даргоҳини тарк эткач, Машраб қаландар либосида дунё кезган. Турли халқлар маданияти, адабиёти, таълимотлари билан танишган. Жумладан, Имомиддин Насимий ҳаёти ва ижодининг Машрабга таъсири бекиёсдир. Насимий шеърияти Машрабни Мансур Ҳалложга яна ҳам яқинлаштирган, ундаги мажзубликни орттирган. Унинг айрим шеърлари шатҳ ҳолида юзага келган фикрлар ифодасидир. Машраб ва Насимий шеъриятидаги энг катта ўхшашлик руҳият тасвирида, лирик қахрамоннинг самовий ҳисларга йўғрилган руҳонияти гўзалликларини очиб беришда кўзга ташланади. Мавзу, ғоя, тасвир, поэтик образ ва рамзлар, “Арш”, “шаҳбоз”, “дафтар”,

¹ Машраб. Девон. 2006, 248-бет.

“шарҳ”, “ўт”, “дор” каби истилоҳларни қўллашда ҳам Машраб Насимийга издошлик қилган. Бир сўз билан айтганда, Машраб-руҳоният куйчиси.

Машраб ўзидан олдин яшаб ўтган шоирлардан илҳомланиб қолмай, ўткир маъноли ва мафтункор лирикаси билан анъаналарнинг давом этишида хизмат қилди. Хувайдо, Амирий, Фахлий, Увайсий, Нодира, Фурқат, Муқимий, Мунис ижодига сезиларли таъсир ўтказган.

Хатирчилик машрабшунос олим Ж. Юсуповнинг айтишича, Машраб Офокхожа хонадонидан кетиш арафасида пиридан, мени ўлдирса, сизнинг ханжарингиз ўлдирсин, деб садоқатини изҳор этган. Пири унга учи ўткир қаламтарош ҳадя этган. Бу қаламтарошни Машраб бўйнига тақиб юрган. Жаллод Машрабни ошиш пайтида у жаллоддан бўйнидаги қаламтарош билан қон чиқариб юборишини ўтинган. Жаллод унинг ўтинчини амалга оширган. Бу билан Машраб ўзини “мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулғаманг” деб (Илоҳга бўлган ишқ) ҳисоблаган.

Машрабнинг қайси ғазали ёки мухаммасини, мураббаъ ёки мусаддасини олиб кўрмайлик, ҳар бирида тақдири илоҳийга, ишққа бўлган севги ва садоқатини кўрамиз.

Ислом муҳолифлари динни айблаш мақсадида “ислом моддапараст дин, унда руҳонийлик етишмайди”, ёки “Ислом-қонун қоидалардангина иборат, унда ахлоқий, руҳий таълимотлар жуда кам” деган сўзларни айтганлар.

Шу ўринда Машрабнинг ҳадиси шариф ва Худо ҳақидаги айтган фикри юқоридаги таъналарнинг ноўринлигини исботлайди:

*Худони шавқида йиглаб ўзум овора Машрабман,
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиқ, вале садпора Машрабман,
Ичиб жоми муҳаббатдин ҳадиси шаккаридинман,
Ўзини қудратин очқон худони дафтаридинман¹.*

Ҳақиқатни айтганда ислом муҳолифларининг ислом динига ағдараётган юқоридаги икки гумони катта хатодан иборатдир.

¹ Қиссаи машраб, 160-бет.

Ислом мутафаккирнинг юқоридаги мисраларида таъкид этганидек, рухий таълимотларни инсонга ажойиб бир услуб билан тақдим қилганки, бу нарса бошқа ҳеч бир динда йўқ. Ислом таълимотида: Инсон-руҳ ва моддадан иборатдир. Инсон икки нарсадан ташкил топган. Биринчиси, моддий нарса бўлиб, ўсади, ҳаракат қилади. Иккинчиси эса моддий нарса бўлмай, ўзига хос бошқа бир ҳолатлардан иборат бўлиб, фикрлаш, билиш, ирода, яхши кўриш, ёмон кўриш, яхши ахлоқ ёки ёмон ахлоқ каби нарсалардан иборатдир. Шу икки таърифнинг ўзига яраша талаблари бўлиб, уларни қондиришга ҳаракат қилинади. Жисмовқат; ичимлик ва жинсга рағбат қилади. Руҳ эса ўзига хос рағбатларга эга. Руҳ билан жисм қўшилганда эса ўзига яраша янги қийинчиликларни енга олиш ёки енга олмасликка қараб инсонлар турли тоифаларга бўлинадилар. Бу ҳаётнинг асосини Аллоҳга ишониш ташкил қилади. Бу нарса инсонни олий даражаларга олиб чиқади.

Демак, моҳиятан Қуръони карим макон ва замонда илоҳий кучга таянган ҳолда, инсондаги руҳни ва унинг жисмини ҳам комиллаштиришга маънавий мадад беришни ўз зиммасига олади.

Машраб диний таълимотни, Маккани тавоф қилишни қурби етган мусулмонлар учун фарз деб билади ва шуни қайд қилмоқчимизки, мутафаккир янги топилган ғазалларидан бирида у Маккани зиёрат этганлигини ёзади:

*Мадина, Маккани тавоф айлабон ҳам чоҳизамзамни,
Чаҳор ёрни тавоф айладим, йиғлаб равон кетдим¹.*

Кўпгина илмий адабиётларда Машраб фақат Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида бўлганлиги, хорижий ҳудудларда ҳам юрганлиги қайд қайд қилинади. Адабиётшунос олим И. Абдуллаев мутафаккир Машрабни кўплаб хорижий мамлакатларда бўлиб, авлиё кишилар қабрини, улуғ даргоҳларни зиёрат қилганлиги ҳақидаги ғазални машрабхонларга тақдим қилди:

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил, 17 январь.

*Ҳалаб, Шероз билан Шоми шарифи Румни кўрдим,
Бухоро мулки индим, ўтубон Тошкон кетдим.
Яно ҳам Шоҳмардон шер даргоҳин тавоф айлаб,
Сарипулу Шибиргон, Андхўй худ ҳам ки он кетдим.
Қарори топмадим рўйи заминга, Машрабо ҳаргиз,
Ажални илкидин, эй дўстлар, охир давон кетдим¹.*

Мазкур шеърда мутафаккир Яманда ҳам бўлгани, у ердан Ҳиндистонга ўтиб, Дакан шаҳрида бир неча кун туриб, кейин Исфaxonга кетгани, Ҳирот, Машҳадни сайр этиб, Эронга боргани, Макка, Мадинани зиёрат қилиб, замзам булоғи сувларидан ичгани, Ҳалаб (Алеппо), Шероз, Шом (Сурия), Румни кўриб, у ердан Бухорога қайтгани, сўнг Тошкентга ўтгани, кейин Шоҳимардон, Афғонистондаги Шибиргон, Андхуй каби жойларда бўлганлигини ёзади.

Машраб фоний ҳаётда руҳий тушкунликка маҳкум этилган халқни бахтиёр кўра олмади. Мутафаккир яшаган давр бўғиқ, рутубатли, тарихнинг энг туманли, зулматли бир даври эди. Бу даврнинг ижтимоий муҳитини ўзгартириш, албатта, Машрабга ўхшаш бир ёки икки адолатгўй мутафаккирнинг қўлидан келмас эди. Бу давр турмуш тарзини ўзгартириш учун бирор ғоявий йўналиш, инсониятнинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида тасаввур ҳосил қилиш маҳол эди. Ўзбек халқи тарихида журъаткор шоир номи билан машҳур бўлган Бобораҳим Машрабнинг мавжуд тузумга қарши норозилиги ўша даврда аҳамиятга молик бўлса-да, бу туғён ўзининг чекланганлиги билан характерланади.

Машраб оддий қаландар шоир бўлса-да, жуда чуқур мушоҳадали, тафаккури чўнг, одоб-ахлоқ бобида фикри изчил ва намунали, масаланинг сабаб ва моҳиятини ёритишда чуқур мулоҳазали мутафаккир эди. У илоҳ-илоҳиётга сиғинган ҳолда фалакдан-тақдири азалдан шикоят қилади:

*Йиғламай найлайки, рўзимни сиёҳ қилди фалак,
Ошноларни манга ноошно қилди фалак,*

¹ Ўша жойда.

*Кавкаби бахтимни мундоғ беэиё қилди фалак,
Охири умримда бахтимни қаро қилди фалак,
Подшоҳи вақт эдим, соҳибазо қилди фалак¹.*

Машраб худонинг нури зиёсидан бахраманд, туғма истеъдодли, комил мусулмон эди. Бедил “Нуқот” асарида ёзади: “Агар сенинг онгинг бўлса, шуни тушунишинг керакки, фикр, тасаввур-конкрет нарсаларнинг нуридан бошқа ҳеч нарса эмас”². Исмоил ал-Бухорий “Менинг назаримда ибодатга қараганда илмнинг фазилати яхшидир”, дейди. Бухорий ва Бедилда ҳам илм борлиққа мувофиқ келгандагина ҳақиқатга айланади.

Машраб зоҳидларнинг дин ва тасаввуфга зид хатти-ҳаракатлари ҳамда бойлик кетидан қувишини, фирибгарлик ва таъмагарлик билан шуғулланишининг гувоҳи бўлади, тақводорлик, намоз ўрнига ваҳдат майини ихтиёр этади. У иккиюзламачилик, мунофиқлик билан шуғулланувчи фосиқ ва худбин зоҳидларнинг ярамас одатларини кўриб, исломни оёқ ости қилмасликка чақиради.

Зеро, Форобий ва Беруний, Навоий ва Бедил дунёқарашидаги соф фалсафий илоҳий тафаккур дурдоналари Машраб қарашларида ҳам тадрижий ҳолда давом эттирилди ва бойитилди, улар қолдирган бой илмий хазина турли миллатлар томонидан ўрганилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги йўлидаги қийинчиликларни енгиш барчамизнинг сабр-тоқатли бўлишимизни, бир ёқадан бош чиқариб, янада жипслашиб, ҳамма миллат ва халқларнинг мустаҳкам бирлигига эришувимизни тақозо қилмоқда. У ҳаммани-диндору даҳрийларни инсофга чорлайди. Инсоф ҳам одамзотнинг, шу жумладан, халқимизнинг йиллар мобайнида қўлга киритган ахлоқий дурдоналаридан биридир. Инсоф-виждон рамзи, маданиятлилик, ахлоқийликнинг чўққиси, ҳалоллик ва покликнинг мезонидир.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ошишлар тузатилмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик жамоат ташкилотларида ҳамкорлик

¹ Қиссаи Машраб, 82-бет.

² И. Мўминов. Танланган асарлар. 1-жилд, Тошкент, 1996, 96-бет.

қилишга жалб этилмоқда. Ислом дини арбоблари ичкиликбозликни, нашавандликни, қон тўкилишни гуноҳ деб қораламоқда. Ислом динида одамларнинг ўзаро дўстлик-ҳамкорликка, илм-фан асосларини ўзлаштириб олишга, эркаклар билан хотин-қизларни, ота-оналар билан фарзандларни ахил-ҳамкор бўлишга ундайдиган қимматли фикрлар борлигидан кўз юммаслигимиз керак. Аммо дин ва диний дунёқарашга, хусусан, исломга нисбатан қарор топаётган янгича сиёсий фикрлаш, ахлоқий тарбияни пассив руҳда олиб боришни эмас, аксинча, қадриятларни тиклашни тақозо этмоқда.

Мутафаккирнинг ғоявий мухолифлари унинг илғор фикрларини бузиб, барча тараққийпарвар ғояларга қарши курашда унинг номидан фойдаланишга уриндилар.

Мутафаккир Машрабнинг ислом дини ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлари реал борликда уч асрки, ҳақиқат йўлида инсониятга маънавий мадад бериб келмоқда. Машраб қарашлари унинг ижодини мафкуравий мухолифлари томонидан шу пайтгача бир томонлама бузиб, нотўғри талқин этишларига қарамай, у ўтган асрларда, бугунги кунда ҳам ўрта Осиё ва бошқа Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикри равнақиға катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

МАШРАБНИНГ ТАСАВВУФГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

Машрабнинг тасаввуфий қарашларини бевосита таҳлил қилишдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, тасаввуфга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормокда. Айниқса, чет эл ва рус олимлари тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва моҳияти ҳақида йирик тадқиқотлар яратганлар¹.

Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларини ёритувчи бир қатор фалсафий-тасаввуфий асарлар яратилди².

Кейинги йилларда файласуфлар, адабиётчилар ва тарихчи олимлар тасаввуфни ҳар томонлама чуқур ўрганиш борасида тадқиқотлар қилдилар³.

¹ Бартольд В. В. Мир-али-шир и политическая жизнь. Соч. Т. 11ч. 2. М. 1964; Яна Улугбек и его время. Соч. Т. 11. ч. 2. М. 1964; Бертельс Е. Э. Наваии Джами. Избр. Труды. Т. 4. М. 1965; Яна суфизм и суфийская литература. Избранные труды. Т. 3. М. 1965; Крымский А. история Турции, ее литературы от расцвета до начала упадка. М. 1910; Петрушевский И. П. ислам в Иране в VII-XV вв. Л. 1966; Роузентал Ф. Торжество знания. М. 1978. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М. 1989 ва бошқалар.

² И. М. Мўминов. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. Танланган асарлар. 1-жилд, Тошкент, 1969; В. И. Зоҳидов. Мир идей и образов Алишера Навои. Тошкент, 1961; М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971; Абдурауф Фитрат «Танланган асарлар» («Маънавият», Т., 2000), Иброҳим Мўминов «Танланган асарлар» (1 жилд, «Фан», Т., 1969), В.И.Зоҳидов «Улуғ шоир ижодининг қалби» («Ўзбекистон», Т., 1970), А.Ҳайитметов «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» («Фан», Т., 1970), Ҳамидулла Болтабев «Мумтоз сўз кадри», («Адолат», Т., 2004), Исомиддин Салоҳий «Эзгу сўз кудрати» (Самарқанд, 2004), Ҳ. Алиқулов. Ўрта Осиё ва Хуросонда сўфизм таълимотида хурфикрлиликнинг ифодаланиши. «Ўрта Осиё хурфикрлиги тарихидан». Тошкент, 1990; Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент, 1991; Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии. Ташкент, 1991; А. Мухаммедходжаев. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991; А. Зоҳидов. Туркистонда Ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Тошкент, 1993; И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент, 1991; М. Ҳазратқулов. Тасаввуф. Душанбе. 1988 й. ва бошқалар.

³ Шайх Нажмиддин Кубро «Тасаввуфий ҳаёт» («Мовароуннаҳр», Т., 2004), Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф «Тасаввуф ҳақида тасаввур» («Мовароуннаҳр» Т., 2004), Усмон Турар «Тасаввуф тарихи» («Истиқлол» Т., 1999), Маҳмуд Асъад Жўшон «Тасаввуф ва нафс тарбияси» («Чўлпон», Т., 2000) ва шу муаллиф «Юнус Эмро ва тасаввуф» («Фан», Т., 2001), Умар Форук Сайдо ал-Жазарий «Тасаввуф сирлари» («Мовароуннаҳр», Т., 2004), Шайх ал-Колободий «Тасаввуф сарчашмаси» («Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», Т., 2002), Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати»

Айниқса, Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг тасаввуф ҳақидаги манбааларни, бу ҳақдаги рисоаларни тадқиқ қилиш кучайди. Энг муҳими, тасаввуф ҳақидаги эски ёндашишларга, уни синфий нуқтаи назардан таҳлил қилишга чек қўйилди. Тасаввуфнинг турли сулуклари, унинг жамиятда, ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида тутган ўрни, тасаввуф қадриятларининг кишиларни тарбиялашдаги роли тарихийлик асосида ҳолисони ёритила бошланди. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан қатор мақолалар, рисола ва тўпламлар чоп этилдики, булар шубҳасиз, тасаввуфни ўрганишда олға ташланган қадам бўлди.

Е. Э. Бертельснинг «Сўфизм ва тасаввуф адабиёти» асарида сўфизмнинг юзага келиши, унинг назарий асослари, мутализийлар ва сўфизм тараққиёти, неоплотонизм, Мансур Ҳаллож ва унинг таълимоти, сўфизмнинг асосий унсурлари, сўфийлар жамияти ва унинг юзага келиши, имом Ғаззолий хусусида фикрлар берган.

Ушбу монографияда сўфизмнинг келиб чиқиши ва тасаввуф адабиётининг юзага келиши хусусида ҳам қимматли маълумотлар берилган:

Сўфизм каби ўта мураккаб ҳодисанинг мусулмон дунёсида юзага келиш сабабларини тушуниш учун, энг аввало у пайдо бўлган жамият ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлмоқ лозим. Ислом билан тўқнаш келган турли ғоялар таъсирида тасаввуфга

(«Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти», Т., 1994), Идрис Шоҳ «Нақшбандий тариқати», («Ўзбекистон», Т., 1993), Абдулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али «Баҳоуддин Балогардон» («Ёзувчи», Т., 1993), Султонмурод Олим «Нақшбанд ва Навоий» («Ўқитувчи, Т., 1996)» Е.Э. Бертельс «Сўфизм ва тасаввуф адабиёти» (Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси Т., 2005), Нажмиддин Комилов «Тасаввуф» (Биринчи китоб, «Ёзувчи», Т., 1996), шу муаллиф «Тасаввуф» «Тавҳид асари», Иккинчи китоб («Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», Т., 1999), Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Тасаввуф ва инсон» («Адолат», Т., 2001) Иброҳим Ҳаққул «Тасаввуф ва шеърят» («Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси», Т., 1991), шу муаллиф «Ирфон ва идрок» («Маънавият», Т., 1998), Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Азиза Бектош: «Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари» (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Т., 2001), Иброҳим Ҳаққул «Эътиқод ва ижод», («Фан», Т., 2007, Ҳамиджон Ҳомидий «Тасаввуф алломалари», («Шарқ», Т., 2004), Тузувчи, сўзбоши ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев «Ислом тасаввуфи манбалари», («Ўқитувчи», Т., 2005), Муаллиф – тузувчи Зуфаржон Жўраев «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар», («Ўқитувчи», Т., 1994), Дилором Салоҳий «Навоий насрида тасаввуф», (Ўқув методик қўлланма, Самарқанд, 1995)

кириб қолган ҳар хил унсурларни ўрганиш, гарчи зарур бўлса-да, бироқ у ўзича бу мураккаб масалага ойдинлик киритолмайди.

Муҳаммад (с.а.в) ҳукмронлиги йилларида ва унинг биринчи икки “ўринбосари” Абу Бакр ва Умар ҳукмронлиги даврларида ҳам Макка ва Мадинанинг араб жамоаси ўзига хос диний ташкилотни ҳосил қиларди.

Ҳокимият тарзи фақат учинчи халифа-Усмон даврида ўзгара бошлади. Усмоннинг ўлдирилиши халифа Алининг узоқ давом этмаган ҳукмронлик даврида ҳокимият учун давом этган ашаддий курашнинг бошланиши бўлди. Ички низолардан уммавия уруғи вакили Муовия ибн Абу Суфён фойдаланди ва ҳижрий 661 йилда ҳокимиятни қўлга олди. Шу даврдан эътиборан халифалар ҳокимияти ўзининг характериани йўқотади ва дунёвий моҳиятини касб этади.

Қуръон яхлит ҳолатга келтирилган ва ёзув билан мустаҳкамланган бўлса-да, пайғамбар нима дегани унинг сафдошлари, издошлари (тобеинлар) саҳобалари томонидан ривоятлар тарзида айтила бошланди.

Дастлаб муҳаддислар халқ орасида катта обрўга эга бўлганлар. Улар айна пайтда, фикҳшунос олимлар бўлган, Қуръон шарҳи ва қироатини яхши билган. Ҳадисларга амал қилиш эса, таниқли француз исломшуноси А. Массиньон тўғри қайд этганидек, ўзининг шахсий ҳаётида ислом асосчиси ҳаётининг майда-чуйдаларигача қўллашга ҳаракат қилишини англатади. Аммо бу ҳаёт, энг аввало, худодан мудом кўрқишда, ман этилган нарсалардан ўзини тийган зоҳид ҳаёти шаклида намоён бўлади. Шу боис кейинги турдаги муҳаддислар орасида сўфизмнинг илк куртаги сифатида қараш мумкин бўлган зоҳидлик оқими ривожлана бошлайди¹.

Мусулмонлар олдида инсоннинг ҳар бир ҳаракатини, рухий кечинмаларини кузатувчи худо-қози образи турарди. Аллоҳ, гарчи ар-раҳмон ар-раҳим (“раҳмдил ва меҳрибон”) бўлса-да, ҳеч кимнинг жазодан қочиб қутула олмаслигини, кичик хатоси учун ҳам жавоб беришига тўғри келишини таъкидлайди. Бундай

¹ Е. Э. Бертельс. «Сўфизм ва тасаввуф адабиёти», Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2005, 9-бет.

кайфият ҳадисларга эътиборни кучайтиришни, диндорларни пайғамбар йўлидан боришга қаратишни талаб этган.

Шундай қилиб, сўфийлик ҳаракатининг дастлабки ташаббускорлари уммавийларнинг зодагонлашган дунёвий ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлган муҳаддислар орасидан чиққан ригористлар бўлдилар. Сўфий истилоҳи ҳали муомалада йўқ эди. Бу тариқат вакиллари, зоҳид (“дарвеш”) ёки обид (“худонинг хизматкори”) аташганлар. Сўфийлар аксариятининг диндорлардан фарқи, динни идрок этишда ортиқча иштиёқда, диний амалиётнинг маълум белгиларида кўзга ташланади. Улар Қуръоннинг “ва мени эслаб туринг, чунки мен сизларни эслаганман” каби амрларига, яъни худо исмини эслашга катта эътибор қаратдилар ва шу боис бўш вақтларини шу муқаддас сўзнинг зикрига сарфладилар¹.

Тасаввуфнинг бу элементи, айниқса, Робиа ал-Адавия исмли биринчи машҳур зоҳид аёл сиймосида ёрқин намоён бўлади. Робиа жуда камбағал оиладан чиққан бўлиб, ёшлигида ўғирланган ва чўриликка сотилган. Аммо олийжаноб ҳаёт унга ўз эркини қайтарган. У дашту биёбонларда узоқ йиллар кечган дарвишликдан кейин Басрага келади ва атрофига кўплаб тарафдорларни йиғади. Унинг илтимоси: “Эй Тангрим, юлдузлар порлади, одамларнинг кўзи уйқуга кетди, шоҳлар эса ўз дарвозаларини ёпдилар...Ҳар бир ошиқ ўз маъшуқаси билан қовушди, мен эса ёлғиз сен билан. У ўзининг худога муносабатини шундай таърифлайди:

“Худога муҳаббат мени шу даражада қамраб олдики, менда ўзингдан бошқа бирор кишини севиш учун асос бўладиган ҳеч нарса қолмади”².

Робианинг севгидан мақсади худо билан кўришиш, унинг васлига етишдир. Робианинг ҳикматлари VIII асрдаёқ тасаввуфий кайфиятлар таркидунёчилик ҳаракати ичида улғайди ва сўфизмнинг X-XI асрларда шаклланган «илоҳий муҳаббат мадҳияси» сифатида юзага келиши учун замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, биз исломни тарғиб қилиш асносида тайёрланган зоҳидлик ҳаракати VII асрнинг ўрталаридан

¹ Ўша манба, 10-11-бетлар.

² Ўша манба, 14-15-бетлар.

халифаликда юзага келган шароит натижасида кенг қулоч ёйди деган, хулосага келишимиз мумкин. Машхур зоҳидлар сони, афтидан, унча катта бўлмаган. Ислоннинг дастлабки икки асри давомида юзага келган манбаларда қирққа яқин ном келтирилади. Бироқ, биринчидан, ҳаракатнинг энг йирик вакиллари номлари сақланиб қолган бўлиши мумкин ва иккинчидан, уларни ўраб олган сафдошларининг сони ҳам, ўйлаш мумкинки, кам бўлмаган.

Модомики, бутун ҳаракат мистицизм гумонича жуда эрта ўрала бошлаган экан, у тегишли ғоялар кучайгандагина ҳақиқий мистик ҳаракатга айланиши мумкин эди; кейинги сўфизм худди шундай бўлди¹.

Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин (632 й.) араб халифалигидаги тожу тахт учун ёки тўғрироғи унинг ўрнини эгаллаш учун қаттиқ тортишувлар бошланади. Бу орада икки диний оқим-сунна ва шиа мазҳаблари пайдо бўлади. Сунна мазҳабидагилар Абу Бакр, Умар ва Усмонни халифатга ворис бўла олишларини таъкидласалар, шиа мазҳабидагилар пайғамбарнинг амакиваччаси Али ибн Абу Толибни ҳақиқий ворис деб эълон қиладилар. Бу тортишувлар қон тўкилишларига ҳам сабаб бўлди. Бундай тарафкашлик ва зиддиятлар айниқса уммавийлар даврига келиб янада кучаяди. Чунки бу сулола ҳукмдорлари пайғамбар таълимотини эсдан чиқариб айшу ишратга, молу дунёга берилиб кетган эдилар. Ислон тартиботи, Муҳаммад пайғамбар кўрсатмалари писанд қилинмаётганлигидан норози бўлган кучлар узлатга бериладилар, тарки дунёчилик йўлини тутадилар. Зоҳид номини олган бу гуруҳ вакиллари фақат узлатда ўтириш билан чекланиб қолмай, ислонни тозалаш учун омма орасида Қуръондан, ҳадислардан ва пайғамбарнинг бошқа таълимотларидан тушунтиришлар олиб борар эдилар. Ўз дунёқарашларини, назарияларини мунтазам бойитиб, такомиллаштириб борган зоҳидлар тасаввуфни пайдо қилган деган ақидага келиб тўхталган. Ва шундан тасаввуф пайдо бўлишини VIII асрнинг иккинчи ярми деб тахмин қилинади.

¹ Ўша манба, 16-17-бетлар.

Шарқдаги тасаввуф ўз бошланғичини узоқ тарихдан олган фалсафий маслакдир. Ислом дини майдонга келиб чиқмасдан аввал адолатсизлик, қашшоқлик ва норозилик натижасида, бир қанча шахобчаларга эга бўлган фалсафий оқимга айланди. Ортодоксал сўфизм XI-XII асрлардаёқ тезлик билан ривожланади, тарқалади, машҳур мутасаввифлар майдонга келиб чиқадилар. Робиа, ибн ал-Арабий, Иброҳим ибн Адҳам, Фаридиддин Аттор, Ҳасан ал-Басрий, Ҳасан ал-Бистомий, Абдуғамим Куфий, Бишр Абу Наср, Боязид Тайфур ал-Бистомий, Абубакр аш-Шиблий, Абу-Мансур ал-Ҳусайн ал-Ҳаллож ва ҳоказолар шу тасаввуфнинг етакчиларидир¹.

Шарқда тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида буддизм ҳам анчагина иштирок этгандир. Шарқда жуда машҳур бўлган Платон (Афлотун), Плотин, неоплотончилик (ишрокиюнчилик), гностицизм, Аристотельнинг (Арасту) идеалистик, мистик томонлари ҳам каттагина рол ўйнаган, таъсир кўрсатган эди.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида ижтимоий-сиёсий омиллар билан бир қаторда ислом динининг асосий китоби-Қуръон сабаб блди. Айниқса тасаввуфнинг ўнг қанотини ташкил этган кейинги вакилларида Ғаззолий кабилар ўзларининг ҳар бир фикрини Қуръон ва ҳадислардан мисоллар келтириб асослар эдилар.

Таркидунёчи сўфийлар ўз ғояларини образли ифодалашга интилиб, худони маҳбуб ёки маҳбуба сифатида тасаввур этганлар. У ўзига интилганларга “Ё мени дейсан, ё ўзингни”²- дейди. Бу нарса машҳур Иброҳим Адҳам ҳақидаги қиссада очиб берилган. Худо йўлида Иброҳим Адҳам-амалидан, молудунёсидан, оиласидан, мамлакатидан воз кечади. У инсоний туйғуларга берилиб, оиласи ва ёру-дўстларини эслаши билан худо унинг бутун оила аъзолари ва унинг ўзининг жонини олишга буйруқ беради.

Рус шарқшуноси В. А. Жуковский мутасаввифларнинг умумий доктринасини шундай таъриф этади: “...ҳақиқат учун

¹ В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент, «Ўзбекистон», 1970, 318-бет.

² А. Ҳайитметов. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент, «Фан», 1970, 164-бет.

бутун борлигининг мазмуни шу... ўзининг 1001 сифотини инсонда акс эттирган Холиқ инсонни ўзидек яратиб, унда икки оламни бир-бирига боғлаб ҳамда бор махлуқлар орасида ҳаммадан ажратиб, уни соф муҳаббатнинг шишаси ва билим хазинаси даражасига кўтаради”...¹.

Мутасаввифлар абсолют ҳақиқат остида худони тушуниб, шу абсолют ҳақиқат билан бир қаторда дунёвий ҳақиқатни ҳам тан оладилар, баъзилари объектив ҳақиқатни тан олмай, бутун борлиқни ғоядан, руҳдан иборат деб тушунади. Дунё бамисоли совун кўпиги дейди. Булар материянинг онгга, онгнинг материяга муносабати устидаги гаплар бўлиб, бу эса фалсафанинг бош масаласидир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, кўп мутасаввифлар айна вақтда ўз даврининг файласуфлари бўлиб, ўша давр ҳаётининг қатор ижтимоий-фалсафий масалаларига тасаввуф қобиғида унинг айрим вакиллари бу қобикдан чиқиб жавоб беришга ҳаракат қилганлар, хуллас тасаввуф фалсафаси ижтимоий фикр тараққиётига хизмат қилган.

Тасаввуфнинг руҳи-исломий руҳ. Тасаввуф бошқа дин ва фалсафалардаги илғор қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Жалолоддин Румий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари олимлар ва шоирларнинг бу таълимотга қўшган ҳиссаси катта.

Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”ида ёзилишича, Шайх Абусаид Абулхайрдан “Тасаввуф нима?” деб сўраганларида «Бошингда не бўлса чиқариб ташлаш, кўлингда неки бор кўлдан чиқазиш ва бошқалардан сенга нима озор етса ранжимаслик»², деган экан. Ҳақиқий сўфийлар чиндан ҳам бу шартларга қатъий риоя қилганлар.

Алишер Навоий “Насойимул-муҳаббат” асарида мутасаввиф характери ҳақида: Биринчи, тор тушунчали ноҳақ зотлар ранжитганда-ранжимаслик. Иккинчиси, бировни ранжитиш жоиз бўлганда ҳам унга озор етказмаслик. Учинчиси ва энг муҳими бошқа дин ёки ўзга мазҳабдаги одамларни асоссиз камситмаслик.

Энди сўфий ёки тасаввуф сўзининг келиб чиқиши хусусидаги мулоҳазаларга тўхталсак. Сўфий сўзининг келиб чиқиши

¹ Ўша манба, 166-бет.

² И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991, 3-бет.

тўғрисида тахминлар жуда кўп ва шулардан ҳақиқатга яқинроғи қуйидагилардир:

“Сўфий” сўзи “сафф”дан, яъни сафда туришдан, худога яқин туришдан;

“Суф”дан, суф ўзбекчада «юнг»-сўфийлар юнгдан либос кийганлар;

“Соф”дан (Абу Райҳон Берунийнинг фикрича), “соф” юнонча “ҳикмат”;

“Сўфий”-“Фарҳанги забони тожики” (II ж., М-1969 й.)да икки маънода: бири-«суф», яъни жун сўзидан ва иккинчиси тариқат пайрави маъносида ифода этилиб, бу борада улуғ Фирдавсийнинг ушбу ибораси келтирилган: “Дил аз софеву суфу ба ком”, яъни сўфийнинг маслағи, хоҳиши дилни (қалбни) гуноҳлардан соф этиш деган маънони билдирадики, бу ҳақиқатга яқиндир.

Бундан ташқари аллома Муҳаммад Гиёсиддин ўз асари “Гиёсул луғот”да “суфий” уч маънодан, юнг либосдан, қалби поклардан, Каъба аҳлига хизмат қилувчи камбағалликни пеша қилган қавм «суфа»дан олинган тушунча ё ибора деса, ўрта асрнинг машҳур суфий Абу Наср Саррож ўз асари «Ал ламаъ фит-тасаввуф»да: “... Мутасаввиф фақат бир илму бир мақомга эга бўлмасдан у ҳамма илмлар кони, аҳволи ахлоқ жиҳатидан машҳуру шарафлидур, анинг учун ҳам аларни суфий дерларким, улар пашмина пўшдирлар-яъни юнгли либос киювчилардир”,- дейди.

Инглиз олими Дж. С. Трименгем ўзининг “Исломда суфийлик сулуқлари” асарида: “Суфий деб дағал юнг матодан кийим киядиган зоҳидларни айтишади”, деган бўлса, суфий Абулҳасан Зарринкўб: «Ҳар ҳолда суфия юнгдан либос кийишни ўзларига шарт деб билиб ва шундай дағал кийимларга аҳамият бериб, усиз зоҳидликни мумкин эмас деб билган», дейди. Олим М. Ҳазратқуловнинг айтишича: “Суфий” ибораси VIII асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб, кейинроқ форсчада «дарвеш», арабчада “ориф” деган ибораларни олган экан. Машҳур шарқшунос олимлар Е. Бертельс, В. Бартольд ва А. Болдирев ҳам “суфий” иборасини юнг либос кийганлар деб таъкидлашган¹.

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 9-10-бетлар.

Тасаввуф сўзининг луғавий маъноси нима? Буни Кошифий ҳарфма-ҳарф шарҳлаган: «Г»-тадриж, яъни ортиқча нарсалардан ҳоли қолиш, беҳуда ишлардан четлашиш, «С»-сидку сафо, «В»-вафо, «Ф»-фано маъноларини англатади¹.

Тасаввуф (сўфий) арабча “суф”дан келиб чиққан бўлиб, юнг мато-хирқа, деган қарорга келишган, яна бири юнонча “сафа”-донишманд сўзидан олинган дейилади².

Туя арабчада “сўф”³ дейилади. Сўфийлар туя юнгидан тайёрланган дағал кийим кийишган. Ҳасан Басрийнинг айтишича, пайғамбар алайҳиссалом билан Бадр жангида иштирок қилган етмиш саҳобанинг ҳаммасида сўфдан кийим бор эди. Саҳоба Абу Мусал Ашъарийнинг хабар беришича, пайғамбар алайҳиссалом ҳам кўпинча сўфдан тикилган кийим кийиб юрарканлар. “Сўфий” сўзи мана шу “сўф”, яъни туя юнгидан олинган деган фикр бор.

Бошқа манбааларда сўфий сўзи VIII аср ўрталаридан қўлланган комил, эътиқодли мусулмон дарвешларга нисбатан ишлатилган дейди.

Тасаввуф Имом Ғаззолий⁴ фикрича, Аллоҳ буюргандек тўғри юрмоқ, тўғри турмоқ. Шайх Нурий “Тасаввуф нафс лаззатларидан воз кечишдир” дейди.

“Иши фақат худо билан бўлган, вужуди мутлоқнинг мавжудлигинигина тан олувчи сўфийлар деб аталади”⁵ деб ёзади Жунайд Бағдодий.

Тасаввуф дил поклиги ва руҳ комиллигига ўргатадиган таълимотдир. Тасаввуфдаги кўп фикрлар нафс ва ахлоқ, Руҳ ва Ишқ тўғрисида.

Боқирғоний илоҳий ишқ ҳақидаги фалсафий, ахлоқий қарашлари қуйидаги сатрда мужассам:

*Менинг жоним сенинг ишқинг билодир⁶,
Таним ожиз, вале жоним ўлодир.*

¹ С.С. Бухорий. Дилда ёр. Тошкент, 1993, 23-бет.

² И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят, 6-бет.

³ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Тошкент, 1991, 6-бет.

⁴ С. С. бухорий. Дилда ёр. 23-бет.

⁵ Ўша манба, 23-бет.

⁶ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. 8-бет.

Тасаввуфда, худо васлига восил бўлиш учун, у ваҳдат ташкил этиш учун тўрт босқични ўтиш керак:

1. Шариат-диний маросимларни ва шариат ақидаларини, тақволарини бажариш; худони ибодат қилиш;

2. Тариқат-шайх ёки дарвешга шогирд тушиб, бу дунё лаззатларидан воз кечиш, нафсни тийиш, хушнудлик билан худо тўғрисида ўйлаш, хилватда яшаш, маънавий муҳаббатни чуқурлаштириб фақат худо тўғрисида хаёл суриш, ўйлаш, эслаш;

3. Маърифат-хамма нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси худо экани, нарсалар унинг қаршисида ҳеч қандай қийматга эга эмаслигини ўзининг моҳияти худо моҳияти билан бир эканини билиш ва аниқлаш. Шу билан у ориф бўлади;

4. Фано-бунда у ўзининг худонинг даргоҳига эришган, васлига восил бўлган деб билади, худо билан бир, у билан ваҳдат ташкил этади, худога тажассум этади. Шу билан у фоний номини олишга ҳақли бўлади ва “анал-ҳақ” дея олади.

Румий айтади:

“Назар-диққатингни ҳақиқат (худо) томонга қаратгин”¹. Боязид Тайфур ал-Бистомий бисмиллоҳ айтишдан худонинг номини тилга олишдан олдин оғизни чаяр эди; Сарийи Сақотий “ўзининг нафсини тийган киши энг кучли кишидир; нафсга таслим бўлган киши энг ожиз кишидир” деб 70 йил ичида ўринда ётмади, бошини ёстикқа қўймади; Абубакр аш-Шибли бу дунёдан воз кечиб фақат худо ёди билан бўлишни тарғиб этади.

Фоний бўлиш мутасаввифлар фикрича, худо бўлиш демакдир, худога айланиш демакдир, «анал-ҳақ»ликка эришган мавҳум дунёвий моҳият билан бирлашган одам ҳар қандай азоблардан фориғ бўлиб ҳақиқатга эришади.

Румий тасаввуфига, фалсафасига Гегель “Ажойиб Жалололидин Румийда жоннинг, ягона зот билан бирлиги...севги деб аталганда...бу руҳий birlik дунёдаги чекланган ва аҳамиятсиз борлиқдан ажралиб юқорига кўтарилиши демак бўлади”².

¹ Радий Фиш. Жалололидин Румий. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 264-бет.

² О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. “Мулоқот”. 1991 йил, 12-сон, 19-бет.

Гёте эса Румий ҳақида “воқеликни қанчалик йўқотса, шунчалик ютади” деб таърифлайди.

Гегель ва Гётенинг дунёқарашига берган баҳоси жуда юксак баҳолар эди.

Тасаввуф бир қанча йўналишларга, шаҳобчаларга бўлинади, лекин уларнинг бу дунёга, табиатга, ундаги ҳаётга, ислом динига бўлган муносабатларининг характериға қараб, бир неча оқимга бўлиш мумкин.

Академик В. Зоҳидов тасаввуфни уч асосий оқимга бўлади.

1. Тўлиқ ёки экстазчи сўфийлар оқими¹. Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий бу оқимнинг йирик вакиллари бўлганлар. Уларнинг фикрича, биргина борлик, воҳид бошланғич, ягона ҳақиқат, биргина моҳият борки, у ҳам бўлса ҳақ, яъни Худодир. У мутлоқдир. У маконсиз ва замонсиздир. У ҳамиша, ҳаммани ихота этади, у ҳар ерда мавжуд.

Румий ўзининг тасаввуф қомуси ҳисобланган «Маснавий»сида “Сен қодир мутлоқсан, сен ҳаммасан, сен бизга фанони кўрсатасан, биз, бизнинг борлигимиз эса лошай, ҳечдир”, дейди. Инсон-комил худода унинг васлидадир.

2. Эклектик (грек. танлайман) оқим. Имом Ғаззолий, Хожа Аҳмад Яссавий бу оқимнинг кўзга кўринган намояндалари ҳисобланадилар. Булар тасаввуфни худо билан келиштиришга, бирлаштиришга уринганлар.

Бу оқимнинг асосчиси туслик Зайниддин бинни Муҳаммад имом Ғаззолий². (1058-1111) эди. У “Ҳужжатул ислом” (“исломнинг улуғ ҳужжати”) номини олган эди. Унинг “Иҳъёи улум ад-дин” (“Диний илмларнинг жонланиши”) номли шоҳ асари бугунги кунда ислом қомуси бўлиб хизмат қилмоқда. Мусулмон оламида ҳам, Ўрта аср Оврўпасида ҳам унинг таъсири катта бўлган. Ғаззолий фикрича, дунё вожибул-вужуд-мутлоқий ўзгармас, доимийдир ва мумкинул вожиб-бор бўлишлик имкониятидан маҳрумдир, у ўзидан бошқа сабабга муҳтождир.

¹ В. Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. 226-бет.

² Дунё. 1993 йил, Нишона сони, Ал-Ғаззолийнинг маънавий изланишлари, А. Бадавий (Миср), 18-бет.

Ғаззолий дунёвий фалсафа, илмлар билан шуғулланиб, “Файласуфларнинг анъаналари”, “Саволларга жавоблар” номли асарлар ёзган ва ва мутасаввиблик йўлига кирган.

3. Нақшбандийлик оқими¹. Бу асл моҳиятига кўра, аскетизмга, яъни таркидунёчиликка зид бўлган оқимдир. Араб сайёҳи ибн Батутанинг ёзишича, шаҳарга ғариб кишилар келса, Низомий уларни текин овқатлантириб, кийинтирган, бу ахийлик (арабча «дўст» дегани) оқими бўлиб, нақшбандийликка яқин оқимдир.

Нақшбандга қадар XII асрда яссавийлик кенг тарқалиб, у ўз таъсирини Эронга ҳам ўткази олган эди. Унинг ташвиқотчиси 1192 йилда вафот этган Сулаймон Боқирғоний бўлиб, у ўзининг “Охир замон”, “Боқирғон”² номли асарларида Яссавий таълимотининг тарғиб этиши билан машғул бўлган эди.

Яссавий тасаввуф намояндаси сифатида шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат каби босқичларни ўташни, фикрини худога беришни айтади.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида худо-инсон борлигининг энг олий зухуроти, худо-дилда яшайди. Одам ҳақ ва ҳақиқат дардида ўртаниб ёнмоғи керак. Ишқсиз киши салтанат соҳиби бўлса-да, у қуруқ жасаддир. Чунки “Ишқсизларни ҳам жони йўқ, иймони йўқ”. Ишққа етмоқ-ўтга тушмоқ³.

Худога муҳаббат, сабру тоқат ва маънавий шижоат ёлғизликдаги хаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилиқ ва самимият, нафсдан ғолиблиқ, фақру-фано-булар тасаввуфдаги бош масала ҳамда талаблардир. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мавзу мундарижаси худди шу ғоя ва масалалар талқинидан таркиб топгандир.

Мустабид тузум даврида Яссавийнинг ижоди, дунёқараши сохталаштирилди. У мистика ва таркидунёчиликда айбланди, унинг меросидаги ижобий ғоялар инкор қилинди.

Тасаввуф таълимоти борлиқдаги ҳамма ҳилқатларда, хусусан, одамзотда илоҳий зарралар бор. Сўфийнинг мақсади-кўнгилдаги

¹ О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. “Мулоқот”, 19-бет.

² Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. 8-бет.

³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. 7-бет.

илохий зарраларни узоқ ва машаққатли покланиш йўлидан бориб, яна Аллоҳга қайтаришдан иборат.

Яссавий узоқ ва машаққатли муридлик-шогирдлик йўлларни босиб ўтди ва сўфий дарвешлар пирига айланди. Яссавий Ҳамадонийга шогирд эди. Етти иқлимга донғи кетган Юсуф Ҳамадоний 95 йил умр кўриб, 38 марта Мовароуннахр ҳудудидан пойи пиёда Каъба зиёратига борган эди. Ҳамадонийни пир тутган муридларидан 213 таси машҳур шайхлар бўлиб етишиб, Бухородагина эмас балки Дамашқ, Ҳирот, Марв, Бағдод ва Қоҳира шаҳар, вилоятларида софлик, сўфийликни тарғиб қилар эдилар.

Аҳмад Яссавий улкан мерос қолдирди. “Ҳикматлар”, “Факрнома”, “Расоил” каби асарлар уни дунёга танитди.

Яссавий “Расоил” асарида “Чин шайхлар олган садақаларини шунга эҳтиёж сезган муҳтожларга ва ғарибларга улашур. Мабодо олган садақаларини ўз нафсига ишлатса, ит теккан таомдек харом бўлур. Мундоқ шайхлар шариатга ва тариқатга ва ҳақиқатга ва маърифатга хиёнат қилурлар...”.

Хожа Аҳмад Яссавий Бухородан она юрти Туркистонга-Яссига қайтиб 63 ёшида ер остидаги ғорда яшай бошлагани чўл ўлкасининг олис гўшаларига маълум бўлади.

*Чин ошиқлар доим тирик ўлган эмиш,
Арвоҳлари ер остига кирган эмиш,
Зоҳид, обид бу маънони билган эмиш,
Чин ошиқлар халойиқни Хизри бўлгай¹.*

XIV асрнинг бошларига келиб яссавийчилик ўрнини дунёвий оқимга, табиат билан боғлиқ мафкурага берди. Бу мафкуранинг ривожига Нақшбанд катта рол ўйнади. Унинг тўлиқ номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазл Бухорий эди². У 1314 йил Бухоронинг Қасри Орифон деган жойида дунёга келади. 1354 йилда вафот этган мутасаввиф олим Хўжа Муҳаммад Бобои Самоси Баҳоуддинни ўзига ўғил қилиб олиб, уни тарбиялайди. Вафотидан олдин уни ўз шогирди Саййид Амир Кулолга

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. 8-бет.

² О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. “Мулоқот”. 20-бет.

топширган. Мутасаввиф Амир Кулолдан ҳам таълим олган. Нақшбанд мутасаввиф Абдулхолиқ Ғиждувонийга ҳам шогирд тушади. Амир Кулол ва Ғиждувонийлар Яссавийдан таълим олган эдилар. Тожикистонлик шарқшунос олим Аълохон Афсаҳзоданинг маълумотларига кўра, асосан шариатга асосланган Нақшбанднинг Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд томонидан яратилган қоидалари қуйидагилардан иборат

1. Хуш дар дам, яъни солиқ (сулук ёки тариқат аъзоси) ҳамиша худо шарафига келиши, зикрга ғарқ ҳолатда хуш вақт ва хушчақчақ бўлиб юрмоғи лозим. 2. Назар дар қадам, яъни солиқ доим олди-орқасига қараб юриши керак, токи унинг назари пораканда бўлмасин. 3. Сафар дар ватан, яъни солиқ ҳамиша табиатни, атроф-муҳитни кезиб юрсин, яхши ахлоқ соҳиби бўлсин, иложи бўлса, у малак даражасига етмоғи даркор. 4. Хилват дар анжуман, яъни солиқ доимо “Дил ба ёру даст ба кор” шиорига амал қилмоғи лозим, у зоҳиран халқ билан, ботинан ҳақ (худо) билан бўлмоғи даркор. 5. Ёд кард, яъни солиқ худо ёди билан яшамоғи ва зикр тушмоғи керак. 6. Бозгашт, яъни солиқ ҳамиша худо ишқида муножот айтиб юрмоғи керак. 7. Нигоҳдошт. Яъни сулук ваҳдати мавжуд (олам бирлиги) таълимотидан воқиф бўлмоғи ва ундан ҳузур қилмоғи даркор. 8. Вуқуфи замони, яъни солиқ доимо ўз вақтини ҳисоб-китоб қилиб юриши вақтининг қанчаси хайр (яхшилик) учун, қанчаси шарр (ёмонлик) учун бўлганлигини ўйлаб юрмоғи лозим. 9. Вуқуфи адади, яъни солиқ ҳамиша ягоналигини, танҳолигини, воҳидлигини назарда тутмоғи лозим. 10. Вуқуфи қалб, яъни солиқ ҳамиша ўз дилида зоти мутлақни (Аллоҳ-таолони) сақлаш билан кўнгли тўқ ҳамда хотиржам бўлиб, хуфия зикр ҳолатида бўлиши керак.

Демак, юқоридаги қоидалар Нақшбанд таълимотидаги одамларнинг тафаккури, ҳаёт кечириш йўли тўғрисидаги қоидалар бўлиб, уларнинг асосийлари а) Хуш дар дам, б) Назар дар қадар, в) Сафар дар ватан, г) Хилват дар анжуман ва бошқалардир.

Тасаввуфнинг машҳур билимдони, атоқли шарқшунос Е. О. Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимоти асосида ихтиёрий

равишдаги фақирлик ётади. Шунга биноан Нақшбанд умр бўйи деҳқончилик билан кун кечирган, уйда мол- дунё сақламаган хизматкор асрамаган.

Академик И. Мўминов Нақшбандни тасаввуфдаги “Янги оқимнинг асосчиси” эканлигини қайд этиб ёзади: “Сўфизмда махсус оқим ҳисобланган нақшбандийлик машҳур шоир Саъдийнинг асарларидан фойдаланди ва Юсуф Ҳамадоний ҳамда Абдулҳолик Ғиждувонийнинг асосий ғояларини тиклади”¹.

Абул Ҳасан Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Нақшбанд”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларида Нақшбанднинг ҳаёти, таълимотининг ғоявий, ахлоқий ва фалсафий моҳияти ҳамда шартлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Навоий Хожа Баҳоуддинга «Қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдандур» дейди.

Юсуф Ҳамадоний Ўрта Осиё тасаввуф мактабининг асосчиси ҳисобланади. Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, жумладан Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Ҳамадоний мактабининг буюк вакиллари дур.

Академик И. Мўминов: “Нақшбандийлик «тарки дунё» қилишга, дунё ишларидан воз кечишга қарши чиқди, борлик ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишга, билим олишга чақирди... унинг бу ижобий томони Ўрта Осиё халқлари маданияти ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди”², деган эди.

Навоий “Хамса”да Нақшбандни «Офоқ ичида» ягона, хоксор, “Жаҳон мулки нигоҳбони” каби орифлик сиймоси атамасида гавдалантиради. Барча султонлар “уза султон” бу зотнинг ҳар бир сўзи шоҳлар тожидаги қимматбаҳо дурдай гап. У “Ҳақ сўзини элга еткарурда шоҳу гадо”ни тенг кўради:

*Барча сулук аҳлига раҳбар бўлиб,
Йўл элига тийра тун ахтар бўлиб.*

-деб унинг руҳи сўнмаслигини айтади.

Воиз Кошифий Нақшбанд ҳақида:

*Фақр мулкига сен бўла олсанг Шоҳ,
Ҳақнинг асроридан бўласан огоҳ,*

¹ И. И. Мўминов. Танланан. Асарлар. 1-том. 40-бет.

² Ўша манба, 40-41-бетлар.

*Дилингда нақш этсанг Аллоҳ сурагин,
Шул нақшдин топасан Нақшбандга роҳ¹, - дейди.*

У зот 73 ёшида, яъни 1389 йилда Қасри Орифондаги карвонсаройда ғарибона вафот этган.

Айтиш мумкинки, Хуросон ва Мовароуннаҳр, қолаверса бутун мусулмон оламида кенг тарқалган яссавия ва нақшбандия тариқатларининг келиб чиқиш илдизи аслан бирдир, бу пурқудрат томирнинг учи буюк мутасаввиф донишманд Хўжа Юсуф Ҳамадонийга бориб тақалади.

Сўфийлар таълимотининг тасаввуфий томони кўпинча диний ақидаларга қарши хулосаларга олиб келар эди. Сўфийлар худони яхши билиш учун билимларни эгаллаш ёрдам беради деб ҳисоблар, Қуръонни айнан талқин қилишни инкор этмаганлар.

Тасаввуфда турли ғоялар мавжуд эди, шу билан бирга қарама-қарши оқимлар ҳам бўлиб, кўп ҳолларда унда диний маросимлар танқид қилинарди.

XII-XV асрларда Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатларида сўфийлар орасида ҳар хил оқимлар, тариқатлар пайдо бўлди. Буларга кубровия, суҳравардия, мавлавия, чиштия, шазилия, тайфурия, сафавия, ҳайдария, бектошия, қодирия, неъматуллоҳия, жалолия, рифоия ва нақшбандия² киради.

XIV-XV асрда Ўрта Осиё ва Хуросонда тасаввуфнинг нақшбандийлик оқими ва унинг илғор ғоялари ўша давр ҳукмрон табақалар мафқурасига терс бўлиб тушади. “Чунки у меҳнаткаш халқ орасида биринчи навбатда, ҳунармандлар орасида кенг тарқалиб, уларнинг манфаатини акс эттирди. Бу оқимнинг талаби бўйича, ҳар бир киши ўз ҳалол меҳнати билан турмуш кечирishi, деҳқончилик, савдо иши билан шуғулланиши, ҳунар эгаллаши лозим. Нақшбандийлик текинхўрликни қоралади, таркидунёчилик, гўшанишинликка қарши чикди, бу дунё ишларига фаол аралишишни, табиатни ўрганишни тарғиб қилди”³.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг: “Тангри сизларнинг ташқи кўринишингиз ёки молу давлатингизга эмас, балки

¹ О. Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд. 1991, Мулоқот, 12-сон, 22-бет.

² И. П. Петрушевский. Ислам в Иране в VII-XV вв. 342-347-бетлар.

³ Ҳ. Аликулов. Жалолиддин Давоний. Тошкент, 1992, 14-бет.

дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради”, деган ҳадисларига мувофиқ нақшбандия тариқати юракларни покизалашга, одамзодни камолот чўққисига кўтаришга қаратилгандир.

Шундай қилиб, нақшбандия таълимоти Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида катта рол ўйнади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм – истибдодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари (таркидунёчиликка) қарши мулкдорларнинг зулм ва истибдодларига қарши бўлганлар, фақат ўз кўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун ўтказишга чақирганлар. Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-марифат, хаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга ўзгаларни даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм маърифатнинг йирик намояндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Махтумқули Фироғий сингари Машриқ заминдаги юзлаб улкан тараққийпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаганлар. Шу муносабат билан Е.Э. Бертельснинг Навоийни нақшбандийлик сулукини қабул қилганлиги тўғрисидаги фикри, бизнинг назаримизда муҳимдир. Унинг айтишига қараганда, Навоийнинг нақшбандийликни қабул қилиши ҳаётдан кетишни, бу дунё ишлари билан шуғулланмасликни билдирмайди¹. Навоий учун нақшбандийлик илғор ғояларни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тасаввуф билан ислом мусулмон жамоаси, шариат ўртасидаги муносабатларнинг зидлашувига Ҳаллож, Айн-ул-Қуззот, Насимий, Бадриддин Симавий, Машраб ва бошқаларнинг қатл этилишига, Бистомий, ибн ал-Аърабий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол² каби мутасаввиф мутафаккирларни куфр, бидъат ва “худосиз”ликда «айбланишларига» олиб келди.

¹ Е.Э. Бертельс. Наваи и Джами. Избранные труды. Ташкент, Фан, 225-бет.

² А. Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб мусулмон маданияти. Тошкент, 1993, 74-бет.

Тасаввуф ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида кўпгина илғор таълимотларни, дунёвий, умумбашарий қадриятларни, инсонпарварлик, юксак руҳийлик, табиат ва инсонни севиш каби тушунчаларни чуқурлаштирди.

Пантеист-мутасаввифлар ҳам барча сўфийлар қатори илоҳийпарастлардир. Пан-ҳамма (борлик); теос-худо, яъни бутун борлик илоҳиётдан иборат, демакдир. Аммо пантеистларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари Ўрта аср фалсафасининг юқори чўққиси эди. Пантеистлар тасаввурича, борлик ва илоҳиёт узвий бир бутунликда. Худо олий идеал бўлса, борлик унинг зухур этган маҳсули. Аниқроғи гўё худо-қуёшу, олам (одам), бутун жонли ва жонсиз табиат эса унинг нур зарраларидан иборат. Нур зарралари-умуман борлик инсон, хайвон, дарахт, гул ва ўсимликлар дунёси, қимматбаҳо тош, дала-боғлар, хуллас-борлик. Инсон илоҳийни нечоғли қадрласа ва севса, унинг зухуроти-борлик мавжудотларини, жумладан, одамларни ҳам ўшанча севмоғи лозим. Яъни олам, одам ва кишилик бахтини, нафосатини, инсонийлик тантанасини тан олишга қаратилган бу таълимот ҳаёт, умр, инсоний камолот ва гўзаллик, ундан лаззатланишга тарғиб этади. Бунда мистикларга хос бўлган ўта таркидунёчилик йўқдир.

Тадқиқотчилардан Ф. А. Толук аввал суфийлик мағлар мероси (зороастризм) деб, кейин бу фикридан қайтади ва уни исломнинг пайдо бўлиши билан ва ҳатто Муҳаммад пайғамбар билан боғлайди. Олимлардан А. Мерке, Эд. Браун, Д. Б. Макдональд, асин Паласиос, А. Вензинк, Ф. С. Марч, Маргарет Смит ва бошқалар суфийликни шарқий христиан аскетизмидан ва мистицизмидан ҳамда суриялик монахлар неоплатонизмининг христианлик шаклида ўзгаришидан келиб чиққан, дейишади.

Олим де Во суфийлик асосида форс ҳақимлари томонидан ўзгартирилган неоплатонизм ётади, дейди. Тадқиқотчилар Рихард Хартман, Макс Хартен эса суфийлик негизини Ҳинд манбаларидан, яъни буддийликдан қидиришади. Хартманнинг фикрича, зардуштийлик, буддийлик ва ислом учрашган жой ўрта

Осиё бўлиб, форслар орқали бу қоришманинг таъсири ўтган. Бу фикрни рус олими В. А. Горделевский ҳам қувватлайди¹.

Суфийликнинг пайдо бўлиши тўғрисида XX асрнинг биринчи ярмида Рейнольд Никольсон ва Луи Массиньон томонидан яна бир ақида ўртага ташланади. Р. Никольсоннинг фикрича, суфийлик фалсафаси христианлашган неоплатонизмнинг ҳосили бўлиб, унинг пантеистик ғоялари форслар орқали ҳиндлар таъсирида шаклланган. А. Массиньон бу масалага яна ҳам аниқлик киритмоқчи бўлади: суфийликнинг исломга бошқа динлардан келганини далиллаш учун дастлабки суфийлар асарини ўрганиш керак дейди. Алқисса, Массиньон суфийлар асарларини ўрганиб, суфийлик исломнинг ўз ичидаги тараққиёт натижасида вужудга келганини, фақат баъзи бир ғоялар исломдан бошқа динлардан қўшилганини аниқлайди ва хулосага келадики, суфийлик асосан исломнинг ўзидан келиб чиққан оқимдир. Ҳозир бу ақида ҳақиқатга яқин деб ҳисобланади².

Мутасаввифлар жумладан, Машраб ҳам зоҳидларга таъна-маломатлар ёғдиради. Буни у даҳрийлик нуқтаи назаридан эмас, сўфий сифатида қилади. Унингча: зоҳидлар худо билан шартномали савдо қиладилар (бу дунёда мен беш вақт намозни ўқиб, тоат-ибодат қиламан, рўза тутаман. У дунёда сен менга жаннатингдан жой берасан). Сўфий Машраб “Пистани пўчоғига дўзахни жо қилгувчиман”, “Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо”, деганда ўз эътиқодидан келиб чиққан. Унингча, “Биз худо фидоийси. Биз учун-қўрқоқ ва таъмагирлар паноҳгоҳи-жаннат ҳам, фирибгар ва қаттоллар жабргоҳи-дўзах ҳам йўқ. Ёлғиз худо бор. У дунёда дўзахига ташласа ҳам худо ёди билан биз ўт тафтини сезмаймиз. Жаннатга киритса ҳам, худо ишқида жаннат роҳатларини писанд этмаймиз”³.

Муасаввифлар Шайх Боязид Бистомий каби йирик шайхми, Мансур Ҳаллож сингари косиб-ҳунармандми, Насимий ва Машраб сифатидаги қувғинди ижодкорларми, ким бўлишларидан қатъий назар ўз сафдошлари ва омма раҳбари, меҳнаткашлар мафкурачилари сифатида, эл бошини бириктирувчилар

¹ Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам ал-Косоний. 7-бет.

² Щша манба, 8-бет.

³ Ислом нури. 1991. 10-сон, 3-саҳифа.

бўлганликларидан зодагонлар ва хукмдорлар томонидан таъқиб қилинган.

Наманганлик олим Абдулла Жаббор Машрабнинг тасаввуфни қабул қилиши ҳақидаги қарашларини шундай талқин этган:

“Боғи ҳирсингни муҳаббат оташи бирла қурит” дея даъват қилган шоирнинг ўзи аллақачон бу маломатларга тайёр эди. Машраб таржимаи ҳоли атрофида фикр юритган айрим тадқиқотчилар ҳамон урғу бериб ётган “Жисман мажруҳ қилинган шоир”нинг ўзи айнан шу нарсани-ҳирсининг ўлдирилиши шартлигини таъкидлайди.

*Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,
Кўйди йўлдин халқни нолойиқ иршод оқибат.*

Бу пайтда Машраб замониغا келиб, пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларидан бошлаб тараққий этган сўфийлик тариқатида ҳам маълум бузилишлар рўй берган, «абдоли вақтман» дея кўксига урган сохта сўфийлар пайдо бўлган, “нолойиқ иршод” билан динга пешволик рутбасига эга бўлиб олган айрим сўфийнамо раҳнамолар ножўя фатволар ила халқни тўғри йўлдан адаштирганлари ҳақидаги фикр олға сурилади.

Тасаввуф илмининг билимдони Нажмиддин Комилнинг тўғри таъкидлашича, даврларнинг алмашилиши, шоҳларнинг ўзгариши, сиёсату раёсат дарвеш сўфийнинг эътиқодига хулқига таъсир қилмаслиги керак. Сўфий майда манфаатлар, одамларнинг кундалик ташвишларигина эмас, умуман, фоний дунёнинг ғаму муаммоларидан устун турадиган, тафаккурнинг сатҳи фалак қадар камровли, калбида маънолар булоғи қайнаб ётадиган комил инсон ҳисобланган. Яна шу олим қуйидаги сўзларига эътибор беринг: “Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин..”.

Шоҳ Машраб келтирган биринчи иқтибосимиздаги барча фазилатларга эга сўфий шоир эди. Энди кейинги иқтибос нуқтаи назаридан шоир ҳаёти ва ижодига эътибор қилсангиз, санаб ўтилган беш тоифадаги сўфийларга хос хислатларнинг ҳаммаси шоҳ Машрабда зоҳир бўлганлигини кузатиш мумкин. Танқидчилар шоир зоҳидликни танқид қилган, уни ақалли шу тоифага киритмаслик керак дейишлари мумкин. Лекин:

*Мурдаликни ихтиёр эттим, бугунки кийдим кафан,
Мисли Юсуфдек жаҳон мулкига бўлдим беватан,
Гўшаи узлатни олдим, юз ёшурдум халқдан,-*

сатрларини битганида шоир “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларини ёзишга ўтирган, “узлатни олган” эди. Ўтдек чакнаб, жаҳонгашта кезган даврида яратган шеърлари билан бўлаётган китоблардаги шеърларни солиштириб кўрган киши бу ҳолатни кузатган бўлиши керак. Панд-насихат йўсинидаги асарлар шоирнинг қанчадир муддатга “халқдан юз ёшурган” даврида дунёга келган, дейиш учун асос бўла олади. Худди шунингдек риндлик, фақирлик, файласуфлик хислатлари ҳам Машраб учун бегона эмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий карашларини ёритишни мақсад қилганимиз ҳолда, унинг ўзи саййид авлоди эканлигини, ўз авлодидан бўлган пирлари Офокхожа ва мулло Бозор охунд даргоҳидан тасаввуфий илмлар ўрганиши ва сўфийлик тариқатига кириш сабаблари, унинг қаландария тариқатини қабул қилиши ва ижодида улуғ сўфий шайхларни тилга олиши, уларнинг йўлини танлаганлиги, шеърининг турли жанрларида ижод этиши, ишқи афсонавий Лайли ва Мажнун илоҳий муҳаббати, севгиси ҳақида ёзган асарларини таҳлил этишдир.

Махдуми Аъзам авлодидан бўлган ва улуғ пир ҳақида бир неча рисолалар ёзган самарқандлик олим Комилхон Каттаев “Махдуми Аъзам ва Даҳбед” рисоласида куйидаги фикрларни келтирган: Нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқий Туркистон, Афғонистон, Ҳинду-Покистон ва Эроннинг Хуросон юртларининг диний, маданий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётларида сезиларли таъсир кўрсатган Махдуми Аъзам, у зотнинг авлодлари бўлмиш Даҳбедий хожалар ҳақида охириги ўнлаб йиллар мобайнида ҳеч бир рисола ёзилмай, уларнинг фаолияти тарих саҳифаларидан ва халқ хотирасидан онгли равишда ўчиришга ҳаракат қилинди¹.

Ўрта Осиёнинг тарихга бой мавзеларидан бири Даҳбеддир. Ўз вақтида бу маскан бутун ислом оламига маълум ва машҳур

¹ Комилхон Каттаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. “Суғдиён”, Самарқанд, 1994, 3-бет.

эди. Чунки ислом динининг дунёда ниҳоятда кенг тарқалган оқими тасаввуф бўлса, шу йўналишдаги энг улуғ силсила нақшбандиядир. Нақшбандия сулукининг маркази эса XVI асрдан бошлаб Дахбедда жойлашгандир.

Махдуми Аъзамнинг муборак ҳоки ва у зотнинг авлодлари хилхонаси Окдарё туман Дахбед кўрғонида жойлашган бўлиб, улар Махдуми Аъзам хонақо-масжиди ёнидаги қабристонга дафн этилгандир.

К. Каттаевнинг эътироф этишича, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро каби машҳур шаҳарларидан ташқари “Хожа Исмоил”, “Хожа Аҳрор”, “Дахбед” каби кичик мавзелари ҳам ислом оламида машҳурдирлар.

Шайбонийлар ва аштархонийлар даврига мансуб манбаларга қараганда, Дахбед Офаринкент туманида жойлашган.

Дахбеднинг пайдо бўлиши XVI асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсининг Косон шаҳрида яшаган Саййид Аҳмад Жалолиддин Косонийнинг номи билан боғлиқдир. У Самарқанд ҳукмдорлари хусусан, шайбонийлардан Жонибек султоннинг таклифига биноан Миёнколга кўчиб келган ва шу ерда ўнта тол эккан. Натижада у зот яшаган мавзе “Дахбед” (форсча «ўнта тол» дегани) номи билан аталиб кетган.

Фарғона водийсида фаолият кўрсатган Махдуми Аъзам Самарқандга доимий яшаш учун 1515-1528 йиллар оралиғида келган бўлишлари керак. Чунки, 1515 йилда у зотнинг устозлари мавлоно Муҳаммад Қози вафот этган бўлса, 1528 йилда у зотни Самарқандга таклиф этгандир. Яъни, устозлари ва ҳукмдор муридларининг вафотидан олдин-кетин келгандирлар.

Шайбонийлар, аштархонийлар ҳамда манғитлар сулолалари даврида Офаринкент (Сўғди Хурд) туманининг маркази Дахбед ҳисобланган. Унинг атрофи дарвозалар билан ўралган, кўпгина масжидлари бўлиб, нақшбандия сулукининг маркази бўлган¹.

Махдуми Аъзам ҳаёти ва шахсияти ҳақида шарқшунос олим Илёсхон ғозий “Махдуми Аъзам имом ал-Косоний” рисоласида шундай маълумотни келтирган: Махдуми Аъзам, имом Косоний Хожаи Косоний Саййид Аҳмад Дахбедий тахаллуси Хожаги

¹ Ўша манба, 5-бет.

Аҳмад ёки шажара бўйича Сайид Аҳмад ибн Сайид Жалолиддин ибн Сайид Жамолиддин ибн Сайид Камолиддин ибн Сайид Бурҳониддин ибн Сайид Муҳаммадхожа ибн Сайид Мирмуҳаммад ибн сайид Бурҳониддин Қилич ибн Сайид Камолиддин Мажнуни Мадинавий ибн Сайид Жалолиддин ибн Шоҳ Ҳасан ибн Шоҳ Ҳусайн ибн Сайид Муҳаммад ибн Сайид Адҳам ибн Абдуллоҳ ибн Абдул афзал ибн Абдуллоҳи Аъраж ибн Толиб ибн Али ар-Ризо ибн Мусо Козим ибн имом Жаъфари Содиқ ибн имом Муҳаммад Боқир ибн имом Зайн ал-Обидин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб мелодий 1462 йил Ахсининг Косон туманида дунёга келди.

Кўриниб турибдики, Махдуми Аъзам Косонийнинг шажараси имом Ҳусайн ва Фотимаи Захро орқали жаноби расули акрам Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га бориб туташиган¹.

Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг ота-онаси ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) авлодига мансуб оилалардан бўлиб, у зотларнинг насабноналари кўплаб тарихий китобларда, қабр тошларда ва обидаларнинг пештоқларида кошиний қилиб ёзилгандир. Насабнома ва шажара масаласида Ўрта Осиёда шажаралари энг кўп қайд этилган ва ёзилган табақа, бу Махдуми Аъзамийлар авлодидир.

Профессор Н. Веселовскийнинг «Дахбед» номли асарида ҳам Махдуми Аъзамнинг қабртошларидан кўчирилган тўлиқ шажараси келтирилгандир².

1910 йил Бухорода чоп этилган “Тухфатул-зоъирин” китобининг (муаллифи Носириддин ал-Ханафи ал-Ҳусайний ал-Бухори) 61-66-бетларида “Ҳазрати хожа Махдуми Аъзам Косоний” деган бобида қуйидаги насабнома келтирилган: “Ҳазрати Сайид Аҳмад-Махдуми Аъзам ибн Сайид Жалолиддин” келтирилган:

“Ҳазрати Сайид Аҳмад-Махдуми Аъзам”

бин Сайид Жалолиддин

бин Сайид Жамолиддин

бин Сайид Бурҳониддин Хожам

бин Сайид Амир Мажнун

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам имом ал-Косоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 24-бет.

² Н. Веселовский. Дагбит. З.В.О., том-III.

бин Сайид Бурҳониддин Қилич
бин Сайид Камолиддин
бин Сайид Жалолиддин
бин Сайид Шоҳ Ҳусайн
бин Сайид Ҳасан
бин Сайид Муҳаммад
бин Сайид Аҳмад
бин Сайид Абдулло ал-Афзал
бин Сайид Абдуллои Акмал
бин Сайид Абу Толиб хужжатулло Сайид Муҳаммад Али
бин Ҳазрати Имом Али Мусо ар-Ризо
бин Ҳазрати Имом Мўсо Козим
бин Ҳазрати Жаъфари Содик
бин Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир
бин Ҳазрати Имом Зайнул-Обидин
бин Ҳазрати Имом Ҳусайн
бин Ҳазрати Амирал Мўъминин Имом Али ва Фотимаи Захро
(р.) Ҳазрати Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу Алайҳи Васаллам!¹.

Махдуми Аъзамнинг аجدодларидан Ўрта Осиёда туғилган биринчи бобокалони султон Сайид Бурҳониддин Қилич бўлиб, ўша даврдан бошлаб унинг авлодлари Фарғонада ҳукмронлик ва диний пешволик қилиб келишган.

К. Каттаев Хожа Абдул Бақонинг «Жомеъ ул-мақомат» асарига таяниб берган маълумотига қараганда шайх Бурҳониддин Қилич деб номланган зотнинг отаси Сайид Камолиддин Мадинаи Мунаввара шаҳрининг шарифларидан бўлиб, манбаларда келтирилишича ногаҳон зоҳидлик талабида у ерлардан чиқиб Ўрта Осиёга, Фарғона вилоятига келиб қолган.

Аслида бунинг замирида бошқа сабаб ётади.

Бу каби имомзодалар ўз замонасида халқ орасида жуда катта маънавиятга эга бўлсалар-да, ҳам диний ва дунёвий ҳокимиятга асосий даъвогарликлари учун ҳукмдорлар томонидан таъқиб остига олинганлар. Айниқса, уммавийлар (661-750), қисман аббосийлар (750-1258) даврларида имомзодаларни оммавий

¹ Комилхон Катаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. 10-бет.

қирғин ва қувғин қилганлар. Қўшни мамлакатларнинг, жумладан Мовароуннаҳр ҳукмдорлари уларни ўз паноҳига олишган¹.

Амир Темур кўрагоний даврида унинг музофатига келган имомзода Мир Саййид Барака эса соҳибқиронга пир бўлган². Кейинроқ аштархонийлар даврида Эроннинг Машҳад шаҳридан Бухорога имомзода Мир Абу Толибхожа ўз укаси Абу Тохирхожа билан олдинма-кетин келиб, аштархоний Динмуҳаммадхонга ўз қизи Шаҳрибону бегимни никоҳлаб берган. Бу никоҳдан аштархоний Назрмуҳаммадхон туғилган³. Шулар каби XIII асрда Мадина шаҳридан Саййид Камолиддин ҳам (Махдуми Аъзамнинг бобокалони) Фарғонага келган ва Фарғона подшоси султон Илик Мозийнинг ёлғиз қизига уйланиб кейинчалик ҳаж қилиш учун борганида Мадинада вафот этган⁴.

Султон Бурхониддин Қилич мазкур Саййид Камолиддиннинг ёлғиз ўғли бўлиб, у ҳақда темурий Бобурмирзо ўзининг “Бобурнома” асарида қуйидагиларни ёзган: “Бу табақа муқтадо ва шайхул ислом ва қози бўлиб келгандурлар”⁵. Машҳур “Қандия” китобида ҳам бу зот ҳақида: “Саййид Бурхониддин Қилич, имом Абдуллонинг наслидандур ва Даҳбед хожалари ул зотнинг авлодидур”, деб ёзилгандир⁶.

Ўша даврларда Фарғона давлатининг маркази Ўзганд шаҳри бўлиб, унга султон Илик Мозий подшолик қилар эди.

Султон Илик Мозий невараси Саййид Бурхониддин 9 ёшга етгунга қадар саройда тариқат йўлларини ўрганади. Султон Илик Мозий вафот этгач унинг васияти бўйича Саййид Бурхониддинни Фарғона тахтига ўтқозишади. У давлат бошқаришда тасаввуф тариқатига суянган ҳолда иш кўрган ва халқни ҳидоятга бошқарган.

Манбаларда келтирилишича, у зот муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, “Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жоҳилларга эса қаҳрли бўлган” экан. Жоҳиллардан бир нечтаси у зот ҳақида ғийбат

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”, 1972, “Фан”, Тошкент.

³ Муҳаммад Юсуф Мунши. “Тазкираи Муқимхоний”.

⁴ Хожа Абул Бақо. “Жомеъ ул-мақамот”.

⁵ Бобур. Бобурнома. “Юлдузча”, Тошкент, 1989, 51-бет.

⁶ Мирзо Абдулҳаким Самарқандий. Қандия. Самарқанд нашри. 1908.

қилганларида, уларни ўз хузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тиғли қилични кўрсатган экан. Икки томони тиғи ўткирланган ва ойнадек мусаффо (ялтирок) қилич шуъласига пашша ва қўнғизлар ўзларини урар эдилар ва қилич тиғига тегиб икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлар эди. Шунда Султон Бурхониддин ғийбатчиларга қараб: “Айтинглар қани, айб шамширдами ёки қўнғизу пашшадами? Сизлар ўзларингизнинг айбингиз билан ўзингизни қиличга уриб ҳалок бўласизлар!”- деган экан. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб султон Бурхониддинга «Қилич» лақаби қўшилган экан.

Тасаввуф тарихида султон Бурхониддин Қилични шайх Бурхониддин Қилич номи билан аташиб, Султон Иброҳим Адҳам билан бир ўринда қўйишган. Чунки, бу иккала зот подшоҳ бўла туриб, тахтдан ўз хоҳишларича воз кечиб, дин ва тариқат йўлида хизмат қилишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишган¹.

Қилич Бурхониддин тўғрисида бир мунча тўхталганимиз боиси шуки, бу зотга Маҳдуми Аъзам беш пушт билан бориб етади ва Маҳдуми Аъзам унинг номини тез-тез тилга олиб “бобокалоним” деб фахрланган. Маҳдуми аъзамнинг отаси ҳам ўз ўғлидаги ғайриоддий қобилиятни ўша шайхнинг насабий таъсири деб билади.

Сухан давомини энди мавлоно Маҳдуми Аъзам тўғрисида олиб борайлик. Мавлоно Хожаги Аҳмад ибн Жалолиддин ёшлик айёмидан бошлаб ўз замонасининг кўп илмларига қизиқиш билан қарар эди. Алалхусус фикҳни яхши ўзлаштирган эди. Бу ишда унга аввало мавлоно Саййид Али устодлик қилган бўлса, кейин уни камолотга етказган муршид мавлоно Қозийдир. Бу зот Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг пири бўлиб, Хожа Аҳрорга мурид ҳисобланади.

Маҳдуми Аъзам Косонийни Самарқанднинг Даҳбед туманига Миёнкол ҳокими Жонибек султон кўчиртириб келгани тўғрисида шу туманда жойлашган “Маҳдуми Аъзам” масжидининг имом хатиби Исохон Юсуфхон ўғли маълум қилди ва бу сана тахминан 1540 йилга тўғри келар экан (яъни вафотидан икки йил олдин).

¹ Комилхон Катаев. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. 12-13-бетлар.

Ўз умрининг охирлашаётганини сезган бу зот асҳобларига шу ердаги ўзининг боғига дафн этишларини васият қилади¹.

Махдуми Аъзам оромгоҳи ёнида унинг авлодлари Хожа Калон, Хожа Ҳошим (Ялангтўш Баҳодурнинг пири), Хожа Мусо ва яна уч киши жойлашган бўлиб, супалар пастда, уларнинг оёқ томонларида Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодур (Абдулкарим), унинг ўғли Султонқули Баҳодур, яна Афғонистон ҳукмдорлари Шоҳ Қосим, Шоҳ Ҳидоят ва малика Иқлимабону ўз охирги манзилларини ихтиёр этганлар.

Бу қабристон ёнида 1619 йил Ялангтўш Баҳодур масжид қурдиради (ҳозир бу масжид “Махдуми Аъзам” масжиди дейилади) ва у ўз вақтида ўн тўртта нақшу нигорлар билан безатилган ёғочли устунлардан иборат бўлган, унинг ёнида мадраса ҳам бино этилганки, қирқ бир ҳужраси бўлган².

Махдуми Аъзамнинг яна бир авлодларидан, ўзбекларнинг “Колумби” ҳисобланмиш машҳур саёҳатчи, тарихчи, “Мунтахаб ат-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон Тўра Ҳўқандийдир. У ўз вақтида Наманган ва Тўрақўрғон туманларида ҳокимлик қилган. Отаси эса Маъсумхон Тўра Қўқон хонлигида шайх ул-ислом вазифасини адо этарди. Муҳаммад Ҳакимхонга қариндош бўлган Жаҳонгирхон Қашқарга ҳокимлик қилган.

Махдуми Аъзам авлодларидан бўлган Абдулшаҳидхожа ибн Абдулмажидхожа ҳам Абулфазлхон даврида Самарқанд ҳокими бўлган экан.

Ёки Махдуми Аъзамнинг авлодларидан бўлмиш Мусохон Хожанинг ўғли Султонхон Эшон Самарқанд ҳокимиятлигида судурлик вазифасини адо этган ва ҳақозо...³.

Шу ўринда Машрабнинг пири комили ҳақида баъзи бир фикрларни айтиб ўтмоқчимиз. Махдуми Аъзам номи билан машҳур бўлган Саид Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний ўз даврининг кўзга кўринган вакилларидан бири, йирик тасаввуфчи олим, маърифатпарвар устоздир. Насаб томонидан у киши пайғамбаримизнинг авлодидандир. Тарихий манбаларда,

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 34-39-бетлар.

² Ўша манба, 42-бет.

³ Ўша манба, 44-бет

хусусан, “Жомеъ ул-мақомот” китобида у зотнинг аждодлари батафсил таърифланган. Махдуми Аъзам буюк тарбиячи пир сифатида шуҳрат топгандир. Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллохон, Абдулазизхон, Жонибек султон, темурий ҳукмдорлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ҳам ўз даврида у кишига мурид тушганлар. Махдуми Аъзам бир-бирига душман бўлган шайбоний ва темурий сулоласини тотув яшашга чақиради, тарбия қилади. Бу иш ўз даврида мамлакатни обод қилиш, илм-маърифатни ривожлантириш, одоб-ахлоқ соҳаларида жуда катта самара беради. Бу ислом дини ва маданиятининг нафақат Ўрта Осиёда, балки Ҳиндистон ва Хитойга ёйилишида ҳам катта аҳамият касб этди.

Махдуми Аъзамнинг муриди бўлган, унинг тарбиясини олган Бобур Ҳиндистонда буюк давлат барпо қилиб, адолатли подшо, иқтидорли шоир, эътиқодли ватанпарвар, тарихчи олим сифатида бутун дунё халқларининг эъзозига сазовор бўлган.

Машрабнинг устози Ҳидоятullo Офокхожа Махдуми Аъзамнинг чевараси эди. У киши эса, шайхул Аъзам номини олган эдилар.

Ислом оламида шайх Бурҳониддин Қилич номи билан машҳур бўлиб. Махдуми Аъзамга беш пушт билан бориб етадиган Махдуми Аъзам ҳазратлари Карбало даштининг шаҳиди аълоси мақомидаги ҳазрат Алидан тарқалган саййид авлоди ҳисобланади.

Офокхожа Махдуми аъзамининг чеварасидир. Авлоди саййид бўлган Машраб нега пири Офокхожа хонадонини муқаддас билиб яшади? Тадқиқотимизнинг кичик муаммоларидан бири ҳам шу саволга илмий жавоб беришни тақозо этади. Шу хусусда Комилхон Каттаев, Илёсхон Ғозий, Омонбек Жалилов ва фарғоналик олим Алишер Бек тадқиқот олиб борганлар, Машрабнинг пири Офокхожа, унинг бобокалони Махдуми Аъзам Хожаги Косонийнинг саййид авлоди эканлигини илмий исботлаб берганлар.

Бошқа тадқиқотчилар каби Алишер Бек ҳам “Туркийзабон саййид авлодлари” (шажара 1-китоб)ида хожалар, тўралар, миёнлар, эшонлар ҳақида ҳам муфассал тўхталган ва хусусан

сайид авлодлари, унинг илдизи, ижтимоий келиб чиқиши тўғрисида маълумот бергани ҳолда шундай фикрларни ёзган:

25 ёшларида Қурайш қабиласининг асад уруғидан Ҳувайлиднинг қизи Хадича онамизга уйланишиб, улар билан 25 йил умр кечириб, устиларига ҳеч бир хотин никоҳ этмадилар. Ум ул-мўъминийн Хадичаи-Кубро онамиздан Қосим, Абдуллоҳ исмли ўғиллар, Зайнаб, Руқайя, Умму Гулсум, Фотима исмли қизлар кўрдилар. Булардан Фотимаи Заҳро онамиздан бўлаклари аларга ваҳий келгунга қадар дунёга келишиб пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида ҳаётдан кўз юмишган. Биби Фотимаи Заҳро онамиз кенжа қизлари бўлишиб, ваҳий кела бошлагач, дунёга келган эдилар ва вафотларидан кейин 6 ой ўтгач, ҳаётдан кўз юмдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) сулолаларини давом эттирган ҳазрати Фотима бўладилар¹.

Расули акрам (с.а.в.), Хадича бинти Ҳувайлид Али ибн Абу Толиб, Биби Фотимаи Заҳро, Имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайн розияллоҳу таоло анҳум ажмаин мусулмонлар қавми учун “Аҳли байт” қутлуғ хонадон бўлиб, улардан тарқалган авлодлар сайидлар (сайид-арабча «жаноб») сифатида улуғландилар.

Имом Ҳасан ҳижратнинг саккизинчи йили рамазон ойида Мадинада дунёга келган эдилар. Муҳтарам оталари шаҳодатидан кейин халифалик мансабида етти ой ўтиргач, мусулмонларнинг қонини тўкмаслик мақсадида Муовия бин Аби Суфён билан жанг қилмасдан халифаликдан воз кечдилар. 46 ёшларида душманлари томонидан ўлдирилдилар, қабрлари Мадинада-“Жаннат ул-Бақий”дадир².

Имом Ҳусайн акаларидан 22 ой кичик эдилар. Ҳижратнинг 60 йилида Муовия вафот этгач, валиаҳд Язид отасининг ўрнига ўтирди. Куфа аҳли Имом Ҳусайнга хат қилдиларки, “биз Язиддан безормиз, келинг-Сизни халифа қилурмиз”.

Ироққа қайтаётганларида шом вақтида Язид бин Муовияга тобе аскарлар йўлларини тўсиб чиқдилар. Уруш бўлиб, 72 нафар байт аҳли ва ўзларига тарафдор бўлган кишилар билан бирга 55 ёшларида шаҳид бўлдилар. Ушбу катта мусибат ҳижратнинг 61-йили 10 муҳаррамда юз бериб, жасади мубораклари Карбало

¹ Алишер Бек. Туркийзабон сайид авлодлари. Шажара 1-китоб. Фарғона, 1998, 8-бет.

² Ўша манба, 9-бет.

номли жойга дафн этилди. Ўша жоҳиллик қатли омида Ҳазрат Имом Ҳусайннинг балоғатга етмаган фарзандлари Зайнул Обидийн оғир бетоб бўлиб, қотиллар буни ўлдирмасак ҳам ўзи нобуд бўлади деб ўйлашиб қолдиришди. Ҳозирги Ҳусайний саййидлар ул зоти муборакнинг зурриётларидурлар.

Саййидлар икки тоифа бўлишиб бири-“Ҳасаний саййидлар”, иккинчиси-“Ҳусайний саййидлар” деб номланадилар. Ҳусайний саййидлардан ҳазрати Ғавсул Аъзам Муҳйиддин саййид Абдулқодир Жилоний раҳматуллоҳи алайҳ авлодлари Марғилон шаҳрида ва яна бир қанча Марказий Осиё шаҳар-қишлоқларида яшаб келаётган бўлсалар-да, туркийзабон минтақаларда асосан, Ҳусайний саййидлар муқим бўлмишлар. (Махфий қолмасинким Ҳазрати Ғавсул Аъзам ҳам она тарафидан Ҳусайний саййидлардан ҳисобланадилар)¹.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мавлоно Қози ҳақида “Бобурнома”да шундай фикрни келтирган:

“Мавлоно Қозийнинг оти Абдуллоҳ турур. Фарғона вилоятинда бу тоифа пешво, шайхулислом ва қози бўла келганлар. Хожа Қозий ҳазрати Хожа Аҳрорнинг муриди эрди ва эшондин тарбият олгон эрди. Хожа Қозийнинг валийлигига менда ҳеч шубҳа йўқтур. Қайси иш валоятга (валийликка) мундин яхшироқ далилдурким, аларга қасд қилғонлардин оз фурсатда осор ва аломат қолмади. Хожа Қозий ажаб киши эрди, кўрқмоқ анда асло йўқ эрди... Хожа насл жиҳатдан ота томонидан Шайх Бурхониддин Қиличга, она томонидан Султон Илики Мозийга бориб етгай”.

Тасаввуф пешвоси бўлган алар Бобур Мирзога пир ва устод бўлиб, ҳар мудом шоҳ ва шоирнинг фаолиятидан хабардор бўлиб турган. Алар ўринларига тариқат пешвоси сифатида ўз авлодларидан бўлган Хожаги Аҳмад ибн Жалолиддинни (Махдуми Аъзамни) тарбият қилиб қолдирганлар.

Ислом тарихида олимлиги, маърифатпарварлиги, пир-устозлиги ва бошқа поёнсиз хислатлари ва кароматлари билан ном чиқарганлиги учун фақат уч зоти муборакка Аъзамлик унвони берилган. Булар-Ҳасаний ва Ҳусайний саййидларидан

¹ Ўша манба, 10-бет.

Абдулқодир Жилоний (Ғавсул Аъзам), мусулмончиликда энг тўғри йўл деб эътироф этилган Ханафий мазҳабининг асосчиси Нўъмон ибни Собит Имоми Аъзам Абу Ханифа ҳамда Имоми Ҳусайн авлодидан Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний (Махдуми Аъзам).

Нақшбандия сулукининг кутблари кўпгина Шарқ мамлакатларда катта нуфузга эга бўлишган. Махдуми Аъзам, Хожа Калонхожа темурийлар ва шайбонийлар, Мавлоно Қозий (Сайид Абдулло) бобурийлар Хожа Ҳошим аштархонийлар давлатларида, Солиххожа Эроннинг Хуросонида, Офоқхожа ва Хожа Исҳоқи Валий Шарқий Туркистонда, Исохожа сўнгги шайбонийлар ва Бухоро манғитлари амирлигининг дастлабки йилларида, Мусохонхожа Ҳинду-Покистон, Умархожа Бухоро амирлиги, Сайид Абдуллохон (Улуғ хазрат), Сайид Убайдуллохон, Сайид Султонхон хожалар Қўқон хонлиги даврида ҳукмдорлар ушбу пирлар иродатига маҳкум эдилар.

Энди, “сайид”, “хожа” ибораларига келсак: одатда иккаласи ҳам ҳар хил маънода тушунилади. Аслида эса “сайидлар” имом Али ва пайғамбарнинг қизи Биби Фотимадан бино бўлган фарзандлар ва уларнинг наслларидир. Бу сўз жаноб, пешво, сардорни билдиради. “Хожа” сўзи эса эронча “хвожа” дан олиниб малик, ҳукмдорни билдиради. Бундай қараганда “хожа” ва “сайид” тушунчалари илдизи бирга ўхшайди, лекин бу эронча ибора-хожанинг сайидзодалар номларига аралашиб қўлланилиб кетишига қуйидаги андиша тўғри келади:

Араблар Эронни забт қилгач, Имом Ҳусайн форс шоҳи Яздигард III (Хусравнинг набираси) нинг қизи Шаҳрбонуга уйланади ва улардан имом Зайнул-Обидин туғилади. Ундан ташқари имом Боқирнинг қизи Зайнабни Кирмон подшоҳи ўз никоҳига олади. Ёки, имом Ҳасаннинг қизини Андхуй хожаларидан бўлган Хожа Сайфуллоҳ хотинликка олади (Темурнинг пири Сайид Барака авлоди). Шундай қилиб сайидзодалар табақасига эронлик шаҳзодалар, эрон хожазодалари яқинлашиб, аралашиб кетгани учун уларнинг фарзандлари номларига кейинчалик “хожа” унвони қўшиладиган бўлади, чунки бу сайидзодалар томирида оз бўлса-да, она томонидан эрон зодагонларининг қони оқарди. XI-XII асрларга

келиб “Хожагон” уюшмаси ёки тариқати пайдо бўлгандан кейин (асосан бу Хуросону Ўрта Осиёда кенг тарқалиб катта нуфузга эга бўлгач), “хожа” ибораси азизлар номига кўшилиб айтиладиган, “сайид” ибораси эса кам ишлатиладиган бўлиб қолди¹.

Халифалар Абубакр, Умар, Усмон, аббосийлар, сафовийлар (булар ҳам пайғамбар авлодларидир) дан тарқалган насллар ҳадсиз кўп бўлиб, қарийб тамоми мусулмон миллатлари яшайдиган мамлакатларга тарқалиб кетган ва улар ҳам «сайид”, “хожа” унвонлари билан аталиб келинадилар.

Масалан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор халифа Абубакр Сиддик наслидан, Хожа Аҳмад Яссавий Муҳаммад Ҳанафия (Алининг ўғли) наслидан эканликларини ислом олами билади...

Хуллас, “сайид” ибораси пайғамбар фарзандларидан пайдо бўлган наслларга бериладиган бўлса, “хожа” уларнинг араб, турк ва эрон зодагонлари билан оилавий никоҳ қуришлари натижасида пайдо бўлган (сайидзодалар учун) кўшимча унвон дейилса хато бўлмайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта Осиёда “хон”, “эшон” деб аталадиган кишиларнинг маълум бир қисмини сайид зотидан бўлмаган ва хожалар табақасига кирмайдиган «махсумлар”, “мирзолар” деб аталадиган тоифа ташкил қиладиларки, улар аجدодлари уламо, фузало ва амалдор бўлиб, бу диёрнинг маърифатпарвар зиёлилари бўлганлар. Бундай тоифанинг ер, молу мулкка эга бўлган намояндаларини “хўжа” ҳам деб келганлар. Албатта бу ерда “эга” ёки “хўжайин” маъносида қўлланилган.

Хуллас, “хожа” ва “хўжа” ибораларининг илдизи бир бўлса ҳам аслида биринчиси пайғамбар авлоди билан чатишиб кетган эрон, турк зодагонлари халифалар, авлиёлар, улуғ шайхлару йирик сўфийлар наслларидан тарқалган кишиларга айтилса, иккинчиси молу мулкдорлар яъни, “хўжайинлар” наслидан тарқалган кишиларга айтилади. Асрлар ўтиши билан “хожа” сўзи катта нуфуз эгаллайди. Бу нуфуз асосан “Хожагон” уюшмаси (ё тариқати) пайдо бўлгандан кейин яна ҳам авжига чиқади, чунки бу тариқатда жамики кўзга кўринган азиз ва улуғ зотлар ёки

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 45-бет.

хожалар йиғилган эди. Шу боисдан бўлса керак ўзларини бу уюшмага дахлдор қилиб кўрсатадиганлар ҳам кўпайиб, “саййид” деб аталадиганлар ҳам шароитга мутобиқат қилиш учун “хожа” сўзини маъқул билиб шунга одат қилиб кетдилар. Хуллас, саййидзодаларнинг аввал “хожа”, кейин “тўра” ва “хон” деб аталишлари тўғрисида шу мулоҳазалар мақсадга мувофиқ келади де ўйлаймиз.

Хожа Муҳаммад Юсуф-Мозори Файз оталари Саййид Ҳошим Хожа ҳазратларини Дахбедда дафн этишгандан сўнг, Шарқий Туркистоннинг Кумул шаҳрига келиб истиқомт қиладилар. Бу ерда Қашғар саййидларидан Саййид Оловиддиннинг авлодидан Мир Саййид Жалилнинг қизи Зулайҳо бегимга уйланадилар. 1625 йилда Кумулда Хожа Ҳидоятullo туғиладилар. Ёркент хони Абдуллахон (ҳукмронлик йиллари 1638-1668) даврида, аниқроғи 1638 йилда улар Қашғарга кўчиб келишади. Хон уларга Бошқарамни ҳадя этган. Ёўлбарсхон (1668-1670) ва Қашғар аҳолиси уларга мурид бўлишган. 1640 йили Хожа Муҳаммад Юсуф вафот этишганда муридлари Ёрмуҳаммад охун назир қилиб берган Ёғду деган жойдаги туфроққа бердилар. Саййиди авлиё Саййид Ҳидоятulloхон оталарининг ишларини давом эттириб, кўп ерларни кезиб, тасаввуфни ёйдилар, мурид ва мухлислар йиғдилар. Муридларининг жуда кўплигидан уларга «Офоқ хожа»-уфқлар, дунё қутби хожа, ягона авлиё маъноларини берувчи тахаллуси муборакни беришган¹.

Ҳазрати Офоқхожа 1660 йили Ёўлбарсхоннинг амакиси мақитлик Убул Ходибекнинг қизига уйланадилар. Уларнинг уч хотинларидан беш ўғил, икки қизлари бўлган. Ўғиллари Яҳё хожа (Хон Хожа), Маҳди Хожа (Подшоҳ Хожа), Абдусаммад Хожа, Ҳасан Хожа (Ғози подшоҳ) ва Қилич Бурҳониддин Хожалардир. (Опоқ буваларининг номларига қўйилган).

Ёркент хонлиги тахтига Исмоилхон (1670-1681) ўтиргандан сўнг Офоқхожам жунгор хони Галдон Бушукту хон (1671-1673) ёрдамида валеаҳдлик даражасига етадилар ва 1692 йили хонлик тахтига чикдилар. Шундай қилиб, бу ерда 300 йил давом этган

¹ Алишер Бек. Туркийзабон саййид авлодлари. Шажара 1-китоб. Фарғона, 1998, 22-23-бетлар.

Чигатой авлодлари ҳукмронлиги барҳам топиб, Шарқий Туркистон худудида Хожалар салтанатига асос солинди.

Икки йил икки ой фармонбардорликдан сўнг Офоқхожа-Ҳидоятуллохон ҳазратлари вафот этдилар. Аларни ҳам оталари каби Ёғдудаги кейинчалик “Офоқ алайҳи” деб номлананг авлодлар даҳмасига дафн этишди¹.

Ҳазрат Офоқхожам ва унинг Марғилон уездидаги авлодлари ҳақида куйидаги маълумотлар бор. Бу қошғарлик авлиёнинг ҳақиқий исми Ҳазрат Хожа Ҳидоятуллох Хоҷам бўлиб, Офоқхожа унинг таҳаллусидир. Офоқ сўзи Қошғар сартлари тилида теварак-атроф, қутб маъносини билдириб, унинг муридлари турли худудлардан келиб Хожа атрофида жипслашганликлари учун ул зотга шундай таҳаллус берилган.

Рус олими Н. С. Ликошин 1910 йил “Девонаи Машраб” таржимасига кириш сўз ёзганда Офоқхожа шахсияти ҳақида маълумот олиш учун Марғилондаги танишларидан керакли фикрларни олган, бу ҳақда у ёзади:

Кейинроқ Машраб таржимаи ҳолига оид маълумотлар ва унинг асарларини русчага ағдариш жараёнида қошғарлик Офоқхожанинг Машрабга таъсири нақадар катта бўлганлиги, шоирнинг пири муршиди шахси билан қисман бўлса-да танишмай туриб Машраб ижодини ўрганиш мушкул эканлигини англадим.

Қошғардаги бош консул ва таниқли шарқшунос Н.О. Петровский Офоқхожанинг Марғилон уездида яшовчи авлоди дарагини айтди ва Саид Муҳаммад Ҳакимхонтўра Катта тўра билан танишгач, мен ундан машҳур аждоди Офоқхожанинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларни олдим.

Офоқхожанинг ақлу заковати, кашфу кароматлари доврўғи дунё бўйлаб таралгач, ер юзининг турли минтақаларидан нақшбандия тариқати издошлари ул зотни ўзига пир муршид бўлмоғини тилаган минглаб одамлар оқиб кела бошладилар. Офоқ Хожа уйида ҳар куни икки минг кишигача тўпланар, улар Аллоҳнинг суюкли, садоқатли бандаси мўъжизаларидан эс-хушларини йўқотар, Хожа эса ўз муридларини Ҳақ висолига

¹ Ўша манба, 23-бет.

восил қилувчи тўғри йўлга даъват қилар эди. Муридлар чироқ атрофидаги парвоналар янглиғ пир қошига яқинроқ келишга интилар, унинг оёқлари ва оёқ изларини кўзга суртар, айримлари эса эс-хушдан тамом айрилар даражага етишарди¹.

Худо Офоқхожага тўрт ўғил берди: Хожа Яхё Хожа (Хон Хожа Пошшо), Хожа Ҳасан Хожа, Хожа Абдусамад Хожа ва Хожа Махди Хожа.

Тўнғич ўғил-Хожа Яхё узлатнишинлиги, таркидунёчиликка мойиллиги билан бошқалардан ажралиб туради. У кўп вақтини буюк ота ҳузурида ўтказар, ундан тасаввуф таълимотини кунт билан ўрганарди. Орадан кўп вақт ўтмай, Хожа Яхё шайх мақомига етишди ва Офоқхожа уни вориси деб эълон қилди. Ҳижрий 1105 (мелодий 1693) йилда Ҳазрат Офоқхожа бетоб бўлиб қолди ва Ёркандда дунёдан кўз юмди. Мурид ва толиблар орасида ота ўрнини Хожа Яхё Хожа эгаллади. Офоқхожанинг жасади Қашғарга келтирилиб, Ёғдуда-отаси Хожа Муҳаммад Юсуф Хожа қабри ёнига дафн этилди. Орадан олти ой ўтгач, Хожа Яхё Хожа (Хожам Пошшо) ҳам вафот этди.

Офоқхожа ҳаётлик чоғида кўркам масжидлар, дарвишлар учун хонақоҳлар қуришга жуда кўп вақт, куч-қувват сарф этди, гўзал боғ барпо қилди. Кўплаб унумдор ерларни сотиб олди, ўз мулкларини камбағалларга мерос қилиб қолдирди. Вақф ерларни йўқсуллар фойдасига қолдириб, улардан тўғри фойдаланиш устидан назорат қилишни авлодлари зиммасига юкледи.

Қошғардаги Офоқхожа мақбараси унинг издошлари ва мухлислари учун зиёратгоҳ сифатида ҳамон хизмат қилмоқда².

Комилхон Каттаев ёзади: Халқ орасида бирор аниқ манба кўрсатилмагани ҳолда, Офоқхожани Хожа Исҳоқи Даҳбедийнинг (яъни, Махдуми Аъзамнинг кенжа фарзандларининг) ўғли, деган хато фикр юрар эди. Лекин, аҳамиятга молик манбалардан ҳисобланган ва Даҳбеддаги Махдуми Аъзам мақбарасидаги қоратошлардан биридаги насабнома ёзувлари (қоратошдаги ушбу насабнома ёзувини “Даҳбед даҳмасидаги мазорот зикри” деган бобдаги ёзувдан ўқишингиз мумкин); Муҳаммад Содик Қашқарийнинг “Теазкираи азизон” китоби; Мирзо Муҳаммад

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима Шох Машраб? Наманган. 2007, 48-49-бетлар.

² Ўша манба, 49-50-бетлар.

Ҳайдар Дуғлатнинг “Тарихи Рашиди” асарини туркий тилда таржима қилинган иловасида ҳамда Мир Холиддин ал-Ёрқандийнинг “Ҳидоятнома” каби асарларида Офокхожанинг Хожа Калонхожаи Дахбедийнинг (яъни, ҳазрати Махдуми Аъзамнинг тўнғич ўғилларининг) Муҳаммад Юсуфхожа деган ўғлидан туғилганлигини аниқлаш мумкин. (Бундан ташқари, «Мулоқот» журналининг 1993 йил № 5-6 сониди О. Жалиловнинг “Офокхожа” деган мақоласига ҳам қаралсин). Қўлимизга тушиб қолган ва ноёб манба ҳисобланган иршоднома (хатти иршодий)да ҳам пирлик ҳуқуқи (яъни, иршод бериш ҳуқуқи) Махдуми Аъзамдан тўнғич ўғиллари Муҳаммад Амин-Хожа Калонга, ул зотдан ўғиллари Хожа Муҳаммад Юсуфга; ул зотдан ўғиллари Хожа Ҳидоятулло-Офокхожага (яъни, отадан ўғилга) ўтганлигини кўрсатиб турганлиги ҳам Офокхожанинг хожакалонийлардан эканлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди¹.

XVI аср Ўрта Осиё тасаввуфига пешволик қилган Махдуми Аъзамнинг айтишларича: худо инсоннинг қалбида, юрагида макон топган ва уни таниш-билиш, унга яқинлашиш одамзотнинг ўзига боғлиқдир. Агар инсон ҳамма жиҳатдан тоза, пок, гуноҳсиз бўлса, худо аксини у киши ўз юрак оинасида кўради ва бунинг учун доимо худо зикрида бўлиш, унинг ишқида ёниш, шу билан бирга шариат ва тариқат талаботларини чин кўнгилдан бажо келтириши лозим бўлади. Ўзининг юрак кўзгусини ҳар хил чангу ғуборлардан (гуноҳлардан) тозалаган, софлаган ана шундай кишилар суфий ҳисобланади.

*Ҳақ билан соф ўлди жумла бу асноф,
Булар сўфийлардир қилмишлари соф.*

Махдуми Аъзамнинг ушбу байтидаги “суфий” ибораси “соф” сўзидан келиб чиқшини кўрсатиб турибди. Агар сўфийларни юнгдан либос кийган кишилар деб тушунтирсак, у ҳолда масалани жуда жўнлаштириб қўйган бўлур эрдик. Хуллас. Махдуми Аъзам ишорат қилганидек “суфий” сўзи софлик, яъни тозаю поклик, тиниқлик маъноидан иборат эканлиги ҳақиқатга

¹ Комилхон Каттаев. Махдуми Аъзам ва Дахбед. 54-бет.

яқиндир. Чунки тасаввуфнинг асосий маслаги ҳам ғуборсиз, тоза, пок ёки соф бўлишдир ва на балким юнгдан либос кийиш.

Солик шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатни босиб ўтиб фано-бақо мақомига эришадилар.

Тасаввуфнинг дастлабки намояндалари ҳақида фикр юритиб, уларни ислом оламида нақадар машҳурлигини англаш ва билиш мумкин:

Ҳасан Басрий, Зуннун Мисрий (706-809), Абдухошим Кўфий (ваф. 766), Маъруф Кархий (ваф. 815), Иброҳим Адҳам (ваф. 766), Ҳорис Муҳосибий (791-857), Робиа Адавия (713-801), Абу Али Синдий, Сар ас-Саккатий (ваф. 865), Боязид Бистомий (ваф. 874), Жунайд Бағдодий (ваф. 910), Мансур Ҳаллож (857-921), Абубакир Шиблий (ваф. 945), Абу Саид Абулхайр (967-1049), Шамси Табризий (ваф. 1247). Абунаср Саррож, Абуали Даққок (ваф. 1016), Абулқосим Қушайрий (ваф. 1072), Абдулқодир Гелоний (Ғавсул Аъзам, 1077-1166), Фахриддин Ироқий, Ибн Ҳорис, Абулҳасан Ҳарақоний (954-1034), Абулқосим Гургоний (ваф. 1076), Абу Али Фармозий (ваф. 1048), Аҳмад Ғаззолий (ваф. 1126), Абу Ҳамид Ғаззолий (ваф. 1111), Айнулқуззот Ҳамадоний (ваф. 1131), Абулмажид Санойй (ваф. 1141), Аҳмад Жомий, Хожа Юсуф Ҳамадоний (1040-1140), Рузбахон Буклий (ваф. 1209), Шаҳобиддин Сухравардий (1145-1234), Фаридуддин Аттор (ваф. 1225), Жалолиддин Румий (1207-1273), Ибн ал-Арабий (1165-1240), Абулҳасан Нурий ва бошқаларки, тасаввуф таълимотини бутун ислом оламига тарқатдилар, уларнинг кўплари ўз тариқатларини яратдиларки, бу тариқатлар ўз асосчиларининг номини олди¹.

Е. Э. Бертельс тасаввуфдаги қаландария тариқати ҳақида фикр юритиб, у дастлаб аҳолининг қашшоқ қатлами орасида ёйилганлигини, кейинчалик улар ҳунармандчилик билан шуғулланганлигини, дарвишлар жамоалари раҳбарлари бир касб-кор эгаси эканликлари хусусида шундай фикрни келтирган. Шайх тасарруфидаги хонақоҳларда яшаган муридлар одатда, фақир (ар.-«қашшоқ») ёки дарвиш “ўша маънода” деб аталганлар.

¹ Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Косоний. 12-бет.

Қишлоқ жойларда ҳам хонақоҳлар қурилган бўлса-да, бироқ уларнинг катта қисми табиийки, шаҳарларда жойлашган. Дастлабки даврларда Куфа, Басра ва Бағдод, кейинроқ Нишопур, айниқса муҳим рол ўйнаган. Шаҳарлардаги дарвишлар жамоалари IX-X асрларда касиб-хунармандлар доиралари билан одатда, яқин алоқада бўлган ва шу сабабли ҳам муридларнинг асосий тармоғи шу доиралардан келиб қўшилган. Атоқли шайхларнинг таржимаи ҳоллари билан танишиш уларнинг аксарияти касб-корнинг у ёки бу тури билан машғул бўлганлигини кўрсатади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, дарвишлар жамоалари ва касибларнинг яширин ташкилотлари (футувват) ўртасида қандайдир алоқалар ҳам бўлган. Дарвишлар жамоаларининг хунармандлар ҳаётидаги роли етарли даражада ўрганилмаган.

Е. Э. Бертельс тасаввуф адабиёти ҳақида фикр юритиб, унинг халқ билан алоқаси демократлиги, зодагонларга танқидий муносабатда бўлиши, уни сарой поэзиясига қараганда, беҳад жонли ва яшовчан эканлигини, у узок ўтмиш халқ ижодиёти характери ҳақида фикр юритиш имконини беришлигини таъкидлаган: Бироқ тасаввуф муаллифларининг бошқа хизмати ҳам бор. Эрон ва Ўрта Осиёни мўғул истилоси бўрони қоплаганда, деярли барча “олампаноҳлар” тахтлари дарз кетиб қулаганда, сарой поэзияси сўнди. Чунки мадҳ этадиган киши қолмади. Бунинг устига мўғул хонларига тушунарсиз тилда битилган баландпарвоз қасидалар керак эмасди. Хайр-садақа ҳам, сарой шоирлари ҳам йўқолди, чунки уларнинг санъати, кўпинча, шу хайр-садақаларни сўраб олиш қобилиятидангина иборат эди. Аслини олганда, айтадиган нарсалари ҳам бўлмаган. Аммо тасаввуф шоирлари бу оғир йўлларда жим турмадилар. Уларнинг фақат кенг дарсхонаси-халқ оммаси қолган эди. Зеро, сулолани қириб ташлаш мумкин. Бироқ халқни қириб бўлмайди. Шунинг учун тасаввуф шоирга ким учун ёзиш имкони бор эди. Қолаверса, халқ оммаси унга кўпроқ муҳтож эди. Чунки у хонавайрон қилинган, ғажиб ташланган, қийноқларга солинган ва шу боис таскин берувчи сўзни эшитишга муштоқ эди. Тасаввуф шоири тингловчиларга, ўз яқинларига муҳаббат ҳақида гапирар, уларни бирлашишга ўргатар, ўзаро ёрдамга даъват қилар, ҳайвоний

шахсиятпарастлик, қандай йўллар билан бўлмасин, ҳаётини сақлаб қолиш ўрнига умум манфаатларини кўтариб чиқарди¹.

Файласуф И. Мўминов дарвешлик ҳаракатининг Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда ўсиши, тарқалиши ва уларнинг ғоялари ҳақида қуйидаги фикрларни ёзади: мистик сўфийлар ўз нуқтаи назарларига асосланиб туриб, зид ғояларни тарғиб қилдилар, билимни, кишиларнинг жўшқин амалий фаолиятини инкор этдилар; улар таркидунё ғояларини тарғиб қилиб, фақат садақа билан кун кечирувчи дарвишлар, фақирлар, қаландарлар ва гадой роҳибларнинг турли уюшмаларини ташкил қилдилар. Дарвишлик ҳаракати-XVII-XVIII асрларда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди².

Наманганлик Машраб тадқиқотчиси Абдулла Жаббор рус шарқшуноси Н. С. Ликошиннинг «Девонаи Машраб» таржимасига кириш сўз илмий мақоласини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилган. Шунингдек, мақоладаги Н. С. Ликошиннинг Машраб ҳақидаги ноҳолис фикрларига ўз эътироз ва муносабатини билдириб кетган ва бу ҳол унинг кузатишлари жиддий ва ўринли эканлигидан далолатдир. Шунини қайд этмоқчимизки, А. Жаббор Н. С. Ликошин 1910 йил «Девонаи Машраб» қиссасининг русчага сўзма-сўз таржимаси учун ёзган сўзбошисини ҳам қимматли манба сифатида ўзбекчалаштириб тўпламга киритган.

Н. С. Ликошиннинг «Девонаи Машраб» таржимасига кириш сўз мақоласида Машраб ва унинг тасаввуфий қарашлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: Туркистон ўлкаси сўфийлари орасида келиб чиқиши жиҳатидан Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисига жуда яқин бўлган сўфий муаллифлар ҳам бор. Тўғри, маданияти бўйича анча орқадаги мамлакатда яратилган тасаввуф таълимотини юксак оҳангларда ифода этиши мушкул бўлмиш савияси паст асарларни Хожа Ҳофиз ва бошқа тасаввуфий кайфиятдаги форс шоирларининг жаҳонга мерос қолдиранг ўлмас асарлари билан тенглаштириб бўлмайди. Бироқ, туркистонлик авлиё Ҳазрати Султон (Хожа Аҳмад Яссавий-тарж.) Девонаи Машраб Намангоний, Сўфи Аллоҳёр ва Туркистон ўлкасининг

¹ Е. Э. Бертельс. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Тошкент, 2005, 101-102-бетлар.

² И. М. Мўминов. Танланган асарлар. I-том. 65-бет.

бошқа вакиллари ўз асарларини руҳий яқинлиги шеърӣ тимсолларнинг тушунарлилиги, тариқатнинг сирли мавҳум ҳақиқатини ифодалашдаги табиий услублари воситасида маҳаллий аҳоли эътиборини жалб этдилар. Бу муаллифлар орасида Девонаи Машраб шахси мутлақо ўзига хослиги билан ажралиб туради. У ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳар бир туркистонликка яхши таниш. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги Машраб асарларини тўлиқ ёки қисман ўқиган, саводсизлари эса ўшалар ўқиган пайтда тинглаб юрган¹.

Сўфийлик таълимоти давомчилари, эшонлар ва муридларнинг Девонаи Машрабга муносабатлари турличадир. Худо олдида шоҳу гадонинг тенглиги ҳақидаги ғояларни илгари сурувчи, илоҳий жазба орқали ваҳдати вужудга етиш орзусидаги мутасаввифлар орасида Яратганнинг бу жонсарак ва махмур ошиғи-ўз фикрларини чиройли форсийзабон либосга ўраб-чирмамаган, аксинча халқ билан унинг оддий тилида сўзлашган Машраб танқид назари билан қарши олинмаслиги керак эди. Бироқ, қарашлар иккига бўлинади: оз сонли оқсуяклар шоирга қарши, аксар қора кўпчилик-Машраб томонида.

Сўфийликни тарғиб қила туриб етарлича мол-мулкка ҳам эга бўлган маҳаллий уламолар ўртасида ўз нуфузини ғоят эҳтиётловчи олий мартабали эшон Машрабни айбловчи озчилик сафига жон, деб қўшилади. Шоирнинг оддийлиги, самимиятини қадрловчи мухлисларини эса жаҳрия-қадрия жамоасининг қишлоқ дарвешлари ҳамда унинг асарларини севиб талқин қилиб юрувчи қаландарлар орасида кўплаб учратиш мумкин².

Машраб-Ватанини севган мутафаккир. У қаландар шоир сифатида қаердаки юрмасин, дилида мудом ўз юрти соғинчи билан яшади. Файласуф шоир “Жаҳонда топмадим ҳамдард, қолдим нотовон. ёлғиз” ҳолатда юрганда ҳам, “Кўз ёшим дардга даво бўлгаймукин?” деб йиғлаганда ҳам, «Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан» деб дунё кезганида ҳам вужудини Ҳаққа берганлиги туфайли “Барчалар ёнди гуноҳдин, менки ёнмасман хануз” деб ўзини ҳақ ва ҳақиқат олдида гуноҳсиз ҳисоблайди.

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима Шох Машраб? Наманган. 2007, 38-бет.

² Ўша манба, 39-40-бетлар.

Машраб бутун ижоди давомида тасаввуфдан узоқлашмаган ва ваҳдади вужуд идеали билан яшаган. Мистик (бу ерда мистиклик-хоксорлик) шоир зоҳирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган.

Туркистонда XVII-XVIII асрларда тасаввуфнинг Қаландария¹ тариқати кенг тарқалади. Бу мактабнинг вакиллари ҳоким табақаларнинг халққа қилаётган жабр-зулмларига қарши, пассив равишда бўлса ҳам, курашадилар. Зулмни ҳимоя қилувчи руҳонийларни танқид қиладилар. Қаландарлик мактабининг вакиллари қашшоқ деҳқонлар, косиблар ва камбағал чорвадорлар орасида мустабидлардан ўч олиш учун ёрдам берувчилар сифатида катта обрў қозонганлар. Қаландарлар маълум бир марказда уюшган бўлиб, уларнинг ўз такъялари, етакчиси қаландарбошилари бўлган. Улар тасаввуф маслагининг тариқатини қабул қилиб, ўз даврида тарихий-ижтимоий муҳитда катта рол ўйнаган.

Машраб тадқиқотчиси Муҳсин Зокиров сўфийликнинг қаландарлик шаҳобчаси тариқатидагиларнинг муайян дастури, қонун-қоидалари бўлмаган, “...қаландар жамиятда мавжуд бутун расмий такаллуфлардан, қонун-қоидалардан ўзини мустасно тутувчи, дин ва шариат ақидаларига амал қилмай, уларни бузувчи гуруҳларга мансуб шахс”², дейди.

М. Зокировнинг ёзишича, қаландарлар омма орасида дарбадарона яшаб тиланчилик билан кун ўтказган, халқ ҳаётининг салбий жиҳатларигача яхши билиб, ўз ижодида уни кенг истифода қилганлар.

Машрабга қаландарларнинг бу қоидалари, фаолият йўсини журъаткор табиати мутафаккир қарашларига мувофиқ бўлганлигидан у шу тариқатни қабул қилган. Қаландарлик унга бир восита бўлиб, у қаландар шоир сифатида халқ орасида катта обрў қозонган.

“Ҳафт кулзум” асарида айтилишича, қаландар жамиятда мавжуд бўлган бутун расмий такаллуфларсиз, қонун-қоидалардан ўзини мустасно, дин ва шариатнинг ақидаларига амал қилмай, уларни рад этувчи гуруҳларга мансуб шахсдир. XVIII асрнинг

¹ М. Зокиров. Машраб.38-бет.

² Ўша манба, 39-бет.

ўрталаридан бошлаб бу тариқат ҳам ўз фалсафий моҳиятини йўқотади.

Қаландарлар деярли текинхўрлик йўсинида ҳаёт кечирувчи гуруҳларга айланиб, уларнинг бошлиқлари-бобоқаландарлар катта мулк эгалари бўлиб қоладилар.

О. Ёқубов қаландарлар зикрини тасвирлаб: “Эгниларида жанда, бошларида эчки терисидан тикилган учлик кулоҳ, кўлларида исириқ тутатилган качкул, дарвишлар кўзларини юмиб, бошларини бир меёрда тебратишиб, жазава билан зикр тушиб келишарди”:

*Ё олло дўст, ё олло.
Ҳақ дўст, ё олло.
Фоний дунё деганлар,
Тақвони тарк этганлар,
Ҳамду сано демасдан,
Кайфу сафо деганлар,
Гуноҳига адад йўқ,
Ё олло дўст, ё олло
Ҳақ дўст, ё олло¹.*

Қаландарлар ҳукмрон мафкура, баъзи ёлғончи шариат аҳлидан ҳайикмас эдилар. “Демак, қаландарлик тариқатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, сўфийликнинг бошқа кўпчилик тариқатлари дин ва шариат ақидаларига изчиллик билан амал қилсалар, қаландарлар бундай қоидаларни инкор этар, тоат-ибодатдан бош тортиб, ҳукмрон табақаларга, айниқса ортодоксал руҳонийлар, шариат аҳлига нисбатан муҳолиф кайфиятда бўлиб, уларга душманлик назари билан қарар, кўпинча ҳоким гуруҳларни ҳеч тап тортмасдан ва кўрқмасдан беомон ҳажв қилар эдилар”².

Кенг шаҳар оммасининг ўй-хаёлини ўзига ром этган шайх ҳукмрон доиралар фаолиятдан норози бўлганда, улар учун хавфли душманга айланган. Ҳалложнинг қатл этилиши шунинг учун ҳам жиддий оқибатларга олиб келмадики, ҳокимият халққа

¹ О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси. Тошкент, 1978, 36-бет.

² М. Зокирий. Машраб. Адабий. танқидий. очерк. Тошкент, 1966, 38-39-бетлар.

уни исломдан қайтган бидъатчи сифатида таърифлаб улгурган эди. Бироқ суннат доирасидан чиқмаган шайхнинг эркига ёки жонига қасд қилиш осон кечмаган, чунки ҳукмдорлар учун мутлақо кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган.

Бобораҳим Машраб тасаввуфнинг Мансур Ҳаллож, Аттор, Румий фалсафий дунёқараши ва гуманистик ғоялари тарғиб этилган биринчи оқимига ва унинг II-(иккинчи) тариқат шоҳобчаси-шайх ёки дарвишга шогирд тушиб, дунё лаззатларидан воз кечиб, маънавий муҳаббатни куйлаб, худони эсга олиб, фикр юритувчи фалсафий диний оқим-қаландария оқимига мансуб мутафаккир шоир эди.

Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адхам, Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий ва Бобораҳим Машраблар сўфийлик йўлида ўзлигини йўқотмаганликлари ва эътиқодида қолганликлари учун ҳам ўз даврининг қурбони бўлган эдилар.

Машраб пири комили Ҳидоятуллоҳ Офоқхожа даргоҳида етти йил сўфийлик тариқатидан огоҳ бўлиб, жами исломий ва дунёвий илмларни эгаллаб бўлгач, пирнинг марҳамати билан авлиёлик даражасига етишда ва қаландарлик рутбасини қабул қилиб, дунёга чиқиб кетди. Машраб пири Офоқхожани ғазалларида мадҳ этди. Ҳар жойда уни эслаб, қалби ўртаниб, уни эъзозлаб ғазаллар битди.

Машраб Илоҳга муножот-илтижо қилиб бу фоний-ўтқинчи дунёга келганлигини бир солиҳ банда каби эътироф этади. Аммо у Яратганга мурожаат қилиб, Унинг васлини кўриш иштиёқида эканлигини билдиради. У шу боис, Унинг жамолини кўриш истаги қалбини алам билан ўртаётганлигини изҳор этиб, “Ғамингни дилга жо айлаб, аламга ошно келдим,”-дейди.

Мутафаккир шоир Яратганга илтижо қилиб, “Азал кундин нетай, найлайки, ман бахти қаро келдим” дея уни жамики оламлар подшоҳи эканлигини, Унинг сийратини кўриш учун икки-фоний ва абадий дунёдан ҳам воз кечишга тайёрлигини, шунинг учун бу йўлди фақру-гадолик йўлини танлаганлигини, ҳамма раҳматни ғариблар устига ёғдиришини, унигина яъни-ўзини ғарқи гуноҳга ботиришини, шунинг учун қаноат билан ўз вужудини пок сақлаётганлигини, ҳар ким билан дўст бўлса-да, ҳеч ким Унингчалик дўст бўлмаслигини, фақатгина унинг расули

Муҳаммад (с.а.в.) уммати бўлишликни раво кўрганлигидан бахтиёрлигини изҳор этиб, фонийликда яхши инсонларга ошно қилишини, шу боис гадои фақирлик йўлини танлаб, қаландару дарвиш қиёфасида Унинг васлини излаб юрганлигини Унга баён этиб муножот қилади:

*Санинг васлинг тилаб дунёга бир соҳиб азо келдим,
Ғамингни дилга жо айлаб, аламга ошно келдим.*

*Агарчи кўнгул олдурдим, кўнгулни узмадим андин,
Сабаб булдур: некулар дийдасига тўтиё келдим.*

*Ғаминг бошимга тушди, бир ажойиб шўриши савдо,
Азал кундин нетай, найлайки, ман бахти қаро келдим.*

*Ки сансиз икки дунёда тирикликни нетай, жонон,
Карамлик подшоҳимсан, йўлунгда бир гадо келдим.*

*Оқиз раҳматни дарёсин гариблар устига, ё Раб,
Агарчи йўлунга сар то қадам гарқи гуноҳ келдим.*

*Кириб дарёйи раҳматга мудом гарқоб эди жоним,
Ҳақиқат, баҳрида қолган дури қиймат баҳо келдим.*

*Қаноат шаҳрига келдим, тамошойи жаҳон келдим,
Вужудимни уруб барҳам, бу оламдин пано келдим.*

*Рафиқ ҳар ким билан бўлдум, саволи охират қилдим,
Баҳарнавъида бўлсам уммати ул Мустафо келдим.*

*Илоҳий Машрабингни яхши инсонларга ҳамдам қил,
Гадолик ихтиёр эттим йўлунгда, подшо келдим¹.*

Чин сўфий мақомига етишган мутасаввиф Машраб ижодида қаландарлик билан тариқат йўлини босиб ўтиш, шу йўл

¹ Машраб. Девон. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006, 183-бет.

билангина мақсадига эришиш, бу йўлда ҳар қанча изтиробу аламларни ютуб сабр-бардошли бўлиш, дарду аламига ошно тополмаётганлигини, фоний дунё зулмини қариндош, ғамини падар (ота) деб атаганлигини, патлари юлинган, учолмаётган чўлоқ қуш каби, мажруҳлигини, кўз ёшлари юрак қонидан чиқаётганлигини, шу боис, “Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим”деб шоҳлик ва дарвешлик бир мартаба эмаслигини, фоний дунёдан этак силкиб, жандани кийиб, ўзини дарбадар эканлигини изҳор этган.

*Аҳволи дилим айтгали бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндоши, ғамингни падар эттим.*

*Бир қушқи чўлоқ сан сари парвоз этайин деб,
Ҳажр ўқларини жангга суқуб болу пар эттим.*

*Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвиш,
Бас жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим.*

*Кўтаҳназар эл билмаса деб хаста бу Машираб,
Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим.*

“Инқилоб”дан бир мунча муддат кейин профессор Абдурауф Фитрат ўзининг «Машраб» номли мақоласида файласуф шоир Машраб ҳаёти ва ижоди, у эътиқод қўйган қаландария сулуки ҳақида қимматли фикр юритади. Ҳайратланарли томони шундаки, бу мақола машрабшуносликда бирор-бир жойда шу чоққача тилга олинмаган.

Ваҳоланки, Фитрат бу мақоласида Машраб ва унинг шериклари қаландарларнинг ҳаёти тарзи, уларнинг кийинишлари ҳақида маълумот беради.

“Қаландарлик мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнгги кунларгача давом этди. Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқарисида “қаландархона” исмли гўзал боғча ҳолига келтирилган бир жой

бор эди. Қаландарлар шунда турар эдилар”¹. Булар қисман маҳаллий, қисман мусофир ерсиз, хусусий мулклари бўлмаган кишилардан иборат бўлиб, асосий касблари тиланчилик эди. Ораларидан энг яхши товушлиси Яссавий, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқир ва бошқалари унинг нақоратини қайтариб турар эдилар. Қаландарларнинг махсус кийимлари бор эди: булар кулоҳ, долқ, камар (белбоғ), асо, качкул, каду-матбах аталган нарсалардан иборат эди. Булардан бошқа тери, суфра, супургига ҳам айрича аҳамият берар эдилар.

Қаландарларнинг махсус шартларидан яна бири соч кўйишидир. Ўз ораларида сўйлашга махсус сунъий бир тиллари ҳам бор. Унга “абдал тили” дейдилар, қаландархоналар уларнинг доимий жойларидир.

Тасаввуф олими Иброҳим Ҳаққул дарвиш шоирлари ва шеърятини таҳлил этиб, Нажмиддин Кубронинг шу хусусдаги фикрларига тўхталган: Ҳамма дарвеш шоирлик салоҳиятига соҳиб бўлмаганидек, ҳамма шоир ҳам дарвешлик завқ-шавқига етиша олмайди. Аслида дарвешнинг кўнгли билан шоирнинг кўнглида дарвешнинг идроки билан шоирнинг идроки орасида кескин фарқ сезилмаслиги керак. Дарвешлик туйғуларидан маҳрум шоир ҳурликнинг олий мақомларига юксала олмайди. Гўзалликни чинакам шоир қалби билан мушоҳада эта олмаган дарвеш эса ишқ алангасида ёнмоқдан бенасиб қолади. Зоҳири ҳеч қачон ботинига мувофиқ келмайди. Масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, дарвешлик шоирликка ўхшаб фитрий бир қобилиятлилигига тан беришга тўғри келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро бир рубоийсида:

*Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,
Ҳастанд эшон, чунончи ҳастанд эшон,-*

-сен зинҳор дарвешларга таъна қилма, улар қандай бор бўлган бўлсалар шундайдириллар-ўзгармайдилар, дегандир. Албатта, тарбия, шароит, муҳит, эътиқод-булар шоирга ҳам, дарвешга ҳам таъсир ўтказади. Аммо шоирнинг ҳам, дарвешнинг

¹ Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. 57-бет.

таъсирланиш маркази фақат ва фақат Кўнгилдир. Маънавий ҳаёт тамали ўлароқ Кўнгилга таянишда, дунёга қалб кўзи билан қарашда, руҳоният жабҳасидаги масъуллик ва ҳақиқатга ташналикда улар бир-бирларига жуда яқин. Қонида дарвешлик жўшган шоирнинг овози бошқача янграйди. Шахсияти ярқ этиб кўзга ташланади. Бундай овоз тозаланган ва холис бўлади. Бундай шахсият ҳайратланарли даражада хоксор, самимий, шеърий куч-қувватга тўлиқлиги билан ажралиб туради. Ёлғиз шундай шоиргина одамларни ишқ ва маърифат шароби ила маст айлаши, ҳеч кутилмаган тарзда кўнгил ҳақиқатларига диққатни қаратиб, Руҳ ва руҳониятчилик байроғини баланд кўтариши мумкин¹.

Турк олими А.Я. Учокнинг фикрига кўра, «қаландар» арабча, форсча ва туркча манбаларда «қаландар» асосан «қалантар» деб ишлатилади. Баъзи олимлар «қаландар» форсча «қалонтар» каттароқ, йирикроқ, сочлари ўсиб кетган бесўнақай одам.

“Ғиёсул луғат” да ёзилишича: “Қаландар-аслида арабий “қоф” билан “қаландар” эди, зшиқ тез очилмаслиги учун орқасидан кўйиладиган тарашланмаган (йўнилмаган) кунда маъносида. Араб ва ажам (араб бўлмаган бошқа халқлар) тилларидаги ихтилоф сабабли арабий “қоф” билан “қаландар” бўлди. Баъзилар қаландар сўзини арабийлашган сўз деб атадилар. Арабча сўз эканлиги тўғри. “Хиёбон” да ва “Жавоҳирул улум”да қаландар аслида «ғаландар» эди деб ёзилган².”

Қаландар-дарвеш, дунёга қўл силтаган тарки дунё қилган мужаррад, сўққабош киши. У дунёни арзимас нарсага сотиб юборади, унинг мазҳабида куфр ва дин баробардир.

Қаландарликдан мақсад икки дунёдан ўзини йироқ тутиш ва икки олам уйдан четга, узлатга кетиш. Қаландар бирор мансаб, мақомга эга бўлмаган, дунёнинг ортиқча ғам-ташвишларидан фориғ бўлган кишидир. У жамиятга ичдан эмас, балки ташқаридан таъсир кўрсатади, жорий урф-одатларни бузади. Шу сабабдан айрим манбаларда улар “сўфиёна хориж” яъни,

¹ Н.Ҳаққул сўзбошчиси. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. “Мовароуннаҳр”, Тошкент, 2004, 25-26-бетлар.

² Сайфиддин Рафиддинов. Қаландар атамасининг этимологияси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 5-сон. 61-бет.

тасаввуфдан, жамиятдан ташқарида бўлган сўфийлар деб номланган.

Сўфий, маломатий ва қаландар орасидаги қисқача фарқ шундай: сўфийлар қалби халқ билан эмас, доим Ҳақ билан боғлиқ бўлади: Маломатий қилган ибодатини халқдан яширади, халқнинг таъна-ю маломатидан чўчимайди, Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломни маломатийларнинг сардори деб билади; Қаландар эса халқ урф-одатларини ошқора бузади. Ортиқча тоат-ибодатга майл кўрсатмайди¹.

“Қаландар” сўзини шарҳлаган “Ҳафт қулзум” ва “Баҳори ажам” каби луғат китоблари буни истилоҳ сифати билан изоҳлайдилар. “Ҳафт қулзум” га кўра: қаландар барча расмий таклифлардан, қайдлардан озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатлардан айри, бутун моддий ҳаётий алоқаларни тарк қилган, ибодат ва одатларнинг ҳаммасини бузувчи кишиларнинг исмидир².

X асрдаги сўфиёна оқимлар намояндаларини «ориф», деб номлаганлар. Ўша давр тасаввуф адабиётида учрайдиган ошиқ, мурид, солиқ, толиб, дарвеш, фақир, мухлис ва шу каби бошқа сўзлар маънавий устоз раҳнамолигида тариқат (ҳақ йўли)дан бораётган шогирдни билдирган. Инсоний камолот тимсоли бўлган, тариқат йўлидаги устозни шайх, мурод, муршид, маъшук (ёр, дўст истилоҳларидан талқини каби, унинг бошқа маъноси Худо, демакдир), пиритариқат, пирисуҳбат, пиримуғон, пиримайкада, пиримайфуруш, пирикомил, соҳибдил ва шунга ўхшаш сўфиёна ислоҳотлар билан камолотнинг қай даражасига эришганлигига мувофиқ турли унвонларга эга бўлганлар: Қутб, Автод (пешво), Ғавс (чуқур тафаккурга ғарқ бўлган), қутб ал-қутб ва ҳоказо.

Машрабнинг пири Офокхожа сўфиёна ислоҳотлар билан аталган юксак мақомдаги авлиё эди. Шоир Машраб “соғиндим” радифли ғазалида пирига эътиқодини изҳор этган:

*Санинг васлингни, эй жонон, мане афгор соғиндим,
Шаби ҳижронда қолдим, партави дийдор соғиндим.*

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўша манба, 62-бет.

*Хазон торож айлаб бағрими помоли гам қилди,
Баҳор бўстонидек, дилбар, гули рухсор соғиндим.*

*Ўлар ҳолатдаман, бошим сари қилгил қадам ранжа,
Ки дийдоринг қиёмат қолмасун, зинҳор соғиндим.*

*Кечалар уйқу йўқ, кундуз хаёлотинг билан ўтти,
Ба қалби ботину зоҳирда ҳам бедор соғиндим.*

*Кўнгулда йўқ эди сандин жудолик, лек найларман,
Муқаддар илкидин бўлди бу иш, ночор соғиндим.*

*Шажарлар-хома, дарёлар-сиёҳу еру кўк-саҳфа,
Рақам қилсам адо бўлмас гаминг, бисёр соғиндим.*

*Кулунг Маширабни, жонон, шафқат илан бир сўраб
келгил,
Ки, сан муришиди комил, махрами асрор, соғиндим¹.*

Х-ХІ асрларда сўфийларнинг доимий ва вақтинча яшайдиган жойлари-хонақоҳлари пайдо бўла бошлаган... Хонақоҳ ташқарисида катта мазор бўлган. Ҳайратланарлиси шундаки, Хивадаги қаландарлар хонақоҳнинг ҳамма тарафини мазористонлар ўраб олган. Қабристонлар гўё тасбеҳ доналаридай терилган: “Қаландархона”-“Қирқчилтон”-“Қўчқорбува”-“Нонемас бува”-“мулла Ориф”-“Шоҳимардон”. Бу тасбеҳда қандайдир қонуният ва жозиба бордай гўё. “Қаландархона” ўз мажозига кўра, мардлар шоҳи-Али ҳазратларига бутун бир Хивани аниқ бир йўналишда кесиб ўтиб боғлаган. Хоразм “лазги” сининг авж пардаларида баъзи бир чапанилар ўзларини уриб ўйнай бошлайдилар. Гоҳ ўнг кўл билан ўз энсаларига ва кўкракларига тушира бошлайдилар. Уларнинг бу қилиқлари мусиқа оҳангига жуда-жуда мос тушади. Ичиб олганлари эса, садр тушиб, йиқилиб, ҳолдан тойгунча ўйнайдилар. Ўша аснода

¹ Машраб. Девон. 2006. 152-бет.

битта-яримта одам ўйновчини алқаб юборса борми, мутлақо ўзларидан кетгунча ўйнайдилар. Айниқса, “жавҳувв, жаҳувв” деб халфа-созандаларнинг мадад бериб туриши ўйновчини баттар жазавага туширади. “Жаҳувв, Жаҳувв...” Бу қаландарларнинг “ё-Хувв”и¹.

Адабиётшунос олим Ҳ.Болтабоев Машраб ва қаландарийлик манбалари ҳақида чуқур тадқиқот олиб борган тадқиқотчилардан. У айниқса Фитратнинг “Машраб” илмий мақоласидаги мазмун ва ғояларни ўқувчига етказиб берган. Шунингдек, абдоллик ва қаландарлик тариқатининг тарихи ҳақида қуйидагича маълумот берган: Турк олими Фуод Кўпрулу қаландарийлик тарихи ҳақида сўз юритаркан, XIII-XIV асрларда Онадўлидаги машҳур тасаввуф оқимлари-бобийлик, абдоллик, бектошийлик, ҳуруфийлик қизилбошлилик, ҳайдарийлик қаторида қаландарийлик ҳам мавжуд бўлиб, бу оқимлардан нисбатан кенг тарқалган бектошийлик таълимоти ўзининг асосини қаландарийликдан олганини ва дастлаб қоришиқ ҳолда мавжуд бўлганини қайд этган².

Шу билан бирга Кичик Осиёда абдоллик таълимотининг асосчиси Пир Абдол, асосан Қаландар Абдол исми билан машҳур бўлганини ҳам эътиборга олсак, бу тариқат Онадўлида Юнус Эмрога қадар мавжуд бўлган, деган хулосага келишга ёрдам беради. Ўрта Осиёда эса қаландарийлик айрим ҳолларда яссавийлик тариқатидан озикланганини ва ундан сўнгра мавжуд бўлганини тасдиқловчи асослар бор. Профессор Фитрат эса “Боғирғон китоби” да Яссавий шогирдларининг асарлари билан бирга Машрабнинг ҳам шеърлари учрашини кузатган ва бу икки тариқат ўртасида бир-бирини туташтирувчи воситалар мавжудлигини “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” мақоласида аниқлаган³.

Шунингдек, Ҳ. Болтабоев қаландарлар ашёларининг вазифаси ва тасаввуфий маъноларини ҳам таҳлил этиб, қуйидаги маълумотларни келтиради: кулоҳи амирнинг тўрт тарки: тарки

¹ Муҳаммад Ёқуб. Қаландарлар. Халқ сўзи. 1992, 6-май.

² Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. “Адолат”, Тошкент, 2004, 158-бет.

³ Ҳамидулла Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари. Олими нуктадаон ўзум. 38-бет.

муҳаромот (ҳаромни тарк этиш), тарки дониш, тарки сифоти башарий (айрим инсоний сифатларнинг тарки), тарки ашёву сатоти мулки (бутун нарсалар ва мулкни тарк қилмоқ). Шунингдек, кулоҳи равиятнинг тўрт тарки: тарки халқ, тарки томоқ, тарки долқ, тарки ҳирқа. Кулоҳи субҳонийнин тарклари эса: бахиллик, миннат, иккиюзламачилик ва такаббурликни тарк этишдан иборат. Кулоҳи атонинг тарклари: тарки дунё, тарки нафс, тарки жаннат ва тарки вужудга ишорадан иборатдир. Шундай қилиб, биргина “тарк” сўзи воситасида 16 хил кулоҳ турлари, уларнинг ишлатилиши ва моҳияти шарҳланади¹.

Ҳ. Болтабоев “Шоҳ Машраб” манқабасидаги :

Ҳа қаёна назардур баҳри Мабдаи нур,

Ким билмади, Машраб, қаландарийни на билсин,

байти келади. Ҳар қаерга назар ташланса, “Мабдаи нур”нинг зиёси аксланади, Машрабни билмаганлар, қаландарийликни қаердан билади. Ушбу талқиннинг ўзиёқ қаландарийлик тариқати Машраб номи билан мустаҳкам боғлиқлигини англадиб турибди².

Ҳ. Болтабоев “Тазкираи қаландарон”да келтирилган қирқ қаландар ва уларнинг номларидан келтириб, Исҳоқ Боғистонийнинг хизматларини алоҳида таъкидлаган: қатор манбаларда «Машраби мажзубнинг муборак даврасинда бўлиш ва ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш қирқ қаландар» ҳақида сўз юритилган. Бироқ бизга қирқ қаландарни номма-ном келтириб, улар ҳақида “баҳоли қудрат ва ривоят абётлариндан қитъа битган” муаллиф ҳам Исҳоқ Боғистонийдир³.

Ҳ. Болтабоев “Мабдаи нур” зиёси тадқиқи мақоласида ушбу асарнинг Машраб асари эканлигини, у Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”ига жавобан ёзилганлигини, Исматуллоҳ Абдуллоҳ шуни тасдиқлагани, аммо ҳар икки асарни солиштирмагани ҳолда шу фикрни бериши таажжубли эканлигини билдириб ёзади: Фитрат мақолада “Мабдаи нур” асарининг муаллифи Бобораҳим Машраб эканлигини узил-кесил исботлаб бергандан сўнг (юқорида ўрганганимиз бу масалага қайтишдан хосият топмадик) бу китобнинг таркиби, илоҳий

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ҳ. Болтабоев. Машраб ва қаландарийлик манбалари. 45-бет.

³ Ўша манба, 43-бет.

қудрати ва айрим бадиий сифатларидан сўз очади. Маълумки, “мабдаи нур”нинг луғавий маъноси нурнинг бошланиши, чиқиш жойи каби маъноларни англатади. Проф. И. Абдуллаев бунинг изоҳини “Мабдаи нур” тасаввуфий тушунчасида Аллоҳ нурининг жило бериши, дунёни, кишилар қалбини ёритиш каби маъноларига эга деб тушунтирган¹. Фитрат бу китобнинг жанрий йўналиши хусусида “бу китоб машҳур Жалолиддин Румийнинг Маснавийсига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир” деб аниқ белгилаган. Бироқ Фитратнинг бу сўзларидан қирқ йил кейин проф. И. Абдуллаев “Бу асар Жалолиддин Румийнинг (1207-1273) “Маснавийи Румий” номли машҳур асари таъсирида ёзилган бўлиб, уч дафтар (боб)дан иборат. Жалолиддин Румий “Маснавий”си эса олти дафтарга бўлиниб, 27000 байтни ташкил этади. Шунинг учун “Мабдаи нур”ни Жалолиддин Румий маснавийсининг таржимаси ёки унинг шарҳи деб аташга асос йўқ” деган фараз²ни илгари сурган. Қизиғи шундаки, бу муаллиф юқорида иқтибос келтирганим “Машраб ва Мабдаи нур” мақоласида, асосан, Фитратнинг изидан бориб унинг талқинларини тасдиқлагани ҳолда асарнинг бир парчаси эълон этилиши муносабати билан унга ёзилган сўз бошида юқоридагича кескин хулосага келган. Бироқ, ҳар икки мақолада ҳам олим ўзи асосланган қатъий манбани ёки «Мабдаи нур» билан Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини солиштиргани ҳақида бирор қайдни учратмаймиз. Фитратнинг асар таркибига оид чуқур кузатишларини ўрганишнинг ўзиёқ бу давронинг илмий жиҳатдан асоссиз эканини англатади. “Жалолиддин Румийнинг маснавийсидан баъзи байтлар олинган. Ҳар байтнинг форсийча матнидан кейин аниқ вазнда ўзбекча мазмун шарҳ бошланадир. Шарҳда Жалолиддин Румийнинг сўфиёна рамзлари изоҳ этиладилар. Ондан кейин сўзнинг боришига муносиб бир-икки ҳикоя берилладир. Аксарият эътибори билан бу ҳикоялар машҳур сўфиларнинг ҳаётларидан олинган ёхуд шуларнинг ҳаётига боғланган бўлади. Ҳикоядан кейин шул ўринга муносиб ўзбекча ғазал келадир. Ғазалларнинг охириги мисраида “Машраб”, “Мабдаи нур” сўзлари баравар юрадир. Фикримизча, бу китоб

¹ Исмаатуллоҳ Абдуллоҳ. “Ўзб. адаб. сан.”-1991-12 апрел.

² “Шарқ юлдузи” 1992, 12-сон, 126-бет.

“Мабдаи нур” аталиши ҳам шунинг учун бўлса керак. Ғазалдан сўнгра яна Румийнинг маснавийсидан бир байт берилиб, юқоридаги тартиб билан давом этадир”. Фитратнинг бу кузатишларини дастлабки мақолада такрорлаган олим “китобда аввал, “Маснавий”дан форс тилида бир байт келтирилиб шарҳланади, кейин бошқа байтлар ўзбек тилида таржимада берилади. Шарҳлар орасида ғазал, ҳикоялар келтиради. Ғазалларнинг ҳаммаси Машрабга тегишли, охирида Машраб таҳаллуси билан “Мабдаи нур” сўзи ишлатилган”¹.

Ҳ. Болтабоев бу мақолада Абдурауф Фитратнинг Машрабни сўфий шори эканлигини исбот қилганлигини, Машраб мутасаввиф эканлигини, мутасаввиф бўлганлиги учун ҳам худосиз эмаслигини таҳлил этиб қуйидаги фикрларни келтирган: Илмда ёлғон даъво қилинган «икки машрабчилик» тенденцияси туғилмай туриб, унга барҳам беришга ҳаракат қилиб, “Мабдаи нур” асари Бобораҳим Машраб қаламига мансуб бўлиб, у Жалолиддин Румий “Маснавий”сининг дастлабки уч дафтарига шарҳ тарзида ёзилган бўлса-да, асар таркибида шоир қаламига мансуб ғазал ва ҳикоялар мавжуд эканини илм аҳлларига кўрсата олди², -дейилган.

Фитрат тасаввуфшунос олим сифатида Бобораҳим Машрабни сўфий шоир эканлигини таҳлил ва талқин этди ҳамда Машраб кўл берган қаландарийлик тариқатининг асослари, одоби ва усули тариқлари ҳақида илмда биринчилардан бўлиб, изчил, ишонарли маълумот беришга эришдики, бу қаландарийлик йўлига кирган бошқа шоирлар ижодини ўрганишда ҳам, Машраб ва унга қадар бу тариқат усулида ижод этган тасаввуф шоирлари ижодини тадқиқ қилиш ҳам жуда таъсирли илмий аҳамият касб этгандир:

*Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае, сарсона Машрабман,
Куюндек шамъи хуснунг айланиб парвона Машрабман.*

*Жаҳонда ҳар на боримни йўлида айладим барбод,
Паридур ё малак ондин бўлак риндона Машрабман.*

¹ Ҳамидулла Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. “Адолат”, Тошкент, 164-165-бетлар.

² Ўша манба, 168-бет.

*Ишимдур фақр йўлин тай қилиб қатъи тааллуқдин,
Ичибман туну кун май толиби майхона Маширабман.*

*Мани зоҳир кўз ила кўрган эл ўзда гумон айлар,
Вале эл ичра ўздин, барчадин бегона Маширабман.*

*Саросар сайр этибон ҳар тарафга дашту сахрони,
Ўзидин беҳабар ҳам ҳуши йўқ, девона Маширабман.*

*Чу манда содавашилиғ вазъидин бир ўзга сир йўқдур,
Очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайрона Маширабман.*

*Топибон ўз йўлунг, тарк айла зоҳидлик йўлин, Машираб,
Муҳаббат жомидин то май ичиб мастона Маширабман¹.*

Машраб Офокхожани шеърий ғазалларида мадҳ этгани ҳолда, унга садоқатини изҳор этиб турган. У Офокхожа даргоҳида етти йил эмас, жами ўн саккиз йил ҳирқа кийгани ҳолда хизматда турган. Ҳатто Офокхожа вафотидан сўнг ҳам бу хонадонни тарк этмаган унинг сўфий ўғиллари хурмат-эҳтиромида бўлган. Офокхожанинг ўзи ва Машрабни шаҳиди аъло мақомига етишиши ҳақидаги қилган васиятини итоат билан бўйсунгани ҳолда “Қатл қилмоққа ҳукм этганида, Ёлбориб бўйнини сунган бормукин?” деб қабул қилган:

*Ёрнинг кўйида ўлган бормукин?
Бир ўлуб, қайта тирилган бормукин?*

*Ёрнинг васлини излаб, чарх уруб,
Термулуб йўлларда қолгон бормукин?*

*Қатл қилмоқга ҳукм этганида,
Ёлбориб бўйнини сунган бормукин?*

¹ Машраб. Девон. 2006, 185-бет.

*Шоҳбози ломакон-султони ишқ,
Табл уруб долбойга қўнган бормукин?*

*Неча йил Офоқожам хизматида,
Шул Хўтан даштида юрган бормукин?*

*Манн каби тарсову расволар бўлуб,
Бўйнига зуннор солган бормукин?*

*Тонгла Маҳшарда йиғилса жумла халқ,
Оҳ уруб Маҳшарни бузган бормукин?*

*Кеча-кундуз зор бирлан йиглабон,
Кўз ёши Жайхунча оқган бормукин?*

*Дод этар Машраб Хўтан сахросида,
Бир замон додига етган бормукин¹?*

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Туркистонда яшаб ижод этган тариқат асосчилари ва уларнинг йирик намояндалари Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор, Махдуми Аъзам, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Насафий, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўп мутасаввиф олимлар қолдирган, ҳозирги пайтда дунёнинг турли кутубхоналарида сақланиб келаётган асарларни, маънавий меросни тўплаб ўрганиш зарурлигини айтади.

Худони билиш ва таниш, унинг азизу мукаррамлигини ҳис этиш оммага нисбатан авлиёи Ҳақ, аҳлуллоҳларга кўпроқ маълум. Баҳоуддин Нақшбанд яшаган даврдан бошлаб то бугунги кунгача биргина Бухорои шарифда икки мингга яқин авлиёлар бизнинг гуноҳларимизни Аллоҳдан сўраб турганлигини олимлар эътироф этмоқдалар. Ҳатто улар авом оммани Худони танишга тарғиб этиб, адолатсиз подшоҳлардан адолат талаб қилиб ўз жонларини қурбон этганлар. Тарихда бунга мисоллар кўп учрайди. Увайс Қараний ҳазратлари, Хожа Аҳмад Яссавий,

¹ Ўша манба, 216-бет.

мавлоно Жалолоиддин Румий, Юнус Эмро... бугунги кунимизгача давом эттиришимиз мумкин буюк ишқ соҳибларини. Бу ишқни деб Мансур Ҳаллож қатл этилди. Машраб дорга осилди. Яна не-не муборак зотлар қурбони бўлдилар мана шу ишқнинг. Буюк Аллоҳга бўлган муҳаббат мана шу муҳаббатгина инсонни ҳар қандай разилликдан поклаб, ҳақиқий маърифат-Аллоҳ маърифатига ошно этади. Мутасаввиф Иброҳим Ҳаққий Арзирумий: “Ҳақ таоло икки жаҳонни бани Одам учун, Одамни эса ўзини танитиш, билдириш учун яратган. Демак олам ва Одамнинг яратилишидан энг олий мақсад ҳам талаб маърифати Мавло, яъни Аллоҳни билишдир”¹.

Аллоҳнинг 99 номи 1001 сифоти бор. У 99 номинигина инсонга билдирган. Аслида 1001 сифотнинг ҳар бирида Аллоҳнинг турфа номлари зикри берилган. Аллоҳ пайғамбарлари-элчиларига вазифа юклаб, уни башариятга етказиш, ўзини танитиш йўллари билдирган. Машраб ҳудди ўша вазифа юкланган пайғамбарлар номини шеърларида тилга олиб, улардан ўрганганлигини изҳор этади.

У шаҳиди ишқ бўлишни Каломуллодан, одамийликни, азалий жаннатни буғдойга алмаштириб қўйган Одаму Ҳавводан, гуноҳни ювишни Одам сафиюллоҳдан, фарёд чекишни Нуҳи набиюллоҳдан, “Худодан роз эшитмоқни ман ул Мусодин ўргандим” дейди. Ҳақиқатга етиш илмини Исодан, тариқат имтихонини Армиёдан, салтанат тахтига чиқишни Сулаймондан, Ҳақ йўлини Осаф ибн Бархиёдан, қиёмат ваҳмини ҳазрати Яҳёдан, қалб софлигини Юсуфдан, Ҳақ бирлигини ва кўнгил кенглигини Юнусдан, сабрни Айюбдан, кўнгил бўлинишини Зикриёдан, ҳақиқат сирини Расулуллоҳ зикридан ўрганганлигини, имон бутунлигини Абу Бакр, Умар, Усмондан, азалнинг ҳимматини Ҳайдари аълодан, кўнгил таъсирини Фотимаи Заҳродан, «Фақирликни Муҳаммад ибни Абдуллодин ўргандим”, дея сўрасаларки илмни кимдан ўргандинг десалар, «Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим” деб Аллоҳ 99 номидан бири бўлган, инсони комилга илмни лутф этувчи “Мавло”-Худодан деб жавоб беради:

¹ Лола Насруллоҳ. Чашма. Хуррият, 2005, 2-февраль.

*Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим;
Шаҳид қонини тўкмакни Каломуллодин ўргандим.*

*Муҳаббат мубталоси ҳукми ул нури илоҳийдин,
Кўнгул аррасининг зикрини Зикриёдин ўргандим.*

*Сабо Маҳшар куни ул оси умматларга ҳомийдир,
Ҳақиқат сиррини руҳи Расулуллодин ўргандим.*

Машраб пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) руҳониятидан жуда катта умидвор бўлиб, унинг равзаи покига бориб, унга бош уриб, зиёрат қилади. У одамзодни гуноҳлардан қутқариш, мушкулларини осон қилиш, фоний дунёдан ноумид кетмаслигини англаб, Маҳшар куни Аллоҳ ва Муҳаммад (с.а.в.) дан шафоат кутиб Каъбага келганлигини, фонийликдаги гуноҳлари учун истиғфор айтиб:

*Бу улуг даргоҳ эрур, Машрабни қилма ноумед,
Манн улуг даргоҳга келдим, йиғладим, додима ет,-*

деб муножот қилади:

Аллоҳнинг жамолини тушида камгина пайғамбарлар кўрган. Муҳаммад (с.а.в.) ҳам унинг жамолини тушида кўрганлар. Унинг сийрати тенгсиз гўзаллигини гувоҳи бўлган. Аллоҳ бандасининг тушига ҳеч қачон кирмаган ва кирмайди.

*Бандасига меҳрибондур аввалу охир худо,
Ҳаййи Сатторул-аюб-пўшандайи журми гуноҳ,
Ким қадам қўйса бу йўлга пок бўлгай аз гуноҳ,
Оқибат манзилга етдим, йўлда торттим ранжи роҳ,
Равзайи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо.*

*Ҳар киши бул Равзага келса гуноҳи тўкилур,
Вақти хуш бўлур они, рўйи сиёҳи тўкилур,
Банданинг кўнглига раҳмат гоҳ-гоҳи тўкилур,
Гар зиёрат бўлса мақбул, ранжи роҳи тўкилур,
Равзайи покингга келдим, ё Муҳаммад мустафо.*

*Беадаблар по била юрса, юрудум сар билан,
Ҳам қўшилди руҳлар арвоҳи Пайгамбар билан,
Фурсат ўлтурдим бу йўлда ёри чиҳилтанлар билан,
Ташна эрдим шод қилдилар мана Кавсар билан,
Равзайи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо.*

*Равзайи покингга келдим хатми Қуръон қилгали,
Ҳам гиребон чок этиб, дийдамни гирён қилгали,
Ҳар гуноҳим ўрнига юз минг пушаймон қилгали,
Осий умматларни мушкулани осон қилгали,
Равзайи покингга келдим ё Муҳаммад мустафо.*

*Авалу охир-Худо, ул кун-Муҳаммадин умед,
Боз уйи Ҳазратдаги муҳри набуватдин умед,
Бу улуг даргоҳ эрур, қайтарма қулни ноумед,
Ташиналар Маҳшар куни қилгай шафоатдин умед,
Равзайи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо¹.*

Яқин Шарқ мамлакатларида Саййид Имомиддин Насимий, Ўрта Осиёда Бобораҳим Машраб... Ўтли ғазаллар битишда бу икки шоирга тенг келадиган қалам соҳиби камдан-кам топилади. Ҳар иккиси ҳам давр жаҳолатининг қурбони бўлдилар. Бирлари ҳуруфийлик айбланиб териси шилинди. Иккинчиси подшоҳ ва руҳонийларни таҳқир этганлиги учун шаккок қаландар сифатида дорга осилди. Улар иккиси ҳам ноёб шеърӣ истеъдод эгалари бўлиб, ўз шеърлари чакмоғи билан ўрта аср қоронғилигини ёритиб ўтдилар, ўз замонида кўзларга нур, дилларга шуур бағишладилар. Машраб ғазалларининг бирида:

*Девонаи Машраб, бу сўзунг дардга даводир;
Ошиқ элини кўнглига бир ўт қалаб ўттум!-*

дер экан, бунда чуқур ижтимоӣ ва адабий маъно бор эди. Бу байтда у ҳар бир сўзи билан инсонларга хизмат қилмоқчи,

¹ Машраб. Шеърлар. Ёзувчи. 1998, 26 август.

дардига даво бағишламоқчи бўлдиким, ҳаётга тез келиб, тез кетаётган бўлса ҳам ошиқлар кўнглига кучли бир ўт ёқишга улгурганини айтмоқчи. “Ошиқ эли”-ошиқлар деганда эса у дунёдаги энг софдил, ростгўй, ҳалол одамларни кўзда тутуди¹.

Ўткир ақл, билим ва нодир истеъдод соҳиби-Машрабнинг фақат “Девонаи Машраб”даги шеърларнигина ёзган бўлиши мумкин эмас. Бу, табиийки, Машрабдек шоир учун кам. Аммо шунисига ҳам шукурким, ўзи айтганидек, “Шухрати шеър бобида Ҳофиз хуш асар” бўлган шоирнинг дилрабо шеъриятдан бутунлай маҳрум эмасмиз. Афсона ва ривоятлар қобиғига ўралган Машраб мероси айтилиб, ўқилиб, кўчирилиб, бизгача (“Девонаи Машраб” шаклидагина бўлса ҳам) етиб келди. Уни тарих тўфонлари халқ қалбидан изсиз йўқотиб юборолмади. Инсон бахт-саодати учун кураш руҳи билан суғорилган асарларни халқ кўз қорачиғидек асрайди, авлоддан авлодга етказди. Бундай санъаткорнинг номи халқ қалбида абадий сақланади.

Атоқли адиб, академик Ойбек таъбири билан айтганда, Бобораҳим Машраб “...киши юрагига ўтдек тегувчи” шеърлар муаллифи, оддий халқ орасида яшаб, унинг руҳияти, аянчли турмуши, орзу-армонларини чуқур тушунган, уларни ўз асарларида катта бадиий маҳорат билан ифодалай олган, адабиётимиз тарихидаги катта санъаткорлардан бири, XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган хур фикрли шоирдир.

Машрабнинг бундай етук халқчил шоир сифатида Шарқда шуҳрат қозонишига сабаб унинг халқ орасида яшаб, ғазал билан элма-эл кезганлиги ҳамдир. Машраб поэзиясидан шу нарса кўзга ташланадики, у Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобур ва Фузулий сингари буюк сўз санъаткорларининг адабий меросидан баҳраманд бўлган. Мусулмон Шарқининг машҳур тасаввуф олимлари ҳаётини ҳам, уларнинг асарларини ҳам мукамал билган.

Машраб лирикасида ёниқ қалб билан бирга халқпарварлик, инсонийлик, ошиқлик сирларини баён қилиш, ёр васлига

¹ Абдуқодир Ҳайитметов. Машраб лирикаси. Шарқ юлдузи. 1980, 3-сон, 219-бет.

етишишдан умидворлик, висол лаззати, маъшуқага фидоийлик, ёрнинг ноз-истигноларидан баҳра олиш, ошиқона камтарлик, шум рақибларга таъна, инсон, табиат гўзалликларидан ҳайратланиш каби майл ва кайфиятлар етакчи ўрин эгаллайди¹.

Шоирнинг сўфиёна мавзуда ёзган асарлари ҳам унинг дунёкараши, фалсафаси мураккаблигини кўрсатади. Тасаввуф замонасининг анча тараққийпарвар оқимларидан бўлган академик В. Зоҳидовнинг “Улуғ шоир ижодининг қалби” китобидан келтирилган қуйидаги парчага эътибор этинг: “Сўфизмга умумий кўз билан қараш. Унинг ҳаммасини бир ўлчов билан ўлчаш, ҳаммаси бир хил рангда, бир хилдир, дейиш нотўғридир. У ўзига конкрет ва тарихий муносабатда бўлишни талаб этади”².

Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашлари таҳлил қилинаётган ушбу бўлимда шоирнинг “Мабдаи нур” ва “Кимё” тасаввуфий асарлари ҳақида машрабшунос олимлар Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Жалолиддин Юсупов ва бошқаларнинг мухтасар фикрларини келтириб ўтишни бурчли биламиз.

Профессор И. Абдуллаев Машраб таваллудининг 350 йиллиги олдидан “Машраб ва Мабда-и-нур” номли мақола эълон қилди³. Унда айтилишича, Машраб ижодида “Мабда-и-нур” ва “Кимё” шеърий асарлари алоҳида ўрин тутади. “Мабда-и-нур” (Нурнинг бошланиши, чиқиш жойи) тасаввуф тушунчасида Аллоҳ нурининг жило бериши, дунёни, кишилар қалбини ёритиши каби маъноларга эга. У Жалолиддин Румийнинг “маснавий”лари асосида тасаввуфий руҳда ёзилган бўлиб, уч (боб)дан иборат шеърий асардир.

Бобораҳим Машраб қаламига мансуб “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари ҳозиргача тадқиқ этилмаган ана шундай манбалар сирасига киради. Бу икки асар “Кимёи аввал” ва “Кимёи дуввум” деб ҳам юритилган. Ҳар иккала асар ҳам маснавий жанрида ёзилган. “Мабдаи нур” учта йирик боб (дафтар)дан ташкил топган. Биринчи бобда 44 та ҳикоят, 14 та ғазал. 3 та мустазод бор. Мустазодлардан бири араб тилида

¹ Ж. Юсупов. “... Замонга сиғмадим”. Гулистон. 1978, 6-сон. 22-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ И. Абдуллаев. “Ўзб адаб ва сан”, 1991 йил, 12 апрел.

ёзилган бўлиб, бу Машрабнинг форс-тожик тили билан бир қаторда араб тилини ҳам мукаммал билганини кўрсатади.

Иккинчи бобда 63 та ҳикоят ва 19 та ғазал берилган. Учинчи боб “Дар баёни суннатҳо” деб номланган. Унда 21 та ҳикоят ва учта ғазал берилган.

“Мабдаи нур”нинг ҳар учала бобида берилган 36 та ғазалнинг мақтаси (тугалланма қисми)да Машраб тахаллуси бир қаторда «Мабдаи нур» номли унвон ҳам келтирилади.

“Кимё” ҳам диний-фалсафий, ахлоқий-маърифий мавзудаги асар бўлиб, унинг мундарижасини 22 та кимё, 37 та ҳикоят ташкил этади. “Мабдаи нур” ва “Кимё” илгаридан халқимиз орасида маълум ва машҳур асарлар ҳиобланган. Қўлёзмалари кенг тарқалган. Ҳатто 1319 ҳижрий, 1901 мелодий йилида Тошкентдаги В.М. Ильин тошбосма нашриёти уни анча катта нусхаларда нашр этган. Китоб охирида анъанавий:

*Ҳар ки хонад дуо таъма дарон,
Зи-онки ман бандаи гуноҳкорам,-*

-дан сўнг Абдуррожий Муҳаммадназар номи келтирилган. Демак, китобни манбалардан тўплаб, нашрга тайёрлашда ва кўчириб ёзишда шу кишининг хизматлари катта бўлган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Машрабнинг бир неча қўлёзма “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари сақланади. Бу манбалар тузилган ва кўчирилган йиллари уларга киритилган ғазалларнинг миқдорига кўра, бир-бирларидан фарқ қиладилар...¹.

Машрабнинг “Мабдаи нур” асари бу ерда гап Одам Атодан, балки оламдан ҳам муқаддам, яъни қадимда, ҳали олам яратилмасдан аввалги кунда Оллоҳ иродаси ила Муҳаммад Пайғамбаримизнинг “ламъайи нур”лари –энг порлоқ нурлари яратилган кун-рўзи аласт назарда тутилмоқда. Икки дунё оламларининг яратилишига боис ҳам ана шу нури Муҳаммадийдир. Машраб асарига “Мабдаи нур” деб ном берганида ҳар икки дунёнинг яратилишига восита-сабаб бўлган ушбу нури илоҳийни назарда тутган.

¹ Ж. Юсупов. Ниҳоясиз баҳри нур. Дўстлик байроғи. 1995 йил, 24 феврал, 4 саҳифа.

“Мабдаи нур” Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидан олинган.

Бишнаваз най чун ҳикоят мекунад,

Ва-аз жудойиҳо шикоят мекунад-

мисраларининг Машраб томонидан қилинган гўзал таржимаси билан бошланади:

Англагил най не ҳикоятлар қилур,

Ким жудолиғдин шикоятлар қилур.

Машраб бир ғазалида “Нур бўлур эдики, нафс аждаҳоси бўлмаса”, дейдилар, афсусланиб. Одам Ато жаннатда Шайтон макрига учиб, бир дона камдум (буғдой) еганлари, яъни Оллоҳ амрига бўйсунмай нафс йўлига кирганликлари сабабли ерга қувиладилар. Гўёки найшакарзорда кўкариб турган найшакардан бир бўғин кесиб олинди-ю ерга туширилди. Най ўз аслидан ажралди. Унинг қилаётган нола навоси-ўз аслидан ажралганлиги, жудолиги сабаблидир. Одамзотнинг асли нима? Унинг асли нурдир. У ҳамиша ўзлигига, яъни азалий мабдаи нурига-бошланғич нурига қайтиш ғамида. У ўзининг қачонлардир яна ўз аслига қўшилиб кетишини билади¹.

Машрабнинг фикрича, Одамнинг моддий олами, яъни тўрт унсур (элемент)дан-тупроқ, сув, олов ва шамолдан таркиб топган:

Хок топти руҳимизга жинсият,

Оби оташ келди, қилди тарбият.

Бод бўлди боз бир арконимиз,

Муштарак бўлди бу танда жонимиз.

Ушбу унсурлардан муштарак бўлган Одам жисмини ҳаракатга келтирувчи восита жондир. Жоннинг, яъни руҳнинг одам жисмини тарк этиши ўлим деб аталади. Руҳсиз қолган тана-жисм таркибидаги унсурлар ҳам вақт ўтиши билан ўз аслиятига қайтади: жасаднинг ҳокдан таркиб топган узви тупроққа, сувдан таркиб топган узви буғланиб сувга, оташдан таркиб топган узви иссиқликка, боддан таркиб топган узви ҳавога қўшилади.

¹ Ўша манба, ўша жой.

Шундай қилиб, одамнинг жисми ҳам ўз аслияти оламига сингишиб ғойиб бўлади.

“Мабдаи нур”да таъкидланишича, бу дуне синов дунёсидир. “Кунту канзан махфиян”, яъни “Мен бир махфий хазина эдим” дейди Оллоҳ. У ўзлигини билдиришни хоҳлаб қолди ва шу мақсадда икки дунёни инсу-жин ҳуру малакларни яратди. Ҳуру малак, жинлар шуурсиз-севгисиз, ихтиёрсиз, дардсиз яратилдилар. Машраб бир шеърида:

*Эй Жаброил, боргил нари болу паринг куяр,
Бедардсану фариштасан ишқдин йироқ-*

дейдилар. Одам фарзандларига эса шуур берди, қалб, дил берди. Оллоҳ жамолининг тажаллиси Арши мажидга доим тушиб туради, аммо у бу буюк неъматни шуурсизлиги туфайли идрок этишдан ожиз. Оллоҳ Тур тоғида Мусо алайҳиссаломга ўз жамолидан зарра тажаллий кўрсатди. Тоғлар куйди. Мусо пайғамбар чидолмадилар.

Одамийзоднинг руҳи нурдан, Шайтоннинг руҳи эса оловдан яратилди¹.

Нафснинг хаволаниши оқибатида энг ёмон иллат манманлик-кибру ғурур пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам Машраб:

*Ҳезими дўзах дегин мағрурни,
Дину иймонга топмас нурни,-*

дейдилар. Манманликка берилган, ўткинчи дунё тўплаган молу дунёсидан, мансабидан мағрурланган одам нуруни йўқотади ва алал оқибат Дўзахнинг ўтин ташувчиси бўлиб қолади, дейдилар.

Манманликнинг зидди камтарликдир. Камтарлик ўзликни ҳамма жонли ёхуд жонсиз мавжудоддан кам, паст, фақир деб билишдир. Авлиёлар валийлик даражасига худди ана шу фазилатлари натижасида эришганлар. Каромат соҳиби бўлган авлиёлар ҳеч қачон ўзларини халққа ошкор қилмайдилар. Фаросат эгалари уларни айнан шу сифатларига қараб билиб

¹ Ўша манба, ўша жой.

оладилар. Авлиёлик-Аллоҳга яқинлик демакдир. Ўзини ҳаммадан кам деб билган инсон ҳаммага муҳаббатлик инсондир. Ҳаммага муҳаббатлик инсон ҳаммадан ҳам Аллоҳни севувчи инсондир. Пайғамбарларга мўъжизалар кўрсатиш жоиздир. Чунки улар Аллоҳ ва одамлар ўртасидаги элчилардирлар. Шунинг учун ҳам улар ўзликларини халққа танитишлари, албатта лозимдир. Пайғамбарларнинг суннатларини халққа етказиш учун эса авлиёларнинг каромат кўрсатишлари қатъий ҳолатда жоиз эмасдир. Чунки, авлиёларсиз ҳам одамлар зарур бўлган кишилардан ёхуд китоблардан бу суннатларни билиб оладилар, ўқиб ўрганадилар. Кўплаб каромат кўрсатган валийлар охир дамларида жуда кўп пушаймонлар қилганлар. Сабаб? Сабаб шуки, бу кароматларнинг оқибати шуҳрат келтирган.

Орқаларидан саф-саф бўлиб юрган одамларнинг эътиқодларини синдириш учун Машраб: “Кашфидин холи эрурман нури каромант менда йўқ” деганлар бир шеърларида камтарлик билан.

Ёки:

*Шуҳратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўрунг,-*

деб пирларидан қўл-хатти иршод олмаганликларига сабаб қилиб шуҳратнинг офат келтиришини кўрсатмоқдалар. Мабодо қўл олсалар шайх сифатида сулуқат тузишга тўғри келиши, ҳисобсиз муридларга раҳнамолик қилишга мажбур бўлишлари ва натижада шу муридлар, кейинчалик халқ орасида ўз-ўзидан шуҳратланиб кетишлари мумкинлигини билганлар. Фақирликда кўз ёшларни эса у дунёда Оллоҳ даргоҳига мақбул бўлиш-абадийлик хазинаси деб ҳисоблаганлар¹.

Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввиф, мусулмон Шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони. Бутун ҳаётини дунёни кезиб ўтказиб, оддий халқ орасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас яшаган, халқ

¹ Ўша манба, ўша жой.

учун қайғурган, жаҳонгашта, қаландар шоирдир. У Шоҳ Машраб, Девонаи Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаган.

Агар “Мабдаи нур” билан “Кимё” қиёсланса маълум бўладики, ҳар икки асарда ифодаланган ғоя бир-биридан кам фарқ қилади. Комил инсонни тарбиялаш, инсон ҳаётидаги салбий иллатларни йўқотиш шоир жон куйдириб куйлаган асосий мавзудир. Асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида аниқ фикр билдириш қийин. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари тадқиқидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Машраб бу асарини “Мабдаи нур”дан кейин ёзган. “Мабдаи нур”да ифода этилмаган баъзи ғояларини «Кимё»да берган ва «Мабдаи нур»га киритолмаган ҳикояларини бу асарга киритган. “Кимё”, чамаси тугалланмаган китоб Машраб кимёларини давом эттиришни кўзлаган, лекин улгуролмаган кўринади¹.

Жамоатдан ажралмаслик, халқ билан бирга бўлиш, халқ ғамини ейиш мумтоз адабиётимиздаги инсоний ғоялардан биридир. Машраб шеъриятидан кенг ўрин олган бу олийжаноб ғоя “Кимё” да ҳам аксини топган:

*Кишики жумладин барканда бўлди,
Жаҳон бандини узди, банда бўлди.*

Лекин жамоат билан бирга яшаган инсон ундан ўзини баланд тутмаслиги керак, тавозелик, камтарлик, ўзини паст тутиш инсоннинг олийжаноб хислати, одамийлик белгиси:

*Карамли баҳрга урмак керак даст,
Ўзини жумладин билмак керак паст.*

“Кимё” асарининг қўлёзма ва босма нусхалари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. “Кимё”нинг қўлёзмалари Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида кўплаб сақланмоқда. Фақат ЎзФА Шарқшунослик институтида унинг олти нусхаси мавжуд. Булар XIX аср бошларида турли хаттотлар томонидан

¹ Исмаатуллоҳ Абдуллоҳ. “Кўнгилни узма шундоғ киёмдин”. “Ўзб. адаб. ва сан”. 1999, 23-апрель.

кўчирилган кўлёмалардир. Улардан энг аввалгиси 1857-1858 йили кўчирилган 3985 рақамли кўлёмза.

“Кимё”нинг кўрсатилган барча нусхалари «Мабдаи нур» билан бирга кўчирилган. “Кимё” асари ҳозиргача илмий ўрганилмаган ва нашр қилинмаган, олимлар диққатидан четда қолган.

Абдурауф Фитратнинг “Машраб” мақоласида “Кимё” ҳақида шундай дейилади: “Бухорода босилган «Мабдаи нур» нинг охирида “Кимё” номли бир китоб бор. Аруздаги “Ҳажаз” баҳрининг “мафойилун, мафойилун, фаулун” вазнида ёзилган турли ахлоқий ҳикоялардан иборатдир. Асарни бостирган китобчининг сўзига кўра, бу ҳам Машрабнинг асаридир. Бу асар услуб ёғидан “Мабдаи нур”дан айрилмайдур. Лекин бунинг ҳам ҳақиқатдан Машраб томонидан ёзиб-ёзилмаганига оид қоникарли бир ишорат ва қайдга учрай олмаганлигимизни эътироф қиламиз¹”.

Бизнинг фикримизча, бу мисралар тасаввуф намояндасининг яшаган даври воқелигига берган баҳосидир. Фитрат шундай дейди: “Машраб мутасаввифдир ва мутасаввиф бўлғони учун материалист ва динсиз бўла олмайди”².

Машраб шайхлар, зоҳидлар, мутаассиблар, қозилар, воизларнинг ярамас қилиқларини танқид қилади, уларнинг беҳаёлигини очиб ташлайди. Зоҳидлар тўғрисида сўз юритар экан, уларнинг мунофиқлигини, очкўз ва таъмагирлигини, кундузлари ўзларини мўмин-мусулмон қиёфасида кўрсатиб кечалари бўлмағур ишлар билан шуғулланишларини таъкидлайди:

*Сен эй зоҳид насиҳатни бориб меҳроб аро қилгил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни,
Залолатпешалиғни аҳли дунлар сендан ўргангай,
Мунофиқ бадаслик ҳам таъмакор рўсиёлиғни.
Риё тоат қилиб кундузлари ўзни дебон муришид,
Кечадин тонг отар қилгунг ўзингдек юз қаролиғни³.*

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд, 56-бет.

³ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. 158-бет.

Машраб Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган сўфийлик диний-фалсафий оқим таъсирида эди. Сўфизмнинг ўнг қанотига мансуб бўлмиш шоирлар халқ орасида фақат инсонни худо билан бирлашувини ташвиқот қилдилар. Бунинг учун сўфийлар тасаввуфнинг тўрт қоидасига, яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатга сўзсиз амал қилишлари лозим эди. Сўфийлар бу дунёни саробга ўхшатдилар. Бутун мавжудот, шу жумладан инсон ҳам худога интилиши, унинг орзусида яшаши, моддий дунёнинг ноз-неъматларига қизикмаслиги, таркидунёчиликка берилиши, Оллоҳ йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб ўз мақсадига эришиши керак.

Машраб ҳам худди бошқа сўфийлар қатори, ўзининг худога муҳаббатини, ишқини шеърларида баён этади. Буни у кўпинча мажозий шаклда, яъни капалакнинг шамга интилиши мисолида изҳор қилади. Усўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Насимийларни ўз асарларида тилга олади, мадҳ қилади. Сўфизмнинг бу йирик вакиллари ўз шеърларида ортодоксол ислом намояндалари, зоҳид ва шайхларнинг кирдикорларини танқид қилдилар. Шунинг учун улар ҳукмрон табақа томонидан қувғин остига олиндилар, таъқиб қилиндилар.

Маълумки, тасаввуф мафкураси замирида, унинг асосида Аллоҳни тан олиб, унга шак келтирмай яшаш ғояси ётади. Машраб тасаввуф маслиги намояндалари бўлган Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур таълимотларини давом эттирган, журъатли ва жасур ғояси эътиқодидан чекинмайдиган оловқалб шоир эди. Шунга қарамай, кўп йиллар давомида у гўё Аллоҳ ва дин пешволарини танқид этувчи, шаккок ва даҳрий шоир сифатида талқин этилди.

Шарқ халқлари тарихида истибдодга қарши курашга тушган кишилар сўл сўфийлар, яъни мутасаввифлар-пантеистлар эдилар.

Ҳурфиқрликни тарғиб қилган Машраб ҳақ-таолога шундай мурожаат қилади:

Худони шавқида йиғлаб ўзум овора Машрабман,

Кўзи ёшлуғ, қади хамлиғ, вале садпора Машрабман¹.

Машраб канизакни яхши кўриб қолгандан сўнг Офокхожа уни жазолашга буюради.

“Эй сўфийлар, Машрабни тутунгларки, андин Мансур Ҳалложнинг бўйи келадур”². Бу нуқта гўёки пир ва муриднинг дунёқараши масаласида зиддият мавжудлигини кўрсатади. Бироқ масала бундай: пир, яъни Офокхожа “зикри хуфия” дилда жазава этиш тарфдори эди. Мурид (Машраб) эса ўз-ўзидан очиқ ошкор этиш йўлига ўтади. Айнан мана шу нуқтани илғай олмаганлигимиз сабабли пир ва мурид ўртасига раҳна солиб қўйганмиз. Хўш, Машраб нега Ҳаллож таълимотида мақсадни кўрганди. Парвонанинг мақсади шамда куйиб, йўқ бўлиш экан, Машрабнинг нияти ҳам шу эди. Шу сабаб у Ҳалложга ҳамоҳанг равишда пирнинг сўзига жавобан то тирикман мундоғ гуноҳ қилмағайман. Бир гуноҳ қилғонимга бандангни бандалари (нг) мунча таҳқиқлаб сўрасалар, тонгла қиёмат бўлганида ўзунг қози бўлиб, шул гуноҳимни сўрогангча ҳам дийдорингга тўярман. Шунда пир Машрабга деганки: “Эй Машраб, бундоғ беадабликни ҳеч Ким қилғон эмас”. Машраб жавоби эса бундай бўлган:

*Билдимки отинг Ҳазрати ҳодийи музиллин,
Мақбули ҳидоят бўлойин деб гуноҳ эттим³.*

“Подшоҳим буюрдиларки, «Девонани босинглар», -деб. Сўфийлар Шоҳ Машрабни бостилар. Ҳазрати Офокхожам киссаларидан муҳрларини олиб, ўтга ташлаб қизитиб Машрабни гарданига босдилар. Валиюллоҳ каромат билан топтиларки, одамзотнинг шаҳватини жойи мунда гардан тамуридадур. Ўшал тамурни топиб муҳр босдилар”⁴.

Ҳазрати Офокхожа қиздирилган муҳрни олиб, Машрабнинг гарданига (шаҳват нуқтасига) босган. Бу нима? Жоҳилликми? Йўқ. Машраб буни “Ҳидоят” деб атайди. Тасаввуф фалсафасидан

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 120-бет.

² Қиссаи Машраб. 36-бет.

³ Ўша манба, 37-бет.

⁴ Ўша манба, 38-бет.

бироз хабардор бўлган одам буни жоҳиллик деб ҳисобламайди. Нафси амморани мағлуб қилишлик-Рух билан қолишлиқдир. Солиҳ фано мартабасига етар экан, унда ҳеч қандай нафсоний хоҳиш қолмайди. Унга энди жамики ҳодисот сири маълум, у икки оламнинг ҳам асроридин воқиф. Офокхожа Машраб гарданига муҳр босиш билан уни зулмат ботқоғига отмаган, аксинча, илоҳий нурга итқитган, уни НАФСИ АММОРАдан холи этган. Машраб ҳам унга ОНГЛИ равишда қараган. (Навойни эслайлик, у ҳам ўзини Илоҳиётга бағишлайди-ку). “Ўзини Худога бағишлаганда нафсоний хоҳиш қолмайди” деган ҳадиси шарифга амал қилган. Ҳаллож ҳам расулга пайравлик қилиб, “нафсинг сени эгарлаб олишдан олдин сен уни эгарлаб ол”, деганди.

Таъкидлаб айтиш керакки, “Машраб канизак қаршисида жазавага тушиб ҲОЛ мартабасига етганди”. Шу сабаб шоир ани (канизакни) кўриб беҳуд бўлган. Ахир, у бежиз ўз-ўзига: “Пиринг бир йўл Машраб деди, Яна бир йўл десалар ишинг тамом бўлур эрди”, демаган.

Хулоса шундай. Машраб етти йил пир остонасида бўлиб, Офокхожадек авлиё кишининг васлига етиб, назарига тушиб, юксак эътиборга молик бўлди. Машраб учун энди йўл очиқ эди. У шу хонадондан авлиёликка эришди ва ўз зухурини Ҳаллождек илоҳ олдида кўрди.

Шоҳ Машраб ҳаёти ва ижодини кенг кўламда ўрганиш ва ўз ўқувчилари оммасига етказишда заҳматкаш олим, профессор Н.С. Ликошиннинг хизматлари каттадир. У “Девонаи Машраб” қиссасини рус тилига сўзма-сўз таржима қилди, кўплаб шарҳлар билан бойитди. Унинг мазкур асарга ёзган кириш сўзида ҳам жуда қимматли маълумотлар бор. Заҳматкаш шарқшуноснинг бу китоби кўплаб тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Афсуски Н.С. Ликошин туркистонлик мутасаввифлар ижодини Хожа Ҳофиз ва бошқа форсийгўй шоирларники билан муқояса қилатуриб, анча ноҳолис фикр юритади, маҳаллий аҳоли ўртасида Машраб шахси ва ижодига нисбатан икки хил муносабат мавжуд, деган ғояни мустаҳкамлашга, Машрабни исёнкор ҳажвчи, курашчан шоир сифатида таърифлашга интилади. Муаллиф кириш сўзида “маҳаллий аҳолининг энг

саводсиз қисми вакили ҳам Машрабнинг «куюшқондан ташқари бирор шеъридан парча айтиб» бера олишини, маҳаллий олим-мулла эса шоирни “мусулмонлигига ҳам шубҳа билан қараладиган, у ҳақда гаплашиб ўтиришга ҳам арзимайдиган шахс” деб ҳисоблаганлигини айтади. Ликошин Хожа Ҳофиз ва форс адабиётининг бошқа мутасаввиф вакиллари улуғлаб, “маданияти орқада мамлакатнинг (Туркистоннинг) тайёргарлиги суст шоирлари”ни камситиши, қай бири пишиқ эканлигини синаб кўриш учун иккита гавҳарни бир-бирига уриштиришдек бемаъни қилиқни эслатади”¹.

Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юрита туриб Ликошин шу мақоласида, ўзи севмаган ҳолда ўз даъволарини уриб ташлайди. Профессорнинг Чуст уездидаги танишлари-шариат қозиси домулло Маъсуд Мағзум, домулло Муҳаммад Мурод ва унинг ўғли шайхулислом Нодимнинг (афтидан, бу ерда сўз шоир Нодим Намангоний ҳақида кетаяпти.) Ликошин сўрови билан ёзилган Машраб таржимаи ҳоли таржимасида шоирга қуйидагича таъриф берадилар: “Улуғ мақомлар соҳиби, олийжаноблик самосининг юксак парвозли қули. Авлиёлик осмонининг энг юқорисида порлаган тўлин ой, модарзод қаландар, ошиқлар майхонаси, илмлар уммонининг тўлқини, ҳақиқат денгизининг жавоҳири, Намангон азиз-авлиёларининг кўрки-кўзи, Турон авлиёси...” ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, Наманган уламо ва зодагонларининг пешволари-бири шариат қозиси, бошқаси шайхулислом бўлган зотлар Шоҳ Машраб шахсига нисбатан юксак эҳтиром ила муносабатда бўлганлар².

Алишер Навоийнинг адабий мероси кейинги давр ўзбек ижодкорларининг деярли барчаси учун ўзига хос улкан сабоқ мактаби вазифасини ўтаганлиги маълум. Машраб мана шу мактабдан таълим олган машҳур шоирлардандир.

Навоий ва Машраб ижодиётидаги боғлиқлик ва анъанавий муносабат тўғрисида адабиётшунослигимизда айрим ишлар қилинган. Бу жиҳатдан профессор А. Абдуғафуровнинг “Наоий ва Машраб” мақоласи алоҳида диққатга моликдир. Унда

¹ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб?. Наманган, 2007, 6-7-бетлар.

² Ўша манба, 7-бет.

таъкидланишича, “Улуғ Алишер Навоий, унинг изидан борган Бобораҳим Машраб ҳам ўз ижодий фаолиятлари марказига халқ учун, юрт учун хизмат қилиш вазифасини қўйганлар”¹. Шунинг учун ҳам ишқ, ҳақиқат, маърифат, комиллик мавзуидаги шеърларда Машрабнинг Навоийга издошлиги яққол намоён бўлиб туради.

“Навоий поэзияси учун характерли бўлган поэтик усуллардан бири-рангларнинг рамзий қўлланиши” эди².

Шоир ғазалларидан бири:

*Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари,
Ё магарким долазор ичра кезар кабки дари.*

*Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,
Бир йўли девоналар қонига кирмиш ул пари³,-*

байтлари билан бошланади. Ғазалда ошиқнинг қатлига шайланган маъшуқа тимсоли тасвирланган ва худди шунга муқобил тасвири Машрабнинг:

*Зебо санамим гулгуну зебо ясанибдур,
Қонимни тўкар, буки қизил тўн кийибдур⁴,-*

матлали ғазалида ҳам учратамиз. Иккала шеърни ҳам боғлаб турган робита-маъшуқанинг “қизил тўн”идир.

Навоийдан илҳомланган Машраб қизил тўн кийган маъшуқанинг янада жозибали тимсолини яратди. Шоир нега айнан “қизил тўн” ни танлади, “қизил кўйлак”, ёки “қизил рўмол” ва ҳ. к. эмас. Тўн кўйлак ва рўмолдан ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Яъни, маъшуқа ошиқнинг ошкора қотили ва шоир қонранг либосдаги маъшуқа тасвирини чизади. Ғазал давомида лирик қаҳрамоннинг бераҳм ёрига муносабатида заррача норозилик сезилмайди. Чунки, ошиқ учун маҳбубаси йўлида,

¹ Абдуғафуров А. Буёқ бешлик сабоқлари. Тошкент, 1995, 156-бет.

² Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983, 119-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 3 жилд. Тошкент, 1988, 443-бет.

⁴ Машраб. Меҳрибоним қайдсан. Тошкент, 1990, 184-бет.

кўлида жон бериш шарафдир. Бу тасаввуфдаги “шаҳиди ишқ”лик тушунчасини ифода этади¹.

Машрабнинг аксарият шеърларида Навоий ижодининг илҳомбахш таъсири жуда аниқ сезилади. Буни Навоий “Тийра қилмиш тун киби офоқни оҳим менинг” ҳамда Машрабнинг “Осмонни тийра қилди оҳу афғоним менинг” сингари сатрларидан изоҳсиз англаш мумкин. Навоий “куйдирур” радифли ғазалига менгзаб, Машраб “куяр” радифли ғазалини ёзади.

Навоий ва Машраб замон ва макон, ижтимоий муҳит жиҳатидан тубдан фарқ қилувчи даврларда яшаган. Аммо, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўнгилни Каъба даражасига кўтарган юксак инсонпарвар бўлганлар:

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай.*

Ёки:

*Каъбаким, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ ончаким, кўнгил Каъбаси,-
дейди Навоий.*

Машраб эса:

*Жигарбандим қўлингдин келса, бир кўнгилни оғритма,
Бу маънидинким, айтурлар, Байтуллоҳ қалби мўъминдур.*

Ёки:

*Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузилмасму²?!-
дейди.*

Бобораҳим Машраб куйлаган ишқни фақат юзаки, дастлабки маъносида тушунмаслик лозим. Инсоний, дунёвий, ҳаётий ишқ билан руҳоний, ҳақиқий борлиқни яратган илоҳий, парвардигор ишқи Машраб шеърлятида бир-бирига чамбарчас боғланиб,

¹ Дилором Ҳамроева. Ишқ ва маърифат илҳомлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 5-сон, 23-бет.

² Ўша манба, 26-бет.

бўлинмас узвийлик, маъно жиҳатидан яхлит ягоналикни ташкил этади. Худди шу ерда Машраб ғазалларининг сеҳри, жозибаси, мафтункорлиги, гўзаллиги, чуқур фалсафий мазмуни кўзга ташланади.

Машрабнинг форс-тожикча ғазалиёти ўзбек тилидаги сингари содда ва равон ёзилган. Бироқ Машрабнинг ғазалларидаги фалсафий фикрлар тасаввуф ақидаларини тушуниб етиш учун чуқур билим ва малака керак бўлади.

Аксинча, шоир ғазалларини дастлабки маъносида тушунган кишиларда Машраб гўзал аёллар ҳамда дунёвий ишқ ўтда куйиб-ёнар экан деган тушунча ҳосил бўлади¹.

Машрабнинг руҳий олами ниҳоятда сеҳрли, фусункордир. У на зарга, на мол-давлатга, на бойликка кўнгил қўйган. Машрабнинг туғёнли, беқарор, қайноқ ишқ тўла қалби фақатгина Ёр жамолига, Ҳақ даргоҳига етишмоқ орзу ва мақсади билан яшаган:

*Назди ман тоқи фалак чун зарраи хошок нест,
Ҳамчунин мисли наҳанге дар таҳи дарё задам.
Машраби девонаи саргаштаам аз баҳри ёр,
Олами дунёи дунро пушти як ноҳун задаам.*

Мазмуни:

Менинг наздимда фалакнинг энг баланд жойи зарра ҳашакдек қадри йўқ,

Шунинг учун наҳанг мисоли ўзимни дарё тубига урдим.

Ёр куйида юрган саргашта ва девона Машрабман,

Ўткинчи дунё олами мен учун тирноқчалик қадри йўқ.

Машрабнинг форс-тожик тилидаги баъзи ғазаллари таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкин: Машрабни фоний дунёдаги орзу-ҳавас, армон, гўзалликлар қизиқтирмайди. Бобораҳим Машраб замин фарзанди, биз каби оддий инсон. лекин унинг қалбидаги ҳиссиётлар, эҳтирослар бутунлай бошқа олам, ҳақиқий ёр васлига етишмоқ орзу-истаги билан тўлиб тошган.

¹ А. Нуриддинов. Машраб ва форс-тожик адабиёти. Ҳайрат. 2002 23 май.

Умуман Машрабнинг тожик тилидаги шеърлари бу забардаст адибнинг қалами қудрати маҳсули бўлмиш икки тилда яратган адабий меросини тўплаш, ўрганиш, улардаги теран фалсафий маъноларни идрок этиш муҳим иш бўлур эди¹.

Тасаввуф узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган. Инсоннинг рухий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориш бу таълимотнинг асосий ғояларидир. Шу боис тасаввуф чуқур инсонпарварлик ғоялари билан омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган одамлар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, адабий ҳаёт, кўнгил ҳуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Халқимизнинг сўфий дарвешларига ҳурмат-эҳтиром орқали Аллоҳ таолога, Унинг инсонни улуғлаган қудрати ва файзу-футуҳига эътиқодларини изҳор этганлар. Шайхларнинг кароматлари, сўзлари ва сийрату сурати юксак ахлоқ ва илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилинган. Тасаввуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний мураббий сифатида майдонга чиқиб, пайғамбар фаолияти, ҳолатларини давом эттиришга жазм этганлар².

Бобораҳим Машрабнинг адабий мероси шоир ҳаётини ўрганишда энг муҳим, айти вақтда мунозарали манбадир. У ўз шеърларини девон тарзида жамламаган ёки шоир девони бизгача етиб келмаган бўлиши мумкин. Аммо Машраб шеърларининг мусаввадаси мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу “Қиссаи Машраб” синари халқ китобларининг яратилишига туртки бўлган деган тахминни қувватлайди. “Қиссаи Машраб” йўлидаги халқ китобларда эса Машраб ўз девонини йиртиб ташлаган деган қайдлар ҳам учрайди³.

Пирмат Сеторийга нисбат бериладиган ушбу маноқиблар Машраб шеърлари ва у ҳақдаги халқ оғзаки ижоди намуналаридан иборат. Каромат-валийларга хос хусусият. Авлиёлар пайғамбарларнинг вориси ўлароқ, ғайри одатий ҳодисаларни тушунтира олиши, намоён эта олиши керак. Оллоҳ сидқ эгасига икром қилиб, ғайб асрорини очиши натижасида

¹ Ўша манба.

² Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. “Шарқ”, Тошкент, 2004, 3-бет.

³ Қиссаи машраб. Тошкент, 1992, 45-бет.

каромат ҳосил бўлади¹. Хожа Нақшбанд: “Тавҳид сирига етса бўлур, маърифат сирига етиб бўлмас”,-деган экан. Каромат эса маърифат ошкор қилган ана шу сирлардан нишона беришдир.

Машраб Ҳофиз Шерозий, Навоий таъсирида кўпроқ маърифий, Румий, Насимийдан илҳомланиб мажзубона шеърлар яратди. У руҳият тасвирини жуда чиройли очиб беради. Машрабда ошиқнинг руҳий парвози байтма-байт кўтарила бормайди. Балки: «Бир жунуне менда борким маҳшаристонни бузар», “Сени кўрдум ҳама элни унуттим”, “Дунёга пуштипо уруб, Адҳами бенаво ўзум”, “Онқадар нурга тўлибмен, осмонга сиғмадим”,-дея авж пардадан бошлайди. Кейинги байтларда ҳам шу кўтаринкилик пасаймайди. Бу ҳам Машраб шеърятининг ўзига хос бир хусусияти. Лирик шеърларда туйғуларни теран, завқли ифодаси билан бирга кутилмаган ташбеҳ, иборалар ўқувчини ўзига тортади. У маъшукани доимий гул, гулзор, савр, табиб, гулрў, Масеҳо, рахнагар, шўҳи ситамгар, бевафо, бепарво ўхшатишларидан ташқари, “ғам кофир”, “ишва жоду”, “жола қалпоқ”, “тан нукра”, “оташпора чакмоқ” ташбеҳлари билан атайди.

Қолаверса, адабий издошлик Шарқ мумтоз шеърятини малоҳатини заррача камайтирмайди².

Хуллас, Машраб катта бир анъана мактабини ўтаган шоир. У Ҳофиз Шерозий, Жалолоддин Румий, Ҳилолий, Шавкат Бухорий, Сойиб Табризий каби форс-тожик адиблари, Лutfий, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий сингари забардаст туркий ижодкорлар меросини ўрганди, уларнинг ижодий тажрибаларини ўзлаштирди. Машраб бир қатор тазмин, тахмис, назиралар яратган. Аммо у тақлидчиликка ён бермаган, балки қалбига таъсир этган образ, тасвир ё ғоянинг янги қирраларини очиб берган.

Машраб ижодида уни бошқа шоирлардан ажратиб турадиган ўзига хос бир завқ, тугён бор. Унинг шеърлари Яссавий, Лutfий, Насимий, Фузулий каби тили содда ва равон, шу билан бирга, кучли образлиликка йўғрилган. Айниқса, унинг лирик шеърларида мусиқий оҳанг яратиш маҳоратининг жуда юқорилиги кўзга ташланади. “Офатижоним, эй санам, қоши

¹ Дилором Ҳамроева. Маноқиб ва тарихий ҳақиқат.

² Д. Ҳамроева. Филолоия фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун диссертация. 49-бет.

қаросини кўринг”, “Эй, гулбаданам, гул юзинга банда бўлойин”, “Мен нола қилай шому сахар дод эшигингда”, “Зебо санамим гулгуни зебо ясанибдур” шундай шеърлардандир.

Машраб ўзидан олдинги шоирлардан илҳомланибгина қолмай, гўзал ва сермазмун шеърляти билан ўзидан кейинги давр ижодкорларига ижобий таъсир ўтказган. Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат, Нодира, Зорий каби шоирлар унга издошлик қилганлар¹.

Машраб ғазалларида Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Боязид ал-Бистомий, шайх Абубакр аш-Шиблий, Саид Имомиддин Насимий, Фаридиддин Аттор, Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Офокхожа сингари мутафаккирлар, турли даврларда яшаб, турлича дунёқарашга эга бўлган сўфийларнинг номлари такрор-такрор тилга олинади.

Шарқда “Уммул булдон”, “Қуббатул ислом” номи билан машҳур бўлган Балх энг қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Бу кўҳна маданий манзилдан кўплаб дин, илм-фан, бадиий сўз санъати арбоблари етишиб чиқди. Ана шулардан бири халқ орасида ҳикоят ривоятлар, бўлишига замин яратган Иброҳим Адҳамдир.

Иброҳим Адҳам зодагон оиласида дунёга келиб, илоҳий илмларни эгаллаб, ҳақ йўлига кирди, шаҳар ҳокими бўлиб ишлади. У ҳақда шундай нақл бор: бир тун Иброҳим Адҳам ўз саройида ухлаб ётса, томида биров юрганини сезибди. Ҳовлига чиқиб қараса, ҳақиқатдан ҳам томда биров тимирскиланиб юрганмиш.

-Ҳой кимсан, кечаси томда нима қилиб юрибсан,-деб сўрабди.

-Туямни қидириб юрибман,-дебди ҳалиги одам.

-Қанақа одамсан, томда туя нима қилади,-дебди Иброҳим Адҳам.

-Сен ҳокимлик тахтида ўтириб Ҳаққа етаман деб юрганингдан сўнг, мен томда туяни қидирсам нима қилибди,-деб жавоб берибди у. Бу гап Иброҳим Адҳамга қаттиқ таъсир қилиб, бутун давлати, оиласидан воз кечиб, зоҳидона ҳаёт кечиришга аҳд қилиб, саҳрога чиқиб кетибди. Бир чўпонга шоҳона

¹ Ўша манба, 48-49-бетлар.

кийимларини бериб, дарвишлар либосида пиёда Маккага қараб жўнабди¹.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират-ул авлиё” тазкирасида ёзилишича: “Иброҳим у ердан Марв шаҳрига келди. Кўприкдан ўтаётган эди, бир киши пастга қараб учди. Иброҳим: “Аллоҳуммаҳфузҳу!” деб нидо қилди, ул киши сувга тушмасдан муаллақ қолди. Халойиқ бу кароматдан ҳайратга тушди”².

Машраб илоҳий “ишқу муҳаббат ҳосил” этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси-бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият аксини топгандир:

*Соқий, қадаҳни қилгил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.*

Машраб девонида ваҳдат тушунчасидан ажралиб қолган шеър йўқ. Шоир ғазалларидан бирида:

*Баҳри раҳматга кириб қилдим вуҷудимни адам,
Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни кавлама,-*

деган эди. Байтнинг биринчи мисраси ўзликдан кечиб, фаноликка эришиш ҳақида. Ундаги умумий фикрнинг шарҳини бошқа ғазалда учратамиз:

*Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.
Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,
Жон жонга кирди, жонона бўлдум.*

“Жон жонга кирди, жонона бўлдум”-Машраб дунёқарашининг энг олий ва якуний нуқтаси ана шу. “Жон жонга” қовушгунча бўлган йўл-машаққатли йўл.

¹ Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. “Шарқ”, Тошкент, 2004, 20-21-бетлар.

² Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул-авлиё. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент, 1997, 23-бет.

*Солдим туну кун нафс итим бирла урушни,
Танҳо қиличи бирла уриб ҳай-ҳайлаб ўттум.*

“Нафс ити” бирла бўлган “уруш” да ғолиб келган ошиқ, албатта, хомушлик ва мискинлигини топади. Мискинлик руҳи уйғонмагунча, ҳақ толиби ожизу афкорлигини англай олмайди, гуноҳларидан тавба қилмайди, сир пардасининг очилишини тилаб зору таваллолар этмайди. Машрабнинг ўнлаб ғазалларида “хомуш пичоқини” нафс бўйнига қўйган ошиқ ҳолати ва кечинмалари тасвирланган.

Машраб “толиби дийдор” ликда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Имомиддин Насимий сингари “толиби содиқ” ларга издош ва маслакдош. У Мансур Ҳаллождан кейин машҳур сўфи Иброҳим Адҳам тариқатини ўзи учун ибрат ва намуна сифатида эътироф этади¹.

Иброҳим Адҳам мусофирликда ҳаёт кечириб фаррошлик қилган, мошоқ териб, одамларнинг буғдойини янчиб, боғини қараб ризқ топиб ҳаёт кечирган, халқни фақирона ҳаёт кечиришга ундаган. Фузайл Аёз, Суфён Сурий сингари сўфийлар суҳбатида бўлган. Сўнгра Шомга бориб, Бизонс дарёси учун бўлган жангда ҳалок бўлган. У: «Бир қавмга ҳукмрон бўлгандан кўра бир нафсга ҳоким бўлмоқни афзал» билган. Машраб Иброҳим Адҳам фоний дунёда ҳеч нарса-на тож-тахт, давлат, салтанат, молу-дунёни кўзга илмай фақирона ҳаёт кечирганлигини таъкидлаб ёзади:

*Кофир бўлсанг ишққа бўл, аҳли дунё бўлмагил,
Зоҳид сифат дунё деб ҳаргиз мурдор ўлмагил,
Адҳам сифат дунёни ҳеч кўзунга илмагил,
Мажнун сифат беҳуш бўл, ҳеч ўзингга келмагил,
Ўттим мақом ҳайратдин, манда ҳайрат қолмади².*

Яна бир шеърда у:

Талабда мисли Адҳамдек жаҳонни барҳам урган кўп,-
деб ўзини Иброҳим Адҳамдек бўлишини орзу этган.
“Нафоҳот ул-унс” тазкирасида айтилишича, бир куни Шақиқ

¹ Иброҳим Ҳаққул. Машраб нафаси. Олими нуктадон ўзум. 35-36-бетлар.

² Машраб Девон. 2006, 391-бет.

Балхий Иброҳим Адҳам билан учрашиб қолиб ундан: “Тирикчилик қандай ўтяпти?”-деб сўрабди. Иброҳим Адҳам: «Тирикчилик ўтишига етарли ризқ топсак-шукр қиламиз, топмасак сабр», -деб жавоб берибди. Шунда Шақиқ Балхий: «Хуросон итлари ҳам шу сингари яшайдилар», -дебди. Иброҳим Адҳам ундан: “Сизнинг тирикчилигингиз қандай ўтмоқда?”-деб сўраганида Шақиқ Балхий: “Биз топсак-эсор қиламиз (мухтожларга тарқатамиз), топмасак шукр”, -дея жавоб берган экан. Ушбу суҳбат сўнгида Иброҳим Адҳам Шақиқ Балхийга қараб: “Устоз сен экансан (яъни сенинг мақоминг меникидан юқори экан)”, -деганки, бунда шукр юксак маънавий мақом мазмунини ифода этган. Ана шу мақомга эришгач, фақирда қаноат ҳоли юз кўрсата бошлайди¹.

Машраб Иброҳим Адҳамнинг тасаввуфдаги мақоми, мартабаси ҳақида фикр юритиб, у дунёни ўйлашга, инсонийлик осон эмаслигини, у Аллоҳни ўйлашлигини, Унинг нури жамоли иштиёқида яшашни, Мажнун Лайлидан фонийликда кечгани каби одам ҳам ўткинчи дунёда шайтонга эрк бермай Аллоҳга яқинлашишини, Адҳамдек мард ва адолатли инсон бўлишликка чақиради:

*Бандалик осон эмасдур Ҳақ таоло йўлида,
Йўлга кирган бандалар имрузу фардодин кечар.*

*Ким қаландарликни қилса ушбу йўлда ихтиёр,
Мисли Адҳамдек бўлибон мустаманд жондин кечар.*

*Оли ҳиммат олдида чун икки олам бир нафас,
Ҳар киши Мажнунки бўлди, қайда Лайлодин, кечар.*

*Маънидон бўл аввали охирки, Машраб, гам ема,
Кимки шайтонга яқиндур лутфи Мавлодин кечар².*

¹ Нодир Рамозонов. Фақир образи ва унинг руҳий олами. Ўзбек тили ва адабиёти. «Фан», Тошкент, 2000, 5-сон, 37-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 259-бет.

Улуғ мутасаввиф Мансур Ҳаллож ҳақида тасаввуф олимлари Нажмиддин Комилов, Ҳамиджон Ҳомидий, Нусратилло Жумахўжа, Абдуқодир Зоҳидий, айниқса Иброҳим Ҳаққул жуда кўп тадқиқотлар олиб боришган, илмий мақолалар эълон қилишган.

Алишер Навоий “Насойимул-муҳаббат” асарида Мансур Ҳалложга алоҳида тўхталган. Жаҳон маданияти тарихида улуғ кишилар бошидан ўтган фожиалар жуда кўп эди. Халилнинг ўтга ташлаб, Зикриёнинг арралаб ўлдирилиши, Насимийнинг териси шилиб олиниши, Мансур Ҳаллож ва Бобораҳим Машрабнинг дорга осилиши шулар жумласидандир. Бундай даҳшатли фожиалар маърифатпарвар кишиларнинг ўзлари яшаб турган жамият ва ижтимоий тузумга бўлган мурасасизликларининг натижаси эди¹.

Навоийдек буюк мутафаккирга ўз даврида шуҳрат топган, «Мағрибдан Машрикгача онингдек йўқ эрди» бўлган Мансур Ҳаллождек буюк билимдон, инсон тақдирида юз берган фожиалар албатта ўз таъсирини кўрсатмай қолмас эди. Шунинг учун Ҳаллож қатлига оид асосий фактларни “Насойимул-муҳаббат”да учратамиз. Ушбу қатл сабабини ўз даврининг ихтилофларидан бошлайди: “... Машойих анинг ишида мухталифдурлар кўпрағи ани рад қилибдурлар, неча тандин бошқа. Шайх Абу Али Аббос Ато ва Шайх Шибли ва Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф ва Шайх Абдул Қосим Насир Ободий ва Шайх Абул Аббос Шурайиким анинг қатлига ризо бермадилар ва фатво битмадилар ва дедиларким, биз билмас бизким, ул не дейдурур ва «кашфул мажҳуб» китоби борча мутааххир машойихи ани қабул қилибдурлар”². Бу фактлардан Мансур Ҳаллож замондошларидан бўлган кўп сондаги машҳур билимдон кишиларнинг Ҳалложни қатл этишга рози бўлмагани кўрсатилган. Айниқса, Али бин Усмон ал-Ғазнавийнинг “Кашфул-мажҳуб” асарида Ҳаллож таълимотига боғлиқ масалаларнинг ўз замонида халқ орасида

¹ Ҳамиджон Исломов. Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида Мансур Ҳаллож. Адабий мерос. 1988, № 4, 19-20-бетлар.

² Алишер Навоий, Насойимул-муҳаббат, 24-бет.

катта шуҳрат қозонганлиги кўрсатилган. Ҳамда бу асарни Шарқда фан сифтида қабул қилганини Навоий қайд этиб ўтади¹.

Иброҳим Ҳаққул “Асрори Ҳаллож” илмий мақоласи аввалида Насимийнинг:

*Эй кўнгул, Мансур «Анал-Ҳақ» сўзлади,
Ҳақ эди, Ҳақни деди, Ҳақ сўзлади,-*

мисраларини келтириб уни ҳижрий 224, мелодий 857 йилда Эроннинг Байзо ўлкасида туғилганлигини, Ҳаллож таваллуд топган жой гоҳ Нишопур, гоҳ Марв ёки Рай деб қайд этилса-да, уни она диёри Байзо эканини эътироф этган олимларнинг сони кўпчиликни ташкил қилганлигини қайд этган:

Абдулқодир Гилоний ҳазратлари «Агар мен Мансур Ҳалложнинг замонида яшаганда эдим, уни қўлидан тутиб омон сақлаган бўлурдим», деган экан. Хожа Али Рометаний эса, “Агар ер юзида Хожа Абдулҳолиқ фарзандларидин бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди”, демишлар. Эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо масалага кенгроқ назар ташланса, Мансур Ҳаллож таҳсил олган ва суҳбатдош бўлган шайхлар ҳам чин ориф ва валийлар эканини эътироф этиш керак бўлади. Булар: Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Амр ибн Усмон Маккий, Абу Ёқуб Акто, Жунайд Бағдодий..².

Тарихдан маълумки, Мансур Ҳалложнинг ҳаёти ва ирфоний фаолияти зулм, жаҳолат, фикрий зўравонлик хуруж айлаган бир даврга тўғри келган. Халифага уюштирилган суиқасддан кейин улкан миқёсли шубҳа ва таъқиб муҳити яратилдики, номи “қора рўйхат” га тушган тариқат арбобларидан бири Мансур Ҳаллож эди. Унинг номи ушбу рўйхатдан четда қолиши асло мумкин эмасди. Зеро, Атоулло Таддин қайд қилганидидек, “Ҳаллож Аббосий халифалиги даврини жабр ва зулмкорлик, ахлоқий-маънавий емирилиш даври деб биларди”. Халифа вазирлари орасида айниқса, Ибн Фрот Ҳалложнинг ашаддий душмани ҳисобланарди. У Ҳалложнинг номини эшитишга ҳам тоқат

¹ Ҳамиджон Исломов. Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асарида Мансур Ҳаллож. Адабий мерос. 1988, 4-сон, 19-20-бетлар.

² Иброҳим Ҳаққул. Асрори Ҳаллож. Тафаккур. 2005, 1-сон, 97-бет.

қилолмасди. Асосий мақсади эса қандоқ қилиб бўлмасин тезроқ унинг пайини қирқиш ва овозини бутунлай ўчириш эди. Молдавлат тўплаш ҳирсига мағлуб бу фосиқу золимнинг энг севимли машғулоти пора олиш, халқни талаш эди. Шунинг учун Ҳалложга қўйиладиган айблар ҳам жуда жиддий ва ваҳимали бўлиши лозим эди. Зеро, халқни аёвсиз талаган ва эзган Аббосий халифаси амалдорларининг қилмишларини жасорат ила фош айлаган буюк бир ориф ва ҳақ йўлчисининг ўлими шариат вакиллари учун эмас, балки сиёсат пешволари учун зарур эди. Ҳалложшунос олим Ўзтуркнинг сўзлари билан айтганда, “Ҳалложнинг қотили шариат эмас, сиёсатдир. Шариатни тамсил этганлар эса ушбу жинойтга шунчаки восита қилинган”¹.

Ҳаллож ҳаёт чоғларида юзага чиққан мунозара-тортишувлар унинг вафотидан сўнг ҳам қизгин давом этган. Айниқса, тасаввуфга, аҳли тариқатга ёмон назарда қаровчилар Ҳалложнинг ҳол ва ҳақиқатларини таҳқирлаш билан чегараланмасдан унинг асарларини ҳам йўққа чиқаришга уринганлар. Шулардан бири Ибн Таймийя бўлиб, у «Мен Ҳалложга нисбат берилган бир қанча асарлар, рисоалар ва парчаларни кўрдим, ҳеч шубҳасизки, уларнинг барчаси Ҳаллож учун атай тўқилган нарсалардир», дейди. Ҳолбуки, Мансур Ҳаллож назмда ҳам, насрда ҳам эътиборга молик асарларни мерос қолдирган².

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзади: “Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларида маъқулдирки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳиға тажалли қилди ва анинг мураббийси бўлибдур”.

Мансур Ҳалложнинг кўнглида порлаган ишқ ва маърифат нури мавлоно Румийни ҳам ўзига жалб айлаган эди. “Девони кабир” да ҳам, “Маснавий” да ҳам мавлоно ўнлаб мисраларда ул зотнинг камолини мадҳ этади. Насимий ҳам Ҳалложнинг муҳиби ва мафтунни эди. Ҳаллож ҳақиқий ишқ ва ошиқлик рамзи, унинг ҳоли “дор севгиси” ни тамсил этарди. Унинг ижоди Шарқнинг кўп илғор шоир ва адиблари учун илҳом, таъсир манбаи ҳисобланади.

¹ Ўша манба, 99-бет

² Ўша манба, ўша жой.

Олмониялик таниқли шарқшунос ва тасаввуфшунос олима А. Шиммел ёзади: «Ҳалложнинг шеъри тасаввуфий кечинмаларнинг ниҳоятда нозик ва жонли бир ифодасидир. Уларнинг тили жуда нафис. Ҳаллож шеърларида энг кўп қўллаган тимсоллар-қадах ва шароб, ҳилол, маст этувчи тасаввуфий шодлик косаси, маъшуқа, жон қуши кабилардир. Унинг деярли барча шеърлари теран диний ва тасаввуфий маъно ҳамда сирларга тўлиқдир». Санойи, Яссавий, Аттор, Румий, Насимий, Машраб каби ижодкорларнинг асарларини ана шу тимсол, маъно ва сирли ҳиссиётлардан ажратиб тасаввур этишнинг асло имкони йўқ¹.

Бир вақтлар муридларидан бири Ҳаллождан “Ориф кимдур?” деб сўраганида у бундай жавоб берган экан: «Ориф улдирки, уч юз тўққизда Зулқаъда ойининг йигирма тўртида сешанба куни они Бағдоддаги Бобу тоғига элтайлар ва оёқ-илик кесгайлар, кўзин ўйгайлар, дорга осгайлар, танин куйдириб, кулин кўкка совургайлар”.

Ажабки, ана шу кун етиб келади ва ўша ориф Мансур Ҳалложнинг ўзи бўлиб чиқади².

*Кўнгул дардини бир кўнгли бузулган ёрдин сўргил,
Бу ишқ ўтига куйганни дили афгордин сўргил.*

*Сани ҳажрингни, эй жонон, не тил бирлан баён айлай,
Ки, ҳар шаб дийдадин хуноба тўк, бедордин сўргил.*

*Баногоҳ меҳрибонидин жудо бўлган киши ҳолин,
Саҳар оҳу фигон айлаб манингдек зордин сўргил.*

*Шаҳиди ишқ бўлган ошиқи бечора аҳволин,
Ўшал дам Мансури мастон осилган дордин сўргил.*

*Бу Машраб қон ютуб ҳар дам тўкар хунобайи ҳасрат,
Ки хўблар ажрини Маҳшар куни Саттордин сўргил³.*

¹ Ўша манба, 101-бет.

² Ўша манба, 102-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 121-бет.

Машҳур мутасаввиф ва ижодкор Абул Муғис Ҳусайн бин Мансур Ҳалложнинг қисмати инсоният тарихидаги энг қайғули қисматлардан. Айрим сўфийларни ҳисобга олмаганда, ўз замонасида уни дин ва шариатга мансуб деярли ҳеч бир тоифа хуш кўрмаган, қўллаб-қувватламаган. Чунки Мансурга яқинлик, унинг фикр-қарашларига хайрихоҳлик ўзини-ўзи бало ва кулфатларга гирифтор қилиш билан тепа-тенг бўлган. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, Диноварда Ҳалложнинг бир мактуби ҳукумат одамларининг қўлига тушади. Хатнинг бошланишиёқ, ўқиганларни дарғазаб қилади. Муаллиф ҳақида қатъий қарорга келиш учун Бағдодга элтиб, Ҳалложга кўрсатадилар. “Ҳа, бу менинг хатим”,-дейди у. Сўнг ундан: “Сен билан фикрдош бошқа кишилар ҳам борми?”-дея сўрашганда у: “Албатта, бор. Ибни Ато, Абу Муҳаммад ал-Журайрий, Абубакр Шиблий”,-деб бир неча кишиларнинг номини тилга олади. Маъмурлар бу зотлар билан бориб суҳбатлашишганда, Журайрий мактубдаги сўзларни ўқиркан: “Бунини айтганга қарши туриш зарурдир”,-дея ўзини четга тортади. Ибн Ато Ҳалложга маслакдошлигини яширмасдан гапирганлиги боис вазир Ҳомид ибн ал-Аббоснинг қаҳрига учраб, қатл этилади¹.

Ҳалложнинг ҳаёт чоғларида юзага чиққан мунозара ва тортишувлар унинг вафотидан сўнг ҳам қизгин давом этган. Айниқса, тасаввуфга ва аҳли тариқатга ёмон нигоҳда қаровчилар Ҳалложнинг ҳол ва ҳақиқатларини таҳқирлаш билан чегараланмасдан, унинг асарларини ҳам тамоман йўққа чиқаришга уринганлар. Шулардан бири Ибн Таймийя бўлиб, у: “Мен Ҳалложга нисбат берилган бир қанча асарлар, рисолалар ва парчаларни кўрдим, ҳеч шубҳасиз, уларнинг барчаси Ҳаллож учун тўқилган нарсалардир”,-дейди (Маҳмуд Саъд Табловий. Ибн Таймийяда тасаввуф. 107-бет). Ҳолбуки, Мансур Ҳаллож назмда ҳам, насрда ҳам эътиборга молик асарларни мерос қолдира олгандир.

Шарқнинг кўп мутафаккир санъаткорларида, жумладан, Алишер Навоийда ҳам инсон қалби ва кўнглини ҳатто Каъбадан-

¹ Иброҳим Ҳаққул. Мансур Ҳаллож ва Алишер Навоий. Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 1-сон, 3-бет.

да улуғ ва муқаддас билишга чорловчи фикрлар бор. Навоий “Ҳайрат ул-аброр” да:

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки, кўнгул каъбаси,-*

дейди. Бироқ бундай фикрни биринчилардан бўлиб айтиш ва теранликдан кўра саёзликни хуш кўрувчи кимсалар онгига сингдириш биз ўйлаганчалик осон кечмаган. Ҳаллож: “Ба жойи адои ҳаж, назари зиёрати Каъбаи дил кофи аст”- “Ҳаж зиёрати ўрнида дил Каъбасини зиёрат қилиш кифоя”,-дегани учун Бағдодда ғавғо кўзғалган. Уни қарматийларга издошлик қилиб, Каъбани вайрон этишга ундаётир, деб айблашган. Салтанат вазирларидан бири шу гапи учун Ҳалложни бемалол қатл айлашга кўрсатма берган.

Ҳалложнинг адабий мероси, албатта, пароканда ҳолда қолиб кетган. Анча муддатларгача уларни эркин ўқиш ва тарғиб қилиш имкониятлари ҳам чекланган. Лекин унинг шогирдлари, мухлис ва тарафдорлари уларнинг тақдирига бефарқ қарашмаган. Асрлардан асрларга олиб ўтишга эришишган¹.

Айнан ҳува-ҳува (“У-бу у”) формуласи бу концепцияни мухтасар тарзда ифодалайди: Ҳаллож ўзининг шеърларида бу фикрларни ифодалаган. Ҳалложнинг бизгача етиб келган 150 мисрадан иборат шеърлари ўз руҳининг илоҳий руҳ-руҳ нотика билан кечган суҳбатининг гўзал шаклдаги баёнидир. Бироқ, таъкидлаш керакки, Робиадан фарқли ўлароқ, Ҳаллож поэзиясида ҳирсий муҳаббат образи йўқ. Бу жўшқин шеърлар эхтиросли баён қилинганига қарамай, моддийлик аломатидан тамомила маҳрумдир.

Ҳаллож ирода эркинлиги ҳақидаги масалани ҳам кўтариб чиқиши керак эди. Чунки, юқорида кўрганимиздек, IX аср давомида бу масала беҳад катта рол ўйнаган. У мазкур масалани шундай ҳал қилади: худо ёмонлик қилишимизни олдиндан билган ҳолда, бизни яхши амалларни бажаришга амр қилади. Амр яратилмаган, абадий. Ирода эса яратилган, ўткинчи. Худо

¹ Ўша манба, 4-5-бетлар.

Иблисга, Одамга сажда қилишни буюрганда амр қилмаган эди. Акс ҳолда унинг сажда қилмасликка ҳеч қандай иложи қолмаган бўларди. Хуллас, худо гуноҳни инсонлар содир қилишини, бунинг улардан чиқмаслигини истайди¹.

Ҳалложнинг адабий фаолияти жуда кенг миқёсли бўлган, чунки унинг фожеавий ўлими ва меросининг йўқ қилиб ташланганлигига қарамай, унинг сўфизмга доир тажрибаларини, 27 ривоят ва тўрт юзта насрий парчани ўзида акс эттирган бутун бошли “Кито бат-тавосин” асари етиб келган².

Машраб мансур Ҳаллож мақомини, унинг мартабасини тасаввуфдаги мавқеини жуда юқори қўйган. Неча ишқ йўлидаги мажнунларга сабоқ берувчи унинг шеърияти қахрамонлари Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳаллож-сифатлигини у томонидан яратилган мисраларда зухур этган.

*Етти дарёга қўшулди оби чаими ҳимматим,
Неча Мажнунга сабоқ берди дилимда ҳайратим.*

*Доманимдан тортти, дунёни кўринг дуни дағал,
Варна аришинг устида эрди камоли миннатим.*

*Хуни гарқ бирлан адо, қилдим, басе Мансурман,
Оҳи сардим бўлди савмим, ҳам физоним-тоатим.*

*Гарчи зоҳир хушк хоку бебизоатман букун,
Мусову Исони давронига бордур нисбатим.*

*Эй, сафобахш, нафси фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсин манинг бул хислатим.*

*Умр азал дорул бақо, дайри фанога турғали,
Лоладек бир соати йўқдир манинг ҳеч фурсатим.*

*Покбозам, хорижи дунёйи уқбодин жудо,
Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.*

¹ Е. Э. Бертельс. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. Тошкент, 2005, 58-59-бетлар.

² Ўша манба, 60-бет.

*Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Манга ҳам дори қурулгонда етар бу қисматим.*

*Ҳеч билолмайман ўзимни қайси қавмийман букун,
Лекин Арш устида Жибрилдур манинг ҳамсуҳбатим.*

*Машрабо, охир санга юз минг биёбон тай уруб,
Бўлмади бир паишайи лозарча акнун хизматим¹.*

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асарида шундай нақл келтирадики: “Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ фарзандларидин бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дор остига бормағай эрди”. Бу нақлда қандай ҳикмат бор? Ғиждувоний таълимотида машҳур Мансур Ҳалложнинг ўлимдан сақлаб қолиши, тасаввуф дунёқараши билан мутаассиб ақидапарастликни муроасага келтириши мумкин бўлган қандай ҳурфикр ва ҳаётбахш ғоялар бор эди?

“Қиссаи Машраб”да шундай маълумот бор. “Маънийи Офоқ улдурки «Қутбул олам» деган бўлур. Дунёда икки Офоқ ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, яна бирлари ҳазрати Офоқхожамдирлар”. Бу нақлда қандай сир бор? Хожайи жаҳон қандай умумбашарий ғоялар билан “Офоқ”, яъни “Қутб ул-Олам” унвонига сазовор бўлганлар? Бундан ташқари, мазкур нақлнинг қаландарийликка оид манбада келиши ҳам қизиқ. Демак, Ғиждувоний ғоялари фақат хос тариқат аъзоларигагина эмас, балки қаландарлик сулуки талабларига ҳам мос келаркан-да.

Тафаккур дунёсида “ҳужжатул-ислом” деган унвон ҳам борки, у жаҳонда атиги икки мутафаккирга нисбатангина қўлланилган. Бири-Имом Ғаззолий, иккинчиси-Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асарида Ғиждувонийга нисбатан “аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур” дейди².

¹ Машраб. Девон. 2006. 161-бет.

² Нусратилло Жумахўжа. Тариқатнинг жаҳоншумул моҳияти. “Ўз. адаб. ва сан.”, 2003, 28 ноябрь.

Яссавий Ҳаллож мафкурасидан хато ахтармайди, заррача бўлсин, унга иштибоҳ билан ҳам қарамайди. Балки тўла-тўқис уни қувватлайди. Унингча, Ҳалложнинг “Анал-Ҳақ”-“Мен Худоман” дейиши, моҳият эътибори ила теран асосга эга. Зеро, у ошиқлик ва орифликда ўз йўлини топган ва гумроҳлик ҳамда гумроҳларни ортда қолдириб, фанофиллоҳ сиррини кашф эта олган:

*Шоҳ Мансурни “Анал-Ҳақ”и бажо эмас,
Йўлни топқон, бизга ўхшаиш гумроҳ эмас,
Ҳар ножинслар бу сўзлардан огоҳ эмас,
Огоҳ бўлиб, бўйи Худо олдим мано.*

Аҳмад Яссавийнинг яна бир қанча ҳикматларида Мансурнинг дорга осилиши, “Муни кўриб халқи олам ибрат” олиши, унинг жасади куйдирилиб, кули кўкка соврилиши, шу кулдан дарё ичра ташланганида, “зимистонда дарё тошиб наъра” тортганлиги каби ҳодиса ва ҳолатлар талқин қилинган.

*Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин,
Ҳар замон лаббайка деб қилгай нидо Жаббордин.*

*Олими гуфтор бўлма, фозили кирдор бўл,
Бандаларни Ҳақ сўрар Маҳшар куни кирдордин.*

*Барча халқ савдосини қилдики, сан қолдинг бу дам,
Кимки камхаржи эрур хушк қайтар ул бозордин.*

*Мори зоҳир саҳл эрур нафс аждаҳоси олдида,
Машрабо, қўрқмасмусан, кўнглунда нафси мордин¹.*

Шу маънода Жалолиддин Румийнинг мана бу сўзлари алоҳида эътиборга лойиқ: “Анал-Ҳақ”- “Мен Ҳақман” дейишни одамлар буюкликни даъво қилиш ҳисоблайдилар. “Мен Ҳақман”

¹ Машраб. Девон. 2006, 211-бет.

дейишлик улуғ бир камтарликдир. Бунинг ўрнига “Мен Ҳақнинг қулиман”, деган киши икки борлиқни исботлаган бўлади. Ҳолбуки, “Мен Ҳақман” деган ўз борлигини йўқ қилгани учун “Анал-Ҳақ” демоқда, яъни мен йўқман, барчаси Удир. Бу сўзда камтарлик кўпроқ эмасми?

Ҳар қандай маслак ёки тушунча инсон моҳиятида илдиз ёйиб, Ўзликни ифодалагандагина куч-қудрат касб этади. Ҳалложнинг “Анал-Ҳақ”ида хурлик, руҳий шижоат ва инсоннинг мислсиз улуғлигига ишончдан ташқари, Эрих Фром айтганидек, «инсон Худога муҳтож бўлгани каби, Худо ҳам инсонга муҳтож деган ғояга” чуқур илҳомланиш ҳам ифодасини топган. Чунки сўфийлар, жумладан, Мансур Ҳаллож ҳам, Ҳақнинг зоҳири-халқ, халқнинг ботини-Ҳақ, деган машҳур тушунча доирасидан четга чиқишмаган.

Тасаввуф тадқиқотчиларининг эътироф қилишларича, Мансур Ҳаллож ва Боязид Бистомийда ҳам ваҳдатул вужудга яқин фикр-қарашлар бўлган. Аммо улар ваҳдати вужудга қараганда, ваҳдати шуҳудга яқиндирлар. Бу сўфийларнинг ҳар иккаласи ҳам нафсни тўла енгиб, Оллоҳдан бошқа ҳеч нимага майл кўрсатмаганлар. Ва гоҳо шу даражада илгарилаб кетганларки, уларнинг кўзига Оллоҳдан бўлак ҳеч нарса кўринмаган. Лекин уларнинг тажрибалари замирида, инсоннинг эрк ва истиқболи инсоннинг ўзлигида, унинг ўзида самовий истак ва ирфоний эҳтиёж уйғонмагунча, у ҳеч қачон илоҳийлашмайди, деган буюк бир маъно яширингандир¹.

Озарбайжон халқининг содиқ фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Саид Имомиддин Насимий ҳарбий режалар билан жаҳонни титратган фотиҳ Темур даврида яшади. Эркинлик ва муҳаббатни куйлаган шоир дўстлик, оодлик, садоқат тимсоли, башарият ифтихори бўлиб қолди. Чунки унинг муқаддас шеърятини ўқиганимизда инсонни, муҳаббатни, адолатни, номус ва орни улуғлаган, қилични, уруш, қирғинларни нафратлаган Навоий, Ҳофиз, Лутфий, Бальзак, Пушкин, Толстой, Горькийлар кўз олдимишга келадилар. Юрагини қуёш қилиб кўтарган Данко Прометейга таҳсин айтади, унинг юксак иродаси

¹ Иброҳим Ҳаққул. “Анал-Ҳақ недур?”

ҳақида кўшиқ куйлайди, башариятни ёрқин келажак учун курашга, босқинчиликни эмас, қуёшли истиқболни қутлашга чақиради.

Озарбайжон олимлари Саид Имомиддин Насимийни Италиянинг қора гуруҳлар томонидан тириклай ёндирилган улуғ фарзанди Жордано Бруно билан қиёс қиладилар. Улар жуда ҳақли равишда қаҳрамон Брунони Насимий тимсолида, Насимийни эса, Бруно қиёфасида ифтихор этадилар. Чунки Насимий Жордано Брунодан икки аср муқаддам башариятни улуғ муҳаббат билан севди ва ўз ғояларини тарғиб қилишда ўлимга тик қаради: тириклай териси шилинди, аммо қотиллар олдида тиз чўкмади. Насимийнинг жуда фожиали, лекин қаҳрамонларча ўлими тазкираларда шундай ёзилади¹.

Ўтмиш ўзбек адабиёти тараққиётида шуҳрат таратган жасоратли озарбайжон шоирларидан бири Саид Имомиддин Насимийдир. Насимий ижодини тадқиқ этган усмонли турк профессори Ф. Купрулизода шоир ҳақида шундай деган эди: «Озарий адабиётининг энг буюк шахсияти, таъсиротининг сурат ва давоми эътибори ила бутун турк адабиётининг энг юксак мумассилларидан». Бинобарин, Насимий ҳаёти ва ижоди бир қатор туркий халқлар адабиётига бевосита таъсир этиб, унинг айрим вакиллари ижодий такомилида шубҳасиз катта ўрин тутган. Шу маънода ўзбек адабиёти тараққиётини, жумладан улуғ Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби бир қатор шоирлар камолотини Насимий таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас².

Алишер Навоий ўз асарларида бошқа озарбайжон шоирлари қаторида Насимий номини ҳам зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб ўтади. Хусусан, “Насойимул муҳаббат” асарида қуйидагиларни ўқиймиз:

“Сайид Насимий-Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркондур. Румий ва туркманий тил била назм айтибдур ва назмда ҳақойиқ ва маорий бағоят кўп мундариждир. Мазкур бўлғон мулк аҳлига анинг шеъри муқобаласида ҳамонаки шеър йўқдир. Ҳамона тақлид аҳли ани мазҳабида хусур тухматиға муттаҳам

¹ Эргаш Рустамов. Саид Имомиддин Насимий. Шарқ юлдузи. 1974, 4-сон, 224-бет.

² Ҳасанхўжа муҳаммадхўжаев. Ҳақиқат тариқин адо этган. Шарқ юлдузи. 1990, 3-сон, 159-бет.

қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдурки, терисин суяр ҳукм бўлубдур. Ул ҳолатда бул шеърни дебтурки, назм:

*Қибладур юзинг, нигоро, қошларинг меҳроблар,
Сурагинг мусҳаф вале ҳолу хатинг эроблар.*

Ва бу шеърнинг таҳаллуси ушбу муддаога долдурким:

*Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,
Кўй, терингни сўйса, сўйсун палид қассоблар.”*

Насимий ижоди фақат Навоийгагина эмас, балки Навоий ва Машраб яшаган давр адабиётига ҳам кучли таъсир этган¹.

Ҳалаб шаҳрида Насимий шогирдларидан бири шоирнинг бир ғазалини хуш овоз билан ўқий бошлайди. Ғазални эшитган расмий дин арбоблари: “Ғазал кимники?”-деб шогирддан сўрайдилар. Лекин шогирд ғазал муаллифини сира айтмайди. Уни кофирликда айблаб, ўлимга ҳукм этадилар ва дорга осмоқчи бўладилар. Лекин шунда ҳам у муаллиф номини айтмайди. Воқеадан хабардор бўлган Насимий дарҳол дор остига етиб келади, қотилларга қараб: “Ғазал меники, бу йигитни озод қилинг, менга жазо беринг”-дейди. Йигитни озод қиладилар. Насимийни эса, тириклай терисини шилишга ҳукм чақирадилар. Териси шилинаркан, жуда кўп қон йўқотган шоирнинг юзи сарғая бошлайди. Муллалар унга: “Не учун мунчалик сарғайиб кетдинг?”-деб истехзо қиладилар. У эса “Мен ошиқлик осмонининг ишқ матлаида тулуъ этган қуёшман, қуёш ботаётганда сарғаяди”-деб қаҳрамонона жавоб беради².

Тазкираларда қайд қилинишича, ҳукм чиқарган қози халққа қараб: “Гуноҳкор шундай кофирки, унинг бир қатра ҳаром қони теккан ерни дарров кесиб ташлаш керак”-дейди. Иттифоқо шоирнинг бир томчи қони қози бармоғига сачрайди. Халойиқ қози бармоғини кесиб ташлашини талаб қилади. Қўрқиб кетган руҳоний ўз сўзидан қайтади. Шу замон қонга беланиб ётган шоир фақат битта бармоғининг кесилишидан қўрқиб, сўзидан қайтган

¹ Ўша манба. 160-бет.

² Эргаш Рустамов. Саид Имомиддин Насимий. 225-бет.

ёлгон илохий ишқ, садоқат даъвогари-риёкор қозини қаттиқ ҳажв қилади:

*Зоҳидинг бир бармогин кассанг, дўниб Ҳақдан қочар,
Гўр бу мискин ошиқи, сарпо сўёрлар огломоз.*

Насимий бу байтда “Ҳақдан қочар” иборасини ишлатаркан, халойиқ олдида сўзидан қайтган қозини худодан юз ўгирган ёлгон ошиқ-гуноҳкор сифатида нафратлайди.

Насимий Ҳалаб шаҳрида 1417 йилда шундай ваҳшийларча қатл этилди.

Озарбайжон ва бошқа туркий халқлар адабиётида Насимий қиёфаси мардлик, жасорат, қаҳрамонлик тимсоли сифатида ёд этилади¹.

«Аналҳақ!» яъни, “мен-худоман!” деб чиққани учун руҳонийлар фатвоси билан X асрда Бағдодда дорга осилган Мансур Ҳаллож ҳамда XIV асрда Ҳалабда тириклайин териси шилинган исёнкор шоир Имомиддин Насимий тариқатини Машраб маъқуллаган. Дарҳақиқат, Машраб ижодида Насимий фалсафаси таъсирида ёзилган асарлар салмоқли ўрин тутди. Бири Озарбайжондан, бири туркистонлик бўлган бу икки жаҳонгашта мутафаккирни асрлар бир-биридан ажратиб турса-да, уларнинг ижодида, хатто фожеали тақдирларида ҳам бир-бирларига ўхшашликни кўриш мумкин. Ўз даврида бу иккала буюк сиймо халқ норозилигининг тимсоли сифатида мавжуд тузумга, диний ақидаларга нисбатан туён кўтардилар².

Мансур Ҳаллождек у ҳам “мен-Ҳақман”, дейди. Худони ўз “мен”и орқали кўрсатади. Насимий ва Машраб ижодидан анча кенг ўрин эгаллаган тасаввуфий характердаги ғазаллар таҳлил қилинганда, уларнинг фалсафий қарашларда умумийлик, бир-бирига яқинлик борлиги аниқланди. Бу ўринда Бобораҳим машраб: “Мен қатраю сен дарё, отингда фано бўлсам”, деб худо номи билан ўлишни орзу қилади. Ўзини қатра томчига яратувчи кучни эса ҳамиша ҳаракатда бўлган, тўхтовсиз оқиб турувчи ҳаётбахш улкан дарёга ўхшатади. “Бундай оқимга мансуб бўлган

¹ Ўша манба, ўша бет.

² Ж. Юсупов. «...Замонга сиғмадим». Гулистон. 1978, 6-сон, 22-бет.

сўфийларнинг баъзилари,-дейди В. Зоҳидов,-ўз таълимотлари учун ислом руҳонийлари томонидан қатл этилган эдилар, бошқалари эса қувғинда, таҳдид остида бўлган эдилар”¹.

“Девон”ларда Машраб ўз ўлими тафсилотини ифодаловчи ғазал, мустаҳзод, мураббаъ ва мухаммаслар ўқийдики, бу ҳол шоирнинг дафъатан ўлдирилмаганлигини кўрсатади. Чунончи, професор Х. Орасли “Имомиддин Насимий” рисоласида буюк Озарбайжон шоири ҳаётининг сўнгги дамлари ҳақида тўхталиб, унинг ўлими фожеасига алоқадор бир қанча шеърлари борлигини айтади. Китобхон, бу шеърларни кимдир Насимий номидан ёзган бўлиши керак, деб ўйлаши мумкинлиги, аммо терисини шилиш ҳақида фатво берилган Насимийнинг фатво тасдиғи султондан келгунча, Ҳалаб зиндонида сақланганлиги ва бу давр ичида шоир ўз ҳолатини ифодаловчи бир неча шеърлар яратанлиги ҳақида хабар беради.

“Девон”лардаги ривоятлар Машраб томонидан ўз ўлими фожеасига бағишлаб ёзилган ўнлаб шеърларни ҳисобга олганда, у ҳам Насимий сингари маълум муддат зиндонда сақланган. Зеро, “Девон”лардан бирида Машраб ва яна уч қаландарнинг ўлимга ҳукм қилинганлиги, аммо маълум муддат зиндонда сақланиб Машрабнинг дуоси билан қаландарлардан бири банддан озод бўлганлиги ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Машрабнинг бир муддат маҳбусликда сақланганлиги аниқ. Буни, шоирнинг “Танланган асарлар”ига киритилган бир қанча шеърлари, «аллоҳу акбар», деб бошимни кес, жаллодлар, “Маҳкам чу белинг боғла, эй Машраби девона”, “Қонимни тўкар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон” мисралари билан бошланадиган ғазаллари ҳам тасдиқлайди”².

Машраб куфрга берилган, ҳуруфий бўлган деб ваҳшиёна ўлим топган Насимийни ғазалларида тилга олиб, ундан ишқни ўрганганлигини таъкидлайди:

*“Куфр айтди!” деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўштуру пўстин сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ.*

¹ Ўша манба, ўша бет.

² Ўша манба, ўша бет.

Машрабнинг ҳам худди шундай таълимот билан чиқиши, мавжуд тузумга норозилиги қувғинликда дарбадар ҳаёт кечиришига, Насимий сингари унинг ҳам диндорлар фатвоси билан фожеали қатл этилишига сабабчи бўлди. Машраб ижтимоий воқеликка қарши бош кўтариб, динни, у дунёю жаннатни, худонинг лавҳу курсилари, Қуръону каъбани ўз “мен”ига сингдириб юборади:

*...Дўзахам ман, жаннатам ман, лавҳман ҳам курсиям,
Баски Нўҳ қавмига келган жўнгин тўфони манам.*

*Каъбаам ман, нашъаам ман ҳам баче нури имон,
Содиқам ман, ошиқам ман, чаими гирёни манам.*

*Маширабам ман, ҳам калом нур исботимдадур,
Туби кавсарману фирдавси ризвони манам.*

Демак, Машраб фалсафий-сўфиёна қарашларининг шаклланишида Имомиддин Насимий қолдирган адабий мероснинг таъсири катта.

Машраб ўн икки ёшда Мансур руҳини, ўн ёшда Насимийнинг сийрати намоён бўлганлигини, ўн тўртта Аллоҳ қалбига илм бериб, мулло бўлганлигини айтади:

*Ўн икки пардадинким ман у Мансур руҳини кўрдум,
Анал-Ҳақ! Айтаман мирърти Зотуллоҳ бўлиб келдим.*

*Ўн учга етди вақтим холи суратда Насимийман,
Теримни сўйдилар, машгули бул савдо бўлиб келдим.*

*Даме ўн тўртга етганда бўлуб шамшир илан тире,
Худодин илм ўргандим яна мулло бўлуб келдим¹.*

Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” тазкирасида “Ҳазрати шайх Самадоний Боязид Бистомий” ҳақида маълумот

¹ Машраб. Девон. 2006, 149-бет.

бериб, уни ўн саккиз минг оламини барчасини кўрган эр деб атаган:

Ул султон ул-орифин, бурхон ул-муҳаққиқийн, каромат фалакининг бадри тамоми (тўлин ойи)-ҳазрати шайх Боязид Бистомий, қоддасаллоху сиррахул азиз, ҳақойиқ ва дақойиқ асрори бобида беназир эди. Доимо қурбу вуслат мақомида эди. Жунайд Бағдодий унинг ҳақида: “Боязид бизнинг орамизда, фаришталар орасидаги Жаброил кабидир”, дер эди.

Тариқат майдонида (ул) эҳтимолки, тавҳидга югургандир, дедилар. Бу сўзга далил шуки, Боязид: тариқат майдонида уринганлар ҳануз тавҳид тўпини тутиб олмаганлар, деди.

Шайх Абу Саид Абул Хайр айтар: “Ўн саккиз минг оламининг барчасини Боязид кўрди. Ва Боязид каби эр йўқдир”.

Боязиднинг отаси улуғлардан, бобоси кофир эди. Боязиднинг онаси айтадир: “Ҳомиладор пайтимда қачонки бир шубҳали таом есам, Боязид ичимда оёқлари билан тепар эди. То ўша луқмани оғзимдан чиқариб ташламагунимча тепишда давом этар эди..”¹.

Тасаввуф олими Ҳамиджон Ҳомидий Боязид Бистомий ҳаёти, унинг тасаввуфдаги ўрни ҳақида ва мутасаввиф мутафаккирнинг ғоявий таълимоти ҳақида маълумот берган:

Али бин Усмон Жуллобий Ҳужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”, Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ”, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Румийнинг “Маснавий” сидаги бир неча ҳикоятлар Бистомийга бағишланган. Навойининг «Лисон ут-тайр» достонидаги иккита ҳикоятда “товус ул-уламо” деб эътироф этилган худди шу шайхдан баҳс юритилган.

Тасаввуфшуносликда тариқат ва ҳақиқат илми муршиди комилнинг бўстони ва маънавий мулкидир, деган фикр бор. Муршид раҳнамолигида бу бўстонга кирмаган ва ушбу муҳитдан файз топмаган мурид ҳеч вақт мақсадга етолмаган. Охиروқибатда эса шайтон кўлида забун бўлган. Муршид, энг аввало, кўнгил ва руҳ мураббийси. Шунинг учун унга эргашувчи ҳар бир мурид ёки толиб руҳини, кўнглини ўз шайхига таслим айлаши шарт ҳисобланган. Шу боис ҳам Румий ҳикоятида “Хизри замон” Боязидга, Каъбага бормасдан, менинг атрофимдан “етти” марта

¹ Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул Авлиё. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти”, Тошкент, 1997, 31-бет.

айлан, муродинга етарсан, дейди. Шунга яқин фикр Навоий ҳикоятда Боязид тилидан муридга қарата айтилади. Демак, иккала ҳикоятда ҳам Ҳақ ва Ҳақиқатга эришишда муршиднинг ўрни ва хизматларини бошқа ҳеч нарса билан тенглаштириб ёки алмаштириб бўлмаслиги ўзининг бадий талқинини топган¹.

Машраб тасаввуфда Боязид Бистомий эришган жамики исломий мартаба ва даражаларга етган ва қутбул ақтов-авлиёлар улуғи мақомига етишган мутасаввиф эди:

*Мақоми рази ўн бирда боқиб ул Жаъфари Содиқ,
Мақоми Боязидга орифи биллоҳ бўлиб келдим².*

Машраб-Боязид тасаввуфида Илоҳий май Аллоҳ билан учрашиш-ваҳдат ташкил этиш шарофатини авлиёи Ҳақда кўриб, уни шундай тавсиф этади:

*Ошиқ бўлдим юзингга, кўрмай ўлсам нетарман?
Боязиддек ўзумни кунда юз минг сотарман,
Мункар, Накир кирганда лаҳад ичра ётарман.
Ҳар не қилсанг, эй зоҳид, жоми майдин тотарман,
Барбод бердим май учун, қўлда тоқат қолмади³.*

Дунё эпик шеърятининг гултожларидан бири “Маснавий маънавий” мингдан зиёд ибратомуз ҳикоятлар мажмуаси бўлиб, 25 минг байтдан иборат. Унинг муаллифи буюк мутафаккир, файласуф шоир Жалолиддин Румий ёки Мавлавий Румийдир. Бўлажак санъаткор Жалолиддин 1207 йили Балхда зиёли оиласида туғилади. Унинг отаси Баҳовиддин Валад сўфизм ва фикҳ донишмандларидан бўлиб, замонасининг энг обрўли алломаси эди.

Жалолиддин Румийдан бизга қадар шеърлар девони “Макотиб”, “Фих мо фих” ҳамда “Маснавий маънавий” китоблари мерос бўлиб қолган. “Фих мо фих” насрий асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва суҳбатлардаги фалсафий

¹ Рашид Жумаев. Анъана ва ўзига хослик. Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 4-сон, 52-53-бетлар.

² Машраб. Девон. 2006, 149-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 391-бет.

нутқларининг мажмуасидир. “Мукотиб” эса муаллифнинг замондошлари ва устозлари билан бўлган турли ёзишмалари-мактубларидан иборат. Ҳар икки китобда ҳам муаллифнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий мушоҳада-лари, сўфиёна қарашлари ўз аксини топган¹.

Нажмиддин Комилов “Ичингдаги ичингдадир” асарига сўз бошисида Румий ҳақида қуйидаги фикрларни берган:

Жалолиддин Румий ёки мавлоно Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди².

Мутафаккир шоир Машраб Мавлавий Румий ҳамма мазҳабларни бирлаштириш, ёлғиз Аллоҳни таниш ҳақидаги фикрларни илгари суриб, инсон қалбини забт этиш, уни ичини тушуниш “Ичингдаги ичингдадир” фалсафасини моҳиятини онгига жойлаган:

*Камолим етти ўн бешга ва руҳи Мавлавийдурман,
Жалолиддин бўлибман, жумладин огоҳ бўлиб келдим.*

*Ўн олти қатла келди барчанинг тожи сари Машраб,
Уруб суратини барҳам, Мажнуни расво бўлуб келдим³.*

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. 133-134-бетлар.

² Нажмиддин Комилов. Тафаккур хазинаси. Румий. Ичингдаги ичингдадир. «Ёзувчи», Тошкент, 1997, 8-бет.

³ Машраб. Девон, 149-бет.

Тасаввуф олими Султонмурод Олим Баҳоуддин Нақшбанд ва Навоий ҳақидаги илмий рисоласида улуғ пир Нақшбанднинг Бухорода туғилиб, тасаввуф илмига қўшган ҳиссаси ва унинг тариқати ҳақида муфассал маълумот бериб қуйидаги фикрларни келтиради: Навоийнинг лирик қаҳрамони: “Ҳадисингнинг саҳиҳ, яъни ишончли эканини билганидан кейин Навоий Маккага бориб юриши шарт эмас, Бухорони маскан тутса ҳам, бўлаверади”, -дея лутф қилади. Шу тариқа Бухоро мусулмон дунёсида бевосита Макка билан чоғиштириладиган муқаддас шаҳарлардан бирига айланган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд туфайли эса Бухоронинг шуҳратига шуҳрат қўшилди¹.

Машраб нақшбандия сулукини қабул қилиб, унга эҳтиромини изҳор этган:

*Заррайи ишиқ Нақшбандга қўшулуб,
Ариши Курси лаҳзада юз чўргулуб².*

Ва яна Машраб:

*Хожа Саййид Мир Кулол эрмиш Баҳоуддинга пир,
Сухбатидин бўлди неча минг соҳиб замир,
Ҳомийи шаҳри Бухоро Хожа Бу Хизри кабир,
Порадўзи ҳазрати Имлову қабри неча Мир,
Барчасин тавоф айлаюб ашқин нисор истар кўнгул³.*

Машраб Ҳасан ва Ҳусайнни шеърларида ихлосу эътиқод билан тилга олиб, уларни қалбан қумсайди, соғиниб, кўзларидан селоб ёш тўкиб, ботинан ахтаради:

*Карбало даштида қолдим, Машрабо, нолон бўлуб,
Заҳрлар ичтим Ҳасандек ҳамдами ҳижрон бўлуб,
Ул Ҳусайндек бул работи кўҳнага меҳмон бўлуб,
Фатҳи нусрат рўзи қилди анта аллом-ул гууб,
Охири топтим, вале вайронда юрдум ахтариб¹.*

¹ Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1996, 202-203-бетлар.

² Машраб. Девон. 2006. 541-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 421-бет.

Муҳаммад (с.а.в.) ва ислом оламининг муқаддас оналари бўлмиш Хадичаи Кубронинг кенжа қизлари Фотимаи Заҳро онамизнинг фарзанду аржумандлари бўлган Ҳасан ва Ҳусайнни «гавҳар эрур» деб атаган шоир, уларни соғиниб мадҳ этади:

*Жуфти покнинг ҳар бири тоҳиру атҳар эрур,
Сан шаҳи ховар, алар гўё маҳи анвар эрур,
Фотиманг дарёйи раҳматдин чиқан гавҳар эрур,
Ҳам Ҳасан бирлан Ҳусайннинг шофейи Маҳшар эрур,
Ким алардин Рўзи Маҳшарда мадор истар кўнгил².*

Қалби пайғамбарлар ҳидоятидан эҳтирос-ла тўлиб кетган Машраб Одами Ҳавводан Ҳасан бирлан Ҳусайнни кўмсаб то ўзигача ўтган азизу авлиёлар руҳини ҳозир бўлишини Яратгандан сўрайди:

*Манга иршод берсанг, Одаму Ҳаввони ҳозир қил,
Ғарибу хастаман, Нуҳи набийуллони ҳозир қил.*

*Кириб Намруд ўтига қилдилар оташни чун гулзор,
Ҳақиқат йўлини топган Халилуллони ҳозир қил.*

*Танини раҳна қилди гарми мотам кайфият ичра,
Мақоми сабрда Айюбдек донони ҳозир қил.*

*Бошига арра келди, зикри Ҳақдин бўлмади гофил,
Худонинг ошиқи ул руҳи Зикриёнинг ҳозир қил.*

*Мудом уммат учун дийда хунолуда эдилар,
Муҳаммад-Аҳмад ул руҳи Ҳабибуллони ҳозир қил.*

*Ҳасан бирлан Ҳусайннинг руҳидин доим мадад излаб,
Муҳаммад кўзининг оқи ўшал Заҳрони ҳозир қил,*

¹ Машраб. Девон. 2006, 379-бет.

² Машраб. Девон. 2006, 423-бет.

*Аларни ҳозир этгил, сўнгра хат бергил бу Машрабга,
Мақоми нурдин эшони аҳлуллони ҳозир қил¹.*

Аллоҳнинг севган кули девона шоир сўфийлик рутбаси билан гадои фақр, қаландар бўлиб Аллоҳнинг ошиғи бўлган бандаларнинг қалбига бир ўт қалаб ўтганлигини, мутасаввиф Офоқхожанинг таълим-тарбиясини олиб, дунёнинг аччиқ майидан, аччиқлигини билиш учун, ундан озгина татиб кўриб, нафсини енгиб, «Танҳо қиличи бирлан уруб, қиймалаб ўттум» дея сўзлайди.

Машраб илоҳий “Ишқу муҳаббат ҳосил” этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган. Қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси бу, ваҳдат майидан қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу ғоя акс этган.

Муафаккир Машраб пир назарига тушиб, сўфийликни қабул этганлигини ва мутасаввиф мақомига эришганлигини, пир унга ваҳдат майи жомини тутқазганлигини, Ишқ (Ҳақ) туфайли маъшук (ошиқлик) даражасига етганлигини, Офоқхожа боис дунё таниб, орифлик йўлини танлаганлигини изҳор этади:

*Туттум пирни этогин охир йўлга бошлади,
Йўлда қолгон гумроҳни Офоқхожам хушлади,*

*Кимки кирди бу йўлга ўзлугуни ташлади,
Ёди била оҳ уруб икки кўзин ёшлади,*

*Тинмай айтай саносин хоби зафлат қолмади,
Ишққа қадам қўймасанг, биллоҳ маъшук топилмас,*

*Мунда расво бўлмасанг, анда роҳат топилмас,
Бағринг кабоб бўлмаса, кўздин ёшинг сочилмас,*

*Йўл устида пул² бўлмай, нафси Шайтон чопилмас,
Пири муғон май берди, дилда журъат қолмади¹.*

¹ Машраб. Девон. 2006, 120-бет.

² Пул (форс)-кўприк.

Машраб тасаввуфнинг энг юксак чўққиси комилликка етишган эди, “Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни кавлама”, дейди у тасаввуф фалсафасига тушуниб етмаган кишиларга.

Қуръондаги алфакру фахри (фақирлик менинг фахримдир) ибораси Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламга нисбатан берилгандир. Шу йўлни танлаган Машраб қаландарлик билан халққа маърифат тарқатди.

Машраб туркий халқларнинг сўфийлик ғояларига содиқ мутафаккирдир. Унинг мушоҳада ва ҳақиқат йўллари, шоир услуби мистик тамойилга яқин. У араб ва форс тасаввуф адабиёти тажрибаларига эга. У Шарқ тасаввуф шеъриятининг ғазалчилигига улкан ҳисса қўшди. Сўфийликнинг қаландарлик тариқати орқали Нақшбанд ва Яссавий таълимотини ривожлантирди. Машраб тасаввуфда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Иброҳим Адҳам, Имомиддин Насимий кабиларга издош ва маслакдошлик йўлини босиб ўтди.

Тасаввуф орифлик, зоҳидлик ва дарвешлик, гўшанишинлик, риндлик ҳаракатлари сифатида аввалбошданок бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби қатор ижтимоий иллатларни қораловчи, инсонларнинг худо олдидаги тенглиги, камбағал, фақир-бечораларга инсоний муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаи демократик характердаги ақидаларга эга эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг халқ оммаси орасида, қуйи табақалар орасида ҳам чуқур ижтимоий заминга эга эди.

Машраб тасаввуф тариқатининг ориф мутасаввифи сифатида XVII-XVIII аср мафкуравий ҳукмронларга қарши ўткир журъатли шеърлари билан жавоб берди, ўз ғояларини ижодиётида тарғиб қилди.

Ўзбекистондаги тараққийпарвар, ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихини Машрабсиз, унинг ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Халқимиз, миллатимизнинг миллий-маданий ўзлигини англашда, ижтимоий-миллий бир бутунлигини тиклашда,

¹ Қиссаи Машраб. 39-бет.

Республика мустақиллигини мустаҳкамлашда Машраб тасаввуфий қарашларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зероки, унинг дунёқарши инсонпарварлик ғоялари, миллий ва умуминсоний қадриятларга бойдир.

МАШРАБНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Бобораҳим Машраб XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида мураккаб тарихий вазият вужудга келган бир шароитда яшаб, ижод этди. Бу даврларда Ўрта Осиёда мавжуд тузумнинг ички қарама-қаршилиги кескинлашиб, жамиятда ижтимоий ва табақавий зиддиятлар шиддатли тус олди. XVII асрнинг ўрталарига келганда Мовароуннаҳрнинг ички сиёсий аҳволи жуда ҳам чигаллашиб кетди. аштархонийлар сулоласидан бўлган хонларнинг ҳокимият учун кетма-кет бўлиб турган қонли можаролари, маҳаллий мулкдор зодагонларнинг марказий ҳокимиятга қарши сепаратив ҳаракатлари, тўхтовсиз давом этган ички ва ташқи қонли урушлар ўлканинг иқтисодий ва сиёсий қудратига путур етказди. Мамлакатда хонавайронлик ва бебошлик авж олди. Албатта, ижтимоий ҳаётда рўй берган бундай ҳодисалар ўз ўрнида ижтимоий-ахлоқий фикр равнақига ҳам таъсир кўрсатди. Яъни, ўтмишда бўлганидек, бу даврларда ҳам жамиятдаги ички қарама-қарши ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари, қарашлари мафкура ва интилишлари бевосита ва билвосита акс этди.

Туркистон халқлари ахлоқий фикри тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал қўлланма вазифасини бажарган пандномалар, насихатномалар мавжуд. Ҳар қандай даврда ҳам ахлоқшунослик муҳим соҳани ташкил этади. Ўрта асрларда ахлоқнинг назарий ва амалий масалаларига эътибор кучайди. “Фазилатли хулқлар”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ахлоқ илми”, “Ишқ рисоласи”, “Ахлоқи Носирий”, “Жоми жам...” каби рисоалар Шарқнинг йирик мутафаккирлари Форобий, ибн Сино, Мискавейх, Тусий, Мароғий, Жомий, Алишер Навоий,

Саъдийлар томонидан ёзилди, улар ахлоқий ва дидактик характерга эга эдилар¹.

Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, “Темур тузуклари”, “Шоҳ Машраб”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний”, Камолиддин Биноийнинг “Беҳруз ва Баҳром” каби асарлари халқ ўртасида кенг тарқалди. Бу асарлар халқнинг дунёқарашини, онгини шакллантиришда, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ижобий роль ўйнади. Форобий, ибн Сино, Низомий, Носириддин Тусий каби мутафаккирлар ахлоқ ва фалсафий тафаккур тараққиётига ўз асарлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда “Илми равиш”, “Илми ахлоқ”, “Ахлоқ илми”, “Одобнома” сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпада эса “Этика” номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик.

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишилик жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. “Ахлоқ” сўзи арабчадан олинган бўлиб, “хулқ” сўзининг кўплик шаклидир. “Ахлоқ” ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг кенг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб-инсон ҳақидаги ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ-оиლა, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

¹ М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, 37-бет.

Ахлоқ эса-жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

Шу ўринда яна бир, ҳозиргача етарли эътибор қилмай келинаётган масалага ойдинлик киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу-қадимги Юнон тафаккури билан ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалсафасининг-хусусан ахлоқшунослигининг боғлиқлиги масаласи. Нима учун бизнинг аллома аждодларимиз қадимги Шарқ, жумладан, Ҳинди-Хитой минтақаси мутафаккирлари изидан эмас, оврўпалик юнонлар изидан бордилар, Суқрот ва Афлотунни ўргандилар, кўкларга кўтардилар, Арастуни эса энг улкан устоз-биринчи муаллим деб атадилар?

Гап шундаки, мусулмончиликнинг асоси тавҳидда-яккахудоликда. Оллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги Юнон мутафаккирлари айнан ана шу тавҳид йўлидан бордилар. Биринчи бўлиб бу масалани Суқрот аниқ ўртага ташлади. У ўлимга маҳкум этилганида, унга юнонлар худоларини ҳурмат қилмаганлигини, ёшларни бошқа йўлга (аслида тавҳид йўлига) буриб юбораётгани айб қилиб қўйилади. Суқротнинг ўлими олдидаги сўнгги гапи ҳам шуни тасдиқлаб туради, цукута ичгач: “Мен Унинг (уларнинг эмас!) ёнига кетяпман!”, дейди у. Шунингдек, Афлотуннинг ғоялар, олами руҳ, эманация ҳақидаги фикрлари ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Суқрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий нуқтаи назардан исботлашни ўз олдига вазифа қилиб қўймадилар, бунга уринмадилар. Бу ишни Арасту уддалади. У ўзининг машҳур “Метафизика” асарида Худонинг яккалигини жисмсиз, ҳеч нарса томонидан ҳаракатга келмайдиган, аксинча, биринчи ҳаракатга келтирувчи куч эканини назарий исботлаб берди. Уни «Олий шакл» (форма) деб атайди. Арасту талқинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади, у, юқорида келтирганимиздек, Олий тафаккур, тафаккур ҳақидаги тафаккурдир.

Ўрта асрлар, мусулмон Шарқи мутафаккирларининг қадимги Юнон тафаккурига, хусусан, ахлоқшунослигига улкан эътиборининг, тақлидининг асл сабаби ана шунда¹.

Йирик, забардаст мутафаккирлар инсонни улуғлашни, унинг маънавий эркинлиги ҳақидаги масалани адолатли, эркин, бахт-саодатга эриштирувчи шароит тўғрисидаги фикр даражасига кўтара олдилар. Форобий, Низомий, Жомий, Навоий, Машраб асарларида олий ахлоқ, маърафатга, маънавий эркинликка эришув бахт-саодат, деб талқин этилди ва бу бахт-саодат адолатли, зулмдан ҳоли, идеал етук жамоа ва идеал раҳбар, ҳоким билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилди. Етук жамоа ҳақидаги, инсонларнинг барчасини бахт-саодатга эриштирувчи идеал тузум ҳақидаги утопия Шарқ Уйғониш даври социал-этик фикри тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири бўлди².

Ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар давомида шаклланган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар, ҳис-туйғу ва кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлар тизимини ифода этади. Ахлоқ муайян халқнинг атроф-муҳитига, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари мажмуи сифатида, бир жихатдан маҳаллий-миллий хусусиятга эга бўлса, иккинчи жихатдан миллатнинг умумжамият талабларига уйғун мувофиқлигини таъминловчи умуминсоний хусусиятга ҳам эгадир.

Жамоатчилик фикри ва ахлоқнинг ўзаро ижтимоий боғлиқлиги масаласини ўрганишда яхлит ва тизимий ёндошув тамойилига риоя этишимиз кенг доирадаги адабиёт ҳам манбалар оламига мурожаат этишга, хусусан ахлоқ ва жамоатчилик фикрининг турли қирраларини М.М. Хайруллаев, Э. Юсупов, С. Шермухаммедов, Х. Алиқулов, Қ. Хоназаров, Т. Саидбоев, Ў. Ҳайдаров, У. Қорабоев, И. Жабборов, А.Н. Веселовский, С.А. Токарев, В.Ф. Энбковц, П.П. Еременко, В.И. Кочеткова, А.М. Золотарева, К.К. Маркова ва бошқаларнинг асарларига атрофлича таяниб иш тутиш заруратини тоқазо этди³.

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Тошкент, 2000, 28-29-бетлар.

² М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1971, 42-бет.

³ Бекмурод Мансур. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Тошкент, 1999, 149-150-бетлар.

Марказий Осиё халқларининг буюк фарзандлари бўлмиш Форобий, Беруний, ибн Сино, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Низомиддин Шомий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб ва кўплаб олиму-фузалолар, сиёсат арбоблари инсоният яратган маънавий бойликка ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар¹.

Оврупалик баъзи олимлар даъво қилганларидек, ахлоқ ва сиёсатга доир дастлабки доно фикрлар қадимги Юнонистонда эмас, балки Марказий Осиё, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатларида пайдо бўлганлиги мўътабар манбаларда бизга яхши маълум. Қадимги туркий халқларнинг давлатни бошқариш ва ахлоқий муносабатлар хусусидаги маълумотлари зардуштийликнинг “Авесто” ёзма ёдгорлигида, туркий битикларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари халқ оғзаки ижодида, хусусан дostonлар, эртаклар, мақол ва маталларда инсоннинг қадр-қиммати, гўзал фазилатлари, хулқ-одоби ҳақида сўз юритилади, она-юрт учун курашда кўрсатилган қаҳрамонлик улуғланади, кишилар дўстлик, софдилликка, элга ҳалол ва адолатли бош бўлишга чақирилади².

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида қадимги юнон мутафаккирлари Афлотун ва Арасту номлари билан боғлиқ панднома ва насихатномалар ҳам кенг тарқалган. Масалан, “Васойойи Афлотун Аристотелисро” (“Афлотуннинг Арастуга васияти”), “Хутбайи Афлотун” (“Афлотун насихатлари”), “Андарзи Арасту ба Искандар” (“Арастунинг Искандарга насихатлари”) ва бошқалар шулар жумласига киради. Ўрта асрларда Шарқ мутафаккирлари томонидан битилган бу пандномаларда давлатни бошқариш, илм-фан, ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия тўғрисида сўз юритилади. Олимлар Афлотун ва Арастунинг барча халқлар орасидаги катта обрўсидан фойдаланиб, улар номидан панд-насихатлар қилиш орқали кишилар онгига таъсир этишга интиланлар³.

¹ У. Идиоров, С. Ғозиев. Аждодларимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашлари. Тошкент, 2003, 3-бет.

² Форс тилидан Ҳайдар Аликулов таржимаси. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. “Адолат”, Тошкент, 1995, 4-бет.

³ Ўша манба, 5-бет.

Қуръон, шариат ва ҳадислардаги ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари Ўрта Осиё аҳолиси ҳаётининг барча соҳаларида муҳим роль ўйнади, кишиларни тарбиялашда асосий восита бўлиб хизмат қилди.

Машраб тадқиқотчиларидан бири профессор В.Л. Вяткин шоирнинг Ўрта Осиё халқлари орасида кенг шуҳрат қозонишининг бош сабабларидан бири “Машрабнинг мавжуд қалбакичилик, ҳақсизликка қарши бўлган кучнинг тимсоли сифат хизмат этишдир”, деб кўрсатганида ҳақли эди.

Ўрта аср мутафаккири Форобий “... файласуфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ бўлиши керак. Шунингдек, ўз халқининг раъйини ва ўз халқида бўлган энг яхши урф-одатларини қаттиқ тутган бўлиши керак”¹, -деб ҳисоблади.

Форобий инсонни бахт-саодатги олиб борувчи ҳаракат ва фаолиятни тушунтириб, аҳолини ахлоқан бошқаришнинг икки хил бўлишини кўрсатиб берди:

-бири-шундай хулқ-одоб, турмуш усуллари, ахлоқ қоидаларини мустаҳкамлашга қаратилганки, улар ҳақиқий бахт-саодатга олиб боради. Шундай бошқаришга асосланган шаҳар яхши, фозил шаҳардир, унга асосланиб иш олиб борувчи халқ эса-яхши, фозил халқдир;

-иккинчиси-шундай хулқ-одоб ахлоқ қоидаларини жорий этишга қаратилганки, гарчи бахт-саодатга олиб борадиган бўлиб кўринса-да, аслида кишиларни адаштиради, нотўғри йўлга бошлайди. Бунга асосланган шаҳарлар-жоҳил, оми шаҳарлардир, унга амал қилган халқлар эса-оми, жоҳил халқлардир².

XV аср файласуфи Давоний ахлоқнинг жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрнини тушунишга интилади, у ахлоқнинг предмет ва вазифаларини белгилашда Аристотел таъсирида бўлиб, уни кишиларнинг хулқ-одоби ва фазилатларини ўрганувчи Фан деб билади. Ахлоқ амалий характерга эга бўлиб, у кишиларнинг кундалик ҳаётида қўлланма бўлишлигини уқтиради: “Мутафаккирнинг талқинида, ахлоқ Фани кишиларнинг амалий фаолияти, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ахлоқ муаммолари фалсафий, ижтимоий сиёсий,

¹ М. Хайруллаев. Форобий. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991, 70-бет.

² М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. 248-249-бетлар.

хаёлий ва хурфикрлилик масалалари билан бир қаторда кўрилади”¹.

Давоний ахлоқ фани тўрт асосий тушунчани ўрганишини айтиб, уларни-донолик (ҳикмат), адолат, шижоат ва ифбатга бўлади.

Шижоатга аҳамият берган Давоний: “... У ақл фармойиши билан амалга ошади ва мақсади (ижобий) сифатлари кўлга киритиш бўлгандагина ҳақиқий бўлади”², -деб ҳисоблайди. У ахлоқшуносликнинг яна бир тушунчаси ифбатни ақл орқали идора қилишини уқтиради.

Ахлоқий покликни тарғиб қилган Давоний ишқ-муҳаббатни беш турга бўлади:

1. Илоҳий ишқ, яъни худога бўлган муҳаббат. У эзгулик, бахт-саодат ва камолот манбаидир.

2. Ота-она муҳаббат. Улар туғма муҳаббатдир.

3. Муаллимнинг ўз ўқувчиси (шогирди)га муҳаббати.

4. Фуқароларнинг ҳукмдорга ва ҳукмдорнинг фуқароларга муҳаббати.

5. Илм ва маърифатга бўлган муҳаббат.

Салафларнинг, хусусан, Форобий, ибн Сино, Навоий ва Давонийларнинг комил инсон тўғрисидаги ғоялари, ахлоқий фазилатларни эгаллаш тўғрисидаги ғоялари, шубҳасиз, Машраб ахлоқий қарашининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

XV асрда ҳам, ўрта асрларнинг бошқа даврларида бўлганидек, ахлоқ ва таълим-тарбия масаласига катта эътибор берилди. Лекин бу даврда бевосита ахлоқ муаммоларига бағишланган махсус рисолалар кам учрайди. Аксинча, бадий адабиётда, тасаввуфга бағишланган манбаларда, хусусан, Жомий, Алишер Навоий асарларида ахлоқ муаммолари кенг ёритилади. Шу нуқтаи назардан Жалолоддин Давонийнинг “Ахлоқий Жалолий” асари фалсафий-ахлоқий рисола сифатида муҳим аҳамият касб этади³.

¹ Ҳ. Аликулов. Жалолоддин Давоний. Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 46-бет.

² Ўша манба, 49-бет.

³ Ҳайдар Аликулов. Жалолоддин Давоний. 46-бет.

Давоний ахлоқ фанининг предмети ва вазифаларини белгилашда Аристотель таъсирида бўлади. Ахлоқ фани деганда, у кишиларнинг хулқ-одоби ва фазилатларини ўрганувчи фанни тушунади. Унингча ушбу фан амалий харктерга эга бўлиб, у кишиларнинг кундалик ҳаётида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиши лозим.

Яна, у кишиларнинг хислатлари табиий (туғма) ва яшаш давомида касб қилинадиган хислатларга бўлинади,- деб ҳисоблайди. Ушбу масалада Давоний Форобий ва Тусийларнинг фикрига қўшилади. У ҳам худди Форобий сингари, туғма хусусиятларга кишиларнинг баъзи бир ақлий ва ахлоқий малакалари: ўта зеҳн ўткирлиги, фараз қилиш қобилияти, ҳамфикрлик ва бошқаларни киритади. Мутафаккир кишиларнинг баъзи туғма хусусиятлари ва қобилиятларини тан олса ҳам, яшаш давомида қўлга киритиладиган малакаларни инсон учун муҳим, деб ҳисоблади. У-инсон ёшлигидан ташқи муҳит ва бошқаларнинг таъсирида барча хислатларни эгаллай боради,-деб ишонтиради¹.

Аллома тасаввуф фалсафаси ва тасаввуфий ахлоқшуносликка доир ҳам кўплаб асарлар яратди. Зеро, у бежиз Шайх ур-Раис, яъни шайхларнинг раиси деган номни олган эмас. Бу борада унинг машҳур “Ишқ рисоласи” диққатга сазовордир. Ундаги асосий муаммо комил инсон масаласи. Ибн Синонинг фикрига кўра, Яратганга муҳаббат одамни инсон зоти қобил бўлган комиллик даражасига олиб чиқади. Яъни руҳнинг қуйи кучлари ва қисмлари унинг улуғвор ва олийжаноб кучлари ҳамда интилишлари билан яқинликда бўлиб, улар таъсирига тушиши натижасида фазилат касб этади. Бу фикр, Аллоҳга муҳаббат фақат таркидунёчилик орқалигина эмас, балки расмана инсоний ҳаётда ҳам рўёбга чиқиши мумкинлигини англатади. Шу боис “Ишқ рисола”сидаги бу каби ўринларни нақшандия тариқатининг вужудга келишида назарий асос, умуман, тасаввуф фалсафаси ва ахлоқшунослигига илк назарий пойдевор бўлди дейиш мумкин.

Темурийлар даври ахлоқшунослигининг яна бир вакили Жалолиддин Давонийдир (1427-1502). Унинг ахлоқшунослик

¹ Ўша манба, 46-47-бетлар.

муаммоларига бағишланган йирик асари «Ахлоқи Жалолий» рисоласида, профессор Ҳайдар Аликулов тадқиқотларига кўра, XV асрнинг илғор ахлоқи мусулмон Шарқи ахлоқий таълимотларининг ютуқ ва камчиликлари акс этган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми асосий ахлоқий тушунчалар бўлмиш адолат, шижоат, донишмандлик, иффат сингари фазилатлар таҳлили ва талқинига, иккинчи қисми оилавий ҳаёт, болалар тарбияси, муомала одоби масалаларига бағишланган. Китобнинг учинчи қисмида эса шаҳар маданияти ва подшоларнинг сиёсат юргизиши, фуқароларнинг шаҳар (давлат) бошлиқлари билан ўзаро муносабатлари қаламга олинади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, «Ахлоқи Жалолий»да ахлоқшунослик кишиларнинг амалий фаолияти, қарашлари билан, боғлиқ фан сифатида, ахлоқий муаммолар эса фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалаларга дахлдор ҳодисалар тарзида олиб қаралади.

Ҳадисларда билимни такрорлаб бориш, билимни фақат уни олишга иштиёқманд кишиларгагина бериш жоизлиги қайд қилинган. Шунингдек, ҳадисларда билим кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зеҳнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва «илму ҳунарни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганинглари»¹, -деб даъват этилади. Шунга кўра, «Олим бўл ёки билим ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан»², - дейилган.

Марказий Осиёдаги фалсафий ва ахлоқий фикрларнинг дастлабки куртаклари қадимги эртақлар, афсоналар, ривоятларда ва халқ мақолларида ўз ифодасини топган. Ёзув пайдо бўлишига қадар халқ руҳини ифодаловчи мазкур асарлар қадимги кишилар маънавий фаоллигининг бирдан-бир манбаи бўлган³.

Инсоният оламида гўзал хулқ эгалари кўплаб бўлган. Шунинг учун ҳам уларни гўзал ахлоқли, одобли, хусни хулқ кишилар дейилган. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ бундай хислатларнинг

¹ Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, «Камалак», 1991, 51-60-бетлар.

² Ўша манба, 61-бет.

³ Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан. «Ўқитувчи», Тошкент, 1997, 5-бет.

тимсоли эдилар. “У кишининг хусни хулқлари ҳар жиҳатдан камолотга етган, мукамал эди. Аллоҳ таоло нур сурасининг тўртинчи оятида пайғамбар алайҳиссаломни мактаб: “Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ эгасисан” деган. Ҳазрати Ойша разияллоҳу анҳо: “Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқи-Қуръон эди. У Қуръон маъмун бўлган нарсадан маъмун бўлар, ғазабланганидан ғазабланарди”, - дейди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари “Мен гўзал ахлоқларни камолга етказиш учун юборилдим”, - деганлар. Анас: “Расулуллоҳ энг гўзал ахлоқ эгаси эди” деган. Муҳаммад алайҳиссалом худди бошқа пайғамбарларга ўхшаш маънавий ва ахлоқий баркамолликка эришган эдилар. Бу зоти мубораклар пайғамбарликка танланиб, Аллоҳнинг нури дилларини ёритиш билан фазли камолот чўққисига кўтарилдилар. Пайғамбарларга хос бундай гўзал ахлоқ ва хислатлар беҳисоб”¹.

Амир Темур ахлоқи Ҳусния-яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган.

Амир Темур сингари бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган буюк алломаларнинг ахлоқ, гўзал хулқ ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаби билан ёзилганидек, жумладан, Ал-Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик-мана шу тўрт хислатни Аллоҳ таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир”²...деб ёзади.

Ўз моҳиятига кўра ахлоқ-кишилارнинг бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси дир. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини акс эттиради. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамият ривожига ижобий таъсир қилади ёки аксинча ахлоқсизлик жамият ривожини издан чиқаради. Ахлоқсиз шахснинг истиқболи бўлмаганидек, ахлоқсиз жамиятнинг ҳам истиқболи бўлмайди. Айни пайтда, ахлоқ жамиятнинг бурча жабҳаларига кириб бориши ва унга жамият аъзоларининг амал

¹ Муҳаммад Ҳузарий. Нур-ул яқин. Тошкент. Чўлпон-Камалак. 1992, 263-бет.

² Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, Ўзбекистон. 1990, 94-бет.

қилиши ижтимоий, сўнгра ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради¹.

XIV-XV асрларда ахлоқ илмига бағишланган махсус рисолалар битилган. Улар жумласига энг аввало, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” асарларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Биноийнинг “Беҳруз ва Баҳром” (Боғи Эрам) ва бошқа рисолалар ҳам ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий фикрни талқин қилишга бағишланган.

Айниқса, Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” китоби фалсафий-ахлоқий рисола сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Зероки, олим, гарчи ушбу фанни инсонларни амалий фаолияти билан боғлиқлигини таъкидласа ҳам, унга назарий ва фалсафий нуқтаи назардан ёндашади. Ахлоқшунослик ёки ахлоқ илми деганда, у кишиларнинг хулқ-одоби ва фазилатларини ўрганувчи фанни тушунади. Унингча, ушбу фан кишиларнинг кундалик ҳаётида асосий қўлланма вазифасини ўташи лозим.

“Темур тузуклари” ҳамда Темурнинг таржимаи ҳолини акс эттирган “Зафар йўли” ва бошқа рисолаларда Соҳибқироннинг турмуш тарзи, сиёсий фаолияти, давлат ва уни бошқариш, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни, фуқароларнинг ўзаро муносабати, маънавий, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, дўстлик, меҳр-шафқат, инсоф, тўғрилиқ, мардлик ва шижоаткорлик, ахлоқ, хулқ-одоб ва таълим-тарбия тўғрисида қимматли фикрлар билдирган. Манбаларнинг хабар беришига қараганда, Темур мард, жасоратли, ғайратли, ўзини мақсади йўлида бутун қобилиятини, ақл-заковатини сарфлайдиган, фуқароларнинг фаровонлиги ва тинчлигини ўйлайдиган давлат арбоби бўлган. Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур “ёшлигидан ақлли, очик кўнгил, журъатли, қатъий, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсиб, тенгқурлари-вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қураб ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказар эди”². 1403-1406 йилларда Самарқандга

¹ Тўлқин Алимардонов. Сиёсат ва ахлоқ. “Фан”, Тошкент, 2005, 9-бет.

² Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, 1992, 1-китоб, 72-бет.

сафар қилган испан сайёҳи Р.Г. Клавихо эса Соҳибқироннинг жасурлиги, юксак қалб эгаси эканлиги, саҳийлиги ва бошқа инсоний хислатларини бирма-бир санаб ўтади.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ахлоқий ва таълимий асардир. Бу асарда Абдулла Авлоний ўз ижтимоий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Кайковуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носир Хусравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, Аҳмад Донишнинг “Ўғилларга насиҳат” каби асарлари тарзидаги ўзига хос асардир. XX аср бошларида бундай асарни ўзбек тилида биринчи бўлиб Абдулла Авлоний яратди ва таълим-тарбия ишларида уни тадбиқ этди. Абдулла Авлоний араб, форс, рус ва озарбайжон тилларини яхши билган олим эди. Унинг қардош халқлар ва чет тилларини билиши педогогик ва поэтик ижодининг тараққиёти учун катта замин ҳозирлади¹.

“...Одамлар орасида комил инсон бор бўлгани учун жами мавжудот одамларга сажда қиладилар. Бас, барча одамлар комил инсон туфайли мавжуддирлар. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки мавжудотнинг энг пастидан энг аълосигача бўлган мартабалар комил инсон мартабаларидир, комил инсон мавжудот хулосаси ва қаймоғидир ва малоикалар улуғидан кичигигача ва аршу курси ва самовот ва юлдузлар-ҳаммаси комил инсон ходимларидирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф этадилар ва комил ишларини тартиб билан бажариб турадилар...”².

Тасаввуфда эътиборий саналган вужуд (инсон вужуди) Жаноби Ҳақнинг мутлақ вужудининг латофатдан касофатга (қаттиқликка), айниятдан ғайриятга таназзулидан юзага келган. Камол эса шаҳодат оламида зухур этган инсони комилнинг вужуди ила пайдо бўлган. Инсони комил бу халифатуллоҳ (муҳаммад алайҳиссалом ва авлиёуллоҳи киром)дир³.

Алишер Навоий:

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1992, 3-бет.

² Нажмиддин комиллов. Тасаввуф. Биринчи китоб. “Ёзувчи”, Тошкент, 149-бет.

³ И. Ҳаққул ва бошқ. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. 161-бет.

*Кимки жаҳон аҳлидан инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.*

Навоий фикрича, инсонийликнинг биринчи нишониси имонли бўлиш. Аллоҳ ваҳдатига, унинг қудрати билан юборилган нарсаларга ва пайғамбарларига сўзсиз ишонмоқдир. Имон-инсонни ҳайвондан ажратувчи асосий сифат, чунки навоий фикрича гарчи нутқ, сўз инсонни ҳайвондан ажратувчи белгиси бўлса-да, лекин агар кишида имон бўлмаса, у инсон эмас, балки гапирувчи ҳайвондир¹. Хулқи, рафтори даррандалик бўлган нокаслар шоҳ саройида иззат-ҳурматда яшайдилар,-дейди Навоий. Шоир илм олишнинг машаққатли азобларини тасвирлайди. Қашшоқ, оч-яланғоч муллаваччалар аянчли аҳволда мадрасаларда куну тун таҳсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиш учун барча нарсадан, хатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадилар:

*Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон.*

Лекин афсусланадиган ва ажабланадиган жойи шуки, деб куюнади Навоий, “бир жоҳил қотилваш”, “сўзи ҳам, ўзи ҳам нохуш” дину диёнати йўқ жоҳил одамлар молу мулк эгаси, мансабу мартабали. Яна ажабланарлиси шуки, бу разил, нодон одамлар хизматида неча олиму донишманд юради, мулозимлик қилади².

Жўзжоний “Тасаввуф ва инсон” китобида мутасаввиф аллома ва шоирлар ҳақида шундай фикрни ёзади:

Сўфийлар ва орифлар ҳам уларни қишрийлик (юзакилик) ва тушунмасликда айблаганлар. Натижада машҳур сўфийлардан Хусайн ибн Мансур Ҳаллож (В. 922 й.), Шихобуддин Сухравардий (1145-1191 й.), Имомиддин Насимий (В. 1417 й.) ва Бобораҳим Машрабни ўлдиришга ҳукм чиқарганлар. Машҳур

¹ Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси.

² М. Муҳиддинов. «Хамса»ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. Самарқанд, 2001, 14-15-бетлар.

ориф шоир Жалолоддин Румий ўз маснавийсида улар хақида бундай дейди. Таржимаси: Биз Қуръоннинг мағзини чақиб олиб, бошқаларга унинг пўчоғини қолдирдик¹.

Аллоҳга муҳаббат бор қалбда, севги билан тўла дилда кин, ҳасад, ғазаб, адоват, нафрат, душманлик, ёлғон каби туйғуларга жой йўқ! Ислом «Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади!» деб таълим берар экан, шунга кўра, гўзалликка муҳаббат кўймоқ лозим бўлади! Гўзаллик яшашга, курашга даъват этади. Ҳа, Аллоҳнинг санъати бўлган Инсон гўзалдир!

Мовароуннаҳр-улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юрти. Мусулмон Шарқи Мовароуннаҳрга ўзга бир меҳр нигоҳи билан қарайди. Улуғ алломалари кўп бўлган юрт маърифатли эл ҳисобланади. Унутилган қадриятларни тиклаш-алломалар ҳаёти ва ижоди билан танишиш дилларни поклашга, эътиқодни мустаҳкамлашга кўмак беради. Бир-икки кунда дилни поклаш қийин. Бешиқдан қабргача ўқиб-ўрганиш, илм-фан, гўзал ахлоқий сифатлар орқали дилни поклаш, эътиқодни мустаҳкамлаш, уни ҳаёт ва ижод эҳтиёжига айлантириш лозим бўлади².

Покистонлик исломшунос олим Абдул Али Маудуди “Ислом этикаси” китобида бундай деб ёзади: “... Ахлоқ учун фақат биттагина туйғу асос мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса, ислом томонидан берилган асосдир. Унда биз этиканинг асосий масалаларига жавоб топамиз ва бу жавоб файласуфлар ёки бошқа динлар томонидан берилган жавоблардаги камчиликлардан холидир... Бунда биз ахлоқий дастурамални топамизки, бу дастурамал ҳаётнинг барча соҳаларида бизни яхшилиқнинг энг юксак чўққиларига олиб келиши мумкин”³.

Тарихий-адабий йўналишдаги тадқиқотларда машҳур рус шарқшунос олимлари В.И. Беляев, В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, А.Н. Бернштам, И.С. Брагинский, Б.Ғ. Ғофуров, Я.Ғ. Ғуломов, К. Залеман, К. Кассович, Н.И. Конрад, И.О. Маковельский, А.С. Толстов, А.Ю. Якубовский Шарқ халқларининг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий фикри, маданияти, ахлоқи ва фани

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. “Адолат”. Тошкент, 2001, 28-29-бетлар.

² Ғулмуҳон Ғафуров. Шарқ жавоҳирлари. “Маънавият”, Тошкент, 2000, 15-бет.

³ А.А. Маудуди. Ислом этикаси. Лампур. 1953, 33-бет.

тарихини ўрганишга бебаҳо ҳисса қўшганлар¹. И.М. Мўминов, С.Н. Горигорян, Ш.Ф. Мамедов, А.М. Баҳовуддинов, М.М. Хайруллаев, М.Н. Болтаев, А.К. Закуев, шунингдек А. Шарипов тадқиқотлари Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашларини методологик илмий ёритишга улкан ҳисса қўшдилар².

Абдурауф Фитрат Машраб яшаган ижтимоий шароит, сиёсий вазият, Мовароуннаҳрдаги иқтисодий тушкунлик, маданият, санъат ва адабиёт ҳақида шундай маълумот берган: Ўлкада иқтисодий, сиёсий тузум давом қилди. Ҳарбийлар (нинг) қабила бошлиқларининг ғалабаларини, эҳтиёжларини таъмин қилу (в) мумкин бўлмай қолди. Шунинг билан хонларнинг нуфузи камайди. Турли исёнлар майдонга чиқди, вилоятлар айрилди, хонлар ўлдирилиб, сарой ўзгаришлари ясалди. Хонлик шайбонийлар сулоласидан аштархонийлар сулоласига ўтди (1597). Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиги, тартибсизлиги, иқтисодий тушкунлиги кучайди, сарой қашшоқланди. Мамлакатнинг, адабиётнинг, умуман, нафис санъатнинг тараққийсига, ўсувига майдон қолмади. Бир кўб шоирлар, санъаткорлар, олимлар Ҳиндустондак Бобур Мирзо томонидан қурилган мўғул ҳукуматининг пойтахтига ҳижрат қила бошладилар. Ўрта Осиёда қолгон шоирлар эса, саройда ҳимоя кўра олмагач, омма орасидан ўқучилар таъмин этувга киришдилар. Шунинг учун саройнинг муҳташам такаллуфли, безакли услубини ташлаб, омма услубига яқинлашувга тиришдилар. Бу давр ўзбек адабиётининг санъатга тубан тушган даври бўлуб, 19-асрнинг бошлариғача давом қилди³.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволида юз бераётган ўзгаришлар ҳам Машрабнинг ахлоқий фикрларига таъсир қилди. Мутафаккир асарлари эркин фикрларга бой инсонпарварлик ғояларни ўзида мужассамлаштирган ва у, шубҳасиз, Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий ҳамда ахлоқий тафаккур тарихида муҳим роль ўйнади.

¹ Й. Жумабоев. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. “Ўзбекистон”, Тошкент, 1980, 7-бет.

² Ўша манба, ўша жой.

³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. “Маънавият”, Тошкент, 2000, 58-бет.

Машраб ахлоқи ҳам ўз салафлари ахлоқига монанд ахлоқдир. Озарбайжондаги ҳуруфийлар ҳам тасаввуфдаги пантеистик таълимотни қабул қилган бўлиб, улар инсон ва унинг қудратига юксак баҳо берган эдилар.

Ҳуруфийлар фикрига кўра, “Худо яширин бир хазина бўлиб, ўз борлигини ошкор қилмоқ ва ўзини танимоқ учун инсонларни яратгандир”, бошқача айтганда, ўз борлигини инсонда тажассум этгандир. Улар наздида худо юксак маънавий кайфиятга эга бўлган, адолатли; у ҳуруфийларнинг раҳбари Файзуллоҳ Наимийда тажассум этган эди. Юксак ахлоқ, маънавий гўзаллик, адолат ва муқаддаслик рамзи Фазлуллоҳда тўпланган эди¹.

XVI асрда яшаб ижод этган ҳикоянавис Хожа таркидунёчилик ва бадбинлик йўлини эмас, балки поклик ва ҳалоллик, ўзгаларга хиёнат қилмаслик, ғийбат йўлини тутмаслик кабиларни асосий ахлоқ нормаси деб ҳисоблайди.

“Кўнгил-диннинг моҳиятидир”, дейди Людвиг Фейербах. Тасаввуфда кўнгил-ҳақиқий ишқнинг моҳияти. Маълумки, сўфийлар одамларни ахлоқ ва ҳиссиётларига қараб уч тоифага ажратганлар.

Биринчи тоифа-нафс бандалари. Булар ўз нафсу ҳирсларига мағлуб ғофиллар.

Иккинчи тоифа-қалб одамлари. Булар онг ва идроки ривожланган, худога анча яқин огоҳ зотлар. Улар тавба қилишган. Сидқ, сабр, қаноат, таваккул, тўғрилиқ талабларини оғишмай бажарувчи бу кишилар мустаҳкам эътиқод билан яшаб ўтишган.

Учинчи тоифа-Рух одамлари. Булар туну кун дийдор дардида ёниб, ҳамма жой ва ҳамма нарсада Ҳақнинг нури жамолини кўрадилар.

Машраб тасаввуф ахлоқнинг учинчи тоифасига мансуб, у борлигини Ҳақ йўлига тиккан сўфий мутафаккирдир².

Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввиф шоир, ислом ва унинг йўл-йўриқлари, бутун мусулмон Шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони. Бутун ҳаётини

¹ Насимий. Асарлар. Тошкент, 1977, 8-бет.

² Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. “Шарқ”, Тошкент, 2001, 111-бет.

саргардонликда, дунёни кезиб оддий халқ орасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган, халқ учун қайғурган жаҳонгашта, қаландар шоирдир. У Шоҳ Машраб, Девона Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаган.

Машраб таржимаи ҳоли чалкаш ва ноаниқ, турли афсоналар билан суғорилган. Шоир ҳақида XVII аср тарихий манбаларида ҳеч қандай маълумот берилмаган¹.

Шуни эътироф этишимиз керакки, Совет даврида Машраб ижодига адабиётда синфийлик ва социалистик реализм асосида бутунлай нотўғри ёндашилди. Унинг ижодига Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоҳёрлар қатори қараб, уни гоҳ сўфий шоир, асарлари диний-тасаввуфий асосида ёзилган, ўрганишга арзимайди, халқ онгини заҳарлайди, деган фикрлар асосида шоир ижодини ўрганишдан чўчиб, унга ҳаққоний, илмий ёндашилмади. Гоҳо эса Машраб даҳрий шоир, ўз асарларида дин ақидаларига қарши курашган, деб шоирнинг тасаввуф руҳида ёзилган шеърларини бутунлай нотўғри талқин қилинди.

Машраб ижодини тўғри ўрганиш, ҳаққоний, рўйирост, илмий асосда тадқиқ таҳлил қилиш ва ўзбек адабиётида унга буюк шоир сифатида ўз ўрнини бериш пайти энди келди².

Машраб ёшлигидан ёши улуғ кишиларни шошириб кўювчи зукколиги, ўткир ақли ва истеъдоди билан тенгдошларидан кескин ажралиб турган. Маънавий покликни ўзига шиор қилиб олган Машраб ноинсоний истаклардан тўла воз кечган, оила ва мол-дунё қилмаган, шаҳар ва қишлоқларни кезиб, дарбадарликда ҳаёт кечирган. Машраб қаерга бормасин, меҳнаткаш халқ манфаатини ўз манфаати сифатида қабул қилган. Ноҳақликка мурасасиз бўлганлиги зулмпеша амир-амалдорларни, порахўр қозиларни ва бидъатчи зоҳидларни доимо танқид қилганлиги, ҳақоратлаганлиги оқибатида шоир дорга осилиб қатл этилган³.

Машрабга хос ишқ Оллоҳ томонидан берилган илоҳий неъматдир. Бу неъмат ҳар қандай одамга ҳам насиб этмайди. Ишқ

¹ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Сўзбоши. Бобораҳим Машраб. Мабадаи нур. “Фан”, Тошкент, 1994, 3-бет.

² Ўша манба, 9-10-бетлар.

³ Мусурмонов Эркин Раббимович. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд. 1995, 3-бет.

руҳни тарбияловчи, йўналтирувчи кучдир. Ошиқ доимо ўз Яратувчиси томон интилиши, бунда эса ҳар қандай моддий-дунёвий талаб-истаклардан воз кечиши керак. Имтиҳон вазифасини ўтовчи бу ўткинчи дунё манфаатларига алданиб, Ҳақ ва халқдан йироқлашиш, нафс истакларига мағлуб бўлиб, ноқонуний йўллар билан бойиш, семириш, майшат қилиш, бунинг учун ёлғон гапириш, ўғирлик, юлғичлик, ҳаромхўрлик қилиш каби нафсоний истаклардан тийилиш лозим. Қиссада айтилишича, Машраб она қорнида эканлигида унинг руҳи ошиқ бўлиб яралган. Қиссанависнинг ушбу сюжетни келтиришдан мақсади Машрабнинг юқорида қайд этилган сифатларга эга бўлган бир авлиё эканлигини кўрсатишдир. Бу асарда асосий эътибор, урғу туғилмаган боланинг жисмига эмас, балки руҳиятининг поклигига, имонининг софлигига қаратилган.

Яратувчи Машрабни мурғаклигиданоқ ўзига ошиқ қилиб яратган экан, демак, унинг руҳи туғилмасдан ҳар қандай моддий истаклардан воз кечган. Ошиқнинг дарди-висолга эришиш. Илоҳий ишқ уни зарпечакдек ўраб олган. Ўзи билан бўлган воқеанинг келтирилишидан мақсад ҳам илоҳий ишққа берилган инсон ҳар қандай ҳаромдан тийилибгина қолмай, керак бўлса нобуд бўлишга ҳам, ғойиб бўлишга ҳам тайёрлигини кўрсатишдир. Машраб бировнинг ҳақи қиёмат қарз эканлиги учун ўзини ҳамда онасини гуноҳдан сақлаб қолади. Бу эса Машрабнинг ҳалоллик ва покликка эътиқод-имони нечоғлик мустаҳкамлигини исботловчи ҳужжатдир. Беихтиёр халқимизда оналар қорнида болаларнинг йиғлаши мумкинлигига ишониш ва йиғлаган болага Машраб деб ном қўйилиши бежиз эмаслиги ёдга тушади¹.

Мутафаккир шеърятининг мавзуси Илоҳий ишқ масаласи бўлса-да, унинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳам шу муаммога бўйсунди, мазлум меҳнаткашлар оммаси, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар фарёдининг акс садосидек янграйди:

*Чаманда булбули шўридадурман, ошеним йўқ,
Мисоли чуғздек вайроналарда ҳам маконим йўқ,*

¹ Ўша манба, 10-11-бетлар.

*Вафолиғ ёр деб чиқти, жасада балки жоним йўқ,
Азизимдин жудо бўлдум, бошимда соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.*

*Манидек гамда қолгон, дилпаризион ўлмасун ҳеч ким,
Кўзи чун термулуб йўлларда ҳайрон ўлмасун ҳеч ким,
Баҳори гулшани умру зиммистон ўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасига торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин,*

*Умидим бор, еткургаймусан хушиди матлабни,
Саодат буржидин ул шаъми иқболимга кавкабни,
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,
Етуштургаймукин ҳиммат йўлига хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки, ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод
дастингдин¹, -*

дея бир аламзада инсоннинг юрак нолаларини ҳам ифодалай олади. Лекин буларнинг ҳаммаси бир-бирини тақозо этадиган, бир-бирини тўлдирадиган шеърлар. Чунки ҳаммасида ҳам курашчи инсоннинг, на фалаку тақдир, на ердаги тартиботлар билан келишолмайдиган жасоратли руҳнинг нидосидир. Шунинг учун Иброҳим Адҳам ахлоқи, Мансур таълимотини ҳақ билиб, тараннум этган Машраб ғоялари дунёпараст ҳокимлар ва жоҳил уламоларга ёқмади, уларни тубсиз таҳликага солди. Улар Мансур Ҳаллождан қандай ўч олган бўлсалар, Машрабни ҳам шундай қатл этиб, сўнг тинчидилар.

Халқ орасида қаландардек юриб, тақдири азалга радди бадал бериб туғилган Бобораҳим Муллавали ўғли Машраб ғазаллари асрлар давомида насллар орасида қалблардан қалбларга қалқиб, кўчиб келаётир. Буюк истеъдодли шоирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор, ҳамон ҳақ учун далил жангга кирганларга ҳамдам,

¹ Машраб. Девон. 2006, 516-бет.

маслакдош; аммо кечаю кундуз мол тилагида юрган “ўз нафси билан саргардон” кишиларнинг эса қаттол душмани, огоҳ этувчи ҳозир нозир бир овоз¹.

Машраб зўравонлик ва жоҳиллик, мунофиқлик ва беҳаёликка асосланган ҳукмрон табақа ахлоқиға ҳаққонийлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ва касб-ҳунар аҳлини ардоқлаш, ўзаро ёрдам ва дўстлик фазилатлари устун турувчи меҳнаткаш-ҳунармандлар, косиблар, деҳқонлар ахлоқини қарама-қврши кўяди.

Бизнинг фикримизча, Машраб ғазалиётида софлик ва ҳалолликнинг барча кўринишлари мавжуд. У “Қулликка белни маҳкам” этишга чорласа-да, Ҳақ қулларининг нақадар ақлий, маънавий, ахлоқий имтиёзларга эга эканлигини амалда исботлайди.

Одамларнинг сўз ва фикрларига зуғум ўтказиш-уларнинг онги, маслаги ва кўнглига тажовуз қилишдир. Кишининг кўнглига озор бериш-бўрилик билан баробар. Дарбадарона юрт кезган Машрабни Ҳаққа сиғинганлиги учун кўнглига озор бериб, ҳар ердан ҳайдадилар. Аслида яссавийлик таълимотининг ўзаги ҳам шундай эди.

*Жанозамни орқасидин тошлар отинг,
Оёқимдин тутиб судраб гўрга элтинг,
Ҳаққа қуллуқ қилмадинг деб янчиб тефинг,
Ул сабабдин Ҳаққа сизниб келдим мано².*

Машраб Ҳақ олдида дилозорлик қилмасликни, дилозорни Худо ҳам бандам деб атамаслигини, фоний дунёда ҳар ким ўзни фақир, деб ҳисоблаб юришлигини таъкидлаб, қайсики киши ўз феълига эгалик қила олмаса, бундай киши ҳайвон сифат, унинг махлукдан фарқи йўқ деб ҳисоблайди:

*Гар қўлингдин келса ҳаргиз мўрчани оғритмагил.
Ким, Худо бандам демас ҳар кимки дил озордир.
Бўлмагил бад, ҳолат бўлиб, кетти тани мурдордир¹.*

¹ Бобораҳим Машраб Меҳрибоним қайдасан. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1990, 9-бет.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, 1991, 57-бет.

Маълумки, ахлоқ ва ахлоқий муносабатлар масаласи доимо инсониятни қизиқтириб келган.

Айниқса ислом дини, тасаввуфда ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия, ўзаро муомала, ахлоқий фазилатларни касб қилиш, покланиш, комил инсонни тарбиялаш каби масалалар асосий ўринни эгаллайди.

Қуръон ва ҳадисларда катта эътибор берилган масалалардан бири-болани ёшлигидан бошлаб тарбиялаш, унда ота-она, оиланинг ўрни, боланинг ота-онага, ота-онанинг болага муносабатидир².

Имом Бухорий, ат-Термизий ва бошқаларнинг ҳадисларида фарзандларни хушхулқ қилиб тарбиялаш ҳақида қимматли фикрлар айтилади. Хушхулқлик барча яхшиликларнинг пойдевори ҳисобланади, у ҳамма нарсадан аълодир. Шунинг учун Абу Исо Термизий “Бир киши бир соъ (ғалла ўлчови) садақа бергандан кўра ўз фарзандига адаб ўргатгани афзалдир”³, дейди. Шунинг учун ота-она ўз фарзандини ёшлиқдан бошлаб хулқ-одобини яхшилаш учун қайғуриши керак. “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”⁴, дейилади бошқа бир ҳадисда.

Қуръони Каримнинг бир жойида бола ўз ота-онасига фақат яхшиликни раво кўриши лозимлигини, у хоҳ мусулмон бўладими, кофир бўладими, яхши ёки ёмон бўладими, уни иззатини жойига қўйиши тўғрисида гап кетади. Фақат ота-оналар ўз фарзандларига Аллоҳдан бошқа сохта худоларни шерик қилдирмоқчи бўлганидагина уларга итоат қилмаслиги мумкин⁵.

Ислом динида ота-она муқаддас ҳисобланиб, уни ҳурмат қилиш, эъзозлаш фарзандлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Қуръони каримда ота-оналарга фақат яхшилик қилиш раво кўрилади. Масалан, Ал-Исро номли 17-суранинг 23,24-оятларида бу ҳақда шундай дейилади: “Парвардигорингиз, ёлғиз унинг

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 18-бет.

² Ҳ. Алиқулов. Ислом, тарих ва маънавият. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2000, 65-бет.

³ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. 49-бет.

⁴ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 136-бет.

⁵ Қуръони карим. –Т., 1992. Анкабут сураси, 285-286-бетлар.

Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларниг (ота-онанингизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларни (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт!... Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут-хоқисор бўл ва: “Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қил”, деб (ҳақларига дуо қил)!”¹.

Лекин, нафақат онани, балки отани ҳам эъзозлаш тўғрисида ҳадисларда фикрлар мавжуд, уларда фарзандлар оталарини нафақат тириклигида, балки вафотидан сўнг ҳам эсдан чиқармасликка, хотирлаб туришга даъват этади. Бунинг йўли отасининг ёру-биродарлари, дўстлари, таниш-билишлари билан алоқани узмасликдир. “Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради”².

Ислом дини бўйича ота-онани ҳурмат қилмаслик, уларга ғамхўрлик кўрсатмаслик, ёрдам бермаслик, боз устига сўкишлик, гап қайтариш, ҳақорат қилиш, розилигини олмаслик гуноҳи азим ва дўзахий ҳисобланади. Уларда ҳатто ота-оналар зулм қилган тақдирда ҳам, фарзандлар уларни ранжитмаслиги, хору-зор қилмаслиги, уларга мулойим гапириши лозим. “Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳам иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва Яна хор бўлсин”³. Шунинг учун ота-онанинг қарғишига учрамаслик, уларни зинҳор хафа қилмаслик фарзандларнинг муқаддас бурчига киради. Айниқса ота-онага оқ бўлиш, уларни ҳақорат қилиш гуноҳлар ичида каттасидир. Имом Бухорий ўз ҳадисларида қуйидагиларни келтиради: “Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири-ота-онасини ҳақорат қилмоқдир»!-дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин!»

¹ Қуръони карим. Ал-Исро сураси. 197-бет.

² Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 20-бет.

³ Ўша манба, 94-бет.

дейишади. Жаноб Расулуллоҳ: “Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур”-деб жавоб қилдилар”¹.

Мутафаккир шоир, ахлоқи пок Машрабнинг отаси у ёшлигида-ўсмирлик пайти вафот этган. Уни мулла Вали мулла Бозор охундга олиб бориб саводини чиқартирган, Қуръони каримни бошқа толиби илмларга нисбатан тез ва қироат билан ўқий олиши билан у устозининг меҳр-муҳаббати, назарига тушган.

У ўз шеърларини халққа хизмат этишини ўйлайди. Айниқса, шу ўринда шоир ахлоқининг энг юқори поғонаси бўлган “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени” деб қофияланувчи ғазали диққатга моликдир.

Машраб отасини кўзининг гавҳарига, шам бўлиб, равшан ёниб турувчи нурга ўхшатади, киши отадан иймонни ўрганмагунча “ҳеч вақт бўлмас ғани” деб айтади. Шоир таъкидлайдики, “халқ ичида зўрлик қилиб худога ҳам ёқмайдиган ишларни қила кўрма, бошинг осмонга етган бўлса-да, отанг сендан рози бўлмаса, отанг олдида тавба-тазарруда бўл, уни рози қил” дейди. Азалдан Шарқ халқлари, хусусан, мусулмонларда “Ота рози, худо рози” деган нақл амал қилади. Таъбир жоиз бўлса, ҳеч ким отасининг юзига тик қарамаган, унинг дилига озор етказмаган.

Машраб қанчалик дунё кезмасин,-мудом отасини ёдидан чиқармади. Билъакс, мулла Вали ҳам фарзанди аржуманди Машраб дуосида бўлди. Шоир кечаю-кундуз Қуръони каримни тиловат қилганинг билан, эртадан кечгача тақводорлик қилиб, тоат-ибодат қилганинг билан “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени”, дейди.

Машраб отани эъозлашни, уни юксакликка кўтаришни, ҳурматини жойига қўйишни, агарда дин ва имонни маҳкам ушлаб, ҳатто ўз кучинг билан ўттиз уч минг хонақо қуриб берсанг ҳам, эвазига осмондан Исо пайғамбар тушиб, сенинг ҳаққингга дуо қилса ҳам, муршидинг Хўжаи Хизр бўлсалар ҳам, сенга раҳнамолик қила билмайдилар, отангни рози қил, дейди.

¹ Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV жилд.-Т., 1992, 78-бет.

Арзоннинг моли татимас, деган гап бор. Арзон сопол идиш тез синади. Ер шўразор бўлиб кетса, қадалган ниҳолни сиқиб кўкартирмай қўяди. Неча йил тун-кун илм олиш учун ўқиганинг билан, имонинг пок бўлмаса, камолга эриша олмайсан, дейди Машраб.

Отангни рози қилиш учун агарда икки оламда, у дунё ва бу дунёда чор ёр (тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Али) ва Расулуллоҳ ҳам, жамики машойихлар, подшоҳлар, хожалар, қуллар ҳам сенинг ҳаққингга дуо қилсалар-да, отанг дуосидан устун тура олмайди. Сен отанг ёшликда ўғит бергандек фарзанд бўл, сени тарбиялаётганида бир сўзли бўлади, деб тарбия берганлар, яхшилик уруғини сочади, деб ўргатганлар, бугун эса, “Толиби содиқ бўлиб йўлингга юрганинг қани?-деб нотўғри қадам босаётган фарзандлар ўғит беради.

Арши аъло, аъзам, бандаларнинг оталарига кўрсатган ғамхўрлигидан аъло эмас. Фарзанднинг отага бўлган муруввати ҳамма нарсадан юксак ва улуғ. Шунинг учун отанг аҳволидан хабардор бўл, ҳадеб тоат-ибодат қилиб, худо йўлига ўзингни бағишлаб, художўй бўлганинг билан “Тоатинг беҳудадир, ҳаргиз тополмассан самар”- деб фарзандларни инсофга чакиради.

Сен фақат ота маслаҳати билан иш тут, Ота-она ва яхши кишиларнинг олдида ҳеч вақт оёғингни узатиб ўтирма, жисмингни мудом покиза сақла, ўзингни улар олдида ғулом (қул) дек тут, шунда сен мақсадингга эришасан, деб ўғит беради.

Машраб дунёқарашида ахлоқий поклик яна шунда кўринадики, фарзанд ота-она туфайли бунёд бўлади, демакки, фарзанд ота-онага хиёнат қилмаслиги, ўзини оқил деб ҳисобласа, ота-она иззатини жойига қўйса, у касофатга йўлиқмайди, чунки ҳар қандай гиёҳ ҳам зироат (даволаш) ўрнини боса олмайди, падарига озор берувчиларга худо ҳам шафоат қилмайди, ундан юзини ўгиради.

Машраб ҳар доим сафарда бўлгани учун ота-онасининг ҳолидан хабар олиб туришни бурчи деб ҳисоблайди, инсонийликни устун қўйиб, уларга мактублар ёзиб, улар сари интилиб яшади. Мулла Вали ва Биби Салималар ҳам Машрабнинг аҳволи қандайлигини, қай юртда юришидан хабардор бўлиб, ҳар гал фарзандлари келишини муштоқлик

билан кутиб яшайдилар¹. Шунингдек, у лирик қаҳрамони бўлган ўқувчисини-комил инсон зотини отани ҳурмат қилишга, унга қулоқ солишга, айтганларини солиҳ фарзанд сифатида бажаришга даъват этиб, уни рози қилишга чорлаган ва “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани” деб уларни падар-ота амрини бажаришга чорлаган:

*Машириқи Мағрибни кезсанг йўқ бу дардингга табиб,
Қилмагай анда шафоат саййидий нури ҳабиб,
Куйдурур ул молики Дўзах сани охир мужиб,
Юз фигону нола қилсанг, ҳеч киши келмас қариб,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

*Бўйи раҳмат анга етмас, кимки бадкирдордур,
Гўр ани қилмас қабул, чиркин тани мурдордур,
Чун худо бандам демас, ҳар кимки дил озордур,
Ким падарозордур, ондин Худо безордур,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

*Неча йил тун-кун агар тинмай ўқусанг илми қол,
Ҳеч вақт иймони покингга тополмассан камол,
Ҳар замини шўразоридур, кўкармасдур ниҳол,
Арзанига арзимас йўл устида синган сафол,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

*Сан аластда айлаган ваъдангда тургонинг қани?
Аҳди комил айладинг, аҳдингда тургонинг қани?
Толиби содиқ бўлуб йўлингда юргонинг қани?
Зарқайи сажжодларни барҳам ургонинг қани?
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

*Тоатинг беҳудадир, ҳаргиз тополмассан самар,
Сад ҳазорон некни бир хўйи бад барҳам урар,
Эй, муқаллид, доманинг куйди ўзингдин беҳабар,
Арш аъзамдин улугдур бандага амри падар,*

¹ Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабир ўзум. “Шарқ, Тошкент, 2001, 114-115-бетлар.

То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани¹.

Қуръони каримда айтилган фикрлар ҳадисларда янада кенгроқ ва муфассалроқ шаклда баён қилинган. Уларда ота-она ким бўлишидан қатъий назар фарзанд томонидан ҳурмат қилиниши, кексалик чоғида парвариш қилиши лозимлиги уқтирилади. Уларда кўтарилган фикрлар жумласига ота-онага сўзсиз итоат қилиш, уларнинг ризолигини олиш, хизматини бажариш, уларга меҳрибонлик қилиш, ота-она олдида ўзини камтар, хокисор тутиш ва бошқалар киради. Имом Исмоил Бухорий ўзининг “Ал-адаб ал-муфрад” рисоласида ота-она ҳақида қуйидагиларни айтади: “Ота-онангга итоат қил, агар улар дунёдан воз кеч десалар ҳам ҳурматлари учун буйруқларини ижро қил!”². Айниқса, фарзандлардан биринчи ўринда онани ҳурматини жойига қўйиш талаб этилади. Бу ҳақда ат-Термизий ҳадисларида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Баҳз ибн Ҳаким айтишича, унга отаси, бобосидан шундай ривоят қилган: “Ё Расулуллоҳ!-дедим,-Кимга эзгулик қилай?” Расулуллоҳ: “Онангга”, дедилар. “Яна кимга” деб эдим: “Онангга” дедилар. “Яна кимга?” дедим. “Отангга”-дедилар,-ундан кейин барча яқинларингга”, дедилар³.

Машрабнинг ижтимоий ахлоқий меросида ота-онасига муносабат масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Машрабдек шоирнинг онаси бўлиш катта бахт. Машраб қаердаки бўлмасин, бир зум онасини ёдидан чиқаргани йўқ. Шу билан бирга онанинг қалби дарду аламга тўла. У мискин, дили шикаста, юрак-бағри қонга тўлган. Фарзанди учун куйиб адо бўлган. Зуро, онанинг ёлғиз фарзанди Машраб ҳар доим узоқда дарбадар юрт кезади, шаҳру қишлоқ кезиб адолат излайди. Машраб юрт кезиб ҳақиқат излаб, онасидан ўз вақтида хабар олмайди. Дунёни дарбадар кезган шоир:

*Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юраги бағри қон онам.*

¹ Машраб. Девон. 2006, 407-408-бетлар.

² Имом Исмоил Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад 11-бет.

³ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. 42-бет.

*Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.*

*Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, бихишти жовидон онам.*

*Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.*

*Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.*

*Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мени хоку туроб етти юзи моҳи тобон, онам.*

*Сани кўп интизор этим фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилкашон онам.*

*Илоҳо, афв қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онаи зорим, гарибу нотавон онам,- дейди¹.*

Умри сафарда ўтган шоир доим онасига интилади. Жаннат битта. Аммо Машраб учун гўё жаннат иккита. Ҳақиқий жаннат бу гуноҳдан мосуво, Аллоҳнинг беғуноҳ бандалари учун абадий, боқий. Машраб эса она олдига етиб келганлигини жаннатга кириш билан баробар ҳисоблайди. Негаки, ўғил она олдидагина ором топади, мискин шоир онани кўриш ва уни зиёрат қилиш билан икки жаҳонда ҳам муроди ҳосил бўлгандек ҳис қилади. Зеро, ҳадисда: “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир”,-дейилган. Машраб онасининг меҳрибонлигини таъкидлайди.

У Биби Салимани Каъбага қиёслайди. Каъба-бу мўъмину мусулмонлар зиёрат қиладиган муқаддас даргоҳ. Каъба-Оллоҳнинг уйи, зиёратгоҳ. Машраб Каъбани бир неча бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлган комил инсон, шу боис у онасини

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 71-бет.

Каъбага менгзайди, уни тавоф қилиш учун келганлигини айтади. Зеро, онани кўриш, интизорлик ва фироқ ўтида юрган шоир учун дилини ёриш, дарду ҳасратларини айтиш, Каъбани зиёрат қилиш билан баробар эди. Машраб илоҳ (Аллоҳ) олдида ғариб онасидан ўз вақтида хабар ололмаганидан гуноҳини кечиришини илтижо қилади.

Ҳадисларда, булардан ташқари аёллар, умуман хотин-қизлар тўғрисида айтилган фикрлар кўплаб топилади.

Ҳадислардаги хотин-қизлар тўғрисидаги фикрларни таҳлил қилишдан олдин шуни айтиш лозимки, шўролар давридаги тадқиқотларда ислом динининг хотин-қизларга муносабати сохталаштирилди ёки нотўғри талқин қилинди, ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага бўйсундирилди. Хусусан уларда ислом динининг хотин-қизларга паст назар билан қараши, уларни таҳқирлаши, тенгсизлиги, ишлатмасдан фақат ичкарида тутқунликда сақлаб туриши тўғрисида кўп бўҳтон гаплар айтилди. Мустақиллик туфайли Қуръон ва ҳадисларда хотин-қизлар тўғрисидаги фикрларни холисона, ҳаққоний, қандай ёзилган бўлса шундай таҳлил қилиш, ўрганиш имкони туғилди.

Ҳадислар ҳар бир мўмин кишини аёлларга нисбатан яхши муомалада бўлишга, уларни ҳурмат қилишга даъват этади. “Сизларнинг яхшиларингиз,-дейлади уларда-ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хоружор қилур”¹. Бу ҳадисдан маълум бўладики, ислом дини хотин-қизларни пастга урмасликни, уни ўзи билан тенг кўришни, кийим-кечак билан таъминлашни, сўкмасликни, унга қўл кўтармасликни раво кўради. Яна бошқа бир ҳадисда юқоридаги фикрлар янада ривожлантирилади. “Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир. Бошқа дин аҳлларининг бири қўли ипга бормаган аёлга (яъни чеварчиликни билмайдиган аёлга.) уйланса ҳам бир-бирларидан безор бўлиб ажралишиб кетмайдилар”².

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 90-бет.

² Ўша манба. 44-бет.

Дарвиш Машраб узоқ сафардан келганда онаси Биби Салима оғир хасталаниб, тўшакда ётган, кўзи ҳам нурсизланиб фарзанди келганлигини илғай олмайди. Манбаларда, ривоятларда ёзилишича Машраб ҳовлисида икки соатлар Аллоҳни зикр қилиб, онаси кўзини очилишини муножот, илтижо қилиб Аллоҳдан сўраган. Шунда ҳовли, у зикр тушган жой икки газ ер чўкиб кетган экан. Терга тушиб кетган Машраб уйга кирсалар оналарининг ожиз кўзлари очилган, нурланган, Машрабни таниб, рози-ризолик айтиб, сўнгра омонатини Аллоҳга топширган.

Онасини тупроққа қўйган Машраб қирқ кун унинг қабри тепасида: “Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?” деб зор-зор йиғлаб, унга атаб жуда кўп мухаммаслар яратган:

*Бул ўлумнинг дастидин, эй дўстлар, ҳайрондуман,
Топмайин ҳеч чорайи ҳар ерда саргардондуман,
Найлайин ман бандайи шоистайи Раҳмондуман,
Дардим афзун, дил паришон бесару сомондуман,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?*

*Бул ўлумнинг дастидан, мандин забунроқ йўқ киши,
Зор йиғлаб бори гамда сарнигунроқ йўқ киши,
Меҳнати ҳижронда мандин нотавонроқ йўқ киши,
Манн етимдан бенаво, бехонумонроқ йўқ киши,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?*

*Найлайин ёлғиз манга йўқ, барчага келган ўлум,
Ҳазрати Одам Атомиздин мерос қолган ўлум,
Барча одам жисмини ер остига солган ўлум,
Ёлғузун манга эмас, эл жонини олган ўлум,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?*

*Булбули бечораман, эй гулистоним, қайдасан?
Қумридек ноландаман, руҳи равоним, қайдасан?
Йиғламоқдин қолмади бағримда қоним, қайдасан?
Эй фидо бўлсун санга бул танда жоним, қайдасан?
Жон қушининг манзили, оромижоним, қайдасан?*

*Ҳасратинг бошимга тушти, доғи аъзамдур букун,
Осмонни ўртасам оҳим билан камдур букун,
Оҳ уруб гурбат аро йиғлайки мотамдур букун,
Бир азиз бошимга юз минг гуссаю гамдур букун,
Йиғламоқдин қолмади ашки равоним, қайдасан?¹*

Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари таҳлил этилаётган ушбу қисмда шоир ижодини хорижда ўрганилиши мавзуси ҳақида мухтасар фикр юритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мавзу бўйича наманганлик тадқиқотчи Мусо Тожихўжаев машрабшунослик фанига изланиб, ўрганиб ҳисса қўшиб келаётганлигини таъкидламоқчимиз.

У аввало Машраб ижодида унинг устози Офокхожанинг хизмати баландлигини, шоир қайсики мамлакат ҳудудидан ўтса омма, ҳукмдорлар илиқ қарши олишини, аммо дарвиш шоир баъзи ахлоққа зид ишлар қилиб қўйиб уларнинг ғзабига йўлиқишини, аммо худога эътиқоди юксак шоир халқ орасида жуда машҳурлиги ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган:

Бир пўстин остида етти йил Офокхожа эшонга хизмат қилган Машраб инсонга бўлган севгиси учун қаттиқ жазога дучор бўлади ва бу даргоҳдан қувилади. Шу кундан бошлаб шоирнинг афсонаю ривоятларга тўла ҳаёти бошланди. У қаерда бўлмасин, меҳнаткаш халқнинг ҳурматига сазовор бўлади. Машраб ҳали шаҳар ёки қишлоққа кириб келмасданок кишилар унинг истиқболига чиққан. Дарвеш шоир уларнинг ҳузурида ғазалларидан ўқиб бериб, ўзининг ғайриоддий ва фавқулодда билими билан кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Кўплаб кишилар унга шогирд бўлишга, ҳукмдорлар эса мурид бўлишга ошиққанлар. Лекин обрў-эътиборининг ҳаддан зиёд ошиб бораётганини сезган Машраб айрим ахлоққа зид ишларни қилиб, уларнинг ғзабига дучор бўлади. Бунинг сабабини санокли мутасаввифларгагина насиб қилган бир ҳислат билан изоҳлаш мумкин. Машраб Иброҳим Адҳам ва Мансур Ҳаллож изидан бориб, дилни фақат аллоҳга топшириш, «Ишқ муҳаббат ягона

¹ Машраб. Девон. 2006. 457-458, 459-460-бетлар.

Ҳаққадур” ақидасига амал қилган. Соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, “Одамлар мени яхши кўриб қолиши, Аллоҳга бўлган меҳрлари сусайиши мумкин” ақидаси Машрабнинг асосий ғояси эди. Шунинг учун халқ орасида у “Девонаи Машраб”, “Телба Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Девонаи Барҳақ” деб номланган¹.

Бобораҳим Машраб ижоди Ғарбда-Европада XIX асрдан бошлаб ўрганила бошлаганлигини, унинг шеърлари таржима қилиниб, ғарб адабий доираларини фикрини ишғол қилганлигини фаранглар, немислар унинг ижодини юқори баҳолаганлигини қайд этиб ёзади: Шарқда Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг ҳаётлигидаёқ бошланган бўлса, Ғарбда-Европада эса изчил ва илмий ўрганиш XIX асрдан бошланган.

Биз биламизки, Шарқнинг кўплаб буюк адиблари асарлари аллақачонлар Ғарб тилларига таржима қилинган ва кенг ўрганилган. Жумладан, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ҳофиз Шерозий, Фузулий каби буюк шоирларнинг асарлари вафотларидан бироз вақт ўтгач, Ғарб адабий оламига кириб келганлар. Лекин гўзал ва ўйноқи, оҳангли, кенг маъноли ғазаллар соҳиби Машрабнинг ижоди наҳотки Европада қабул қилинмаган бўлса?! Бироқ кейинги тадқиқотларимизнинг натижалари шунини кўрсатаптики, ҳамюртимизнинг асарлари ҳам навоийшунослик, фузулийшунослик каби Ғарб адабий доираларининг фикрини тортган. Нозик таъб французлар шеърият ихлосмандлари бўлмиш олмонлар, жаҳонгашта венгрлар Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодига юксак баҳо берганлар².

Замонавий машрабшуносликка катта ҳисса қўшган рус олимлари Н.С. Веселовский, В.Л. Вяткин, У.Е. Остроумов, Н.С. Ликошинларнинг хизматларини юксак баҳолаганимиз ҳолда, улар билан тенг пайтда иш бошлаган Херман Вамбери, Мартин Хартман, Бернар Гренар, Дитрел де Рэн, Йоханнес Аветараниан, АҚШ Фанлар Академияси аъзоси, олмон шарқшуноси

¹ Мусо Тожиҳўжаев. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. Адабиёт кўзгуси. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 5-сон. Тошкент, 2000, 170-бет.

² Ўша манба, 171-бет.

Аннамария Шиммель каби тадқиқотчиларнинг бу борадаги хизматлари бениҳоя юксакдир.

Буюк олмон шарқшуноси, араб, форс, турк ва айниқса ўзбек тиллари мутахассиси, исломшунос олима А. Шиммель Шарқнинг кўплаб мутасаввифлари қатори Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашларини ҳам кенг ўрганган. Шиммель “Ипак йўли мерослари” китобининг “Германия ва Ўзбекистон” бўлимида машрабшуносликка катта ҳисса қўшган олмон шарқшуноси М.Хартман ва можор шарқшуноси Х.Вамбери номларини эҳтиром билан тилга олади¹.

Шунингдек, Машраб асарлари Туркияда босилганлиги, айниқса мутафаккирнинг “Мабдаи нур” нинг олти марта нашр этилиши, станбуллик Маҳмудбек матбасида чиқарилиши ҳақида маълумот бериб қуйидаги фикрларни келтирган:

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Марказий Осиё зиёлилари Туркистон эҳтиёжи учун бир қатор китобларни Туркияда нашр қилдирганлар. Ушбу нашрлардан бири ҳақида проф. И.Абдуллаев “Бобораҳим Машраб, Мабдаи нур” китобининг 24-25 бетларида “Ҳозиргача бизга “Мабдаи нур” нинг олти марта нашр қилингани маълум”, деб ўша китобларнинг нашр йили, жойи, кимнинг эҳтимоми билан нашр этилгани ва Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида белгиланган тартиб рақамлари келтирилган. Шунда олтинчи рақам остида қуйидаги ёзувни ўқиймиз:”...Сиддиқ хожа Хожандий эҳтимоми билан 1319 ҳижрий йил сафар ойида (1901 йил мелодий) стамбулда Маҳмудбек матбаасида босилган, 340-бет.

Устознинг сўзларини яна бир бор тасдиқлаш учун Мартин Хартманнинг 1902 йил август ойида ёзилган «Доно дарвеш ва авлиё ва даҳрий» китобининг сўзбошисидан бир парча таржима келтирамиз:...”Мен умуман кутилмаганда унга эришдим. Стамбуллик китобфурушлардан бири 1901 йилнинг кузида менинг Марказий Осиё адабиётларига оид илтимосимга кўра, икки литографик усулда чоп этилган китоб кўрсатди ва ўқиб берди. Бири Хувайдонинг шеърий девони, иккинчиси

¹ Ўша манба, 171-172-бетлар.

Машрабнинг шеърий девони: биринчи китоб Хўжаназар Жиманийнинг (Хувайдо унинг тахаллуси) шеърлари тўплами, “Девонаи Машраб” эса аксинча, Машраб тахаллусли кишининг кўплаб шеърларидан иборат ҳикоялари...”¹.

Мусо Тожихўжаев немис олимлари Намангандек кичик шаҳардан Машраб, унинг устозлари, ҳаммаслақ дўстлари чиққанлигидан, улар илмли эканлигидан ҳайратини яширмаганлигини, венгр олимлари эса Машраб кўлёмалари уларда сақланаётганлигини билдирганлигини айтади:

Наманган шаҳри асримиз бошларида Фарғона водийсининг гўзал масканларидан бири бўлиб, аҳолиси эса атиги 61 минг киши экан. Шундай кичик жойдан XVII-XVIII асрларда Машраб, мулло Бозор охунд ва тарихчи Зиёвуддин Исҳоқ Боғистоний каби буюк сиймолар чиққани олмон олимини ҳайратга солади. У Наманган ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун олмон ориенталисти Ф. Шварцнинг «Туркистон» номли китобига мурожаат қилади. Бундан ташқари, Хартман Қашқарда узоқ йил яшаган венгр ориенталисти Й. Аветрианиан билан ёзишиб, “Шоҳ Машраб” ва “Девонаи Машраб” ҳақида кўшимча манбалар сўрайди. Аветрианиан “Девонаи Машраб”даги ғазалларда кўплаб ғализликлар борлигини айтади ва Қашқардаги уйида Машраб, Офокхўжа шахсларига оид ёзувлар борлиги “Девони Машраб”нинг нуқсонсиз, чиройли ёзилган кўлёмма, тошбосма нусхалари сақланаётганлигини билдиради. Бу ёзувлардан кўринадики, Бобораҳим Машраб ҳақида илк бор илмий изланишлар олиб борган олимлардан бири венгр олими Йоханнес Аветрианиандир².

“Шоҳ Машраб” да берилган тарихий фактлар, шахслар номи ва саналар билан бир қаторда ривоятлар ҳам олмон шарқшуносининг эътиборини тортганини пайқайди. Фикримизнинг исботи учун Машрабнинг Шайх Нуриддинни шайтонлар чангалидан қутқариш учун йўлга чиққач, тоғ довоида Офокхўжа томонидан дарвеш шоирга совға қилган муқаддас Қуръон ўғирлаш нияти бўлган ўғри воқеасининг жойи Хартманнинг фикрича, халқ китобида нотўғри берилган. Бу воқеа

¹ Ўша манба, 173-бет.

² Ўша манба, 173-бет.

Ўқсалурда-қирғизлар қишлоғида рўй берган деб билади. Мақолада оддий халқнинг Машрабга бўлган муносабати, дарвеш шоир номи билан боғлиқ доvon, турли мазорлар, чегара пости ҳақида сўз юритганда Европа кишиларининг маҳаллий аҳолига бўлган ҳурмати ҳам акс эттирилган. Лекин кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мақолада Машрабнинг вафоти 1105 ҳижрий (1693 мелодий) деб берилган. Бу янглишиш сабабини қуйидаги икки факт билан изоҳлаш мумкин: М. Хартман жойларда турли кишилар билан мулоқотда бўлган. Бу кишилар шоирнинг ҳаёт йўлини турлича талқин қиладилар, уларнинг маълумотлари кўпинча бир-бирига зид эди. Инглиз шарқшуноси Ховарт Афғонистондаги ҳукмдорлардан иккита Маҳмудларни ўзининг “Туркистон” номли китобида келтирган¹.

Масалан, “Туркестанские ведомости” нинг 1896 йил сонида П.Л.К.Ю. ўзининг «Марғилон мактублари» мақоласида рус ўқувчиларини Машраб ҳаёти ва ижоди билан таништириш зарурияти ҳақида ёзади. Ҳамда профессор Н. И. Веселовскийнинг 1895 йилда Петроградда нашр этилган “Шарқ хотиралари” (“Восточные заметки”) китобидаги мазкур масалага доир фикрларни келтиради. Профессор Веселовский ўша асарида шундай деб ёзади: Девонаи Машраб-Ўрта Осиёда жуда ҳам машҳур бўлган беадаб, ҳазил-мутойибачи. Мазмунан одоб-ахлоқдан ташқаридаги ҳикматлар, панд-насихатлардан тузилган тўпламлари бор. Бизнингча, турли диний масалаларга муносабатда ҳурфикрли одам сифатида ҳамда ўзбеклар босқинигача бўлган давр халқ ақлий ҳаёти маҳсули сифатида бу шахс чуқур диққат-эътибор ва ўрганишни талаб этади. Девона маҳаллий руҳонийлар билан турли масалаларда доим баҳслашган ва ҳамиша ғолиб чиққан!².

Истисносиз шуни эътироф қилган ҳолда қайд этмоқ бурчимизки, хатирчилик машрабшунос олим Жалолоддин Юсупов 1990 йилда 416 бетлик шоирнинг ғазал ва турли жанрдаги шеърӣ асарлари бўлган-мустаноз, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъларини тўплаб “Меҳрибоним-қайдасан” мажмуасини нашр этган эди. Ўша тўплам нашрига

¹ Ўша манба, 174-бет.

² Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шох Машраб? Наманган, 2007, 40-41-бетлар.

Рауф Парфи фидоийлик қилиб Ж. Юсуповга хайрихоҳлик кўрсатган экан. Буни Ж. Юсупов доим миннатдорлик билан эслаб юради, ўша тўпламга тасаввуф олими Н. Комилов ва Ғ. Саломов сўзбоши ёзиб Ж. Юсуповнинг қилган меҳнатини қайд этган эдилар.

Орадан ўн олти йил ўтиб 2006 йилда нашр қилинган “Машраб. Девон”и ҳажман салмоқли бўлиб ноширлар уни Шарқ миниатюрачилиги расмлари билан безаб ўқувчиларга тухфа этди.

Бу “Девон”ни нашрга тайёрлашда Ж. Юсупов олдинги тўпламга кирмай қолган жанрдаги шеърий манзумаларни ҳам қайта-қайта таҳрир этгани ҳолда 280 та ғазал, 21 та мустазод, 4 та мураббаъ, 78 мухаммас, 7 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 1 та мусамман, 1 та маснавий, 11 та фард, 4 та тўртликларни-жами 414 та шеърий асар ва 608 бетлик, 62 босма табоклик тўпламни тайёрлаган. Демак, Машраб ўзбек шеърий жанрларининг деярли ҳаммасида ижод қилганлиги кўзга ташланади. Ж. Юсуповнинг хизмати шуки, роса 50 бетлик луғат ва изоҳлар ёзган, 45 бетлик кириш сўз битиб Машраб ҳаёти фаолияти, унинг ғазаллари ва бошқа турдаги асарлари аҳамиятини шарҳлаб берган.

Ушбу тадқиқот улуғ шоирнинг ҳамма жанрларда ёзган ва 2006 йил “Машраб” “Девон”ига киритилган асарларини 1 (бир)тадан таҳлил этишни мўлжаллаган.

Шу муносабат билан Ж. Юсупов яшаб ижод қилган вилоят газетаси «Дўстлик байроғи» (Навоий вилояти) 2007 йил 20 март куни “Шоҳ Машрабни Хатирчидан изланг” илмий мақоласи суҳбат эълон қилинди”.

Ж. Юсупов шу фикрларни қайд этган:

Миллий қадриятларимизни қайта тиклаш борасида юртдошларимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Ана шулардан бири сифатида Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, бобокалонимиз, шарқ халқларининг ифтихорига айланган файласуф шоир Раҳимбобо Машрабнинг адабиётшунос олим Жалолиддин Юсуфий томонидан тузилган янги “Девон”и нашрдан чиқарилганини тилга олиш жоиз.

Мазкур мукамал “Девон”га сўз боши қолдирган захматкаш адабиётшунос олим, профессор Ғайбуллоҳ-ас-Саломнинг таъбирича «...девонай Машраб биз учун “янгилик” эмас. Йирик

адабиётшунос олимларимиз шоирнинг ижодий фаолиятини обдон ўрганишган... Қалбларни жунбушга келтирувчи ғазаллари одамларга ёд бўлиб кетди. Том маънода ХАЛҚ ШОИРИга айланган...”.

Аммо халқларимизнинг меҳр-муҳаббатига айланган, эл севган Машраб каби даҳо шоирнинг пароканда ғазалларини асл ҳолича қайтадан нашр этишдек заҳматли юмуш хатирчининг гўзал Михчагар аталган қишлоғида яшовчи адабиётшунос олим Жалолиддин Юсуфий зиммасига тушибди. Девон Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа марказида чоп этилди. Мазкур мукаммал девонни кенг китобхонларга етказишда ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган Хатирчи туман ҳокими Э. Турдимовга ноширлар алоҳида миннатдорлик изҳор этганлар. Зеро, Машраб шеърляти ихлосмандлари учун ушбу тухфа бебаҳо хазина бўлиб қолади...¹.

Халқ орасида дил ўртар ғазаллари туфайли Машраб, девонаи Машраб атовлари билан машҳур бўлган шоир Раҳимбобо Машрабнинг 1990 йилда тўрт юз саҳифалик «Меҳрибоним қайдасан» китобига тартиб бериб чоп этиришга муваффақ бўлгандик. Албатта, шўро сиёсатининг таъсири сезилиб турган ўша китоб яшин тезлигида китобхонлар орасига тарқалган бўлса-да, машрабшунос олимларнинг таклифларига кўра вақт бу китобни яна қайтадан тўлдиришни тақозо этарди. Вақт ўтди. Шахсий кутубхонамда сақланаётган даҳо шоирнинг 20 дан ортиқ, халқ орасида “Девонаи Машраб” номи билан тарқалган ғазаллари қўлёзмаларини ўттиз йил мобайнида такрор ва такрор тадқиқ этиш туфайлигина қўлингиздаги “Девон” қайтадан чоп этирилди².

Машрабнинг ғазаллари, мухаммаслари, мустазодлари, мураббалари, мусаддаслари, мусамманлари, маснавий ва фардларининг ҳар бири тадқиқотга арзийди. Бизгача шоир меросига дахлдор “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари ҳам етиб келганки, уларнинг ҳар бири ўзгача олам касб этган. Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарига шарҳ тарзида ёзилган «Мабдаи нур» асарини ўз вақтида профессор Фитрат ўзининг илмий

¹ Дўстлик байроғи. Шох Машрабни Хатирчидан изланг. 2007, 20 март, 5 саҳифа.

² Ўша манба, ўша жой..

изланишларида Машраб ижодига мансуб эканлигига ишора берганлар. Шоҳ Машрабнинг навбатдаги асарлари “Кимё” эса “Мабдаи нур”нинг мантиқий давомидир. Бу асарда 22 та кимё берилган бўлиб, ҳар бир кимё учун бир-иккитадан ҳикоят келтирилган. Кейинги асар “Қиссаи Вайсул Қараний” деб аталади. Ҳазрат Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” номли асарида Шайх Увайс Қараний ҳақида, бу табаррук зотнинг фазилат, хислат ва кароматлари ҳақида муҳаббат билан битилган сатрларни ёзиб қолдирганлар. “.. Онинг ҳолатини тамом битиса, яна бир бошқа китоб битимак керак”,-дея лутф қилганлар. Навоийнинг бу орзуларини кейинчалик Шоҳ Машраб амалга оширдилар. Шунингдек, Шоҳ Машрабнинг “Қиссаи Меърожномайи Расули Акрам” (с.а.в.) ҳақидаги асари мустазод жанрида ёзилган бўлиб, «Қиссаи Машраб» қўлёзмаларида учрайди¹.

Мен бутун умримни Машраб ижодига бағишлаганимдан афсусланмайман!

Падари бузрукворимнинг тилагини ва васиятини амалга ошириш йўлидаги уринишларим бу, холос. Раҳимбобо Машраб Қуръони Кармини ёд билган, тафсир ва фикҳ илмларини мукаммал эгаллаган. Унинг руҳий олами ирфон ва илоҳий илм билан машғул бўлган. Машраб пайғамбаримизнинг 600 дан зиёд ҳадисларини асарлари мағзига сингдириб юборган. Жаҳон адабиётида ижоди Машрабчалик пароканда шоир ўтмаган бўлса керак. Яқинда камина Машрабнинг “Кимё” асарини нашрга тайёрламоқчиман. Кейинроқ эса “Мабдаи нур” ҳам китоб ҳолига келиб қолади. Амир Насруллоҳон давлатида воизлик хизматида турган, Ёрмуҳаммад Мухлис Намангонийнинг Машраб ҳақидаги рисоласи тадқиқоти ҳам охирлаб қолди. Яқинда эса “Нурота” радифли мухаммас ҳам топилдики, ундан бир парчани азиз мухлисларимиз эътиборига тавсия этамиз:

*...Пирнинг амрин дилга жо айлаб келибман, Нурато,
Чун саломат еткур анда Холиқу арзу само,
Ҳар киши келса умид айлаб, бу даргоҳга яқин,
Ноумид қилма қулингни бу туфайли, Нурато...².*

¹ Ўша манба, ўша жой.

² Ўша манба, ўша жой.

Мазкур тадқиқотнинг ушбу бўлимида Машрабнинг турли жанрдаги асарлари, хусусан у шеърятнинг мустазод, мурабба ва мухаммас жанрига энг кўп ҳисса кўшганлигини таъкидламоқчимиз. Шунингдек, Машрабнинг ўзбек классик жанри ғазалчиликка Навоидан кейин салмоқли ҳисса кўшган шоир эканлигини қайд этмоқчимиз.

Ўзбек классик адабиётининг йирик намояндалари ҳам, уларнинг ижодларини у ёки бу даражада ўрганган қадимги тазкиранавислар ҳам, ҳозирги замон адабиётшунос олимлари ҳам ғазал жанрининг заминлари тўғрисида фикр юритганда, форс-тожик ғазалиётининг таъсири масаласига диққат қиладилар. Устоз ғазалнависларнинг номларини зикр қилганларида, биринчи ўринда форс-тожик шоирлари номларини айтадилар. Масалан, Алишер Навоий ғазал жанри устозлари ҳақида гапириб, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Жомий номларини тила олади.

Ўзбек шоирлари учун форс-тожик классик шеърятини анъаналари ўзига хос бир мактаб эди. Улар бу поэзиядан ўрганиб ундаги анъаналарни ўзбек поэзиясига тадбиқ қилар ва катта муваффақиятларга эришар эдилар. Ўша вақтларда эски ўзбек тилида ижод этган шоирлар, аввало, лирик турнинг кичик жанри-ғазалда ўз кучларини синаб кўрар ва бу соҳада форс-тожик шоирлари билан мусобақалашар эдилар. Шунинг учун ҳам, Е. Э. Бертельснинг кўрсатишича, “Лутфий ўзининг бутун маҳоратини кичик лирик формани ишлаб чиқишга қаратди. Унинг учун ҳамма эътироф этган ғазал усталари Камол Хўжандий ва Ҳофиз асосий намуна эди. Лутфийнинг ўзи Камол билан мусобақалашини ўзининг асосий вазифаси қилиб қўйган эди”¹.

Форс-тожик ва ўзбек халқларининг қадимий дўстлиги ва ҳамкорлигини кўрсатувчи жуда кўп маданий-адабий фактлар мавжуд. Жумладан, Навоий, Бобир, Машраб, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз сингари ғазал усталари фақат ўзларидан олдинги ёки ўзларига замондош бўлган ўзбек шоирларининг асарларигагина эмас, балки форс-тожик адабиёти вакиллари бўлган Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Абдурахмон

¹Е. Э. Бертельс. “Навоий и Джами”, стр. 58.

Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқа шоирлар ғазалларига ҳам мухаммаслар боғлайдилар. Назира ва татаббуълар ёздилар. Бундай шеърлар тожик ва ўзбек тилларида ёзилган¹.

XVII-XVIII асрларда жуда кўп шоирлар Фузулий шеърлари таъсирида асарлар битдилар, унинг ғоявий-бадиий анъаналарини давом эттирдилар, озарбайжон тили элементларини ўз шеърларига олиб кирдилар. Буни Вафоий, Турди, Машраб, Роқим. Равнақ, Андалиб, Нишотий, Мужрим Обид ва Мунис сингари кўпгина шоирлар ижодиётида, жумладан, ғазалиётида кўриш мумкин. Худди шундай ҳодиса XIX асрда ҳам давом этди. Нодира, Увайсий, Ғозий, Гулханий, Махмур каби шоирлар Фузулий анъаналарини давом эттирдилар.

XVII-XIX асрнинг ўрталарида ўзбек ғазалиёти формал-поэтик жиҳатдан ҳам тараққий қилди, ғазалнинг турлари кўпайди. Бу даврда ғазали муламмалар, ғазали мувашшаҳлар ва ғазали мушоиралар кўп яратилди.

Машраб, Махмур, Мунис каби кўпгина истъдодли шоирлар ғазали муламманинг гўзал намуналарини яратган бўлсалар, Нодира, Увайсий ва бошқа шоирлар ғазали мувашшаҳнинг яхши намуналарини битдилар. Маҳзуна, Фазлий каби шоирлар мушоира ғазаллар яратдилар².

Машраб классик адабиётимиз йирик намояндаларининг анъаналари заминиди, улар меросларини тинмай ўрганиш, мутолаа қилиш асосида ижодкор бўлиб шаклланди, вояга етди. Шоир асарларида, биринчи навбатда, унинг ишқий лирикасида ана шу анъаналарнинг таъсирини кузатиш мумкин. Масалан, Машраб Лутфийнинг машҳур:

*Сен-сан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма³,*

матлаини қабул қилиб, уни шу ўйноқи вазн, шу қофия-радиф, шу руҳда давом эттиради ҳамда буюк устозига ҳурмат ва унинг санъатини тан олиш белгиси сифатида ўзининг гўзал ғазалини яратади:

¹ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. «Ўзбекистон», Тошкент, 1979, 32-33-бетлар.

² Ўша манба, 53-54-бетлар.

³ Лутфий. Танланган асарлар. Ўз.дав.нашр. Тошкент. 1958, 22-бет.

*... Лаълинг гамидин кўнглум эрур гунчалари қон,
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Заҳри гами ҳажринг мени ўлдурғали етти,
Эй лаб шакарим хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Машраб каби кўйингда бўлуб барқи тажалли,
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма¹.*

Бу татаббу Машрабнинг Лутфий лирикасидан баҳраманд бўлганлигига, ўрганганлигига ишончли ҳужжатдир. Машраб ижодига, унинг камолга эришувига, айниқса, улуғ Алишер Навоийнинг мероси ижобий таъсир кўрсатади.

Шоирнинг энг яхши асарларида биз Навоий фалсафасини, дунёсеварлигини, мазмуннинг ҳаётийлиги, чуқурлиги ва тил соддалигини кўрамиз, вазн равонлиги ва ўйноқилигини қайд этамиз, мавзу танлаш ҳамда уларнинг бадиий талқинида яқинлик ва ўхшашликни учратамиз. Буни Навоий ва Машраб ғазалларининг биринчи байтларини қиёслашнинг ўзидаёқ кўриш қийин эмас. Навоий:

*Оҳким ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлигим афсона бўлди оқибат..²
Ёшурун дардимни зоҳир қилди афгон оқибат,
Асрагон розимни ёйди сайли мужгон оқибат³.*

Машраб ёзади:

*Найлайин, дилдордин бегона бўлдум оқибат,
Юз гаму ҳасрат билан ҳамхона бўлдум оқибат...⁴
Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат⁵.*

¹ Машраб. Танланган асарлар. 21-бет.

² Алишер Навоий. Хазойинул маоний. I-том. 92-бет.

³ Алишер Навоий. Хазойинул маоний. II-том. 78-бет

⁴ Машраб. Танланган асарлар. 121-бет.

⁵ Ўша манба, 122-бет.

Марҳум манзурнафас ва кучли овоз соҳиби Ўзбекистон, Татаристон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров Машраб ғазалларидан кўп ашула ижро этан. Унинг “Азалдан то абад кўнглум қутилмас ишқ балосидин” мисраи билан бошланувчи ашуласини тингламаган шинаванда йўқ эди, бу ғазал ўзбек ғазалчилиги талабига жавоб бўладиган Машраб шеърий ижоди намунасидир.

*Азалдин то абад кўнглум қутилмас ишқ балосидин,
Юроким раҳналар бўлди бу ишқнинг можаросидин.*

*Хаёлимда санинг васлинг тополмасман, мани ҳайрон,
Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин.*

*Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,
Рақиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.*

*Санам, сансиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,
Кел, эй кўнгул кечоли бул тирикликнинг бақосидин.*

*Санам, ишқинг ўти охир мани бехонумон этти,
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.*

*Хароб ўлди манинг кўнглум кишим йўқтурки роз айтсам,
Сўнгаклар раҳналар бўлди дилимнинг оҳу восидин.*

*Сани ишқинг билан йиғлаб, агар Маҳшарда оҳ урсам,
Куярлар мўмину кофир бу Машрабнинг навосидин¹.*

Ўзбек классик поэзиясида кўп тарқалган лирик жанрлардан бири мустазоддир.

Алишер Навоий “Мезонул-авзон” асарида мустазодга бундай таъриф беради:

“Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт боғлаб

¹ Машраб. Девон. 212-бет.

битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға келтурурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш, андоқким (мустазод):

*Эй, хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун
мазҳар сенга ашё,
мафъулу фаулун.
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,
олам санга мавло”¹.*

Навоий таърифидан маълум бўладикки, мустазод ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мафъулу мафойилу мафойилу фаулун) вазнида ёзилиб, охирги икки рукнига мос тўла бўлмаган мисра орттирилган экан. Мана шунинг учун бу жанр бир-бири билан алоқада бўлган орттирма маъносини берувчи м у с т а з о д (зиёдалиқ) деб аталади. Бошқа муаллифлар ҳам мустазоднинг шу хусусиятини ифодалаб, мулоҳаза юритганлар. Мустазоднинг ғоявий-тематик мундарижаси худди ғазалники сингари бўлганидан ўтмиш муаллифлар мустазодни тематик-ғоявий хусусиятларини алоҳида ёритмаган бўлишлари мумкин.

Янги замон адабиётшунослари мустазод ва унинг келиб чиқиши, хусусиятлари тўғрисида, ғазалга алоқаси ҳақида қимматли фикрлар берадилар. Чунончи турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Левенд, Е.Э. Бертельс, А. Ҳайитметов, Э. Рустамов, М. Зокирий ва бошқалар мустазод, унинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, унинг ғазалга ўхшашлигини, ундан ўсиб чиққанлигини таъкидлайдилар. Жумладан, профессор Е.Э. Бертельс қуйидагиларни ёзади:

“Мустазод нисбатан камроқ учрайдиган формалардандир. Бундай шеърлар қуйидагича тузилади: ўз шаклига эга бўлган одатдаги ғазалга ҳар мисра охирида қофиядан сўнг ўша вазннинг бир ёки икки стопаси қўшилади. У янги қофияга эга бўлиб,

¹ Алишер Навоий. Асарлар, XIV том. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967, 180-181-бетлар.

ғазалнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу қўшимча ўзига хос нақоратдир”¹.

Адабиётшунос олим А. Абдуғафуров Машраб шеърининг мустазод ва мурабба жанрида сермахсул ижод қилган шоир эканлигини таъкидлаб ёзади:

Машрабнинг адабиётимиз тарихидаги улкан хизматларидан бири қатор лирик турларнинг шеъринингда узил-кесил қарор топиши ва шакл сифатида қатъий ўрин эгаллашида юзага чиқади. Гап моҳият эътибори билан соф лирик тур бўлган ва ҳанузгача илмда деярлик ўрганилмаган мустазод ва мураббалар ҳақида бормоқда. Шоир ижодий фаолиятининг бу соҳаси амалий аҳамиятини яхшироқ тасаввур этиш учун шуни айтиш керакки: Алишер Навоийнинг ўн олти адабий турда уч минг бир юздан ортиқ шеърларини ўзида жамлаган «Хазойин ул маоний» девонида фақат тўрт донагина мустазод учрайди, мурабба турдан эса умуман намуналар йўқ².

Навоий ижодий меросида мустазодлар сон жиҳатидан кўп эмас. Аммо шоир лириканинг бу ўйноқи турига ҳам алоҳида аҳамият беради. “Хазойин ул-маоний”ни ташкил этувчи девонларнинг ҳар бирига, шоирнинг ўз иборалари билан айтганда, “дилпазир мустазодлар”дан киритилиши, бизнингча, тасодифий бўлмаган: бу билан улуғ шоир мустазоднинг шеъринингда ғазал, мухаммас, мусаддас ва бошқа турлар қаторида қонуний ўрин олиш ҳуқуқини махсус таъкидлаб ўтган, деган хулосага келиш мумкин. Бобораҳим Машраб эса улуғ шоирнинг бу ишорасини тўғри тушунган кўринади. У умуман адабиётимиз тарихида энг кўп мустазод яратган ижодкорлардан бири. Машраб мустазодлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Улар орасида Навоий мустазодларига татаббу тарзида яратилган тасаввуфий намуналар ҳам, гўзалликни улуғловчи, маъшуқа хусни-латофатини васф этувчи, ошиқнинг севги-садоқатини тараннум қилувчи ўрнаклар ҳам анчагина.

Ва ниҳоят, Навоий ижодий фаолиятига хос яна бир катта фазилатнинг Машраб томонидан қабул қилиниб, давом

¹ Е.Э. Бертельс. Навои и Джами, стр. 88.

² А. Абдуғафуров. Машраб маҳорати. Адабиёт кўзгуси. 1984, 4-сон. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 4-сон. Тошкент, 1998, 81-бет.

эттирилгани ҳақида ҳам эслаб ўтайлик. Гап зуллисонайнлик, яъни икки тилда қалам тебратиш тажрибаси устида бормокда. Машраб бу анъанани давом эттириб, қатор форсча шеърлар яратади, ўзбек ва форс тилларида ширу шакар шаклида ғазаллар битади¹.

Бобораҳим Машраб мумтоз шеъриятимиз тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан биридир. Шоир ҳаёти ва меросининг чуқур билимдони проф. Абдурауф Фитрат 1930 йилда босилган мақоласида бу ҳақда шундай ёзади:

“Машрабнинг энг кўп суйган шакли мустазод шаклидир. Мустазод ғазалнинг ҳар бир мисрасидан кейин шул мисрадаги вазнининг маълум бир миқдори қадар сўз илова қилинган шаклга айтиладур... Ўзбек ва чигатой шоирлари орасида мен Машраб қадар мустазодни кўп ёзган шоирни учратмадим. Машрабни чиройли мустазодлари бор”. Проф. Фитрат “Чиройли мустазодлар”га мисол сифатида ўз мақоласида :

Бу хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,

Ул гунчаи хандон.

Ул гул юзини ишқида мен волаю ҳайрон,

Ул зулфи паришон.

матлаи билан бошланувчи мустазоддан тўрт байт келтиради.

Равшанки, гап Машрабнинг сон жиҳатдан кўп мустазод ёзганлигидан эмас. Проф. Фитратнинг «кўп» мезони қаторида пурмаъно “чиройли” деган баҳони ҳам алоҳида таъкидлаши худди шундай ёндашганини кўрсатади. Чиндан ҳам, Машраб мустазодларининг ҳар бири ўқувчи ва тингловчиларни аввало юксак бадиияти ва ҳаётий мазмуни билан ўзига ром қилади. Худди ғазаллар каби, шоир мустазодлари марказида инсон ва унинг камолоти, эрк-эзгулик ва юксак фазилатлар даъвати туради. Бу соф дунёвий ва чин халқчил ғоя асосан ишқ-муҳаббат ва вафо-садоқатни, гўзаллик ва инсоний интилишларни улуғлаш воситасида, висол лаззатлари ва қувончи, ҳижрон укубатларидан шикоят мазмунлари ечимида, киши қалбининг нозик тебранишлари ва ширин орзу-хаёлнинг чексиз парвозлари талқинида ниҳоятда таъсирчан бир услубда олға сурилади. Шоир

¹ Абдурашид Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. 165-бет.

мустанозларида гўзалликда тенги йўқ ўзбек аёли-маъшуқа чеҳраси бутун ҳусну латофати, нозу ишваси, келишган қадди қомати ва чиройли юриш-туриши билан худди тирикдек аниқ гадаланади. Айни замонда, ўз севгисига содиқ, висол йўлида барча азоб-уқубатларга, синов-тўсиқларга тайёр чин ошиқнинг руҳий кайфияти, ички кечинмалари, севгиси томон талпиниши лирик “мен” тимсолида жуда жонли ва жуда ишонарли намоён бўлади:¹

*Ширин суҳану моҳи башар, хури лиқое,
Хусн аҳлига сардор.
Жонимни ҳалок этмак учун турфа балое,
Ул золими хунхор.
Шайдою саросимаю девона қилибдур,
Бечора кўнгулни.
Бошимга, баче, ёғдурубон тири жафое,
Ул шўхи ситамкор.
Гар истар эсанг хусни закотингни берурни,
Оламда топилмас.
Мендек яна бир мустанозига зору гадое,
Ишиқингга гирифтор.
...Васлингга ҳаётимни нисор этсам ажаб йўқ,
Машрабки бўлуб маст.
Булбулга не тож жонини гар қилса фидое,
Кўргач гулу гулзор.*

Машраб умумлирикасининг, жумладан, мустанозларининг хос хусусиятларидан бири мавҳум баёнчиликдан қочиб, ҳаётийликка интилишда, бевосита тасвирга-лавҳаларда кўрсатишга асосий диққатни қаратишда кўринади. Бундай, таъбир жоиз бўлса, “кўргазмалилик” шоир ижодининг хусусан, лирикасининг бош фазилати даражасига кўтарилган, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, мана бу мисраларга диққат қилайлик. Шоир ошиқ билан маъшуқанинг кўчада кутилмаганда учрашиб қолиш лавҳасини моҳир наққошдек жуда жонли чизади. Уларни ўқиган

¹ А. Абдуғафуров. Машраб маҳорати. 1998, 4-сон, 82-бет.

ҳар бир китобхон келишган кийимларини хилпиратиб чиройли юриш билан ўтаётган маъшуқани ҳам, унинг ошиқ, “қош қоқиши”, имо билан “бир боқиши” ва “юз жилва”сини ҳам, ошиқ юрагини ўртаб бепарво кетишини ҳам гўё «ўз кўзи билан кўради». Айни замонда, ногоҳоний учрашувдан довдираб, саросимага тушган ошиқнинг жон талвасасида ёр томон тинимсиз эгилиб таъзимини ҳам равшан “кузатади”, маъшуқанинг бепарво ўтиб кетишидан унга юзланган руҳий изтиробларни ҳам жуда аниқ ҳис этади¹.

Машрабнинг мустазод жанрига мисол бўлувчи ўйноқи дилбар шеъри қуйидагидир:

*Нозик бадано, сунъи Худованди жаҳонсан,-
Эй офати даврон,
Зулфи чу мусалсал, қоши ёсан, на балосан,-
Жон тахтига султон.
Билмам на бало кўз учидин гоҳ боқарсан,-
Эй кўзлари офат,
Гоҳ мунда, гаҳи анда манга жилва қилурсан,-
Банданга на фармон?
Эгма қошинга вусма қўюб жоним олурсан,-
Раҳминг нега келмас?
Ҳам кулгу билан қайрилибон гамза этарсан,-
Эй қошлари камон,
Монанди қуёшдек юзунга ман боқа олмон,-
Бўлдум тақи гирён,
Ваҳ, нуқра бадан, писта даҳан, нозук адосан,-
Хуш лаҳжайи хушхон,
Машраб сани деб кечти тамом икки жаҳондин,-
Раҳм айла, нигорим,
Ёлбора санга ташлади ўзни, на қилосан,-
Эй дилбари жонон²?*

Ўзбек классик шеърлятида мусаммат Алишер Навоий ижодиётдан бошланади. Навоий мусамматнинг ҳар икки турида

¹ Ўша манба, 82-бет.

² Машраб. Девон. 342-бет.

асарлар яратди. У “Муҳокаматул-луғатайн”да асарларнинг шакл ва услуб хилма-хиллиги ҳақида сўзлаб бундай деган эди: “... Ажам шуароси ва форс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига тил ва намоиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъно акбориға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға муяссар бўлмайдур...”

Навоийдан кейин ўзбек классик шеърлятида мусаммат ёзиш кенг тарқалди. Авваллари кўпроқ мухаммас, мусаддас каби жанрларда шеърлар битилган бўлса, Машрабдан (XVII аср) бошлаб мураббаъ жанри ҳам салмоқли ўрин олди¹.

Мурабба-ўзаро қофияланган бир неча тўртлик шаклидаги бандлардан ташкил топган лирик шеърлий шакллардан бири. У қофияланиш тартибига кўра, бошқа шеър турларидан фарқ қилади: у а-а-а-а б-б-б-а, в-в-в-в шаклида қофияланган бўлиб, асар охирида шоир ўз тахаллусини келтиради. Ўзбек адабиёти тарихида мурабба Машраб, Огаҳий, Муқимий каби шоирлар ижодида мавжуд².

Машрабнинг сўнги 2006 йилги девонига 4 та мураббаси киритилган. Бу жанр халқ мумтоз адабиётининг энг гўзал шеърлий жанри ҳисобланиб, унинг енгил ва ўйноқи оҳанги ашулага айниқса, мақом куйига мос тушади. Биз кўп ҳофизлар томонидан ижро этилган “Ёрга етар кун борму, ёронлар” ашуласи жуда машҳур бўлиб кетганлигини биламиз.

Машраб бутун ижодига хос бўлган халқона услуб ва бадий-тасвирий воситаларнинг ранг-баранглиги, самимийлик ва жўшқинлик ўзининг бутун фазилатлари билан мураббаларида ҳам кўзга ташланади. Агар худди мустазодлар каби, мураббаъ ҳам Машрабгача адабиётимизда кам ишлатилганлигини назарга олсак, шоир яратган тўрт-беш етук намуналарнинг ўзиёқ катта амалий-назарий аҳамиятга молик эканлиги намоён бўлади.

Шоир меросида умумий ҳажми йигирма саккиз банддан иборат бўлган, мавзу ва талқин жиҳатдан бир-бирининг мантиқий

¹ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. 115-бет.

² А. Зуннунов, Н. Хотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. «Ўқитувчи», Тошкент, 1978, 140-бет.

давоми сифатида ўқилувчи тўрт мураббадан ташкил топган туркум мавжуд. Соф инсоний ишқ-муҳаббат, севгига садоқат ва висолга интилиш мавзуида бўлган бу туркумнинг биринчисида фуқаратдаги ошиқнинг дарду хасратлари, айрилиқдаги ички кечинмалари, киши қалбини ўртовчи оҳу ноласи ниҳоятда таъсирчан ва ҳаётий ифодаланган. Шу бандданок халқ кўшиқлари вазни ва руҳи, жўшқинлиги ва жозибаси яққол кўриниб турган мураббада романтик кайфият ҳам етакчилик қилади. Машраб ошиқнинг чин севгисини, маъшуқага садоқати ва фидоийлигини чизишда романтик тасвирга, халқ кўшиқлари тажрибасига мурожаат этмоқда. Ошиқнинг севгилиси нома ёзиши, “кўксининг дардини тошга битиши”, бод (шамол) га ёлбориб ёрига салом етказишни илтижо қилиши ўқувчи кўзи олдида фавқулодда манзара шакллантиради, ширин ҳаёллар оғушига элтади¹.

*Аввал деёюн ҳамди Худойим,
Дуввум дуруди ул Мустафойим,
Мандин узоқда ул дилрабойим,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Ул меҳрибондин ўлдум жудое,
Ииқида куйдум, бўлдум адое,
Тошларни ёрди кўксумни оҳи,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Кўрмай юзингни девона бўлдум,
Халқи жаҳондин бегона бўлдум,
Юз дарду замга ҳамхона бўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Ёрим ёнимдин ул кунки борди,
Тиги жафоси кўксумни ёрди,
Кетти дил учуб, жон қуши қолди,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

¹ Адабиёт кўзгуси. № 4. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. 85-86-бетлар.

*Ёрдин жудо ман ўлгунча бўлдум,
Қонларни юттум, ҳасратга тўлдум,
Дарду ғамидин, валлоҳки, ўлдум,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Нома битарман ул қора қошга,
Ҳажрида, найлай, кўз тўлди ёша,
Ҳар дам урарман бошимни тоша,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Кўксумни дардин тоша битарман,
Ҳасратда бошим олиб кетарман,
Онинг кўйида, валлоҳ, ўтарман,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Қайдин топарман ул шўхи хўбон,
Дарду ғамидин бўлди юрак қон,
Келмади ҳаргиз ул номусулмон,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Кийган тўнимни мардона бичдим,
Ишқинг шаробин риндона ичтим,
Ғурбат сувидин мастона кечтим,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Қачон кўрарман ёрим юзини,
Қалам қошини, шаҳло кўзини,
Дафтар этарман ҳар бир сўзини,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Кечаву кундуз тинмай юрурман,
Вайроналарда итдек ўлурман,
Во ҳасрато, деб кўрмай ўлурман,
Эй бод, еткур ёра саломим.*

*Ҳижрона Машираб афгон этадур,
Бағрини чандон бирён этадур,*

*Кўзини ҳар дам гирён этадур,
Эй бод, еткур ёра саломим¹.*

Бу мурабба Машраб лирикасининг гўзал намунаси деса бўлади.

Машраб шеъриятнинг қайси бир турига мурожаат қилмасин, у аввало ўз асарларининг инсоний ғоя ва ҳаётий мазмун, енгил ифода ва жўшқин руҳ жиҳатдан тўла халқчил бўлишига асосий диққатини қаратди, кенг ўқувчилар оммасига яқин ва маълум шаклларни излади, жумладан, арузнинг шўх ва ўйноқи вазнларини кўллади. Зикр этилган фазилатларга кўра шоир асарлари ўша замонлардаёқ барча туркий халқлар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Машрабга доврўф келтирди. Худди шу боис ҳам унинг:

*Бу Машраб сўзини дурдонаи қимматбаҳо дерлар,
Жамии халқ аро сўз бобида соҳиби суҳан келдим.
Шухрати шеър бобида Маируби муътабар ўзум.*

Каби фахрия услубидаги мисралар битиши табиий туйилади. Бундай маънавий қониқиш ва табиий фахрни мустазодлар таркибида ҳам учратамиз².

Мухаммас классик поэзиядаги лирик шеър шакларидан бири бўлиб, у беш мисрадан тузилган бир неча банддан ташкил топади. Унинг биринчи бандидаги мисраларининг ҳаммаси ўзаро бир хил қофияланади, кейинги бандларнинг тўрт мисраси эса алоҳида, бешинчи мисралари эса дастлабки банднинг бешинчи мисраси билан қофияланади, яъни унинг қофияланиш тартиби а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а шаклида бўлади.

Мухаммас икки хил усулда яратилади: 1) бутун шеър маълум бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади, шунинг учун у мустақил мухаммас (классик адабиётда таъби худмухаммас) деб юритилади. Бундай мухаммаслар классик адабиётда ҳам, ҳозирги поэзияда ҳам кўп учрайди; 2) бирор ўзга шоирнинг ёки ўзининг

¹ Машраб. Девон. 2006, 355-356-бетлар.

² Адабиёт кўзгуси. №.4. 87-88-бетлар.

ғазалига бағишланган мухаммас. Бундай мухаммаслар тахмис ёки тазмин деб юритилади¹.

Машрабнинг кўпчилик ғазаллари мустазод, мухаммаслари ўзининг ҳаётий мавзуи ва жўшқинлиги, равон ва ўйноқилиги, халқ кўшиқлари каби содда ва самимийлиги, муסיқийлиги ва таъсирчанлиги билан тингловчилар қалбига тезда йўл топа билади, уларга бадиий завқ бахш этади. Айтиш керакки, шоир ва ана шундай бадиий маҳорат камолотга кўтарилишида ҳам, “улуғвор соддалик” ка эришувида ҳам Алишер Навоийдан кўп ўрганди. Шўх вазн ва жарангдор радиф-қофияларни танлашда, халқ жонли тилидан ўринли ва унумли фойдаланишда Навоий мероси, унинг бадиий маҳорати Машраб учун ўрнатилган бўлди².

Шуни таъкидламоқ керакки, Машрабнинг 1990 йилда ва 2006 йилда чиққан девонларида унинг мухаммаслари ўзга шоирга тахмис ёки тазмин билан бағишланган эмас, балки мустақил мухаммас, таъби худ мухаммаслардир.

*Ишиқингда ёнмас ошиқ девона бўлмагунча,
Шаъмингга қўймагай ул парвона бўлмагунча,
Боглаб белин бу йўлда мардона бўлмагунча,
Бошига олиб маломат афсона бўлмагунча,
Севмас садафни сарроф дурдона бўлмагунча.*

*Сансиз манга, нигоро, икки олам керакмас,
Тахту бахти Сулаймон, манга хотам керакмас,
Хизр умри зиндалиги манга ул ҳам керакмас,
Сансиз ўлай, бу оқил менга бул дам керакмас,
Жону танним қолмади бегона бўлмагунча.*

*Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса Қиёмат,
Инсу малак титрашиб айтур: “Нечук аломат?”,
Хуру гилмон, биҳиштинг этишурлар надомат,
Чиқса оҳим учқуни ҳеч ким қолмас саломат,
Қолмас молик дўзахинг, сўзона бўлмагунча.*

¹ Адабиёт назариясидан қўлланма. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1978, 143-144-бетлар.

² Ўзбек адабиёти тарихи. III том. “Фан”, Тошкент, 1978. 251-252-бетлар.

*Тушти бошимга ишиқинг ларза қилиб йиғладим,
Тақдир азал шундоғ деб, белим маҳкам боғладим,
Ошиқ иши қаттиғ деб, оҳу воҳлар айладим,
Дардинг беҳад зўрлади, даргоҳингга йиғладим,
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмагунча.*

*Ошиқ бўлсанг туну кун жонни қурбон айлагил,
Доғи фурқат дардидин доим афғон айлагил,
Зулфи чинлар куйфрини зинҳор иймон айлагил,
Ҳажру меҳнат жафоси тегса пинҳон айлагил,
Жонингга жон улашмас, жанона бўлмагунча.*

*Номус кетмас ҳеч кимдин ишиққа қадам қўймаса,
Адҳам сифат дунёни то пушти по урмаса,
Восил бўлмас васлига ёлғуз ўзин севмаса,
Рози бўлуб қазога ҳар ўтига куймаса,
Топмас дилбар сўрогин жўёна бўлмагунча.*

*Вақти баҳор май ичгил билсанг ишрат ганимат,
Соқий, сунгул қадаҳни фурсат, сиҳат ганимат,
Зоҳид айтур, ёронлар, тасбеҳ, тоат ганимат,
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ганимат
Кўрмас маъшуқ юзини афсона бўлмагунча¹.*

Мусаммат бандлар асосида тузилган шеър турларидандир. Мусамматлар сирасига мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, таснеъ, машруъ киради. Ўзбек классик адабиётида мусамматдан айниқса мурабба (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусабба (еттилик) ва мусамман (саккизликлар) кенг тарқалган.

Е. Э. Бертельснинг фикрича форс-тожик классик шеърлятида мусаммат дастлаб XI аср шоири Манучехрий ва Қатрон Табризий ижодида кўринади². XII- XIII аср шоирларида, масалан, Саъдийда кенг ривожланади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мусамматнинг илдизлари ёзма шеърятдан анча илгари халқ

¹ Машраб. Девон. 2006. 362-363-бетлар.

² Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. Стр. 360.

ижодида пайдо бўлган эди. Худди шунингдек ҳолатни туркий халқлар, жумладан ўзбек адабиётида ҳам кўриш мумкин.

Мусаддас классик адабиётдаги лирик турга мансуб шеър шаклларида бўлиб унинг ҳар бир банди олти мисрадан таркиб топади. Мусаддас ўзининг қофияланиш шаклига кўра икки хил бўлади: 1) биринчи банднинг барча мисраси бир хилда қофияланади. Кейинги бандларнинг беш мисраси алоҳида қофияланиб, олтинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлиб келади, яъни а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в каби; 2) биринчи банддан кейинги бандларнинг тўрт мисраси бир хилда қофияланиб бешинчи ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а каби.

Машрабнинг кейинги девонига еттита мусаддас киритилган ва улар ҳажман салмоқли шеърлардир. Катта лирик жанр мусамматнинг (олтилик) сирасига кирувчи бу мусаддас Фурқатнинг машҳур “Сайдинг кўя бер, сайёд, сайёра экан мандек” деб бошланувчи асарига ўхшайди, ушбу лирик жанрнинг ҳажман катта бўлганлиги боис ундан парчани намуна қилиб келтирамиз¹.

*Бошимга доимо Ҳақ раҳмати саришор учун келдим,
Муҳаббатдин олай деб маҳзан ул-асрор учун келдим.
Работи куҳнага ман ошиқи дийдор учун келдим,
Жаҳон бир ҳаббаега арзимас, ман ёр учун келдим,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.*

*Ўшандоғ арзи ҳолимни дедим шоҳи такаллумга,,
Мани руҳумни кўрди, тушти шўриш кулли мардумга,
Юзумни баъдазон суртмоқчиман ҳоки тазаллумга,
Отам боҳиммат эрди сотти ҳафт Жаннатни, гандумга,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.*

Муборак доманига рўзи аввал чанг солганман,

¹ А. Зуннунов, Н. Ҳотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. 141-бет.

*Агарчи зоҳирим исён дарёсида қолганман,
Бу йўлда тийғи Иллаллоҳ билан бағримни чолганман,
Бериб Жаннатни гарди домонини сотиб олганман,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.*

*Умедим кўп эрур руҳим ҳам қолабни йўқлар деб,
Тамоми муштаҳидлар толиби мазҳабни йўқлар деб,
Карамли подшоҳим ошиқи матлабни йўқлар деб,
Шафоат тахтига чиққан Шаҳи Маширабни йўқлар деб,
Сира келмас эдим ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим¹.*

Мусаммат ўзбек классик шеърлятида энг кўп тарқалган лирик жанр. Мусаммат арабча-ипга ўтказилган марварид деган маънони билдиради.

Бу сўзнинг луғавий ва терминологик маънолари тўғрисида Қабул Муҳаммад куйидагиларни ёзади:

“Билгилки, тасмид (яъни мусаммат) луғатда ипга ўтказилган марваридни англатади. Истилоҳда шундайки, олдин ёзилган мисралар охириги вазн ва қофияга мувофиқ мисралар кўшадилар. Аксарият (мусаммат) саккиз хил бўлади деб ҳисоблайдилар: мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, таснеъ, машруъ”.

Келтирилган таърифдан маълум бўладики Қабул Муҳаммад ғазаллар асосида яратилган мусамматларнигина назарда тутди. Классик поэзияда ғазалларга янги мисралар кўшибгина эмас, балки батамом мустақил равишда ёзилган мусамматлар ҳам кенг тарқалган.

Мусамматлар анча кенг тарқалган лирик жанрлардан бўлгани сабабли ҳам Е. Э. Бертельс, А. Ҳайитметов, Р. Мажидий, М. Гулизода сингари адабиётшунос олимлар унга катта эътибор берганлар ва муҳим назарий фикрларни билдирганлар. Уларнинг асарларида мусамматнинг тўла ва атрофлича таърифи берилмаган бўлса ҳам у ёки бу муносабат билан мусамматга хос бўлган

¹ Машраб. Девон. 2006. 517-бет.

ғоявий-тематик ва формал-поэтик жиҳатлар бирмунча ёритилган¹.

Мусабба-мусаммат таркибидаги жанрдир. Мусабба-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б,-б-б-б-а ва ҳоказо тарзида қофияланади. “Девон”га Машрабнинг иккита мусаббаси киритилган.

“Эй ғунчай навхези гулистони малоҳат” мисраи билан бошланувчи мусаббаси бугунги кунда ўзбек халқининг энг сеvimли ашуласи бўлиб уни ҳофизу хонандалар маромига етказиб куйлашади.

*Эй ғунчай навхези гулистони малоҳат,
Эй тоза ниҳоли чаман аройи назокат,
Зулфи сияҳинг фитнаву, холи ҳадинг-офат,
Йўлингда тегар бошима минг санга маломат,
Мақбулсан эй дилбари хуш лаҳжа бағоят,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!*

*Ул холики кунжа лаби жонона тушибдур,
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушибдур,
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушибдур,
Ул чоҳи занаҳдонига бир дона тушибдур,
Чун Юсуфу Канъонки бу зиндона тушибдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!*

*Гулғунчайи нозик баданим лолаузорим,
Шамшод қадим, сийм таним, чашими хуморим,
Хусн мулкани султони ўзинг-шоҳсуворим,
Ҳам сабру қарор қолмади ҳам дилда мадорим,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!*

*Эй муғбача, марғублигинг ҳаддин ўтибдур,
Овозаи хуснунг ҳама оламни тутибдур,*

¹ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърини жанрлари. 113-бет.

*Гулзори жамолингга гулу лола бутубдур,
Машиотайи тақдир сани хуш ясатубдур,
Юзинг кўруб Одам тоқи Жаннат унутубдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!*

*Кокулларинг ҳалқасини ой кўрубман,
Жон риштасин ҳар ториға баржой кўрубман,
Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,
Гисуларинг сунбулини барпой кўрубман,
Маширабни ўзим ошиқи худрой кўрубман,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!¹*

Мусамман классик поэзиядаги лирик турга мансуб шеър шакли бўлиб, унда ҳар бир банд саккиз мисрадан иборат бўлади. Мусаммандан биринчи банд ягона қофияланишга эга бўлади. Қолган бандларнинг етти мисраси ўзаро, саккизинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а каби. Баъзи мусамманларда биринчи банддан кейинги бандлардаи олти мисра ягона қофияга эга бўлса, еттинчи ва саккизинчи мисралар биринчи банддаги охириги байтнинг такрорланишидан иборат бўлади².

Машраб «Девон»ида битта мусамман бўлиб, бу саккизлик ҳажман салмоқли шеърий асардир.

*Сан асло гам ема, эй банда, Раббоно чорлар,
Қадам бу йўлга дуруст қўйки раҳнамо чорлар,
Дуо талаб кишини соҳиби дуо чорлар,
Бу йўлнинг раҳравини яхши пешво чорлар,
Қиёмат кунда ҳар кимни ошно чорлар,
Ҳамиша мунтазири бўлки, подшо чорлар,
Худо талаб кишини охири Худо чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар.*

¹ Машраб. Девон. 2006. 533-534-бетлар.

² А. Зуннунов., Н. Ҳотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. 142-бет.

*Нишони бандалик улдурки аҳли тоат бўл,
Мудом кўшиши қилгил пайрави шариат бўл,
Ҳамиша хоксору соҳиби тариқат бўл,
Умедвори дури ул баҳрийи ҳақиқат бўл,
Худоба ташилаб ўзунгни гариқи раҳмат бўл,
Ки жону дил билан саъй эт Расулга уммат бўл,
Сан асло гам ема, эй банда, Раббано чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар.*

*Расулнинг наътига умрини айлаб адо Машираб,
Сафойи қалб топиб, бўлди дилбино Машираб,
У хонадонига қилиб жонин фидо Машираб,
Сабаб бул эрди шаҳид бўлди пур бало Машираб,
Худонинг олдиди йиглаб бу додҳоҳ Машираб,
Тамомий умматига бўлди хун баҳо Машираб,
Сан асло гам ема, эй банда, Раббано чорлар,
Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар¹.*

Маснавий (кўплиги-маснавиёт) арабча сўз бўлиб, иккилик деган маънони билдиради. Шеъринг терминологияда эса ҳар икки мисраси алоҳида – алоҳида қофияланиб борадиган (банди икки мисрадан тузиладиган) шеърлар маснавий иккилик дейилади.

Бундай шеърнинг формал-поэтик хусусиятлари тўғрисида «Ал-мўъжам фи маорий ашъор ул-Ажам» асарида Қайс ар-Розий бундай деб ёзади. “... Ажам шоирлари ҳар бир байтдаги мисраларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нуқтаи назаридан уни маснавий деб атайдилар”.

Классик адабиётда сюжетли кичик шеъринг асарлар ҳам, дostonлар ҳам маснавий деб юритилган.

Туркий адабиётда маснавий формаси биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган. Ўзбек дунёвий адабиёти пайдо бўлиши билан маснавий жанри катта шухрат тутди. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзанул-асрор”,

¹ Машраб. Девон.2006. 536-538-бетлар.

Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” сингари асарлари маснавийда битилди.

Буюк Навоий даврига келиб эпик шеърятнинг асосий жанри бўлиб қолди¹.

МАСНАВИЙ - Шарқ халқлари шеърий шаклларида бири. Маснавийга оид асарлар аруз вазнида ёзилиб, ҳар байт а-а, б-б, в-в тарзида қофияланади. Туркий шеърятда дастлаб Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср)нинг “Қутадғу билиг” асари маснавийда битилган. Хоразмий, Қутб, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Саййид Қосимий каби ўзбек шоирлари номачилик ва дostonчиликда маснавийдан фойдаланганлар. Навоий асарларида маснавий кўпроқ дostonчиликни англаган. Улуғ шоир шеър турлари орасида маснавийни биринчи ўринга қўйган. Унингча, ҳеч бир шеър тури ҳаётни, воқеа ва ҳодисаларни, инсон характери маснавийдагидек кенг ва чуқур ёритиб бера олмайди. Бунда юзта қаҳрамон бўлса ҳаммасини мукамал тасвирлаш имкони бор. Шоир “Сабаи сайёр” дostonида бу ҳақда шундай дейди:

*Маснавийким, бурун дедим они,
Сўзда келди вaсе майдони.
Вусъатида юз ўлса маъракагир,
Кўргузур санъатин бори бир-бир.*

Форс-тожик, озарбайжон, ўзбек ва бошқа халқлар адабиётидаги ўрта асрларда яратилган барча дostonлар биринчи галда «Хамса»га оид дostonлар маснавийда ёзилган. Навоий, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Котибий, Абдурахмон Жомийларни маснавийнинг буюк устозлари деб ҳисоблаган².

Машраб “Девон”ида 1 маснавий бўлиб, у классик шеърятдаги талаблар асосида ёзилган. Маснавий а-а, б-б, в-в, г-г тарзида қофияланган:

*Ишқ топти Ҳазрати Одамга жой,
Зору зор йиғлаб Ҳаво деб урди вой.*

¹ О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърятини жанрлари 125-бет.

² А. Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1997, 206-207-бетлар.

*Ишқ Довудни чунон хушхон қилиб,
Неча савтда хониши Қуръон қилиб
Ишқи айлаб Зикриёни зокири,
Арра бирлан кесди жумла кофири.
Ишқи айлаб Ҳазрати Айюбни ҳам,
Қуртга ем қилди неча тортди алам.
Ишқи айлаб Иброҳимни корини,
Оташи Намруд топиб гулзорини.
Ишқи Исмоилни озмоиш учун,
Жонидин кечурди қурбонлаш учун.
Ишқи Яъқубни чунон кўр айлади,
Олами одамга машхур айлади.
Ишқ Юсуфни қилиб чоҳга асир,
Чун Зулайҳо ишқидин бўлди басир.
Ишқ Юнусга бўлибон ҳамдамий,
Чун балиғ қорнида бегами¹.*

Фарднинг кўплиги-муфрадот-арабча сўз бўлиб, ёлғиз, ягона, якка деган маъноларни билдиради. Адабий термин сифатида “классик лириканинг энг кичик жанри, ёлғиз бир байтдангина иборат бўлган шеър”.

Бу жанр форс-тожик, араб ва туркий халқлар адабиётида, жумладан ўзбек адабиётида кенг тарқалган. Фард алоҳида асар бўлиб, мустақил ҳолда келади, лекин шу билан бирга у катта ҳажмли асарлар тўқимасига кириб, хулоса яшаш, “қиссадан ҳисса” вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий фард термини қаторида байт сўзини ҳам қўллайди. Унинг “Маҳбубул-қулуб”, “Муншаот” асарларида шундай ҳолни кўриш мумкин².

Машраб “Девон”ида 11 та фард мавжуд:

*Ёр ўтогосин кўруб телба кўнглум толпинодир,
Жон қушин долбойидур бошидаги қарқараси³.*

¹ Машраб. Девон. 2006, 540-бет.

² О. Носиров, С. Жамолов, М. Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. 170-бет.

³ Машраб. Девон. 2006, 544-бет.

Машраб тўртликлар ҳам яратган:

*Кўтарсанг пардани ногоҳ юзунгни бир кўрай дерман,
Жамолингга назар солиб, ки ҳуснунгга тўйай дерман.
Халойиқ қиблага боқиб деюрлар: “Раббиял аъло”,
Намозу рўза Сан деб Санга сажда қила дейман.*

Бобораҳим Машраб яшаган давр нисбатан фанда тушкунлик даври эди.

Замона гарчи хону беклар, сардору номдорлар кўлида бўлса-да, зулм тиғи халқни, одамларни, куфр йўлини тутиб эзаётган бадкирдор ва бадахлоқ кишилар кўлига тобе қилиб кўйса-да, давр кимнидир раҳнамо сифатида элга етказиб беради:

*Хожа, саййид, беғу хон, сардорлар бадкор эса,
Зулм тизин тез этарда ҳар бири номдор эса,
Косалес каззоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Куфр элига Машрабидек раҳнамо пайдо қилур¹.*

Баъзи бир тадқиқотларда Машраб дунёвий илмлардан огоҳ бўлмаган шоир, деган фикрлар мавжуд. Булар асосиз даъволардир. Негаки, Машраб шеърлятида ҳам Жомий ва Навоий шеърлятига хос ҳамма кўринишлар Аллоҳ, илоҳиётни тан олиш билан бирга, табиат ва жамият ҳақида, дунёвий ишқ, пок муҳаббат, инсонга, мавжудотларга, табиатга ва дунёвий билимларга ихлос кўйиш, интилиш иштиёқи, ишқи зоҳирий тўғрисида фикрлар учрайди.

Мутафаккир қарашларининг бош ғояси унинг халқпарварлигида, ватанпарварлигида ва инсонпарварлигида кўринади.

Халқнинг дардига малҳам бўлиш Машраб халқпарварлигининг бош муддаосидир:

*Мақоми қурбат ўтига агар кирсанг-ҳузур топсанг,
Ўзунг захроба ютгил, халқни комига шаккар тут.*

¹ Бобораҳим Машраб Меҳрибоним қайдасан. 346-бет.

Инсоннинг маънавий оламини бойитиш, имони бутлигига нажот бериш Машраб халқпарварлигининг хос хусусиятларидандир:

*Имонинг шамъини равшангаридур ҳамдами қобил,
Қўлингдан келса, доим яхши халқларни биродар тут.*

Машраб айтмоқчи, инсоннинг имонли бўлиши, имонни умрбод саломат сақлаши унинг ҳамдамлари, ҳаммаслак дўстларига ҳам боғлиқ. Қобил дўстлар имон шамъи равшанроқ ёнишига хизмат қилади. Шунинг учун Машраб доимо яхши дўстларни биродар тутишни маслаҳат беради.

Донишманд шоирнинг инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари одамгарчилик тўғрисидаги панду насиҳатларида ҳам мужассам. Шоир маънавий-ахлоқий етук инсонда камтаринлик, хоксорлик, дардмандлик каби олий фазилатларни кўришни истайди:

Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй банда, камтар тут.

Машраб дунёқарашича, маънавий камолотга талабгор одам, ҳар қанча улуғ мартабаларга кўтарилмасин, мағрурланиб кетмаслиги, ўзини ер юзини қоплаган хасу хашакдан ҳам камтар тупроқ билан тенг тутиши лозим.

Нафсга қарши кураш, уни мағлуб этишга интилиш тасаввуф аҳли ахлоқининг асосий хусусиятларидан бўлган. Нафсу хирсу ҳаваснинг хуружи ҳамиша маънавий поклик ва мукамалликка раҳна солиб келган. Шу боисдан Машраб, ўз шеъриятида нафсу хирсу ҳавасдан покланишга, сақланишга қайта-қайта даъват этади.

Фақр-тарки дунё қилиб ҳаётдан қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Демак, Машраб фақрликни бекорга танлаган эмас. Мутасаввиф шоир Қосимий ёзади: «Агар сен ориф бўлсанг, фақру фано мақомига эришганингда ҳам пир остонасини подшоликнинг тожу тахти ўрнида кўргин». Бинобарин, Машраб ахлоқий қарашда Офокхожа ҳурмати сарбаланд туради.

Мутасаввифлар инсон ва унинг комиллик сифатлари ҳақида ҳар хил фикр билдирганлар. Қуръонда инсон яралган нарсаларнинг энг улуғи деб таъкидланса, мутасаввифлар одамни катта оламни ўзида мужассам этган кичик олам, борлиқнинг жавҳари, худонинг ердаги халифаси, ноёб ақлу ишқ соҳиби ва шунга ўхшаш бир қанча сифатлар билан таърифлаганлар.

Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг барча босқичларини босиб ўтиб, илоҳий камолотни охириги даражасига етган киши комил инсондир, дейилади. Демак комил инсон дунёвий ташвишлардан, хайвоний майллардан, тубан иллатлардан покланиб, ахлоқ, феъли-атвор, юриш-туришларида мумтоз бўлган, маърифат ва ҳақиқатни олий даражада фаҳм этган шахсдир. Машраб дунёни шундай идрок этган мутафаккир эди.

Мутафаккир ахлоқида истеъдод ва идрок қуввати уйғун ва баланд. У ошиқ сифатида маъшуқага ахлоқий покликни тарғиб этади. Машрабнинг севгиси Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин ишқи каби илоҳийдир. У бу илоҳий ишқни умрининг охирига қадар пок сақлайди. Зотан, инсондаги поклик унинг ахлоқи юксаклигидан дарак беради.

Инсон руҳияти-умумбашарий қадрият, у юксак, буюк ва беқиёс ҳамда абадийдир. Уни инсоннинг моддий ҳаёти билан алмаштирмаслик керак.

Комиллик-яхшилик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, некбинлик, адолат, бағри кенглик каби фазилатларини ўз ичига қамраб олади. Комилликка эришув заҳматли синовларни енгиш ҳам демак.

Орифлик-худони танимоқдир. Худони танимоқ-фикр қилмоқ, тўла кўнгилли бўлмоқдир.

Машраб комил ва ориф мутафаккир эди:

*Машрабо, шуҳрат талабни кейнидин офати бор,
Орифни вақт ул бўлур, имонга офат бўлмаса¹.*

¹ Бобораҳим Машраб. Девон. 18-бет.

Маърифат манзилида инсон худо моҳиятини тўла англаб илму ахлоқда комиллашади ва ориф деган олий номга эга бўлади.

Яссавий, Навоий ва Машраб шеърятининг мазмун ва моҳиятини тушуниш анча қийин. Сабаби, улар чуқур фалсафий ва кенг мушоҳада талаб қилади.

Яссавий айтади: “Тупроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин”. Бундай олганда марҳум олим Э. Рустамов ўз даврида Яссавий шеърятини тўғри талқин этгани учун тазйиққа учраб, қораланган эди. И. Ҳаққул тупроқни шундай изоҳ этади: «Тупроқ-Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини қучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. У аждодларга оналик қилган. У бизнинг онамиз”. Одам тупроқдан яралган. Тупроқ билан ўзни тенг тутишлик, хоксорлик, кибр, манманликдан покланиш.

Шарқ сўфий ва мутасаввифлари Муҳаммад пайғамбарни “илк нур, сўнг пайғамбар” деб таърифлаганлар. Улар эътиқодларига кўра, агар Ҳазрат Муҳаммад бўлмаганда эди, борлик вужудга келмасди. Чунки ул зот борликнинг илк нури ва илк зухури. Аллоҳнинг ўзи ҳам дастлаб пайдо этгани ана шу нурга ошиқ бўлган ва Одам Атодан бошлаб ҳамма пайғамбарлар томонидан бу нурнинг завқи ва моҳияти идрок этилгандир. Бу хусусда Яссавий:

*Бул жаҳонга Муҳаммадни нури тўлди,
Ул нур билан икки жаҳон ёрур эрмиш,-*

дейди. Пайғамбар бу дунёни тарк этганда ҳам оламда яна шу нур тўлиб-тошган:

*Осмондаги фаришталар ерга инди,
Пайғамбарни нури билан олам тўлди.*

Сайру сулукка кирган сўфий, дарвеш ёки ошиқ етишган мақомга қараб нури Муҳаммадни турли шакл ва даражаларда зухурланишини кўра олган¹.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. 27-бет.

Шу боис Аҳмад Яссавийнинг “туфроғ бўлгил”, деган ғоявий даъватлари Алишер Навоий шеърларида ҳам давом эттирилиб, ривожлантирилган:

*Эй, Навоий, ўзни мақбул истасанг туфроғ бўл,
Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.*

Мардуд-рад этилган. Рад этилиш “бошида пиндори бор”ликдан. Бошида пиндори бор-кеккайган, мағрур. У айни ҳолатда Шайтонга ўртоқ. Шайтон оловдан яралганини пеш қилиб Одамга сиғинмаган ва қаҳрга учраган.

Тасаввуфда “тупроқлик” салоҳияти-осон эришиладиган салоҳият эмас. Бунинг учун ҳам, энг аввало пирнинг тарбияси ва пешволиги зарур. Аҳмад Яссавий буни “Пири муғон хизматида хок” бўлиш деб таъкидлаган. Ва бошқа ўринда “тупроқлик” тўғридан-тўғри пир таъсирида ҳосил бўлишини эътироф этиб:

*Ишқ бобини мавлом очгач, манга тегди,
Туфроғ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди,-*

деган. Бу ерда гап фано ҳозирлиги ҳақида. Мана шунинг учун султон-ул орифин Аҳмад Яссавий ҳазратлари:

*Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ,-*

дегандирлар.

Тупроқ сингари тош ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги рамзий тимсоллардан. Бу образнинг умуман тасаввуф адабиётига кириб келиши ва маълум мавқега эришишнинг ўзига хос диний, ахлоқий, фалсафий ва мифологик асослари бор¹.

Машрабда-чи? Ахлоқий покланиш шу даражадаки, у Илоҳга ошиқлигини-олам агар-да, сени куфр сўзлар билан ҳақоратласа-да, халқ ичида ёмон ном олсанг-да, ҳар ким сени кесак отиб, яксон этиб ўтса-да, сен ўзингни тупроқ сана, ҳамма сени босиб ўтсин, чунки, сен даҳрий эмас, мусулмонсан, деб инсонни улуғликка, буюкликка, ахлоқий покликка чорлайди:

¹ Ўша манба, 32-бет.

*Ошиқ бўлсанг шундоқ бўл, олам куфринг битсунлар,
Расво бўлгил халқ ичра номинг олиб кетсунлар,
Яксон бўлгил оламда, сенга кесак отсунлар,
Туфроқ бўлгил йўл узра, сани босиб ўтсунлар,
Кофирлигдин ўзга ҳеч манда одат қолмади¹.*

Албатта, Машраб дунёқарашининг асосида ҳам диний, ҳам дунёвий ахлоқ таълимоти устун туради. Мутафаккир қарашларининг асосий мазмунини етакчи ва бош сабаби замонаси учун илғор аҳамиятга эга бўлган, умуминсониятнинг орзу-умидлари, эзгу ниятлари учун хизмат қилувчи илғор ғоялар ташкил этади.

Қалби мажруҳ, ахлоқи пок мутафаккир қаерда бўлмасин, ўз фикри ва эътиқодидан бир зум бўлса-да, қайтмади. Ватан соғинчи ва она юрт тупроғи, ундан келган ҳар бир хабар унинг кўнглини кўтарди.

Юртни кўмсаш ва дарбадарона ҳаёт уни юксак эътиқодларга чорлади. Ватан туйғуси мутафаккирга малҳам ва қувват бағишлайди.

У Наманган шаҳри-туғилган юртини замона ғаддорликлари туфайли ташлаб кетар экан, вужуди ўртанади, “Муҳаббат шарбатин ичтим”, “Бу фоний дунёдин кечтим” деган мутафаккир ички жасоратли руҳнинг туғени устувор келиб, Намангандан дунё кезиш учун чиқиб кетишни мақбул санайди.

*Раҳравонлар кетдилар, ман мунда танҳо бораман,
Руҳи жумла анбиёга мағфиратхоҳ бораман.*

*Кўп гуноҳ қилдим, юрибман пайрави нафси ҳаво,
Бир Худодин қўрқушумдан Каъбатуллоҳ бораман.*

*Яхшилар бирлан юруб, ман нега тоат қилмадим,
Найлайин фоний жаҳондин дасти кутоҳ бораман.*

Офтоби ду жаҳондин баҳра олмай заррае,

¹ Қиссаи Машраб 39-бет.

Бу Лаҳабдек хушк лаб аз пеши дарё бораман.

*Таиналик одат қилиб ол ул Набий авлодидин,
Ман умед бирлан Шаробан антахуро бораман.*

*Тийғи узлат бирла Фиръавн фарқини барбод этиб,
“Раббиарни” деб Мусодек Тури Сино бораман.*

*Обрўйи ду жаҳон яхши амалдур, Машрабо,
Ман ҳамон дасти тихий охири дунё бораман¹.*

Машраб жамият разолатларидан, қабоҳат ва жаҳолатларидан, мавжуд тузум адолатсизликларидан ларзага тушади. У золим шоҳ ва адолатсиз амалдорларнинг ахлоқсизлигидан, халққа ўтказаетган зулмидан ғазабини яширмайди, уларни адолатга, инсоф ва диёнатга чақиради. Такаббурлик ва таъмагирликни, жоҳиллик ва мунофиқликни, мағрурлик ва киндорликни, ғофиллик ва ноқобилликни қоралайди.

Машраб Жуйборга келса бир хожа эшиги олдида халойиқ жам бўлиб турибди. У нима воқеа бўлганлигини сўрайди. Одамларнинг айтишича, хожа бир қулни тупроққа солиб азоб бермоқда экан. Машраб, қулнинг гуноҳини сўрасам хожа ўтармикин, деб сўрайди, халойиқ ҳам Машрабнинг фикрини тасдиқ этади. Шоҳ Машраб хожанинг қошига келиб: “Эй хожа, бу қул сизга нима гуноҳ қилди, мунча мунга зулму ситам қилурсиз?” Хожа Шоҳ Машрабга қараб дедик: «Бу қул андоғ гуноҳ қилибдурки, икки юз тиллога олган арғумоғимни товуғни тезагини бериб ўлдурубдур. Анинг учун мундоғ азоб қилурман”, - деди. Машраб сўрдиларки; “Эй хожа, атонгиз борму?” Хожа айди: “Атом ўлгандурлар”. Шоҳ Машраб айдилар: “Атонгиз кимни тезагини еб ўлди, ўшал икки юз тиллога олган арғумоқ товуғни тезагини еб ўлган бўлса”, - дедилар.

Машраб ғазал ва мухаммасларида такаббурликни қоралайди. У саййид ва хожаларни инсофли бўлишга, халқ устидан адолат билан иш юритишларини истайди. Мутафаккир саййид ва

¹ Машраб. Девон. 2006, 227-бет.

хожаларни элдан лаънат олмай, уларга тўғри йўл кўрсатиш кераклигини эслатиб, “Саййидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма”,-дейди. У авлоди пок кишиларга, насл насабининг келиб чиқишини эслатиб, жоҳиллик ботқоғига ботмасликни, ғафлат ва ғофилликка берилмасликни, ноқобиллик билан иш юритмасликни, аксинча, ақл ва идрок билан, кенг фикр ва мушоҳада билан иш юритиш инсонни ахлоқан юксакликка кўтаришини айтади.

Истеъдодли мутафаккирнинг сўзи Шарқда ҳамон бетакрор, ҳам Ҳақ учун далил жангга кирганларга ҳамдам, маслакдош, аммо кечаю кундуз мол тилагида юрган, «ўз нафси билан саргардон” кишиларнинг эса қаттол душмани.

Машраб ҳаёт айш-ишрати, бойлик ва, умуман, барча дунёвий, моддий ноз-неъматлардан воз кечган қаландар, дарвиш, дарбадар мутафаккирдир. Инсоннинг Аллоҳга бўлган беадад ишқи, унинг дийдорини кўриш иштиёқи, унинг номи билан маст бўлиб унга бўлган муҳаббатини изҳор этиш мутафаккир ижодиётининг мантикий ҳосиласидир. Машраб, профессор И. Абдуллаев ёзганидек, ўша замонасининг бир ҳарорати зўр, олови эди. Ноҳақликни кўролмади, ёлғончию каззобларни сўкиб ўтти. Дунёдан исён бўлиб ўтиб кетди. Унинг ўткир мисралари бой давлатмандлар ва нодон уламоларга ўқдай отилди. Машрабдаги дунёвий муҳаббат, ҳақиқий гўзалликни куйлаш уни самовий гўзалликка, Аллоҳ муҳаббатига руҳлантирди:

*Гулишани боғи даҳр аро булбули назмагар ўзум.
Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.*

*Куюнга дам-бадам бориб, навҳаву зорлар қилиб,
Шому саҳар фигон этиб, ҳофизи хуш асар ўзум.*

*Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ер билан кўкни куйдуруб кавкабаву қамар ўзум.*

*Жоми майи луоб ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб,
Нозу карашмалар қилиб, Лайлийи ишвагар ўзум.*

*Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдуриб, бедили навҳагар ўзум.*

*Васлингни истаб эй санам, кечаву кундузи мудом,
Вақти саҳарда тур дединг, доияйи саҳар ўзум.*

*Хисрави комрон бўлуб, Рустами Достон бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзайи раҳнагар ўзум.*

*Олими нуктадон манам, пири хидояхон манам.
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум¹.*

Айниқса Машрабнинг “Мабда-и-нур” рисоласидаги ҳикоят ва ғазаллар чуқур ахлоқий, фалсафий мазмуна эга. Мутафаккир дастлабки ҳикоятда Румий руҳидан илҳом олган, унга ихлос қўйган “дафтар очар орифи ширин калом” бўлган киши илоҳ нуридан баҳраманд бўла олишини айтади.

Машраб фоний маконда яшаган ҳар бир киши боқийликка риҳлат қилишини, шу боис бу дунёда киши илоҳ, илоҳиётга яқин, собит бўлиб яшашини, ҳар бир ишни ўз вақтида қилишни маслаҳат бериб, ҳақ йўлида ҳақиқат излаганлар камлигидан ранжийди.

Мутафаккир у дунёсини унутган бандаларни қоралайди, ундай кишиларга жаннат нури йўқ, кимки расулга уммат эмас экан, унинг дилида қиёмат ваҳми йўқ дейди. Шу билан бирга фонийликда бағри бутунлар камлигини, илоҳ кимнидир фарзанд доғида, кимнидир абгор ҳолга солиб қўйганлигини, у қайсики дилга боқса, ҳаммасининг қалби мажруҳ эканлигидан ўкинади:

*Қиёматни унутган бандаларга нури жаннат йўқ,
Расулга уммат эрмас, дилда чун ваҳми қиёмат йўқ,
Ғараз ҳар дилга боқдим, ҳеч вақти бежароҳат йўқ².*

Унинг қалби азият чекади, дили замона носозликларидан фарёд уради, бу дунёни зиндонга хшатади, жисмиа ўлим

¹ Машраб. Девон. 2006, 172-бет.

² Шарқ юлдузи. 1992 йил, 12-сон, 126-бет.

яқинлашгани сари халовати йўқолади, қўлидан келган одам вақтини ўтказмасдан меҳнат қилиши, меҳнат қилмаган кишига роҳат йўқ деб билади. Ноқис аҳлига, пасткаш кишиларга насихат қилмасликни, ҳақ ва ҳақиқатни тушунишни истаганларга тўғри йўл кўрсатиш лозимлигини уқтиради:

*Қўлингдан келса ҳар ҳайратни вақтидин ўткарма,
Деди хайрул башар бу сўзни бемеҳнатга роҳат йўқ,
Ривожни корини аблаҳга айтманг, аҳди ноқисдир,
Ҳақиқат аҳлига мундин дуруст неку насихат йўқ.
Кўтар андишаларни хотирингдин, эй жигарбандим,
Қиёмат хавфини ким англади, умрига лаззат йўқ,
Тариқат йўлида Маширабга тегди Мабдаи нур,
Бу нисбатдин кимики топмай ўтти, анга давлат йўқ.*

Мутафаккир “Излама” радибли ғазалида давр сен ўйлаганчалик бўлмаса, сен ундан давру-даврон излама, Ҳаққа берилмасанг, чўлу биёбон кезма дейди.

Машраб яхшилар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, улар кўрсатган йўлдан бориш инсонни улуғликка етаклашини айтади, ҳар бир одамнинг қалби пок, ахлоқи тоза бўлишини истаб, “Хонаи дилни супурмай, санки меҳмон излама”, дейди. Мутафаккир охират тадорикини бу дунёда қилишни, Илоҳга ибодат қилиб, ҳар бир киши иймонини йўқотмаслигини, ҳар қандай киши тақводорлик жомасини кийгани билан зиёли бўлиб қолавермаслигини таъкидлаб маърифат сирларини эгалламаганингча Сулаймондек тожу-тахт даъво қилма дейди:

*Жомаи тақво зиёликдур, киёлмас ҳар хасис,
Бу нигин қўлунгга тегмайдур, Сулаймон излама.
Хонавайронлар билур афтодаларни холини,
Санки ранжур бўлмасанг, эй кўр, Луқмон излама¹.*

Мутафаккир Машраб ҳар қандай кишининг пири комили бўлишини, акс ҳолда унинг сўқирдан фарқи бўлмаслигини,

¹ Ўша манба, 127-бет.

охират куни ўттиз минг йиллик сирот кўпригидан инсон қийналмай ўта олиши мумкинлигини, инсон ҳар бир қадамини тавба-тазарру билан босишлигини, ўтаётган кун қишдек совуқ бўлмаслигини, аксинча баҳордек гўзал бўлишини, инсон бир-биридан зинҳор нуқсон изламаслигини, умр қисқа эканлигини, одам қимматли ва ўз айбини бўйнига ола биладиган комил, ахлоқли бўлишлигини маслаҳат беради:

*Вақти сад бир куни баҳор изла, зимистон излама,
Шерлар бордурки, оҳи етти дўзахни бузар,
Сан аларни коридин зинҳор нуқсон излама,
Йўл юрар бўлсанг, ниҳоят йўқ, сани умрунг қалил,
Тавсани ҳимматга минмай сан бу майдон излама,
Кимки ўз айбини билди, етар раҳмонига,
Дийда ўз айбингга оч, дигарга нуқсон излама¹.*

Мутафаккирнинг Илоҳий дунёқарашича, вужуди ва жисмини Ҳаққа берган киши маконда дунёга назар солиб, фонийлик ва боқийликни англаб олади. Ҳақиқат учун яшаётганларни дунёнинг бойлиги қизиқтирмайди. Қўлида захар ушлаб турган душманни киши таниёлмайди, у қандга ҳам захар қўшиб бериши мумкин, бундай гаплар менинг қулоғимга чалинаверади, менга жаннатнинг хурлари керакмас, менга ибодат қилиб, дилидан мағрурликни ташлаган инсон азиздир, кимки кибр-ҳавони ўзига касб қилибдими, ундайлар жаҳаннамнинг тубига тушувчилардир, деб ҳисоблайди.

Мутафаккир ахлоқли киши нафсга берилмаслигини, ахлоқсиз кишилар нафсга ҳаддан зиёд берилганлигини, ўзлигини йўқотган, олам ишларидан беҳабар инсон, Аллоҳни унутган кишиларгина мақсадсиз яшашликларини англатади. Шермард, жонга оро кирувчи, маърифат ва зиёдан хабардор кишиларни инсоннинг жисмига поклик бағишлашини, агарда улар ҳақ учун сенга йўл кўрсатсалар, сен бундай одамнинг хоки пойига “Бошингни ургину, даргоҳида хизматда бўл доим”, - дейди.

¹ Ўша манба. ўша жой.

Машраб инсон яхши фазилатли кишилар билан ҳамкор бўлишини, бундай кишилар киши дилининг ҳузури эканлигини, агарки сенга тожи тахт бахтини берса-да, бу дунё ва у дунёда бундай одамларни авайла ва уларни эъзоз эт,-дейди.

Мансур Ҳаллож мутафаккир Машраб сиймосидаги шундай комил зотдир. “Анал-ҳақ” (Мен-ҳақман) лик учун жонини берган Ҳалложни Машраб авлиё деб таъриф этади. Унинг қарашича, кимки азизларга ҳақорат тошини отса, ундай одам рўзи маҳшар куни дўзах арилари томонидан чақиб, таланишини айтади.

Қаландар Машраб ишқ шаробидан маст ҳолда, пок ҳолатда Ҳақ йўлида маънолар хазинасини териб, Илоҳ нуридан баҳра олишини марди Худодан сўрайди:

*“Аналҳақ” гўйларни руҳига дарёйи раҳмат бер,
Бағишлар раҳматингни жон тасадду қилди Мансури,
Илоҳи сояи покнинг муборақдур, Абулқосим,
Шафоат баҳрини қилдинг букун умматга машҳуру,
Азизларга ҳақорат бирла ҳар кимки назар қилса,
Босарлар рўзи маҳшар дўзахни занбури.
Йўлимни боғлама, саргаштаман, эй марди динпарвар,
Шароби завқдин келтурки, борман маст махмури,
Етушки лутфи покнингдин муҳаббат жони Машрабга,
Хазойини ҳақиқатдин очилди Мабда-и-нури¹.*

Пок қалбли одамларнинг таъби нозик. Чунки улар Аллоҳ гўзаллиги, жамолу жалолини айрича ҳис билан идрок этадилар. Бундан масту мустағриқ бўладилар. Улар дунёнинг барча нафосати, ҳаёт жилолари, завқ бағишловчи ҳусни жамолни Аллоҳ жамоли инъикоси деб қараганлар. Сўфийлар инсон руҳини “латифа” деб айтадилар. Бу ҳам руҳнинг ниҳоят нозиклиги, кўринмас (энергиядай) лаофатдай мавжудлигини англашдир. Руҳ-покиза хилқат ва шу боис жами покизалик, нозиклик руҳ хислатини ташкил этади. Шунга кўра маъшукани фаришта хислатли малаксиймо, паризод, пари пайкар деб тавсифлайдилар. Бу ҳам поклик ва нозикликка ишорадир, яъни таъб нозиклиги, сўз

¹ Ўша манба, ўша жой.

ва ифода нозиклиги, завқ ва идрок нозиклиги, феълнинг юмшоқ ва латиф бўлиши ҳам сўфий қалбинин поклигидан нишонлардир¹.

*Сода кўнглум ичра лаълимнинг хаёли тушгали,
Шишадурким, онинг ичига солмишлар набот.*

XVII-XVIII асрлар адабиёти тадқиқига бағишланган ишлар салмоқли. Айни чоғда, бу давр адабиётида ўрганилиши муҳим масалалар ҳам талайгина. Шулардан бири адабиёт ва тасаввуф алоқадорлиги масаласи. Шу маънода, Нишотий, Машраб, Сўфи Оллоҳёр, Ҳувайдо, Салоҳий каби шоирларнинг шеърлари “Ҳусну Дил”, “Мабдаи нур”, “Сабот ул-ожизин”, “Роҳати дил” сингари манзумаларга тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашибгина холис баҳо бериш мумкин. Чунончи, “Мабдаи нур”нинг биринчи дафтари мавлавия тариқатининг асосчиси мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан олинган куйидаги байт билан очилади:

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
В-аз жудоиҳо шикоят мекунад.*

Кейинги кўш мисра мазкур байт мазмунига ҳамоҳанг, тўғрироғи унда байтнинг маъноси берилади:

*Англагин, най не ҳикоятлар қилур,
Ким, жудолигдин шикоятлар қилур.*

Аёнки, касратдаги жамики нарсанинг ибтидо ва интиҳоси мавжуд най ҳам аввалида бир қамиш эди. У ўз аввали, ибтидосига қайтмоқ истаб нолалар қилади, унинг фиғонига жудолик сабаб. Бу нолалар ўзликка қайтмоқ умидининг афғонларидур².

¹ Н. Комилов. Ахборот. Маънавий камолот илми. 2003 йил, 2-сон, 9-бет.

² Мўминжон Сиддиқов. “Мабдаи нур”да ишқ талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 3-сон, 58-бет.

Инсон ҳам аслида Ишқнинг фарзанди. Парвардигор инсонни яратар экан, унга бошқа махлуқотга берилмаган руҳий завқни инъом этди. Чунки Тангрининг оламларни яратишдан муроди аввало инсон эди. Олам Яратганнинг ҳусну жамоли учун мисоли кўзгу бўлса, инсон шу кўзгунинг мазҳари-Тангри таоло қудрати ва сиру асрори, илму каромати акс этган мўъжиза хилқат. Инсон қалби эса парвардигор илми ва ишқнинг хазинаси. Тангри Одамни бино қилиб, унинг қалбига Ишқ аталмиш бойликни жамлади. Шу сабаб Одамга фаришталар сажда қилдилар, шу сабаб у азизу мукаррам бўлди. Ишқгина инсонни ўзлигига элтади. Ишқ туфайлигина инсонда тажрид ва тафрит (покланиш,яккаланиш юз беради¹).

XVII-XVIII аср адабиёти Атойи, Лутфий, Навоий, Бобир анъаналари таъсирида шаклланган экан, уларда ишқ биринчи ўринга кўтарилганлиги, кўпроқ илоҳий Ишқ тараннум этилгани маълум. Бу вақтга келиб адабиётда реализм унсурлари устувор бўлиб боргани аниқ, аммо Шарқ шеърлятида асрлар бўйи бош мавзуга айланиб қолган раҳмоний Ишқ мавзусидан чекингани йўқ. Акс ҳолда Машраб:

*Ломаконни(нг) шаҳрида ошиқни шайдо қилди Ишқ,
Анбиёю авлиёларни хувайдо қилди Ишқ,-*

демаган бўлур эди.

Машраб Ишқни набию валийларга хос, дейди. Боязид Бистомий, Шайх Шиблий, Фаридуддин Аттор, Мансур Ҳаллож, Насимийлар шу ишқ сабабидан эл аро дoston бўлдилар:

*Ишқ кимёдурки, мисни зар қилур,
Пашшаи логарни Искандар қилур².*

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳазрат Навоийнинг уйланмаганлиги ва аёлларга бўлган покиза муносабати ҳақида жуда қизик ва ибратли воқеа келтиради. Ушбу ҳикояни “Алишер Навоий таъбида нафсоний шахват руҳий лаззатга майлнинг чеклангани хусусида” деб номланган.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 1996, 43-бет.

² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Тошкент, 1990, 222-бет.

Алалхусус, нозик таъб шоир уйланмайди. Ижодкор ва унинг шахси ҳақидаги энг биринчи манеба эса-унинг асарларидир. Навоий ижодида шахсий турмуш борасидаги кўпдан кўп ишоралар ҳақида устоз навоийшунослар тўхталишган. Биз фақат, шоир ғазалиётида учрайдиган бир қизиқ жиҳат-никоҳ ва талоқ масаласига тўхталмоқчимиз. Маълумки, инсон учун муҳим бўлган бу икки масаланинг ижодкор асарларида нечоғлик баён этилганлиги ҳам унинг бу борадаги асл мақсад-муддаосини очиб беради.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги бир ғазалида шоир айтади:

*Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.*

Байтда ажиб бир ўхшатиш ва қаршилантериш бор. Яъни, агар чиндан ҳам эр бўлсанг келинчакдек товланиб турган, лекин ҳою ҳавасларга бурканган бу дунёни талоқ қил (ўзингдан йироқлаштир)гилки, унинг орқасидан кетаверсанг, бир куни бу «гўзал» келинчак золи маккор (маккор, шумкампир) га айланиб сени забун қилади. Байтдаги “аруз” ва “зол” қаршилантериш (тазод) . “Эр”дан мурод эса тасаввуф-нафс тарбияси орқали комиллик сари интилаётган тариқат марди-солик маъносидадир. Яъни, англашилганидек, байтнинг мазмун моҳияти ирфоний таълим бериш. Дунёга муҳаббат ва бунинг салбий оқибати масаласини ҳаётий лўнда мисол ёрдамида шоир жуда чиройли ечиб берган¹.

Никоҳ ислом динида муқаддас ҳисобланади. Уни ҳуда-беҳудага бузиш мумкин эмас. Кўплаб сабаблар йиғилиб, оила муаммоси ҳал қилиб бўлмайдиган тақдирдагина энг охириги чора сифатида никоҳ бузилади-талоқ қилинади. Баъзи ҳоллар ҳам бўладики, талоқ шариат ҳукмларига кўра янгиланади, яъни тикланади. Мисол учун, жаҳл устида ёки бошқа айрим сабабларга кўра бир ёки икки талоқ қўйилган бўлса, аммо уч талоқ қилинган бўлса, бу мумкин эмас.

Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонидаги бир ғазалида:

¹ Отабек Жўрабоев. Ҳуррият, 2005, 9 феврал, 4 саҳифа.

*Истасанг беш кун фароғат, гарчи кобин умр эрур,
Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилгил уч талоқ-*

дейди. Юқорида келтирилган мазмун мазкур байтда янада чуқурлашган ва конкретлашган. Шоир энди дунёни “арус” (келинчак) эмас, балки тўғридан-тўғри зол (шумкампир) деб атамоқда. Агар, беш кунлик-қисқагина ҳаётинг давомида роҳат-фароғат қилай десанг, бу дунёни тўртала мазҳабда ҳам (никоҳ тикланиши мумкин бўлмаган ҳолатда) уч талоқ қилгил; негаки, сен дунёни никоҳингга олсанг маҳр (қалин) сифатида умрингни берасан. Ислом оламидаги тўрт-ҳанафий, шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларида ҳам уч талоқдан сўнг эр-хотин ярашиши йўқ. Бу каби маълумотлардан, ислом аҳкомларини яхши билган Навоий ўз ғоясини бадий гўзал ифодалаш йўлида унумли фойдаланибгина қолмай, байт моҳиятини оширган. Демакки, инсон қалбий фароғат ва рухий осойиш топа олишида бу даҳри дун ҳавасларидан ўзини фориф қилиши керак, чунки унга ажратилган шундоқ ҳам қисқа умри алдамчи дунёга (ёлғончи келинчакка маҳр сифатида) бериб қўйиш оқиллик эмас¹.

Машраб ҳам Навоийдек бақога ўзни бағишлаган фоний дунё севгисига талоқ айтган эди:

*Минг талоқ этган бу дунёни қаландар мастман,
Сар басаҳро бош уруб Мажнуни бесар мастман.*

*Дафтар очманг Рўзи Маҳшарда мани маст олдида,
Сўрма аҳволимни ҳаргиз, эй биродар, мастман.*

*Ташинаман, беҳудлугумдин ду жаҳонга сигмадим,
Чунки ким уйғотса кўрсун Рўзи Маҳшар мастман.*

*Муждайти Рўзи Жазода халқ шафоат изласа,
Чарх урарман оҳ уруб пеши Паямбар мастман.*

Мастлигим Рўзи азалдиндур ҳақиқат шаҳрида,

¹ Ўша манба, ўша жой.

Ишками модарга келган, манки модар мастман.

*Давлати уқбо агар билсинг манинг дастимдадур,
Сад ҳазорон урсалар бошимга ханжар мастман.*

*Жаннатул Фирдавсини ҳаргиз назарга илмадим,
Машраби вақтман, ки ман баҳавзи кавсар мастман¹.*

Етти йил Офоқхожа даргоҳида хизмат қилган шоир иршод олмай, у ердан кетишга мажбур бўлган. Чунки Машраб руҳоният кишиси эди. У бошқа қаландару муридлар сингари пири билан тахт таллашиб юра олмасди. Узоқ вақт дарбадарликда юрган Офоқхожа 1678 йилларда муриду мухлислари ёрдами билан тахтни эгаллайди. Устозлик ва шогирдлик одобини сақлаган Машраб пири ҳузурига қайтиб боради. Манқабаларда айтилганидек, Машрабнинг иккинчи марта Қашқарга қайтиб бориши шу даврга тўғри келади. Канизак можароси эса шоирнинг дунёдан аҳли аёл ва фарзандсиз ўтганига бадий-тўқима-бир сабаб бўлса керак. Унинг шеърларида бу можарога ишора ёки норозилик умуман сезилмайди. Машраб кимнидир севган бўлиши табиий. Шоирнинг “Зебо санамим”, “Эй санамим парлиқо”, “Қиз” каби кўплаб ғазаллари юксак инсоний туйғуларнинг гўзал ифодасидир. Бироқ бу муҳаббатни айнан Офоқхожанинг канизагига нисбат бериш ноўрин².

Қолаверса, етти йил сулук таълимини олган, мажзуб ва ошиғи барҳақ сифати билан улуғланган Машрабнинг Офоқхожа канизаги билан пирнинг даргоҳидан қувиладиган даражада ишқий муносабатда бўлганлигига ишониш қийинроқ. Қиссаларда бу ҳақдаги лавҳаларнинг турли-туманлиги ҳам уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Масалан, Н.Н.Пантусов маноқибларга суяниб, Машраб қирғиз маликаси Сатиржобдан ўғил кўргани ҳақида маълумот берган. Балоғатга етгач, у ҳам баҳодир, валий йигит бўлиб етишган. Қабри Харгоснинг шарқий (чап) қирғоғида жойлашган. Ушбу лавҳанинг тарихий ҳақиқат эканлигини ҳам канизак ҳикояти каби манбалар тасдиқламайди. Ғазалларда “Йўл

¹ Машраб. Девон. 2006, 198-бет.

² Дилором Ҳамоева. Машраб ҳақидаги афсона ва ҳақиқатлар. Ишонч. 2004, 7 май.

узра келди Машрабинг, кўл узат, эй Офоқ хожама”, “Ҳидоят кўргузинг, Офоқ хожама пушти паноҳимсиз” мисралари учрайди¹.
Машраб:

*Ҳар нафаским, менда бор бўлди мадад Офоқ хожама,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч, даштда кўҳсор ўзум,*

байтида пирига эҳтиромини ифодалаган.

Ушбу ғазалда у: “Қуддиса сирриҳу Хожама отимни Машраб дедилар”, дея Машраб таҳаллусини Офоқхожадан олганини айтади.

Ҳазрат Навоий “Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг, ани қил банд” деган эди. Не ажабки дунё мушкулларини ечишга қудрати етган инсон зоти нафси аммора қаршисида ҳамон ожиз. Навоий билан Шоҳ Машраб нафси амморани енгган, енгишга куч топа олган зотлардир.

Аҳмад Ясвий, Сулаймон Боқирғоний, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоҳёр сингари буюк вакиллар руҳни улуғлаб, нафсни ёмонлик ва тубанлик тимсоли сифатида ҳар томонлама кенг талқин қилганлар.

Бобораҳим Машрабнинг ахлоқий қарашлари таҳлил этилаётган мазкур қисмда Фарҳоду Ширин, (Фарҳод ва Ширин) Лайлову Мажнун (Лайли ва Мажнун) дostonлари билан яна бир бор чуқурроқ танишиб чиқишимга тўғри келди. Машраб нима сабабдан шеъриятида айниқса Лайли ва Мажнунни такрор ва такрор тилга олгани, уларни мадҳ этганлиги:

*Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама,-*

деб одамзод аҳлига мурожат этиши ва яна у башар, башариятга хитобан:

*Биродарлар, ман ушбу кеча Мажнундин назар топдим,
Тун ўткунча риёзат бирлан одамдин хабар топдим,-*

¹ Ўша манба, ўша жой.

дея бонг урганлиги хайратга солди. Албатта бу мавзу доирасида нафақат Машраб шарқнинг улуғ алломалари Лутфий, Фузулий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий ва бошқа кўплаб мутафаккир шоирлар қалам тебратганлар, дostonлар ёзганлар. Тўрт элда ҳинд, форс-тожик, озарбайжон ва туркий-ўзбек тилида ҳам “Хамса”лар яратилиб, унинг учинчи достони “Лайли ва Мажнун” деб аталган. Ҳеч бир халқнинг “Хамса”сини камситмаган ҳолда, шуни ифтихор ҳисси билан айтаманки, ҳеч қайси халқнинг миллатнинг “Хамса”си Навоийники сингари юқори мартабада турмаган. Алҳол, “Лайли ва Мажнун” достони ҳам Навоийники каби мукамал яратилмаган.

Буни Е.Э.Бертельс, И.Ю.Крачковский ва бошқа олимлар таъкидлашган.

“Лайли ва Мажнун” жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир. Бу қиссани “Ромео ва Жульетта” билан қиёс қилар экан, машҳур арабшунос, академик И.Ю.Крачковский жумладан бундай деган эди:

“Ғарб сюжети Шекспир томонидан абадийлаштирилган “Ромео ва Жульетта” қиссасидан кўра жаҳонда аламлироқ қисса йўқ, деб аллақачонлар айтган эди.

Шарқ, албатта, Ромео ва Жульеттани билмаган ва улар билан фақат XIX асрдагина танишган эди, аммо унинг узоқ асрлар давомида яшаб келаётган ўз ғамгин қиссаси, Лайли ва Мажнун қиссаси бор... бу қисса ўнлаб улуғ шоирларни романтик дostonлар яратишга илҳомлантирди ва ҳозирги кунга қадар Яқин Шарқнинг турли халқлари шоирларининг ҳам, драматургларининг ҳам, музикантларининг ҳам ижодида ўз аксини топиб келмоқда. Ғарбдаги Ромео ва Жульеттанинг шуҳрати билан қиёс этганда, Шарқда Мажнун ва Лайли янада машҳурроқдир...”¹.

Агар Мажнун номига нисбат берилган шеърлар турли ривоятларнинг вужудга келишига асос бўлган бўлса, ривоятлар ёзма адабиётда Лайли ва Мажнун ҳақида йирик обидаларнинг

¹ И.Ю.Крачковский. Ранняя история повести о Меджуне и Лейле в арабской литературе, Сб. “Алишер Навои”, изд. АН СССР, М.,-Л., 1946. стр. 31.

пайдо бўлишига замин тайёрлади. Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи марта 1188 йилда улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий дoston яратди. Навоий қалами билан “Лайли ва Мажнун” қиссаси ғоявий-бадий юксак ва мукамал бир бадий асар даражасига кўтарилди, хамсачиликнинг анъанавий дostonи бўлиб қолди. “Лайли ва Мажнун” нинг тадрижий такомлида Навоий дostonи янги ва улкан воқеа бўлди¹.

Кўриниб турибдики, рус шарқшунос олимлари Лайли ва Мажнун ҳақидаги Навоийнинг дostonларига юқори ва юксак баҳо берганлар. Шунини қайд қилмоқ керакки, Алишер Навоий шеърятдан баҳраманд бўлган Бобораҳим Машраб сабога мурожаат қилиб Илоҳий ишқдан назар топганлигини, Мажнун назари билан Аллоҳни таниганлигини, унга Лайли ҳолидан китоботлар келаётганлигини, Мажнун мақомига етганлигини, кишида улар дарди бўлмаса “дарди саримни кавлама”, “маърифатдан беҳабарсан, дафтаримни кавлама” дея мурожаат қилиб ўз қалби фикрини қуйидаги ғазалида ифода этади:

*Эй сабо, гамбодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама.*

*Ҳар замоне Лайлидин манга китоботлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.*

*Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашими таримни кавлама.*

*То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.*

*Ҳажр тошидин сарофат бошига етган ўзум,
Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.*

*То бир уммат йўлга киргунча жигархун бўлдилар,
Уммат эрсанг жон фидо қил, Сарваримни кавлама.*

¹ Е.Э.Бертельс. «Лейли и Меджнун», сб., “Родоначальник узбекской литературе”, Ташкент, 1941, стр. 30-31.

*Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни кавлама.*

*Ломаконнинг шаҳрини бир ҳу билан сайр айладим,
Жабраил, боргил нари, болу паримни кавлама.*

*Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсан, дафтаримни кавлама.*

*Дури дарёи маоний бўлди чун Машраб, вале
Дийдабийно бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама¹.*

Шу ўринда икки калима сўз-улуғ Алишер Навоийнинг Бобораҳим Машраб ижодига таъсири масаласида фикр юритганда ўзбек адабиётининг навоийшунос олимлари, хусусан унинг “Хамса”си қолаверса, Лайли ва Мажнун сиймосини талқин этган олимлар номини келтириб ўтишни бурчимиз эканлигини қайд этмоқчимиз. Файласуф ва адабиётшунослар В.Й.Зоҳидов, А.Рустамов, А.Н. Қаюмов, Б. Валихўжаев, В. Абдуллаев, Ғ. Каримов, Ҳамид Сулаймон, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, А. Ҳайитметов, Д. Салоҳий, Нусратилла Жумахўжа, И. Гафуров, А. Абдуғафуров, Э. Шодиев, Ё. Исҳоқов, Ҳ. Болтабоев, С. Ғаниева каби олимлар Лайли ва Мажнун Илоҳий севгиси ҳақида фикр билдирганлар.

Н.М. Маллаев, Ғ. Каримов, А. Ҳайитметов, Т. Аҳмедов, Т. Жалоловлар махсус тадқиқотлар яратганлар. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг насрий баёнини Амин Умарий ва Ҳусайнзодалар (Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент 1958) нашрга тайёрлаган, унга Тўхтасин Жалолов сўзбоши ёзган.

1976 йил шу насрий матнни тузатиш ва тўлдириш билан Ваҳоб Раҳмонов ва Наим Норқуловлар (Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976) қайта нашр этдилар.

¹ Машраб. Девон. 2006, 55-бет.

Аммо шуни таъкидламоқчимизки, Лайли ва Мажнун Илоҳий ишқини Н. Комилов, И. Ҳаққулов, И. Ғафуровлар тасаввуфий руҳда талқин этиб, Навоий фалсафасидаги инсон руҳининг ишқи илоҳий билан бирлашиб кетиш концепциясини (ҳа, концепция-таъкид: М.Ҳ.) тушунтира олдилар.

Машраб шунинг учун неча Мажнунга сабоқ берганлигини, доманим- (доман-этак, ўнгир)дан Аршнинг устига Аллоҳнинг ўзи тортиб чиқариб қўйганлигини, Мансур мақомига етказганлигини, Мусо, Исо нисбатига етишганлигини, хислатим ўшалар даражасига етди, фанодан ўтиб бақога етдим, “Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим”, “Лекин Арш устида Жибрилдир менинг ҳамсухбатим” дея, юз минг биёбон пойимда турса-да, шу дамда бир пашшача хизмат қилолмадим деб, Аллоҳ билан бирлашиб кетганлигини изҳор этади:

*Етти дарёга қўшулди оби чашими ҳимматим,
Неча Мажнунга сабақ берди дилимда ҳайратим.*

*Доманимдан тортти, дунёни кўринг дуни дағал,
Варна Аршнинг устида эрди камоли миннатим.*

*Хусни гарқ бирлан адо, қилдим, баче Мансурман,
Оҳи сардим бўлди савмим, ҳам фижоним-тоатим.*

*Гарчи зоҳир хушк хоку бебизоатман букун,
Мусову Исони даврониға бордур нисбатим.*

*Эй, сафобахи, нафси фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсин манинг бул хислатим.*

*Умр азал дорул бақо, дайри фанога турғали,
Лоладек бир соати йўқдир манинг ҳеч фурсатим.*

*Покбозам, хорижи дунёйи уқбодин жудо,
Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.*

Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,

Манга ҳам дори қурулгонда етар бу қисматим.

*Ҳеч билолмайман ўзимни қайси қавмийман букун,
Лекин Арш устида Жибрилдур манинг ҳамсуҳбатим.*

*Машрабо, охир санга юз минг биёбон тай уруб,
Бўлмади бир паишайи лозарча акнун хизматим¹.*

“Лайли ва Мажнун” достони Шарқ халқлари фольклорининг энг нодир намунаси саналади. Севги аламларида куйган, ҳажр оловларида ёнган бу бахтсиз ошиқлар ҳикоясини эҳтирос ва зўр руҳий тўлқинланиш билан эшитмаган киши эҳтимол Шарқда топилмас. Халқимиз ўзининг юрак жавҳари бўлган бу ажойиб дostonни минг йиллар давомида сақлаб, қора кунларнинг аламли ёдгори сифатида бизга-бахтли болаларига совға қилди. Шарқда етишган доҳий ёзувчилар бу ажойиб афсонага эътиборсиз қараб қололмаганлар. Уларнинг ҳар бири кенг халқ орасига тарқалган “Лайли ва Мажнун” достони сюжетидан ўз ғояларини рўёбга чиқариш йўлида фойдаланишга уринганлар. “Лайли ва Мажнун” афсонаси сюжетида бошлаб асар ёзган, уни ёзма адабиётга киргизган киши, Озарбайжоннинг машҳур шоири Низомий бўлди. (Низомий ўз асарларини форс-тожик тилида ёзган эди.) Низомийдан сўнг 750 йил давомида 19 шоир шу сюжетда дoston ёздилар. Масалан, Хисрав Дехлавий, Хотифий ва бошқалар².

“Лайли ва Мажнун” кўп асрли мураккаб тарихга эга. Унинг куртаклари, академик И.Ю. Карчковский таъкидлаганидек, VII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумотига кўра Мажнун тарихий шахс бўлиб, у Бани Омир қабиласидан чиққан, асли номи Қайс ибн Муллавах (ёки Қайс ибн Муод) бўлган. Қайс ўз қабиладоши Лайли деган қизни севган, ўз севгиси ва ҳижрон аламлари ҳақида мунгли шеърлар битган. Бундай маълумот, жумладан, ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) “Китоб уш-шеър ва шуаро” асарида ҳам келтирилади. Лекин бошқа бир қатор манбалар бу

¹ Машраб. Девон. 2006, 161-бет.

² Тўхтасин Жалолов. Нафосат оламида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1974. 33-34-бетлар.

маълумотларни рад этади. Масалан, 764 йилда вафот этган араб олими Авон ибн ал-Ҳаким ал-Қалбий ҳам, 819 йилда вафот этган араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий ҳам Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозийдир, шеърлари эса ўз яқин қариндошларидан бирининг қизига ошиқ бўлган умавийлар хонадонидан чиққан йигитнинг шеърлари бўлиб, у ўз номини ошкор этмаслик учун Мажнун тахаллусини қўллаган дейишади. Шундай қилиб Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлиб қолади. Лекин шуниси равшанки, VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ араб поэзиясида Мажнун тахаллуси зикр этилган кўпгина мунгли шеърлар вужудга келади, бу шеърларнинг миқдори кўпайиб боради, тўпламларга киритилади¹.

Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлгани каби, Мажнун номига нисбат берилган шеърларнинг муаллифи масаласи ҳам мунозаралидир. Бироқ шуниси равшанки, мана шу шеърлар заминида Мажнун ҳақида ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Агар VIII асрнинг аввалларида Мажнуннинг шеърларига шарҳлар сифатида айрим ривоятлар пайдо бўлган ва улар ҳали у қадар кенг тарқалмаган бўлса, IX асрга келиб ривоятлар кўпайиб, кенг тарқалиб боради ва X асрда Мажнун номи, Мажнун шеърлари ва ривоятлари фақат Арабистондагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа ўлкаларида ҳам кенг шуҳрат топади. Ривоятлар турли китоблардан ўрин олади, мажнун номи шоирнинг шеърларида тез-тез зикр этилади.

Бизгача сақланиб қолган Мажнун ҳақидаги ривоятлар тарқоқ эпизодлардан иборат бўлиб, изчил ва мукаммал сюжет ва композицияга эга эмас. Мажнун ривояти баён этилган қадимийроқ ёзма манбалардан бири бўлган ибн Қутайбанинг “Китоб уш-шеър ва шуаро” асарида қуйидагилар ҳикоя қилинади: Қайс Лайли билан бирга туя боқар экан. Қайс билан Лайли севишиб қолишибди. Бироқ севгилисига эриша олмаган Қайс

¹ Натан Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1991, 64-бет.

телбаланиб, кишилардан ётсираб, сахрога чиқиб кетади, ҳайвонлар билан дўстлашади¹.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини яратишга киришар экан, маълум адабий анъаналардан воз кечолмасди, албатта, унинг олдида мана шу адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш ва шу асосда даврининг янги ва муҳим талаб ҳамда эҳтиёжларига жавоб бериш вазифаси турар эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи достонининг хотимасида бундай дейди:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай...*

Бу парчада Навоий икки масалага, биринчидан “афсона”, ва “мазмун”га, яъни асарнинг қобиғи ва мағзи, ички моҳияти масаласига, иккинчидан, тил масаласига эътибор қилади.

Навоий ўз достонида Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланади. Бироқ унинг асл мақсади «афсона» сўзлаш эмас, балки “мазмун” баён этишдир. “Афсона” асарнинг “мавзун либоси” бўлса, ҳаёт, Навоий яшаган муҳит масалалари асарнинг мазмуни, моҳиятидир².

Таажжубли жойи шундаки шарқшунос, тасаввуф ҳақида асар ёзган Е. Э. Бертельсдек йирик олим ҳам “Лайли ва Мажнун”даги Илоҳий ишқ тушунчасини идрок этолмай бу илоҳий муҳаббат эмас, балки инсоний севги туйғулари деган фикрни бериб Навоийнинг инсон худо билан бирлашиб кетиш концепциясини қуйидагича талқин этган: бу тўғрида Н. Комилов ва Б. Эралиевлар «Ишқ оташининг самандари» мақоласида шундай ёзганлар: Ҳатто тасаввуф ҳақида қимматли тадқиқотлар яратган, “шарқ адабиётини тасаввуф таълимотидан ажратиб ўрганиб бўлмайди”, деган фикрни баён этган атоқли олим Е.Э.Бертельс ҳам мафкуравий тазйиқларга дош беролмай, “Лайли ва Мажнун”даги илоҳий муҳаббат ғоясини инкор этган. Унинг кўрсатишича, достонда «асосан, инсонга муҳаббат, унга

¹ Ўша манба, 65-бет.

² Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1974. 159-160-бетлар.

ҳамдардлик ва унинг изтиробларини” тасвирлаш биринчи ўринда туради, Навоий “инсонга беътибор қараш, инсон ҳаётини заволга олиб келадиган урф-одатларга амал қилиш натижасида қандай оқибатларни юзага келтиришини бизга мисол қилиб келтиради...” Олим Алишер Навоийда “ўзгача муҳаббат... суфийлик концепцияси билан боғлиқ муҳаббат ғоясини тасвирлаш истаги” мавжудлигини қайд этди-ю, лекин орқасидан дарров: “Бироқ Навоий мазкур концепциядан онгли тарзда бутунлай воз кечади, чунки унга илоҳий муҳаббат эмас, балки оддий инсоний севги хис-туйғулари лозим”. (Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Навои и Джамии. М., 1965, 122 с.)¹.

Диққат қилсангиз, Е.Э.Бертельс фикрларида ички қарама-қаршилик борлиги сезилади, агар Навоий мутасаввиф шоир сифатида ўрганилса, унинг инсонпарварлигига путур етади, деган ҳадик бор. Чунки дин-афюн, тасаввуф-“реакцион мистик оқим” деб қатъий қора тамға босилганда! Шунинг учун олим илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббатни зид қўйиб, Навоийни инсоний муҳаббат куйчиси, “урф-одат”лар танқидчиси қилиб кўрсатишга зўр берган. Ваҳоланки, Алишер Навоий чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Ахир Қуръони шарифда бир неча жойда инсон худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таъкидланади. Алишер Навоий инсоннинг ана шу шарафга муносиб бўлишини истайди, нафси шайтон йўлига кирган риёкор шахслар, шариату тариқатни сохталаштирувчи кишиларни нафратли сатрларда мазаммат этади. Шоирнинг ишқ тушунчаси шу эътиқодга асосланади. Яъни пок муҳаббат, покиза инсонлар қалбидан жой олиши мумкин. Мажнун ишқи бу борада олий намуна, чунки у бутун вужуди, жону дили ила илоҳни севади, айни вақтда эса шафқат-муруввати, нажиб ахлоқию беқиёс истеъдоди билан энг гўзал инсондир. Иккинчи тарафдан, пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид қўйиш нораво, аксинча, улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган фазилат деб қаралган².

¹ Шарқ юлдузи. 1991. 11-сон. 161-бет.

² Нажмиддин Комило, Бобомурод Эралиев. Ишқ оташининг самандари. Ўрақ юлдузи. 1991, 11-сон, 161-162-бетлар.

Машраб бекорга олам аҳлига мурожаат этмаётир, чунки нури илоҳий инсони комил эканлигини у бизга-сизга-ҳаммага, жаҳонга билдирмоқда-чунки у ўз тажаллийсини кўришни хоҳлаб турар экан. Қуръондаги “Кунти канзан махфиян”-Мен сирли, махфий-яширин ганж эдим, ўзимни билдирмоқ учун Одамни яратдим, дейди. Мансур Ҳаллож айтган “Анал-Ҳақ”лик худо даъво қилиш эмас,-унинг зарраси эканлигини билдирмоқ. “Анал-Ҳақ” қандайдир мавҳум ёки умумий бир тушунча бўлмасдан, биринчи галда ахлоқий покланиш, руҳоний ҳаётда яшашга етишиш ва илм, маърифат, фикр ҳамда иродада олий натижаларни қўлга киритмоқдир. Бундай ҳолда мағрурлик ёки манманликдан ному нишон ҳам қолмайди. Шу маънода мавлоно Жалолиддин Румийнинг мана бу сўзлари алоҳида эътиборга лойиқ: “Анал-Ҳақ” – “Мен Ҳақман” дейишни одамлар буюкликни даъво қилиш ҳисоблайдилар. “Мен Ҳақман” дейишлик улуғ бир камтарликдир. Бунинг ўрнига “Мен Ҳақнинг қулиман”, деган киши икки борликни исботлаган бўлади. Холбуки, “Мен Ҳақман” деган ўз борлигини йўқ қилгани учун “Анал-Ҳақ” демоқда, яъни мен йўқман, барчаси Улдир. Аллоҳдан бошқа борлик йўқдир¹.

Инсони комил тушунчаси динда мавжуд бўлмаган. У илк сўфийларда ҳам кўзга ташланмаган. Унинг маълум жиҳатлари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож қарашларида ўз ифодасини топган бўлса-да, Ибн Арабийдан кейин барқарор ва яхлит бир тушунчага айланган. Бу тушунчанинг туб моҳияти эса мана бундай: Машҳур бир ҳадисга кўра, Аллоҳ яширин бир хазина эди, ўзини зоҳир айланиш учун дунёни яратди. Демак, энди биладиган, тушунадиган бир мавжудлик зарур эди. Ана шу мавжудлик Инсони комил эрур. Зеро, у ҳақиқатни билгувчи, ҳақиқатларни асл моҳиятини тушунувчи зотдир. Инсон бўлмоқ эса ҳақиқатларининг тажаллийгоҳи бўлмоқ маъносини акс эттиради².

Машраб юқоридаги фикрларни қуйидаги ғазали билан тасдиқ қилмоқда:

Биродарлар, ман ушбу кеча Мажнундин назар топдим,

¹ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. “Маънавият”, Тошкент, 1998, 12-бет.

² Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. “Шарқ”, Тошкент, 2007, 47-бет.

Тун ўтгунча риёзат билан оламдин хабар топдим.

*Ўшал маҳвашни ёд айлаб, гаму қайғу зиёд айлаб,
На ақлимдин нишон кўрдум, на хушумдин асар топдим.*

*Манингдек талхкому бенасиб дунёда ўтган йўқ,
Шакар оғзимга солдим, захри қотилдин батар топдим.*

*Бу даҳри бевафога ҳеч кўнгул берманг, аё дўстлар,
Ки, ман фоний жаҳонни мисли абри даргузар топдим.*

*Вужуди ушбу олам бир кеча-кундуздин ортиқ йўқ,
Чароки дунёда бир шамс кўрдум, бир қамар топдим.*

*Надомат ашки тўфони бошимдин чун ўтиб кетти,
Балиғ қорнидаги Юнус каби баҳр ичра бар топдим.*

*Нигоримдин вафо, на дўстлардин дафъи гам кўрдум,
Ки, ҳар кимдин умиди манфаат қилдим, зарар топдим.*

*Нетай, Машраб, бу йўлда манга ҳеч ким бўлмади раҳбар,
Адашдим, йўл йитурдум, на паёму на хабар топдим¹.*

“Лайли ва Мажнун” Қайснинг туғилиши билан бошланади, унда Қайс ҳам, Лайли ҳам ақлли-фаросатли, шод-қувноқ ёшлар. Бироқ уларнинг бахтли ёшлик айёми узоққа бормайди. Бир-бирини сидқидил билан севган Қайс ва Лайлиларнинг бошига оғир ва мусибатли кунлар кела бошлайди. Висол ўрнини ҳижрон, дўстлик ўрнини қайғу, кулгу ўрнини оху фиғон, табассум ўрнини қонли кўз ёш эгаллаб олади. Саҳифадан-саҳифага ўтилар экан, шоир китобхонни қахрамонларининг руҳий кечинмалари дунёсининг ич-ичига олиб киради. Шу зайлда психологик тасвир асосий ва етакчи бўлиб қолади, бадий тасвирнинг бошқа турлари ва компонентлари унинг атрофига уюшиб, жам бўлиб боради.

¹ Машраб. Девон. 2006, 153-бет.

Баҳор айёми. Қайс билан Лайли илк бор учрашиб, севишиб қоладилар. Қайс ва Лайли ҳаётининг ҳам баҳор айёми. Севги ғунчаси гуллаши ва ҳосил бермоғи керак. Бироқ табиат ўз йўли билан боради-ю, Лайли ва Қайслар бошқа йўлга тушиб қоладилар. Уларнинг севги ғунчаси қулф уриб очилмайди, баҳор мавсуми тугамай хазон йили бошланади. Севгувчиларнинг йўлига тўсиқлар ва тўғоноқлар туша бошлайди. Уларни дийдор кўришдан маҳрум қиладилар. Севгувчиларнинг қалби дар-аламга тўлиб, ранг-рўйи заъфарондек сарғаяди¹.

Нажмиддин Комилов нафсоний ишқ 14-16 ёшда бошланишини, Лайли ва Мажнунда норасида пайти 5-6 ёшларда пайдо бўлганлигини, бу Машрабдек дарвешлар руҳига Аллоҳ ёшлигиданоқ шу ишқни жойлаб қўйганлигини, бу шоирнинг: «Бир кўриб Мажнун каби, Лайливашим» то қиёматгача Аллоҳ унинг қалбига илоҳий ишқни солганлигини таҳлил этиб қуйидаги фикрларни ёзади:

Ахир “нафсоний ишқ” одам балоғатга етгандан кейин тахминан 14-16 ёшларда бошланади. Лайли ва Мажнун ҳали норасида, 5-6 яшар болалар... Шоир муболаға санъатини қўллаб, Лайлининг чиройи-ҳусни гулзорни чароғон қилиб юборди ва гулзордаги бир нахл (нихол, севгилисининг қомати) ни хазон этди, дейди. Бундан ўзга маъно ҳам чиқиши мумкин. Чунончи, хусни мутлоқ бир кўриниш берганди, солиқлар (ҳақпарастлар) завқ-шавққа тушдилар. Ҳусни мутлақ кўзгуси-баҳори зиндагоний (ҳаёт, тириклик) да ўз севгилиси (солик) қоматини букиб, уни интизор айлади, яъни солик бундай ҳусн-жамолга дош беролмасдан хушдан кетди. Кўриниб турибдики, бундан суфиёна маъно чиқаётир.. Тасаввуф таълимотича, гулшан-бу дарвешнинг бутун руҳияти, уни ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб, хушдан айрилади. Энди бу ёғини тушуниш осон кечади, чунки Қайс ошиқ (солик) лик йўлига кирди, Лайли билан илк учрашувдаёқ унда илоҳий куч кескин намоён бўлди².

Мажнунда “кимёланиш” Лайлини кўргандан кейин бошланади, аммо ишқ ўти унга анча илгари, у дунёга келгандаёқ теккан эди. Бошқача айтганда, Қайснинг ошиқлик даврига

¹ Натан Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. 82-83-бетлар.

² Н. Комилов, Б. Эралиев. Ишқ оташининг самандари. Шарқ юлдузи. 1991, 11-сон. 163-бет.

гирифторлиги юз бало офатларга-дучор бўлиши, “мажнун”-жинни номини олиб, маломатларга қолиши унга тақдири азалдир, унинг лойи ишқ олови билан қорилган. Ғам хайли, бало, дард, фиरोқ унинг доимий хамроҳи, чунки ошиқлик, Ёр васлига етиш шундай уқубатларни бошдан кечириш билан вобаста. Алишер Навоий буни асар бошида Ишқ водийсининг даҳшатларини хаёлан тасвирлаш орқали кўрсатади: зимзиё тун кўйнида шоир хаёли Арабистон ерларини кезиб чиқади, ёмғир, бўрон аралаш момақалдироқ гулдираб, чақин чақилади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший хайвонларни кўради. Булут ҳам “бало ўқларин” ёғдирарди. Бу тун-ҳажр туни, бу водий эса-ишқ водийси, ваҳший даррандалар-ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар-ишқ қурбонларидан нишона. Ўз асли, илоҳидан ажралган мусофир, ғариб рух-Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди...¹.

*Мажнунсифат фиरोқ даштида зор йиғладим,
Дарду ғаминг, Лайливашим, Лайлу наҳор, ўқуй,-*

илоҳий ишқдан баҳраманд бўлган Машраб то қиёматгача Лайлини севишини изҳор этади:

*Эй нигоро, ман санинг ёринг бўлай,
Бандайи ул қадди рафторинг бўлай.*

*Шамъи ҳуснунг айланиб парвонавор,
Ман фидойи шамъи рухсоринг бўлай.*

*Бир кўруб Мажнун каби, Лайливашим,
То қиёмат ман санинг зоринг бўлай.*

*Туну кун ишқингда саргардон бўлуб,
Булбули сармасти гулзоринг бўлай.*

Хату холинг дом бўлди жонима,

¹ Ўша манба, 162-бет.

Сайд ўлуб ҳар дам гирифторинг бўлай.

*Ҳусн бозорида, эй Юсуф сифат,
Жон билан ҳар дам харидоринг бўлай.*

*Ҳоли зоримни кўруб, эй нозанин,
Ҳеч демайдурсанки, гамхоринг бўлай.*

*Кўз ёшини оқузуб Машраб қулунг,
Мунтазири маҳви дийдоринг бўлай¹.*

Алишер Навоий ҳам Лайли ва Мажнун ахлоқий поклигини, ошиқлиги фидокорлигини таърифлашда, Лайли Мажнун қалбини маҳв, забт этганлигини, тирик қалблар фоний (ўткинчи) ликда бирика олмаслигини, абадийликда-бақода бирга бўлишлигини айтади:

Лайли ва Мажнун образлари “Лайли ва Мажнун” достонидан ташқари Навоийнинг лирикаси, бошқа достонлари ҳамда фалсафий-таълимий асарларидан ҳам ўрин олган. Ишқ куйчиси бўлган Навоий лирикасида тез-тез Лайли ва мажнунларга мурожаат этади, уларнинг севгиси ва фожиасини эслатади, Лайлининг гўзаллик ва покликнинг, Мажнунни ошиқлик ва фидокорликнинг рамзи сифатида қўллайди. Бир неча мисол келтирамиз:

*Кўп сўз ясоди Лайли Мажнун сўзида халқ,
Эрмас начуини ҳуснунгу ишқим афсонаси.
 (“Бадойиул-васат”, 601 бет.)*

*Чу Лайли қилди Мажнун кўнглунинг сарманзилин хилват,
На суд ар қўймаса ҳай гирдида они араб ҳаргиз.*

(“Бадойиул-васат”, 217 бет.)

Зинда дил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлига ҳай,

¹ Машраб. Девон. 2006, 107-бет.

*Бас не осиг ани ҳайдин ковламоғлик, эй араб.
("Ғароибус-сиғар", 65-бет.)*

биринчи байтда Лайли ва Мажнун «сўз» и (дарди, фожиаси) ҳақида халқнинг сўзи (афсона ва ривоятлари) кўплиги таъкидланса, кейинги икки байтда Мажнуннинг хўрланиши, таҳқирланиши таъкидланади¹.

Машраб Лайли ёдини Мажнун нигоҳидан, унинг дарчасидан қараб, "манга бу дарди бедаво" дейиши, у нафсоний эмас, етиб бўлмас, аммо азалий-боқий ишқ эканини англатади.

*Ғамза қилиб қошима кел, сенга қилай жонни фидо,
Куйди юрак ҳажр ўтида, оҳ нетайин, бўлдум адо.*

*Ўлди бу Мажнунинг хароб, Лайли, ғамингда тинмади,
Тўлди юракка хасратинг, куйдиву бўлди мубтало.*

*Зоҳиду баҳра олмоган иззату ҳурматинг тилар,
Тоати хушки зуҳдига мунча қилиб кибру ҳаво?*

*Дод этадурман, эй санам, бўлса қиёмат ул куни,
Ҳаммага марҳамат этиб, манга бу дарди бедаво.*

*Боди хазони бемаҳал умрима етти, найлайин,
Тавба қилиб уялмадим санга Худойи Кибриё.*

*Машраби беқарори ишқ топса сани сўроглашиб,
Кўйса бошин бўсогага ҳосил ўлурму муддао²?*

Гулшандаги учрашувдаёқ Лайли ва Мажнун бир-бирисиз туrolмаслиги маълум бўлади. Аммо учрашиш ҳам азоб, чунки Қайс Лайлига рўбарў келган заҳоти тоқат қилолмайди, унинг рухсорига боқа олмай хушдан кетади. Бу руҳий ҳолат адабиётшунос Иброҳим Ғафуров таъкидлашича шундай:

¹ Натан Маллаев. Сўз санъатининг гултожи. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1991, 86-87-бетлар.

² Машраб. Девон. 2006, 238-бет.

“Хушдан кетиш фавқуллода руҳий ҳолат. У фақат қаттиқ кечинмаларга берилгандагина, одам дилида мубталоликнинг ўчмас олови бўлгандагина рўй берса керак. Навоий достонида Қайс, агар эътибор қилган бўлсангиз, 5 маротаба хушдан кетади. Унинг ҳар бир хушдан кетиши Лайли қаршисида содир бўлади”. Хушдан кетиш кўпроқ суфийларга хос руҳий-психологик кечинма. Айниқса, улар илоҳ ёдида ўта жазавага берилганда, бутун руҳий куч-қувватини ишга солганда хушдан кетиш, ўзини унутиб қўйиш даражасигача бориб етадилар. Навоий Мажнун образида суфийликнинг ана шу ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради. Бундан ташқари, айти шу ҳолда ёр жамолини кўнгул кўзгусида ҳис этиш ҳайратидан хушдан кетиш содир бўлади¹.

Машраб: “...қани Лайли деб оҳ урсам” дейди. У тажаллини Лайли суратида кўради:

*Сузук кўзлу, сариз садбарг юзунгни, дилрабо, кўрсам,
Юзунгдин юз ўгурмасман, агар юз минг бало кўрсам.*

*Мани ошиқ, сани маъшуқ ки дерлар ушбу оламда,
Насиб ўлмуш манга давлат, фироқинг ўтида куйсам.*

*Чунонам кўнгли қаттиқсан, бирам ҳолимни сўрмассан,
Жамлингга тўёлмасман бошингдин юз минг ўргулсам.*

*Нечук бедодлиг иш бўлдики, ман сандин жудо бўлдум?
Жафоларники ман тортиб, на мушкулдур қараб қолсам.*

*Садафсиз дур, тикансиз гул, машаққатсиз хунар йўқдур,
Топарманму висолингни жаҳонни истабон юрсам?*

*Лабинг-лаълу хатинг-Хизру юзинг-монанди Юсуфдур,
Зулайходек куйуб-ёниб бу ишқ ичра адо бўлсам.*

Ўшал Мажнуни шайдодек биёбонлар аро ман ҳам,

¹ Нажмиддин Комилов, Бобомурод Эралиев. Ишқ оташининг самандари. 164-бет.

Кўюнгда дам-бадам ёниб, қани Лайли деб оҳ урсам.

*Кел, эй Машраб, кўзунг йўлларда қолди термулуб, найлай,
Қани ул хоки пойинг, кўзларимга тўтиё қилсам¹.*

Навоий бой-камбағаллар орасидаги тафовутни тасвирлаш мақсадида қалам тебратгани ҳам йўқ. Зеро, Лайлининг отаси каби Мажнуннинг отаси ҳам қабила бошлиғи, унинг бойлиги Лайли отасиникидан ҳам, Ибн Саломникидан ҳам кам эмас. Зиддиятнинг тугуни шундаки, Лайли отаси “девона” Қайсга қизини беришдан ор қилади, Мажнуннинг отаси эса, ўғлининг “девоналиги” ни тузатиш учун жони ҳалак. Агар мана шу тўсиқлар бўлмаганда ҳам, яъни Қайс Лайлига уйланганда ҳам у, барибир, мажнунлигича қоларди, зеро унинг мақсади уйланиш эмас, балки Лайли воситасида илоҳий ишқ камолотини касб этишдир. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, Мажнун замон ва макондан ташқари бир тимсол². Машрабнинг Лайли ва Мажнун қиссалардан огоҳлиги, унинг васл ҳақидаги орзуси, шу даврга мубталолиги: “Куюб ҳажринг Билан ўлғон манингдек мубтало борму?” дейиши унинг Ҳаққа ошиқлиги рамзи эди:

*Сани дардингга, эй дилбар, жаҳонда ҳеч даво борму?
Етибдур халқума жоним, манингдек пур жафо борму?*

*Санам, ишқинг мани охир бу умрумни хазон этти,
Юрак пора, кўзи ёшлук, манингдек бенаво борму?*

*Агар Маҳшар куни чиқсам, санинг ишқингда дод айлаб,
Қиёмат қозиси бўлсанг, санингдек додхоҳ борму?*

*Ҳама ошиқларинг ичра эрурман зору саргардон
Ки, ўлғон остонингда манингдек ҳеч гадо борму?*

*Ўқуб ул “Лайливу Мажнун”, эшитгил сўнгра бул қиссам,
Куюб ҳажринг билан ўлғон манингдек мубтало борму?*

¹ Машраб. Девон. 2006, 129-бет.

² Нажмиддин Комилов, Бобомурод Эралиев. Ишқ оташининг самандари. 165-бет.

*Ўшал Фарҳод билан Мажнун кўруб ишқида жон берди,
Фироқингда адо бўлгон манингдек мосиво борму?*

*Зулайҳо бирла Юсуф ҳам чу дунёдин фигон айлаб,
Кўшуб бир-бирига охир, санингдек дилрабо борму?*

*Тамоми ошиқи содиқ ҳама мақсудига етти,
Висолингга етолмай бир манингдек бенаво борму?*

*Дедим девоналик бирлан бу сўзларни мане Машраб:
Хатоларни кечиргучи санингдек подшо борму¹?*

Давлат арбоби бўлган Алишер Навоий:

“Қўлимдин келгунча зулм тиғин ушатиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин кўйдум”,-деб элга мадад берди.

Машрабнинг лирик қаҳрамони подшо Ҳорун ар-Рашид ҳайит куни халқ аҳволини кўриб юриб Мажнунга кўзи тушади.

Мутафаккирнинг ҳикоя қилишича, халифа Ҳорун ар-Рашид сайил чоғи Мажнунни ҒАМ ва мотамда, телбаларча юрганини кўриб ёнига чақирди.

Мажнун подшоҳ Ҳорун ар-Рашидга мен Лайлининг ишқида шу аҳволга тушдим, унинг ишқи йўлида гадо бўлдим, унинг ҳусни жамоли зангиникига ўхшаш қоп-қора бўлса-да, сенинг тўрт юз канизагингни ҳеч бирига алмашмасман, Лайли кўптир, аммо сен унга Мажнун ошиқлиги кўзи билан қара, шунда сен ҳақиқий ошиқ ҳолини билурсан, деб жавоб беради:

*Лайли ёди қилгудек Мажнун керак,
Кимки ошиқдур, дили пурхун керак.*

Мажнун халифага ишқ савдосига мубтало бўлганлигини баён қилди.

Ишқсизлар, ишқдан йироқ кишилар Лайли ҳажрида чекаётган дарду ҳасратимга ошно ҳам бўлмасинлар ва

¹ Машраб. Девон. 2006, 314-бет.

ошиқлигим учун устимдан кулмасинлар, сенинг ҳимматинг мен учун зарур эмас деди:

*Ишққа бўлсин мисли мандек мубтало,
Сўнгра они сўра мендин, подшо.
Асли билсанг, дийдаси пурхуни ман,
Лайли отлиғ ёрни Мажнуни ман.*

Мажнун подшоҳга мурожаат қилиб айтдики, агарки илкиндин келса, мени дардимга дори топу давосини қил, Лайли васлига етолмасам, унинг доғи то қиёматгача битмайди. Бугун ҳайит сайли, ошиқлар бир-бирин жамолин томоша қилиш учун келмоқдалар, ҳайит ва наврўз ошиқ аҳлининг бир-бирини васлига маст бўлиб тўядиган вақти, демакки, эй Ҳорун, сен менинг аҳволимни кўриб ҳайрон бўлма, деди.

Ҳоруннинг буйруғи билан Лайлини Мажнун қошига келтирдилар. Ҳар иккиси ёқаларини чоқ этиб, бир-бири сари талпиндилар. Лайли Мажнун бошини тиззасига олди.

Лайли ва Мажнун бир-бирига дил розини изҳор этдилар.

Мутафаккир Машраб Лайли ва Мажнун Илоҳий севгисини фалсафий талқин этиб, улар ахлоқини юксак шеърӣ усулда ифода этиб, комил инсон ўзини ишқ йўлида (Илоҳий ишқ назарда тутилмоқда) фидо даражасида пок бўлмоғини таъкид этади. Гўдак йиғламаса, она сут бермайди дейди мутафаккир, демак, Ишқ ҳам она сутидек пок бўлмоғи лозим:

*Жон ўшал жондурки, парво қилмаса,
Дил эмас олам тамошо қилмаса.*

Машрабнинг ошиқ Мажнун ва маъшуқа Лайли ҳақидаги ишқ изтиробларини улуғ Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони хотимасидаги бу ишқ тарихи фонийликда висолга етмай, абадийлик-бақони орзу этиб бир гўр, бир қабр, бир кафанга ўралиб, тонгла қиёматгача хур, покиза бўлиб илоҳийлашганлигини Навоий шундай баён этган:

Мажнун гоҳ тушида, гоҳ хаёлида иш қилиб ҳамиша Лайли билан бирга бўларди. Гоҳ пок кўнгил, гоҳ хотиф уни дилдоридан

воқиф қилиб, маҳваш ажал қўлидан майни олгунча бўлган ҳолларни айтар эди.

У девона, яъни Мажнун симобга ўхшаб титраб-қалтираб ётганида, тўсатдан қулоғига бир овоз эшитилдики, у қуйидаги шум хабарни эълон қилмоқда эди: “Эй, дарду бало қўшинларининг шоҳи! Ишқ аҳли эшигинг олдида тупроқ бўлган зот!

Эй дард ўлкасининг қаҳрамони ва ишқ аҳлининг ҳукмрони! Ишқ аҳли қуллиғинг ҳавасида бўлган, тургин, эндиликда ётиш чоғи эмас! Тоза боғингга ҳазон тушиб, чироғинг эса тонг шамолига учради. Булбул бўлсанг парвоз қил! Лайли шамъига парвоналигингни бошла!

Ёр сафар ишига киришди, бир ҳамроҳга маҳтал бўлиб сени кутиб турмоқда. Унга йўлдош бўласанми ёки у ўзи ёлғиз сафарга кетаверсинми?”.

Мажнун аҳвол нималигини билгач, тани жуда кучсизланиб кетган бўлса ҳам, қоплон каби ўрнидан сакраб турди ёки осмон кийиги тоғдан ирғигандек бўлди. Дарҳол қабила томон югурди ва оғзида висол куйини тараннум этиб, жонини қўлга олиб садақа қилмоқчи, Лайли учун ўз жонини қурбон қилмоқчи бўлди. Шодлик кўз ёшини ёмғирдек ёғдириб, яшиндек сакраб юрарди. Меҳрининг ўти жаҳонни ёритиб, балки қуёш каби бутун дунёга нур таратиб, ўлдирилишдан кўнглида ҳеч қандай кўрқинч бўлмай, душманидан ҳам ваҳимага тушмасди. Эл эса унинг ҳайбатидан ва баъзилар ваҳший хайвонларнинг офатидан кўрқувга тушардилар. Шу онда у Лайли эшигига қадам қўйди, лекин йиртқич хайвонлар орқада қолди. Мажнуннинг бундай ҳайбатидан Лайли қабиласи одамлари кўрқиб, жойларидан қимирлаёлмай қолдилар. Лайлининг ҳовлисига етганида у ҳеч тортинмай уй ичига кирди.

Лайли ўлум олдида, онасига қилган васиятларида, Мажнун бу даргоҳга келаркан, унга ҳеч қандай озор бермаслигини илтижо қилган эди. Бу жондан азиз ёри, балки абадий йўлдоши уй ичига кириб, бир-бирини кўргач, ҳам у, ҳам бу муродларига етдилар.

Лайли жононига қандай жон фидо қилган бўлса, Мажнун ҳам жонондек жон берди. Лайли абадий уйқуга кўз юмиб, йўлдошига

етишди, Мажнун эса унинг йўлидан бош тортмай, ўз жонини фидо қилди.

Ҳисобсиз кишилар уйга кириб, Мажнун ишига назар солганларида, унинг жонсиз гавдаси ерда узала тушиб, Лайли билан баравар ётганини кўрдилар. Кўрилмаган бундай воқеа қабилани ҳайратга туширган эди. Уларнинг бундай ишқ ичида ўлмоғи барча элнинг ҳам ишқини пок айлади.

Таъзия ўтини пасайтирганларидан сўнг, ўртада шундай бир ажиб сўз ўтди: қайси суратда кўмиш керак.

Барчалари дедиларки: “Бу ҳар икки ғамгин бутун бузуқликлардан пок эдилар. Ҳаёт чоғларида бу раҳмсиз ишқ уларни бир нафас бўлса ҳам шодлантормади. Айрилиқ биёбонида жонларидан тўйиб, армон билан оламдан ўтдилар. Уларнинг руҳлари жаннатда абадий висолга етишади. Шунинг учун ҳам ҳар икки баданни кўшиб, бир кафан, бир гўр яшаш керак. Жонлари бўлса бир-бирига кўшилди, тупроқлари ҳам тупроқларига қўшилиши мувофиқдир”.

Лайли ҳам шу васиятни қилганини эсларига туширгач, барчалари шод бўлдилар ва керак нарсаларни ҳозирлаб, ўликни одат бўйича ясантдилар. Бир тобутга солдилар икковни, жонсиз келину ўлик куёвни. Ҳар икки гавда бир кафанга жойланди, йўқ-йўқ, балки икки жон бир гавдага кирган эди. У икки дилоромнинг бир тобутда ётиши, худди бир бодом пўсти ичида бўлган кўш донага, дугонага ўхшар эди. Йўқ-йўқ, уни кўш дона дема, у дона дугона ҳам эмас, дугона икки бадандан иборат бўлиб, ҳар иккаласининг бошқа-бошқа кафанлари бор. Булар шундай бир дона эдиларки, аслида икки жузв деб айтиш мумкин бўлса ҳам, лекин ҳар бири бир-бирига ёпишган бир узв эди. Буларга васл ваҳдатининг шиддати, иккилик мажolini бермаган эди. Ҳар икки бадан дона каби бир бўлганидан, дона қобуғи каби кафанлари ҳам бир бўлди.

Алқисса бу жонажон ёрлар, абадий висолни топгач, тобутлари устига чиройли рангдаги ажойиб нақшли ипак пардаларини ёпдилар. Уларни бош устига кўтариб, гўристонгача олиб бордилар. Бу икки дилрабони тобут Билан гўр ичига оҳистагина олиб кирдилар. У мўлжалланган жойгача олиб бориб, тупроқ ғарибхонасига қўйдилар.

Уларни тупрокқа қўйгач, у қоронғу гўрдан, ҳайҳот, тезда чиқдилар.

Қора булутлар ой билан қуёш юзини бекитгани каби гўр бир бўлгандек қабр ҳам бир бўлди. Ишқ аҳлининг умид шамълари ўчди, чунки ой билан қуёш ерга ботган эди... На ишқ аҳлининг шоҳ ва на хусн осмонининг моҳи қолди.

Лайлининг ота-онаси, қавму-қариндошлари биргалашиб, ҳар кун икки маҳал йиғилиб, қабр устида йиғлашар эдилар. Замон ўтиши билан булар ҳаммалари бир-бир тупрокқа жойланди¹.

Бу фожеага, хусусан Лайли ва мажнун қавмигина эмас, балки инсон, инсоният қавмлари чидаши мумкин эмас эди. Машраб ўша дардни, Навоий куйлаган дардни бошидан кечирди.

*Сўнгин нечаким узаттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир..-*

дейди Навоий. Машраб “Ишқ мазҳабига..” чидолмаслигини баён этган:

*Ишқ мазҳабига тақвийу тоат чидаёлмас,
Тасбеҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.*

*Ким кўрса ўшал дилбари раънони баякбор,
Бетоқат ўлуб, айши фароғат чидаёлмас.*

*Фарёду фигонлар қиладурман кеча-кундуз,
Ҳайратда қолиб қад ила қомат чидаёлмас.*

*Адҳам сифат ул кирса киши фақр йўлига,
Осойиш ила хайри саховат чидаёлмас.*

*Арбоби муҳаббатга етиб бўйи санамдин,
Ақли кетибон сабру қаноат чидаёлмас.*

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал моҳлиқони,

¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1976. 100-101-102-бетлар.

Зухду вараъу кашфу каромат чидаёлмас.

*Девона қилур ишқи санам, васли чу Мажнун,
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас.*

*Ким жоми муҳаббат майидан жураъйи ичса,
Шоҳона ҳашам, иззату ҳурмат чидаёлмас.*

*Бул ишқ элининг ҳар дам этар валваласига,
Бешубҳа билинг, дасти иродат чидаёлмас.*

*Машраб, келибон кўнгул ила рақси само қил,
Ишқ мазҳабига оби таҳорат чидаёлмас¹.*

Навоий ва Машраб куйлаган муҳаббат қиссаси, фожеа билан тугаши аён бўлса-да, улар илоҳни севган комил инсон ғоясини асарларида башариятга, унинг фаҳму-фаросати юксак Одам зотига тушунтира олдилар. “Ишқ кимё” эканлигини англатдилар. Жисмоний ўлим топган Лайли ва Мажнун фожеасини ва улар тонгла қиёматгача бир-бири васли билан нафас олаётганлигини, васл фоний-(ўткинчи) дунёда эмас, бақо-абადий дунёга қолдирилганлигини, руҳан Илоҳ билан бирлашиб кетиш концепциясини гувоҳи бўлдилар. Бу муҳаббат нафсдан ҳоли, пок, ҳур муҳаббат тимсоли бўлган.

Машраб ижтимоий-ахлоқий қарашларининг моҳияти шундаки, у яшаган XVII—XVIII асрлар мавжуд тузумига ўз муносабатини билдирди, у тузумдан норозилигини, адолатсизлик, зулм-истибдод, жамият иллатларига қарши курашини, ҳукмдорлардан норозилик кайфиятларини илғор маънавияти, кенг ижодкор сифатида кўра олди ва дунёқарашини ўткир қалами билан зулм тиғини пасайтиришга қаратди.

Мутафаккир ижтимоий-сиёсий қарашларининг яна бир гоъвий томони, у ўз даврининг салбий иллатларини танқид қилгани ҳолда, у одамларни маърифатли бўлишга, билим, ҳунар

¹ Машраб. Девон. 2006, 298-бет.

эгаллашга чақирди, золим ва нодон, фирибгар ва ахлоқсиз кишиларни ҳам диёнат ва адолатга, инсоф ва ҳақгўйликка даъват этди.

Машраб ижтимоий-ахлоқий қарашларининг замирида маърифатпарварлик, кишиларни билим олишга ундаш ҒОЯСИ ётади. У ўз даври учун ижодий фаол иш олиб бориб, ҳикоятлар, ахлоқий-маърифий газаллар яратди. Уларда ишқ-муҳаббатни, ахлоқий баркамолликни тарғиб этиш билан бирга, адолатсизлик ва мунофиқликни кескин қоралади, одамларни ҳамжихат ва ҳурфикр бўлиб яшашга ундади.

Машраб кишилар орасида поклик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ота-онани ҳурмат қилиш, тўғрилиқ ва софлик, ватанпарварлик ва шижоаткорликни тарғиб қилди, адолат ва ҳаққоният, инсоф ва диёнат, юксак эътиқод ва ҳақиқат учун курашди. Унинг миллий ва умуминсоний руҳ билан суғорилган ахлоқий қарашлари ҳозир ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбек халқи ижтимоий-ахлоқий тафаккури тарихида Машрабнинг хизмати бениҳоя каттадир. Унинг гўзал ва бетакрор ғазалиёти ўзбек халқининг ўтмишдаги маънавий ҳаётининг ривожланишида яна бир саҳифа очди. Машраб қолдирган маънавият ўзининг ички туғёни, гўзаллиги, нафислиги, фалсафийлиги билан ардоқлидир. Пок зийнат мутафаккир дунёқараши, руҳи бизнинг асримизгача етиб келиб, бизлар билан ҳамдам ва ҳамқадамдир.

ХУЛОСА

Бобораҳим Машрабнинг фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий қарашлари XVII—XVIII асрлар Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий фикри тарихида муҳим ўрин тутади, у Навоидан кейин сермаҳсул ижод этган мутафаккир шоир. Унинг ўлмас разалиёти, «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари ўзбек адабиётида алоҳида бир саҳифани ташкил этади.

Машраб яшаб, ижод этган XVII—XVIII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт қай ҳолатда эди? Машраб дунёқараши ва ижодини бевосита у яшаган даврнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ва маданий-адабий муҳити билан боғлиқ тарзда ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Мутафаккир яшаган давр Ўрта Осиёда аштархонийлар давлати ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Машраб яшаб, ижод этган даврда Ўрта Осиёда иккита ўзбек хонлиги — Бухоро ва Хива хонликлари қарор топган бўлиб, аштархонийлар сулоласи XVIII асрнинг ўрталаригача давом этди.

Машраб таваллуд топган даврда Мовароуннаҳрда аштархонийлардан Назрмуҳаммад ҳокимлик қилади. Мовароуннаҳрга 1655 йилда Хива хони Абулғозихон, кейинчалик Ануша ҳужум уюштиради. Бухоро хони Субхонқулихон Хива хони ҳужумини даф этди. Бухоро тахтига Убайдулла II (1702—1711) келади. Бу вақтда Балх ҳам Бухоро хонлиги тасарруфида эди, кейинчалик Балх ҳокимлиги суверен ҳуқуқ олади. Машрабнинг қатл этилиши (1711 йил) худди шу пайтга Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмуд қатағонбий ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади.

Аштархонийлар давлатининг таназзули XVIII аср бошларида чўққисига етади.

Фарғона XVIII аср бошида алоҳида ҳокимият бўлиб олган эди. Чустга яқин Чодак қишлоғида дарвишлар жамоаси ҳокимиятни қўлга оладилар. Ўзини Чингизхон авлодидан деб ҳисоблаган Шохрухбий дарвиш-шайхлар ҳокимиятини ағдариб ташлайди. XVIII аср бошларида Шохрухбий даврида Хўқанд (ҳозирги Қўқон) шаҳри янги тузилган давлат пойтахти бўлади.

XVIII аср бошида Қўқон, Балх ва Қундуз туманлари ҳам Бухоро хонлигидан ажралиб, гоҳ аштархонийлар, гоҳ ўзбек шаҳзодаларидан чиққан кишилар қўли остида қолди. Машраб яшаган даврдаги сиёсий муҳит ана шулардан иборат эди. Бу пайтда социал, ижтимоий-иқтисодий муҳитда гарчи номига марказлашган ҳокимият ўрнатилган бўлса-да, аслида мамлакатни катта ер эгалари бошқарарди.

Мутафаккир яшаган XVII—XVIII асрларда Мовароуннаҳр ўлкасида санъат, маърифат ва маданият муайян даражада тараққий этди. Ўрта асрлар ўзбек адабиётида сарой аҳллари томонидан наср ва назм билан тузилган тарихий ва фалсафий асарлар ҳокимлар, хон ва аъёнларнинг қараш ва мафкурасини акс эттирди. Халқ орасидан Саидо Насафий, Турди Фароғий, Равнақ, Гулханий, Роқим, Нишотий, Андалиб, Ҳувайдо, Сўфи Оллоҳёр, Абулғози Баҳодирхон, Машраб каби ҳурфикрли шоир ва мутафаккирлар етишиб чиқди, омма халқ билан бирга бўлиб, уларнинг орзу-умидлари ва қарашларини ўз ижодларида дадиллик билан акс эттирдилар.

XVII—XVIII аср Ўрта Осиё адабий-фалсафий жараёнида Бобораҳим Машраб ижоди алоҳида ўрин тутди. Унинг ижоди, дарвишона ва туғёнли тарғиботлари ўлкамизга чегарадош ва бошқа кўплаб Шарқ мамлакатлари шеърлятига ҳам салмоқли равишда таъсир этди. Машраб шеърларида ҳукмрон табақа намояндаларининг риёкорлиги, мунофиқлиги, ўзбошимчалик-лари ва айтиш мумкинки, мавжуд тузум зулми кирдикорларини аёвсиз фош эта олди. Муҳаббат даштида овора бўлган халқни кўрдим, — деган мутафаккир замонасининг адолатсиз тузумини, халқ руҳи, руҳиятини куйлашни ўзи учун муқаддас деб билди. Бу даврда диёримизда файласуфларнинг йирик намояндалари етишиб чиқди, улар илғор ғояларни илгари сурдилар. Инсониятнинг ҳур, маънавий фикр ва дунёқарашини бойитувчи ғазаллар, рубоийлар, ҳикоялар, тарихий асарлар, ахлоқий-дидактик, ижтимоий-фалсафий фикрларни Машраб, Саидо, Махмур, Гулханий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат сингари демократик тенденциядаги ғояларни тарғиб қилувчиларни етказиб берди, булар ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига ўз ҳиссасини қўшдилар.

а) Машраб асарлари, унинг ахлоқий-дидактик ҳикоялари, айниқса шоир ғазалиёти ўзбек фалсафий таълимотининг такомиллашишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Машрабнинг фалсафий шеърлари ўрта аср Шарқ адабиётида кенг тарқалган эди.

Машраб Шарқда машҳур бўлган Афлотун ва Аристотел таълимотини, инсоннинг вазифаси борликда, мавжудликда ўйлаш ва идрок этиш орқали худони билиш ва тан олишни, инсон ўз ақли, идроки ва тафаккури орқали худо номини дилига жо қилиб яшаш каби ғояларни тушунган ҳолда ижод этди.

Узоқ даврли маданий ривожланиш жараёнида Ўрта Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан Фарғоний, Фирдавсий, Рудакий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Улуғбек, Навоий каби файласуф олим ва шоирлар дунёқарашини Машраб янада ривожлантирди ва улар маънавий меросини чуқур ўзлаштириб, бойитди.

б) Машраб динни, диний аҳкомларни инкор этган эмас, аксинча, дин ва шариат қонун-қоидалари, муқаддас Қуръони карим қоидаларига амал қилишни таъкидлаган. Биз фақат бир ёқлама тартиб ва таҳлил натижаси боис аслида художўй ва комил мусулмон шоирни шаккок, даҳрий деб юзаки талқин этилиши туфайли ижоди ва шахси бузиб кўрсатилганлигини гувоҳи бўлдик.

Зеро, Машраб шайх Шибли ва Ғаззолий дунёқарашини, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд диний фалсафасини ва Хожа Исмоил ал-Бухорий, хазрати Хожа Убайдулло Аҳроп диний тафаккурини, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлятидаги руҳни, Абдулхолик Ғиждувоний ва пири комили Ҳидоятулло Офоқхожа тасаввуфий каломини ва Юсуф Ҳамадоний, Махдуми Аъзам диний-ислом тариқатини мукамал эгаллаган, уларнинг диний-фалсафий қарашларини ўзлаштирган мутафаккир эди.

в) Машраб яшаган даврда тасаввуф энг юқори босқичга кўтарилган эди. IX асрдан бошлаб Яқин Шарқ мамлакатларида, сўнгра Мовароуннаҳр, Хуросон ва Кавказда тасаввуф таълимоти вужудга келди ва тез ривожлана бошланди.

Бобораҳим Машраб тасаввуфнинг Мансур Ҳаллож, Аттор, Румий фалсафий дунёқараши ва гуманистик ғоялари тарғиб этилган оқимиға ва унинг тариқат шохобчаси — шайх ёки дарвишга шогирд тушиб, дунё лаззатларидан воз кечиб, маънавий муҳаббатни куйлаб, худони эсга олиб фикр юритувчи фалсафий-диний оқим қаландарияга мансуб мутафаккир шоир эди.

XVII—XVIII асрларда тасаввуфнинг қаландарлик тариқати Туркистонда кенг тарқалган. Қаландария ўз дастурини тасаввуфнинг яссавий ва нақшбандия таълимотидан олган эди. Тасаввуф ёки сўфийлик ислом дунёсида фалсафа, сиёсат, диний ахлоқ, санъат, хусусан шарқ мумтоз шеъриятига кучли таъсир кўрсатган таълимот эди.

Сўфий Ғаззолий дунёвий фалсафа ва дунёвий илм билан шуғулланиб муваққатий, руҳ, жон абадий эканлигини айтса, Жалолиддин Румий ҳақиқатга эришиш йўлида «Мен»лигини йўқотмади.

Тасаввуф йўлидан борган Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий ва Бобораҳим Машраб шу йўлда ўзлигини йўқотмаганликлари учун қурбон бўлган эдилар. Чунки бу йўл Ҳаққа етишиш ва Ҳақиқат йўли эди.

г) Машраб Хожа Ҳофиз, Лутфий, Насимий, Жомий, Навоий каби Шарқ мутафаккирлари фалсафий-ахлоқий таълимини чуқур ўрганган эди. Мутафаккир салафлари сингари шеъриятда юксак ахлоқий покликни тарғиб этди.

Мутафаккирнинг «Мабдаи-нур» ва «Кимё» асарлари ахлоқий, илмий, тасаввуфий-фалсафий аҳамиятга эга бўлиб, улар Машраб дунёқараши маҳсули эди. Машраб бу асарларида ўтмишдошлари ва маънавий устозлари Ҳофиз ва Навоий, Лутфий ва Бобур ижтимоий-сиёсий тасаввуфидаги Насимийга хос ахлоқий, эстетик қарашларни ҳам асарларида тарғиб этди.

Айтиш мумкинки, Машраб тасаввуф ахлоқининг жами кўринишларини ўзида мужассам этган, борлигини Ҳақ йўлига тиккан мутасаввиф мутафаккир эди. Тасаввуф бу — софлик тариқатидир. Машраб шу тариқатнинг XVII—XVIII аср Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги йирик вакили эди. У умидсизликни куфр санаган файласуф эди.

Машраб ҳаётлик вақтидаёқ кенг тарқала бошлаган асарлари кейинги даврларда янада шуҳрат қозонди, қатор адиблар ижодига ўз таъсирини кўрсатди. Нодира ва Қорийлар, Равнақ ва Дилшодлар, Фурқат ва Андалиблар мутафаккир разалларига мухаммас ва татаббулар яратдилар, Машраб номини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олдилар.

Бобораҳим Машраб бой ва кўп асрлик адабиётимиз тарихига жўшқин, жарангдор ва таъсирчан фалсафий ғазаллар муаллифи сифатида мавжуд тузум шароитининг қатор иллатларини баъзи, риёкор арбобларнинг ярамас фаолиятларини фош этувчи шахс сифатида кирди ва сезиларли из қолдирди.

Мутафаккир ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий ва ахлоқий қарашларини таҳлили шуни кўрсатадики, у ахлоқ ва ижтимоий муаммоларни талқин этишда илғор позицияда бўлган.

Машраб даврининг ижтимоий масалаларини ечишда умуминсоний ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳал қилишга интилди.

Мутафаккирнинг умуминсоний илғор ҒОЯ ва қарашлари ўз даврида эмас, балки кейинги даврларда яшаган файласуфлар дунёқарашининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Машраб қолдирган мерос тожик, форс, рус, немис, француз тилларига таржима қилинди.

Машраб ўз замонасининг ишёқмас, ғаразгўй, ахлоқсиз кишиларини ҳажв тиғига олди, мазлум халқнинг қашшоқ ҳаётига бефарқ қаролмади ва золимларга нафрат ўқиди.

Мутафаккир ўз асарлари воситаси билангина ҳокимларнинг ақлига таъсир этмоқчи бўлди, халқ яхши яшаши учун подшолар адолатли ва мурувватли бўлишини, фаннинг ривожланиши халқ турмушини яхшилашини ва давлатни мустаҳкамлашини орзу этди.

Машрабнинг ижтимоий қарашлари маълум маънода илмий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Мутафаккир дунёвий билимларни ва маърифатпарварликни оташин овоз билан куйлади.

XVII—XVIII аср Ўрта Осиёдаги тараққийпарвар, ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожини Машрабсиз, унинг ижодисиз тасаввур қилиш қи-йин.

Машрабга тааллуқли барча манбаларда унинг номи Раҳимбобо деб қайд этилган. Садриддин Айний ва Фитрат тадқиқотларида ҳам Раҳимбобо деб аталган, кейинчалик номи ўзгартирилиб, Бобораҳим деб атала бошланди. Аслида Машрабнинг ўзи ҳам ўз номини:

*Чину Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ходийини, толиби роҳ-барор ўзум,-*

тарзида Раҳимбобо деб атайди. Шундай экан, биз шоирнинг номини ўзи айтганидек, Раҳимбобо ёки Валибобо ўғли Раҳимбобо ёхуд Раҳимбобо Валибобо ўғли Машраб тарзида ишлатсак дуруст бўлади.

Раҳимбобо ўзига Офокхожа томонидан Машраб тахаллуси қўйилганлигини бир неча шеърларида такрорлайди:

*Қуддиса сирриҳу хожам отимни Машираб дедилар,
Қошгару Ёрканд ичида Машираби мўътабар ўзум.*

Ёки:

*Рози бўлдум қазога: Отинг — Машираб, дедилар,
Нафсим куйди бу ўтга, Хўблар: Шароб, дедилар,
Йўлда ҚОЛҒОН гумроҳни тирим: Хушлаб, дедилар,
Осий жофий қул эрдим, хожам: Ташлаб дедилар,
Кечтим мовуманидин, манда илат қолмади¹.*

Шоир халқ орасида «Девонаи Машраб» лақаби ила машҳурдир. Жанобнинг ўзлари ҳам кўп шеърларда бу лақабни қўллайди. «Девона», айнан олганда, ақл-хушини йўқотган жинни, яъни жин урган маъносини беради. Бироқ халқ «девона» сўзини Машрабга нисбатан эркалаш, ҳурмат мазмунида қўллаган. Зеро, бу сўз ҳозир ҳам айрим нафу зиёнини билмаган, ҳеч кимга озор бермайдиган, бошқалар учун

¹ «Ёзувчи газетаси», 1998 йил, 5 август.

куйиб-пишиб юрадиган содда табиатли одамлар учун айрича бир мухаббат билан айтилади. «Қис-са»лардаги ривоятларда ҳам Машрабга мурожаат қилган шахслар тилида у «Эй девона», «девозагинам» ва ҳоказо тахлитда талқин қилинган. Баъзи ўринларда шоирнинг дунёқарашига зид тушунчага эга бўлган гумроҳлик, мутаассиблик, молу дунё, шуҳрат, мансаб, насаб ортидан мағрурланиш каби иллатларга мубтало бўлган шахслар тилида у тўғридан-тўғри ҳақорат, менсимаслик маъноларида «эй, жин урган девона, банги, қаландар» каби нописандлик йўриғида истифода этилган. Хуллас, «Машраби девона»ни қуйидагича шархдаш мумкин:

Машраб-яхши феъл-атвор;

Машраб-гўзал табиатли;

Машраб-гўдакдек покиза, маъсум, беайб-беғуноҳ;

Машраб-яхши хислатли; Машраб — эзгу ўй-фикрли;

Машраб-эзгуликка чорловчи, илоҳий мухаббатни тараннум этувчи;

Машраб-барча мўъминларга маънавий баҳра берувчи;

Машраб-миллат ва дин равнақи, эҳтиёжи учун насиба этиб Оллоҳ томонидан фазилатлар ва кароматлар соҳиби, модоризод авлиё қилиб яратилган, элни ислом ахлоқи асосида яхши табиатли, хушхулқ қилиб тарбиялашга, чанқоқ қалбларга ўзининг феъл-атвори, хусусияти, яратган асарлари билан наф етказувчи ва ниҳоят Оллоҳ ишқи кўйида хонумонидан, дунёвий орзу ҳавасларидан, ўзлигидан, бу фоний дунёда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан мосуво мард ва фидойи ошиқу девона.

Профессор Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг эътироф этишича, «Кимё», Машрабнинг «Мабдаи-нур»дан кейинги тасаввуфий, ахлоқий-тарбиявий, маснавий усулида ёзилган шеърий асари. «Кимё» асли юнонча сўз бўлиб, мис, қалайи каби қиймати паст маъдан жисмларни олтинга айлантириш тушунчасига эга. Фалсафий маънода қимматбаҳо тош иксир. Барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб фараз қилинган. Кимё илми ажойиб, ноёб, нодир нарса. Тасаввуф тушунчасида ғилу ғашдан ариган, сўфийликнинг ҳамма машаққатли йўлларида ўтиб тобланган, покланган инсон. Камолга эришган улуғ зот пирнинг назари таъсири ҳам кимё.

Фавқулудда таъсир кучига эга бўлган нарсалар ишқ, ошиқлик, унинг азобларига бардош бериш ҳам кимё.

«Кимёйи вужуд» — инсон вужудини ҳамма иллатлардан, гуноҳлардан покловчи, тозаловчи кимё. Алишер Навоий шундай деган:

*Чу ҳиммат эрур кимёйи вужуд
Ки андин топар эътибор аҳли жуд.*

Мумтоз шоирларимиз, айниқса тасаввуф йўлидан борган Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабилар шеърида кимё сўзи Оллоҳга яқинлашиш, унинг дийдорига мушарраф бўлиш учун тасаввуфнинг ҳамма машаққатли, оғир сулукларидан чидам-бардош билан ўтиб нафсни тамоман ўлдириб, дунё хирсу хавосидан воз кечиб қалбан ва руҳан покланиш, камолга етиш маъносида кенг қўлланилган¹.

Ислом тарихидан маълумки, ҳар бир тариқатнинг асосчиси ўз муридларида бўлган хирсу хаво, манманлик, нафс каби иллатларни йўқотишни тариқат йўлининг асоси қилиб олганлар. Мурид нечоғлик олиму билимдон бўлмасин, дафъатан ундаги нафс балосини йўқотмагунча комиллик пайдо бўлмаслигини, ўзликдан тўлиқ воз кечмагунча мақсадга етиш амри маҳоллигини сўз билан ифодалаб бўлмас даражада англаганлар. Инсондаги икки нафс ҳамма иллатларнинг манбаи ҳисобланади. Шу нафс балоси одамларни бошқалардан кўра ушбу ўткинчи замонда яхши яшашга ҳар доим ундаб туради. Бунинг оқибатида очкўзлик, ўғрилиқ, қаллоблиқ, қотиллик, мағрурлик ва ҳоказо минг-минглаб чиркинлар-худо беҳабарликлар юзага келади...

Офокхожа Машрабнинг хирс томирини куйдирмаганида, уни фақат Оллоҳ дарди билан яшашга йўлламаганида бизга бундай буюк маънавий неъмат-унинг бетакрор шеърий мероси балки қолмасмиди.

¹ «Наманган ҳақиқати» 1998 йил. 23 май.

Раҳимбобо Машраб ҳам, Офоқхожа ҳам бу гуноҳнинг ғойибона сирларидан воқиф эдилар. Машраб бу гуноҳни «Мақбули Ҳидоят бўлайин деб» қилган бўлса, Офоқхожа Машрабни миллионлаб мўъмин мусулмонларни ҳидоят йўлига чорловчи, уларнинг кўнглидаги чиркинатни, ғуборни тозаловчи, аритувчи, ва ниҳоят, унинг ўзини ҳам Оллоҳга яқинлашувини истагани ҳолда жазолаган, деб тахмин қилишимизга тўғри келади. Бунга рад этиб бўлмайдиган гувоҳ пири вафотидан кейин ҳам шоирнинг уни қўмсаб ўнлаб бетакрор шеърлар ёзиб қолдирганидир. Бундай садоқат ҳозирги ва бундан кейинги даврларда бўлажак илм толиблари, шогирдлар учун ҳам ибрат бўлиб ҚОЛМОҒИ лозим¹.

Машраб ўзининг бетакрор, таъсирчан шеърлари билан халқ, орасида яшади. Обрўси, шеърятининг улуғлиги бутун-бутун мамлакатларга ёйилди. Аҳолининг турли қатламлари даҳо шоирнинг ҳар бир каломини мўътабар, табаррук ҳисоблайдилар. Зеро, дард кўрган юракдан чиққан сўз дардли юракларга малҳам бўлади.

Машраби девона инсон сурати таҳоратига эмас, қалб, кўнгил таҳоратига эътибор беради. Чунки одамнинг ташқи кўриниши топ-тоза, силлиқ бўлиши, аммо сийрати илон, чаёнлар билан тўлиб тошиб ётиши мумкин. Покиза хонадонга муттасил меҳмон келаверганидек, соф кўнгил уйига ҳам севги, садоқат, меҳр-муҳаббат, илҳом, раҳм-шафқат, адолат, тўғрилиқ, саховат, ризолик, мардлик, илм, шукр, тавба, камтарлик, сабр, нур отлиқ илоҳий меҳмонлар турғун бўлиб келадилар.

Ҳофизу Шерозий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Мунис, Огаҳий, Амирий каби шоирларнинг девонлари бизгача етиб келган. Афсуслар бўлсинки, Машрабнинг девони йўқ. У жаноб девон тартиб берган, тузган бўлишлари мумкин. Аммо ҳеч қаердан топилмади. Қўлимиздаги «Девон», «Қиссаи Машраб» ёхуд «Девони Машраб» ҳамда баёзлари асосида юзага келди. «Девонаи Машраб» қиссалари «Девонаи Машраб» деб ҳам юритилган. Уларда девонлик хусусияти йўқ. Булар ҳам

¹ «Ёзувчи газетаси», 1998 йил, 26 август.

насрий, ҳам шеърий йўлда яра-тилган дostonга ўхшайди. Шунинг учун «Қиссаи Машраб» деб ҳам аталган. Турли давр ва турли жойларда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилган. Шу сабабдан бирида бор бўлган бир шеър бошқа бирида умуман йўқ. Баъзиларида беш байтлик бўлса, бошқа бирида ўн байтни ташкил қилади. Матнлардаги чалкашлик ва хатоликлар ҳисобсиз.

Бобораҳим Машраб доимо халқ билан бирга яшади, унинг ғами билан ғам чекди, унинг руҳи билан ҳамнафас ижод қилди. Шоирнинг дили, дарди халқ кайфияти ва дарди билан бирга эди, юраги халқ дарди билан ёнарди. Юртма-юрт дунё кезиб юрар экан у ҳамма жойда «Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган», «тану дарду адамдин ёра бўлган,» «Дили тиғи ситамдин пора бўлган» халқни кўради. Уларга юрак-юракдан ачинади, уларнинг дарди-дилини куйлайди.

«Ўзумдек хонавайронларни кўрсам, зор йиғларман», «На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўтгум», «Бахти қаро яхши билур бахти қаронинг дардини», «Тошларни ёрди кўксимни охи» деб ёзади шоир улусга чуқур ҳамдардлик билан. Халққа меҳр-оқибатни, элга яхшилик қилиш ва эзгулик уруғини сепишни олийжаноб фазилат ва юксак инсоний бурч деб ҳисоблайди. Шоир уқтирадики:

*Мақоми қурбат ўтига кирсанг, ҳузур топсанг,
Ўзинг захроба ютгил, халқнинг комига шаккар тут,*

Шоирнинг халқ учун фидойилиги шу даражадаки, у ҳатто эл содир қилган барча гуноҳларни, бу гуноҳдар эвазига муқаррар бўлган жазо ва жафоларни ўз зиммасига олишга тайёр:

*Элни сазойи қилмагил, ёлғуз ўзимни айлагил,
Юрдиму кўрдим ҳаммани дунёда пур гуноҳ ўзум.*

Халқпарварлик руҳи Машраб шеърларининг мағзи-мағзига сингиб кетган. Булар чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлиб бутун

ситами дийдалар, дили поралар, бахти қаролар норозилиги ва нола зорини мужассамлантиради.

Наманганлик олим Алихон Халилбековнинг таъкидлашича, Машраб шеърятининг чин ва асосий мазмунини ҳақпарастлик, Оллоҳ жамолига шайдолик ташкил қилади. Шу билан бирга унинг шеърларида муҳаббат ҳам ишқнинг бир талқини сифатида намоён этилади. Шоир инсоний гўзаллик ва унга мафтунликнинг ўта чиройли манзараларини чизади:

*Оразинг — анвар, хатинг — анвар, лабинг — шаҳду
шаккар,*

Пистаи хандондур огинг, кўзларинг — бодоми тар,

Оразинг саҳни аро холи хатингдур жилвагар.

Бу назокат бирла, ҳай-ҳай, хуш келибсан дарназар

Гулмисан, булбулмисан, сунбулмусан, райҳонмисан?

Ширин сухану моҳибашар, хури лиқое,

Хусн аҳлига сардор,

Жонимнинг ҳалок этмак учун турфа балое,

Ул золими хунхор.

Беқиёс хусни гўзаллик, латофат, зўр маҳорат, зўр санъаткорлик билан тасвир этилган.

Машраб шеърлари мавзу ва поэтик жиҳатдан ранг-баранг. Унинг ижоди ўзбек адабиёти тарихида нурли, ёрқин саҳифадир. Шоир «Ўтдек туташиб» ёниб яшади ва оловқалб, оловсўз билан ижод қилди. Халқнинг дарди-дилини билиб куйлаши, «Халқнинг комига» муносиб ва ўта завқли асарлар яратиш маҳорати, лирик созининг ўзига хос кучли услуби, ундаги нозик, жўшқин ва равон оҳанглар, «Минг маънини бир нукта билан мухтасар» эта олишдек беқиёс истеъдоди туфайли халқ муҳаббатини қозонди, эл юрагидан чуқур жой олди¹.

Мустақиллигимиз шарофати билан чинакам халқ шоири, оташнафас санъаткор Бобораҳим Машрабга, унинг бой адабий меросига муносабатда муҳим ижобий ўзгаришлар юзага келди.

¹ «Наманган ҳақиқати» 1998 йил. 20 май.

Хатирчилик Машраб асарлари бўйича тадқиқотчи олим Жалололдин Юсуповнинг «Меҳрибоним қайдасан» сўнг сўзида эътироф этишича, Машраб замонасининг етук донишманди, диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган, тўғрисиўз, ғоятда покиза, ҳалол ва комил инсон эди. Шунингдек, у ҳеч қачон мутаассиб руҳонийлар ва ҳукмдор шахслар билан чиқиша олмаган. Халқни жаҳолатда ва кўрқувда сақлашдан манфаатдор бўлган бу шахсларнинг риёкорликлари, адолатсизликлари ва қонхўрликлари Машраб қалбини уларга нисбатан чексиз нафратга тўлдирган. Машраб адолатсизликлардан юзага келган ғазаб ва нафратини, дард ва аламини ичига ютиб, бир чеккада оҳу нола қиладиган ожиз шахс эмас эди. У жуда доно ва ҳажвиячилик қобилиятини ўзида мужассамлаган оловқалб, довюрак киши эди. Машраб ноҳақликни, адолатсизликни кўриб билиб, индамай бир четга чиқиб, шу ноҳақлик, адолатсизлик ҳақида кўз ёши тўкиб тушкун шеърлар ёзадиган шоирлар тоифасидан эмас эди. Ў халққа жабр-ситам ўтказаётган, уни алдаётган, кўрқитаётган, азоб-уқубатларга маҳкум этаётган золим ҳукмдорларни шу халқ кўзи ўнгида ҳеч аямай шарманда қиларди. Машраб бу шахсларнинг халқдан яширин тутган иллатларини, разилликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ҳажв тИҒИ остига олар эди. У рақиблар устидан ҳамиша маънан ғалаба қозонган¹.

Машрабшунос Ж. Юсупов шундай дейди: «Машрабдаги маънавий қобилиятнинг-салоҳиятнинг қудратлилиги ва унинг адолатсизликка қарши қаратилганлиги ҳукмрон табақа вакилларини даҳшатга солар эди. Шунинг учун улар Машрабни ўлдирдилар. Машрабни жисмонан ўлдиришни уддалаганлар уни маънан йўқ қила олишдан, унинг халқ қалбида ўрнашган муҳаббатини сўндиришдан ожиз қолдилар»².

Машраб халқнинг руҳий раҳбари эди. «Доноларнинг ижоди, — дейди рус танқидчиси В. Г. Белинский, — табиат каби мангудир, чунки бу ижод у ёки бу даврнинг санъат ҳақидаги ўткинчи ва шартли тушунчаларни эмас, балки негизи ижоди

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. 354-бет.

² Ўша манба, 312-бет.

калбида яширинган табиат қонунияти каби абадий ва мустаҳкам ижодиёт қонуниятларига асослангандир: чунки унда сарой ёки жамиятнинг у ёки бу давридаги, у ёки бу халқдаги ғоялар эмас, балки инсон ва инсониятнинг улуғ ғоялари намоён бўлади. Даҳо ўз моҳиятини англаган табиатнинг тантаналироқ ва қудратлироқ намоён бўлишидир: кам асрларгина бу қуёшлар билан равшан бўлди, озларнинггина осмонида бундай қуёш-лардан бир нечаси зиё таратди»¹.

Машраб фалсафасидаги шижоат руҳининг кучлилиги, унинг ўз мустақил овозини ана шу тарихий ижтимоий-сиёсий муҳитга боғламоқ лозим.

Тафаккур дурдоналари қолдирган, халқни ноҳақлик ва адолатсизликка даъват этган изчил курашчи Машраб шеърини ўз аҳамиятини йўқотмай халқ юрагига янада чуқур кириб бормоқда. «Халқимиз республика ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз»².

Президент И. А. Каримов таъкидлаб ўтган мутафаккирлар юбилейлари ўтказилмоқда. Жумладан, Бобораҳим Машрабнинг 350 йиллик юбилеи унинг номига бунёд этилган Намангандаги 60 гектарлик боғда ва мустақил Республикамизда 1991 йил май ойида нишонланди. Ҳар йили май ойида Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида, айниқса Машраб таваллуд топган Наманган шаҳрида машрабхонлик кечалари бўлиб ўтмоқда.

¹ В. Г. Белинский. Адабий орзулар. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1977, 238-бет.

² И. А. Каримовнинг Ўзбекистон ХДП қурултойида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 1990 йил, 5 июн.

Машраб идрок қуввати билан ўз даври улуғ ҳақиқатини файласуф мутафаккир сифатида тушуниб етди, халқ дардига шерик бўлди ва уларга маънавий раҳнамолик қилди.

Машрабнинг буюклиги шундаки, у халқ дилини яқиндан билар эди. Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиб фақат шунинг учун ижод қилди ва яшади.

Машраб чин ҳаёт одами бўлиб, чин заминда туриб, ўз нуқтаи назари билан ўша жамият руҳиятини ифода этди. Мутафаккирнинг бой фалсафий-ахлоқий мероси, унинг панд-насихат тарзидаги қарашлари бугунги кунгача ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмай келаётганлиги сабаби ҳам шунда.

РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: 3-жилд. Ўзбекистон, 1996 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Асарлар. 6-том, 1998 йил.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент: Ўзбекистон 1999 йил.
5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – Тошкент: Фидокор. 2000 йил, 8 июн.
6. Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Тошкент: “Маънавият”, 2008.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адабиёт ва санъат. Адабий-танқидий мақолалар.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 йил,-(280).
2. Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2007 йил , № 4, № 5.- (202).
3. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001 йил, (190).
4. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил, - (180).
5. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар.-Тошкент: «Ўқитувчи», 1998 йил,-(216).
6. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил, - (160).
7. Абдуқодир Ҳайитметов. Адабий меросимиз уфқлари.-Тошкент: «Ўқитувчи», 1997 йил,-(240).
8. Абдуқодир Ҳайитметов. Табаррук излар изидан.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил,- (152).

9. Абдуқодир Ҳайитметов. Шарқ шеърятининг ижодий методи тарихидан.-Тошкент: Фан, 1970йил,-(330).
10. Абдуқодир Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти.-Тошкент: 1993 йил, — (132).
11. Абулғозий. Шажараи турк.-Тошкент: Чўлпон, 1992 йил,-(190).
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Тошкент: Ўқитувчи, 1992 йил, - (160).
13. Абдулла Жаббор. Кўрголи келдим.-Наманган: 2000 йил, — (120).
14. Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, Шоҳ Машраб? — Наманган: 2007 йил,-(52).
15. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. — Тошкент: 2000 йил, - (172).
16. Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980 йил,-(348).
17. Абдуллаев В. Сайланма.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.-1982 йил,-(440).
18. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. — Тошкент: Маънавият, 2000 йил, — (208).
19. Абдурахмон Жомий. Сайланма.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил,-(481).
20. Абдусамедов А. таҳрири остида. Диншунослик асослари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил, - (250).
21. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. —Тошкент: Мерос, 1993 йил, — (224).
22. Абу Тохирхожа. Самария. — Тошкент: Камалак, 1991 йил, —(336).
23. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2000 йил, - (366).
24. Алиқулов Ҳайдар. Жалолиддин Давоний. — Тошкент: Ўзбекистон, 1992 йил, - (72).
25. Алиқулов Ҳ. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана.-Тошкент: Фан, 1992 йил,-(100).
26. Алиқулов Ҳ. ва бошқ. Маънавий ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида.-Андижон: 2003 йил, — (110).

27. Аликулов Х. изоҳлари билан. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. – Тошкент: Адолат, 1995 йил, - (46).
28. Алимасов Виктор. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Тошкент: Маънавият, 2001 йил, - (112).
29. Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани.- Наманган. 2007 йил,-(468).
30. Алишер Навоий. Вақфийя.-Тошкент: Фан, 1991 йил, - (107).
31. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. - Тошкент: Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти. 1958 йил, – (464).
32. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. -Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976 йил,-(112).
33. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. — Самарқанд: Зарафшон нашриёти. 1990 йил,-(254).
34. Алишер Навоий. Сирожу-л-муслимийн.-Тошкент: Мерос, 1993 йил, (112).
35. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001 йил, - (518).
36. Анатолий Сагдулаев, Бобур Аминов, Ўктам Мавлонов, Наим Норкулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000 йил, - (272).
37. Аристотель. Поэтика. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил,-(118).
38. Асқаров А. таҳрири остида Ўзбекистон ҳақлари тарихи. I жилд. – Тошкент: Фан, 1992 йил, - (188).
39. Асқаров А. таҳрири остида Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (256).
40. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992 йил,-(208).
41. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Тошкент: Ғ.Ғулом ноимдаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1991 йил, - (256).
42. Аҳмадбоева М., Иброҳимова С. Ўзбек адабиёти:-Тошкент: Ўқитувчи, 1985 йил,-(321).
43. Аҳмаджон Бобомурод. Ислом одоби ва ахлоқи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002 йил, - (160).
44. Аҳмаджон Бобомурод. Комил инсонлар йўлидан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003 йил, - (152).

45. Аҳмедов Бўрибой. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001 йил, - (352).
46. Баратов М. Материализм дунёни қандай тушунади?
47. Баратов М. Материализм дунёни қандай тушунади? – Тошкент: Ўзбекистон. 1967 йил, -(114).
48. Баратов М. Ўзбекистонда маърифатчилик: – Тошкент: 1961 йил, — (95).
49. Баратов М. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ахбороти: – Тошкент: 1960 йил, - (34).
50. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: 1999 йил, - (244).
51. Бертальс Е.Э. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти. – Тошкент: 2006 йил, - (104).
52. Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент: Фан, 1973 йил, - (145).
53. Билиш назараяси масалалари. – Тошкент: Фан, 1975 йил, - (208).
54. Бобобеков Х., Каримов Ш., Содиков М., Усмонов Қ., Холбоев С., Шамсуддинов Р. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил, - (400).
55. Бобораҳим Машраб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991 йил, - (96).
56. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил, - (416).
57. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (316).
58. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (48).
59. Бозоров О., Худойкулов А. Ахлоқий кадриятлар ва ислом. — Самарқанд, Зарафшон, 1992 йил, -(76).
60. Боқирғоний Сулаймон. Боқирғон китоби. Тошкент: Ёзувчи, 1991 йил, -(179).
61. Болтабоев Ҳамидулла. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004 йил, - (192).
62. Болтабоев Ҳамидулла. Ислом тасаввуфи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005 йил, - (400).

63. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 йил, - (141).
64. Валиев М. Ахлоқий поклик ва маънавий гўзаллик.- Тошкент: Ўзбекистон, 1974 йил,-(72).
65. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослик тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993 йил, - (192).
66. Валихўжаев Б., Тохиров Қ. Ўзбек адабиёти тарихи. (XVI аср). – Самарқанд: 2002 йил, - (162).
67. Васлий Самарқандий. Ал-калом-л-афҳам фий маноқиби-л-имоми-л-аъзам.-Тошкент: 1991 йил, -(64).
68. Дунёни ўзгартирувчи таълимот.-Тошкент: Ўзбекистон, 1962 йил,-(424).
69. Жабборов И. Рухий олам: Жаҳолат ва камолот.-Тошкент: Ўзбекистон, 1988 йил,-(392).
70. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (368).
71. Жалолов Омонбек. Офокхожа маноқиби.-Андижон, Ҳаёт, 2001 йил, – (66).
72. Жалолов Т. Нафосат оламида. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил, - (274).
73. Жалолов А. масъул муҳаррир.Фалсафа қисқача изоҳли луғат.-Тошкент: Шарқ, 2004.- (384).
74. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдаир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997 йил, - (192).
75. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (182).
76. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари, Тошкент: Ўзбекистон, 1980 йил,-(248).
77. Жўраев Зафаржон. (тузувчи муаллиф) Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар – Тошкент: Ўқитувчи, 1994 йил, - (334).
78. Жўраев О. Ўзбекистон классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик.-Тошкент: Фан, 1985 йил,-(80).
79. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи – Тошкент: Шарқ, 1998 йил, - (174).
80. Зиёмуҳаммадов Бўри. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2006 йил, - (352).

81. Зоҳидов В. Танланган асарлар. 1-жилд.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Ёш гвардия, 1976 йил,- (410).
82. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби.-Тошкент: Ўзбекистон, 1970 йил,-(494).
83. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Тошкент: Давлат бадиий Адабиёт нашриёти, 1961 йил, - (268).
84. Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадиият тароналари – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 йил, - (464).
85. Зуннунова А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978 йил, - (160).
86. Иброҳим Адҳам қиссаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1991 йил, - (208)
87. Идиоров У., Ғозиев С. Аждодларимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашлари. – Тошкент: 2003 йил, - (60).
88. Иззат Султонов. Пьессалар, мақолалар. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959 йил, - (372).
89. Илёсхон Ғозий. Маҳмуди Аъзам Имом ал-Косоний. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил, - (152).
90. Ислом. Справочник.-Тошкент: 1989 йил,-(208).
91. Ислом динининг асослари.-Тошкент: Мерос нашриёти, 1991 йил, (121).
92. Исомиддин Салоҳий. Эзгу сўз қудрати.-Самарқанд: 2004 йил, – (176).
93. История Узбекистана.-Тошкент: Фан, 1993 йил,-(220).
94. Исҳоқов Ё. Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 йил, - (121).
95. И. Сувонкулов. Қалб гавҳари. Сайланма.-Тошкент: «Янги аср авлоди»,-(274).
96. Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи.-Тошкент: “Фан”, 2006 йил,-(240).
97. Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам, -Тошкент: Ёш гвардия, 1989 йил,-(207).
98. Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. -Тошкент: Ёш гвардия, 1990 йил,-(208).

99. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996 йил, - (272).
100. Комилов Н. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил, - (206).
101. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Тошкент: Фан, 1993 йил,-(48).
102. Каримов Р. Халқ, тарих, адабиёт.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил,-(312).
103. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед.-Самарқанд. Сўғдиёна, 1994 йил, – (94).
104. Ликошин М. Дивана-и Машраб, Средня Азия.-Тошкент: 1910 год,-(240).
105. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. – Тошкент: Фан, 1968 йил, - (54).
106. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. - Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.- (384).
107. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. -Тошкент:Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-(148).
108. Машраб шеърятидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979 йил, - (126).
109. Машраб. Девон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, - (352).
110. Машраб. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006 йил, - (608).
111. Машраб. Избранное. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980 год, - (158).
112. Машраб. Танланган асарлар. – Тошкент: 1963 йил, - (127).
113. Машраб. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил, - (192).
114. Махмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 2000 йил, - (94).
115. Махдуми Аъзам Дахбедий. Зубдат ус-салотин. Сўғдиёна, 1994 йил, – (76).
116. Маҳкамов Улфат. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (136).

117. Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001 йил, - (128).
118. Маҳмудов М. Ҳайрат ва тафаккур.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил,-(192).
119. Мирзааҳмедова М. Хожа.-Тошкент: Фан, 1975 йил,-(136).
120. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар.-Тошкент: 1986 йил,-(110).
121. Мирзо Бедил. Рубоийлар.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил,-(108).
122. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси.-Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 йил,-(207).
123. Муртозаева Т. Ҳ., Эшов Б. Ж., Жолдасов Б., Тожиева М.У, Ҳайдаров М.М., Полвонов Н., Ражабов Қ., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2000 йил, - (164).
124. Мусурмонов Эркин Раббимович. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати.-Самарқанд: 1995 йил, – (24).
125. Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия.-Тошкент: Ўқитувчи. 1989 йил,-(94).
126. Муҳаммад Юсуф мунши. Мукумханская история.-Ташкент: Фан, 1956 год,-(222).
127. Муҳиддинов М. «Хамса»ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири.-Самарқанд: 2001 йил, – (840).
128. Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 1995 йил, - (60).
129. Муҳсин Зокирий. Машраб. Адабий-танқидий очерк. . – Тошкент: 1966 йил, - (178).
130. Муҳсин Зокиров. Эрк ва маърифат куйчилари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, - (130).
131. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.-Тошкент: Фан, 1993 йил,-(56).
132. Мўминов И. Танланган асарлар. 1-жилд.-Тошкент: Фан, 1969 йил (496).

133. Мўминов М. бош муҳаррирлиги остида. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 1970 йил, - (768).
134. Мўминов М. Мирзо Бедил. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974 йил, - (20).
135. Навоий ва адабий таъсир масалалари.-Тошкент: Фан, 1968 йил,-(357).
136. Назаров Қ. (тузувчи) Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамғармаси нашриёти, 2004 йил, - (472).
137. Насимий. Асарлар.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил,- (232).
138. Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979 йил, - (184).
139. Низомиддинов Н.Ғ. Шарқий Осиё диний фалсафий таълимотлари ва ислом. – Тошкент: ЎзФА Давлат Адабиёт музейи, 2006 йил, - (152).
140. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. – Тошкент: Фан. 1991 йил, - (124).
141. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшук.-Тошкент: Фан, 1991 йил,-(80).
142. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 йил, - (216).
143. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976 йил, - (120).
144. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993 йил, - (34).
145. Останакулов Исомиддин нашрга тайёрлаган. Авлиёлар султони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил, - (256).
146. Очилов Эргаш таржимаси. Муҳаббат тароналари. - Тошкент: “Шарқ”, 2005.- (432).
147. Петрушевский И. Н. Ислам в Иране в XII-XV вв.- Москва: 1934 год.- (204).
148. Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкират уш-шуаро.- Тошкент: 2006 йил,-(184).

149. Рафиддинов С., Раҳимова З. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 1993 йил, - (88).
150. Раҳматилла Иноғомов. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари.-Тошкент: Камалак, 1995,-(66).
151. Роузентал Ф. Торжество знания,-Москва: 1978 год.-(183).
152. Сағдулаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия. 2000 йил, - (272).
153. Сағдуллаев А.С., Эшов Б Ж. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Университет, 1999 йил, - (338).
154. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил,-(80).
155. Самарқанд тарихи. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1971 йил, - (484).
156. Сўфи Оллоёхр. Сабот ул-ојизин.-Тошкент: Мехнат, 1991 йил,-(203).
157. Тафаккур чечаклари. Фан. 1992 йил,-(83).
158. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт-матба бирлашмаси, 1991 йил, - (112)..
159. Тилаб Маҳмуд. Комиллик асрорлари. – Тошкент: Адолат, 2006 йил, - (96).
160. Турсунов Х., Бекназаров Х. Ўзбекистон тарихи.-Тошкент: Ўқитувчи, 1982 йил,-(264).
161. Тўланов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил, - (380).
162. Тўланов Жондор. Қадриятлар фалсафаси. Ўзбекистон, 1998 йил, – (336).
163. Умар Хайём. Рубоийлар.-Тошкент: 1981 йил,-(302).
164. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Тошкент: “Истиқлол”, 1999 йил,-(180).
165. Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. - Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2004.-(152).
166. Усмонов Қ., Содиков М., Олламуродов Н. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 йил, - (280).
167. Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё. “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”.-Тошкент:. 1997 йил,-(176).

168. Фалсафа қомусий лугати. – Тошкент: Шарқ, 2004 йил, - (496).
169. Философия лугати.-Тошкент: Ўзбекистон, 1976 йил, - (640).
170. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2003 йил, - (352).
171. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт.-Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2004 йил, -(264).
172. Шукуров Шавкат. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. - Тошкент: «Фан», 1979 йил, -(128).
173. Шухрат. Машраб. -Тошкент: «Шарқ», 1998 йил, -(304).
174. Шодиев Эргашали. Алишер Навоий ва унинг салафлари. -Ленинобод: 1967 йил, – (53).
175. Шоҳ Машраб қиссаси. – Тошкент: Шарқ, 1991 йил, - (56)
176. Шоҳ Ҳаким Холис. Меърожнома.-Тошкент: Меҳнат, 1992 йил, -(32).
177. Юсупов Э. Ю. умумий таҳрири остида. Фалсафа. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (295)
178. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-жилд.-Тошкент: Фан, 1978 йил- (464).
179. Ўзбек адабиёти тарихи. Ш-жилд.-Тошкент: Фан, 1978 йил, -(381).
180. Ўзбек Совет энциклопедияси. 14-жилд.-Тошкент: 1990 йил, -(69).
181. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд.-Тошкент: Фан, 1970 йил, - (764).
182. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд.-Тошкент: Фан, 1992 йил. (181).
183. Қаюмов А. Садди Искандарий.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 йил, -(196).
184. Қиссаи Машраб. – Тошкент: Ёзувчи, 1992 йил, - (174).
185. Қуръони карим. – Тошкент:-Тошкент: ислом Университети нашриёти. 2001 йил, - (619).
186. Ғ. Ғулом. Х1-жилд. Адабий-танқидий мақолалар.- Тошкент: Фан, 1989 йил, -(196).
187. Ғафуров Ғуломхон. Шарқ жавоҳирлари. – Тошкент: Маънавият, 2000 йил, - (184).

188. Ғафуров Иброҳим. Ҳаё-халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2006 йил, - (348).
189. Ғозиев С., Жавлонов Т., Холбўтаев Э. Маънавий комиллик сирлари. – Тошкент: Истиқлол, 2005 йил, - (72.)
190. Ғозиев Сирож. Подшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил, - (116).
191. Ҳадис. IV-жилд.-Тошкент: 1992 йил,-(560).
192. Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи волидия.-Тошкент: Ёзувчи, 1991 йил,-(16).
193. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил,-(152).
194. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.-Тошкент: Фан, 1970 йил,-(332).
195. Хайридин Бегматов. Девона Машраб. Шарқ.-Тошкент: 2005 йил,-(270).
196. Хайруллаев М. М. Абу Наср Форобий.-Тошкент: Фан, 1961 йил,- (90).
197. Хайруллаев М. М. УЙҒОНИШ даври ва Шарқ мутафаккири.-Тошкент: Ўзбекистон, 1971 йил,-(312).
198. Хайруллаев М. М. Форобий.-Тошкент: Ўзбекистон, 1991 йил,-(79).
199. Хайруллаев М. масъул таҳрири остида. Ўрта осие халқлари ҳурфикрлилиги тарихидан. – Тошкент: Фан, 1990 йил, - (188).
200. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971 йил, - (312).
201. Хайруллаев М. Ўрта Осиеда илк уйғониш даври маданияти. – Тошкент: Фан, 1994 йил, - (78).
202. Хайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 йил, - (144).
203. Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил, - (240).

204. Хайруллаев М. М. Ислом, тарих ва маънавият. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.-Тошкент: 2000 йил,- (112).

205. Ҳамиджон Ҳомидий. Қўхна шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил, - (350).

206. Ҳамиджон Ҳомидий, Маҳмуджон Маъмуров. Наманган адиблари. “Фан”, -Тошкент: 2007 йил,-(280).

207. Ҳамиджон Ҳомидий нашрга тайёрловчи. Олими нуқтадон ўзум. -Тошкент: 2006 йил,-(160).

208. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004 йил, - (206).

209. Ҳамроева Д. Ю. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2004 йил, - (23).

210. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 йил,-(251).

211. Ҳаққулов Иброҳим. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998 йил, - (160)

212. Ҳаққулов Иброҳим. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007 йил, - (336)

213. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи.-Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил,-(96).

214. Ҳофиз Хоразмий. Девон, 1-китоб.-Тошкент: 1981 йил,- (304).

215. Ҳошимхонов М., Тўрақулов Х., Ибрагимова Г., Усмонов Н., Ғозиев С. Нур Шарқдандир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 йил, – (252).

216. Ҳошимхонов М., Тўрақулов Х., Хушвақтов Н., Равшанов О., Ибрагимова Г. Истикболли педагогика асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 йил, - (138).

217. Ҳошимхонов Мўмин. Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти. – Тошкент: 1994 йил, - (210).

218. Ҳошимхонов Мўмин. Маънавият илдизлари. – Тошкент: 2002 йил, – (88).

219. Ҳошимхонов Мўмин. Машраби мўътабар ўзум. Монография. – Тошкент: Шарқ, 2001 йил, – (144).

220. Ҳошимхонов Мўмин. Машраби мўътабар ўзум. Монография. Иккинчи жилд. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил, - (204).

221. Ҳошимхонов Мўмин. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил, - (112).

222. Машраби мўътабар ўзум”. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадиий адабиётдаги талқини. XVII-XVIII асрлар). Монография. III- жилд, -Тошкент:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008).

МУНДАРИЖА

Бу олам аҳли ичра, дил паришон ўлмасун ҳеч ким!

Кириш.....	
XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт Ижтимоий-иқтисодий аҳвол.....	
Маданий-маънавий ҳаёт.....	
Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаолияти ҳақида манбалар ва унинг ижодий мероси.....	
Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий хусусиятлари ва илдизлари.....	
Машрабнинг исломга бўлган муносабати.....	
Машрабнинг тасаввуфга бўлган муносабати.....	
Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари.....	
Хулоса.....	
Адабиётлар рўйхати.....	

МУМИН ҲОШИМХОНОВ

МАШРАБИ МУЎТАБАР ЎЗУМ

Биринчи китоб

(Тўлдирилган иккинчи нашри)

Мухаррир *Ҳ.НИШОНОВ*
Техник муҳаррир *Д.ТОЖИАЛИЕВ*
Мусахҳих *С.АБДУВАЛИЕВ*
Саҳифаловчи *О.МУХТОРОВ*

Босишга рухсат этилди 07.05.2008

Бичими 84X108 1/32. Ҳажми 7 б.т. Адади: 1000. Буюртма №

Оригинал макет ва дизайн «Tafakkur plus» масъулияти чекланган
жамиятида тайёрланди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33